



# Шарк юлдузи

Оалик,  
адабий-бадiiй,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал

# 2

1984

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

53-аил чиқиши

## Мунгарижа

**ТИНЧЛИК—БУЮК САОДАТ**  
КПСС Марказий Комитети  
Бош Секретари, СССР Олий  
Совети Президиумининг,  
раиси Ю. В. Андроповнинг  
баёнотидан  
2

**Иброҳим Раҳим**  
Огоҳ бўлинг, одамлар  
3

**Борис Тихомолов**  
Аср нидоси  
5

**Одил Екубов**  
Ақл-идрок тантана қилади  
8

**ШЕЪРИЯТ**  
Туроб Тўла  
Толем торига минг қуллук  
9

**Маишраб Бобоёв**  
Қулоқ тутинг сукунатга  
33

**Анвар Исроилов**  
Она дунё, кўзларга нур  
бўлиб жойлан  
37

**Шукур Қурбонов**  
Ҳайрат елканларин кўтариб  
баланд  
40

**Восит Саъдулла**  
Хушхабар  
101

**НАСР**  
Ҳабибулло  
Ҳиёнат. Ҳикоя  
14

**Евгений Березиков**  
Қизил Бухоро. Роман  
45

**БОЛАЛАР ДУНЕСИ**  
Тўра Сулаймон  
Харсанг. Эртак  
104

**«ЗАМОН ВА  
ИЖОБИЙ ҚАҲРАМОН»**  
Назир Сафаров  
Мирмуҳсин  
Лазиз Қаюмов  
Журнал анкетаси  
саволларига жавоблар  
110

**ПУБЛИЦИСТИКА**  
Абдурашид Пардаев,  
Набижон Тожибоев  
Қайинзордан эсан шабада  
116

**РУС АДАБИЕТИ —  
МАҲОРАТ МАКТАБИ**  
Ҳамид Олимжон  
В. В. Маяковский ҳақида  
125

**САНЪАТ**  
Феруза Раҳматуллаева,  
Олмахон Хўжаниёзова  
Халқ истеъдоди  
129

**НАВОИЙХОНЛИК**  
Абдуқодир Ҳайитметов  
Навий ва Бобур  
131

**Иброҳим Ғафуров**  
Тафаккур ва ҳиссиётнинг  
олий нуқталари  
136

**БАРҲАЕТ СИМОЛАР**  
Муҳаммадали Қўшмоқов  
«Фазлу ҳақ ҳар ерда  
ҳамроҳим»  
141

**АДАБИЙ ТАНҚИД**  
Сарвар Азимов  
Илҳомбахш олам  
152

**Ботир Норбоев**  
Ифода ва фикр бирлиги  
156

**ТЕНГДОШЛАР  
ТЕНГДОШЛАР ҲАҚИДА**  
Раҳимжон Отаев  
Дилрабо кўшиқлар  
айтилаверсин  
162

**ТАҚРИЗЛАР**  
Суйима Ғаниева  
«Ўқигонга муборак»  
Ҳакимжон Каримов  
Қайта яратилган олам  
Ғани Жаҳонгиров,  
Комил Имомов,  
Эргаш Умаров,  
Бебаҳо маънавий бойлик  
167—172

**ЖУРНАЛХОН МИНБАРИ**  
Шаҳобиддин Одилов  
Жўнлик — шеърятга ёт  
179

**РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН**  
Рашид Оқилов  
Халқаро календарь  
175

**ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР,  
ҲУЖЖАТЛАР**  
Ғулум Хўжаев  
«Шайбонийнома»  
Вамбери таржимасида  
177

**Насим Шарипов**  
Замаҳшарий мақолалари  
180

**САРГУЗАШТ,  
ФАНТАСТИКА**  
Исфандиёр  
Мени тонгда уйғотинг  
Қисса. Охири  
181

**ГУЛҚАЙЧИ**  
Ҳайдарали Иброҳимов  
Илмий-оммабоп шўрва  
ёки яшасин бақлажон  
205

**Китоб жавони**  
206

# ТИНЧЛИК — БУЮК САОДАТ

Совет Иттифоқи шуни жуда аниқ-равшан ва қатъий қилиб айтадики, қуролланиш пойгасини, аввало ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро уруши хавфини камайтириш ва пировард натижада бу хавфни бутунлай тугатишдан иборат принципиал йўлга содиқ бўлиб қолади. У шу олижаноб мақсадларга эришишга бундан буён ҳам ўзининг бутун куч-гайратларини сарфлайверади.

Совет Иттифоқи Европадаги ядро қуроллари масаласи жуда тубли равишда ҳал этилиши учун аввалгидек ҳаракат қилаверади. У ўзининг Европани ҳам ўртача олисликка учирадиган, ҳам тактик ядро қуролидан бутунлай халос қилиш тўғрисидаги таклифини яна такрорлайди.

Совет раҳбарлари АҚШ ва Ғарбий Европа давлатлари раҳбарларига мурожаат этиб, Американинг янги ракеталарини Европада жойлаштириш режаларининг амалга оширилиши уларнинг ўз халқларига, бутун инсониятга келтирадиган ҳамма оқибатлар хавфини яна бир бор пухта ўйлаб кўришга чақирадилар.

Бусиз ҳам биз ҳозир жуда мўрт тинчлик шароитида яшаб турибмиз. Шу сабабли масъул давлат арбоблари содир бўлаётган ҳодисаларни чамалаб, оқилона қарор қабул қилишлари керак. Инсоний ақл-заковатгина инсониятни даҳшатли хавф-хатардан омон сақлаб қолиши мумкин ва лозим. Биз дунёни тобора хатарли қуролланиш пойгаси йўлига судраётган кишиларни шу йўл билан ҳарбий устунликка эришиш, бошқа халқларга ва давлатларга ўз хоҳиш-иродасини мажбуран ўтказишдан иборат рўёбга чиқмайдиган умидлардан воз кечишга чақирамиз.

Совет Иттифоқи шунга аминдирки, тинчлик қурол-яроғларнинг тобора янги-янги турларини кўпайтириш ва ихтиро қилиш йўли билан эмас, балки, аксинча, мавжуд қурол-яроғларни мислсиз жуда паст даражага тушириш йўли билан мустаҳкамланиши ва шу йўл билан халқларнинг хавфсизлиги гарантияланиши мумкин. Фақат катта-катта моддий, интеллектуал ва бошқа ресурслар ноўрин сарфланаётганлиги оқибатида инсониятнинг ҳал қилинмай келаётган вазифалари ҳаддан ташқари кўп. Мана шу нуқтаи назардан олганда ҳам ядро қуролини ва бошқа қуролларни тубдан қисқартириш тўғрисида бир битимга эришиш барча халқлар учун манфаат келтирган бўлур эди.

Совет раҳбарлари совет халқининг хоҳиш-иродасини бажариб, уруш хавфини даф қилиш, ҳозирги ва келажак авлодлар учун тинчликни сақлаб қолиш йўлида бундан буён ҳам ҳамма ишларни қилаверишларини билдирадилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари,  
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси  
Ю. В. АНДРОПОВнинг баёнотидан

Иброҳим Раҳим

## ОГОҲ БЎЛИНГ, ОДАМЛАР

Европада оғир ва хавfli вазият юз берди. Уни Америка империализми билан агрессив НАТО урушқоқлари келтириб чиқардилар. Европада улар ракета-ядро уруши ўчоғини тайёрлаб, бу ўчоқда «Першинг — 2», «Қанотли ракета»ларини ўқлаб, Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатларга дўқ-пўписа қилиб турибди. Бир сўз билан айтганда, империалистлар янги жаҳон уруши оловини ёқмоқ ниятида ядро қуролини ўқталиб Европани таҳлика остида сақламоқдалар.

Биз, жанг кўрган одамлар, урушнинг нима эканлигини яхши биламиз, айниқса, ракета-ядро ҳалоқатининг Ер юзидаги борлиқни куйдириб, кул қилишдек мудҳиш оқибатларини ҳам кўз олдимизга келтира оламиз.

Мен Улуғ Ватан урушидан аввал ҳам жангларда бўлганман. Ғарбий Белоруссия, Ғарбий Украинани озод қилишда, сўнгра эса ок финларнинг бастиони — Маннергейм истеҳкомларини штурм қилишда иштирок этдим. Кейин Улуғ Ватан урушида қатнашдим. Бу уруш халқимизнинг асрлар бўйи нина билан қудуқ кавлагандай не машаққатларда йиғилган бойлиги-ю, бино қилган шаҳар, қишлоқларини вайрон этди, йигирма миллион сара одамини ҳалок қилди.

Уруш Улуғ Октябрь инқилобининг бешиғи — Ленинград шаҳри бошига қандай қора кунлар солганини эслаб ўтайлик.

Тўққиз юз кун-у, тўққиз юз кеча давом этган Ленинград қамалини унутганимиз йўқ. Ленинград қамали унут бўладиган фожиа эмасда. Ахир, инқилоб бешиғи тўққиз юз кун, тўққиз юз кеча даҳшатдан тебраниб турди. Бу куну тунларнинг ҳар соати умрларга тенг бўлди. Қамал жанглари ва қамал ичи ҳаётининг ҳар дақиқасида қанчадан-қанча вайроналик юз берди, қанчадан-қанча одамнинг ёстиғи қуриди, юзлаб баҳодирлар ботирона қурбон бўлдилар. Шаҳар ичида, қамал даҳшатию ваҳшатидан неча-неча одам очдан ўлди, совуқда шайиндай қотди. Даҳшат!

Аммо инқилоб анъаналарига содиқ бўлган, совет тузумини ўлимдан афзал билган, фашизмни жинидан баттар ёмон кўрган ленинградликлар таслим бўлмадилар, сўнгги нафасигача, сўнгги қатра қонигача тик туриб курашдилар, Ленин шаҳрига фашистларни йўлатмадилар.

Улуғ Ватан уруши бир минг тўрт юз-у, ўн саккиз кун, бир минг тўрт юз-у, ўн саккиз кеча давом этди. Бу урушнинг ҳар бир минутида, дақиқасида вайроналиклар билан бирга беҳад қаҳрамонлик, жасорат майдонга чиқди. Бу жангларда совет йигит-қизларининг Александр Матросовдай, Зоя Космодемьянскаядай, совет ҳарбийларининг Гостелло, Кожедуб, Карбишев сингари афсонавий қаҳрамонлари бениҳоя жасорат кўрсатдилар.

Уларнинг жасоратлари совет ватанпарварлигининг юксак намунаси эди.

Гостелло ҳарбий ҳаво жанглари тарихида биринчи бўлиб осмонда

«таран» жасоратини намойиш қилди. У энг оғир пайтда ўз самолёти билан фашист самолётларини таран қилди, яъни ёнаётган машинасининг тумшуғи билан фашист бомбардимончиларининг биқинини тешди ва муҳим объектни ҳалокатдан сақлаб қолди.

Учувчи Гостеллонинг ҳаводаги жасоратини қизил аскар Александр Матросов ер жангида такрорлади. У фашистларга қарши атакамиз вақтида солдатларимизнинг йўлини тўсиб, кўзини очирмай ўт очиб турган дотга ташланиб, унинг оғзини ўз кўкси билан тўсиб қўйди. Пулемёт ўқлари унинг баданидан нарига ўтолмади. Совет солдатларининг атака билан ёв устига бостириб боришига имкон туғилди. Александр Матросовнинг бу жасорати совет ватанпарварлигининг чўққиси эди. Бундай жасорат фақат юксак ғоя, эркинлик, адолат, бахт-саодатни ҳимоя қилаётган онгли совет кишисининггина қўлидан келади.

Александр Матросовдай фарзандлари бўлган совет халқи, гостеллолардай солдатлари бўлган совет қуроли кучлари гитлер фашизмининг ҳарбий машинасини мажақлаб ташлади. Шарқий Европани ҳам фашизм балосидан қутқарди.

Европада «Першинг»лар, «Қанотли ракета»лари билан қутуриб, янги уруш чиқармоқчи бўлган васваслар тарихга бир назар ташлаб қўйсалар, тарих сабоғини эслаб қўйсалар уларнинг ўзларига нафи тегарди. Чунки мамлакатимизга кимки қурол ўқталиб келса, ҳамиша ўша қуролдан унинг ўзи ҳалок бўлган. Наполеонлар, кайзерлар, самурайлар; антанта-ю, гитлерларининг тақдири рейганлар, наточиларга ҳам сабоқ бўлиши керак!

Рейган маъмурияти, НАТО генераллари «першинг» ва «қанотли ракета»ларига мағрур бўлиб, тарихнинг аччиқ сабоқларини унутмоқдалар. Атом-ядро замонида бу қадар кибрлик қилиш, қуролига зеб бериб, беҳуда мағрурланиб кетиш — ҳалокатга юз тубан кетиш аломатидан бошқа нарсга эмас!

Бу хавfli кибрликка партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёноти яхши ва қатъий зарба бўлди.

Маълумки, Американинг янги ракеталари Ғарбий Европада пайдо бўлиши Европадаги ядро қуроллари юзасидан Женевада олиб борилаётган музокараларни давом эттиришга имкон қолдирмади. Бинобарин, Совет Иттифоқи ўзини шу музокараларда қатнаша олмайди, деб ҳисоблади.

Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг баёнотида урушқоқларнинг ракета-ядро хуружига қарши тадбирлар белгилангани эълон қилинди.

Бу тадбирлар биқинимизга ўқталиб қўйилган ва олти минутда бошимизга бало бўладиган «першинг», «қанотли ракета»лар хавфига тенг келадиган жанговар тадбирлардир. Аввало, илгари ўз зиммамизга олган бирёқлама мажбуриятлар бекор қилинди. Янги хил ядро қуроли ишлаб чиқариш мараторияси бекор этилди. «Першинг»лар «қанотли ракета»ларнинг биқинига ГДР билан Чехословакия ерида биз ҳам ракета-тўппонча тақаб қўймоқдамиз. АҚШ ўз ядро қуролини Европага ўрнатиш билан Америкасини зарбадан сақламоқчи эди. Жаноблари қаттиқ янглишадилар. Океан районларда, денгизларда шундай қарши чоралар кўриладики, рейганчилар ўз юртида умрида кўрмаганларини кўриб, тортмаган дардини тортишга мажбур бўлиб, бизга кавлаётган чуқурга ўз юртларида ўзлари йиқиладида.

Аммо, Юрий Владимирович Андропов айтганидай, Совет Иттифоқи ҳарбий устунликка интилмайди ва биз ҳарбий мувозанат бузилмаслиги учун мутлақо зарур бўлган ишларнигина қиламиз.

Совет раҳбарлари АҚШ ва Ғарбий Европа давлатлари раҳбарларига мурожаат этиб, Европада яратилаётган ядро уруши ўчоғининг инсониятга келтирадиган ҳамма оқибатлар хавфини яна бир бор ўйлаб кўриб, оқилона йўл топишга, аввалги мувозанат жойига қайтишга қақирдилар. Мободо улар ўша маррага қайтишга тайёрлик билдирса-

лар, биз ҳам келишув музокараларига ҳамиша тайёрмиз. Йўқса совет давлати халқимизнинг хошиш-иродасини бажариб, уруш хавфини даф қилиш, ҳозирги ва келажак авлодлар учун тинчликни сақлаб қолиш йўлида ҳамма тadbир-чораларни кўра оладилар. Совет халқи бундай чораларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келди, ҳозир ҳам шундай, бундан буён ҳам шу принципга содиқ бўлиб қоладилар. Биз ўзбек совет ёзувчилари ҳам ўз халқимиз билан биргамиз, партиямиз Марказий Комитети теварагида янада маҳкам жипслашамиз. Биз урушга қарши, урушқоқларга қарши, тинчлик учун бутун кучимиз, ижодий имкони-ятларимизни ишлатиб курашамиз.

Одамлар, огоҳ бўлинг: империалистлар, наточиларнинг айби билан Европада ракета-ядро уруши ўчоғи пайдо бўлди, янги жаҳон уруши хавф солиб турибди... Одамлар, ҳамиша ҳушёр турингиз!

Борис Тихомолов,

Совет Иттифоқи Қаҳрамони

## АСР НИДОСИ

Ешим ўнга тўлганда мени пионерга қабул қилишди. Отряди-мизнинг Коля Радий деган етакчиси бўларди. Жуда ҳаракатчан, кўзларида ўт чақнаб турадиган жонкуяр йигитча эди у. Бизнинг клубимиз ёки алоҳида хонамиз йўқ: ҳозирги ТошМИ атрофида, дуч келган ерда — боғдами, ўтлоқдами йиғилишардик. Егин-сочин кунлари бирон бир бостирма бошпанамиз бўларди. Бу ҳол биз — биринчи пионерларни мутлақо ажаблантирмас эди.

Биз етакчимизни яхши кўрардик. Унинг ҳар бир сўзини жон қулоғимиз билан эшитардик. Ҳар бир гапига ишонардик. Биз барчамиз ўтлоқда доира қуриб, ўтириб олардик. У эса ўртада тик турганича бизни саволга тутарди. Ана шундай йиғилишларимиздан бири менинг хотирамда муҳрланиб қолган.

1923 йилнинг 7 ноябри эди. Илиқ, сокин оқшом палласи. Одатдагидек давра қурганмиз. Коля ўртада. Ҳар биримизга бир-бир қараб чиқди. Кейин:

— Болалар, сизлар уруш нималигини биласизларми?— деб сўради.

Билмай-чи?! Ҳаммамиз жуда яхши билардик. Кимнингдир отаси революция кунлари жангларда қатнашган, кимнингдир отаси ўша жангларда, бошқасиники оқ гвардиячилар билан бўлган урушда ҳалок бўлган. Ака-ука Максимовлар, Урол Сатторов, бошқа болалар ҳам билишади уруш нималигини. Шунинг учун бир овоздан:

— Би-ла-миз!— деб жавоб бердик.

Бизнинг бу овозимиз оқшом сукунатини бузиб, акс-садо берди: «Би-ла-миз!..»

Бирдан орамиздаги Сергей Грунин пиқиллаб йиғлаб юборди. Уртоғимизнинг отасини оқ гвардиячилар чопиб ташлашган, онаси ғамга чидай олмасдан вафот этган, ўзи бувисиникида яшарди. Ҳаммамиз, орамиздаги бошқа етимлар ҳам, Сергейга ачиниб қарадик.

— Серёжа, йиғлама, эркакларга йиғи ярашмайди,— деди Коля.— Биз ҳали у кўп бошли буржуй аждаҳоларидан ўчимизни оламиз. Улғайгач, ҳаммамиз жаҳон революцияси учун, Ер юзида бошқа уруш бўлмаслиги учун жанг қиламиз...

Уша йиғин шундайгина кўз олдимда турибди. Колянинг ўша сўзлари ҳамон қулоғим остида жаранглайди; «...Ер юзида бошқа уруш бўлмаслиги учун жанг қиламиз...»

Биз улгая бордик. Ер юзида тинчлик бўлиши учун курашарканмиз, афт-башарасини ўзгартириб турувчи ўша «кўп бошли буржуй аждаҳо»га дуч келардик. Бу аждаҳо Павлик Морозовни ва минглаб фаолларни ўлдирган қўчоқлар қиёфасида, инглиз милтиқлари билан қуролланиб, ўзбек деҳқонларини қақшатган босмачилар қиёфасида ҳам намоён бўларди. Сўнгра у фашистлар қиёфасига кириб, Ватанимизга ҳужум бошлади...

Мен самолёт штурвалидаман. Тун. Пастда йилт этган ёруғ кўринмайди. Замин кўрқув ичида гўё тун пардасига чулганган. Ҳатто нафас ҳам ололмаётгандай. Уруш!.. Биз фашист танклари тўпланган ерни бомбардимон қилиш учун учиб кетяпмиз. Бирдан пастда чироқлар кўринди. Йўқ, чироқлар эмас экан, яна бир нафас учиб Воронежнинг ёнаётганини кўрдик. Қадимги рус шаҳри, сокин шаҳар ёнар эди! Гўё шаҳар эмас, ўзимиз ўт орасида қолгандек бўғилдик. Юрагимиз омбур билан буралаётгандек эди... Ахир ўша шаҳарда, фақат иморатлар эмас, одамлар ҳам аланга ичидайди!.. Оталаримиз, оналаримиз, фарзандларимиз ёнар эди! Тинчликни, фақат тинчликни истовчи совет кишилари ёнар эди! Самолёт моторининг овози қулоғимизга кирмас эди. Биз фақат болаларнинг йиғисини, оналарнинг фарёдини эшитардик ўша дамда: Урушнинг уйи куйсин!..

Уйи куйсин... Бу уруш қайси уйдан ўрмалаб чиқди? Фашистлар Германиясиданми? Йўқ, «кўп бошли буржуй аждаҳо»нинг бошпанаси, емакхонаси фақат фашистлар Германияси эмасди. Энди биз бу аждаҳони янчиб ташлашимиз керак. Йўқса, уруш олови сўнмайди. Шаҳарлар кулга айланаверади, одамлар кул бўлади, оналар фарёди сўнмайди.

Уша тунда, самолёт штурвалида шулар хаёлимдан кечган эди.

Шундан сўнг жуда кўп марта ҳавога кўтарилдик. Фашистлар уяси — Берлинни бомбардимон қилдик. Қайтишимизда ёнилғи етмай қолса ҳам Она еримизга қайтиб келдик. Уша аёзли ва юлдузли тунда учиб келарканмиз, «Герман фашизмини яқсон қиламиз-у, ҳамма ерда тинчлик қарор топади» деб ўйлаган эдик. Кейин ўйланиб қолдик: ахир, биз аждаҳонинг фақат бир боши билан олишяпмиз. Буржуй — кўп бошли аждаҳо-ку?! Тинч яшашга имкон берармикин?

Урушда ҳар бир учининг ўз тарихи бор. Ҳар бири хотирага муҳрланган. Аммо уларнинг яна бирини сўзлагим келади.

Бу воқеа қирқ иккинчи йилнинг эрта баҳорида содир бўлган. Биз қамалдаги Ленинградга учиб бордик. Самолётнинг у ер-бу ерини қараб турган эдик, кимдир қорни ғирчиллатиб бизга яқинлашди. Қарадим: эски шинел кийган, озиб, эти устихонига ёпишган йигитча. Кийимига қараганда халқ лашкарларидан. У ўрмондан чиқиб келган эди. Тез юрганидан нафаси қайтарди. Йигитча ичига ботиб кетган кўзларини менга тикиб турарди. У мендан нажот кутарди. Аммо сўрашга қаттиқ хижолат чекарди. Ниҳоят, синиқ овозда сўрашга мажбур бўлди:

— Уртоқ учувчи, бир бурда нонингиз борми?

Биров бўғзимга чанг солгандай бўлди. Мен йигитчанинг нон сўраганидан даҳшатга тушмадим. Йўқ, ўша онда, мен — қорни тўқ учувчи — ўзимдан ўзим нафратландим. Гўё шу пайтгача ана шу оч ҳолда шаҳарни ҳимоя қилаётган фидойилар насибасини еб жон сақлаб юргандай, ўзимдан ўзим нафратландим. Мен — қорни тўқ учувчининг, Ленинградга уча туриб нон олволиш эсимга келмаганидан нафратландим.

Нажот кўзи билан қараб турган йигитчага «йўқ» дейишга қурбим етмасди. Аммо шунга мажбур эдим... У эса менинг бу тараддудимни ўзича тушунди. Кўзларида нажот учқуни сўниб, қандайдир эҳтиёткорликми, афсусми пайдо бўлди. Юрагим эзилди. Ноним йўқлигини қандай исбот этаман унга?!

Бирдан эсладим: ўтган ҳафта Ленинградга учаётганимизда ошпаз холамиз бир буханка нон бериб эди-ку? Худди олтин топиб олгандай, юрагим қаприқиб кетди.

— Ваня, юкхонада битта нон бор эди, турибдими? — деб сўрадим. Сўрадим-у, шеригимнинг жавобини кутишга тоқат қилмай юкхона томонга югурдим. Нон қўйган жойимизда эди! Аммо бир ҳафтада музлаб, тошга айланганди. «Шундай нонни қувватсиз одамга бериб бўлармикин?» Аммо илож қанча? Йигитчага ҳижолат билан яқинлашдим.

— Мени кечиринг, дўстим... нонимиз янги эмас... Аммо боримиз шу...

Йигитчанинг кўзи чақнаб кетди. Кейин менга ҳайрат билан тикилди:

— Бу менгами? — деди титроқ овозда.

— Ҳа, олинг, — дедим мен ҳижолатдан қутула олмай.

У қўлини узатди. Аммо дарров тортиб олди.

— Ҳаммасими? — деди ажабланиб.

— Ҳаммаси.

У нигоҳи билан нонни силаб чиқди. Ютинди.

— Олинг, шу нон сизга!

У озгин бармоқларини яна узатди. Нонни олди. Аввалига унинг оғирлигини салмоқлаб кўргандай бўлди. Кейин бағрига босди.

— Ишонгим келмаяпти, — деди у пичирлаб. — Худди эртақдагидай. Худди туш кўраётганга ўхшайман...

Бирдан у жимиб қолди. Елкасидан оғир юк босгандай букчайди. Менга энди айбдор одамнинг кўзи билан қаради:

— Ноннинг эвазига... нима беришни билмайман. Унга арзийдиган нарсам йўқ. Агар йўқ демасангиз... тумордек сақлаб юрганим тилла соатим бор. Дадам... дадам Варшавадаги пиониночилар конкурсида олган эдилар....

У шундай деди-да, титроқ қўлларини чўнтагига тикиб, занжирли бир соат чиқарди.

Юрагимдан бир нима узилиб тушгандай бўлди.

— Уят эмасми? — деб бақирдим. Йўқ, бақирмоқчи эдим. Овозим чиқмади. Томоғим оғир бир дарддан бўғилган эди. Аммо йигитча нима демоқчи эканимни тушунди. Раҳмат айтиб изига қайтди. Бир қўлида нон, бир қўлида соат. Соатнинг занжири осилиб, қорга ожиз из чизиб борарди...

Мен Ленинградга кўп учганман. Ҳолдан тойган одамларни, музлаб қолган мурдаларни кўрганман. Кейин қамални ёриб чиқиш учун бўлган жангларда қатнашдим. Кунига уч-тўрт марта ҳавога кўтарилиб, жанг қилишга тўғри келарди. Биз ҳар қандай оғир шароитда ҳам фашизмнинг яксон бўлишига, тинчликнинг қарор топишига ишонардик. Мана шу ишонч бизни ғалаба сари етакларди.

Урушни ғалаба билан якунладик. Социализм ғоялари қарор топди. Ер юзидаги жуда кўп мамлакатлар капитализм чангалидан озод бўлди. Аммо «кўп бошли» аждаҳо — буржуй» ҳали таслим бўлганича йўқ. У жон талвасасида. У яна Ер юзига олов уфурмоқчи. Ҳаётни ямлаб-ютмоқчи.

Ана шу дамда, Ер юзида яна уруш хавфи пайдо бўлган пайтда, Кремлдан ўткир ақл-идрок овози янгради — Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбари Юрий Владимирович Андроповнинг қатъий Баёноти эълон қилинди. ГФР, Англия ва Италия ерларида АҚШнинг биринчи зарба беришга мўлжалланган ядро ракеталари жойлаштирила бошлаганиги муносабати билан эълон қилинган бу Баёнот айти муддао бўлди.

«Совет раҳбарлари Совет халқининг хоҳиш-иродасини бажариб, уруш хавфини даф қилиш, ҳозирги ва келажак авлодлар учун тинчликни сақлаб қолиш йўлида бундан буён ҳам барча ишларни қилаверишларини билдирадилар».

Тинчликсевар совет халқи Ю. В. Андроповнинг бу Баёнотини юрак-оракдан қўллаб-қувватлади. Мен юқоридаги хотираларимни бекор баён қилганим йўқ. Катта авлоднинг қай бири билан суҳбатлашманг,

ана шундай дардли хотираларни эшитасиз. Танасидаги уруш жароҳатлари битмаган, юрагидаги дардлари сўнмаган халқ урушни истайдими? Ҳеч қачон!

«Уруш» дейилса менинг қулоғим остида ленинградлик йигитчанинг «Ўртоқ учувчи, бир бурда нонингиз борми?» деган синиқ овози эшитилади. Бошқаларда ҳам шундай бўлса керак. Йўқ, бу даҳшатларнинг қайтарилишига йўл қўйиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам биз партия атрофида янада жипсроқ туриб тинчлик учун курашамиз! Тинчлик — бизнинг ширимиз. Тинчлик — аср нидоси!

Одил Ғаюбов

## АҚЛ-ИДРОК ТАНТАНА ҚИЛАДИ

Тарихда яратилган энг даҳшатли бомба — атом бомбаси инсоният бошида портлаганда биз тенгилар ўн етти-ўн саккиз яшар ўспирин эдик. У маҳалда мен Узоқ Шарқда, Порт-Артур шаҳри яқинида Квантун Армиясига қарши жангларда иштирок этиб юргандим. Эҳтимол бахтиқаро Нагасаки ва Хиросима шаҳарлари билан жанг қилиб юрган жойларимиз яқин бўлгани учундир, бу бомбаларнинг портлаши биз ёш солдатларни айниқса қаттиқ ларзага солган эди...

Уша инсоният тарихидаги энг қабиҳ жиноят содир бўлганига мана сал кам қирқ йил бўлди. Аммо жаҳолат ва разолат меваси бўлмиш бу бомбаларнинг овози ҳануз қулоғимизда, етти осмонга кўтарилган машъум алангаси ҳамон кўз олдимизда турипти.

Бугун ҳеч бир ақли расо инсон «уруш», «бомба», «ракета» деган сўзни лоқайд эшита олмайди. Лекин «уруш» сўзи биздай уруш кўрган кишилар дилида айниқса қаттиқ ғазаб ва қаттиқ нафрат уйғотади. Чунки, биз уруш нималигини, ўлим нималигини ўз кўзимиз билан кўрганмиз, ота-онасидан айрилган чақалоқ йиғисини, фарзандидан айрилган она фарёдини ўз қулоғимиз билан эшитганмиз. Шунинг учун ҳам Партиямиз ва Давлатимиз раҳбарларининг мана, сал кам қирқ йил давомида тинчлик йўлида қилаётган улуғ ишлари, сабр-матонат ва ақл-идрок билан олиб бораётган кураши қалбимизда чексиз меҳр ва ҳурмат уйғотади. Бу жиҳатдан партиямизнинг Бош секретари Юрий Владимирович Андроповнинг сўнгги баёноти айниқса катта аҳамиятга молик. Бу муҳим тарихий ҳужжатнинг қиммати шундаки, у «Қанотли ракета» ва «Першинг» каби мудҳиш қурооллар билан қуроолланган Америка империализми оламга даҳшат солиб турган хатарли бир вазиятда эълон қилинди. Бу кескин, оғир вазиятга қарамасдан Совет Давлати раҳбарининг баёноти ҳар доимгидек тинчлик ва осойишталик руҳи билан сўғорилган, унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳарфида совет халқларининг энг олий орзулари, меҳнат, ақл-идрок ва ижод йўлидаги эзгу ниятлари мужассам бўлган. Совет халқларининггина эмас, балки бутун жаҳон халқларининг тинчлик ҳақидаги энг олий истаklarини ифода этгани учун ҳам бугун оламнинг ҳамма бурчакларида, ҳамма тилларда янграмоқда.

Тинчлик ҳамма учун баробар муҳим, баробар қадрли, лекин биз ижодкорлар учун айниқса қимматли. Чунки асар ҳаёт учун, ҳаётни давом этиши учун ёзилади, гўзаллик ўликлар учун эмас, тириклар учун яратилади. Шунинг учун биз бугун Давлатимиз раҳбарининг собит ва оқил баёнотини ифтихор билан қайта-қайта ўқир эканмиз, комил ишонч билан айта оламиз: Жаноб империалистлар! Машъум ниятингиз барбод бўлажак, тинчлик ва ақл-идрок шубҳасиз тантана қилажак!



Туроб Тўла,

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

## Толеим торига минг қуллук

### Оналар шаънига

Тебратиб ўтасиз бир умр,  
 Оналар, бу ҳаёт бешигин.  
 Эй, қўли, мадори тинмагур  
 Оналар, эй, ҳаёт қўшиғи,  
 Дарёсиз,  
 Қулф урар навниҳол.  
 Қўёшсиз,  
 Барқ урар ғунчалар.  
 Сиз билан ёшарар истиқбол,  
 Меҳрингиз, сеҳрингиз шунчалар!  
 Онасиз,  
 Меҳрибон, дилрабо.  
 Маъсума,  
 Мисоли боласиз.  
 Буюксиз,  
 Буюксиз бебаҳо,  
 Сиз, ахир, Ленинга онасиз!

### Ҳалимахонимнинг илк қўшиғи овоз берганда...

Қорбўрон бўралар эди ташқарида,  
 Асрлик тошларни кўчиргудек нақ.  
 Бўғотлар увуллар, жарлар гувуллар,  
 Бўри увлар эди кўп карахт.  
 Ичкарида, кўҳна, эски масжидда —  
 Клубда янградди ашула.  
 Ҳовлида паранжи уюми, четда  
 Қовоқлар, қовоқлар, ашаддий қувлар...  
 Кўзлар ўқланганди, ўқрайма кўзлар...  
 Қўллар, мушт тугилган қабарик қўллар...  
 Қўлларда мушт эмас, муштдек-муштдек тош,  
 Муштдек болани ҳам, бераҳму бебош,  
 Йўлга солмоқдайди қотиллар.  
 Ур, деди орқадан хирилдоқ овоз.  
 Улим шармандага, деди аллаким.  
 Ғўё ўқилмоқда эди шарғий намоз!



Қўшиқ сел қилган у қўллар муштланди,  
 Бирдан ғазаб олди роҳат зарбини.  
 Озодлик қўшиғи қаноти узра  
 Ҳислар бўрон бўлиб отилди, ёнди,  
 Тошга айландилар ғазаб оғзида!  
 Тошга айландилар ногоҳ олқишлар,  
 Қорбўрон ўрнида тошбўрон бўлди,  
 Тошбўрон қўшиқни бўралаб урди.  
 Дарахт йиқилгандай йиқилди қўшиқ,  
 Ёвлар бўғизига тикилди қўшиқ!  
 Ерда ётган қўшиқ бирдан тикланди,  
 Хайқириб турди-я ҳалиги қўшиқ.  
 Ғазаб тошларини итқитиб нари,  
 Ёвини урди-я ҳалиги қўшиқ!  
 Чангаллардан тушди ғазабли тошлар,  
 Ногаҳон чекинди адашганлар бирдан,  
 Ҳалиги ўқланган бадбин қарашлар,  
 Кўзи ўқланганлар титраб кетдилар,  
 Ёвлар, ёвлар бирдан питраб кетдилар.  
 Огоҳ бўлиши-ла адашганлар сирдан!  
 Гулхан кўтарилди, паранжилар ёнди,  
 Ёнди паранжилар билан душманлар!  
 Қўшиқ парвоз этди, имон тўлғанди,  
 Тўлғанди ҳақиқий жанга тушганлар!  
 Ёнди бўрон турди, тошбўрон эмас,  
 Олқишбўрон турди гулхан майдонда!  
 Паранжилар ёнди, душманлар ёнди,  
 Кўкка ўрадилар бамисоли хас!  
 Гулхан Ҳалиманинг авжи эди баланд,  
 Қўшиғин ёғдуси эди оламгир!  
 Ҳалима куйларди — гулхан банди-банд,  
 Қаранг, тинглар олам

самовот ва ер!

\*\*\*\*\*

Ҳақиқий, баркамол шеър қаерда ларзага келтирувчи воқеа содир бўлса, ўша ерда куйи билан пайдо бўлади. Бугун эътиборингизга ҳавола қилинаётган шеърлар мана шундай пайдо бўлган шеърларнинг бир нави. Уларнинг сиз муҳтарам ўқувчиларга етиб бориш-бормаслиги, бугунги шеърят нуқтаи назаридан, қалбингиздан жой олиш ё олмаслиги, албатта, муаллифнинг санъатига боғлиқ. Мен у воқеаларни ҳам шеърга, ҳам қўшиққа солдим. Чунки у ҳодиса ё воқеалар ўзларига шундай муносабатни талаб қиладилар. Менинг «Шашмақом»га муносабатим, ундан олган таассуротим ҳаяжонлари мана шундай мисраларга муҳтождек туюлди. Абдилда Тожибоевнинг етмиш йиллик тўйлари эди. Биз, бир гуруҳ дўстлари, Олмаотага, у кишининг ўтовларига йиғилдик. У кишининг умр йўлдошларига бўлган муҳаббатлари менинг назаримда кечагидек эди, ана шу кечаги муҳаббатлари ҳақидаги ҳикоялари бу мисраларни пайдо қилдилар. Ҳалимаҳоним санъати сизга маълум, кимнинг хаёлини қочирмайди у санъат, тирик санъат, эртаги буюк классика! Мен у кишининг ҳар бир қўшиғига мафтункорлик билан қулоқ тутаман ва қаттиқ таъсирланаман. У киши ҳақида кўп гапларим ва шеърларим бор. Бу навбатдагиси. Кечаги шеърмас бу ҳам, дафтаримда анчадан бери ётгувчийди, сиз муҳтарам журналхонларга шеър дасталари тайёрлар эканман буни ҳам қўшгим келди. Чунки яқинда у кишининг яна бир тўй саналари. Тўртликлар синоқ навбатидаги машқларимдир.

МУАЛЛИФ

Суҳбат этгум мен бугун Сен бирла, лек Сендин йироқ,  
Бормидир оламда суҳбат лутфдин ҳам яхишироқ,  
Лутф бул баҳри карамдир қалбаро ёғду мисол,  
Ажратолмас яшиларни, билки, ҳар қандай фироқ.  
Фаҳр қилдинг мен мақом меҳробига қўйганда бош,  
Лутф кўргазди менга қалбингдин ўтган минг синоқ.  
Ворисинг бўлмоқ менинг ҳам сидқидил зиммамдадир,  
Истагим — ҳар дилда порлаб турса Сен ёққан чироқ.  
Кимни машшоқ, кимни ҳофиз этди Сен очган чаман,  
Ҳур, табаррук юртини мадҳ айламоқдин вақти чоғ.  
Кўз юмиб Сен Шашмақомга чархни этганда фарқ,  
Дийдаи чашмим, эсингда, бўлгани беун булоқ...  
Толеим ториға минг қуллуқ этурмен бир умр,  
Бир умр иқболидир оламда мен олган сабоқ!..

## «Шашмақом» ҳошияларидан

1.

Муҳаббат ҳазондай ёнади, бироқ  
Қўшиқдай ҳамиша тирик ва уйғоқ.  
Усиз қалблар қазри қуриб қолган чашма,  
Усиз олам бўм-бўш, ўт босган сўқмоқ.

2.

Бу элда Шашмақом Берунийга ёд,  
Улуғбекка имдод, эътиқод бўлган.  
Навоий шеърига қўйиб эътиқод,  
Ҳофизлар тўйида пуробод бўлган.  
Эй, санъат султони, мақоми буюк,  
Юнус Ражабийни этган табаррук,  
Ҳазрати Шашмақом, салом-алайкум!

3.

Муғанний, фазли комил, созимизнинг кулли устози,  
На устоз, кўҳна тилсим қазрининг аллома ғаввоси.  
У тилсим қулф уриб ардоғи бўлди юртининг чандон,  
Кўринг, эл меҳри бирла таҳ-батаҳ парвона парвози.  
Қадаҳ тутдим, қадаҳмас, ундин аъло ассаломдир бу,  
Лаболаб наъмаи бода аталмиш тилла жомдир бу.  
Наво, Бузрук, Ироқ, Сегоҳ, Дугоҳ, Рост тарихидин  
Яралган, халқимизнинг кўҳна мулки Шашмақомдир бу.

Абдилда Тожибоевга

Кўнғирсоч қиз бўлган экан,  
Кўзлари ҳам қўнғирдан.  
Қалдирғоч қиз бўлган экан,  
Учар экан ўнғирдан.

Кўзлари шўҳ, бир оз қийиқ,  
Қийғир экан мисоли.  
Ўзи эса жуда қийиқ,  
Мушкул экан висоли.

Овул тинчи йўқолипти,  
 Ошиқлари дастидан.  
 Юракларни ўт олипти  
 Қизнинг бўйи-бастидан.  
 Бир томони Қустанойдан,  
 Бир томони Балхашдан,  
 Ошиқларга тўлмиш майдон  
 У бошдану бу бошдан.  
 Жангарқадан дейди сарбоз,  
 Қарағанда йигити,  
 Боши узра қилар парвоз  
 Кўкшетовнинг бургути.  
 Ардоғлайди барин бирдай,  
 Ардоғлайди қўнғирсоч,  
 Баҳор чеккан она қирдай  
 Бағри кўркам, кўнгли чош,  
 Мажнун бўлиб кетди дерлар  
 Шундан чексиз чўлида,  
 Фарҳод бўлиб ўтди дерлар  
 Тоғлар кесиб йўлида.  
 Қўзи кўрпеш, Баянсулув  
 Гўё куйлаб ўтдилар,  
 Эрторғиндек солиб ғулув,  
 Дардин баён этдилар.  
 Бургут бўлиб қолди бири,  
 Булбул бўлиб қай бири.  
 Хаёл бўлиб чалди бири  
 Юрагининг танбурин.  
 Аммо оқин унинг ёлғиз  
 Ўйлагани, ардоғи.  
 Қаттиқ куйиб, аламангиз  
 Боса олган чарчоғин.  
 Найи билан аллалаган,  
 Ғамин олган кўзидан,

Унга доим бахт танлаган,  
 Ешин эмган юзидан. —  
 Оқин, оқин ҳаммасидан  
 Ардоқлийди, албатта.  
 Ишқи чунон ҳаммасидан  
 Ҳам ҳақлийди, албатта!  
 Аммо-лекин қўнғир сочи;  
 Қийиқ кўзи, қийиғи,  
 Чексиз чўлда ўсган лочин,  
 Жиндак бети ўйиғи  
 Уни ёлғиз танламади,  
 Айирмади улардан,  
 Гўё уни англамади,  
 Қайтмай дилни тилардан...  
 Тўрғай бўлиб нола қилди,  
 Куйлаб қўнғирсочини,  
 Иқболини шунда билди,  
 Билди қаламқошини...  
 Олиб қочди бир кун тонгда,  
 Кокшетовин қолдириб,  
 Ошиқлари қолди доғда,  
 Қалдирғочин олдириб...  
 Ҳамон куйлар, куйлар уни,  
 Куйлаб олади ором,  
 Куйлагандек ватанини,  
 Чор атрофин эгиб ром.  
 Ҳамон куйлар, куй оқади  
 Овул доvonлариди.  
 Ўланлари қалб ёқади  
 Қозоқ жавонларидан.  
 Мисралари тилла сочган  
 Азиз етмиш ёшида,  
 Кокшетовдан олиб қочган —  
 Бибисора қошида...

## Қўшиқлар

### 1.

Боғларимга жамбил эдим, битсин деб,  
 Жамбил битиб, сени ҳайрон этсин деб.  
 Қулф урганда, жамбилгинам бўйлари  
 Боғлар ошиб боғларингга етсин деб.

Том бошида икки каптар ўйнайди,  
 Икки каптар ўйнаб асти тўймайди.  
 Юрагимнинг ҳокимаси андиша  
 Иккимизни ўйнатгани қўймайди.

Муҳаббатнинг назокати шундами,  
 Назокати, нафосати шундами?  
 Бувим айтган эртақларда ушалган  
 Армон деган ривояти шундами?

Шунданмидир уни ёниб куйлайман,  
 Ёниб-ёниб, қониб-қониб куйлайман.

Дарёсидек, водийсидек юртимнинг  
Ениб-ёниб ва тўлганиб куйлайман...  
Ениб-ёниб, қониб-қониб куйлайман...

2.

Рўмол ёйибсан дорга,  
Раҳм қилмай мен зорга,  
Сени кўриб атайин  
Кесак отдим қушларга.  
Қушлар учди ҳаволаб,  
Уйимни сенга боғлаб.  
Яра бўлган кўнгилни  
Бўлурмикан даволаб...

Учдию кетди қушлар,  
У қушлар қайда қишлар?  
Рўмолингни ёй дорга,  
Қайтиб келишин қушлар.  
Шама келади чойда,  
Чой ичсам қайси жойда?  
Истаб бораман, деган  
Сўзларинг қолди қайда?..

3.

Кўнглимни эт мунаввар,  
Бас яхши бир ибора.  
Бахи айласа муяссар  
Меҳрингни менга зора.  
Бир яхши сўз тамалдир,  
Тамал мисоли дилга.  
У дилда бир амалдир,  
Ухшар мисоли гулга.

Гулгунча очди ораз,  
Демак, дил эрди огоҳ.  
Демак, у бир муҳаммас,  
Ишқ отида баногоҳ.  
Ишқимни сенга айтдим,  
Йўқ сендан ўзга ҳожат,  
Сиримни елга ёйдим,  
Эй соҳиби адолат!

## Қор остида қолган наъматак

Бундай жоду манзарани кўрмагандим то бу дам,  
Илк муҳаббат аламидан дув тўкилган ёшмидир?  
Рад этилган муҳаббатнинг қабригами обида  
Е муҳаббат қаршисида мангу эгик бошмидир?..

## Айб муҳаббатда

Айб муҳаббатда, йиғлама, болам,  
Кошки уни жазолаб бўлса.  
Унинг айби билан тўлиқдир олам,  
Ошиқларга муддао бўл сан!

## Ҳазил

Лагифга

— Севасан, азизим, хаёл сурмоқни,  
Сўзлашиб юрасан ўз-ўзинг билан.  
— Яхши одам билан суҳбат қурмоқни,  
Одатим, азалдан яхши кўраман.

Ҳабибулло

# ХИЁНАТ

Бугун тўй. Сенинг тўйинг. Гарчи унаштирилганингдан бошлаб ўзимни бугунги кунга тайёрлаган бўлсам ҳам эрталабдан буён жонимни қўярга жой тополмайман. Бепоён жаҳон вақти келса кишига торлик қилишини шу бугун англадим.

Тўй базмини, иккалангизга бағишланган табрикларни эшитмаслик учун узоқ-узоқларга қочиб кетгим келяпти. Лекин қаёққа ҳам борардим. Мени, дарду аламларимни сиғдира оладиган бирор жой борми ўзи оламда?! Рақибимнинг ҳовлисида келинлик либосини кийган сен бўлсангу мен қаерга ҳам сиғардим...

Ишхонамиздагиларнинг деярли ҳаммаси ўша ерда, албатта. Йўқлигим билинса керак. Эртагаёқ, айниқса аёллар ўртасида менинг галати хулқ-атворим, ҳасадгўйлигим тўғрисида фикс-фасод гаплар тарқалса керак. Балки сен ҳам заррин оқ рўмолинг остидан ўғринча мўралаб, ўтирганлар орасидан мени қидираётгандирсан. Ким билсин... Эҳтимол, бугун эсингга ҳам келмагандирман. Келинчакнинг, ёнгинасида ўтирган бахтиёр куёвни эмас, бахтини бой берган ношуд ошиқни ўйлаб пинҳона ёш тўкиши китоблардагина бўлади... Умуман, шундай ҳозик, муқаддас кунда умид билан бир ёстикқа бош қўяётган одамни эмас, бошқа кишини (ҳатто у севган одамнинг бўлган чоғда ҳам) қўмсаш одобдан эмас... Сен унақаларданмассан, биламан. Турмуш йўлдошинг, ким бўлмасин, унга вафо қилишингга ишонаман. Лекин, бари бир, ҳозир мени ўйлашингни, қўмсашингни, атрофга зор боқиб излашингни, хун-хун йиғлашингни истайман. Жуда-жуда истайман. Бу ҳамма ошиқларга хос худбинона бемаъни истак эканлигини биламан. Биламан-у, бари бир... Сен ундай қилмайсан. Буни сўнгги пинхоний учрашувимизнинг индинига, унга унаштирилган кунингнинг эртасигаёқ сезганман.

Уша кун и оғушимга сингиб кетгудек бўлиб, бошингни кўксимга қўйганча учрашувимизга, иккаламизнинг ўзаро муносабатимизга мутлақо алоқасиз гапларни эркалик, хиёл ишва билан узоқ гапирдинг. Мен сўзларингнинг маъносига эътибор бермай жажжи қўлларингни, нозик елкаларингни, менга ёқадиган қилиб майда ўриб келган майин сочларингни авайлаб силаганча дилга ором берувчи ширин овозингни жимгина тинглардим. Оғушимда эканингдан, вужудинг ҳароратини, юрагингнинг дукиллаб уришини бутун борлигим билан ҳис этаётганимдан, сендек дилбар, самимий, маъсум қизнинг муҳаббатига мушарраф эканлигимдан ўзимда йўқ шод, бахтиёр эдим. Сен ўзингни ёқимтой тутининг, узундан-узоқ гапларинг билан мен учун даҳшатли ҳақиқатни орқага сураётганинг, доимо фариштадай бўлиб қолиш йўлларини қидираётганинг хаёлимга ҳам келмасди.

Ҳа, сен бу учрашувимиз висол оқшомларининг сўнггиси эканлигини билгансан, унга алоҳида тайёргарлик кўриб, ўзингни менинг

олдимда ҳам, виждонинг олдида ҳам оқлаш учун аёлларга хос қувлик билан ўзингча асослар топиб, пухта ҳозирлагансан...

Ниҳоят кучоғимдан чиқдинг-да, ерга қараб:

— Биласанми, бугун аям билан уришиб қолдим,— дединг.

— Нимага?— хайрон бўлдим.

Юзимга ўпкаланиб боқдинг.

— Нимага бўларди... Олдинлари аям доим менинг ёнимни оларди.

Энди у ҳам дадам тарафга ўтиб олибди. «Кўнглингга қараб шунча турдик, ўқишга қираман, дединг, хўп дедик, кириб ҳам олдинг. Бизнинг ташвишимиз фақат сенмас. Орқангда иккита синглингнинг бўйи етиб турибди, яқинда уканг ҳам ўқишни битириб келади. Қачонгача оёқ тирайсан? Уларнинг бахтиниям сен боғлаб турибсан. Нечта совчини ноумид қайтардик, тагин, бирор айби бордир, деган гап тарқалиб, бизга иснод олиб бермагин», деди. Айниқса, кейинги гаплари жуда жонимдан ўтиб кетди. Роса йиғладим. Бунчалик зериктирган бўлсам, бош олиб кетаман, қизларингизни чиқаринг, ўғлингизни уйланг, мен халақит бермайман, дедим... Аям билан дадамгаям осонмас. Бир ёқдан совчилар... Ҳар куни нечаси келади. Одатимизни биласиз-ку, опаси туриб сингиллар куёвга берилмайди...

Жимиб қолдинг. Мендан жавоб кутардинг. Нима дейишимни билмасдим.

— Обқочиб кета қолсам-чи, ҳеч ким тополмайдиган жойга,— ноилож беўхшов ҳазил қилдим. Сен буни жиддий тушундинг.

— Тўйсиз-а?— дединг қапалагинг учиб.

— Нима бўпти, тўйни кейин қилаверамиз.

— Йўқ!— дединг ранжиб.— Мен ҳеч қачон ота-онамнинг юзига оёқ қўйиб, ўғринча турмуш қурмайман. Ахир улар... сиз...

Нима демоқчи эканлигингни тушундим. «Ахир сиз бирор марта совчи киритганингиз йўқ-ку, улар йўқ дейишмайди», демоқчи эдинг, лекин ғуруринг бунчалик очигига кўчишга йўл бермади. Шунда ҳам мендан садо чиқмади. Қандай қилиб ҳам чиқсин. Қанча тежаб-тергамайин, маошим тирикчиликдан ортмаётган бўлса.

Сен бўлсанг эртагаёқ совчи киритишимни истардинг.

— Энди мен борай,— дединг сукутни бузиб.— Хайр... Мени кечиринг.

Эртасига сенга рўпара келолмадим. Кун бўйи область «Сельхозтехника» бошқармасида бўлдим. Иш вақти охирлаб қолганлиги учун ишхонага бормай, тўғри уйга кетдим.

Қишлоқда гап ётмайди. Айниқса, бунақа янгилик. Онам кечки овқат пайтида гап орасида:

— Мирзажонди қизи сизлар билан ишлармиди?— деб қолди.

— Ҳа. Нима бўпти?— дедим нохуш хабарни кўнглим сезиб.

— Бугун тугун ташлаб кетишибди. Олим бўғолтирди ўғлидан. Уям ўша ерда ишларди шекилли?

• Қутилмаган бу гапдан қалтираб кетдим. Ҳолатимни онамга билдирмаслик учун дастурхонга тикилдим.

— Қизи тушмагур кўзга яқин, ёқимтой бўлди. Мени қаерда кўрса, холажон деб гиргиттон бўларди. Ўзимча, Зарифжонда кўнгли бор шекилли деб юрардим.

Инграб юбормаслик учун тишимни тишимга қўйдим. Онагинам ҳар бир сўзи қалбимга тикандек санчилаётганини қаёқдан билсин!..

Сенга кўринишдан юрагим безилласа-да, бошлиқ чақиргани учун эртасига тушга яқин ноилож қабулхонага кирдим. Ёлғиз экансан. Машикангизни чиқиллатиб алланима ёзиб ўтирардинг. Одатда мен кирганимда қабулхонада бошқа одам бўлмаса, олдимга югуриб келар, қўлларимдан тутиб ҳол-аҳвол сўрар, онамнинг саломатлигини суриштирардинг. Бу сафар пинагингни ҳам бузмадинг. Фақат оқ, тиниқ юзинг янада оқарди, лекин кўзларинг лоқайд, совуқ боқиб турарди.

— Келинг,— дединг-да, ишингни давом эттиравердинг.

Мен сендаги кескин ўзгаришдан ҳайратланиб, туриб қолибман.

— Ишингиз бормиди? — дединг қарамасдан.

— Ҳа. Бошлиқ чақирганди.

— Чақирган бўлса кириг, — дединг ишдан тўхтамай.

Сени бирон жихатдан айблай олмасдим, бунга ҳаққим ҳам йўқ эди.

Ўтган куни сен эркин қуш эдинг: хоҳлаган шохингга қўниб, истаган оҳангда сайрай олардинг. Бугун бўлса, ҳаётинг, тақдиринг бошқа одам билан боғланган. Энди ҳар бир ҳаракатинг, гап-сўзларинг ўлчовли, чегарали бўлади. Бу тушунарли, албатта. Лекин сенинг янги шароитга, янги ролингга бунчалик тез мослашганинг мени ҳайратга солганди. Кечагина қучоғида тўлганиб эркаланган, юзига меҳр-муҳаббат тўла илиқ нигоҳ билан термилган кишингга бугун мутлақо бефарқ, бегона кўз билан қарашинг, ҳиссиз гапира олишингни тасаввуримга сиғдирилмасдим.

Ҳа, ўшанда қўп нарса тушунарсиз эди. Мана, ҳозир тўйингда янграётган қувноқ куй-қўшиқларнинг зил юки остида эзилиб, ғамгин ўйлар, умидсизлик қуршовида танҳо ўтирарканман, икки ярим йил ичида бўлган воқеалар беихтиёр хаёлда жонланиб, жумбоқлар ечилаётгандек бўляпти.

Сен ва мен «Сельхозтехника» район бирлашмасига деярли бир вақтда ишга келдик. Пахтачилик институтини мен, ҳунар-техника билим юртини сен битиргандинг. Мақсадинг пахтачилик институтига — сиртдан ўқишга кириш экан.

Битта мактабда ўқиган, ҳамқишлоқ бўлсак-да, яқиндан таниш эмасдик. Мен мактабни битирган пайтда сен тўртинчи синфда ўқийдиган кўримсизгина қизалоқ эдинг. Бир томондан ҳамқишлоқлигимиз, иккинчидан кириш имтиҳонларига тайёрланишда сенга ёрдам беришим мумкинлиги бир-биримизни хийла яқинлаштирди. Аммо ўрта-мизда ҳақиқий илиқлик ярим йилдан кейин бошланди. Буни қандай юз бергани ҳам эсимда. Иккаламиз бирга институтга боргандик. Қайтишимизда бекатда бир лўли жувон фол очтиришга кўндирмоқчи бўлиб аврай кетди. Сен кўнмадинг.

— Келинг, бир кўрсатайлик-чи, нима деркин, — дедим.

— Қўйсангиз-чи, нуқул ёлғон-яшиқларни тўқиб, таъбимизни хира қилади, — дединг бурнингни жийриб. Лекин охири рози бўлдинг.

Лўли бизни куёв-қаллиқ гумон қилдими, қўлларимиздан ушлаб олиб, жаврай кетди. Сен қизариб-бўзариб қўлингни тортишга, уни гапдан тўхтатишга уринардинг, мен бўлсам кулардим.

— Синглим, уялманг, ҳар кимнинг пешонасида бор нарса. Тақдир йўлингиз оппоқ-ойдин, — деди фолбин насиҳатомуз. — Бахтингиз шу йигитнинг қўлида, йигитники бўлса сизда. Мана, унинг қўлига қаранг, ўзингизникига қаранг, иккалангизнинг тақдир йўлингиз бирлашай деб турибди.

Атрофимизга бир неча одам тўпланган, лўлининг «башорат» ига қизиқсиниб қулоқ солишарди. Кўпчиликдан уялдингми, аччиқландингми, шартта қўлингни тортиб олиб, йўлнинг нариги томонига ўтиб кетдинг. Жаҳлингдан туширгунча қанча ялиндим. Лекин, бари бир, икки уч кунгача менга қовоғингни солиб юрдинг.

Фол сингари хурофотларга ишонмайман, бироқ лўли жувоннинг «башорати» идан сўнг сен кўзимга оловдек кўринадиган бўлиб қолдинг.

Бир неча кундан кейин бошлиқ йўқ пайтини мўлжаллаб қабулхонага кирдим. Хуш кайфиятда қандайдир қўшиқни хиргойи қилиб ўтирган экансан.

— Бизнинг омонат қалай, соғ-омонми? — дедим салом-аликдан сўнг.

— Омонат? — ҳайрон бўлдинг сен. — Менда сизнинг ҳеч нимангиз йўқ.

— Ие, фолбиннинг гапи эсингиздан чиқибди-да? Ахир менинг бахтим сизнинг қўлингизда-ку!

— Ҳаҳ, — бепарво қўл силтадинг, — ҳалиям эслаб юрибсизми ўшани? Валдиради-қўйди-да.



— Ундай деманг. Биласизми, фаришталар бир яхши тилакка, бир ёмон тилакка омин деркан...

— Ҳо, кўнгиллари нималарни тиламайди, — лабингни бурдинг. — Мен сиздан ҳеч қанақа омонат олганим йўқ, олмоқчи ҳаммасман.

Бу гапни анча жиддий айтганинг учун изза бўлиб чиқиб кетдим. Бир-икки ҳафта сенга эътиборсиз қарашга уриниб юрдим. Иш билан хонангга кирганимда ҳам шунчаки салом-алиқдан нарига ўтмасдик.

Бир куни кабинетимда чехраси сенга ўхшаб кетадиган киноартист суратини томоша қилиб ўтиргандим, кўққисдан кириб қолдинг. Суратни беихтиёр шошилич беркитдим.

— Нима у, бунчалик шошилиб яширдингиз? — дединг олдимга келиб.

— Ҳа, арзимаган нарса. Келсинлар. Нечук бизнинг кулбамизни нурафшон қилгилари келиб қолибди? — дедим истехзо билан.

— Қанчадан бери телефон қиламан, трубкани олмайсиз. Соат иккида бошлиқнинг хонасида мажлис бўлади. Олим Козимович бирор ёққа кетиб қолмасин, деди... Нима эди ҳалиги? Сурат эди-а?

— Ҳа.

— Кимники?

— Бир қизники.

— Яхши кўрган қизингиздир-да? — дединг қошларингни чимириб.

— Шунақа деса ҳам бўлади.

— Кўрай-чи?

Суратни узатдим. Авзойинг ўзгариб, расмга менсимай кўз ташладинг.

— Отлари нима экан бу гўзалнинг? — дединг киноя қилиб.

— Орқасига қаранг, ёзиб қўйилган.

Шошиб суратни ағдардинг.

— Ҳаҳ, артист-ку, — дединг кулиб.

— Нима бўпти, артистни яхши кўриш мумкинмасми? У ҳам қиз-да.

— Ҳали излаб ҳам борарсиз?

— Борсам боравераман. Ахир, ошиққа икки дунё бир қадам, дейдилар-ку.

— Ҳа, аҳмоққа Қува бир тош, деган гап ҳам бор, — дединг масхараомуз илжайиб.

— Сизга аҳмоқ бўлибмиз-да, энди? — дедим аччиқланиб. — Бу ёққа беринг, расмни!

— Мана! — Суратни шартта ўртасидан йиртиб, иккига бўлиб, столимга ташладинг.

— Аттанг, — дедим хўрсиниб, — зўрға топгандим уни. Қишлоғимиздаги бир қизга ўхшарди.

— Қани, кимга ўхшаркан?

Сурат парчаларини бирлаштириб астойдил тикилдинг. Кейин лабингни буриб:

— Ҳечам ўхшамайди унга, — дединг.

— Кимга? — дедим юрагим дукиллаб.

— Уша сиз айтган одамга...

— Ундай бўлса, ўхшайдиганидан сиз топиб беринг?

— Нима қиласиз унинг суратини? — дединг қувлик билан кулимсираб. — Ҳамқишлоғингиз экан, ҳар куни ўзини кўраётгандирсиз?

— Бу етарлимас. Доим кўриб туришим керак.

Уч кундан сўнг мендан олган китобни кўтариб кирдинг. Столимга қўйдинг-у, шошилиб чиқиб кета бошладинг.

— Сурат-чи? — дедим китобни қўлга олиб.

Ялт этиб қарадинг:

— Кўнмади. Бировга сурат бермасмиш.

Хафсалам пир бўлиб, беихтиёр китобни очдим. Орасидан кафтдек суратинг столга тушди. Ҳаяжондан кўзларим жимирлаб кетди.

Суратни олиб, сенга термилганча лабимга босдим. Қип-қизариб кетдинг. Эшитилар-эшитилмас:

— Жинни!— дея қочиб чиқиб кетдинг.

Мен бахтиёр эдим. Чунки, сен ёнгинамда эдинг, ишим ҳам ўзимга ёқарди, коллективда обрўйим ҳам ёмон эмасди.

Ишхона қишлоғимизга яқин бўлгани учун ишга кўпинча пиёда бирга келиб, бирга кетардик. Ҳар куни янги-янги фазилатларингни кашф қилардим. Тез-тез баҳслашиб турсак-да, кўп масалаларда фикрларимиз бир жойдан чиқарди. Бундан хурсанд эдим-у, аммо бир нарсая хижолатга соларди. Сен мени техника соҳасида салкам олим, истеъдодли инженер, келгусида катта лавозимларга кўтариладиган ишбилармон одам деб билардинг. Албатта, очиқ айтмасдинг, лекин айрим гапларингдан, менга ўта ихлосингдан фаҳмлаш мумкин эди буни.

Тўғри, институтни қизил диплом билан битирганман, қишлоқ хўжалиги техникасини дурустгина ўрганганман. Лекин юқори лавозимга интилиш ниятим йўқ эди. Ўқишни давом эттирмакчи эдим. Ўқитувчиларим диплом ишимни юқори баҳолашган, уни чуқурлаштириб, кандидатлик диссертациясига айлантириш мумкин, дейишганди. Бунинг учун назарий мулоҳазаларимни бир неча йил амалда синаб кўришим, тўғрилигига ишонч ҳосил қилишим керак эди.

«Сельхозтехника» район бирлашмаси қошидаги техника таъминоти савдо базасига директор бўлгунимгача ишларим анча силлиқ кетди. Янги келган пайтимда, таъминотчи инженерликка тайинлашганида, гапнинг очиғи норози бўлгандим. Чунки, бу экспедиторликдек гап эди. Лекин рад этолмадим. Шу вазифани лозим кўришибдими, демак қилишим керак, деб ўйладим.

У пайтда ҳали база ташкил бўлмаган, таъминот билан кичик бир бўлим шуғулланарди. Бошлиғим ишбилармон одам бўлса-да, кексайиб қолганидан унча жон койитмас, бирлашмада таъминот масаласи ёмон эди.

Бирлашма бошлиғи Козимов иш бошлаганимнинг эртасига сен орқали чақириб (сен билан илк марта гаплашишимиз эди), аҳволни тушунтирди.

— Шу соҳамизни ўнглашга ёрдам берасиз,— деди ва мени зимдан кузатиб сўзида давом этди:— Раҳимов иш бермай қўйди, яқин орада пенсияга чиқиб кетади. Соғлиғи ҳам унчамас. Шунинг учун оғирлик кўпроқ сизнинг бўйингизга тушади. Бир ёшлик ғайртингизни кўрсатасиз, укам.

Ишончни оқлаш учун елиб-югуриб ишлай бошладим. Вақтимнинг кўпи эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган заводларда, таъминотчи ташкилотларда, командировкаларда ўтарди. Мўлжаллаган нарсамни ундирмасдан қўймасдим.

Кўп ўтмай, бошлиғим Раҳимов ҳам, бирлашма бошлиғи Олим Козимович ҳам, бош инженер ҳам мени тез-тез мақтаб, тилга оладиган бўлиб қолишди. Коллектив ўртасида ҳурмат-обрў қозондим. Энг муҳими, сенинг меҳрингга сазовор бўлдим.

Ҳамма иш орзу қилганимдек, ҳатто ундан ҳам ортиқ кетаётгандек эди.

Савдо базаси ташкил этилди. Раҳимов директор бўлди. Лекин ҳеч қанча ўтмасдан пенсияга чиқиб кетди. Ўрнига мен ўтдим. Сен бундан шундай хурсанд бўлдингки, худди бу лавозимга ўзинг тайинлангандек. Сенингча, бу мен тўғримдаги башоратларингнинг тўғрилигига бир исбот эди гўё... Ҳамқишлоғимиз, ҳозир ёнингда бахтиёр куёв бўлиб ўтирган Нуъмоннинг политехника институтини битириб, бизга ишга келиши ҳам ўша пайтга тўғри келди. Уни менинг олдинги ўрнимга қўйишди.

Козимов билан келишмовчиликларимиз ҳам шу вазифага ўтганимдан сўнг бошланди. Олдинлари мен фақат топиб келишнигина билардим. Келган эҳтиёт қисмлар қандай тақсимланади, кимларга

беради, ишим бўлмасди. Бевосита бошлиқ бўлгач, не-не қийинчиликлар билан келтирилайётган нарсаларнинг ярим-ёртиси, айниқса камёб қисмлар колхозларга етиб бормаётганлиги, қандайдир хуфёна йўллар билан ғойиб бўлаётганини фаҳмлаб қолдим.

Бир куни «Гулистон» колхозининг бош инженери — курсдошим Шарофжон хонамга хуноб бўлиб кириб келди. У қалин дўстларимдан эди, бир келганда сен билан таништирган эдим. Унга жуда маъқул тушгандинг. «Муғомбир-эй, — деганди қойил қолиб, — курсдош қизларга қиё боқмасдинг, бу ёқда гап бор экан-да».

— Менга қара, ишонмагин дўстингга, сомон тикар пўстингга, қабилида боплабсан-ку, мени, оғайни. Нукул эски-тускиларни берворибсан-а! — деди бўғилиб. — Ҳеч кутмагандим сендан.

— Нима деясан? — дедим хайрон бўлиб. — Сал ўпкангни бос. Бундай саломлаш олдин. Нима гап ўзи?

— Яна ўзингни анқовликка соласан. Ахир реставрация қилинган аккумуляторларни берворибсан-ку! Бунинг устига, янги аккумулятор деб расмийлаштирибсизлар. Омборингга кириб чиқдим.

— Йўғ-э, бундай бўлиши мумкинмас, — дедим хайратим ошиб.

— Ишонмаяпсанми? Юр, ўз кўзинг билан кўр. Обкелганман қайтариб, берган матоҳларингни. Нима бало, сен ҳам омборчингга ўхшаб порага ўрганиб қолдингми? Ортиқча пулим ҳам йўқ, сенларга берадиган.

Шарофжоннинг аччиқ гапларидан дилим оғриган бўлса-да, ўзимни босдим.

— Ҳозир аниқлаймиз. Англашилмовчилик бўлгандир.

Омбор мудури Қўзиёвни чақиртирдим.

— Ие, ўртоқ Камолов, мен сизга тушунтиргандим-у, Зарифжонни безовта қилишнинг ҳеч кераги йўқ эди, — эшикданоқ Шарофжонга қараб сўзлаб кирди у. — Бу вақтинча чора, дедим-ку, сизга. Ҳалиги, болта тушгунча кунда дам олибди, дегандай гап. Бермаймиз деганим йўқ, берамиз. Янаги кварталники келиши билан...

— Тўхтанг, — дедим унинг маҳмадоналигидан аччиқланиб, — нималар деб валдираяпсиз? Нима учун ҳозирмас, янаги кварталда берасиз? Сизга ким ҳуқуқ берди ўзбошимчалик қилишга?

— Узр, айб менда, — деди Қўзиёв гуноҳкорона қўл қовуштириб, — сизни огоҳлантириб қўйишим керак эди, иш кўнайиб... Ҳозир одам борганда, ўзим келмоқчи бўлиб тургандим. Гап шундаки, ўзингиз биласиз, бор-йўғи бешта янги аккумулятор қолган. Уртоқ Козимов: квартал охири, ҳар эҳтимолга қарши туриб турсин, дегандилар.

— Бешта машинамизнинг аккумулятори йўқ, гаражда ётибди, — деди Шарофжон қизишиб. — Уртоқ Козимов ким учун сақлаяптикин, билсак бўладими?

— Мен, ука, бу ерда кичкина одамман, катталар нимани буюрса, шуни қиламан, — тўнғиллади Қўзиёв. — Районда сизникидан бошқаям колхозлар бор.

— Гапни айланторманг-да, ҳозироқ бериб юборинг, — дедим Қўзиёвга. — Шу колхоз учун ажратилган аккумуляторлар. Одамларни овора қилманг бунақа.

— Кечирасиз, мен ўртоқ Козимовнинг рухсатисиз беролмайман, — деди Қўзиёв парвойига келтирмай.

— Уртоқ Козимовга мен жавоб бераман. Боринг, ҳозироқ берворинг.

Қўзиёв норози қиёфада чиқиб кетди.

— Раҳмат, дўстим, кам бўлма, — деди Шарофжон хурсанд бўлиб. — Сен бўлмасанг осонликча ундирилмасдим бу қурумсоқдан. Ҳалиги гаплар учун кечир.

Улар кетишгач, ўйланиб қолдим. Козимовнинг мени четлаб, Қўзиёвга шахсан буйруқ бериши биринчи марта эмасди. Олдин ҳам Қўзиёв бир-икки марта Козимовнинг оғзаки буйруғини пеш қилганди. Эҳтимол бу гаплардан Козимов беҳабардир, ҳаммаси Қўзиёвнинг

найранглариدير, деб ўйладим ва шу куниёқ унга бор гапни айтишга аҳд қилдим.

Қабулхонада Нуъмон ҳам бор экан. Сен машинкангни чиқиллатардинг, у ёнингда ўтириб, чамаси, ёзаётган нарсангни айтиб бераётганди.

Мени кўриб, дик этиб ўрнингдан турдинг.

— Келинг,— дединг кўзларинг порлаб. Нуъмон ҳам турди.

— Олим Қозимовичда озгина шахсий гапим бор эди, йўқ эканлар, Шоҳидахонга ёрдамлашиб турувдим,— ўзича изоҳ берди у. — Чиқиб ишимни қилиб тураверай, ҳалироқ кираман.

Нуъмон чиқиб кета бошлади.

— Шоколадингиз қолди, обкетинг,— дединг унга. Нуъмон тўхтамасдан:

— У... сизга,— деди-да, эшик ортида ғойиб бўлди.

— Шоколад совға қиладиганлар ҳам чиқиб қолибдими, хоним?— дедим атайлаб қовогимни солиб. Ишва билан кулдинг.

— Чиқади-да, сиз қочиб юраверсангиз. Хайрият, сизниям кўрар кун бор экан.

— Кам кираётганимнинг сабаби шуки, ёмон ўрганиб қолмай деяпман. Кирсам чиқиб кетгим келмай қолади. Кейин, Олим Қозимовичнинг қабулхонага мен учун ҳам битта штат қўшиб қўйишига тўғри келади.

— Ҳо, ёлғончи,— дединг яйраб. Сўнг жиддийлашдинг.— Қандай иш билан кирувдингиз? Жудаям зарурмиди? Олим Қозимович яна ўн беш минутларда келади.

— Жуда зарурмас-у... Сизга айтсам ҳам бўлаверади,— дедим ҳазиллашиб.— Ахир салкам норасмий ўринбосарсиз-ку.

— Албатта. Марҳамат, ўртоқ Пўлатов, қулоғим сизда, — дединг ясама виқор билан.

Сен доим шу ерда эдинг, Қўзиёв билан Қозимов муносабатидан озми-кўпми хабардор бўлишинг мумкин эди. Шунинг учун бўлган воқеани, шубҳамни қисқа қилиб айтиб бердим.

— Қўзиёвнинг гапи тўғри бўлса керак,— дединг ташвишланиб,— улар бир-бири билан жуда қалин.

Шу пайт Қозимов кириб қолди. Мен билан кўришиб, хонасига кириб кетди. Ортидан киришга шайланарканман:

— Илтимос, қизиқонлик қилманг,— дединг.

Қозимов гапларимни негадир ўта бепарво тинглади. Креслога суяниб, бармоқлари билан столни ўйнаб тақиллатаркан, ҳатто хомуза ҳам тортди.

— Ҳм, аккумулятор дейсизми?— деди лоқайд.— Эҳтимол... айтгандирман. Биласиз, квартал охири, бир-иккита запас турса зарар қилмайди... Олиб кетишдими ахир?

— Ҳа, лекин...

— Бўпти, яхши. Яна нима гаплар бор?

— Менимча, омборни бир ревизия қилиш керак. Қўзиёвнинг бундан бошқа ҳам қинғир ишлари борга ўхшайди...

— Ҳожати йўқ,— гапимни бўлди Қозимов,— яқинда ревизия қилинган. Ҳадеб устма-уст текширилаверса, одамнинг ишдан қўли совийди. Ундан шубҳаланманг, ёмон одаммас. Жуда аккуратно ишлайди.— Тил топишиб кетасизлар деб ўйлайман... Хўш сиз келажак бор ёш раҳбар ходимсиз. Одамлар тўғрисида ҳеч қачон шошқалоқлик билан хулоса чиқарманг. Гумон билан бировни айблаб бўлмайди. Тасдиқланмаса, ўзингиз бевурд бўлиб қоласиз... Раҳбар сабр-тоқатли бўлиши керак. Бундан ташқари ўз қўл остингиздаги ходимлар устидан шикоят қилиб юришингиз ҳам ярашадиган ишмас.

Қозимовнинг хонасидан гангиб, бадтар хуноб бўлиб чиқдим. Бу авзоимдан ҳам билинса керак!

— Нима бўлди? Жанжаллашдингизми?— дединг кайфинг учиб. Сенга қарамай:

— Афсуски, йўқ,— дедим-да, чиқиб кетдим.

Ўзимни кечириб бўлмас катта гуноҳ қилгандек ҳис этардим. Козимовга гап қайтаролмаганим, ҳақлигимни исботлай олмаганим алам қила бошлади. Хўш, нимадан қўрқдинг? Ҳақлигимни била туриб нега қаттиқ турмадим, журъатсизлик қилдим?.. Тан олиш қийин, аммо, аслида, ўшанда, бошлиқ билан орамиз бузилишидан, унинг назаридан қолиб, янада юқори поғонага кўтарилиш у ёқда турсин, эндигина эришган кичкина амалимдан ҳам айрилиб қолишдан чўчиган бўлсам керак. Бу тамагирлик, пасткашлик эди.

Жаҳл устида яна бир бемаъни иш қилдим: эртасигаёқ омборга ревизия жўнатдим. Қўзиёв ҳам анойилардан эмас экан. Текширишда ҳамма нарса бекаму кўст, тўппа-тўғри чиқди. Козимов айтганидек, қайтага унинг олдида ўзим ноқулай аҳволда қолдим. Аммо бошлиқ нимагадир бу ишимни маъқуллади.

— Тўғри қилибсиз, модомики шубҳа туғилган экан, текшириб қўйиш зарар қилмайди,— деди местком раиси ва партком секретари олдида.

Индинига кечки пайт Қўзиёв мукофот олган одамдек очиқ чеҳра билан жилмайиб кириб келди.

— Текширтирганингиздан ҳечам хафа бўлганим йўқ,— деди дўстона оҳангда.— Қайтага яхши бўлди: кўнгил равшанлашди. Гапнинг очиги, ука, у кунги бетамизлигимдан уялиб, сизга учрашга юзим чидамай юргандим. Айбим катта, сизни олдинроқ огоҳлантириб қўйишим керак эди, ўшанда. Хаёлпаршонлик қурсин, айтганман деб ўйлабман. Ўзимнигинамас, сизниям ноқулай аҳволга солиб қўйдим дўстингиз Шарофжоннинг олдида. Олим Козимовичдан ҳам эшитадиганимни эшитдим. Бунақа хато иккинчи такрорланмайди, узр, Зарифжон.

— Майли-майли, ҳеч қиси йўқ,— дедим ўзимни сипо тутишга уриниб.— Ҳар қалай бир-биримиз билан келишиб иш тутсак ёмон бўлмайди.

— Албатта, албатта, юз фоиз ҳақсиз. Энди, ука, иш бор жойда хато ҳам бўлар экан-да. Айтадилар-ку, тўртта туёғи бўлса-да, от ҳам қоқилади деб. Биз бўлсак, иккита оёқдаям зўрға юрамиз. Буниям биттасида бод бор.

Қўзиёв мириқиб кулди.

— Зарифжон, ука, мана, сиз билан бир йилчадан буён бирга ишлаймиз-у, бирор марта бундай ёзилишиб гаплашиб ўтиролганимиз йўқ. Ҳозир тўғри бизникига борсак. Ун минутгина чақчақлашамиз, а, нима дейсиз? Бу ҳам мени кечирганингизнинг белгиси бўлади, ҳам бир-биримизни яхшироқ билиб оламиз.

— Раҳмат, Собиржон ака, бошқа бир мавриди бўлиб қолар,— дедим унинг кутилмаган таклифини рад этишга дурустроқ баҳона тополмай.— Бугунга мўлжаллаб қўйган анча ишларим бор.

— Э, қизиқмисиз, кўнгил очиқ бўлса, маврид-павриди борми. Иш қочиб кетмас. Маврид топиш ўзимизга боғлиқ. Чамамда, кўнглингизга бошқача гаплар келди шекилли. Унақа алоҳида тайёргарлик йўқ, кундалик дастурхонимиз. Йўқ, десангиз қаттиқ хафа бўламан лекин.

Турли баҳоналарни рўқач қилиб кўрдим. Аммо Қўзиёв ҳам осонликча таслим бўладиганлардан эмас экан.

— Энди очигини айтмасам бўлмайди шекилли,— деди охири.— Олим Козимович, Зарифжон борадиган бўлса, мен ҳам ўтиб қоларман, деганди. Мен катта ваъда берворгандим. Илтимос, ука, ўсал қилиб қўйманг у кишининг олдида. Биласиз, нозик кўнгилроқ одам, борма-сангиз хафа бўлишим мумкин... Агар ростдан ҳам беғараз одам бўлсангиз, йўқ демайсиз.

Қўзиёвнинг охири гапидан кейин ноилож рози бўлдим. Бироқ унинг локс «Жигули»сида кетарканман, кўнглимга ғашлик чўқди. Гарчи бу ишни Қўзиёвга нисбатан ҳеч қандай шахсий ғаразим йўқлигини кўрсатиш мақсадида қилган бўлсам-да, фош қилиб,

шармандасини чиқариш ниятида авра-астарини ағдариб ревизия қилдирган одамимнинг уйига ўзининг машинасида меҳмондорчиликка бораётганлигим уларнинг наздида таъмағирлик, пасткашлик бўлиб кўриниши мумкин эди. Бемаъни кўнгилчанлигим, бундай одамлар билан муомала қилишда тажрибасизлигим туфайли аҳмоқона вазиятга тушиб қолгандим. Машинани тўхтатиб тушиб қолишга эса юзим чидамасди.

Қўзиевнинг уйи дид билан қурилган, нақшинкор, шинамгина эди. Хотини, чамамда, менинг келишимдан чиндан ҳам беҳабар экан.

— Хўп ғалати ишлар қиласиз-да, дадаси, — деди Қўзиев мени таништиргач, хижолат чекиб. — Ҳеч бўлмаса бир-икки соат олдин хабар бермайсизми, меҳмон келади, деб. Сал у ёқ-бу ёқларни йиғиштириб, оз-моз тайёргарлик кўриб қўймайсизми. Зарифжоннинг биринчи келиши бўлса. Одамниям уялтирворасиз.

— Майли, хоним, бўғилманг, — деди Қўзиев кулумсираб. — Зарифжон ўзимизни укамиз. Камимизни кам, ортигимизни ортик демайди. Борингизни эплаштираверасиз. Ҳа, айтгандай, меҳмоннинг иккинчисиям бор... Олимжон аканг! Сал кечроқ келади. Ана, бунисини олдинроқ айтдим, қутилдими, даъвонгдан?

— Шунақа келиб туринг, Зарифжон, — деди келин аямиз ариқ бўйидаги фарқ пишган гилос остидаги сўрига ўтирганимиздан сўнг. — Акангиз сизни кўп мақтаб гапиради, бошлигим жуда ажойиб, яхши йиғит, деб. Бир-биримизникига борди-келди қилайлик. Одамнинг тафтини одам кўтаради, айланай.

— Раҳмат, ая, энди келиб тураман, — дедим хижолатлик билан. — Сизлар ҳам боринглар бизникига.

— Борамиз, ука, борамиз. Тўйингизда ўзимиз хизмат қиламиз-да, худо хоҳласа.

«Ие, бу томонидан ҳам хабардор экан-да? Қўзиев мен ҳақимда кўп гапириши рост шекилли, — хаёлимдан ўтказдим ичимдан зил кетиб. — У мени шунчалик иззат қилса-ю, мен қандайдир гумонлар билан кавлаштириб юрсам...»

Қўзиевнинг ўғил-қизлари анча одобли болалар экан, дастурхонга у-бу олиб келиш баҳонасида деярли ҳаммаси бир-бир келиб, саломлашиб кетди. Бу ахил, тўкис оилага ҳавасим келди.

Дастурхон бирпасда ноз-неъматга тўлди. Қўзиев ниҳоятда гапга чечан, латифа айтишга уста экан. Кўп ўтмай, хижолатпазлигимни тарқатиб юборди.

Унинг гапи рост чиқди: бир соатчадан сўнг Козимов кириб келди. У идорадагидан бутунлай бошқача эди. Бир гапириб ўн кулар, гоҳ Қўзиев билан аския айтишар, ора-сира мени ҳам беозоргина чандиб кетарди.

— Зарифжон, хўжайиннинг битта сирини очайми? — деди бир вақт Қўзиев менга кўз қисиб. Сўнг Козимовга юз бурди. — Битта машқ чалиб берасиз. Зарифжон ҳам санъатингиздан баҳраманд бўлсин. Хў, болалар, дуторни обчиқинглар!

— Э, қўйсанг-чи, Собир, — қўл силтади Козимов, — соз ушламаганимга бир-икки йил бўлди. Узинг мендан яхши чертасан. Эшитишни, мана, бизга қўйиб бер. А, Зарифжон?

— Ундай бўлса, куйи биздан, қўшиғи сиздан.

— Ҳм. Оббо, қўймадинг-да. Қани, олдин бир-иккита машқ чал-чи?

Қўзиев мени ҳайратга солиб дуторни сайрата кетди. Майин, ёқимли чаларди. Кичиклигимдан мусиқани севаман, Шунинг учун ҳам Қўзиевга ҳурматим ошди. Козимов дурустгина қўшиқчи экан. Дутор жўрлигида «Ушшоқ»ни наздимда жуда қойиллатиб куйлади.

— Қалай, Зарифжон, чарчоғингиз ёзилдими? — деди Қўзиев жилмайиб.

— Яқин орада бунчалик ҳузур қилмагандим. Иккалангизга ҳам раҳмат, ажойиб санъаткор экансизлар.

— Ҳа, энди, бу бир ҳаваскорлик-да, — деди Козимов камтарлик

билан. — Собиржон акангиз билан ёшликда басма-басига ўргангандик. Бу мендан ўтиб кетди. Талантлироқ чиқди, қурғур.

Қўзиев кулди.

— Хўжайин, ортиқча камтарлик ҳам мақтанчоқликнинг бир тури, деган гап бор, сал пастроқ тушинг.

Гарчи дастурхонда ичкиликлар, оқию қизили мўл бўлса-да, деярли ичилмасди. Козимов билан бунақа ўтиришларда кўп бўлмаганман. Аслида ўзи кам ичармиди ё ўша куни атайлаб ичмадими, ҳар қалай, пиёла тўла коньякдан бир-икки хўплаб қўярди. Мен бўлсам, умуман, ичкиликка тобим йўқ. Қўзиев ҳам мезбонлигидан бўлса керак, сал-пал тотиниб ўтирарди, холос. Хуллас, учаламиз ҳам ҳушёр эдик.

— Боя қандайдир маслаҳатли гап бор дегандай бўлгандинг, нима эди? — деб қолди Козимов Қўзиевга боқиб.

— Дегандим-у, энди иккиланиб қолдим, — Қўзиев менга қаради. — Очигини айтсам, Зарифжон ука, сизнинг шахсий турмушингизга алоқадор гап. Малол келармикин, деб хижолат бўлиб турибман.

— Малол келадиган гап бўлса, гапирма, — деди Козимов насихатомуз.

— Бировнинг шахсий ҳаётига олди-кетини ўйлаб аралашин керак.

— Йўқ-йўқ, майли, бемалол. Учини чиқардингизми, охирига етказинг, — дедим. — Айтмасангиз қандай гап экан деб ўйланиб юраман.

— Аслида унақа хафа бўладиган гап ҳам эмас ўзи, аксинча, хурсандлик, хайрли маслаҳат.

— Баъзан жуда мижғовлик қилворасан-да, Собир, — дакки берди Козимов. — Айтадиган бўлсанг чайналма.

— Агар гапим малол келса, олдиндан узр сўрайман, ука... Тунов куни Шоҳидахоннинг отаси билан гаплашиб қолдик. Сиздан озгина гина қилгандай бўлди.

— Қайси, Шоҳида? Ўзимизнинг секретарь қизимизми?

— Ҳа, ўша-да... Бир вақтлар техникумда бирга ўқиғандик. Сал-пал борди-келдимиз ҳам бор... Қизим кўпинча Зарифжон билан бирга юрармиш. Қишлоқчилик, хотин-халаж ўртасида баланд-паст гаплар тарқалаптимиш. Агар нияти жиддий бўлса, одам киритсин, ишонишиб қўяйлик, бўлмаса бунақа қилиб юришмасин, деган мазмунда гапирди.

Гарчи сенга нисбатан ҳеч қандай ғаразим бўлмаса-да, иккалаамиз бирор ноҳўя иш қилмаган бўлсак-да, Қўзиевнинг кутилмаган гапидан мулзам бўлдим.

— Кўнглингизга ёмон ҳаёллар келмасин, — деди Қўзиев шошқинлик билан. — Бу гапларни айтишдан мақсад шуки, агар чиндан ҳам бир-бирингизга кўнгил қўйган бўлсангиз, кўплашиб тўйни тезлаштириб юбора қолайлик, демоқчиман. Билишимча, Шоҳида ёмон қизмас. Меҳнаткаш, одобли, дуруст тарбия кўрган. Ота-онаси ҳам, биларсиз, қишлоқнинг обрўли кишиларидан. Сизга маъқул келмаса, гап шу ерда қолаверади, албатта.

— Бу яхши гап, — Козимов маъқуллаб бошини лиқиллатди. — Менимча ҳам бир-бирингизга жуда муносибсиз. Иккалангизнинг бошингизни бир қилиб қўйсақ ёмон бўлмасди, албатта.

Қўзиевнинг тўйдан бемаврид гап очиши бежиз эмаслигини, афсуски, кейин фаҳмладим. Ўша пайтда эса соддалик қилиб, нияти самимий бўлса керак, деб ўйлабман.

Яқин орада тўй қилишга қурбим етмаслигини очиқ айтиб қўя қолдим.

— Бу томонидан чўчиманг, ука, — деди Қўзиев елкамга қоқиб. — Тўйникини худо етказди, деган гап бор. От билан туя кетармиди. Эл қатори тўй қиласиз. Ўч-тўрт минг сўм билан ўртача тўй қилиб ўтказса бўлади. Мана, Олим Козимович, қўлидан келганича ёрдамлашар, биз ҳам қараб турмаймиз. Ҳа энди, борингки, анча-мунча қарз-парз ҳам бўларсиз. Қарз бўлса узилар, хотин ёнга қолар, деганларидай, келинни

обкелиб олгандан кейин икки ёрти — бир бутун бўлиб узворарсизлар. Ҳамма гап ишни бошлаб олишда.

Эътироз билдириш қийин эди. Онам кексариб; кундан-кунга мазаси қочиб борарди.

— Сизлар шуни лозим кўрсаларингиз нима ҳам дердим.

— Мана бу, ўғил боланинг гапи бўлди!— Қўзиев хурсанд бўлиб кетди. — Хотиржам бўлинг, сизни ортиқча куйинтириб қўймаймиз. Бу ёғини менга қўйиб берасиз. Совчиликни, мана, Олим Қозимович бўйнига олади.

— Майли,— дарров рози бўлди Қозимов.— Шоҳидахон қизимздай гап, Зарифжон — укамиз. Совчилик қилсак-қилибмиз-да.

Эҳтиёт қисмларга, айниқса автомашиналарнинг тез ишдан чиқадиган деталларига талаб катта эди. Лекин уларни эҳтиёжга нисбатан кам олардик. Моддий жиҳатдан бақувват, йирик, илгор колхозлар ҳамманинг эътиборида эди. Янги техникани ҳам кўп олишар, эҳтиёт қисмларни биз бергандан ташқари бошқа йўллар билан ҳам топишарди. Заифроқ хўжаликлар фақат бизнинг қўлимизга қарам эди. Уларнинг буюртмалари кўпинча ойлаб бажарилмай туриб қоларди. Заявкларни кўриб чиқиб, Қўзиевни чақиртирдим.

— Мана шу заявкларни расмийлаштириб, колхозларга хабар беринг, тезроқ олиб кетишсин.

— Хўп бўлади,— деди тавозе билан.— Бугуноқ айтамыз.

Кечқурун уйда телевизор кўриб ўтиргандим, машинанинг чўзиқ сигнали эшитилди. Сўнг кимдир мени чақирди. Чиқдим. Қўзиев билан ўғли экан.

— Чақирилмаган меҳмонларни қабул қилаверасизми?— деди Қўзиев кулимсираб.

— Марҳамат, келинг... келинлар,— дедим унинг кутилмаган ташрифидан бир оз ҳайрон бўлиб.

Қўзиев машина ёнида турган ўғлига ўтирилди.

— Аканг билан кўришмайсанми? Жуда тортинчоқ-да, қурмағур. Энди ҳалиги нарсаларни ол, ўғлим.

Йигитча кабинадан чоғроқ қоғоз яшиқ, дастурхонга чигилган каттагина сатилни туширди.

— Обкир, ичкарига.

— Нима булар?— дедим ҳайронлигим ортиб.

— Арзимаган нарсалар. Узимизга керакли майда-чуйда-да. Ҳайрон бўляпсиз-а?— Қўзиев қаҳ-қаҳлаб кулди.— Одатим шунақа: биров кутмаган ишларни қилиб юраман. Ишдан келсам, аянғиз хафсала билан димлама босаяпти қозонга. Узим ўтириб зерикдим. Бирдан хаёлимга: «Зарифжон билан ҳангомалашиб келмайманми, уям нима қилишни билмай ўтиргандир», деган фикр келиб қолди. Димламанинг бизга тегишлисини сатилга бостирдим-да, жўнавордим.

— Э, бекор овора бўлибсиз,— дедим ўнғайсизланиб.— Шундай келавермайсизми.

— Овораси борми, ука, керакли тошнинг оғирлиги йўқ. Қуруқ келаверсам ҳам бўларди, лекин ҳоламизни уринтириб қўярдик. Кекса одамни аяш керак. Ўғлим, энди кетавер,— нарсаларни бизникига қўйиб чиққан йигитчага буюрди,— икки соатлардан кейин келиб обкетарсан.

— Кирсин укамиз ҳам...

— Йўқ, бунга тайёрлайдиган дарслари бор, акаси, бормаса бўлмайди. Институтга кираман деб уриниб юрибди.

Қўзиевни ноилож уйга бошладим. Онам билан эски танишлардек қалин ҳол-аҳвол сўрашди.

Сўриток остига стол қўйиб ўтирдик. Қўзиев эскигина уйимизни ўтирган жойида кўздан кечира бошлади.

— Уй янгилайдиган бўп қопти,— деди.— Бу йил ремонт қиллмабсиз шекилли?

— Ҳа, ишдан қўл бўшамаяпти,— дедим унинг нақшинкор, чи-



ройли уйи билан ўзимизникини фикран солиштирар эканман, ҳи-  
жолат тортиб. — Энди отпусада...

— Жуда тортинчоқсиз-да, Зарифжон, — деди Қўзиев ўпкалаб. —  
Сизнинг вақтингиз етишмайди, тушунарли. Менга бир оғиз шипшитиб  
қўймайсизми. Худога шукр, ўғиллар дастёр бўлиб қолишди. Икки  
кунда чиройли қилиб, ремонтдан чиқариб беришарди.

— Раҳмат, Собиржон ака, бўлар аста-секин.

Онам биз билан ўтиришга кўнмади. Чарчаганини айтиб, узр сўраб,  
уйга кириб кетди.

Яшиқда бир неча хил мева-чева, иккита беш юлдузли чет эл  
коньяги, иккита катта «Пшеничний» ароғи бор экан. Қўзиев коньяк ва  
ароқни очиб, менга оқидан, ўзига қизилидан қуйди. Уни ўз уйимда  
меҳмон қилаётганимдан ниҳоятда ўнғайсизланардим. Аксига олган-  
дек, ўша куни уйда гўшт-ёғ йўқ эди. Гўшт дўкони аллақачон  
беркилганди. Оддийроқ битта ароқ бор эди, бироқ уни дастурхонга  
қўйсам, Қўзиевнинг олдида кулги бўлишим турган гап.

Қўзиев ўзини худди уйидагидек эркин тутарди. Гапни айлантириб  
тўйга бурди.

— Шу денг, Зарифжон, у кунги маслаҳатимизни аянгизга  
айтгандим. Қурғур, оғзим бўшроқ, яхши гапни ичимда сақлолмайман.  
Шундан бери мени тинчитмайди-да. Шу савоб ишни бошладингизми,  
охирига етказинг, Зарифжон ёлғиз ўғил экан, ёрдамлашадиган оға-  
иниси йўқ, сиз акалик қилиб бош қўшмасангиз ким бошқаради бу  
ишларни, дейди. Тўғрисини айтсам, бугунги келишим ҳам аянгизнинг  
ташаббуси. Ўзиям келмоқчи эди, қайтардим. Олдин мен бир разведка  
қилай-чи, сен кейин борарсан, дедим. Бу ишни узоқ чўзишнинг хосияти  
йўқ, ука. Икки-уч куннинг ичида уйларни ремонт қилдирайлик. Эртага  
ўғилларни жўнатай. Қурилиш пемкасининг прораби оғайним: матери-  
алларни топиб беради. Бир-иккита қурувчиларидан ҳам сўраймиз.  
Эртагами, индингами, аянгиз келиб, холам билан бир тиллашсин,  
нималар бор, нималар йўқ, билайлик.

— Ўша куни айтдим-ку, Собиржон ака, бизда тўйга деярли ҳеч  
тайёргарлик йўқ. Бошқа қишлоқдан бўлсангиз ҳам, ҳар қалай,  
расмларимизни биласиз: унча-мунча билан келин олиб бўлмайди.

— Албатта, эл қатори сарф-харажат бўладику-я...

Қўзиев ўйланиб қолди.

— Маошингиз бир юз олтмиш сўм атрофида а? Ҳа, балли...  
У кунги маслаҳат-да! Таваккалига ҳаракатни бошлайверамиз, аста-  
секин ҳамма камчиликлар ҳам битиб кетади.

У кителенинг кўкрак чўнтагидан қоғозга, ўроғлик нарса чиқарди.

— Манави беш юз сўм пул, — деди олдимга қўйиб. — Ҳозирча  
уйда бори шу экан.

Кайфим учиб, Қўзиевга бақрайиб қолибман.

— Чўчиманг, олаверинг, — деди Қўзиев жилмайиб, — қарзга бер-  
япман.

— Йўғ-э, Собиржон ака, яқин ўртада узолмайман, — дедим  
аллақандай қалтироқ овозда.

— Э, қизиқмисиз, — кўл силтади Қўзиев, — қачон қурбингиз  
етганда берасиз-да. Бир-биримизда қолиб кетмас, ахир. Бизга ҳозирча  
унчалик зарурмас. Сизга бўлса, айниқса ҳозирги пайтда пул сув билан  
ҳаводек гап.

Мен, бари бир, пулни олмасликка уриндим. Лекин Қўзиевга бас  
келиш қийин эди. У десам у деди, бу десам бу деди, хуллас, пулни  
қолдириб кетди.

Кечаси билан ухламай тўлғаниб чиқдим. Қўзиев қолдириб кетган  
пул гўё ҳозир илонга айланади-ю, томоғимдан бўғадигандек туюларди.

Эрталаб Қўзиев кабинетимга жилмайганча кириб келди. Ҳомий-  
ларча қол-аҳвол сўради. Олдимга ҳужжатларни қўйди.

— Қўл қўйворсангиз. Бугун келиб обкетишади. Ҳаммасига хабар  
бердик.

Хужжатлар орасида мен айтган колхозлардан фақат «Гулистон» гина бор эди, холос.

— Бу қанақаси бўлди?— дедим унга тикилиб.

— Вазият шунақа бўлиб қолди, ўртоқ Пўлатов. Анави колхозларнинг счётида пули йўқ экан, банк поручениеларини ўтказмаяпти. Насияга берсак, яна сиз билан биз сарсон бўламиз, ундирилмай. Шунинг учун осонроқ пул тўлайдиганларникини расмийлаштирдим. Қўл қўяверинг, кейин хурсанд бўласиз.

— «Гулистон» дан бошқаси заявка бермаган-ку, бу деталларга?

— Заявка ёзиш икки минутлик иш. Бугун бош инженерлари келишади. Ёзиб беришади-да. Бу деталларнинг кўпи харидоргир нарсалар. Олишади, хотиржам бўлинг.

— Гапни айлантирмай, тўғриси айтиб қўя қолинг, хужжатлар расмийлаштирилади-ю, деталлар берилмайди. Чунки, бош инженерлар, раислар ошналарингиз, тўғрими? Кейин ўзимиз мижозлар орқали пулласак керак-а?

— Э, нималар деяпсиз, Зарифжон?— Қўзиев кулиб юборди.— Бунчалик бадгумон бўлманг-э! Нега энди деталлар берилмас экан, юз процент олиб кетишади. Улар ҳам анойимас. Тўғри, энди, сиз билан бизга ҳам озгина чойчақа қолади. Йўқ деганимизга қўймай ўзлари ташлаб кетишади-да. Бу, айниқса, ҳозир бизга малҳамдек гап.— У ўнг кўзини маънодор қисиб қўйди.— Укам Зарифбек, мижозлар ҳам сигирга ўхшайди, соғиб турмасангиз охири сут бермай қўяди. Сигирларга, ўзингиз биласиз, говмишлигига қараб емиш берилади. Камбағал колхозлардан келадиган мижозлар бамисоли қисир сигир, қанча чўзманг ҳеч бало чиқмайди.— Қўзиев, ўзининг ўхшатиши ўзига нашъа қилиб, қаҳ-қаҳлаб кулди.— Бу гаплардан тагин, еб тўймас балохўрлардан экан, деб ўйламанг,— деди жиддийлашиб.— Йўқ, бизга тирикчилик ўртача ўтиб турса кифоя. Оз есанг — кўп яшайсан, дейишади-ку. Мана, ўн йилдан ортди шу ишда ишлаётганимга, чангим чиққанмас. Худо хоҳласа, бундан кейин ҳам чиқмайди. Ризқимиз шу ерда экан, боримизни баҳам кўраверамиз, ука. Хотирингиз жам бўлсин, сизга гап тегадиган иш қилмаймиз.

Қўзиев бунчалик очик, ишонч билан гапиришидан мени ўзига шерик ҳисоблаётган эди. Агар ҳозир хўп деб у тайёрлаган хужжатларга қўл қўйсам, батамом унинг ҳукмидаги одамга айланишим, бундан кейин хоҳлаган куйига солиб, ўйнатиши мумкин эди.

— Гапингиз тугадими?— дедим иложи борица ўзимни хотиржам тутиб.

— Ҳа... Бир эркалик қилиб ёзилиб кетдик-да, ука, кўп гапирворган бўлсам, узр.

Стол устидаги қоғозларни тортмага, у тайёрлаган хужжатларни бўш папкага солиб, ўрнимдан турдим.

— Ҳозир бирга Олим Козимовичнинг олдига кирсак...

— Нимага?— ранги бир оз ўчиб, гапимни бўлди Қўзиев.

— Ҳозирги гапларингизни у кишининг олдиларида ҳам такрорлайсиз. Эҳтимол ўртоқ Козимов ҳам шерикликка рози бўлар. Бежавотир ишлаймиз-да.

— Йўқ, Олим Козимович катта одам. Сиз билан биз кичикмиз. У кишини аралаштирмайлик.

— Нимага энди? Лоақал дўсти қандай одамлигини билиб қўяди-да.

— Йўқ, ўзингиз кира қолинг, менинг Козимов билан ҳозир гаплашадиган гапим йўқ. Зарур бўлса, ўзи чақиртиради.

У бамайлихотир, намоийшкорона эшикка юрди. Лекин тутқични ушлади-ю, қўйиб юбориб менга ўгирилди.

— Укам, бошлиғим бўлсангиз ҳам айтиб қўяй, ёш жиҳатдан ҳўкиздай бўлсангиз ҳам аслида бузоқ экансиз. Менинг сизга ҳеч қандай гаразим йўқ, фақат яхшилиқ қилмоқчи эдим. Лекин сизнинг ем берган одамни сузадиган одатингиз борлигини билмаган эканман.

Начора, билганингизни қилинг. Бузоқнинг югургани сомонхонагача. У шундай деб чиқиб кетди. Қўзиевнинг заҳарханда гаплари тикандек ботган бўлса-да, ўзимни босдим. Папкани кўтариб Козимовнинг олдига жўнадим.

Қабулхонада бир нечта одам бор эди. Сен, зарур ишинг йўқ бўлса керак, «Саодат» журналини ўқиб ўтирардинг.

— Бандми? — дедим саломлашгач, Козимов хонасига бош ир-габ. — Кимлар бор?

— Бош инженер, парторг, местком раиси... Ҳеч ким кирмасин, дегандилар.

— Ҳечқиси йўқ, мени ўзлари чақиртирганлар, — дедим ишонч билан.

— Ундай бўлса, кираверинг, — дедим иккилашиб.

Козимов гапирётган экан. Киришим билан гапдан тўхтади.

— Келинг, ўртоқ Пўлатов? — деди Козимов хушламайроқ. — Нима гап?

Қўзиев билан бўлган гапларни қисқача айтиб бердим. Уникада бўлган зиёфат ҳақида индамадим, албатта.

— Қани, беринг-чи, ҳужжатларни, — деди Козимов авзойи бузилиб. Бирма-бир кўриб чиққач:

— Газета ўқийсизми, ўртоқ Пўлатов? — деди қаттиқ тикилиб. Кутилмаган саволдан бир оз гангидим.

— Уқийман... Лекин газетанинг бу гапларга нима алоқаси бор?

— Шунинг учун сўраяпманки, — Козимов чертиб-чертиб гапирди. — Агар ўқиганингизда, бизнинг вақтимизни ҳозир беҳуда олмаган бўлардингиз. Кеча райком бюроси бўлган. «Социализм» билан «Хуррият» колхозларининг пахта йиғим-теримини тўла механизациялаш юзасидан тузган тадбирлари маъқулланган. Тадбирлар ҳам, бюро қарори ҳам бугун район газетасида босилиб чиққан. Қарорда сиз билан бизга ҳам анча вазифалар юқлатилган. Яъни, шу колхозларнинг техникасини кампания даврида бекаму кўст ишлашнинг таъминлашимиз керак. Тушунарлими?

— Тушунарли, лекин...

— Гапни бўлмайд туринг. Гарчи Қўзиевнинг саводи сизникичалик бўлмаса ҳам сезгир одам. Газетани ўқиган, вазиятни тушунган, шунинг учун биринчи навбатда шу колхозларнинг заявқасини расмийлаштирган...

— Ўртоқ Козимов, эҳтимол мен ноҳақдирман, аммо...

— Бу киши гапни тугатиб олсин, ие, — жеркиди партком секретари Жавлонов. — Этика деган нарсани биласизми, ўзи?

— Мулзам бўлиб, кечирим сўрадим.

— Майли, майли, ҳечқиси йўқ, — деди Козимов олиҳимматлик қилиб. — Хўш, энди «Андижон» колхозига келсак, тўғри, ўзбошимчалик қилган дейиш мумкин. Чамада у менинг ўша колхозда вакил эканлигим учун шундай қилган бўлса керак. Истасангиз бу колхозни қолдиришингиз мумкин... Умуман, ўз ходимларингиз устидан шикоят қилиб юриш ўрнига ишлаш керак, ўртоқ Пўлатов.

— Бунчалик камситиб юборманг, ўртоқ Козимов, — дедим ўзимни босишга ҳаракат қилиб, — тўғри, газетани кўрмай қолибман, айбимни бўйнимга оламан. Албатта, райком қарори бажарилиши керак. Лекин бошқа колхозлар ҳам ердан чиқмаган-ку. Нимага энди «Социализм», «Хуррият», «Андижон» колхозлари ўзгалар ҳисобига илғор бўлиши керак? Илғор бўлгилари келган экан, ўзларининг ички имкониятлари ҳисобига ташаббускор бўлишсин. Икки-учта хўжаликни байроқ қилиб кўрсатиш учун бошқаларни жабрлаш керакми? Ахир улар ҳам кам меҳнат қилаётгани йўқ. «Гулистон» билан «Шарқ юлдузи»нинг заявқаси олти ойдан бери папкада чанг босиб ётибди. Ваъдадан бошқа нарса берганимиз йўқ. «Қизил юлдуз» билан «Октябрь» колхозларига ҳам ўтган кварталда ёлчители бирор нарса бермадик... Эҳтимол мен ноҳақдирман, бироқ, ҳар қалай, улар ҳам пахта етиштиради-ку!

— Қаранг-а,— деди Қозимов истехзо билан,— демак, сиздан бошқа ҳамма нотўғри иш қиляпти. Райком ҳам, биз ҳам. Фақат сиз доносиз, одилсиз, бутун район учун сиз ташвиш тортасиз, холос. Шундайми?

— Э, қўйсангиз-чи,— қизишиб қўл силтадим,— мен нима деяпман-у, сиз нима деяпсиз. Бўпти, Қўзиев ҳақ, мен ноҳақ бўлсам, ишламаганим бўлсин. Тирикчилигим бошқа жойда ҳам ўтиб қолар.

— Қизишманг, ўзингизни босинг,— деди партком секретари,— ёш боламисиз? Қўзиев айтган гаплари учун жавоб беради. Қинғир ишлари бўлса, буни ҳам текшириб кўрамиз. Бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдириш керак эмас.

Қозимов кўнғироқ тугмасини босди. Зум ўтмай сен кирдинг. Мен узун столнинг энг чеккасида ҳамон тикка турардим. Рангим ўзгариб кетган бўлса керак, юзимга ров қарадинг-да, бошлиққа боқиб:

— Эшитаман, Олим Қозимович,— дединг ташвишли оҳангда.

— Қўзиевни чақиртиринг!— буюрди Қозимов.

— Қайси Қўзиевни?

— Торгбаза омборчисини!— овозини кўтариб, зарда билан деди Қозимов.— Ахир мингта эмас-ку, Қўзиев!

Лабингни тишлаб, индамай чиқиб кетдинг. Хонага сукунат чўкди.

— Утиринг, Пўлатов,— буюрди Қозимов гўё тик турганим энди эсига тушгандек.

Ун минутлардан кейин Қўзиев кирди. Тавозе билан саломлашди.

— Хўш, ўртоқ Қўзиев, нега бемаъни ишлар қилиб юрибсиз?— зуғум билан сўради бошлиқ.— Узингизни ким деб ўйлаяпсиз бу ерда?

— Кечирасиз, Олим Қозимович,— деди Қўзиев ранги оқариб,— тушунмадим. Нима қилибман?

— Нега запчастрларни директордан берухсат, ўзбошимчалик билан тақсимлаяпсиз? Сизга ким ҳуқуқ берди бундай қилишга?

— Бундай қилмоқчимас эдим, лекин, ҳалиги...

— Газетада райком қарорини ўқиб, ўзингизча ташаббускорлик қилмоқчи бўлгансиз-да?

— Ҳа!— ҳаёти топиб олгандек суюниб кетди Қўзиев.— Ўртоқ Пўлатов буюрган колхозларга фактура қилмоқчи бўлиб тургандим янги газета обкириб қолишди. Қарорга кўзим тушиб қолди. Шундай қилсам, раҳбарларга ҳам маъқул тушар деб ўйлабман-да. Бунақа бўлишини билсам...

— Йўқ, умуман, тўғри иш қилгансиз,— деди Қозимов насиҳатомуз,— бироқ олдин директорингизга тушунтиришингиз керак эди.

— Тушунтирмоқчи эдим. Гап бошлашим билан ҳар хил қочиримлар қила бошлади... Нимагадир мендан ўзича гумонсираб юради. Тўғрисини айтганим билан, бари бир, ишонмайди. Рост, бу колхозлар пул беришади, бундан буён иккаламиз бўлишайлик, дедим атайлаб. Чиппа-чин ишониб, сизнинг олдингизга югуришини ким билибди дейсиз.

Мен Қўзиевнинг ниҳоятда пихини ёрган, устомонлигидан ҳайратда эдим. Энди бирдан бир далил — кечқурун у ташлаб кетган пул қолган эди. Лекин у ҳақда гап очилса, сенинг номинг ҳам тилга олиниши муқаррар эди. Буни истамасдим, чунки кимлардир тушуниб-тушунмай иккаламиз ҳақимизда маломатли гаплар тарқатиши, бу сенинг дилингга озор бериши мумкин эди. Аммо бошқа илож ҳам тополмасдим. Пул ҳақида айтмасам, буларнинг наздида салкам қуруқ туҳматчи бўлиб қолардим.

Чўнтагимдан пулни олиб, столга қўйдим.

— Манави кеча уйимга ташлаб кетган пулингиз, бундан тонмас-сиз?

— Ўртоқ Пўлатов?! Наҳотки сизда заррача инсоф, диёнат бўлмаса?— деди Қўзиев кўзлари олайиб, фожиона оҳангда.— Одаммас экансиз! Ахир буни сизга қарзга бердим-ку!

— Пўлатов сиздан қарз сўраганими? — сўради партком секретари пул ўралган қоғозни ажабланиб очаркан.

— Йўқ, ўз ихтиёрим билан обориб берганман. Оққўнгилигим туфайли кўпинча ўзим бошимга бало орттириб юраман. Оққўнгиликнинг, яхшилиқнинг падарига минг лаънат!

Қўзиев изтиробли овозда кечқурун бизникида бўлган гап-сўзларни батафсил айтиб берди.

— Шу маслаҳатда мен ҳам бор эдим, — деди Козимов. — Бу гап ростдан ҳам Собиржондан чиққан. «Майли, камбағал йигит экаң, ёрдам қилайлик», дегандим. Аммо бу билан Қўзиевнинг манави бемаънилигини оқламоқчимасман.

Козимов Қўзиевга жаҳл билан қаради.

— Сиз бу пулни қандай кўнгилда, қандай мақсадда берган бўлманг, бари бир, пора ҳисобланади. Чунки, Пўлатов сизнинг бевосита бошлиқингиз. Бир иш қилишдан олдин сал фаросатни ишлатиш керак, ўртоқ Қўзиев. Раз шу ишни қилибсизми, жавоб беришингизга тўғри келади. Пулни, албатта, тергов органларига топширамиз.

— Начора, — Қўзиев хўрсинди, — хом сут эмган бандамиз. Мен ўз укамдек кўриб, болаларимнинг ризқидан қийиб, тийинлаб тўплаган пулимни обкелиб берибман. Аҳмоқлик қилдим, тонмайман. Нима қилсаларингиз ўзларингиз биласизлар. Пешонада борини кўраверамиз.

У бошини қуйи солганича чиқиб кетди. Изтироби шу қадар табиий эдики, ҳақлигимга беихтиёр шубҳалана бошладим.

— Хўш, ўртоқлар, нима дейсизлар? — деди Козимов Жавлонов ва местком раисига бир-бир қараб. — Қўзиев ишини терговга оширамизми?

— Менимча, шошилишнинг ҳожати йўқ, — деди местком раиси. — Олдин синчиклаб текшириб кўриш керак.

— Пўлатовнинг талаби билан яқинда ревизия қилдирдик-ку, омборни, яна текширамизми?

— Йўқ, колхозлар билан алоқасини текшириш керак.

— Менга қолса, ҳозир текшир-текшир қилиб колхоздагиларни ишдан қўймасак. Ўзларингиз биласизлар, терим кампаниясига тай-ёргарлик кетяпти, — деди Козимов. — Бусиз ҳам Қўзиевнинг гуноҳи аниқ. Пул берганми, берган! Хўп десаларингиз, жиноий иш қўзғатиб юрмасак-да, омбор мудирлигидан бўшатиб қўя қолсак.

— Мен розимасман, — дедим ўзларича ҳал қилаётганларидан гижиниб. — Ҳозир гўё мен ноинсоф, виждонсиз тухматчи-ю, у жабр-дийда бўлиб қоляпти. Колхозларни текширишни талаб қиламан.

— Ҳм. — Козимов менга совуқ тикилди. — Нимаям дердик, майли, розиман. Учаланглар текширасизлар. Аммо, билиб қўйинг, ўртоқ Пўлатов, гумонларингиз тасдиқланмаса, қаттиқ жазоланасиз.

— Жазо билан қўрқитманг, боламасман.

Бир неча колхозни текширдик. Қўзиевнинг қинғир ишлари тўғрисида мен кутгандан ҳам кўпроқ далил тўпладик. Хуллас, уни ишдан бўшаттиришга муваффақ бўлдим. Бу қилвирликларда Нуъмоннинг ҳам қўли бор экан, вазифасини пасайтирдик.

Сенга ҳаммасини айтиб бердим. Бу ишимни маъқулламадинг ҳам, қораламадинг ҳам. Фақат:

— Энди Козимовдан эҳтиёт бўлинг, ошнасини ҳайдатганингиз учун сизни тинч қўйлага керак. Жуда кекчи дейишади, — деб қўйдинг.

Козимов биз ўйлагандек, мени таъқиб қилмади. Аксинча, қандай мажлис, йиғилиш бўлмасин, гоят ҳушёрлигимни, ҳалол, принципиал эканлигимни кўкларга кўтариб мақтар, ҳаммани мендан ўрнак олишга чақирарди.

Қўзиев билан можаромиздан ҳамма бўлмаса-да, кўпчилик хабардор эди. Шунингдек, у Козимовнинг яқин кишиси эканлигини ҳам билишарди. Шунинг учун бошлиқнинг менга муносабатини кузатиб юрганлар кўп эди. Унинг муомаласи ёмонлашиш ўрнига олдингидан ҳам яхшиланганлиги одамларнинг ихлосини янада орттирди. Бошқа-

ларгина эмас, ўзим ҳам унинг тўғрисида ёмон хаёлларга борганлигимдан пушаймон бўла бошладим.

Козимов мени мақтай-мақтай райкомнинг пахта йиғим-терими пайтида колхозларга биркитиладиган вакиллари рўяхатига кириттирди. «Гулистон» колхозига тайинландим.

— Бундан хурсанд бўлиш керак, — деди Козимов райкомдан бирга қайтарканмиз, насиҳатомуз. — Билсангиз, сизга билдирилган катта ишонч, бу. Катта-кичikka шундай йўллар билан таниласиз. Колхозингизнинг раҳбарлари нўноқ одамлар. Аслида хўжаликнинг бошқалардан кам жойи йўқ. Ери бир, суви бир, техникаси бир, ишчи кучи етарли... Сиз ғайратли, ташаббускор одамсиз, ташкилотчилик қобилиятингиз ҳам чакимас. Ажабмас, пойқадамингиз ёқиб, «Гулистон» ҳам илғор бўлиб кетса.

Мазах қиялпими, деб юзига разм солдим. Йўқ, жиддий гапиряпти.

— Гапингиздан гўё мен у колхозга раис бўлиб кетаётгандекман. Ҳолбуки бор-йўғи бир-икки ойга вакил бўлиб боряпман холос-ку, — дедим кулиб.

— Йўқ, ука, бу фикрингиз мутлақо хато, — Козимов жиддий эътироз билдирди. — Райком вакилининг ўзига яраша катта ҳуқуқлари бор. Терим графиги, юқоридан берилган топшириқнинг бажарилишига райком олдида вакил жавоб беради. Шунинг учун уларни аямасдан қаттиқ ишлатасиз. Райком топшириғини барбод қилсангиз, бунақа долзарб кампания пайтида аяб ўтиришмайди.

— Ҳозирдан юрагимга ваҳима солиб қўйяпсиз-ку, Олимжон ака?

— Қўрқитаётганим йўқ, тажрибамдан келиб чиқиб, жиддий томонларидан хабардор қилиб қўйяпман, холос. Астойдил бўлаверинг, сиз ўша ерда вакил бўлсангиз, биз ҳам қараб турармидик, қўлимиздан келганича колхозингизга ёрдам берамиз-да. Бу вазифа сиз учун синов.

Қани, айт-чи, шундай одам тўғрисида ёмон хаёлларга бориб бўладими?..

Бирлашмага етиб келгач, хонасига бошлади.

— Демак, эртадан бошлаб иккаламиз ҳам кўп вақт колхозда бўламиз, — деди жойига ўтаркан мени ҳам ўтиришга таклиф этиб. — Йўғингизда иш юритиб турадиган бўлиши керак. Уринбосарингиз йўқ. Мўлжалингиз борми? Кимни қўймоқчисиз?

— Мўлжаллаган одамим йўқ. Кимни десангиз қўяверамиз.

— Хўш... Е вақтинча Нуъмон Ерматовнинг ўзини ишлатиб тураемизми? Албатта, вақтинча расмийлаштирамиз. Менимча, ундан бошқа пичоққа илингудай одам йўқ базангизда.

Нуъмон дуруст таъминотчи эди. Гарчи лавозими пасайган бўлсада, астойдил ишлаётганди. Бироқ унинг юмшоқсупургилиги, катталарга, айниқса Козимовга ялтоқланиши менга ёқмасди. Бундан ташқари кўпинча сенинг атрофингда ўралашиб юриши ҳам ғашимга тегарди. Лекин Козимов ҳақ эди: ўринбосарликка ундан дурустроқ номзод йўқ. Ноилож рози бўлдим.

— Энди, иккинчиси, Зарифжон, Собир масаласи, — деди Козимов янада мулоимлашиб. — Бир-икки марта уйга борганди, ҳайдаб чиқардим. Лекин ачинасан киши. Узингиз кўргансиз оиласини: жўжабирдай жон. Болаларининг кўпи ёш, ишга киргани йўқ. Нима қилсак экан уни?

— Менинг у кишига бирор шахсий ғаразим йўқ, ammo ўзимиз ишдан бўшатиб, ўн беш кун ўтмай яна қайтариб олсак бўлмас?

— Олдинги ўрнига қўймаймиз, албатта. Ҳозирча экспедиторга ёрдамчи қилиб ишлатиб турсангиз. Узингиз қаттиқ назорат қиласиз. Агар ишончимизни оқласа, ўзига яхши, оқламаса, яна бирор ҳунар кўрсатса, мен ҳам ўртага тушмайман кейин.

Кўнмадим. Иккаламиз анча тортишдик.

— Майли, бир гап бўлар, — деди охири оғринганини яширмай. — Принципиаллигингиз яхши-ку, бироқ вақти келса, қоқинган одамни суяш ҳам раҳбарнинг бурчи.

«Гулистон» эътибордан бир оз четда, қарздан боши чиқмайдиган колхоз эди. Сурункасига бир неча йилдан буён пахта тайёрлаш планини бажармай келарди. Бунга бир томондан ерларининг пахта экилавериби чарчагани сабаб бўлса, иккинчидан қишлоқ хўжалик техникасининг қарийб ҳаммаси эски бўлиб, кўп бузилар, бу ҳам ишларга анча таъсир этарди. Гоҳ трактор, гоҳ автомашина, гоҳ пахта териш машинаси ишдан чиқар, раис ҳам, партком секретари ҳам, инжёнёр Шарофжон ҳам менга ялинишарди.

Қўл қовуштириб туриш қийин эди. Компания даврида ҳар бир эҳтиёт қисм қатъий ҳисобда эканини билсам-да, ноилож бир-икки марта Нуъмоннинг номига хат ёзиб бердим.

Уринбосарим бизнинг колхоздан борганларни қуруқ қайтармасди.

Ноябрь ойининг бошларида қор аралаш ёмғир ёғиб, ишларни янада мушкуллаштириб юборди. Пахта топшириш суръати кескин пасайди. Ҳақиқий асабозлик бошланиб кетди.

Уша кунларда менинг устимдан райкомга бир неча колхоздан шикоят тушибди. Бюро мажлисида муҳокама қилишди. Мен амалимни суистеъмом қилиб, бошқа колхозларга тегишли эҳтиёт қисмларни ўзим вакил бўлган колхозга бердирган эканман.

Нуъмонга ёзган хатларим райком секретарининг қўлида эди. Маълум бўлишича, колхоз механиклари менинг номимни рўқач қилиб, яна бир неча марта ҳар хил қисмлар олишган экан. Бундан беҳабар эдим.

Роса пўстагимни қоқишди. У ерда айтилган гаплардан шуни тушундимки, районда юз берган мушкул аҳволга ёгингарчилик эмас, худди менинг ўзбошимчалигим, калтабинлик қилиб фақат ўзим вакил бўлган хўжаликнигина ўйлаганим сабаб экан.

Мажлисида Шарофжон ҳам бор эди. Юзимга қаролмай ерга боққанича ўтирарди. «Бу ёғи, дўстингдан топ, бўлган экан-да», — дедим хуноб бўлиб. Хуллас, қаттиқ хайфсан беришди. Бошқа вақт бўлганда, бунчалик қаттиқ жазоламасликлари мумкин эди. Лекин ўшанда раҳбарлар ҳам аламини кимдан олишни билмай туришганди шекилли.

Мен бу ишларнинг ҳаммасида Козимовнинг қўли борлигини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Аммо кейинги воқеалар, унинг менга муносабатидаги пинҳоний ўзгаришларни ўзимча таҳлил этарканман, бунга қатъий ишондим. Нуъмон «Гулистон» колхозига ҳотамтойликни Козимов кўрсатмаси билан қилганига энди шубҳам йўқ.

Козимов менинг тажрибасизлигимдан фойдаланиб, Қўзиев жоҳаросида измига бўйсунмаганим учун, арбоб урар ҳар боб билан, қабалида ўч ола бошлаган эди. Афсуски, буни исботлаб бўлмайди. Аниқ билмайман-ку, лекин, ҳар қалай, Қўзиевнинг қилвирлик билан топган даромадига Козимов ҳам шерик бўлса керак. Акс ҳолда мен билан бунчалик қаттиқ олишмаган бўларди.

Партиявий жазо олганимдан сўнг Козимовнинг менга муносабати ўзгарди. Энди у мени назар-писанд қилмас, деярли барча ишларни ўринбосарим Нуъмон орқали битирарди. Бироқ буни сиртдан мутлақо сездирмас, ниҳоятда хушмуомала гаплашар, баъзан арзимаган масалаларда маслаҳат ҳам сўраб қўярди. Охири базада шундай шароитни вужудга келтирдик, қўл остимдагилар менга эмас, Нуъмонга мурожаат қиладиган, у билан иш битирадиган бўлишди. Бориб-бориб ўз-ўзимдан четга чиқиб қолдим. Номига база директори эдим, аммо уни амалда Нуъмон бошқарарди.

Ғалати аҳволга тушиб қолгандим. Сиртдан қараганда, ўринбосарим ҳам, бошқа ходимлар ҳам буйруқларимни беками-кўст бажаришарди, Козимов билан ҳам орамизда келишмовчилик йўқдек эди.

Ниҳоят тоқатим тоқ бўлди. Директорликдан озод қилиш тўғрисида ариза ёзиб, бошлиқ олдига кирдим. Козимов аризамни ўқиб, юзимга ҳайрон бўлиб қаради.

— Нима гап, Зарифжон? — деди ташвишланиб. — Ходимларингизнинг бирортаси билан яна ораларингдан гап қочдимми?

Козимовнинг мўлтонлиги газабимни қўзғади. Кўнглимда бор гапнинг ҳаммасини тўкиб солдим.

— Буларнинг ҳаммаси чарчаганлигининг оқибати бўлса керак. Қўзиёв ишдан ҳайдалган бўлса, ўзининг қилмишидан кўрсин. Шунинг учун ўч оляпти деб мендан гумонсирашингиз, юмшоқ қилиб айтганда, ўтакетган бемаънилик. Менинг сизга ҳеч қандай хусуматим йўқ, бўлиши ҳам мумкинмас. Эҳтимол партиявий жазони ҳам мендан кўриб юргандирсиз? Бунақада ўзингизни жуда қийнаб қўясиз, укам. Тўғри, сиздек келажаги умидли ёш коммунист учун ҳайфсан оғир жазо, обрўйингизга соя ташлаши табиий. Лекин бунчалик тушкунликка тушиш ярашмайди.

— Мен ҳайфсандан хафа бўлганим йўқ, умуман, тўғри жазо беришди.

— Мана бу гапингиз дуруст... Энди топширикни кўпроқ Нуъмонжонга бераётганимизнинг сабабига келсак, бу сизни аяётганимиздан. Пахта терими кампаниясида қаттиқ ишладингиз, бир оз нафас ростлаб олинг деяпмиз. Истасангиз, яхши курортларга путёвка топиб берамиз, дам олиб келинг.

Хўш, шундай ғамхўр раҳбардан қандай норози бўласан-у, унинг устидан кимга шикоят қиласан? Ҳатто гумонларимни юзига айтганимдан пушаймон бўлаёздим. Аммо унинг гапларига хўп десам, ҳозирги аҳволим ҳолва бўлиб қолишини фаҳмлардим. Аризани қолдириб чиқиб кетдим.

Бир ҳафтадан сўнг бошлиқ хонасига чақиртириб, идорада майда-чуйда ишларни бажарадиган, номига инженер ҳисобланадиган вазифага тайинланганим тўғрисидаги буйруқни қўлимга тутқазди. Бир неча кун ўтгач эса, Нуъмон база директорлигига, Қўзиёв яна омбор мудирлигига тайинланди. Шундагина, номардларча чекиниб, Козимов ва Қўзиёвлар кўнглидагидек иш қилганлигимни англадим. Пушаймон бўлдим, аммо энди бефойда эди.

Сен, албатта, қаттиқ ранжидинг. Мени ўзимни тута билмасликда, жирракиликда айбладинг. Бу биринчи марта сен билан қаттиқ ачиқлашишимиз эди.

Энди ўйлаб кўрсам, сени ўша кундан йўқота бошлаган эканман. Наздинда мен истеъдодли инженер, ҳақиқат, адолат йўлидаги курашда ҳаммага, ҳатто Козимовга ҳам бас кела оладиган кучли одам, бўлажак катта амалдордан шунчаки омадсиз, ношуд, мағлуб кимсага айланиб қолгандим. Бу гапларни, албатта, ҳозир айтяпман. Ўша пайтда хаёлимга ҳам келмаганди. Чунки, сенга эътиқодим баланд эди, ҳар қандай шароитда ҳам мени ташлаб кетмаслигингга астойдил ишонардим.

Муҳаббат қизиқ нарса экан. Вақти келса, кап-катта одамни болага айлантириб қўяркан. Севган кишини негадир бошқаларга мутлақо ўхшамайдиган, турган-битгани фазилатлардан иборат деган хаёлий тасаввур билан яшаркансан, киши...

Биринчи курашда йиқилдим. Харифларим кучли бўлганидан эмас, мендан кўра тажрибалироқ, нозик усулларга моҳирроқ эканлиги учун ютиб чиқишди. Агар сен ҳам рақибларим тарафига ўтиб, менга хиёнат қилмаганимда, мағлубият бунчалик оғир бўлмасмиди... Ҳозир шундай кайфиятдаманки, гарчи виждонимга хилоф иш тутмай тўғри қилганимга, ҳақлигимга, кучимга ишончим йўқолмаган бўлса ҳам, дилимни пушаймонликка ўхшаш хира бир ҳис эзгилаяпти...

Базм ҳам охишлаб қолди шекилли. Хонандалар сўнги бор «Тўйлар муборак»ни куйлашяпти. Демак, ҳозир сен бахтиёр куёв, куёвжўралару дугоналаринг қуршовида чимилдиқли хонанг сари йўл олдинг. Йўл олдинг...

Анджон.





Машраб  
Бобоев

Кулок тутинг  
сукунатга

## Азиз жой

Бу ерларда бинолар ўпишар осмон билан,  
 Ҳавозаларга қараб, кўзингиз тиниб кетар.  
 Бу ерларда бир сургат ҳамнафас — замон билан,  
 Бу ерларда бир шиддат — домига илиб кетар.  
 Бу ерларнинг ҳавоси минг бир дардга шифодир,  
 Йўлингизда қизлардай солланадир чечаклар.  
 Бу ерларнинг самоси юксакдир, мусаффордир,  
 Шу самодай юксалиб, покланадир юраклар.  
 Аммо бунда қадамни ташлай кўрманг пойма-пой,  
 Азиз жой бу, унутманг, унутманг, бу — азиз жой!

Бу ерларнинг боғлари шовулламас, шивирлар,  
 Гўёки висол учун яратилгандай атай.  
 Бу ерларнинг қизлари ширинзабон ва дилбар,  
 Меҳмон учун ҳаттоки жонини ҳам бергудай.  
 Бу ерларда ҳар гўша бағрин очиб турғуси,  
 Меҳр тўла нигоҳлар қадрдон ва мулоим.  
 Бу ерларда йўқолар мусофирлик туйғуси,  
 Худди ўз уйингизда юргандайсиз ҳар доим.  
 Аммо асло қадамни ташлай кўрманг пойма-пой,  
 Азиз жой бу, унутманг, унутманг, бу — азиз жой!

Бу ерларнинг хусни-ку, безакка муҳтож эмас,  
 Лекин берса табиат бераркан бирваракай:  
 Мана, Волга оқади, поёнинг кўз илғамас,  
 Кенглигу теранлиги худди руснинг қалбидай.  
 Соҳилида турсангиз — очиқ дастурхон мисол  
 Ҳисларини ёйганча тиллашади сиз билан.  
 Бағрига отилсангиз — бир хаёлсиз, бир хаёл,  
 Айирма, дейсиз фақат унинг қайноқ меҳридан.  
 Лекин ножўя қилиқ қила кўрманг жойнаҳой,  
 Азиз жой бу, унутманг, унутманг, бу — азиз жой!

«Павлов уйи» да шодон ўйин қураб болалар,  
 Суҳбатхоналар ғавжум — кексалар базми шоён.  
 Ким кимнидир муҳаббат қўшиғида аллалар,  
 Ким кимнидир муҳаббат қўшиқида кутар нолон...  
 Ҳаёт давом этади, давом этади гурунги...  
 Бутта оддий сержантнинг бундан қирқ йилча бурун  
 Шу ўйдаги осойиш, шу сокин гурунги учун  
 Жон олиб жон бергани эсга келмас гоҳ бу кун...  
 Хаёлингиз тонг қилиб қўймасин ҳеч бу сарой,  
 Азиз жой, бу, унутманг, унутманг, бу — азиз жой!

Мамай қўрғони томон оқиб, тураб оломон,  
 Саф келади бегиним, бамисоли Волгадай.  
 Оқиб келади эллар, оқиб келади жаҳон,  
 Бу оқимнинг ҳеч қачон ниҳояси бўлмагай.  
 Саф деса қулоғимиз суронларга шай тураб,  
 Қўшиғу хитобларсиз бўлмайди сафлар ахир.  
 Бу оқимнинг хитоби ҳар доим сукут бўлар,  
 Чехраларда-чи, фақат мунг зоҳир, ҳайрат зоҳир.  
 Сабабини сўраманг. Сўрамайсиз ҳойнаҳой,  
 Азиз жой бу, унутманг, унутманг, бу — азиз жой!

Жасорат-ку, шубҳасиз — биладди аҳли башар,  
 Лекин бунда матонат жасоратдан кучлироқ.  
 Ҳар бир нарса ўз номи билан аталса агар,  
 Матонат жасорати деб аталмоғи керак!  
 Хитоблару суронлар — жасоратга пешадир,  
 Матонатга уларнинг барчаси ҳам бегона.  
 Матонат фақат сукут орқали гаплашадир,  
 Сукут — унинг мулоқот воситаси ягонд.  
 Эҳтиёт бўлинг, тегиб кетманг сукунатга, ҳой!  
 Азиз жой бу, унутманг, унутманг, бу — азиз жой!

... Бу ерларда бинолар ўпишар осмон билан,  
 Ҳавозаларга қараб, кўзингиз тиниб кетар.  
 Бу ерларда бир сурғат ҳамнафас — замон билан,  
 Бу ерларда бир шиддат — домига илиб кетар.  
 Лекин бунда бирон ғишт, биронга-бир гиёҳнинг  
 Енидан сиз бепарво, эҳтиром қилмай ўтманг.  
 Ҳар бирида нури бор бевақт ўчган чироқнинг,  
 Ҳар бирида одамнинг жони бордир, унутманг!  
 Гарчи бугун ўзгасин бунда малозат, чирой,  
 Азиз жой бу, унутманг, унутманг, бу — азиз жой!

## Хатин қўнғироқлари

Хатинда

Йигирма олтига қўнғироқ бор.

Йигирма олтига.

Йигирма олтига қўнғироқ

Муттасил

Бонг уриб туради.

Бу

Йигирма олтига қўнғироқ —

Мангулик олдида —

Йигирма олтига

Х О Н А Д О Н нинг

Ениб турган чироғи.

Илғари бу қўнғироқлар

Йўқ эди,

Йўқ эди.

Бор эди

Йигирма олтига

Хонадон.

Қоринлар гоҳо оч бўлса ҳам.  
Кўнгишлар тўқ эди,

Одамлар  
(Гоҳида сўкишиб турса ҳам)  
Бир-бирига иноқ,  
Қадрдон.

Энди улар йўқ.  
Уларни —  
Бир юз қирқ тўққиз одамни  
Етмиш яшар кексадан  
Етту ойлик гўдакка қадар  
Бир қўрага қамадилар-да,  
Бурга каби  
Еқдилар!  
Бурга каби!  
Ҳа!  
Одам зоти ахир  
Эндирарми бирор тирик жонни  
Бургадан бўлак?  
Одамни бургага айлантирган  
Маҳлуқнинг  
Номи нимадир?

Айтинг,  
Бу маҳлуқни нима деб атамоқ керак?!  
Хатиннинг  
Бир юз қирқ тўққиз фарзанди —  
Етмиш яшар кексадан  
Етти ойлик гўдакка қадар  
Бурга каби  
Патирлаб,  
Часирлаб...  
Энди!

Бурга каби!..  
Энди!  
Одам-а!..  
Бурга каби-я!..  
Алҳазар!..  
Хатинни  
Ҳаёт каби суяб турган устунлар  
Йиқилди,  
Бир юз қирқ тўққиз кишидан  
Қолмади ном-нишон.  
Шундай қилиб...  
Йигирма олгита хонадон  
Йўқ бўлди.  
Ер юзидан йўқ бўлди  
Йигирма олгита хонадон...

Энди  
Бу  
Йигирма олгита хонадон ўрнида  
Йигирма олгита қўнғироқ бор,  
Йигирма олгита қўнғироқ.  
Улар  
Кун демай,  
Тун демай,  
Муттасил  
Бонг уриб туради  
Асрларни пайванд этароқ.  
«Машраб,  
Бу — Каъба! — дейди бир оқсоқол, —  
Борсин, тавоф қилсин,  
Одамларга айт!»

Лекин...  
Ҳайқирмоққа йўқ менда мажол,  
Бўғиқ бир сўкутнинг қулиман бу пайт.

Хатин —  
                     Хақиқатан ҳам  
                                     Казба...  
 Одамлар!  
                     Агар  
                                     Менинг бўғиқ сасимни  
   Эшитсангиз,  
 Бир дам қулоқ тутинг,  
                     Қулоқ тутинг  
                                     Суқунатга,  
 Хатин қўнғироқларининг  
                                     Сасини ҳам  
   Эшитасиз!  
 ... Йигирма олтига хонадоннинг  
                                     Мангулик чироғи  
 Йигирма миллион руҳга ҳам  
                                     Нур сочиб туради.  
 Хатиннинг  
                     Йигирма олтига  
                                     Қўнғироғи  
 То абад  
                     Бонг уради...

## Шахмат партиясидан репортаж

### ДЕБЮТ:

Пиёдалар жанга ташланди илк бор,  
 Марра эгаллашар сипоҳлар ҳали  
 Уз шоҳига зарра етказмай озор,  
 Рақиб шоҳни маҳе этгали.

### МИТТЕЛЬШПИЛЬ:

Қарс-қурс!  
 Қиргин-барот,  
                     Кес,  
                     Чоп,  
                     Ур,  
                             Йиқит!

Е ҳаёт  
                     Е мамот!  
                             Йўқ сулҳ деган гап!  
 Шоҳингни хавфсизроқ бир жойга беркит,  
 Унга бўлган хавфни айла баргараф!

### ЭНДШПИЛЬ:

                    Тамом.  
                             Майдон бўм-бўш...  
                                     Қиргин тугаган...  
 На бир пиёда бор,  
                     На бирон сипоҳ...  
 Тоғ ағдарилгандай елкаларидан  
 Сулҳга имзо чекар энди икки шоҳ...

Анвар  
Исроилов  
Она дунё  
Кўзларга  
нур бўлиб  
жойлан



### Қўшиқ

*Нари учганми ҳеч парвона шамдан,  
Гарчи ёндирса ҳам олов беомон?  
Гулнинг юзидаги ғанимат шабнам —  
Кўрган кўзга завқ-шавқ бағишлар ҳар он.*

*Рубобни тилайсан, титроққа кирган  
Торларда уйғонар бир қўшиқ мангу:  
Сен, ишқ — қодир овчи, бехато мерган,  
Син, дил — дунёдаги энг ғофил оху!*

### Гурунг!

*«Семурғ»нинг соясида ҳавас қилгулик гурунг,  
Бир чўқим ош баҳона қадрдонлар бўлдик жам.  
Яхшилар дийдасидан ел учирсин сени, мунг,  
Сен ҳам, ғийбат, базинҳор қўймагил бунга қадам.*

*Бир астойдил таклифга мунтазир этмай, албат,  
Яхшилар хузурига келганман хумор бўлиб.  
Вазмин, ҳушҳол сўзлайдир заҳматкаш, мард, шеркелбат  
Жўра полвоннинг ўғли, қатордаги нор бўлиб.*

*Пайравларнинг ортидан ҳангомалар улансин,  
Жонбахш битта машқ айла камонда, уста Фулом.  
Алёр ўрни, барчага эзгу тилак тилансин,  
Муродга етсин кимки толе деб кўтармиш жом.*

*Гарчи ўзим элдошман мирза Ғафур Шошийга,  
Бобур Мирзо юртининг тавофига ошиқдим.  
Ташвиш бир тараф бўлди ҳайё-хуйт дедим-у, ҳа,  
Еронларни соғиниб муборақ йўлга чиқдим...*

*Шу топда катта олам жаҳоний ташвиш билан,  
Сарҳадларнинг ортида ҳансираб олар нафас.*

<sup>1</sup> Ушбу шеърда Андижоннинг мумтоз фарзандлари — машҳур пахтакор Холмамат Жўраев, ажойиб созанда Фуломжон Хожиқулов, уста раққос Абдуғаффор Қодировларнинг номлари зикр этилган (автор).

Гадонинг бўш тўрваси тўлгайми бахшиш билан —  
Қанча ногавон кўнгиш йиғлайдир чиқармай сас.

Андижон боғидаги қизил гул-ку муаттар,  
Дилдаги соф туйғулар гул рангига вобаста.  
Бугунги коинот, ҳей, эртанг бўлсин бехатар,  
Фароғат чашмасидан дармонлар топил, хаста.

Пахтадан ёруғ не бор, ахир, дунёда, айтинг,  
У гулдир — оқ очилган, бизни қучоғлагали,  
Эй мажруҳ жаҳон, бироқ бунча ҳасратли байтинг,  
Биз хирмон уймадик-ку ярангни боғлагали.

Муғтабар момоларнинг дуолари мустажоб,  
Айтгани келсин кушод кўҳна боболарнинг ҳам.  
Юзингни дуд босмасин, онажоним офтоб,  
Сенсиз гулдан айридир жамики боғи эрам.

Кавказлик зукколарнинг «ваҳ-ваҳ» деганича бор,  
Ҳисобмас анжонликнинг «полкаси» қувмаса ғам.  
«Дўст» биздан, даврани бир айлан, эй Абдуғаффор,  
Асақанг кетса агар, мен кафилман, дўстгинам!

## Тинчлик дарси

Ўғлим қайтар мактабидан, бу кун илк бора  
Ўқувчилик бахтин туйди ўша шўх «галварс».  
Севин сен ҳам, хатар аро қолган сайёра,  
Тинчлик дарси у ўқиган энг биринчи дарс.

Сенинг сулув сувратингни чизмиш болалар,  
Яшил кенглик, тиниқ суев туганмас зиё  
Ва қирларни ғилам бўлиб ёпган лолалар  
Гўё сенинг доғларингни яширмиш, дунё.

Қучоғингда мағни сочган илмлар талай;  
Яроғлар ҳам кам эмасдир, ўқлар бесаноқ.  
Ҳаммамизнинг онамизсан ўзинг, ҳар қалай,  
Фақат жуда зарур сенга бу кун бош сабоқ.

Болаларнинг пок дунёси қолсин дахлсиз —  
Кўнгишларнинг эзгуликка олқиш қарси бу,  
Эй одамлар, гофил қолманг четда ахир сиз,  
Тинчлик дарси, тинчлик дарси, тинчлик дарси бу.

Она дунё, сен кўзларга нур бўлиб жойлан,  
То зиммангда экан сенинг шу муқаддас фарз:  
Ўғлим ўқир ўша улуг мактабга айлан —  
Тинчлик дарси бўлсин сенда энг биринчи дарс.

— Бир нима демоқчи бўлган қушгина,  
Сен бунча ушоқсан, бунчалар митти?  
— Зарра армоним йўқ, ўтрук сўз дема, —  
Осмоғим каттадир, осмоним катта.

Тушларимга кирар қушлар, яшил япроқлар,  
Мен сархушман хотирамда жонланган бахтдан.  
Зўр дарахтни яшнатишдан толмас тупроқлар,  
Мен ҳам ахир бир бутоқман ўша дарахтдан.

Сиз ҳам дейсиз қулоқ тутиб юрак зарбига:  
Нега бунча безовтасан, тинчинг не олган?  
Ахир, қандай дош берайин охлар «харби»га —  
Кўкрагимга битта булбул қамалиб қолган.

Хур елларнинг кўк барғларга шивирлагани  
Менга мангу ўтиб қолган кетмас бўлиб ҳеч.  
Бу қисматнинг нидосидан излайман маъни  
Ва кимгадир кўз тикарман саҳар, кундуз, кеч.

Ҳаяжонлар тошиб келар, бўғади симлар,  
Ғамдийдалар мендан гоҳи нола тилайди.  
Эрмакталаб, таскин талаб гоҳ аллакимлар  
Қучганича мени, тунни тонгга улайди.

Айтинг менга, армонингиз камми ё бисёр,  
Кўксимдаги булбул, ахир, жуда ғанимат.  
Шайдоларни маҳтал қилмай, қилмай интизор,  
Келинг, мени қўлга олинг, Турғун Алимат!



Шукур  
Қурбонов

## Хайрат елканларин кўтариб баланд...



### Мешикобчи

Давлатвой бува хотирасига

— Оби замзам, обихаёт, обихудойи!..  
Асл булоқ суви бу,  
Асал булоқ суви бу!..

Бир қўлида челақ — муздай суе лим-лим,  
Бир қўлида чинни косаси — чоғроқ..  
Кўкси тўла оппоқ тўзган соқоли,  
Оқ ятак, оқ иштон ва ялангоёқ.  
Турган-ўлтирганга суе тутар тўхтаб,  
Тийин тама қилмас лекин бировдан.  
Кунлар шу тариқа меҳнатда ўтар,  
Ўтар сувдай оқиб — тинмагур ва шан...

Минг тўққиз юз қирқ уч —  
Урушиниғ қоқ ўртаси,  
Жанг қиларди эрта кеч  
Мард йигитлар ротаси.  
Жон қолмаганди жонда,  
Камондек таранг асаб.  
Бор эди ўқ ўқдонда,  
Дилда ватанга меҳр  
Хамда душманга ғазаб.

Фақат... қатра суе йўқ эди сувдонда,  
«Майли ифлос, майли ҳаром, майли, майли! Суе»  
Юрак эзиларди интиқ армонда,  
Дайди ўқлар учар эди жавобан: «Ғуе-ғуе.»

Биласизми жароҳатдан оққан қоннинг  
Суе бўлиб кўринишин?!  
Биласизми ўлган инсоннинг  
«Суе!» деб қайта тирилишин?!

Давлат бува ёдидан  
Учмас шу жанг умрбод,  
Давлат бува умрида  
Шу энг оғир хотирот.  
Тушларида ҳар кеча  
Кўрар шу жанг даҳшатин.



Давлат бува уйқудан  
Тугар «Сув!» деб тамшаниб.

Кимга ҳаёт гўзал, кимга  
Дунё кам битмайди.  
Давлат бува учун эса  
Утган уруш ўтмайди.

## Битик тошлар

Денгиз эса мозий дегани,  
Чўккан-чўкмиш қазрига унинг,  
Оққан — оқмиш, отилмиш қирғоқларига,  
Чириб битмиш ва ўздин қолдирмай бир асар...  
Кўкрагида аجدодларнинг оташ нафаси,  
Совуқ тўлқинларга боқиб хотиржал  
Битик тошлар унда юрибди сузиб,  
Ҳайрат елканларин кўтариб баланд...

Асрлар шамоли эсар басма-бас;  
Янги манзилларга элтар уларни.  
Тошлар кўксидаги оловли нафас  
Иситар совқотган хаёл-ўйларни...  
Чақмоқтош, қабртош, казбанинг тоши...  
Ҳасаддан қорайиб ёрилар тарс-тарс;  
Башар тошларининг гижирлар тиши...

Бепоендир улар — чекланганликдан,  
Оғирлиги боис — чўкмаслар сувга.  
Ҳарфлармас — уларда балққан белгилар,  
Нусхалар, бу — юракдаги қат-қат чандиқдан...

Битик тошлар фахр тугар, сўз тугар!..

Сўз шаклида осмон, Ер-сув, улус — сўз,  
Сўз шаклида сидқу вафо муттасил.  
Ҳаммасини қандоқ сиғдирар бўғиз,  
Ҳаммасини қандоқ баён этар тил!..

Уқийман — кўксимда бир гурур порлар,  
Кўзларим қоқ икки бўлинган жаҳон.  
Ерқин келажакка гўзал бир чорлов,  
Қолаётган каби тошларда ниҳон —  
Ахир ҳали тугал ўқилгани йўқ  
Асрий тошномалар, оташин тошлар.  
Қанча сўз мисли кул остидаги чўғ,  
Тилсиз қулдай кесак тишлар, мум тишлағ.  
Ушалар ҳақида ўйлайман сўнгсиз,  
Ранжиб ўз-ўзимдан — калта фаҳмимдан.  
Ҳайқира-ҳайқира бу мозий — денгиз  
Аждодлар каломин сир тугар мендан.

## Ери жоним

Ери жоним, ўртагимда бегоналик бор.  
Қалбимизда аммо ажиб девоналик бор.  
Бас, эй, энди чек қўяйлик бегоналикка,  
Чек қўяйлик, юкунайлик девоналикка.  
Бегоналик — умри қисқа, шунчаки гап баёни,  
Девоналик тан олгайдир на хийла, на рўёни.  
Валли! Унга қасд қилганлар доимо наст бўлади,  
Сену мендай суйишганлар, ахир, ҳамдаст бўлади.

*Суйишганлар унингсиз ҳеч тўймай ўтар висолга,  
Гул ҳисларин, туйғуларин совурганча шамолга...*

*Ери жоним, ўртамизда бегоналик бор.*

## II

*Ери жоним, аён: энди сен бошқа,  
Мен бошқа, бошқадир ўйларимиз ҳам.  
Ишқимиз қадаҳи отилган тошга,  
Тўкилган арғувон бода бемаҳал.*

*Сенми отдинг уни? Менми? Билмайман,  
Бизнинг насибамиз эмас экан ул.  
Фақат гоҳо-гоҳо унсиз йиғлайман:  
Арғувон бодани ер ютди буткул.*

*Нечун ўйларимиз кетмас қовушиб?..  
Бу ҳақда ўйлаш ҳам азоб беомон.  
Тошга тегиб синган қадаҳ товуши  
Иккимизни таъқиб айлайди ҳамон.*

## III

*Ойлар ўтар, йиллар ўтар... балким асрлар —  
Қачонлардир қайтажаксан мен сари албат.  
Бу ишққа шак келтирмасман, авайлаб-асраб,  
Фанолардан олиб қолгум соғлом-саломат,  
Фанолардан олиб қолгум... кечаю кундуз  
Қайта-қайта тиклагайман ёдда висолинг.  
Ҳар гал азиз чиройингга қўшилар нуфуз,  
Ҳар гал ғамим юксалтирар қадри хаёлинг.  
Ишқ деганга вақт, замоннинг даҳли йўқ сира,  
Собит бўлса бас юракда сабру қаноат.  
Ойлар ўтар, йиллар ўтар... Балким асрлар —  
Қачонлардир қайтажаксан мен сари албат.  
Қайтажаксан... Мен қўрқаман ва лекин ҳамон,  
Ҳамон ўзни босолмайман ҳаяжонимдан.  
Сен ушбу кун орзумда фаришта бир жон,  
Сен ушбу кун нўртанасан қизил қонимда.  
Нетаркинман, нетаркинман, ўтган шу айём  
Оҳ сен унда — ўзга бир ёр паноҳида шод,  
Дилгинангдан менга меҳринг қурутсанг тамом.  
Ҳузуримга кириб келсанг бамисоли ёт!..  
Увол бўлса бир умрлик зол изтиробим,  
Шан қувончим — муҳаббатим ногаҳон шундоқ.  
Увол бўлса эҳтиромим, тавба-тавобим,  
Завқим тиниб, тўниб қолсам, бўлиб қолсам қоқ...  
Не тонг, кимки олдинларга боқса ишончсиз,  
Кечмиши ҳам омонатдир бу ҳаёт аро.  
Қоп-қоронғи хаёллардан таскин-юпанчсиз  
Ёрқин ўйлар қучоғига талпинмоқ раво.  
Бу ишққа шак келтирмасман, авайлаб-асраб  
Фанолардан олиб қолгум соғлом-саломат,  
Ойлар ўтар, йиллар ўтар... балким асрлар —  
Қачонлардир қайтажаксан мен сари албат.*

*Қайтажаксан муносиб бир ёр бўлиб менга,  
Дилдор бўлиб, хумор бўлиб... зор бўлиб менга.*

*Эй кўнғил, сен яна фарёд қилдингми?  
Эй оёқ, сен яна бошлаб келдингми  
Мени бераҳм ёр — дилдор ёнига?..  
Эй фалак, устимдан яна кулдингми?*

Бошқа сўз тингламам — эшитдим отинг,  
Демам ҳам — тилимда лабларинг тоғи.  
Яшарман бир умр кўзларим юмиб —  
Кўзим қорасида қолсин сувратинг.

Сенга боқмоқ гуноҳ бўлса!  
Ҳамма кўрқса гуноҳдан!  
Битта менга насиб қилса  
Дўзах азобин тортмоқ —  
Муҳаббатинг туфайли.

Баҳор, тун ва ёмғир қоришган бу чоқ  
Сени кўргим келди, э ёри жоним.  
Баҳор, тун ва ёмғир қоришган бу чоқ  
Менга тор айлади икки жаҳонни...  
Юрак, юрак экан, бир туйған ғамин  
Едидан чиқармас экан умрбод.  
Хотирот ўлдирар экан одамни,  
Хотирот одамга жон бераркан бот.  
Инон, сени севдим қизгин ва ортиқ,  
Севдим ўзим гоҳо ўзимга ҳайрон.  
Сен гўё мен учун самовий тортиқ,  
Самовий завқ билан яшардим, инон.  
Ениқ кўзларингга тикилдим тўғиб,  
Эркалаб сўймадим тўғиб-тўғидириб.  
Ҳаммага гапириб юрдиму сени,  
Сир тутдим ўзингдан ишқим, куйдириб.  
Энди кеч... на нола, на роз — барига,  
Борсам-да қаршилаб, очмайсан қучоқ.  
Пушаймондай тортар мени бағрига  
Баҳор, тун ва ёмғир қоришган бу чоқ.

Ўзникини ёмонласам, ўзгадан меҳр кетар,  
Ҳаётимдан бир умрга билгисиз сеҳр кетар.  
Яхшилар назаридан қолгум синиқ кўзгудек,  
Яхшилардан бир кетганда, мендан минг-минг бир кетар.

Ешликда шан йўллар кўринар кўзга,  
Юрмасанг, кексайгач тил келмас сўзга.  
Хазоннинг юмилган муштин очиб кўр,  
Ҳеч не тополмасан чанг-чунгдан ўзга.

Дилим ёруғ жаҳон оташхонаси,  
Тилим унинг учган бир алангаси.  
Қуруқ ўтин бўлсанг, мендан нари юр,  
Ениб кетма тағин тегиб нафасим.



Евгений Березиков

# ҚИЗИЛ БУХОРО

Роман<sup>1</sup>

Тўққизинчи боб

## Қирғиннинг эртасига

Уликлар солинган тобутлар одамларнинг елкаларида қабристон томон қатор тизилиб оқиб борар, улар беш юздан зиёдроқ эди. Шаҳар яқин орада бунақа мусибатни кўрмаганди. Ҳамманинг ғам-андуҳи ўзига етар, бошқалардан хабар оладиган аҳволда эмас, эртага нима бўлишини ҳеч қайсиси билмас, бу даҳшат яна такрорланишидан зада эди. Кечқурун, ўликлар кўмиб бўлингач, уйма-уй, маҳаллама-маҳалла миш-миш ўрмалаб қолди: биттаси, эртага Бухоро амири халқ билан гаплашармиш, деса, бошқаси, амир саройида ўлганларга мотам тутиб йиғлаб ўтирганмиш, Бухородаги мўминлар билан бирга ўлганларнинг ҳаққига намоз адо этармиш, деяр, учинчи биттаси, амир қўрқиб қолибди, соқчилари билан Қарманага бориб, у ердаги доимий қароргоҳига яширинганмиш, дерди.

Эртаси куни эрталаб Бухоро аҳолиси Арк томон гуррос-гуррос бўлиб оқа бошлади, ҳаш-паш дегунча одам шундай тирбанд бўлиб кетдики, оёқ босадиган жой қолмади. Бу орада «Валиаҳд Миролим иблис Остонақулни жазолаш учун Қаршидан келяпти» деган овоза тарқалди.

Чиндан ҳам Миролим Қарши дарвозасига яқинлашиб қолган эди. Унга тўпчибоши бошчилигидаги ясан-тусан аъёнлар пешвоз чиқишди. Улар орасида раислар-у, эшонлар, вазирлар-у баланд мартабали бошқа амалдорлар ҳам бор эди. Казак қўшинлари формасида кийинтирилган ҳарбий отряд тахт ворисини кўриши билан муносиб кутиб олиш учун шошилиш суратда сафга тизилди.

Бухоро яқинидаги Қоровулбозорда бўлган учрашувдан кейин бўлажак амирни қудратли парад намойиши ас-асаю дабдаба билан кузатиб келди ва бу оломон Қарши дарвозасидан гулдураб, Бухорога шу ҳолда кирди. Ҳаракат дарҳол секинлашди, дабдабага ҳам ҳеч ким эътибор қилмади. Шаҳарликлар, деҳқонлар, кўчманчилар оломони орасидан ёриб ўтишга тўғри келди.

Кўчалар тор, эгри-бугри, паст-баланд эди. Бухородаги йўлларга ҳеч ким ҳеч қачон қарамаган, араваларнинг гилдираклари, сон-саноксиз от-эшакларнинг туёқларидан ўйилиб ётарди. Мачитлар, миноралар, усти берк савдо расталари — ҳаммаси бирга қўшилиб, осмондан қараган кишига шаҳар бамисоли асалари уясига ўхшаб кўринарди. Миролим ўз аъёнлари билан шаҳар маркази томон жилиб борарди. У Бухоронинг марказий қисмига киришдан олдин Оқмачит олдида отдан тушди. Ҳар бир йўловчи, у ким бўлишидан қатъи назар, бу ерда тўхтаб, ибодат қилиб ўтиши шарт эди одатга кўра. Аъёнлар

<sup>1</sup>Охири: Боши ўтган сонда.

галаси валиаҳднинг кетидан мачитга ёпирилиб кирди. Сарбозлар мачитни қуршаб олишди.

Кўзлари айёрона ўйнаб турадиган, ориқдан келган имом меҳробга чиқиб, қибла томонга қараб уч ракаат йўл намозини ўқиб бергач, қўлларини баланд кўтариб ворис томон қаради:

— Қорайган дилларга нур, кўнгилларга сурур бахш этдингиз, кундузга файз, тунга орому халоват ато қилдингиз, биз, адашган бандаларга йўл кўрсатиш учун шаҳримиз осмонида юлдуз бўлиб порладингиз,— деб валиаҳдни дуо қилди.

Кейин имом тиз чўкди. Эмаклаб борди-да, Миролимнинг чопони барини ўпди. Миролим уни ички бир мамнуният билан кузатиб турарди.

— Биз, гуноҳкорларни йўлга солиш учун энг олимақом шаҳзода-ни бизга оллонинг ўзи етказди,— дея тантанавор давом этди имом, чўкка тушган ҳолда.— Осийлар энди жазога тортилурулар!..

Мир Олимнинг ишораси билан атрофдагилар имомни қўлтиғидан олиб, турғизиб қўйишди.

— Шавкатли шаҳзодага оллонинг ишораси мана шу мачитда марҳамат қилди,— дея яна жонланиб давом этди имом.— У ўзининг шавкатли бобокалони Муҳаммад Шайбонийга ўхшаб Бухорои шарифга осойишталик ва инсофу диёнатни тиклаш учун келди...

«Шайбонийнинг донолиги чексиз, қўли бақувват, продаси бу-килмас»лигини Бухоро аҳли эслайди. У ўз лашкари билан Бухорога келгач, деворларни қулатиб, шаҳарни вайрон қилиб ўтирмабди. Оқсоқолларни йиғиб, «Мени бошингизга ким олиб келди?»— деб сўрабди. Оқсоқоллар, юрт катталари ундан фикрлашиб олишга қирқ кун муҳлат сўрашади, лекин қанча ўйлаганлари билан ҳеч жавоб топишолмайди. Аммо битта мактабдан бир бола чиқиб, ўша саволга мен жавоб қиламан, дейди ва битта туя ва битта каттақон оқ эчки беришларини сўрайди. Шайбонийхоннинг ҳузурига болани юборишади. Хон болани кўриб жаҳли чиқади. Шу гўдакни юборадими, наҳотки бирорта ақлирасо оқсоқол топилмаган, бундоқ гапга тушунадиган!» дейди. Бола буни эшитиб, хонга таъзим қилади ва «Агар сизга гавдаси катта нарса керак бўлса, мана, туя бор, башарти оқсоқол керак бўлса, мана, серка, борди-ю, саволингизга жавоб керак бўлса, мана, камина хизматга тайёрман!» «Бошларингга мени нима олиб келди?» деб сўрабсиз. Сизни бизларнинг бошимизга ёмон ёзуғларимиз келтирди!» дейди.

Шайбонийхон боланинг донолигидан ҳайратда қолибди ва уни ўзига вазир қилиб олибди...

Имомнинг бу ҳикояси бошда меросхўрга ҳуш ёқди. Унинг номи машҳур лашкарбошининг номи билан боғланарди. Ҳикоянинг охири унинг таъбини тирриқ қилиб қўйди. Унинг бобокалони шанини назарида туя, эчки тимсолида масхаралаётгандай бўлиб туюлди.

— Эчкисоқол бўлмай кет!— деб юборди валиаҳд жаҳл билан.— Уни бир қамчи билан саваланглар.— Миролим сабабини айтолмай, анча тугилиб турди-да, кейин кескин қилиб изоҳ берди.— Имонсиз шиаларга пишанг бериб юборгани учун.

«Имонсиз шиалар!» иборасини мачитдагилар гурр этиб илиб кетишди, сўнг уни ташқаридаги оломон гулдураб такрорлади.

— Остонақулга ўлим!

— Имонсизлар маҳв этилсин!— деган хитоблар бутун Бухоро бўйлаб янгради.

Иккита забардаст жаллод мачит имомини қамчи билан саваларди. Миролим отига минишга шошилди ва отлиқлар тўдаси Холидиддин Дамуний мақбараси олдидаги катта майдонга беғалва етиб олди. Майдонга одам сўғмай кетган эди.

— Келишаяпти, келишаяпти!— деб бақирарди оддий халқ ҳар тарафдан.

— Пўшт! Пўшт!— деб қичқирарди сарбозлар билан миршаблар.

Майдонга ҳар маҳалладан одамлар келган, улар орасида Косагаронлар ҳам бор эди. Арслонга уста Зокиржоннинг халфаларидан Очил билан Тоҳир ҳам эргашиб келган, Арслон уларни олиб келишга осонгина кўнди-ю, лекин энди пушаймон эди. Оломон меросхўрнинг аъёнларини босиб кетишга сал қолди ва Миролим биринчи бўлиб қамчини ишга солди. Бу орада Тоҳир ярқироқ зарбоп тўн кийган меросхўрни яқингинасида кўриб, унинг барини кўзига суртмоқ ниятида у томон ўзини урди. Миролим, бу баҳайбат йиртиқчопон мени отдан қулатмоқчи, деган хаёлга бориб, юзига қамчи тортиб юборди. Тоҳир қўли билан юзини бекитди ва шу заҳоти уни қамчи ва милтиқ қўндоғидан қочиб бораётган одамлар ағдариб юбориб, босиб-янчиб кетишди.

Регистонда Миролимни кўп минг сонли оломон қарши олди. Бу оломон кўпбошли, оғир нафас олаётган маҳлуққа ўхшарди. Довдираб қолган Миролим отнинг жиловини тортди, от гижинглаб ўйноқлади. Жарчи лампамой воронкасига ўхшаган карнайдан томоғи йиртилгудек бақирарди.

— Пўшт! Пўшт! Қуёشمисол шаҳзодага йўл беринглар!

Оломон нима қилишини билмай гувулларди. Миролимнинг боши гангиб қолган, бундай бебош оломонни умрида биринчи бор кўриб турар, уларнинг кўпчилиги йиртиқ чопон, кўзлари ёнар, оғизларини катта очиб ҳайқиришарди. «Бирдан ташланиб қолишса-я», деган хаёл кўнглидан лип этиб ўтди.

«Аъёнларим билан мажақлаб ташлаши ҳеч гап эмас». Казакча кийинган отряди кўзига қудратли барханлар ўртасидаги бир уюм қумга ўхшаб кўриниб кетди.

Миролим ўзини йиғиштириб олди, отини тўппа-тўғри аркка қараб йўрттириб кетди. Баъзи оғзи ботирлар оломон ичидан туриб валиахд ва унинг аъёнлари орқасидан бақириб қолишди:

— Қонхўр Остонақулга ўлим!

— Қофирга ўлим!

— Ундан бизнинг тангаларимизни қоқиштириб олиш керак!

— Унинг думлари даф бўлсин! Улим уларга!

Миролим Оқсарой дарвозаси ўрнидан ўтиб кетаётиб, ўз шаънига айтилган бирдан-бир қичқирикни эшитди:

— Мусулмонларнинг пушт-паноҳи қуёш талъат шаҳзодамизнинг умрлари узоқ бўлсин!

Бу титроқ овоз қариб қолган мулла Худойдодники эди. Валиахд юзтубан бўлиб ётган оломон ичига кўз югуртириб, унинг нимжон гавдасини аранг топди. Мулла унга ёқмади ва унинг юзи буришиб кетди. Миролим аъёнлари билан қўрғон девори устидаги болохонага кўтарилди, бу ердан одатда амирлар қатл маросимини кузатишар, жарчилар орқали эса, халққа мурожаат этардилар. У Бухоро мусулмонларини тинчлантиришга уринар, кофир қушбегини дарҳол авахта қилишга, фитна чиқарганларнинг барчасини жазолашга ваъда берарди. Бироқ оломон тарқамади. Баъзилар уларнинг олдига амирнинг ўзи чиқишини талаб қиларди. Шунда валиахд у бетоблигини айтди.

То қоронғи тушгангача ғовур-ғувур босилмади, майдон гулдураб турди. Қоронғи тушиши билан оломон маҳаллама-маҳалла тарқала бошлади.

## Унинчи боб

### Саройда

Миролим халқ олдида наридан-бери сўзлаб, дарҳол оромгоҳига чекинди. Уни аллақандай икки хил туйғу қамраб олган эди: биринчиси, қаноатланмаслик ва алам, чунки оломонни тинчитиш учун унга ён беришига тўғри келди. Иккинчидан, қўрқув ҳисси босилмади. Оломон

уни жисмонан топтамаган бўлса ҳам, маънан янчиб қўйган эди! Қўрқув аркнинг баланд деворлари ичкарасидаги оромгоҳида ҳам уни тарк этмади ҳатто.

Миролим чўмилиш учун иссиқ сув тайёрлашларини буюрди, кейин ечинди-да, чилим чекди. Олдига ҳеч кимни киритмасликларини буюрди. Фақат амир йўқласагина безовта қилишлари мумкинлигини айтди. Гиламлар тўшалган супа устидаги юмшоқ ўринда бир муддат ётиб, бирдан дик этиб турди-да, қаттиқ чапак чалди, югуриб кирган юзбошига буюрди:

— Ҳозир Юсуф ходимни топиб келтир.

— Хўп бўлади, шаҳзодам, — деб ёш, қад-қомати келишган юзбоши орқасига тисланиб таъзим қилди-да, сирғалиб чиқиб кетди

Юзбоши Миролимнинг олдидан чиқиб, ички ҳовли ёзги истироҳат боғининг аёллар турадиган қисми томон югурди. Амир билан валиаҳднинг ҳарамлари ўша ерда жойлашганди. Оромгоҳда ёлғиз қолган Миролим туркман гилами устидан қўлларини бўксасига қўйган ҳолда у ёқдан-бу ёққа асабий суратда бориб келабошлади.

Хона ярим европача, ярим шарқона жиҳозланганди. Деворларга бошдан-оёқ палаклар осилган, устун ва тўсинлар ўймакорлик билан нақшланган. Хона деворлари бўйлаб шамдонлар қатор ўрнатилган. Айни чоқда хона ўртасига электр лампалари билан серхашам биллур қандил осиб қўйилган. Қандил Париждан келтирилганди. Хонанинг бир қисмида чорпоя, иккита юмшоқ кресло, оёқлари шернинг оёқлари шаклида ясалган ўймакор столча, иккинчи қисмида хонтахта атрофига юмшоқ кўрпачалар тўшалиб, пар ёстиқлар ташлаб қўйилган...

Меросхўр кечки овқат буюрди, бу орада чўмилиб чиқди. Келганига тўрт соат бўлса ҳам амир уни ҳузурига чақирмади. Миролимнинг зардаси қайнаб кетди. Саройда амирни ҳеч ким беизн безовта қилмасди. Фақат кутиш керак эди. Лекин бардоши етмади.

— Бас, етар! — дея бақирди кимгадир, хонадан чопиб чиқиб. — Хобхонага! Хобхонага!

Бир шарпа пайдо бўлиб, изига йўқолди. Бу — Юсуф ходим эди. Кейин яна пайдо бўлди, пуштиранг чодрага ўралган қоматдор аёлни эргаштириб келганди. Хобхона эшиги ёпилди, аммо шу онда шахсий соқчиси — юзбоши югуриб келиб қолди.

— Аъло ҳазрат! — дея эшикда туриб таъзим қилди. — Сизни амири аъзам ҳузурларига чақиряптилар.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, шифти баланд, ўймакорлик билан нақшланган кенг-мўл хонага кириб борди. Амир Абдулаҳад каттакон креслода кеналиб ўтирарди. Миролим қўлларини кўксига қўйиб, таъзимга эгилди, то амир қўли билан «ўтир» деб ишора қилмагунча ўша ҳолатда турди. Рухсат бўлгач, Миролим ўтирди. Залдаги бошқа одамлар ўша заҳоти чиқиб кетишди, ота ва ўғил ҳоли қолишди.

Абдулаҳад ерга қараганча, секин пишиллаб ўтирарди. Содир бўлган ҳодиса юзасидан ўғлига мутлақо ҳисоб бергиси келмасди! Абдулаҳад бу шўришда ўзининг айбдорлигини қалб-қалбидан тан олса ҳам, ўғлига бунини мутлақо айтгиси келмасди.

Тилёгламачи, исрофгар, фаҳш бир одамни ўз иродаси билан қушбеги қилиб тайинлади, унинг эгри қўлига давлатдаги бутун ҳокимиятни топширди, ўзи эса ҳамма ишдан — ҳарбий, сиёсий, хўжалик ишларидан воз кечди...

— Имонслирнинг харом қонини тўқдик биз, — деди ниҳоят у. — Буларнинг ҳаммаси оллоҳнинг иродаси билан бўлди.

— Оллонинг қудрати бемисл, — деди Миролим босиқлик билан. У отасига диққат билан қаради. Отаси ҳузур-ҳаловатга ортиқ даражада берилганлигини, кўп ичиши, чилимнинг кетини узмай чекишини биларди. Миролим амирдан ўпка қилмас, бу унинг хаёлига ҳам келмасди. Унга қараб туриб, бундай турмуш тарзи уни тамом қилганлигини бирдан тушуниб қолди. Гарчи амирнинг важоҳати олдингидай салобатли бўлса ҳам, лекин унда иродасизлик сезилиб



турарди. Баркашдек юзи ер рангига кирибди, кўзлари ости халга бўлиб қолибди, бурни кўкариб, каттариб нок шаклини олибди. Қалин соқолига қарилик нишонаси — қуюқ қиров тушибди.

— Биз болохонага чиқиб, бу ҳайвонларга рўпара бўлгимиз келмади. Шу сабабли сизга одам юбордик. Сиз тахт ворисисиз, — деб Абдулаҳад оғир хўрсиниб қўйди.

Миролим содир бўлган ҳодиса учун отаси изтироб чекаётганини кўнглидан ўтказди-ю, унга бир оз раҳми келиб кетди.

— Ота, — деди у меҳрибонлик билан, бунга ўзи ҳам ҳайрон бўлди — анчадан бери уни бундай атамаганди. — Мен халққа ваъда бериб қўйдим.

Амир бетоқатлик билан қўл силтади.

— Сиз келгунингизга қадар биз Остонақулни зиндонга ташлашга амр қилганмиз. Биз қушбегилик ўрнига ўтиришни Аҳмаджонга таклиф қилдик. Аммо бу қўрқоқлик қилди ва рад этди.

Миролим бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, лекин Абдулаҳад яна қўл силтади; унинг гапни оғзидан олиб қўйди.

— Биз Шаҳрисабз ҳамда Чоржўй бекларини бу ерга чақириб келишга фармон бердик. Улардан қайси бири олдин етиб келса, ўша қушбеги бўлади. Меросхўр ҳам Бухорода қолиши мумкин... — деди амир, шу билан суҳбат тамом деган маънода қўлини бўшгина қимирлатиб қўйди.

## Ун биринчи боб

### Қамоқхонада

Арслон беғуноҳдан-беғуноҳ амирнинг авахтаҳонасига тўсатдан тушиб қолгани учунгина таъби тирриқ эмасди. Ҳозир унинг фикри-хаёли Биби табибий кулчапазнинг ўғли Тоҳирда эди. Тоҳиржон томон ташланиб, навкарлар сафини ёриб ўтишга урингани, йўлига тўғаноқ бўлган кишиларни қандай улоқтириб ташлаганини эслади. Ерда ётган боланинг устига бостириб келаётган кимнингдир отини жilовидан тутиб қолди. От пишқириб, четга қочди, устидаги жаноб бир қоп тарикдек ерга гуп этиб қулаб тушди. Бир гала навкар сўкиниб, Арслонга ташланиб, уни уриб йиқитди. Боши устида милтиқ қўндоғи ҳавола қилинганини ва охирида ғазабидан бурушган башарани ҳам эслайди. Уни қандай боғлашганини, қандай олиб бориб, авахтага ташлашганини билмайди. Оғриқ жонидан ўтиб, ҳушига келди. Иккита ҳирсдай-ҳирсдай миршаб оёғини қайириб, кунда ичига тикди.

— Вой-бўй, оёғининг катталигини қара, — дея пинғиллади биттаси ҳайратда қолиб.

— Ҳей, тез бўл, пайпоғингни ўзинг тик кундага! — дея хириллаб ўшқирди бошқаси.

Узун, аччиқ ичакдек ингичка бино, дераза ўрнига ёруғ тушиб турсин учун туйнук қўйилган. Девор бўйлаб кунда қоқилган, унга маҳбусларнинг оёқлари тикиб қўйилади.

Кеч кириб қолган. Ҳаво булут, туйнукдан намхуш ҳаво уфуриб турарди.

Кимдир Арслоннинг елкасига қўлини қўйди.

— Ошна, аҳволинг қалай?

Арслон қайрилиб қарамоқчи бўлди, лекин бу қийин эди. Бўйнидаги гул бунга йўл бермади. Кундага ёнма-ён қўйилган қўшниси Арслонга ўтиришга ёрдамлашди. Занжирлар ярасини эзиб, жонини оғритди. Арслон инграб юборди.

— Унга бир қултум сув беринглар, — дея мурожаат қилди раҳмдил қўшниси авахта қоровулига.

— Рухсат йўқ, — деди у хириллаб.

— Очкўз итлар! Беш танга бераман! — деб бақирди Арслоннинг қўшниси авахта қоровулига.

— Хўп бўлади, ҳозир опкелиб берамиз,— деб улар типирчилаб қолишди.

Арслонга сопол товоқ тўла лойқа, сассиқ сув келтириб беришди.

Арслон ютоқиб беш-олти қултум сув ичди-ю, бирмунча енгил тортди.

Арслоннинг қўшниси йигирма беш ёшлар чамасидаги новча киши экан. Кўринишдан нуфузли одам: қалин соқоли хафсала билан тарашланган, эгнида қимматбаҳо тўн, бошида хитойи шойи салла. Қўй кўзларини сал-пал қисиб қарайди кишига.

— Раҳмат сизга, тақсир...

— Мени Йўлдошев дейишади,— деди у. Бухорода бу одамни камдан-кам одам танимасди. Китобдан нусха кўчирувчи, ҳуснихат, машхур аскиячи ва эркин фикрли одам...

Янгигина тузилган жадиждлар партияси аъзолари уни ўз сафларига киришга зўр бериб тақлиф қиладилар. Айтишларига кўра, Азамат янги Бухородаги рус аҳолиси билан борди-келди қилар, оқ подшоҳнинг душманларига хайрихоҳ экан. Уни амирга эркин фикрли мактуб йўллашга журъат этгани учун қушбеги Остонақулнинг буйруғи билан авахтага тиқишибди.

Мактуб шундай ёзилган экан:

«Бутун Оврупо ҳамда Шарқдаги кўпчилик мамлакатларнинг аҳолиси маданиятларини юксак даражада тараққий эттиришга эришган бир пайтда (бунга одамларни маърифатли қилиш орқали эришилган. Улар болалик чоғларидаёқ, хат-саводни ўрганганлар), бизнинг хонлигимизда саводни фақат эски мактаблар беради, уларда эса ўқиш-ўқитиш диний асосдагина олиб борилади. Ўқув усули бундан минг йил олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам ҳеч қандай ўзгаришсиз қолиб келмоқда.

Мактабларда талабаларга тўрт-беш йиллаб сурункасига қуръон суралари ёд олдирилади. Улар диний қонун-қоидаларни форс тилида ёд оладилар. Диний-хурофий мазмундаги ғазалларни ўқиб, қуйлайдилар. Мактабларда ҳатто она тили ҳам ўқитилмайди, аниқ фанларни айтмаёқ кўяқолайлик.»

Азамат Йўлдошев амирга ўғил ва қиз болалар учун ўзининг хат-савод усулини тавсия этади. Лекин мактуб қушбеги маҳкамасида ушланиб қолади... Бу воқеа ўша мащъум ашуро арафасида содир бўлади. Мана, у ҳозир бунинг охири нима билан тугашини чидам билан кутиб ўтирарди.

— Тақсир, мен сиз тўғрингизда кўп яхши гаплар эшитганман, — деди Арслон.

Азамат жавоб қилмади. У ўз хаёллари билан банд ўтирарди. Арслоннинг овозини эшитмади чамаси.

— Бухорода сизнинг китобингизга тенг келадиган нарсая йўқ дейишади,— деди энди овозини баландлатиб Арслон.

— Нима? Китоб дедингми? Китоб — офтоб. Агар хоҳласанг мен сенга китоб берардим, лекин ўқий олармикансан уни?

— Худо шоҳид... мен, албатта... жон-дилим билан,— Азаматнинг гапи Арслонни ҳаяжонлантириб юборганди.

— Бу билан маҳалла имомининг жаҳлини чиқаришдан, раиснинг ғазабидан қўрқмайсанми?

— Мен кўрган қаҳр, ғазабларга яна биттаси қўшилса қўшилибди-да, қўрқмаганим бўлсин.

— Кўриб турибман, ёмон йигитга ўхшамайсан.

Арслон маҳаллаларида содир бўлган воқеани, Холидиддин Дамуний мақбараси олдидаги ҳодисани, Тоҳир воқеасини, ундан ҳамон ташвишланаётганини гапириб берди.

— Улдирилганларнинг ҳаммасига бирдай ачинаман. Улар шиами, суннийми — бари бир.

— Юрагинг пок йигит экансан, бу яхши,— деди Азамат меҳрибонлик билан.

— Мулла Худойдод, ҳожи Абдуқаҳҳорга ўхшаганлар худодан кўрқмай, бандадан уялмай, қандай қилиб ер юзида юришаркин-а? — дея алам билан хитоб қилди Арслон.

— Сен соддасан, ўз маҳаллангдан ташқаридаги ҳаётни кўрмайсан. Асосий жиноятчи қушбеги Остонақул билан Амирнинг ўзи, — деди Азамат дангалига.

Арслон кўрқиб кетди.

— Секинроқ, устоз! Эшитиб қолишади.

— Эшитишмайди. Амирнинг исқирт малайлари ҳамёнларини тўлдириш билан овора. Амир уларга хизмат ҳақи тўламайди, шу туфайли улар қўлларига тушган ҳар бир кимсани шиладилар. — Азамат амир амалдорлари ўғридан ҳам, тўғридан ҳам пора олишини, бусиз ҳеч қандай иш битмаслигини, маҳбусларнинг устидаги кийимига авахтахона миршаблари шилиб олишларини гапириб берди...

Бухорода ҳатто вақтинча ҳибса ҳам, бир соатми, ярим соатми — бари бир — мажбурий солиқ — хизматона солинарди. Бунинг учун икки тангадан қирқ тангагача тўлаш керак бўларди. Бундан ташқари, маҳбус бир кеча-кундуз қамоқда ётгани учун икки танга бож тўлар, овқати ўз ҳисобидан бўларди. Шунинг учун ҳам маҳбусни йўқлаб келувчилар истаган вақтда келиб, ўз одамларидан хабар олиб кетишлари мумкин, бунинг учун ҳеч қандай монелик йўқ эди...

Азамат билан Арслонни зиён-заҳматсиз бўшатиб юборишди.

## Ўн иккинчи боб

### Тоғдаги қасам

Федоркин навкарлар пости олдидаги кичкина тошлок майдонча томон шошилди. Навкарлар «оқпошшо» офицерини кўриб, хушомадгўйлик билан таъзим қила бошладилар. Федоркин уларга эътибор бермай, Нашчекиннинг оти олдига борди, унинг жиловидан ушлаб туриб, ғамгинлик билан деди:

— Бу ёғига бориш менга мумкин эмас. Чегара, — дея бир муддат жим қолди. — Хайрлашамиз энди; — деди-да, Владимир Ивановични қаттиқ кучоқлади.

— Илья Терентьевич, азизим... Ҳаммаси учун раҳмат... — деди ҳаяжонланиб Владимир. Томоғига бир нарса тикилиб гапиролмай қолди. Ватан билан хайрлашаётганини одатдан ташқари қаттиқ ҳис қиларди шу топда.

Федоркин унинг аҳволини тушунди.

— Жаноб Нашчекин... Владимир Иванович! Бу худо урган мамлакатда бир ўзингизнинг аҳволингиз не кечади энди? У ерда ёзиб қўйилган қонун-қоида ҳам йўқ!.. У ердагилар фақат оллоҳга сизгинишади, одамларни шафқатсиз ёмон кўришади. Илья Терентьевич, дунёда яхши одамлар ҳам топилади. Мана Абдулла бор, менинг дўстим, ёнимда бўлади-ку, ахир.

Владимир Катковнинг дағал қўлини астойдил сиқиб, бир зум ушлаб қолди, унинг кўзларидаги бегонасирашни уқди — Катковнинг тасаввурида у қайсидир гуноҳи учун буёқларга сургун қилинган бойваччалардан эди. Балким ичкиликбозлиги учун сургун қилинган-дир, балким бировнинг жонига зомин бўлгандир. Ишەқмас жанобларни у тушунолмайди. Буни тушунишга зарурат ҳам бўлмаганди. Жанобларнинг нозикниҳол қўллари уни ҳамиша энсасини қотирар, жигига тегарди. Бу қўллар қишлоқда ердан маҳрум қилган, заводда ҳақини уриб қолган, армияда бўйнига қамчи торган. Шундай бўлса ҳам, айни чоқда, бу йигит ҳамма оқсуяклардака эмасдай туюлди. Лекин унинг нигоҳидаги қизиқишни илғаб олиб, кўнглини очгисги келмади. Унга жавобан қўлини қисди-да, босиқ оҳангда оқ йўл тилади:

— Омад ёр бўлсин.

Семён амаки унга қараганда гапга чечанроқ экан:

— Эҳтиёт қилгин ўзингни, зот чўқимасин кўзингни, — деди кулиб.

Абдулла ҳамма билан хайрлашди.

Чегарада навкарлар ҳужжат текшириб ўтиришмади. Абдулланинг изоҳи билан кифояланишди.

— Хўп-хўп, тақсир, оқлошшо билан амирал муслимин Бухоро амири айтганлари бўлсин...

Дўстлар тор, эгри-бугри, қоялар атрофини ҳалқадай ўраган айланма йўлдан аста пастга тушиб борардилар. Осмонни булут қоплаган, дарадан ҳуштак чалиб, ўкириб, қаттиқ шамол эсарди. Тик қоялар, устма-уст қалашиб ётган улкан туйтошлар, чуқур даралар, пастдаги қалин туман қатлами — буларнинг ҳаммаси Владимирни ҳаяжонга солар эди. Тоғда у табиатнинг инсонга таъсири нақадар кучли эканлигини яна бир карра ҳис қилди. Қачонлардир ўрмонлари қирқилиб адо бўлган эса-да, бу тоғлар ҳамон улуғвор эди.

Бирданига кўзлари ўнгида пастдаги узоқ водий намоён бўлди. Водий уфққача чўзилиб бориб, кўкиш тутун ичига сингиб кетган эди. Дўстлар отларини тўхтатишди. Абдулланинг кўзлари жайнаб кетди.

— Владимир ака, мана менинг юртим. Мен уни уч йил кўрмадим... Биз уйдамыз! — У кўкрагини тўлдириб нафас олди ва қичқирди, — уйдамыз-из!

— Ми-з — деган акс садо эшитилди.

Нашчекин ҳам унинг хурсандчилигига шерик бўлди.

— Сенинг қадрдон ўлканг мен учун ҳам қадрдон бўлиб қолади. У мени ўз фарзанди деб билиши учун нима керак бўлса, ҳамма нарсани бажараман. Шу кўҳна тоғлар олдида қасамёд қиламан!

Йигитлар узангида тик туриб, дилларида туғилган қасамни тилга кўчира бошладилар.

— Самовот, гапимизни эшитяпсан! — деди Владимир жўшиб кетиб.

— Қуёш, сен бизни кўраяпсан! — дея такрорлади Абдулла.

— Муқаддас тоғлар, сизлар бизга куч-қувват берасиз. Сизлар бизни қудратли тош елкаларингизда кўтариб турасиз. Биз ёшмиз, ерда маҳкам турамыз. Ҳаётда ҳалол бўлишга, одамларга яхшилик қилишга, уларнинг бахт-саодати учун курашишга, бунда кучимизни аямасликка қасам ичамиз! «Ҳақиқий дўст орттириш қандай яхши, — дея кўнглидан ўтказди Владимир. — Ҳар қанақа ишни, энг арзимас бўлса ҳам, ишончли дўстсиз амалга ошириб бўлмайди». Владимир Иванович Нашчекин шу ўринда жамиятнинг негизларига, самодержавиега қарши курашишга қарор қилди. Уни дўстларидан, қариндошларидан, яқинларидан жудо қилишга уриндилар, Ватанидан маҳрум қилдилар. Лекин кўнгли бутун, кучли одам ҳеч маҳал ноумидликка тушмайди, у ҳамма вақт, ҳамма ерда ёр-дўст, ҳамфикр топиб олади ва бундан у янада қувватланади, янада мақсадга интиладиган бўлади.

Албатта, чор ҳукумат исковучлари ва Петербург соқчи бўлими олдида дарҳол тавба қилиши мумкин эди, ўшанда бугунгидай Ўрта Осиёга келиб юрмасди, озодликка чиқарди. Аммо ниманинг эвазига! Сотқинлик ва хўрлик эвазига бўларди бу. Бу фикрдан Нашчекин сесканиб кетди.

Инсон ҳамиша ўз руҳига, табиатига мос бирон-бир арзирли иш қилиши, у ўз ҳаракатларида, ҳар қандай қурбонларга, маҳрумликларга қарамай, ўзини кашф қилиш принципларини топиши лозим.

Ўрта Осиё, Бухоро хонлиги бўлса бўлаверсин, лекин Нашчекин бу ерда ҳам эзувчилар, золимлар тузумига қарши курашаверади. Бунда унинг суянчиғи — дўсти Абдулла бор.

Абдулла эса қисқа, ўн тўққиз ёшида ўзининг ҳаёти маъноси ва мақсадига эга бўлганлигини биринчи бор ҳис қилди. У ўз халқининг бахт-саодати учун курашнинг машаққатли йўлига кирди. Бунда унга Владимир энг ишончли ўрнак бўлди.

— Бундан бу ёқ биз қондош ака-укамиз! — деди Абдулла. — Мақсадимиз ҳам битта — кураш.

Водийга тушиш унча қийин эмас эди. Отлар борган сари, ҳеч

қандай қистовсиз, йўрғага ўтишарди. Кескин қайилишлар ёки тубсиз жарликлар қаршисида улар қадамларини секинлатар ва пишқириб эгаларини хавфдан огоҳлантирар эдилар.

Владимир эгарда тик қотиб ўтирарди. Бундай суворий отга машаққат эканлигини у биларди: от агар ҳаракат йўналишини ўзгартирса бас, унинг тебранавериб таёқдай қотиб қолган гавдаси қарама-қарши томонга оғиб кетади. Ҳар замонда у от ёлини шапатилаб қўяр, бу билан гўё ундан узр сўрарди.

Абдулла эса, отда худди қўйиб қўйгандек ёпишиб ўтирар, уни энгил, эркин, ҳатто бепарво бошқарарди. У гоҳ олдинга ўтиб кетар, бирдан пайқаб қолиб, орқасига бурилиб, Владимир Ивановичнинг олдига от чоптириб келарди. Абдулланинг ошиқаётганига сабаб бор эди. Бу ердаги ҳамма нарса кўзини қувонтирарди. Чунки ўсмирлигида бир неча ойлаб Шаҳрисабздаги тоғасиникида турганида ҳаммаёқни кезиб чиққан, от минигга ҳам худди шу ерда ўрганган, машҳур Эргаш кўпкарчи унга улоқ чопишни ўргатган. Бу ердагиларнинг бегидан тортиб оддий деҳқонига қадар уни яхши танирди. Эпчиллиги ва ўзига мустақиллиги учун муллалар уни «тоғ деви» деб атардилар.

Бундан ўн йиллар муқаддам улоқчи амир ташкил қилган улоқда унинг ўз қўлидан катта соврин олди ва бойдан олган қарзларини тўлаб, уруғини солиқдан қутқарди. Кейин Эргаш бировларга муте бўлмаслик учун одамлардан четга чиқиб кетди. Елғиз ўзи тошдан уй қуриб олди, бошпанасига деярли ҳеч кимни йўлатмади. Фақат Абдуллагина у ерда икки ёз турди. Эргаш улоқчи уни ўз ўғлидай яхши кўриб қолган эди. Мана ҳозир Абдулла олисдаги баланд чўққилар тизмасига ҳаяжон билан тикиларди. Эргаш улоқчининг «бургут уяси» ана ўша чўққилар ортида эди.

Абдулла тоғ йўли бўйлаб от қўйди, то деҳқонларнинг экинзорлари-га етгунча жиловни тортмади. Унинг жонажон Қашқадарёси шу ердан бошланарди. У отдан ирғиб тушиб, она ерга салом берди, ёноқларини ерга босиб уни тавоф қилди:

— Жаҳонда ҳаёт гулшанидан сафоли боғ йўқ, ёшлик мевасидан тотли мева бўлмайди. Она тупроқ ишқидан кучлироқ ва қимматлироқ севги йўқ. Чунки у сенга, сенинг уруг-аймоғингга ҳаёт бахш этган.

Владимир етиб келди ва Абдулла ердан бошини кўтармай ҳаяжон билан тушунтирди:

— Бизнинг одатимизга кўра, Владимир ака, агар сиз узоқ сафардан қайтиб келиб, она ерга фарзандлик саломини берсангиз, у сизни ўз оғушига олади, сизга оналик меҳрини бир умрга бағишлайди.

— Биз, русларда ҳам шунга ўхшаш одат бор,— деди Владимир, отдан тушиб, ўзбек тупроғига ўнг қўли бармоғи учини теккизиб таъзим қиларкан.

## Ун учинчи боб

### Шаҳрисабз

Китобда, чегарадаги кичкина бекликда Абдуллани узоқ қариндошлари кутиб олишди. Меҳмонларни тўрға ўтқазилди. Дастурхон устида бошланган суҳбатнинг охири кўринмади. Барча саволларга Абдулла жон-дили билан жавоб қилди. Уй эгаси улардан кичик ўғлини кузатувчи қилиб олиб кетишларини илтимос қилган эди, булар рози бўлишди.

Шаҳрисабзга боргунларича бола доvon ошиб келган одамларга ҳавас билан тикилди.

Шаҳрисабзга бир қақиримча қолганда чўл томондан қуруқ, суяк-суякларни сирқиратиб юборадиган аччиқ шамол турди. Шамол дақиқа сайин кучайиб борар, орадан кўп ўтмай шундай қутурдики, Владимир йиқилиб тушишига сал қолди. Бирдан чанг-тўзон буралиб, қўнғир

тусда қуюнга айланди. Гирвот одамлар бу ёқда турсин, ҳайвонларни ҳам даҳшатга солди. Уларни эрмак қилиб, қулоқ-бурунларига чанг-тупроқ тўлдириб, йўл билан югуриб борди-да, запти билан Бухоронинг деворидан паст бўлмаган қўрғон деворига урилиб, парчаланиб кетди.

Шаҳрисабз Владимирни ҳайратда қолдирди. Қалин пахса девор шаҳарни узун-тўғри бурчак шаклида жанубдан шимол томонга қараб ўраб олган. Бу қалин девордан зоғ ҳам ўтолмайдигандек қудратли туюларди.

Бу европаликлар тушунчасидаги шаҳар эмас, балки шарқликларнинг ичкараси лой томли уйлардан иборат қалъаси эди. Атрофни ўраб олган жой тепасида вайрона саройнинг маҳобатли пештоқи улкан олабула қоятошдай қад кўтариб турарди. Уни бир неча чақирим наридан кўриш мумкин эди.

— Шаҳрисабз — Темурнинг ватани, — деб тушунтирди Абдулла. — Бир замонлар унинг пойтахти бўлган, энди эса, бекликдаги шунчаки битта шаҳар. Хув анави ерда, — деди у, қўлини шаҳар ичкараси томон узатиб, — бундан олти юз йил аввал туғилган у. Анави тепаликларда болалар билан югуриб юрган, қароқчи-қароқчи ўйнаган, оёғини синдириб олган. Шу-шу чўлоқ бўлиб қолган. Деярли жаҳонни бўйсундириб, бу ерга оламнинг ҳамма бурчагидан юз минг асирни, энг яхши усталарни ҳайдаб келган. Оқсаройни унга ана ўшалар қуриб беришган. Юқори қаватлари шунчали баланд бўлганки, тепасини айниқса қиш пайтларида булутлар чулғаб турган, шу сабабли Оқсарой аталиб кетган бўлса керак. Шарқда ҳеч ким ҳеч қачон бундай сарой қурмаган... Лекин Темурнинг шухрати сўнгач — унинг ўлимидан сўнг — душманлари ҳатто, унинг хотирасини ўчириб ташлаш учун саройни вайрон қилганлар. Кўшкларни бузганлар, асосий аркни ҳеч нима қила олмаганлар. Мана ҳозир ҳам эллик газ юқорида савлат тўкиб турибди.

— Албатта, Миср эҳромлари эмас, аммо қолишмайди... — дея тан олди Владимир...

Абдулланинг европача кийими ва Нашчекиннинг мундиридаги гербли тугмалари навкарларга таъсир қилди. Улар шоша-пиша деҳқонларни четга суриб, йўл очишга тушишди.

— Пўшт, пўшт! Йўл беринг, Оқпошшонинг элчиларига йўл беринг!

Дарвозабон нима деб бақираётганини Абдулладан эшитган Нашчекин қаттиқ кулиб юборди:

— Петербург охранка бўлимидагилар бу ерда мени қандай кутиб олишаётганини билишса, таъблари тирриқ бўлиб кетарди!

— Сафаринг бехатар бўлсин! — дея навкар тама билан таъзим қилди.

Абдулла чўнтагидаги бор майда пулни олиб, унинг узатиб турилган қўлига солди. Навкар пулни ички чўнтагига жойлаб олди-да яна югур-югурга тушди.

— Азиз меҳмонларга йўл бўшатиб! — У олдинга югуриб ўтиб, улардан сўради: — Қайси маҳаллага борасизлар?

— Ҳазрати шайхга, — деб жавоб берди Абдулла, чаққонлик билан. Кейин Владимирга мурожаат қилиб деди:

— Бу — дўстингизнинг она шаҳри, Владимир ака, демакки, сизнинг ҳам она шаҳрингиз!

— Кўриб турибман, Абдулла, кўряпман, сени бу ердагилар Маккадан келган ҳожидай кутиб олишяпти.

Абдулла жилмайиб қўйди...

Шаҳрисабз Туркистоннинг Владимир Иванович кўрган шаҳарларидан унча фарқ қилмасди. Фақат кўчалар Тошкент, Самарқанд, Жиззахдагига нисбатан тор, аммо тозароқ туюлди. Мачитларнинг мовий гумбазини, қадамжоларни ҳар қадамда кўриш мумкин эди. Лекин шаҳардаги асосий аҳолининг кийим-боши йиртиқ-ямоқдан иборат эди.

Бу кичкина шаҳарчада ҳамма, айниқса маҳалладагилар бир-бирларини яхши танир эдилар.

Шаҳар аҳолиси маҳаллаларга уруғи ёки касб-ҳунарига қараб жойлашган бўлиб, чунончи, Хожа Мирҳамид маҳалласида эски, «темурий» барлослар, кулолликда мангитлар, Малик аждар маҳалласида қўнғиротлар, китоб, шунингдек Катта ва Кичик Чуйтон маҳаллаларида чувитлар яшардилар. Бу ерда кулоллар, тўқувчилар, кўнчилар, ва ҳатто бўёқчилар маҳаллалари бор эди. Шарқдаги қайси шаҳарда бозор йўқ, дейсиз?! Шаҳрисабзда эса, бир неча бозор мавжуд эди.

Шаҳар Афғонистон, Бухоро, Самарқанд ва Ҳиндистон савдо карвон йўллари туташадиган ерда жойлашган бўлиб, бу ердан моллар тўппа-тўғри Россияга кетар эди. Бу ердагиларнинг ҳаммаси савдога алоқадор, савдо билан тирикчилик қиларди. Ҳатто Шаҳрисабз беги киракашлик қилиш учун катта туя карвони, махсус ҳайдовчи ва соқчилар сақларди.

Хабарчи боланинг овозини эшитиб, Абдулланинг тоғаси — ҳожи Асрор уйдан югуриб чиқди. У қандайдир ғалати, мўъжазгина, закки, озода кийинган чол эди. Қалтагина соқол-мўйлови унинг юзидаги тўғри чизиқларни бўрттириб турарди. Болалардек бесаранжом Ҳожи қувончи ичига сиғмай, узоқдан кичкина қўлини қимирлатиб пилдираб чопарди. Каттакон, оппоқ салласи бошида зўрға илиниб турар, чакмони этаги халпиллаб, ер супуриб келарди. Ҳожи Асрор жиянини бағрига босиб, кўзидан ёш чиқиб кетди. У фарзандсиз эди, бутун меҳрини Абдуллага бағишларди. Кейин Владимир билан ҳам қуюқ саломлашди.

— Сиз ҳам менга ўғил бўласиз! Сизни ўғлим дейишга ижозат берасизми?

Хабарчи болага Ҳожи устидаги тўнини ечиб берди: тўн болага лоппа-лойиқ келди. У ўзида йўқ қувониб, шаталоқ отганича изига қайтди.

Хонтахта атрофига тўшалган кўрпачаларда ўтириб Ҳожи билан меҳмонлар алламаҳалга қадар гаплашиб ўтиришди.

— Сен узоқ Ўрусияга кетганингда, худонинг ўзига аён, биз кампир билан ўша юртларга борадиган ҳар бир карвон, ҳар бир шамол, ялтираган ҳар бир чақмоқдан сенга салом йўллаб турдик, ўғлим...

Абдулла унга астойдил миннатдорчилик билдирди.

— Тоғажон, ҳурматли меҳмонга, бу ерлардан қора дев қандай ўтганини гапириб беринг,— деди Абдулла қариядан илтимос қилиб, суҳбат орасида.

— Бунга анча бўлди,— дея бажонидил гап бошлади Ҳожи Асрор,— Арабистон томондан бизнинг ерларимиз орқали қора дев ўтади. Бу ерда қолиб, ўзига тарафдорлар топишга уринади. Ушанда у мамлакатлар, шаҳарлар кезиб, ўзининг ҳамма нарсани кўрадиган, ҳамма нарсани биладиган нигоҳи билан халқнинг ички аҳволини кузатади. Қайси халқ, қайси гуруҳ билимдан узоқ, қайсиси фаросатсиз, улардан қайси бири унинг таълимотига эргашади — шуни билиш учун шундай қилган экан. Кешга (ўша пайтда бу шаҳар шундай аталаркан) етиб келиб, битта аёлни учратибди, халқимизнинг фаҳм-фаросатини ва зеҳнини белгилаш учун ундан сўрабди:

— Нега бу ерларда дов-дарахт кам?

Шунда аёл унга жавоб қилибди:

— Эркакларимиз — бизнинг дарахтларимиз.

Бу жавоб девни уялтириб қўйибди. У бу ердан иш чиқаролмагач, яна бир неча маҳаллани айланиб, битта болакайга дуч келибди-да, уни гапга солибди:

— Мен мусофирман. Ҳамёнимда икки танга пулим бор. Бу пулга шундай бир нарса сотиб олмоқчиманки, унга ҳам қорним тўйсин, ҳам икки тангам ёнимга қолсин.

Болакай унга қараб туриб шундай дебди:

— Қорнингни ҳавойи сўзлар билан тўлдир, сўнг уни икки тангага сот!

Шундан кейин қора дев ўзига тарафдорлар топишдан умидини узибди, Кешдан чиқиб, бошқа томонларга жўнаб кетибди.

Бу воқеадан шаҳар оқсоқоллари хабар топиб, дев бу ерларга иккинчи бор келмасин учун халққа ҳамма ерга дарахт экинни буюришибди.

Ҳожи Асрор афсонани тугатиб, жим бўлиб хаёл суриб қолди.

— Демак, қора дев сизнинг юртингизга бошқа ҳеч келмадими? Бу ерда халқ тўқ-фаровон яшаркан-да?— деб сўради Владимир жиддий тусда Ҳожига қараб.

— Худонинг хоҳиши билан, девлар келишди... Ёвузлик уруғини сочишга шунинг ўзи кифоя қилди.

Уша девнинг исми Бухоро амири!— деб юборди Абдулла.

— Астафидуллоҳ! Сендан ёлбориб сўрайман, бундай сўзларни овоз чиқариб гапирма, ўғлим!

— Ҳа, ота ҳақ. Буни дангал айтишга ҳали эрта. Бунда ҳовлиқиш ярамайди. Тил югуриги бошга, дейишади-я.

— Владимир ака! Бу гапни сиз айтяпсизми?! Охранкадан ҳам тап тортмаган одам-а?

— Тинчлан, Абдулла. Россияда тўғараклар, ўртоқлик уюшмалари, ташкилотлар ва, ниҳоят, партиялар бор. Инқилобга йўл ўшалар орқали бўлади. Бу ерда ҳам ишни ана шундан бошлаш керак бўлади.

— Сиз мени бамисоли тоғ булоғи сувига шўнгитиб олдингиз, Владимир ака!— деди Абдулла сесканиб.

Ҳожи Асрор паришонхотир ўтирарди.

— Астафидуллоҳ, бас қилинглар, болаларим... Яхшиси, чой ичиб ўтирайлик,— деб оғир хўрсиниб қўйди.

— Айтгандай, ҳалиги бола кейин нима бўлди?— дея эслатди Владимир, чолни гапга солиш учун.

— Болами?— дея аввалги мавзуга жон-дили билан қайтди Ҳожи.— Бу, ўша бола, Темурнинг худди ўзгинаси экан.

— Мана шунақа, Владимир ака, жаҳонгирнинг шафқатсизлигини осонгина билиб олиш мумкин. Ҳаммасига болалигида учраган қора дев гуноҳкор...

— Афсоналарга унчаям ёпишиб олмайлик, Абдулла. Уларда балким бошқача маъно бордир.

Ҳожи Асрор Владимирга миннатдорлик билан қараб қўйди. Кейин ўрнидан турди-да, намозшомни ўқиб келгани мачитга боришини айтиб, ташқарига чиқди.

— Абдулла, болам, кўлимга сув қуйиб юбор,— деди ташқарига чиқатуриб Ҳожи.

Владимир ёлғиз қолиб, хонага қайтатдан разм солди. Тахмонга кўрпа-кўрпачалар йиғиб қўйилган, тоқчада катта лаганлар. Январь бўлишига қарамай, лаганга олтиндай узум, қип-қизил олма, сап-сарик беҳи териб қўйилган.

Бу манзарани Владимир қаердадир кўргандай, бу уйга илгари ҳам бир марта киргандай бўлаверди. У кўзларини беркитди ва юзларидан майингина табассум сирпаниб ўтди. Бунақа жиҳозни Москвада, Абдулла ҳазиллашиб, «шарқлик кичкина шаҳзода» деб атайдиган, Бухоро миллионери Убайдулла ҳожининг ўн бир яшар ўғли Файзулланнинг квартирасида кўрганни эслади.

Отаси Файзуллони ўқитгани 1907 йилдаёқ Москвага олиб борган эди. Владимир билан Абдулла уникида бир неча бор меҳмон бўлишган, Урта Осиёга сафарга чиқишдан олдин уни яна бориб кўришганди. «Шарқлик кичкина шаҳзода» отасига булардан мактуб бериб юборганди...

Йигитлар Ҳожи Асрорнинг уйида бир ҳафта меҳмон бўлишди. Ниҳоят, йўлга отланишди, карвонсаройдан от гаплашишди, йўл озиғини ҳозирлаб қўйишди. Бироқ кечаси қалин қор ёғди. Шаҳар



эрталаб уйғонганда томлар, гумбазлар, кўчалар тизза бўйи қор кўрпаси билан қопланган эди. Ҳожи Асрор уларни йўлдан қайтармоқчи бўлди.

— Болаларим, қор жуда қалин! Йўлда қийналасизлар-да... Сафарни кечиктириш даркор.

— Бу ерда ҳам қиш бўлар экан-а!— завқланди қорни кўриб бирмунча кайфияти кўтарилган Владимир.

— Жўнаймиз, шафтоли қоқи бўлишдан қўрқмаймиз,— дея ҳазиллашди Абдулла,— бунақа қорларни, совуқларни кўрганмиз. Мана отлар ҳам келиб қолди.

Иккита от етаклаган барвастандан келган йигит йирик қорабайирни йўрттириб дарвозадан кириб келди. У туя жунидан тўқилган чакмон кийган, юзи қатъий, ҳатто совуқроқ, буни қоп-қора, чағир кўзлари таъкидлаб турарди. Унда бургутни эслатадиган нимадир бор эди.

— Эргаш кўпкарчи!— деди Абдулла қувонч билан ва у томон пешвоз югурди.

Эргаш бирдан бақувват қўллари билан Абдуллани қўлтиғидан кўтариб бир лаҳзада эгарга, ёнига ўтқазиб, қамчи силтаб ҳовлини айлантира бошлади.

— Бу зўр йигит!— деди ифтихор билан Ҳожи Асрор,— Эргаш кўпкарчи! Бунақаси ер юзида кам топилса керак.

— У ҳақда кўп яхши гаплар эшитганман...— деди Владимир.

— Ҳа, ҳа. У ҳақда фақат яхши гаплар эшитиш мумкин,— дея тасдиқлади қария...

Эргаш эгардан чаққонлик билан пастга сакради. Қорабайир қоққан қозикдай турган жойида тўхтаб қолди. Владимир Эргаш билан Абдулланинг олдига бормоқчи бўлиб турган эди, шу пайт дарвоза томондан тунов қуни суюнчига тўн кийиб кетган Рустам додлаб келиб, ўзини Ҳожи Асрорнинг оёғи остига ташлади. Рустамнинг йиғи аралаш гапидан қария билан Абдулла кимнидир «қутқариш керак»лигини англашди. Абдулла уни ердан кўтариб, овутишга уринди.

— Гапир, болакай. Сени ким айтади эркак деб!— деди Эргаш қатъий қилиб.

Ниҳоят, маълум бўлишича, дарвиш Даврон боланинг отаси — кекса Мурод танасига кириб қолган инс-жинсни ҳайдаётган экан.

— Бу, одатда ўлим билан тугайди,— деди тўнғиллаб Абдулла, Владимирга гап нимадалигини тушунтирди.

Улар Рустамнинг ортидан «Кўк гумбоз» мачити майдони томон чопдилар. Мачит саҳнидаги улкан чинор остида юзга яқин одам йиғилган. Владимир хилма-хил беқасам чопон кийган, турли рангдаги салла ўраган одамларга ҳайратланиб қараб қолди.

Оломон ўртасида доира шаклида бўш жой қолган, ўша ерда қор устида белигача яланғоч чол тиз чўкиб ўтирар, ўзича нималар деб истиффор айтарди. Унинг ёнида у ёқдан-бу ёққа сакраётган дарвишни кўрди-ю, Владимир баттар ҳайратланди.

Дарвиш кўкрагига қўнғироқлар, туморлар, аллақандай чарм халтачалар осиб олган, майдонда қутуриб сакрар, увиллар эди. Унинг ориқ кифтида увадаси чиқиб кетган чопон осилиб турар, чопоннинг устидан қоплон терисидан қилинган тасма боғланган, бошида кулоҳ. Қоп-қора наमत сочлари елкасини қоплаб ётар, умрида қайчи тегмаган соқол-мўйлови ҳар сакраганда селкилларди...

— Бу макруҳ одам бошингизга кулфат келтиради... Вабо бошланади ва халқ пашшадай қирилади,— деди у оғзидан кўпик сочиб.

— Ҳа, ҳа, билиб қўйинглар!— дея тасдиқлашди дарвишлар.

— Бу — шайтон йўлига юрган бадбахт мўйсафид.— Даврон хассаси билан Мурод чолнинг баданини тилди, гайритабийй ҳаракатлар билан уни азоблашга тушди.

— Абдулла чидаб туролмай ўртага отилиб чиқди.

— Нимага қараб турибсизлар! — деб хайқирди у. — Кўз ўнгингизда одам ўлдиришяпти ахир!

Эргаш дарров уни оташкуракда қисгандай оломон орасига тортиб олди.

Албатта, Шаҳрисабз беги Насрулло кўк гумбаз мачити майдонида нималар бўлаётганини биларди, аммо сарбозларни бу ерга тартиб ўрнатиш учун юбормади, сабаби у ҳам дарвиш Даврондан ҳайиқар эди. Бунинг устига Амирнинг ўзи ҳам дарвишларга ҳомийлик қиларди.

Владимир туртина-суртина оломон ўртасига чиқди ва анчагача воқеанинг сабабини тушунишга ҳаракат қилиб, одамларнинг ҳолатини кузатди, сўнг чўзилиб ётган азобланувчининг бошини кўтариб, тиззасига қўйди. Кекса Мурод хириллаб нафас оларди. Владимир унинг юзига, ёноқларига қор ишқади. Чол ўзига кела бошлади.

— Бардам бўл, отахон...

Мурод чол шаҳар дарвозаси олдида учраган рус кишисининг пайдо бўлиб қолганига ҳайрондай, кўзларини очиб юмди. Сўнг ёрилган лабларини қимирлатди.

— Дарвиш Даврон... У менинг Рустамимни дарвишлар орасига қаландарвачча қилиб олмоқчи эди... Мен кўнмадим... Шу сабаб у ўч олаятти...

Давроннинг ваҳшиёна қийқириғи Владимирни бир зум гангитди, Мурод чол қалтиради. Оломон орасида говур-гувур кўпайди.

— Малъун кофир! Бизнинг урф-одатимизни бузишга қандай журъат этдинг! Йўқол бу ердан, қарғишга учраган! Ҳозир устингга осмон қулайди, тоғлар жойидан қўзғалади!

Кекса Мурод дир-дир титраб, шивирлади:

— Қўй, ўғлим, Даврон қарғайди... У дуойи бад қилади...

Абдулла унинг ёнига етиб келган эди. Чолни ушлаб, Владимирга Мурод нима деяётганини таржима қилди.

— Одамларга айт, тарқалишсин, — Владимир хотиржам эди, аммо овозидаги титроқ ички ҳаяжонини билдириб қўйди.

Абдулла оломонга қарата кўп нарсаларни гапирмоқчи эди, аммо Даврон қаҳ-қаҳ отиб кулиб, ҳассаси билан унга таҳдид қилиб, гапиртиргани қўймади.

Абдулла билан Даврон орасидаги баҳс узоққа чўзилмади, вазият тобора жиддийлашиб борарди. Владимир кескин равишда ўртага тушди.

Бу баҳсдан ҳеч нимага эришиб бўлмаслигига дўстларнинг кўзлари етди. Дарвиш Даврон зўр эди, у билан ҳатто амир ҳам эҳтиёт бўлиб гаплашарди...

Дўстлар Мурод чолни кўтариб, майдондан чиқишди. Ҳожи Асрор билан Эргаш кўпкарчи бирмунча орқароқда келардилар. Дарвиш Даврон уларни қарғаб қолди.

Зўрға нафас олаётган мўйсафидни Ҳожи Асрорнинг ҳовлисига олиб боришди. Ҳожи бу ишларга аралашмай, ўзини четга олди. Абдулла бўлиб ўтган воқеадан қаттиқ таъсирланди. Олис ўлкалардан кадрдон юртига қайтган йигит ўз халқининг илм-маърифатдан нақадар бегоналашиб кетганини, жоҳиллигини илк бор рўй-рост кўрди. Бу фикр унга азоб берди, кўп бошқа фикрлар туғдирди. Кўнглида воқеликка нисбатан қаттиқ норозилик бош кўтарди, уни ҳаракат қилишга ундади. Лекин қанақа ҳаракат қилишни аниқ билмасди. Кекса Мурод кечга бориб ўлди... Уни кўмиш керак эди. Қарши сафарини кечиктиришга тўғри келди. Чолни кўмиш ташвиши асосан Абдулла билан Владимирнинг бўйнига тушди, чолнинг ҳеч кими йўқ, ўғли Рустам ҳали ёш эди. Ҳожи Асрор чолни дафн этишга аралашмади, дарвишларни қутуртириб юборишдан ҳайиқди. Эргаш кўпкарчи билан Ҳожининг хотини қўлларидан келганча ёрдам беришди.

Икки кундан кейин улар жўнаб кетишди. Етим бўлиб қолган Рустамни бирга олишди. Уни Шаҳрисабзда қолдириб кетиб бўлмасди.

Бунинг устига, Рустамнинг ўзи ҳам улардан бир қадам ажралмай, боғланиб қолганди.

## Ун тўртинчи боб Қарши беклиги

... Қаршида сершовқин бозорлар ва эгри-бугри кўчалар кўп бўлиб, савдо расталари, майда ҳунармандлар дўконларининг охири кўринмасди. Айти вақтда Ҳиндистон, Эрон ва Афғонистон савдогарларининг ҳамда маҳаллий бойларнинг улкан дўконлари ҳам улар қаторида савлат тўкиб турарди. Бундан ташқари, шаҳарда бир неча мойжувоз бўлиб, Қарши зиғир мойининг овозаси кетганди теварак-атрофга. Бу мой ҳатто Ҳиндистон ва Афғонистонга ҳам чиқариб сотиларди.

Шаҳар ўзининг қандолатлари билан ҳам донг таратганди. Қандолат маҳсулотлари шундоққина кўча четларида, дўкончалар ва чойхоналарда ҳамда ажойиб хоналарда сотиларди.

Асосан одам кўп йиғиладиган ер Қаршининг молбозори бўлиб, хавfli жиноятчилар шу ерда қатл этиларди. Шунинг учун бўлса керак, молбозорини жаллодхона ёки қисқача «дор» дейишар эди... Аввалига Владимир муфти Асадулла ҳожининг катта ва ҳашаматли уйига тушди. Унга иккита қулай хонани ажратишди. Пишириш, куйдириш ташвишини қилмаса ҳам бўларди. Ҳожининг уйи ўзига тўқ, бадавлат хонадон бўлиб, унинг эгаси меҳмондўст, дастурхони ҳамиша ёзиғлиқ киши эди.

Владимир яхши жойлашиб олди. Бундан ортигини у тасаввур ҳам қилолмасди. Абдулла ҳам бундан мамнун бўлди.

Муфти ақлли, одамшаванда киши экан. Шарқнинг донишмандлари, афтидан, худди мана шундай кишилар бўлган бўлишлари керак, деб кўнгилдан ўтказиб қўйди у.

— Юзидан нур ёғилиб туради, гап-сўзлари бамаъни, фикри теран, нафис.

Владимир кишининг узоқ тунларида уй эгаси билан меҳмонхонада роҳат қилиб суҳбатлашди. Муфти славян халқлари тарихини яхши биларкан. Айниқса 1905 йилдан кейинги ҳодисалар ҳақида кўп нарса гапирди, айти чоқда Владимир ҳам роса гапга солди.

— Бу ерга, худди наша тутунига тўлган чойхонага, соф ҳаво кириб келди. Кўпчилик гафлатдан кўзини очди, — деди Муфти салмоқ билан. — Ҳатто оламнинг бир чеккасидаги Ҳисор ва Шаҳрисабздай одамлари нутилган, ҳайвонлардай ҳақ-ҳуқуқсиз қоронғи кунжакда ҳам кишилар бир нималарни тушуниб қолишди.

Чуқур билими ва дадил фикрлари билан Ҳожи Владимирни ҳайратда қолдирди.

Абдулла ҳам отасининг бунақалигини шу пайтгача кўрмаган ва эшитмаганди. Қаранги, илгари мўмин-қобил отаси бирдан эркин фикрли бўлиб қолибди.

Тўғри, отаси ёшлигида Бухоронинг таниқли маърифатпарвари Аҳмад Донишга саккиз йил шогирдлик қилганлигини Абдулла биларди.

Мадрасада ўргатиладиган фанлар билан бирга у мустақил равишда астрономия, математика, ҳандаса, тарих каби фанларни ҳам ўрганган эди.

Амир Музаффар Аҳмад Донишнинг Бухоронинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақидаги рисоласини ўқиб чиқиб, уни «кечириб бўлмайдиган шаккоқ», деган эди. Маърифатпарвар ўз рисоласида ҳеч нарсдан қўрқмай дангалига: «Чингизхон кўп мамлакат ҳамда давлатларни босиб олган қонхўр ҳоким ва шафқатсиз босқинчи эди. Бухоро ҳукмдорлари ундан худди шу хусусиятларни мерос қилиб олдилар» — деб ёзган эди.

Амир Музаффар уни қатл этишга ботинмади. Пойтахтдан узоқ

Ғузорга қози қилиб тайинлаш баҳонасида сургунга жўнатди. Асадулла ҳожи, маърифатпарварнинг ўзга шогирдларидан фарқли ўлароқ, Аҳмад Донишга руҳан яқинлигини яширмас, у билан ифтихор қиларди.

Асадулла ҳожи амирликдаги энг билимдон, маърифатли одам ҳисобланарди. Миллий мусиқа ва шеърятни яхши биларди. Владимир унинг суҳбатлари орқалигина Бухоро амирлиги сиёсий ҳаётига тез кириб борди. Петербургдалигида Урта Осиё ҳақидаги китобларни ўқиган, сайёҳларнинг ҳисоботларини ўрганган бўлса ҳам, у билими юзаки эканлигига бу суҳбатлардан кейин амин бўлди...

Бир куни Асадулла ҳожи Владимир билан одатдагидай суҳбатлашиб ўтириб, урф-одатдан гап очди.

— Биздаги кўпчилик тартиблар сенга ғалати туюлади, албатта, — деди Ҳожи. — Четдан бу яққол кўринади, дейишади. Ўзимизга четдан туриб қараш даражасига кўтарилиш учун нима қилиш керак. Биз бу ерда, Бухоро хонлигида нурга тескари бораётганимизни кўриш учун қанча яшашимиз керак бўлади?

— Ота, сиз шариат қонунларини шарҳловчи бош муфти сиз! Қўлингиздан кўп нарса келади, — деди гапга аралашиб Абдулла. — Петербургда мен Плехановни ўқидим. «Ҳар бир киши озодлик учун курашчи бўлиши лозим. — дейди у. — Доҳийсиз омма ҳеч нима эмас, оммасиз доҳий эса, ёлғиз шахс, демакдир».

— Сен билан дўстинг ўша Плехановга ўхшаб кўп қўшиқ биладиган ашулачиларсиз. Аммо сизнинг ашулангизга ким қулоқ солади? Қолбуки, атрофдагиларнинг ҳаммаси кар, соқов. Одамларимизнинг тафаккури ғафлат уйқусида, энди сал-пал уйғонмоқда. Бу аҳволда менинг қўлимдан нима келарди?!

Абдулла вазминлик билан гапни чуқурлаштиришга интилди:

— Бунинг сабабини осонгина кўриш мумкин. Амирларимизнинг халқ тақдири билан мутлақо ишлари йўқ. Худо эса уларга хомий, шундай эмасми? Ҳамма нарса унинг иродаси билан қилинади. Зўрлик, ноҳақлик, одамларни йўқ қилиш, золимлик — буларнинг барчаси азалдан давом этиб келяпти-ку, ахир.

— Олам яратилган пайтда зўрлик унча кўп бўлмаган, — дея эътироз билдирди муфти. — Аммо ҳар бир ҳоким ҳокимият тепасига чиқиб, зулм-зўрликни кучайтирган. Бизнинг амирларимиз ҳам улардан холи эмаслар. Айниқса Шайбонийларнинг сўнгги сулоласи. Улар мамлакатни мотам либосига буркадилар, — деди муфти куюниб, бошини тебратиб. — Мана, бутун бир юз йил давомида, ҳар бир хонадон эшигидан йиғи, аза аримайди. Амир Ҳайдарнинг ўлимидан, яъни 1826 йилдан кейин бошланди халқ бошидаги қора кунлар. Бир неча ой ичида тахтда иккита амир алмашди. Аввал тахтга амир Ҳайдарнинг ўғли ўтирди. Зиёфат дастурхони йиғиштириб олиб улгурилмай, беқларнинг совға-саломларини чопарлар Бухорога етказиб келмай, Ҳусайн бўғилиб, ичи ёниб, оғзидан кўпик чиқариб, дўзах азобида қийналарди. Уни заҳарлашганди. — Муфти бир нафас жим бўлди, кейин оғир хўрсиниб давом этди. — Ҳусайннинг қирқи ўтгач, тахтга Ҳайдарнинг ўртанча ўғли Умар чиқди. Эртаси куни уни қонга беланган ҳолда ётоғидан топишди. Унинг ёнида хизматчиси, соқчи сарбоз ҳам ўлиб ётарди. Насруллонинг тарафдорлари Умарнинг қирқи ўтишини кутишга сабрлари чидамади. Акаларини ўлдирган қотил Насруллони тахтга чиқаришди... Халқ унга «қассоб амир» деган лақаб қўйди. Тахтга чиқиши билан у лақабига мос ишни бошлаб юборди. Тахтга чиққан бир ой мобайнида у ҳар куни эллик-юз кишини жаллоднинг пичоғига топшириб турди. Биринчи навбатда у ўзини тахтга кўтарган, бу йўлда қўлини қонга ботирган кишиларнинг баҳридан ўтди...

Кейин Ҳожи амир Насруллонинг Қўқон хонлигига юриши, у ердаги машъум фожиаларни, кейин Тошкентни забт этганини гапирди, у ўлгач, бухороликлар аза тутиш ўрнига қирқ кун байрам қилганликларини айтди.

Асадулла ҳожи ёшларга Бухоро тарихини деярли йилма-йил гапириб берди. 1860 йилда тахтга ўтирган амир Музаффарнинг хотинбозлиги, бу йўлда халққа ўтказган зулмлари, ҳар жума куни битта хотин олиши борми — ҳамма-ҳаммасини ҳикоя қилди...

— Бухоронинг ҳозирги, 1885 йилда тахтга ўтирган ҳоқими тўғрисида фақат битта сўз айтиш мумкин, болаларим: амир Адулаҳаднинг ота-боболаридан ўтиб тушадиган жойи йўқ. Бухорои шарифда адолатга жой қолмади. Оллоҳ бизни унутиб юборди... Мени айтди дерсизлар, болаларим, тахт вориси Миролимдан бирон яхшилик чиқмайди. Унинг ўтакетган шафқатсизлигига мен Косонда гувоҳ бўлдим. Бешта бегуноҳ одамни, ҳатто киприк ҳам қинмай ўлимга буюриб юборди... Шунинг учун ҳам мен адолат, инсофу тавфиқ йўлидаги оғир курашларингда сизларни дуо қиламан.

Бизнинг халқимизга, эҳтимол, сизларга ўхшаш ёшлар ҳузур-ҳаловат, бахт олиб келар. Аммо йўлларингда ҳаммавақт иккита нарса кўндаланг бўлиб туради. Биттаси — бойликка ҳирс қўйиш, бошқаси — ҳаёт ишқи. Агар сизлар ҳар иккаласида эс-ҳуш билан иш тутсанглар яхшиликнинг ёмонлик, нурнинг зулмат, ақлнинг жаҳолат устидан голиб келишини кўрасизлар...

## Ун бешинчи боб

### Валиаҳд ҳузурисида

Қарши бўйлаб, Асадулла ҳожиникига оқпошонинг вакили кўчиб келибди, у жуда муҳим ва яширин иш билан келганмиш, деган овоза тарқалди:

Владимир бирон жойда пайдо бўлди дегунча ҳамма унга маҳлиё бўлиб қарар, каттаю-кичик — ҳамма унга таъзим қилар, кейин орқасига тисланиб, унга йўл бўшатар эди.

Владимир сидқидилдан куларди буни кўриб... Рус кишиси ҳақидаги миш-мишлар амир маҳкамасига ҳам етиб борди ва амир тезда саломхонага Қарши шаҳрининг раиси Хуршидмурод офтобани чорлади.

— Бекликда пайдо бўлиб қолган рус киши қанақа одам экан? — деб сўради валиаҳд қизиқиб.

— Оллоҳнинг паноҳида, сизнинг нурдек тиниқ ақлингиз соясида мен ҳам қанақа одамлигини билолмадим. Бундан икки ҳафта муқаддам сизнинг муборак номингизга император ҳазрати олийларининг бухородаги вакилидан мактуб олинган эди... Худди ўша одам тўғрисида бўлса ажаб эмас... Худонинг хоҳиши, сизнинг ижозатингиз билан уни кўзингиз олдида очсам...

Хуршидмурод чопиб чиқиб, девонхонадан хатни олиб келди ва Миролимга узатди-да, қўл қовуштириб кутиб турди. Унинг лўппи, семиз юзидан тер қуюларди. Хуршидмурод Миролим рўпарасида ўзини ҳеч тута олмас, валиаҳддан жуда ҳайиқарди.

Миролим гербли муҳр босилган пакетни қўлида беписанд айлантриб турди-да, раисга тутқазди.

— Ўқи.

Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги... — дея қалтироқ овоз билан ўқий бошлади яна баттар терлаб кетган Хуршидмурод.

Валиаҳд норёзилик билан пешонасини тириштирди.

— Муддаога яқин жойини ўқи.

— «... Россия империяси ички ишлар министри аъло ҳазратлари Россия давлати фуқароси, йигирма тўрт ёшли дворянин Нашчекин Владимир Ивановични ўн йил муддат билан Бухоро хонлигининг Қарши вилоятида истиқомат қилиш учун юборди. Унга алоҳида диққат қилишингизни сўраймиз...»

— Биз у ёғини эшитишни хоҳламаймиз. Қолганлари сенга тегишли экан, — деди Миролим, қўлини силтаб.

— Жим бўлдим, жим бўлдим...— дея шивирлади раис. Бир муддат жим бўлиб қолган валиаҳд бирдан сўраб қолди:

— Бу гелминди ҳақида бизнинг одамларимиз нима дейишяпти?

Раис гумроҳлиги очилиб қолишидан қўрқиб, одамлар оғзидаги миш-миш ва гийбатларни гўё ўз воқеанавислари топиб келган маълумот қилиб айтди.

— Оқпошшо томонидан юборилган айғоқчидан бошқа кимса бўлмаса керак,— деди Хуршидмурод.

Валиаҳд рўпарасига паришонхотир қараб туриб, «ҳмм» деб қўйди-да, қўлини силкитди.

— Боравер.

Раис орқасига тисланиб эшик томон чиқиб кетабошлади.

— Дарвоқе, шошмайтур. У қаерда турибди?— деб тўхтатди, уни Миролим.

— Муфти Асадулла ҳожиникида, аъло ҳазрат шаҳзода. У Петербургдан Ҳожининг катта ўғли билан келган. Шаҳрисабзда бир етимни асраб олибди, ҳозир бола ҳам у билан бирга.

— Жуда қизик,— деб қўйди Миролим бўшашиб.

— Муфтининг ўғли жуда талтайиб кетган, шаҳарда ўрисча кийиниб юради,— деди Хуршидмурод, валиаҳд муфтини ёқтирмаслиги, ундан ҳатто бирмунча ҳайқишини билгани учун валинеъматига ёқадиған гап қилишга интилиб.

— Ҳатто шундайми-а?— деди меросхўр, ранги ўзгариб.— Хўш, яна қандай гаплар?

— Айтишяптики, у диндан қайтганмиш...

Миролим бу гап унга гўё қизик туюлгандек бошини тебратди. Кейин кутилмаганда қўнғироқнинг ипак тизимчасини тортди-да, ўқдек отилиб кирган махрамига буюрди:

— Мунажжимни олиб келишсин!— Ворис қават-қават кўрпа-кўрпачалар устида қўлтиғига бир неча ёстиқни тикиб, ёнбошлаб ётиб олди. Бир томонга ағдарилди-да, кўз қирини ташлаб раисни қидирди, кўзига тушмагач, қовоғи уюлди. Ғазаб билан бақирди:

— Ҳой, қаердасан?

— Шу ерда, шу ердан, жаноб олийлари.— Раис орқа томонга ўтиб олган эди. Чўкка тушиб, валиаҳднинг олдига тезда эмаклаб борди.

— Биз юлдузларнинг ройишига қараб, бу русни қачон қабул қилсак хавфсиз бўлишини билмоқчимиз. Биз уларнинг асл мақсадларини билиб оламиз.

— Ақл-идрокинғизга тасанно, шаҳзодам.

Шу кунийёқ Асадулла ҳожининг уйига девондан жарчи келиб, Қарши беги шаҳзода Миролим император ҳазрати олийларининг фуқароси жаноб Нашчекинни ва хонликнинг содиқ фуқаролари Асадулла ҳожи билан ўғли Абдулла Саъдийни ўз ҳузурига таклиф этаётганини хабар қилиб кетди.

Икки кундан кейин эса шундай ҳодиса рўй бердики, шундан кейин Қаршининг бекорчиларигагина эмас, балки валиаҳднинг ўзига ҳам ўша рус киши бу ерга бежиз келмаганлигини кўрсатди.

Ғузордан Қаршига келатуриб рус офицери бир неча солдатлар кузатувида, ҳеч қаерга тушмай, беклик девонига бир фурсатга кириб ўтди. Узини граф Каргин деб таништирган бу офицер махрамга Самарқанд ҳарбий губернаторидан махсус сургун қилинган Нашчекин номига беш жойидан сўрғичланган пакет қолдирди. Офицернинг айтишича, у Самарқанддан Термизга кетаётган экан, хатни эгасига топшириш учун Қаршига кириб ўтишга мажбур бўлганини, фурсати йўқлиги сабабли хатни адрес бўйича эгасига топширолмай, бу ердаги-лар унга етказишади, деган умидда девонхонада қолдираётганини тушунтирди.

Пакетни ўша заҳоти раисга беришди, у эса, зудлик билан шаҳзодага олиб борди.

— У давлат аҳамиятига молик махсус хатлар олабошладими? — деди тўнғиллаб, ажабланган Миролим.

— У-у-у,— дея ув торти раис нима дейишини билмасдан.

Хуршидмурод табиатан нодон эди. Фақат Миролимнинг бош хотини унга холалиги туфайлигина у раис, бекликда бекдан кейин иккинчи шахс бўлиб олганди. Бош хотин ҳамма ерда ҳозир нозир, айтганини қилдирмай қўймайдиган, Миролимнинг жilовини қўлига олволган аёл эди. Фақат унинг қистови билангина бу нодон ва ялтоқини Қаршининг тўла ҳуқуқли ҳокими қилиб тайинлаганди Миролим.

— Нима «У-у-у»— деб мазах қилди валиаҳд,— нима, пакетни очолмадингми, қуйруқсиз қўзичоқ?

— Иби, қанақасига? Бу ерда пошшолик муҳри бор-а...

— Бўлди,— маърайверма! Даф бўл!

— Хўп, тақсир, хўп!

Ҳар тукигача терга ботган Хуршидмурод хонадан чиқиб кетди.

...Жарчи Ҳожининг уйдан бир маҳалла нариданоқ машқ бўлиб кетган овози билан қичқира бошлади:

— Йўл беринглар, йўлни бўшатиңглар! Оқпошшодан ўрис амалдорига хат олиб бораёпман-ан!

Жарчининг қичқириви йиртиқ-ямоқ кийинган бола-чақаларни оҳанрабодай бир зумда йиғди. Улар «оқпошшодан» деб чувиллашиб жарчининг ортидан югуришди ва йиқила-сурила Асадулла ҳожининг дарвозаси остонасига етиб келишди.

Абдулла гап нима ҳақда бораётганини тушуниб, пакетни олмоқчи бўлган эди, дакан хўрозга ўхшаган жарчи қўлидаги таёғи билан уни бир четга сурди.

— Бекнинг амри ва унинг ҳурматли мулозимлари раис жанобларининг буйруғи билан оқ пошшонинг бу қимматбаҳо қоғозини жаноб Нашчекиннинг қўлига шахсан ўзимиз топширамыз! — деди тантанавор қироат қилиб жарчи.

Рустам Владимирни айтиб чиқди ва у жарчига бир неча чақа хизматона бериб, пакетни очди. Хат Николай Иванович Черневскийдан эди.

«Азиз дўстимиз Владимир Иванович!

Биз — мен, Наталья Никитична, Кира — ҳаммамиз сизни қаттиқ ҳурмат қиладиган қўшнимиз Федоркиндан сизга (Термизга текшириш учун кетаётган офицер орқали) хат жўнатиш имконияти борлигини эшитиб, ўзимизда йўқ севиндик. Ажабланманг, ажойиб дўстингиз Абдулла билан бизникида меҳмон бўлганларингдан буён биз учун энг яқин киши бўлиб қолдингиз... Ҳатто жаноби Федоркиннинг солдатлари ҳам Сизни яхши сўзлар билан эслайдилар. Сизга, энг қадрдонимиз Владимир Иванович, Кирочка алоҳида салом ва мактубча йўллади.

Энди иш тўғрисида. Келишиб олганимиздек, сиз шу йил февраль ойидан ер тузувчи лавозимига тайинландингиз, Сизни бу билан қутлайман. Бунда мен фақат бизнинг ер бўлимимиз учунгина эмас, балки Бухоро аҳолиси учун ҳам фойдани кўряпман. Гарчи гап фойдада бўлмаса ҳам, шахсан ўзингизга ҳам фойдалилигини кўряпман. Чунки ҳаммамиз учун бундан муҳимроқ ишлар кўп... Лўндасини айтганда, Сиз, Владимир Иванович, Қогонга, сиёсий агент маҳкамасига келишингиз керак бўлади, чунки сизнинг бутун ваколатларингизни, шунингдек қидирув ишларингиз бўйича муфассал қўлланмани, ишчи ёллаш бўйича (маҳаллий аҳолидан тўрт киши ёллаш мумкин ва ҳоказо) шартнома шартларини фақат ўша ердаги юқори идора орқалигина бера оламыз. У ерда жаноб Решетовга мурожаат қилинг. Хўп, худонинг паноҳига топширдим, азиз Владимир Иванович.

Самимият билан, Николай Иванович Черневский.

Самарқанд, 5 февраль, 1910 йил».

PS. В. И.! Кирочка билан Василий Терентьевич томонидан номингизга ёзилган номани ўқинг. Сизга ва Абдуллага Екатерина Ивановна Татарниковадан самимий салом. Биз яқинда ундан хат олган

эдик. У сизнинг тақдирингиздан ташвишда ва, агар имконият бўлса, эски адресга хат ёзишингизни илтимос қилибди. Н. Ч.»

Киранинг хатини ўқигач, Владимирнинг қувончи ичига сиғмай кетди. У лўнда ифодаларда унинг саломадлиги, янги жой ҳақидаги таассуротлари билан қизиқибди. Охирида: «Зеркиб қолманг. Биз ҳаммисиз билан биргамиз, Володенька» деб илова қилиб қўйибди.

Владимирнинг кўнглида ширин ва суронли туйғу бош кўтарди.. Шу топда у Кирани шундай кўргиси қистаб кетдики!..

У хатни Абдуллага узатди.

— Бу ерда сен тўғрингда ҳам гап бор.

Бухоро амирининг меросхўри муфти ва унинг ҳамроҳларини, одатдагидек, саломхонада эмас, балки европача жиҳозланган ихчам залда қабул қилди...

Ислом Шарқининг бир кунжагидаги залда инглиз зангори шойисидан тикилган дарпардалар, роккоко услубидаги француз мебелли. Саксон биллуридан ясалган улкан қандил, деворларга француз патгиламлари қоқилган, қачонлардир Рим императорлари саройини безаган иккита мрамор бюст...

Миролим Семеновчи гвардиячиларнинг кўк мундирида, елкасида полковниклик эполетлари. Йўғон гавдасини қиялатиб кесиб тушган орден лентаси, биқинида бриллиантлари ярақлаб турган Андрей Первозванный нишони. Товус патидан жиға ва каттакон ёқут қадалган мовий салласи яна қалин соқоли европача мундири билан қўшилиб, унга салобат бағишлаш билан бир пайтда, хунук қилиб кўрсатарди.

Миролим қабулига келганларни кўз қири билан кузатиб, вазир Омонулла ҳамда раис Хуршидмурод кузатувида залнинг у ёқ-бу ёғига неча бор бориб келди. Эрон тахтини эслагидиган баланд кресло олдида тўхтаб, биққа кафтини кресло ёғига ишланган шернинг бошига қўйди. Худди куч йиғандек чаққон ҳаракат билан креслонинг юмшоқ ёстиғига ирғиб чиқди, сал қимирлаб қўйди-да, тахтда савлат тўкиб шоҳона чордона қуриб ўтирди.

Вазир билан раис тахтнинг икки қанотида қўл қовуштиришди, қолганлар эса зал ўртасида туришди. Асадулла ҳожи ўзининг оппоқ нуқрадай салласи, юпқа мовутдан жуда келиштириб тиктирилган камзули билан ҳаммадан ажралиб турарди.

Миролим боши билан ишора қилиб, меҳмонларга ўтиришга ижозат берди. Муфти катнинг бир чеккасига ўтирганча кутиб туриб, Владимир билан Абдулла ҳам ўтиришди. Владимирнинг нигоҳи билан Мир-Олимнинг нигоҳи учрашди, бир муддат давом этди бу кўз уриштириш. Владимирга ҳодиса худди тушида юз бераётгандай туюларди. Бўлажак амир сургун қилинган одам билан учрашиш учун нишонлари тақилган мундирини кийиб ясаниб олган эди! Буни Россиядагиларга айтса, ҳеч қайсиси ишонмайди. Владимир одоб билан кўзини олиб қочди. «У оқил экан» деб қўйди Миролим фикран. «Шарқ подшоҳчаси кўринишидан айёр ва ўжар,— дея кўнглидан ўтказди Владимир.— Ва, албатта, золим».

Абдулла зоҳиран хотиржам кўринар, аммо бу ҳолатда кўриниш унга осон бўлмаётган эди. Оврўподаги шаҳарда яшаган уч йил мобайнида шарқ хушомадгўйлигини унутиб юборган, шунинг учун қулларча таъзим қилиш дақиқаси келишидан хавфсирарди. Афсуски у Бухоро амири фуқаросилигича қолганди. Валиаҳднинг серсоқол юзига қараб туриб, бирдан хаёлига, унинг тақдири ва халқ, бутун халқ тақдири мана шу одамнинг қўлида! — деган фикр келди. У билан Абдулла олишадиган пайт ҳам келар балки. Наҳотки шундай бўлса?..

Ҳаммаини ҳайратда қолдириб ва даҳшатга солиб, биринчи сўзни Миролим Абдулланинг ўзгинасига қотди.

— Эшитишимча, сиз Петербургда дунёвий билим олиб келибсиз, — деди бинойидек рус тилида гапириб. — Бу ерда нима билан шу-гулланмоқчисиз?



Афтидан ўглининг ҳолатини тушуниб, муфти шошилишч суратда ўрнидан турди.

— Бизнинг фарзанди аржумандимиз падари бузрукворингиз Бухоро амирининг муборак ижозатлари билан Петербургда таҳсил кўрди. Шавкатли амирзодам, ўғлимиз, агар сизнинг муборак ижозатингиз бўлса, Қаршида янги усул мактаб очсам дейдур...

Миролим кўзларини қисиб, Абдуллага қаради.

— Биз халқимизнинг маърифатига тарафдоримиз ва Қаршида шундай мактаб очишга ўз розилигимизни билдирамиз. Агар бунга Бухоро Шайхулисломининг эътирози бўлмаса, — деди Миролим.

Муфти ўглини туртди.

— Шавкатли шахзодага миннатдорчилик изҳор этмоқ керак...

Абдулла ўрнидан туриб, таъзим қилди...

Миролим ғалати жилмайиб, Владимирга қаради.

— Бизнинг россиялик меҳмонимиз, жаноб Нешчекин Бухоро амирлигида нима билан машғул бўлмоқчилар?

— Рухсатингиз билан, жаноб валиаҳд, ўзлаштирилмаган ерлар ва сув ресурсларини ўрганмоқчиман. Бу тўғрида Туркистон генерал-губернаторлигининг ер ишлар маҳкамаси мендан илтимос қилган. Амирнинг ҳам розилиги бор бу ишга.

— Сиёсат нима бўлади? — дея тўсатдан сўраб қолди Миролим.

— Бу ерда қандай сиёсат бўлиши мумкин? — дея жавоб қилди Владимир гапни чалғитиб. — Биз ундан энди узоқмиз.

— Нега энди? Мен ўзим императрица Екатерина билан Вольтернинг ёзишмаларини маза қилиб ўқидим ва буни ақлни чархлаш учун фойдали машқ деб биламан...

Миролим креслодан тушди, гилам устидан юриб келди-да, ҳеч ким кутмаганда Владимирнинг елкасига илтифот билан қоқиб қўйди. Сўнг аста чиқиб кетди.

## Ўн олтинчи боб

### Дастлабки қувончлар

Ҳамма ерда шафтолилар гуллади. Баҳор қишлоқларгагина эмас, шаҳарга ҳам ўз сепини ёйди. Қиш давомида ёрқин ва ранг-баранг бўёқларни соғинган кўзлар бирданига табиатдан ажойиб совға олди — ҳовлилардаги дарахтлар пуштиранг булутга чулғанди-қолди.

Тонгда ўрнидан турган Абдулла ҳовлидаги бир туп шафтолига қараб, бирдан қалбига аллақандай эзгу, ширин куйлар оқиб киргандай ййраб кетди. Шафтоли шоҳларидаги нозик гуллар айниқса ақлни ўғирларди. Яхшиликдан нишона! Шафтоли гуллабди, шаҳарда янги мактаб очилаётган бир пайтда у мева тугабошлагани, бу — яхшилик аломати. Асадулла ҳожининг хонадони талабалар машғулот ўтказиши учун уйлариинг энг қулай хоналаридан бирини ажратиб берди. Парта ўрнига девор тагига узун скамейкалар ўрнатилди. Ўртага палос тўшалди. Ҳожи Бухородан қаламлар ва ёзув тахтаси олиб келди.

Уқув программасини Абдулланинг ўзи тузди, талабаларни ҳам уйма-уй юриб, ўзи йиғди. Ота-оналар билан суҳбатлашди, ўқишнинг фойдасини тушунтирди.

Бухоро амирлигида талаба излашдан мушкул машғулот йўқ эди, шундай бўлса ҳам, синфга турли ёшдаги ўн иккита ўғил, иккита қиз бола тўпланди. Қизлардан бири Абдулланинг синглиси Фотима, иккинчиси қози Бобокалоннинг ўн беш ёшли қизи Ойша эди! Ойша камтар, индамас, лекин бир сўзли, одатдан ташқари чиройли ва зеҳни ўткир қиз. У ўн ёшида мустақил равишда ўқишни ўрганиб олган эди.

Абдулла янги усулдаги мактаб очишни кузгача кутиб турса, Қаршида янгилик бўлган дунёвий маърифат йўлида янгидан-янги тўсиқлар пайдо бўлишидан хавфсирарди! Шунинг учун ҳам у темирни қизигида босишга шошилган эди. Чунки ҳоқимлар бебурд бўлишларини у биларди.

Қарши шаҳрида иккита эски мактаб бор эди. Мулла Парда уйида саккизта болани ўқитарди. Абдулла болалигида ундан арабча ёзувни ўрганган эди. Яна мулла Тиркаш ўн беш нафар болага диний-хурофий таълим беради. Бутун Қарши беклиги учун мана шу иккита мактаб кифоя ҳисобланарди.

Абдулла бошлаган бу иши осон бўлмаслигини тушунар, лекин келажакда уни нима кутаётганини ғира-шира кўрарди.

Владимирнинг Асадулла ҳожиникида туриши ортиқ мумкин бўлмай қолди. Шунинг учун ҳам у Юсуф деган бир камбағалликка кўчиб ўтди. Рустам ҳам у билан бирга кўчиб ўтди ва у ҳам ўқишга ёзилди.

Мана, ниҳоят, дарвозадан биринчи ўқувчи кириб келди. Ҳожининг уйида, Қаршидаги кўп хонадонларда шу тариқа янгича ҳаёт бошланди. Биринчи машғулотга мактабга ёзилган барча болалар уялиб қисиниб-қимтиниб келишди. Қизлар йўқ эди.

Ойша отасининг олдига арзғўйлар келгунча кутиб турди. Дарвоза олдида эшаклар дупури, даъвогарларнинг қичқириқлари эшитилиб қолгач, у паранжини ёпинди-да, аста сирғалиб кўчага чиқди. Уйдагилар унинг мактабга ёзилганидан беҳабар эдилар.

Фотима якка ўзи болалар орасига киришга юрак бетламай турган эди, Ойша келиб қолди-да, иккаласи бир-бирига далда бўлиб синфхонага кириб, бир четга ўтиришди.

Абдулла болалардан ер сайёраси ҳақида нима билишларини сўради, Қудрат аравакашнинг ўн икки яшар ўғли Номоз уялиб, секин жавоб берди:

— Отам... ер араванинг ғилдирагига ўхшаш, доира шаклида деган...— деди.

— Мен айтсам майлими?— деб сўради кўкфуруш Маматқулнинг тўнғич ўғли Эркин.

— Айтақол,— дея бошини силкиб далда берди Абдулла.

— Анақа еримиз... анақа... Ер худди каттакон ошқовоққа ўхшайди, унинг ичида уруғ йўқ, уруғ ўрнида оловдан бўлган девлар яшайди!

— Йўқ, унақа эмас-ку,— қичқирди баққолнинг ўғли Низом.

— Уртоғингнинг гапини бўлиш яхши эмас, лекин шахтинг қайтмасин, гапирақол. Қулоғимиз сенда,— деди Абдулла овозига жиддий оҳанг бериб.

— Ер жуда катта дастурхонга ўхшайди, умрингнинг охиригача югурсанг ҳам охирига ета олмайсан.

— Ким айтди сенга бунақа деб?

— Сиздан кейин, муаллим, уйимизга мулла Тиркаш домла келиб отамни роса койиди. Янги мактаб имонсизлар учун, мусулмонлар фақат қуръонни ўқишлари керак,— деди...

Болалар бирдан шовқин кўтаришди.

— Бизникигаям келди мулла...

— Бизникига ҳам...

— Қўрқинчли нарсаларни гапирди...

— Тупурди...

— Менга, қулоғинг эшакникига ўхшаб ўсади, деди!

— Бўлди, бас, болалар,— деб Абдулла қўлини кўтариб, шовқинни босди.— Келишиб олайлик, бундан буён ҳар қандай бўлар-бўлмас гапларни унутамиз. Хўпми?

— Хўп бўлади...

Абдулла табиат ҳақида, у яратган дов-дарахт, мушук, ит, йил фасллари, қор ва ёмғир нега ёғиши, жануб нега иссиғу шимол совуқлиги ҳақида гапирди. Ўқувчилари қимирлашга ҳам қўрқиб, оғизларини очиб ўтиришларини кўриб, улар ҳеч нарса тушунмаётганликларини сизди. Кейин у хонага ўзи ясаган глобусни олиб келди. Ер шари ҳақида, унинг узоқ ўтмиши, Қарши чўли ўрнида бир замонлар денгиз бўлган-

лиги, унинг белгилари ҳозир ҳам сақланиб қолганлигини иложи борича содда қилиб гапириб берди.

Қизлар ўзларига ажратилган бурчакда ўтиришар, баъзан шивирлаб гаплашишарди. Ойша жуда хурсанд эди. Кичкина қизчалик пайтида мана шу уйда Абдулла акаси Саидқул билан кўпинча бирга ўйнар эдилар.

Ойша Абдуллага чачвони ичидан қарар, баъзан унинг нигоҳини тутиш учун чимматининг бир четини қия кўтариб мўралар, шунда кўзлари шўхлик билан порлаб кетарди.

«Жудаям чиройли бўлиб кетибди! — дея хаёлидан ўтказди Абдулла, қалбига аллақандай гулгула тушиб. — Ойша кап-катта қиз бўлиб қолибди... Қаранг-а, кечаги жамалак соч Ойша катта қиз бўлиб қолибди!»

Болалар чарчаб қолганликларини кўриб, Абдулла глобусни уларга узатди. Болалар жонланиб қолишди. Кўзлари порлаб кетди. Қўллариди ошқовоқни эмас, ер куррасини айлантиришар эди. Абдулла уларга қараб туриб ич-ичидан мамнун жилмайди. Ҳаммага қувонч бағишлайдиган ўқитувчининг меҳнати савобли иш. Машғулот тугади. Лекин болалар кетишга шошилмади. Унга савол ёғдиришди...

Ойша кўнглидаги қувончини узоқроқ сақлагиси келиб, уйига шошмасдан, бемалол кетиб борарди. Чачвонини кўтариб, кифтига ташлаб олган, соф ҳаводан нафас олиб тўймасди. Қўли ўз-ўзидан шафтоли гулига чўзилди. «Қандай нозик булар!» деб ўйлади новдани синдириб олиш аҳдидан қайтиб. Гул баргларини худди силагандек бармоқлари учини эҳтиёкорлик билан теккизди. «Табиат, — дея Абдулланинг гапини эслади. — Бунинг ҳаммаси табиат. Мен ҳам табиатман... У ҳам табиат». Абдулла ҳақидаги фикрдан лоладек қизариб кетди-да, чачвонини тушириб, тез-тез қадам ташлаб юриб кетди...

Ойша уйига келганида, уйда совчилар ўтиришганидан унинг хабари йўқ эди...

Ҳашаматли меҳмонхона тўрида қози Бобокалон савлат тўкиб ўтирар, Ойшанинг акаси Саидқул отасига чой қўйиб узатмоқда эди. Ойша салом бериб пойгакка чўкди.

Бобокалон йўталди, бир-икки томоқ қириб, соқолини силади-да:

— Қизим, — деди, — бошингга бахт қуши қўнди. Бугун сени кишига узатишга фотиҳа бердик. Сен бугундан бошлаб Қарши беги, валиаҳд Миролимбекнинг қайлиғисан!

Ойшанинг бадани музлаб кетди. Онаси нима учундир пиқиллаб йиғларди. Бўлажак амирга қайлик... Абдулла акаси-чи, у нима бўлади?.. У нима қилишини билмай қолди. Валиаҳдга қайлик бўлиш балки яхшидир... Кўнглида ифтихорга ўхшаш ёқимли бир туйғу бош кўтарди-да, ширин хаёлга борди. Лекин бу узоқ давом этмади, унга Абдулла ёқади. Энди нима қилсин?..

— Йўк, ота, оллоҳнинг иродаси билан мен бошқа одамни деганман.

— Тентак, нима деб валдираяпсан? — деди Бобокалоннинг онаси, Зарифа буви, — отангга тик боқдингми-а, уятсиз?!

Шу кундан эътиборан қозининг уйи бузилган ари уясидай тўзғиб қолди. Белгиланган тўй куни яқинлашар, Ойша эса оёғини тираб олган эди. У овқат емай қўйди. Узини ўлдирмоқчи бўлди, хуллас, уйдагиларнинг ороми бузилди. На қозининг насихатлари, на Саидқулнинг дўқ-пўлисаси ва на Зарифа бувининг шапалоқлари кор қилди Ойшага. Улар сўраб, суриштирганлари билан ўша «бошқа одамнинг» кимлигини билишолмади.

Кунлардан бир кун Бобокалон тасодифан Ойшанинг Абдулла очган мактабга борганини эшитиб қолди. Қози оёғи куйгандек питирчилаб ёнига ўғли Саидқулни, Тиркаш домлани олиб, Асадулла ҳожиникига йўл олди...

Уларни Ҳожи сир бой бермай яхши кутиб олди, дастурхон ёзди.

Улар узоқ суҳбатлашиб ўтиришди. Ниҳоят, Бобокалон билан ўгли Саидқул мақсадга кўчишди. Гапни Саидқул бошлади:

— Шаҳардаги барча мўминлар сизнинг ношаръий ишларингиздан қаттиқ ғазабда, Абдулла!— деди у, Абдуллага совуқ тикилиб туриб дабдурустан, унинг гапини отаси илиб кетди.

— Сиз шариятни топтадингиз, сиз қизимнинг бошини айлантириб, мактабингизга олиб келибсиз!..

Тиркаш домланинг юрагидаги мадда ҳам дарҳол ёрила қолди.

— Мен бечора мактабдорни тирикчилик манбаидан сиз маҳрум этдингиз!.. Менга қаранг, ҳурматли Асадулла ҳожи, яхши маслаҳатга қулоқ беринг. Ўғлингизга насиҳат қилинг, бидъат мактабини ёпсин. Болаларимизнинг бошларини қотириб, уларни йўлдан урмасин, ота-оналарининг юзини ерга қаратмасин.

Асадулла ҳожи рўпарасидаги жоҳил одамларнинг аянчли аҳволларига раҳми келиш ўрнига улардан нафратланди, тақдирлари шуларнинг қўлига топширилиб қўйилган халқ қисматига ачинди.

Абдулла отасининг кўнглидан ўтаётган гапларни гўё уққандек, босиқлик билан уларга жавоб қилди.

— Мен ўзини аямай, ўтга, сувга урган одам ҳамisha қийинчиликлар гирдобига тушиб, азоб тортишини биламан. Аммо бу йўлни мен била-кўра туриб, онгли равишда танладим... Одамларга билим олиб келадиган йўл ҳаммавақт машаққатли бўлган ва мен ундан асло қайтмайман. Сиз, қози Бобокалон, сиз ҳам Саидқул, сиз ҳам Мулла Тиркаш, халқ номидан сўзлашга ҳаққингиз йўқ. Халқнинг ўзи ҳал қилсин буни,— деди у гапни калта қилиб.

Меҳмонларнинг энди жўнаб кетишдан бўлак иложлари қолмаганди.

## Ун еттинчи боб

### Ҳинд раққосэси

Ҳиндистон вице-қироли лорд Минтоф Панжоб тамакисининг хушбўй тутунини ҳузур қилиб тортар ва оғзидан чиқаётган тутун орқали рўпарасида ўтирган кишига разм соларди. Сарой ташқарисида ҳаво айниган, муссон ёмғири шамол билан шаррос қуяр, гумбурлаб чақмоқ чақар, бу ерда эса иссиқ ва тинч эди.

Лорднинг рўпарасидаги чарм креслога чўкиб ўтирган йигит, яқиндагина Лондондан келган капитан Скрентон бўлиб, у разведкачи эди. Бунақаларни вице-қирол ёқтиравермас, «Вест Индия» компаниясининг ҳатто энг ўртамиёна ходими билан бунақалар эмас, балки Лауренс араб тулкиси ҳам махсус масалаларда баҳслаша олмайди деб ҳисобларди.

— Руслар сиртдангина соддага ўхшашади,— дея Минтоф жимиб қолди, трубкасидан тутун тортди.— Биз уларнинг сусткашликларига ишониб, катта нарсани бой берганимизни эслайман. Сиз, албатта, 1907 йилги инглиз-рус конвенциясининг имзоланишига олиб келган воқеалардан хабардор бўлсангиз керак?

Капитан Скрентон дарҳол, бирмунча асабий бош сидкитди.

— Биз Марвдан юз миля наридаги туркман ерларини эгаллаб олмоқчи эдик,— дея давом этди лорд Минтоф.— Оқибатда афғон амири Абдурахмон билан шармандаларча чекинишга мажбур бўлдик... Конвенция шартлари бўйича Афғонистондаги инглиз ва рус фуқароларига савдода тенг имтиёзлар берилди. Бу ютқизиқ эмасми? Бунга такаббурлигимиз сабаб бўлди, у душманнинг куч ва имкониятларига тўғри баҳо беришга халақит қилади.

Капитаннинг қарашида қайсарлик ифодаси зоҳир эди.

— Сэр!— деди у сал манқаланиб.— Сиз айтаётган гаплар тарих бўлиб қолган. Буюк Британия янги сиёсат бошлаяпти, буни янги авлод одамлари қилишади. Бу ерда қандай бўлса, метрополияда ҳам шундай бўлади.

Бу шама эди. Дипломатия доираларидан кимдир лорд Минтофнинг истеъфога чиқиши ҳақидаги миш-мишни зўр бериб тарқатарди. Лорд аранг ўзини босди.

- Ҳеч қайси авлод эски муаммоларни четлаб ўта олмайди.
- Нимани назарда тутаяпсиз, сэр?

— Осиё — биз ўзимизни уйимиздагидек ҳис қиладиган Африка эмас. Бу ерда бизни кенг қучоқ очиб кутиб олабошлашди. Британия манфаатлари билан осиеликларни оғдириш, позицияни сақлаб қолиш учун эпчиллик ва фидокорлик керак...

— Сэр, сизлар замбараклар билан ололмаган нарсани биз фунт стерлинглар билан забт этамиз! Бу нарса ҳукуматга экспедицион корпусларга нисбатан юз карра арзон тушади... — Капитан Минтофга маъноли қараб қўйди. — Мен Бухоро ҳукмронларига яхши бир олди-сотди иш таклиф қилишга ваколат олганман. Бир миллион гектар ерни 99 йилга ижарага олмоқчимиз батта шартнома билан. Олдимизда миллион гектар ерни қўлга киритиш вазифаси турибди. Бундан кам бўлмаслиги керак.

Капитан Скрентон лорд Минтофни ҳайратда қодирмоқчи эди, янглишди. Чунки лорд ўз умрида бошидан жуда катта воқеаларни кечирганди.

— Бухоро амирини яхши биламан, капитан. У хавфли ўйин ўйнайдиганлардан эмас. Ундан ҳеч нарса ундиролмайсиз. У русларга қаттиқ муте бўлиб қолган. Британия узоқ. Россия шундоққина биқинида. Россиядан айниб бизга ўтиш учун жонини халак қилиш унга зарур келибдими? Яна шуни ҳам ҳисобга олингким, бепоён Россиянинг тўқимачилик саноати шиддатли суръат билан ривожланмоқда... ўз матоларини Осиё мамлакатларига чиқариб сотишни анчагина кўпайтирди... Яна Шимолий Америка Штатлари ҳам тўқимачилигини ривожлантирмоқда ва Британияга пахта сотишни қисқартирди. Акс ҳолда, сиз пахта миссияси билан бу ерларга келиб юрмасдингиз.

- Нима қилиш керак, сэр? Мустамлака маъмурлари бу ишнинг уддасидан чиқа олмайди...

— Бутун бугунги Туркистонда, иккита хонликни қўшиб ҳисобланса, бор-йўғи тўрт юз минг гектар ерга пахта экилмоқда. Сиз бўлсангиз — миллиондан келасиз.

- Бу рақамни мен белгиламаганман.
- Кейин. Катта олди-сотти байи осиеликларни қўрқитиб юборибгина қолмайди, балки русларни ҳам оёққа турғизади, улар эса, сизнинг бу коммерция муассасангизни бешигидаёқ бўғиб ташлаш учун ҳамма чораларни ишга соладилар.

— Биз тирик мурда Абдулаҳадга умид боғламаяпмиз. Валиаҳд шаҳзода Миролим — мана бизни ким қизиқтиради. У билан бу масалада алоқа ўрнатганмиз.

— Агар чув тушишни истамасангиз, капитан, менинг маслаҳатимга қулоқ солинг. Руслар, ҳатто подшоҳи ҳам эҳтиёткорлик билан иш тутаяпти. Унинг Мурғобдаги мулки бор-йўғи йигирма минг гектар, яна ўттиз минг гектарни қўлга киритиш учун музокара олиб боришмоқда. Эшитяпсизми, ўттиз минг. Рус — Осиё банки Хива хонидан йигирма уч минг гектар ер сотиб олди... Мирзачўлда император Николай I номидаги суғориш ариғи жуда секин суръатлар билан қуриляпти. У ерда эндигина дастлабки рус деҳқонлари пайдо бўлишди...

Кўряпсизми, руслар Осиёнинг ерларини қандай эҳтиёткорлик билан қўлга киритишяпти? Сизлар бўлсангиз миллион дейсиз... Тўғри, руслар орасида ҳам сизлардагидек ҳовлиқмалар топилади, капитан. Улар ҳам яхлитгина фойда олишни ўйлайдилар. Тўқимачилик қироллари ака-ука Рябушинскийлар билан миллиончи савдогар Савва Морозов Фарғона водийси ва Сирдарё этакларида пахта экишга яроқли икки юз етмиш беш минг гектар ерни қўлга олиш умидида савдо-сотиқ бўйича маслаҳатчиларини юборишган... Аммо Шарқда,

гарчи чойни кўп ичса ҳам, аммо шошмасдан, ҳўплаб ичишади, чунки оғизлари куйиб қолишини билишади... Бухорода бундан ярим аср муқаддам полковник Стаддорт бошига тушган воқеани эшитган бўлсангиз керак. Лекин тафсилотини, чамамда, билмайсиз. Бўлмаса эшитинг, капитан. Бухорода Насрулла амирлиги пайтида Урта Осиёда русларнинг таъсири кескин суратда кучайиб кетади, бундан ташвишга тушган Британия ҳукумати Бухорога дипломатия миссияси юборишга қарор беради. Бу вазифа разведка полковниги лорд Стаддортнинг зиммасига тушади. У Насруллони биз томонга оғдириши лозим эди. Полковник Бухорога Лахор ва Афғонистон орқали омон-эсон етиб келади.

Стаддорт Бухорога жўнаб кетишидан олдин менинг бобом — онамнинг отаси лорд Конноли Лахорга келиб, у билан худди ҳозир мен билан сиздек суҳбатлашади, унга керакли маслаҳатлар беради. Лекин у Бухорода бобомнинг айтганларига риоя қилмайди, амир саройига тўппа-тўғри отда кириб боради... У амир ҳузурига кирган бўлса-да, икки кундан сўнг зиндонга ташланади. У ерда тўрт йил қолиб кетади. Стаддортни қутқариш учун Конноли инглиз ҳукуматидан ижозат олиб, Бухорога жўнайди.

Уни ҳам бухороликлар тутиб зиндонга ташлайдилар. Амир Насруллони буйруғи билан уларни қатл этадилар, каллаларини сарой олдидаги майдонга кўрғазмага қўядилар...

...Бухоро тахти валиаҳдининг таклифи билан Лаъли исмли машҳур ҳинд раққосаси кичкина карвон билан йўлга чиқди. Капитан Скрентон расман Лаълининг иш бошқарувчиси — импрессарио сифатида карвонга ҳамроҳ бўлди...

Лаъли ва унинг ҳамроҳлари шаҳарга кечки пайтда кириб келишди. Одатда Ҳиндистон ва Афғонистон савдогарлари тушадиган Бузрук ҳожи карвонсаройига йўл олдилар. Карвонсаройнинг дарвозаси Асадулла ҳожи билан қози Бобокалоннинг эшиклари ўртасида эди. Туялар бўкириб-бўкириб карвонсаройга кириб боришди-да, биринкетин ерга чўкишди... Лаъли миниб келган нор туя чўкаётиб бирдан ҳуркиб ўйноқлаб кетди. Лаъли кўрқиб, додлаб юборди, туя жинкўчага қараб олиб қочди, йўл бошловчилар чувуллашиб, орқасидан югуришди.

Туя бирдан тўхтади. Бошини бир-икки силкиб тинчланди. Қаердандир пайдо бўлган Абдулла ерда сурғалиб кетаётган қил арқонни маҳкам ушлаб турарди.

— Қўрқманг, хоним, энди олиб қочолмайди туянгиз.

Абдулла ажнабий аёлга ҳайрон бўлиб қаради.

— Ташаккур! — дея миннатдорчилик билдирди Лаъли форсчалаб, ҳамон кўрқуви босилмай.

— Туядан тушириб қўяйми? — деди форсчалаб Абдулла ҳам ва иккала қўлини узатди.

Лаъли ҳам ишонч билан унга қўлини узатди. Бир дақиқадан сўнг Абдулла мўртгина гулдонни тўла гули билан кўтариб олиб ерга қўйгандек, эҳтиёткорлик билан раққосани ерга қўйди.

Владимир дўстининг чаққонлигига қойил қолди. Ой юзли ҳинд гўзали уни ҳам ҳайратга солган эди. У ўзини йўқотиб, Лаъли билан русча саломлашди...

— Бахт қуши бу ўлкаларга сизни ўз қанотида келтирибди, — деди Абдулла Лаълининг қўлларини бўшатмасдан, тимқора кўзларига тикилиб.

— О, олижаноб йигит! Бахт қуши мана бу икки ўрқачли нортуя бўлади! — ҳазиллашди Лаъли. Раққоса бежирим ва нозик қўлларини астагина йигитнинг қўлидан бўшатиб олди. — Ҳузуримга меҳмон бўлиб келсангиз, хурсанд бўлардим. Албатта, келинг.

Абдулла уялиб ерга қаради, бирон илиқ гап айтмоқчи бўлиб чоғланиб турган эди, Лаълининг одамлари етиб келиб, гап узилиб қолди...

Эртасига бек саройидаги улкан танобий хонада Қаршининг

зодагонлари тўпланишди. Ранг-баранг тўнлар кийган амалдор, бой, савдогарлар кўрпачаларда чордана қуриб ўтиришар, валиахднинг йўқлигидан фойдаланиб ўзаро суҳбатлашишарди.

Владимир билан Абдулла ҳам таклиф этилганлардан бўлиб, кўрпачада ўтириб, атрофларига қизиқиб тикилишарди. Бошқалар ҳам уларнинг европача кийимларини томоша қилишарди. Бобокалоннинг ўғли Саидқул юқорида ўтириб, уларга ёвқараш қилаётганини Владимир сезиб қолди. Буни Абдуллага айтмоқчи бўлиб турганида, бирдан ҳамма жим бўлди. Парда орқасидан Миролим аёнлари билан чиқиб келди. У то юқоридаги махсус жойига чиқиб бориб ўтириб олгунича ҳамма икки букилиб таъзимда турди, Владимир билан Абдулла тик турганча бош силкиб саломлашишди.

Миролим қалин атлас кўрпачалар устига ёнбошлагач, беклар бирин-кетин унинг қаршисига саломга боришди. Валиахд улар билан бир-икки оғиз омонлашар, баъзиларига эса бош қимирлатибгина қўя қоларди.

Миролимнинг ёнида барзанги, афт-башараси совуқ бир одам гўдайиб турар ва таъзимга келаётганларга қовоқ остидан синчиклаб тикиларди. Владимир валиахд уларни қабул қилган куни бу одамни кўрган, у бекнинг шахсий қўриқчиси эди. Жун чолвор кийиб, устига ҳам қора чакмон ташлаган бу одам ранг-баранг кийинган беклар орасида сал тиг тегса, ўт чақнаб кетадиган қоядай ўшшайиб, ажралиб турарди.

Валиахд ёнида шахсий қўриқчиси — Ҳамро борлигида хотиржам бўларди. Ҳамро — Миролимни ҳимоя қиламан деб илон чақиб ўлган энаганинг ўғли эди. Бу фожиа ўн беш ёшли Ҳамронинг кўз ўнгида рўй берганди. Ушандан буён у негадир Миролимга боғланиб қолган. Мана неча йилдирки, вафодор итдай Миролимга хизмат қилади, кундуз куни ёнида бўлса, тунлари оёғида ухлайди, Ҳамро жуда бадқовоқ одам эди. Унинг кулгисини ҳеч ким эшитмаган, саройда ундан ҳайқишар, орқаворатдан «қора шайтон» деб аташарди...

Миролим «бошлайверинглар» дегандай қўлини силкитди, аммо ҳеч нимадан дарак йўқ эди. Шу пайт махрамлардан бири қисилиб-қимтиниб шахзодага яқинлашди-да, нимадир деб шипшиди. Шахзода норози тусда бош чайқади.

Махрам хонадан отилиб чиқиб кетди ва бир зум ўтмай садаф қадалган танбур келтирди. Миролим танбур тароналарини хуш кўрар, баъзан кайфияти кўтарилганда Ҳамрога танбур чалдиарди. Валиахд соатлаб танбур эшитар, кўпинча оҳанглардан эриб... ухлаб қоларди. Ҳамро эса чалаверар, чунки танбур чертиш унинг жон-дили эди.

— Чал,— дея Мир Олим боши билан имо қилди, у ҳам, кафти билан юзини силаб танбурни олди. Залда шивир-шивир бошланди: раққосанинг чолғучиси безгак билан оғриб қолибди...

Ҳамронинг дағал бармоғи торга тегар-тегмас ҳаммани ҳайратга солиб, танбур куйлай бошлади...

Лаъли танбурнинг овозини эшитиб, залда суза бошлади. Кейин кескин тўхтади, кафтини учуриб, гирватга айланди. Ялангоёқлар юмшоқ гиламга шўх куй оҳангида уриларди. Сўнгра ҳаракати яна текис парвоз ҳолатига кўчди.

Девдай улкан, бадқовоқ Ҳамро мусиқа, рақс таъсирида бирдан ўзгарди, башарасига жон кирди, юзи ёришиб кетди, кўзлари чақнади, унинг қудратли гавдаси, худди булут сувни шимгандай ўзига ҳаракатни шимарди. Қандайдир қақшатқич ҳаракатдан ўзини аранг босиб тургандай туюларди. Лаъли эса олис Ҳиндистон ҳақида ҳикоя қилар, гавдаси чарчамас, ҳаракати гоҳ мулоймлашарди, гоҳ тезлашарди...

Ҳамро ҳаммани ҳайрон қолдириб, танбурни бир четга қўйиб, қўлига доирани олди. Уни боши узра кўтариб чалиб, Лаълининг атрофида ўйнай бошлади. У гўё бургутдай олам устида қудратли қанотларини ёзиб парвоз қиларди ва ҳислари тоғ дарёсидай кўпириб тошиб борарди. Унинг туйғуси кучини залдагиларнинг ҳаммаси сизди.

Валиаҳд эсаңкираб қолди — индамас қул, уят, андишани бир ёққа йиғиштириб қўйиб, ўз табиатини очиқ ифодалашга журъат этди!

У чапак чалиб, рақсни тўхтатишга ишора қилди.

Лаъли берилиб рақсни давом эттирди, сарой маҳрамининг имо-ишорасига парво қилмасди. У ҳеч маҳал рақсидан шу бугунгидай мамнун бўлмаганди. Ўз санъати билан узоқ йиллар давомида мудраб ётган инсоний қалбни уйғотиб юборганини тушунганди раққоса. Бахт дегани шу эмасми аслида? Балким инсон бир умр мана шундай дақиқага интилиб келгандир?..

Залдагилар раққослардан кўзларини узмай кузатишди, бу ҳам валиаҳднинг жинини баттар қўзғади. Миролим ортиқ чидаб туролмади, жойидан пастга тушиб, шиддат билан ер тепинди. Соқчилар югуриб киришди.

— Ушла, мана бу шайтонбаччани!

Лаъли ҳансираб, ҳеч нарса тушунмай анграйиб турарди. Ҳамро доирани пастга туширди ва раққосага хумор кўзларини тикканича узоқ қараб қолди.

— Ушланглар уни! — Миролим бармоғи билан Ҳамрони кўрсатди.

Сарбозлар ганғиб қолишди. Қора шайтонни ҳибса олишнинг ўзи бўладими?

— Ушлансин! — деб ҳайқирди Миролим қизариб.

Сарбозлар Ҳамрога ташланиб, «иблис»нинг қўлини орқасига боғлашди. У қаршилик кўрсатмади. Доира зорлангандек даранглаб валиаҳднинг оёғи остига гилдираб борди. Шаҳзода нафрат билан доирани тепиб юборди. Доира осмонга учиб кетди. Меҳмонлар кўзларини яширишди.

— Жаллод! — деб қаттиқ бақирди Миролим.

— Лаббай, шаҳзодам, — танобий хонага қираверишда турган новча, қора чопон кийган ориқ киши бош эгиб таъзим қилди.

— Ҳамронинг калласи танасидан жудо этилсин! Дарҳол!

— Бош устига шаҳзодам!..

Миролим залдагиларни гўё энди кўраётгандек бир муддат атрофга анграйиб қотиб турди, кейин томоша тугаганини билдириб қўлини силтади-да, ён томондаги эшикка тортиб қўйилган парда орқасига ўтиб гойиб бўлди.

## Ун саккизинчи боб

### Капитан Скрентон миссияси

... Томошага таклиф қилинганлар саройдан чиқиб, устундаги қонга беланган бошга қарамасликка уринардилар.

Улар олдидан беҳуш Лаълини кўтариб, олиб ўтиб кетишди. Капитан Скрентон кетидан югурмоқчи бўлиб интилган эди, лекин уни кўзлари бежо бир йигит чақириб қолди.

— Сиз бу аёлнинг эгаси бўлсангиз керак-а? Сизни шавкатли бекнинг ҳузурларига чақирингиз.

Капитан томоша тугаши билан дарҳол валиаҳд билан учрашуви лозимлигини бирдан эслади.

— Хизматингизга ҳозирман, — дея беихтиёр жавоб қилди капитан ва эшик томон ўтди, йигит ҳурмат билан унга йўл берди. Бу Саидқул эди.

— Амир қабулхонадалар, — дея шивирлади Саидқул. — Менинг ортимдан юринг.

Бир-икки дақиқадан кейин Бухоро, валиаҳди билан учрашув амалга ошади. Шуни деб у минг милялик масофани босиб келди. Лекин капитан ўзини қўлга ололмасди. Гарчи у кўнгли бўш, раҳмдил одамлардан ҳисобланмаса ҳам, қонга бўялган тақир бош кўз олдига



келиб, оёқлари чалишиб кетди... Беихтиёр қўлини чўнтагига суқиб, тўппонча дастасини ушлади. Бу унга куч бағишлади. Мўъжазгина нақшин пистолет Лондонда Бухоро шаҳзодаси учун махсус ясалган эди.

— Қутича қани?— бирдан бошини ушлади капитан.

— Ҳаммаси жойида, жаноб, оқ қўлқоп билан қутича қабулхонада, — деб жавоб берди Саидқул.

Ипак гиламлар тўшалган чоғроқ хонага кириб, капитан катча устида ўз буюмларини кўрди. Сандал дарахти ёғочидан ясалган қутича шаклан Миср эҳромларига ўхшар, ундан аллақандай хушбўй ис тараларди. Капитан тўппончани қутичага жойлади, қараган одамнинг акси кўринадиган хром-сирини, усталик билан қадалган садафларини томоша қилди, унинг юзлаб жимит ўқлар жойланган ўқдонини кўрди...

Миролимнинг қабулхонаси Скрентонни бирмунча ҳайратга солди, девордаги Эрон гиламларида европача қилич, шамширлар, франдуз усталари ишлаган қўштиғ тўппончалар осилиб турарди. Бундан ташқари, у ўймакорлик билан ишланган суянчиғи баланд кресло, ҳатто дераза ёнида китоб шкафини ҳам кўрди.

Валиаҳд рус армияси полковнигининг нишонлар қадалган лентали чиройли формасида эди. Бошида қордай оқ салла.

Капитан ҳам ўзининг армияга мансублигига ишора қилгандай кийинган, эғнида, қоплама чўнтакли ярим ҳарбийча френч.

— Мен Британия империяси фуқаросини Бухоро тупроғида табриклашдан мамнунман, — деди Миролим инглиз тилида бинойидек гапириб.

Скрентон ўз навбатида Миролимга соф форс тилида мурожаат қилди:

— Бухоро амирлиги ва унинг доно ҳукмдорлари шуҳрати донғи Британия оролларига ҳам етиб борган!— У ҳурмат билан қўлини кўксига қўйди-да, таъзим қилганча сукут сақлади.

Миролимнинг юзи ёришиб кетди. Европаликнинг сўзи, гапининг оҳанги ва ўзини тутиши унга ёққан эди.

Скрентон хоксор оҳангда давом этди:

— Шавкатли шаҳзода, агар менинг арзимас совғамни қабул этсангиз, ўзимни бениҳоя бахтиёр деб ҳисоблардим. Мен афсонадаги чумоли сингари бу арзимас буюм билан бирга британия империясининг Бухоро амирлигига дўстона тилакларини олиб келдим.

Сулаймон пайгамбарга чигиртканинг оёғини совға қилиб борган чўлоқ чумоли ҳақидаги афсонани Миролим билар эди. Скрентоннинг хушомади унга ёқди.

Скрентон қутичани очиб, қаршисида турган вазир Омонуллага узатди, Миролим совғага кўз қирини ташлаб қўйди.

— Худо сизга омад берсин!— деб минғирлади ва қутичага қўлининг учини теккизди. Совға қабул қилинган эди. Шаҳзода чапак чалди.

— Жанобнинг елкаларига тўн ташлансин!

Бир зумда капитаннинг тарағи елкасига беқасам тўн ташланди, белига қийиқча боғланди, салла ўралган дўппи кийгизилди. Миролим тахтда ўтирарди. Бундай кийим-бошда капитан бозордаги мирзаларни эслатиб, худди бир нима тиланаётган қиёфада валиаҳднинг қаршисида турарди. Миролим буни кўнглига тугиб қўйди.

— Биз фикрингиз баёнини эшитамиз — деди у яна инглиз тилига ўтиб.

— Жаноби олийлари! Британия ҳукумати хонлигингизнинг куч-қудрати ошиши ва гуллаб-яшнаши учун гамхўрлик юзасидан чўлдаги ерларни ўзлаштиришдек мушкул вазифани ўз зиммасига олишга жазм қилди. Гап, жаноби олийлари, Қарши чўли ҳақида кетяпти.

— Ҳа, ҳа, биз гапингизни эшитаёмиз.

— Британия ҳукумати Амударёнинг чап қирғоғидаги Бухория

чўлларини пахтазорларга айлантириш йўлидаги бизнинг жидду жаҳдимизни амалга оширишда сизнинг мурувватингиздан умидвордир...

— Ният яхши,— деб қўйди валиаҳд,— аммо бу ерлар, оллоҳ шоҳид, ҳеч нарсага ярамайди.

— Улар бугун яроқсиз, лекин эртага яроқли бўлиб қолиши мумкин. Агар иш тажрибали кишиларга топширилса, мен шубҳа қилмайман, улар бу ерларни суғоришнинг уддасидан чиқадилар...

— Биз ўзимиз неча йилдирки, чўлларга сув чиқариш қайғусидамиз,— деди валиаҳд паст тушгиси келмай алдаб.

— Жаноби олийлари, биргина қайғуришнинг ўзи кифоя қилмайди. Чўлларни ўзлаштириш учун вақт, билим ва пул керак бўлади...— деди тавозе билан Скрентон сўзларидаги дағал маънони яшириш мақсадида.

Аммо британияликнинг дағаллигига Миролим деярли эътибор бермади. Пул эслатилиши уни қувонтириб юборган эди. Пул! Ҳамиша у етишмай келар, айниқса Бухорои шарифдан Маккатуллоғача қуриладиган темир йўл фикри шаҳзоданинг ақл-ҳушини қамраб олган шу кунларда пул ҳаётини эҳтиёжга айланган эди. Ҳар сафар темир йўл қурилишига кетадиган пул ҳисоб-китоб қилинганда шаҳзодани ҳам босарди, гоё ширин хаёлга айланарди, ҳозир эса...

— Инглиз жаноблар бизнинг об-ҳаво шароитимизни билмай туриб, қандай қилиб чўлга сув чиқармоқчилар?

— Илмий текширишлар олиб борамиз...— дея Скрентон масаланинг икир-чикиригача тушунтириб бермоқчи эди, лекин валиаҳднинг бетоқат нигоҳини пайқаб, гапнинг лўндасига кўчди:— Жаноби олийлари, Буюк Британия ҳукумати, шунингдек мен ваколат олган сармоядор доиралар Қарши чўлидан... бир миллион гектар ерни ижарага олишни орзу қиляптилар.

— Қанча?— ўз қулоқларига ишонмай сўради Миролим.

— Бир миллион, жаноби олийлари.

Миролим қаттиқ безовталанди.

— Британия тахти бу бемисл савдода қанча тўламоқчи?

— Нега бемисл бўлсин, жаноби олийлари? Утган асрда Россия Шимолий Америка штатларига бепоеън Аляскани сотиб юборгану.

— Неча пул?— бетоқатлик билан сўради Миролим.

— Жаноб олийлари, рухсат этсангиз, мен бизникилар тайёрлаган шартнома лойиҳасини ўқиб берсам,— дея капитан френчининг ички чўнтагидан тўрт букланган қоғоз олди.

Миролим инглизни диққат билан кузатиб турарди.

— «Биринчи пункт,— тантанали оҳангда ўқиди Скрентон.— Ерлар Бухоро хонлиги тарафидан Буюк Британия империясига тўқсон тўққиз йиллик узоқ муҳлат билан шартномада кўрсатилган муддат давомида ижарачига қонун бўйича ундан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган қилиб топширилади.

Иккинчи пункт. Ижарачига ижарага олинган ерларда темир йўллар қуриш, шунингдек шартнома муҳлати давомида бошқа шахсларга ўтказиш мумкин бўлган фабрика- заводлар қуриш ҳуқуқи берилади...»

— Шартнома бизга ойнадек равшан!— дея британияликни тўхтатди Миролим.— Биз нархини билишни истаймиз.

— Эллик миллион фунт стерлинг, жаноби олийлари. Пулни нақд ҳолда Бухорияга келтириш ҳам мумкин, Швейцария банкларидан бирига ўтказиш ҳам мумкин.

— Биз бунинг устига яна ҳинд раққосасини ҳам олишни истардик. Биз уни бахтиёр қилар, хотинликка олар эдик.— деб Миролим британияликдан жавоб кутиб тикилди.

Скрентон бирмунча эсанкираб қолди, гапнинг бунақанги кескин бурилишини у кутмаган эди. Миролим унинг довдираб қолганини кўриб, давом этди:

— Сиз, ахир бу хазинанинг эгасисиз, мен шундай деб биламан.

— Унчалиқ эмас, жаноби олийлари... Аслини олганда... Дунёдаги ҳар бир қиз ҳам Бухория маликаси бўлишни буюқ бахт деб билади. Раққоса Лаъли таклифингизни бажонидил қабул қилади.

Капитан бошқача жавоб беролмади. Валиаҳднинг ҳаёли бошқа томонда кезарди. У ёнида турган вазир Омонуллага энгашди.

— Биз тонг юлдузи Ойша билан қайси куни никоҳланамиз?

— Қачон, қачон, қачон,— дея худди бузилиб қолган граммафонга ўхшаб маъради вазир. Чет тилдаги чулдираш уни аллалар ва у турган ерида пинакка кетган эди.

— Мен сендан қози Бобокалоннинг қизини сўраяпман?

— Қозини? — дея талмовсиради вазир ҳамон ҳеч нарса тушунмай.

Миролим қозининг кичик қизига уйланмоқчи эди. Биринчидан, бениҳоя гўзал. Иккинчидан, Ойша пайғамбарнинг кичик хотинининг исми. Агар у Ойша исмли қизга уйланса, бахтиёр эр, омадли ҳукмдор ҳисобланарди.

— Қачон биз оллоҳ насиб этган Ойшанинг висолини кўришга муяссар бўламиз? — деди Миролим жаҳли чиқиб. Вазир дудуқланиб жавоб қилди.

— Саратон ойи тугаши билан, қиз сизники бўлади...

— Шундай бўлсин, яна унутиб қўйиб довдираб ўтирма...

— Хўп, хўп бўлади, хўп,— дея такрорлади вазир. Миролим Скрентонга мурожаат қилди:

— Шу тун ой юзли раққоса ҳарамимизда бўлишини истаймиз.

У қўлини силтади-да, чиқиб кетди. Қабул тугаган эди, капитан оғир кайфиятда саройни тарк этди.

## Ун тўққизинчи боб Қарши чўли савдоси

Туғ. Баркашдек ой ипакдек майин нурларини Қарши узра сочаяпти. Пастак паҳса девор билан ўралган ҳовлилар, илон изи кўчалар, ҳар ер-ҳар ерда дикрайиб турган мезаналар аллақандай сирли сукунат остида жим қотиб тургандай...

Зарифа буви неварасининг ухлашини пойлай-пойлай ўзи ухлаб қолди. Ойша аста ўрнидан турди, дарчани очиб ҳовлига чиқди.

Шундоқ девор ортида отлар пишқирар, одамлар гангир-гунгур суҳбатлашардилар. Карвонсарой. Ойша болалигидан ўз молхоналари томига чиқиб олиб, тунда карвонсаройни томоша қилишни севарди... У молхона томига қўтарилди.

Карвонсарой ҳовлисида туялар кавшаниб ётибди. Девор тагида бир аёл паришонхотир айланиб юрибди. Ойша бутун шаҳар гапираётган ҳиндистонлик раққоса аёл шу эканлигини унинг паранжисиз, очиқ юрганидан билди-да, унга ҳаваси келди, ўшандай мустақил, ҳур, кучли бўлишни кўнглига тугиб қўйди.

Чиндан ҳам бу Лаъли эди. Бугунги серғалва кун даҳшатлари унинг кўз ўнгидан кетмас, Лаъли учун ҳалок бўлган беғуноҳ инсон фожиаси юрагини кемирарди...

Абдулла унинг бениҳоя жозибадор кўзларига тикилиб, нимадир сўрамоқчи эди, хонага Скрентон берухсат кириб келди. У Абдуллага Лаълига кўрсатган ёрдами учун миннатдорчилик билдирди-да, дарҳол бу аёл билан ёлғиз қолдиришни сўради.

Абдулла хайрлашиб чиқиб кетгач, капитан томдан тараша тушгандай:

— Сиз валиаҳд жанобларига жуда ёқиб қолибсиз! — деди.

— Ҳа, у ҳам менга ёқиб қолди,— дея кесатди Лаъли.

— Лаъли! Виласизми? Бухоро шаҳзодаси бугун сиз билан никоҳланиш истагини билдирди! Айни чоқда бу — унинг амри ҳам...

— У бахтсиз мен бахтсизни никоҳлади денг?! Бориб айтинг ўша Бухоро шаҳзодасига — мен тақдиримни бошқа биров билан бир умрга боғлаганман...

— Ундай деманг, сиз Бухоро маликаси бўлиб қоласиз! Айшират, муҳтарам саройлар қўйнида яшайсиз! Қуллар, канизлар хизматингизда бўлишадилар! Сизнинг шарофатингиз билан мен вази-фамни адо этаман — Қарши чўлидан бир миллион гектар ерни ижара-га оламан Буюк Британия учун... Сизни ҳам қуруқ қўймаймиз... Хизма-тингиз учун ўн минг фунт стерлинг етади...

— Скрентон! Биринчидан, сизни мен ҳалол одам деб ўйлагандим. Жўнаб қолинг, Скрентон!

— Ўз хоҳишингиз билан бунга қўнмасангиз, сизни мажбур қиламан... Мен сизни, гўзал қушча, чўри сифатида бу шарқ ҳукмдорига сотиб юбораман. Эвазига бу ерга нима деб келган бўлсам, ўшани қўлга киритаман.

— Ана энди ўз тилингиз билан сўзладингиз, жаноб қулфуруш. — Лаъли унга кўзларини ўқдай қадади. — Унашиш ҳақидаги гапдан кейин кўп нарса ойдинлашди. Шунинг учун мен жаноб Сағдневдан граждандлик ҳуқуқимни ҳимоя қилишни расмий равишда сўрадим.

— Бу яна ким бўлди? — деб чимирилди Скрентон.

— У билан сизни кеча таништирганман. У муфтининг ўғли.

Скрентон, хайрлашмай чиқиб кетди. Кўп ўтмай, Абдула билан Владимир Лаълининг олдига келишди ва улар бекнинг маҳкамасига йўл олишди...

Абдулла Лаълига тегишгиси келди, кўчада чопиб бораётган улоқчага ишора қилиб гап қотди:

— Сиз қалбимнинг ўғриси-сиз. У анави улоқчадай дикиллаб ўйноқлапти.

— Яхши йигит, — дея жавоб қилди Лаъли жилмайиб. — Мен энди сенинг ҳажринг уммонида сузаяпман. Бу соҳилга ҳеч чиқолмасам керак.

— Бундан чиқди, сиз билан биринчи учрашганимдаёқ, сиздан ажралганимни дарҳол бежиз ҳис қилмаган эканман-да, — деди Абдул-ла кўзларини ерга тикиб.

Бек боғидан боришаркан, Лаъли британияликларнинг ниятидан, яъни Қарши чўлини арзимаган пулга сотиб олмоқчи эканликларидан Абдуллани огоҳ қилди.

— У бу ерда нима қилиб юрибди десам, гап бу ёқда экан-да, ҳали! — деди Абдулла ташвишга тушиб.

Девонхонага бориб, Лаъли маҳрамга созандаларидан бири вабо билан оғриб қолганга ўхшаётганини ва улар зудлик билан шаҳарни тарк этишлари лозимлигини хабар қилди. Маҳрам қўрқиб кетиб, қўлларини силкитди. Қаршида вабо нималигини яхши билишарди. Бир-икки йил илгари у шаҳарнинг ярим аҳолисини қириб кетган эди... Маҳрам чопиб шаҳзоданинг хосхонасига кириб кетди ва тезлик билан қайтиб чиқди.

— Худо хайрингизни берсин. Биз улуг хонлигимизни тарк этишингизга ижозат берамиз! Жаноб олийнинг хоҳишлари шундай!

Лаъли миннатдорчилик билдириш учун маҳрамнинг олдига бораётган эди, у чаққонлик билан ўзини четга олди.

— Худо сизни ҳам, бизни ҳам ўз паноҳида асрасин, — дея нари қочди у орқасига ҳам қарамай...

Шу куни кечга яқин Лаъли ҳамроҳлари билан Афғонистонга кетаётган катта карвонга қўшилиб, йўлга чиқди. Узун карвон бошида отлар, туялар, савдогарлар, бой саёҳатчилар, карвон думида эса пиёдалар — дарвишлар, тирикчилик мақсадида қўшни шаҳарларга йўл олган ҳунармандлар, уларнинг оилалари борарди. Улар орасида паранж ёпинган, кичкина бўғча кўтариб олган нозиккина қизча ҳам бор эди. У ҳеч илож тополмай уйдан қочишга аҳд қилганди. Кўзи олдидан илоҳий гўзал Лаъли сира нари кетмас, унга маҳлиё бўлиб эргашиб борарди. Шаҳардан чиқишди, қалъа деворлари кичрайиб

кўрина бошлади. Ойша раққосага етиб олди. У ўзининг яхши кўради-  
ган нортюясида кетиб борарди.

— Ойша! Нима қилиб юрибсан?— дея оҳ уриб юборди Лаъли.

Ҳа, бу Ойша эди. У Лаълидай чиройли, ақлли, мустақил бўлишни  
кўнглига тугиб, уйдан қочган эди.

Лаъли ҳали ўзига келиб улгурмаган ҳам эдики, аргумоқ минган  
бир йигит карвон орқасидан етиб келиб қолди. Буларнинг ёнига келди-  
да, Ойшага қамчи солди. Лаъли уни тўхтатишга уриниб кўрди.

— У бизни шарманда қилди!— деди шиддат билан йигит,  
тишларини гижирлатиб.— Мен акаси Саидқул бўламан. Хоҳласам  
ўлдираман уни ҳозир! Сени ҳам ўлдираман, худобехабар маҳлуқ!

У ҳўнграб йиғлаётган Ойшани силтаб тортиб, орқасига мингаштир-  
ди.

— Сизга гапим бор, қулоқ солинг, ахир,— деди Лаъли кўзлари  
ёниб. У ўзининг бошига ҳам қамчи тушиши мумкинлигини хаёлига  
ҳам келтирмади.

— Сенинг сассиқ гапингни эшитишга тобу тоқатим йўқ!— деб  
ўшқирди Саидқул.

— Қулоқ солинг, сиз синглингизга жафо қилаётган пайтда англис  
Скрентон ерларингизни сув текинга Британия учун сотиб олмоқчи.

Йигит дарҳол жим бўлди, ҳушёр тортди. У Скрентонни Миролим  
билан учраштирган бўлса ҳам, унинг миссиясидан беҳабар эди.

— У миллион гектар ерингизни Британиянинг оқ танлилари олиб  
кўяди.

— Уҳў-у,— деб юборди Саидқул.

— Агар бунга йўл қўйсангиз, ҳаммангиз қул бўлиб қоласиз.  
Ушанда сиз дағал кучингизни кўрсатолмай қоласиз. Сиз фақат оқ  
хўжайинлар учун ишлайсиз. Ёки очдан ўласиз,— деди Лаъли захрини  
сочиб...

Нортюя ўкирганча карвон кетидан елиб кетди...

## Йигирманчи боб

### Амир шикори

Бир неча кундирки, бек саройида овга тайёргарлик борарди. Отлар  
совутилар, сайислар, қушчилар ўз маҳоратларини кўрсатишга тай-  
ёрланардилар. Шаҳарнинг обрўли кишилари овда қатнашишга таклиф  
қилинган, улар орасида Абдулла, Владимир Иванович Нашчекин,  
Саидқул ва англис разведкаси-капитани Скрентонлар ҳам бор эдилар.  
Скрентон ўзининг улуғ миссиясида бир қадам ҳам олдинга силжий  
олмади, тахт меросхўри ҳамма ишни ташлаб қўйди. Орада мана бу ов  
ташвиши кўндаланг бўлди! Ов ҳамма нарсани ҳаракатга келтирди. Ов  
баҳонасида валиаҳд билан гаплашиб олишдан умидвор эди капитан.  
Тахт вориси эса асабийлашарди. Бирданига шунча кўнгилсизлик! Энг  
яхши соқчисидан маҳрум бўлди. Ажнабий раққосадан ажралиб қолди.  
Лекин, энг асосийси, ерларга бийлиги ўтмади, британияликларнинг  
таклифини қондиrolмади. Ерни фақат амир тақсимлаб бериш, сотиш  
ҳуқуқига эга эди. Ов шаҳзодани жонлантириб юборди. У амр-фармон-  
лар бера бошлади... Бу кунларда ҳамманинг диққат-эътибори Бухоро  
тахти валиаҳди Саид Олимхонда бўлди...

Ниҳоят ов куни ҳам етиб келди. Оломон шовқин-сурон билан бек  
саройидан шаҳар кўчаларига ўрмалаб чиқди. Олдинда устига зардўз  
сўзаналар ёпилган учта Ҳиндистон фили салобат билан қадам ташлаб  
борар, уларнинг кенг елкаларига ўрнашиб олган жарчилар амирлик  
ови бошлангани ҳақида жар солиб ўтар эди. Уларнинг қичқириқлари-  
ни эшитган одамлар ё қочиб қолар, улгурмаганлари эса, тупроқли  
йўлга юз тубан қулашарди. Анқайганлар қамчи ер, шаҳарликлар то  
карвон ўтиб кетгунча чанг ютиб ерда ётишга мажбур эдилар.

Филлар ортидан отлик сарбозлар дастаси, улар ортидан хаша-матли соябон аравада шахзода ва яна отлик сарбозлар дастаси борар, амалдор ва таклиф қилинган меҳмонлар карвон думида, улардан ҳам кейин эса сайислар, қушчилар ва този итлар чанг кўтариб, бир-бирини итариб-туртиб, хириллаб еларди. Боқувдаги тозилар кўчада кўринган жонзотга ириллар, гоҳо йўловчиларнинг чопонларидан пахта юлиб қолишга ҳам улгурарди.

Миролим буларни кўрмас, бағ-буғларини эшитмас, жарчиларнинг бақирликлари, итларнинг акиллаши унга байрам кайфиятини бағишларди.

Соябон арава ортидан валиахднинг бош қушчиси ўнг қўлида валиахднинг яхши кўрган лочини — Уткир келарди.

Уткирнинг бошига баҳмал қалпоқча кийгизилган, итларнинг акиллаши лочинни безовталантирар ва у типирчилаб, тумшугини очиб, қанотларини қоқарди.

Капитан Скрентон мулозимлар орасида келар, зоҳиран бепарво, ов иштиёқида ёнган кўринса ҳам, лекин ботинан ёйдек таранг тортилган — валиахднинг унинг миссиясига муносабати тобора ташвишлантириб борарди. У энди муваффақиятидан унчалик умид тутмасди.

Абдулла билан Владимир ёнма-ён кетишарди. Абдулланинг фикри, хаёли ҳинд раққосасида, унинг ҳусн-жамоли ақл-ҳушини ўғирлаган, бу кунлар ичида у бамисоли мастдай бўлиб қолган эди. Владимир уни ёзилиб келар деган умид билан деярли судраб олиб чиқди овга.

Владимир бу орада Когондаги сиёсий агент маҳкамасига бориб Қарши чўлида қидирув ишларини бошлаб юборишга ваколат ва муфассал йўл-йўриқлар ола қайтган, ҳатто бир-икки марта чўлга экспедиция мақсадида чиқиб келишга ҳам улгурган эди.

Мулозимлар орасида бадқовоқ Саидқул ҳам бор, у Абдуллага нафрат билан қараб-қараб қўярди. Саидқул Ойшани қамчилаётганда қизча жон ҳолатда Абдулланинг исмини айтиб юборган эди! «Ойша Абдуллани яхши кўради, шахзодага хотин бўлишни хоҳламайди. Тавба! Аёл кишининг ноқис ақли уни қандай ярамас нарсаларга олиб бормади! Ойша қайсарлик қилди. Шунинг учун уни калтакланган итдай қилиб уйга қамаб қўйдим. Лекин Абдулла ҳам насибасини олиши керак. Абдуллани ўлдираман... Овни худонинг ўзи етказди. Унда ҳайвонларгина эмас, одамлар ҳам ўлиши мумкин. Бундай қулай фурсат иккинчи юз бермаслиги мумкин...»

Скрентон ҳам дўстлар томонга кўз қирини ташлаб қўйди, лекин уни Нашчекин қизиқтирар эди. Саидқулдан Нашчекин бешта мавсумий ишчи ёллаб, чўлга чиқиб юргани, қўғозларга аллақандай белгилар қўяётганини билиб олиб, бу рус Қаршига бекорга келмаганлигига, иккаласини ҳам битта масала қизиқтиришига амин бўлди ва жаноб Нашчекин Урта Осиёдаги катта массивларни сотиб олган князь Андронниковнинг эмиссарларидан биттаси, деган хулосага келди. Скрентоннинг Қаршига келишдан асл мақсадини кашф қилган Саидқул ҳам сўраб-суриштириб, маълумот тўпларди. Энди бир-бирига ўхшамайдиган бу иккита одам битта сир туфайли бир-бирига боғланиб қолганди. Скрентон бу сир кўпчилик учун энди сир бўлмай қолишидан, унда ишга руслар аралашшидан хавфсирарди...

Қашқадарё этакларидаги қалин қамишзорлар устида қушлар чағир-чуғури авжида. Утиб бўлмас тўқай шу ердан бошланади. Миролим соябон аравадан тушди, ўтириб, туриб оёқлари чигилини ёзди-да, от келтиришларини буюрди. Жилвдори уни баланд араб айғирига миндирди, от турган жойида ер тепиниб ўйнаб кетди. Миролим айғирни тинчлантириб, ўрмон беклари ортидан изма-из йўлга тушди. Унинг қўлқопини чангаллаган ҳолда Уткир ўтирар, бошидаги қалпоғи олинмаган эди...

Исковуч итлар акиллашиб ўзларини қамишзорга уришди. Тўқайдан ўрдакларни учирди. Лочинлар бирдан парвоз қилишди, улар

орасида Уткир ҳам бор эди. Уткир қора чақмоқдай учиб бориб, йирик бир ўрдакни кўкраги билан уриб йиқитди. Шикор беклари ўрдакни унинг чангалидан ажратиб олишди. Уткир яна осмонга парвоз қилди. У хаш-паш дегунча олтига ўрдакни олди, бошқа лочинлар эса икки-учтадан олдилар холос. Ўрдаклар қамишлар орасига биқиниб олишди, ҳайдовчиларнинг қийқириқлари ҳам энди уларга кор қилмасди.

Миролим отишга рухсат берди. Қасир-қусур милтиқлар отилди. Гоҳ у, гоҳ бу қамиш тўпи орасидан ўрдаклар виз-виз учиб чиқар ва мерганлар уларни уриб қулатишарди.

Қамишзорни итларнинг акиллаши, ўрдакларнинг ғақиллашлари, шалоп-шулуп товушлар, ўқ овозлари тутиб кетди, ит эгасини танимай қолди.

Шу талатўп орасида бир милтиқдан отилган ўқ ўрдакни эмас, одамни қулатди. Саидқулнинг ўқи ўлжасига теккан эди. Улкан паҳмоқ този ўқ товуши ва шапир-шупурга югуриб келди, қамиш устида ётган одамга яқин келиб юзини ялади ва гингшиб қамишзор четига чошиб кетди...

Миролим қамишзор четига дўнглик устида турар ва овнинг боришини кузатарди. Қамишзор устида ўқ тутунидан ҳосил бўлган булутни томоша қиларди. Қамишлар орасида ойна синигидай ялтираётган сув, ўт-ўланларга бурканган чўл тарафдан эсаётган илиқ шабада, қамишлар устига шатир-шутур тўкилаётган питралар шаҳзоданинг кўнглини очарди. У ўзи томон ов анжомисиз келаётган Нашчекинни кўриб қолди.

— Улжангиз қани? Нега милтиғингиз йўқ? — деб сўради Миролдим Владимирнинг амалдорлигини, ер ўзлаштириш ваколати берилганини ҳисобга олиб, мулойимлик билан.

«Миллион гектар ва эллик беш минг десятина — деган фикр ўтди шаҳзоданинг миясидан — миқёснинг турлилигини қаранг». Шунини ўйлади-ю, ўзининг амир эмаслигидан қаттиқ ўкинди. Ҳали амир эмас.

— Жаноби олийлари, мана шу сув билан яқин орадаги чўлни суғорса бўлади...

— Қандай қилиб? — деб сўради Миролим қизиқиб.

— Кўл табиий, баҳорги тошқин пайтидагина бу ерга сув кириб тўлиб қолади. Агар дарёга кичикроқ тўғон қурилса борми... Сув бу табиат яратган сув омборини тўлдирган бўлур эди ва ундан чўлга ариқ қазиб, мингларча десятина ерни суғориш имкони туғиларди.

— Харажати-чи? Маблағ қаердан олинади?

— Харажат унча катта бўлмади менинг хомчўтимча, бошлаб олиш учун ярим миллион сўм кифоя қилади...

Миролимнинг юзидаги қизиқиш ифодаси сўнди. Чўл ўзлаштиришга миллионлаб сўм сарфлаш учун кўп нарсалардан воз кечиши керак эди!

— Мен лойиҳани текинга яратишни ўз зиммамга олар эдим! — дея давом этди Владимир, уни ишонтиришга уриниб. — Ажойиб иш бўларди-да! Ишонинг, жаноби олийлари! Менга ерни деҳқонлардан йигирма-ўттизта яхши ёрдамчи берсангиз бас... Сизнинг халқингизга жуда ҳам зарур бу ерлар. Уларни рус концессияларига бермаслик керак...

— Сиз хаёлпарастсиз, жаноб Нашчекин. Мен эса нақдига ўрганган одамман.

Миролим ундан ўгирилиб, қамишзор устида сузиб юрган тутун булутига қаради. Владимир гап тугаганини тушунди-да, бир хил бўлиб, тепаликдан нари кетди.

Скрентон ҳам ўз навбатида Миролимни суҳбатга тортишга уриниб кўрди. Лекин у норозилик билан деди:

— Бизнинг ҳали қиладиган ишимиз кўп. Худо мадад берсин илоҳим. Ҳозир эса, бизни ов қизиқтиради, ов. Фақат овдан гапиринг!

Ов куни охирида Скрентон, ҳар қалай, Владимир билан танишишга муяссар бўлди ва ҳатто уни очик суҳбатга тортишга уринди.

— Сиз нима ҳақда гапираянсиз?— дея сўради у ҳайрон бўлиб.  
— Мен сизга бу ўлкада бизнинг ишончли вакилимиз бўлишингизни таклиф қиламан. Сиз баъзи масалаларда Европа манфаатлари ҳақида ғамхўрлик кўрсатасиз...

— Ер масаласида бўлса керак?

Скрентон ўзининг миссиясидан унга нимадир маълум эканлигини сезди.

— Сиз ўйлаган одам бошқа.

— Браво деди Скрентон истеҳзо билан.— Қандай ажойиб ватанпарварлик.

Иккита европаликка сайхонлик тор келиб қолди-да, улар икки тарафга тарқалишди.

Ов тугади. Эҳтирослар босилди. Ов қарвони аввалгидек дабада билан шаҳарга қайтди. Тун ер узра ёпирилди. Асадулла ҳожининг уйида ҳамиша бирон қор-қолни бошлайдиган жимжитлик ҳукмрон. Владимир рўзгор пичоқ билан Абдулланинг ярасидан ўқни олиб ташлашга уриниб кўрди. Ўқ ўмови остига кирган экан. Абдулла беҳуш ётар, баъзан лаблари қимирлаб қўярди. Владимир бир амаллаб ўқни чиқариб олди-ю, мадори қуриб, кўрпачага ётиб қолди.

— Лаъли, Лаъли,— деб шивирлади Абдулла бирдан алаҳлаб.

— Севаркан, демак, тузалиб кетади,— деди Асадулла ҳожи қовоғини уюб.

Қози Бобокалоннинг уйидагилар эса бу пайтда кўчага қулоқ солишарди.

— Негадир йиғи эшитилмаяпти,— деди ташвишга тушиб Зарифа буви.

— Ун қадамдан туриб отганман уни!— деди тишларини ғижирлатиб Сайдқул.— Қонга беланиб йиқилганини ўз кўзим билан кўрдим-а!

Қози эшикни очиб, бурчакда ғужанак бўлиб ўтирган Ойшага узоқ тикилиб қаради. Ўзбошимчалигига жазо тариқасида кун бўйи оч қолдирган эди.

— Овда Абдуллани отиб кетишибди. У ўлди,— деди қози ғамгинлик билан. — Оллоҳнинг иродаси экан. Ибодат қил, қизим...

Ойша ўкириб йиғлаб юборди.

## Йигирма биринчи боб

### Саратон

Қарши чўлида баҳор кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. У бахт қушидай сеҳрли қанотини силкитади-ю, бепоян чўлни яшил либосга буркаб ясантиради. Қашқадарё асов отдай ўйноқлаб деҳқонларнинг омонатгина кўтармаларини вайрон қилади. Ариқларни лойқа босади, серхосил ерлар шўрхок қум билан қоришиб кетади. Лекин деҳқонлар одатдаги бу тошқинлар оқибатларини тугатиш учун ўз ерларини қайта ҳайдайдилар, ариқларни лойқадан тозалаб, далаларни ювадилар.

Бу ерларнинг деҳқонлари бағоят меҳнаткаш бўладилар. Чўл бағридан юлиб олинган бир парча ерида у йил давомида ишлайди — уни гўнглайди, баҳорда икки марта, кузда бир марта пешона тери билан шўрини ювади, қишда унга қўй гўнги ташийди, тупроқ солади. Баҳорги ёмғир намини қочирмаслик учун ҳайдайди, молалайди. Шундан кейин фурсатни қўлдан бермай, уруғ қадайдди. Агар баҳор яхши келса, уруғ бехато униб чиқади, кейин бегона ўтларга қарши кураш қизийди, бу орада экинни қондириб-қондириб суғориб ҳам турилади...

Бу йил баҳор яхши келмади. Қишдаги нам, баҳор ёмғири кўк майсалар кўкариб чиқишигагина етди холос. Кейин март ойининг биринчи ярмидаёқ ўт-ўланни гармсел супуриб-сидириб кетди... Бу ҳол деҳқонларни ҳар томонга сочиб юборди. Арслон ҳам ўзининг туғилиб



ўсган қишлоғига эмас, Меҳри холанинг маслаҳати билан унинг Қарши молбозори ёнида турадиган иниси Юсуфнинг олдига йўл олди.

Рус тўрасини у шу ерда учратди. Нашчекин уни ишчиларнинг қидирув группасига ишга олди.

Владимир Ивановичнинг ишлари ўзи ўйлаганидан ҳам кенгайиб борарди. Тадқиқот ишлари жадал юришиб кетди. Арслон тўрт ишчи билан Амударёнинг адоғи ва қуйилишларидаги қумзорлар, чакалакзорлар, қамишзорлар орқали ўтиб бориб йўл танлар, йўл танланиб, текшириб чиқилгач, Владимирга одам юборарди. Нашчекин жойнинг паст-баландлигини ва ер тузилишини аниқлайдиган белгилар тушириш учун хариталар танаворини, теодолит ва бошқа керакли асбоб-анжомларни отларга юклаб, Рустам билан бирга Арслоннинг гуруҳига бориб қўшиларди. Кейинги ойда бу тўртинчи сафар эди. Беш минг десятинадан ортиқ экишга яроқли ер тадқиқ этилди ва Амударё ёқасидаги сув ҳавзалари ўлчаб чиқилди. Владимир қисқа вақт ичида қилган ишидан хурсанд эди. Қарши чўлини ўрганишга қизиқиб кетди, лекин у Абдулланинг аҳволидан ҳам хабар олиб турди. Абдулланинг жароҳати секинлик билан яхши бўлиб борар, ўрнидан туришга уринар, мактаб машғулотларини бошлашни ўйларди.

Нашчекин, Асадулла ҳожи, Абдулланинг ўзи ҳам унга ким ўқ отганлигини ўйлаб, ўйлар тагига етишолмасди. Саидкул билан инглиз Скрентондан гумон қилишарди. Аммо бу одамларнинг суиқасдга алоқадорликларини тасдиқлайдиган гувоҳ-исботлари йўқ эди. Шунинг учун бутун фикру хаёллари Абдуллани оёққа қўйиб олиш билан банд бўлди...

Абдулла дўстининг ишлари юришиб кетганидан хурсанд эди ва ҳар бир экспедициядан кейин у олиб келган харитани қизиқиб томоша қиларди. У ишнинг характерини тезда тушуниб олди ва дўстига қимматли маслаҳатлар берди. Чунки унга қараганда бу ерларни иқлим-шароитини жуда яхши биларди.

Абдулла ҳатто сўнги экспедицияга бирга олиб кетишни дўстидан илтимос қилди, лекин Владимир рози бўлмади.

— Биринчидан, Абдулла, сен ҳали дала шароитига ярамайсан. Иккинчидан, синфингдаги болаларни қандай қаровсиз қолдирасан? — деди.

— Бизлар учун бу муҳим ишда ёрдамим тегсин деб ўйловдим. Аммо сиз ҳақ гапни айтдингиз. Болаларни қаровсиз қолдириб бўлмайди. Учта ўқувчимдан маҳрум бўлдим. Ота-оналари ман этишибди.

— Ана кўрдингми! Сен бўлсанг далага борсам дейсан! У ерда сенсиз ҳам бир амаллаймиз. Сен мулла Тиркашга бўш келмасанг бас.

— Ҳа, унинг оғзи қулоғида. Маҳаллага: шаккоклиги учун худо жазосини берди, деб гап тарқатиб юрганмиш. Унинг ҳозирча тили узун, менинг ярам унга катта дастак.

— Тиркашни одам қилолмайсан, лекин мактабингга қатнаётган ўқувчиларингни пайдан бўл, ўшаларни қўлдан чиқарма.

Аммо, кўп ўтмай, шундай воқеа содир бўлдики, Владимир Ивановичнинг Абдуллани ёрдамчиликка олишдан ўзга чораси қолмади.

Самарқандда ер ишлари бўлимида Владимир ўтказган дастлабки уч экспедициянинг натижаларини олишгач, ҳужжатларни кўриб чиқиш учун Тошкентга юборишди. Бироқ у ерда, ҳатто Черневскийга ҳам маълум бўлмаган сабабларга кўра, тадқиқот натижаларини Петербург ҳарбий министрлигига сўратиб олишди. Кейинчалик маълум бўлишича, бу ўринда манфаатдор шахс катта ер эгаси ва концессионер князь Андронников бўлиб чиқди. Ҳарбий министр Сухомлиновнинг дўсти бўлганидан фойдаланиб, унинг воситачилигида Қарши чўлида 75 минг десятина ерни концессияга олиш мақсадида қидирув ишлари олиб боришга амир Абдулаҳаднинг розилигини олиб қўйган эди. Бу шартнома қаттиқ сир сақланарди. Ундан амирнинг ўзи, ҳарбий министр, князь Андронников ва князь ҳамда подшоҳ саройида-

Е. БЕРЕЗЖКОВ ◆ ҚИЗИЛ БУХОРО ◆ РОМАН

гиларнинг амирга шахсий хатларини таржима қилиб берувчи тилмочи хабардор эди.

Амир Абдулаҳад Қарши чўлига кўз тикаётган инглизлар билан ҳам муносабатларини совуқлаштиришни истамасди. У, шунингдек, америкаликларнинг Урта Осиё қўриғига нисбатан йилдан-йилга ошиб бораётган қизиқишларидан ҳам хабардор эди. Улар анча эҳтиёткорлик билан иш кўрадилар.

1910 йил бошларида улар император ҳукуматига Туркистонда қўриқ ерларни суғориш учун Рус — Америка акционерлик жамияти тузишни таклиф этдилар. Бунда улар Амударё ёқасидаги бўз ерларни ҳам кўзлари остига олиб қўйган эдилар. Сопини ўзидан чиқариш учун улар акционерлик жамиятини императорнинг шахсий хомийлиги ва бошчилигида тузиш лойиҳасини тақдим этдилар. Бу ҳолат Амир Абдулаҳаднинг Сухомлинов ҳамда князь Андронников билан алоқаларини бевақт фош қилиб қўйишдан сақлаб турарди.

Икки томонлама келишувга биноан ерларни тадқиқ қилиш даставвал Туркистон генерал губернаторлиги ер тузиш ишлари бўлими пардаси остида ўтказилиши лозим эди. Ерлар аниқлангач эса, уларни концессия ери сифатида расмийлаштириш мўлжалланарди.

Бироқ, князь Андронниковнинг сабри чидамади. У масалани зудлик билан ҳал этишни истарди. Чунки Қарши чўлининг иқлим шароити пахта етиштиришга қулай бўлиб, пахтанинг нархи ва бу билан бирга пахта экиладиган ернинг ижара ҳақи ҳам кундан-кунга қимматлашиб борарди. Бунинг устига, унинг назарида америкаликлар рус императори билан Туркистон қўриғи хусусидаги ишни пишитиб қўяётгандай эдилар. У, шунингдек, инглизлар Қарши чўлини эгаллаб олишга уринаётганликларини ҳам биларди. Бу эса, Андронниковнинг бу борадаги ишлари учун хавфли, уни барбод қилиши тайин эди.

Князь Андронников ҳарбий министрни ерларни текширишни тезлаштиришга кўндирди. Натижада Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори генерал Григорьев Қарши чўлига оид текширув материалларини ер ишлари маҳкамасидан ўз қўлига олиш тўғрисида тўғридан-тўғри кўрсатма олди.

Генерал экспедицияни кучайтириш ҳаракатига тушди. У Черневскийга ишларни бошқариш учун амирликка шахсан боришни таклиф қилди. Черневский уларнинг ишларига ҳарбийлар аралашаётганидан қаттиқ ғазабланиб, улар билан ҳамкорлик қилишдан қатъиян бош тортди. Самарқанд ҳарбий губернаторининг эса Нашчекин группасини ҳарбий топограф поручик Смолич ва штабс-капитан Федоркин бошчилигидаги бешта солдат қўшиб, кучайтиришдан ўзга иложи қолмади.

Шундай қилиб, тақдир тақозосига кўра, Владимир Нашчекин билан Федоркин яна учрашишди. Семён амаки билан Антон Катков ҳам Қаршига Федоркин билан бирга келдилар. Владимирни кўриб, Катковнинг оғзининг таноби қочиб илжайди, Семён амаки ҳам унинг атрофида гирдикапалак бўлди.

— Кўрдингми, бизларни ҳам сенинг олдинга, бу жазирамага гизиллатишди!

Ҳарбий топограф, поручик Смолич Владимирга ўзини тортиброк, қандайдир нописанд муомала қилди. У Нашчекиннинг сиёсий сургундаги одамлигидан яхши хабардор қилинган эди. Штабс-капитан уларни таништирганда Смолич Владимирга қўл беришни ҳам лозим топмади. Федоркин бунга пайқади ва кулиб қўйди.

— Владимир Иванович, отажоним, қабул қил, сизларнинг ихтиёрингизга келдик, — деди у.

Бу сўзлардан поручикнинг ғаши келди. Лекин қидирув ишларининг бутун масалаларида, гарчи экспедиция раҳбари, энди унвони юқори ва Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори томонидан алоҳида вакил қилинган штабс-капитан Федоркин ҳисобланса ҳам, барча ишлар Владимир Нашчекиннинг қўлида эди.

Федоркин Владимир Ивановичга ерларни тадқиқ қилишни анча тезлатиш ҳақидаги буйруқни топширди. Чунки тез кунлар ичида, унинг фикрича, Петербургдан катта бошлиқлар текширгани келиб қолишларини айтди. Унинг ишлари билан генерал губернаторликдагилар жуда ҳам қизиқиб қолганларини Владимир Ивановичнинг ўзи ҳам сезган эди. Лекин у Самарқанддан бирга келганлар Николай Иванович Черневскийдан бир оғиз хабар бермаганларига ҳайрон эди. Нашчекиннинг саволига Федоркин дудмал қилиб, Қаршига келишдан аввал учрата олмадим, деб жавоб берди. Черневский ҳарбийларнинг Қаршидаги қидирув ишларига аралашувини маъқулламаслигини Федоркин биларди. Ҳарбийларнинг бу ишга аралашувининг асл сабаблари Федоркинга ҳам, Черневскийга ҳам қоронғи эди. Экспедиция икки гуруҳга бўлинди. Смолитч группаси энг тажрибали йўл бошловчи Арслон билан жўнаб кетди.

Владимир Иванович билан Федоркин ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун қолишди, солдатларга жой топиш, озиқ-овқат сотиб олиш, штабс-капитанни бекнинг маҳкамасига олиб бориб таништириш керак эди.

Умуман, иш кўп, шошилиш лозим бўларди. Бунинг устига ҳаво ҳаддан ташқари исиб, майнинг дастлабки кунларидаёқ кўкатлар қовжираб, Қаршининг кўчалари устида чанг булути муаллақ туриб қолди. Чанг бўронлари тез-тез кўтарилиб туради. Чўл зумраддай яшил тусини ўзгартириб, сариқ-бўз тусли сахрога айланди. Лекин тирик жонзот учун асосий қийинчиликлар ҳали олдинда, саратон ойи яқинлашиб келарди...

Владимир Ўрта Осиё нима эканлигини ва бу ерда сувнинг қадри қандайлигини фақат ҳозир тушунди. Ҳовузлар қуриб, тагини бақатўнлар-у, чанг-гард қоплади. Қудуқлар суви кундан-кунга пасайди...

Группа чўлга чиқиб кетгач, Нашчекин билан Федоркин бекнинг девонхонасига йўл олишди. Қалъа девори олдида уларни ҳеч ким кутиб олмади. Дарвоза тақа-тақ берк, ҳатто девор устида соқчи сарбоз ҳам кўринмасди. Кўчаларда ҳеч зот йўқ.

Дарвоза ҳалқасини узоқ тақиллатишди, ниҳоят туйнукдан қоровулнинг уйқусираган, тер босган башараси кўринди. У рус тўраларга кўрқиб ва ҳайрон бўлиб қаради-да, кейин қалъа ичкарасига чошиб кетди.

Шаҳзода Миролим қалъада йўқ, шаҳарда иссиқ бошланиши билан икки ҳафта бурун ҳарами билан Шахрисабзга кўчиб кетган эди. Қарши раиси Хуршидмурод офтоба билан гаплашишга тўғри келди...

Қарши чўлига оид ишларни у, албатта, ҳал эта олмасди. Ҳар қалай, Федоркиннинг солдатларига сарбозлар яшайдиган уйдан бир хона ажратиб берди.

Девонхонадан чиқаётиб Владимир билан Федоркин Саидқулга дуч келишди. Эғнида калта қора чопон, оёғида қизил сахтиён этик. Бошидаги пуштиранг қичик салла унинг қисик кўзларини бургутникидай совуқ нигоҳини ғалати бир тарзда таъкидлаётгандек эди.

Русларни кўриб, у таъзим қилди ва ялтоқилик билан илжайди.

— Жаноблар, мен бу ерда рус олими жаноб Нашчекинни ва император армиясининг штабс-капитанини учратганимдан гоят хурсандман, — деди Саидқул чала ярим русчалаб.

Штабс-капитан ҳеч берди, Владимир Иванович индамай бошини силкиб саломлашди. Русларнинг гаплашгилари келмаётганини кўриб, қозининг ўғли давом этди:

— Эшитишимча, Қарши чўлида қидирув ишларини кенгайтираётганмишсизлар. Бу халқимиз учун керакли ва фойдали иш. Шунинг учун мен бунда бирон нафим тегишини истардим. Абдуллага қанчалик суянсангиз, менга ҳам шунчалик орқа қилишингиз мумкин.

— Миннатдормиз, — деди Владимирнинг ўрнига Федоркин.

— Ҳузурингизга синглим Ойшани юбораман, у орқали айтарсиз-

лар қарорингизни, — деди шошиб Саидқул Федоркиннинг жавобидан қувониб кетиб.

Бебахт Ойшанинг исмини эшитиб, Владимир жавоб берди:

— Яхши, таклифингизни ўйлаб кўрамиз. — Владимир ўйлаб қолди: «Бу ярамас нега бирдан жилпанглаб қолди? Балким Ойша туфайли Абдуллани отгандир? Ойша мактабга ота-онасига билдирмасдан ёзилган-да. Балким, энди бир нимани тушуниб, виждони қийналаётгандир? Балки чиндан ҳам ўз халқига фойда келтириш нияти бордир. Майли, омон бўлсак кўрамиз».

Смолич группаси ишни тезда битириб чўлдан қайтди. Уч кунда материални қайта ишлаб чиқишди. Лекин группа навбатдаги экспедицияга Арслон туфайли дарҳол жўнаб кетолмади. Арслон Владимир Ивановичдан жавоб сўради. Қишлоқдаги қариндошлари сувсизликдан жуда қийналиб қолишган, Арслон бу ерда юриб ишлаб топган пулига сув сотиб олиб, қурғоқчиликдан азоб тортаётган қариндошларига ёрдамлашмоқчи эди.

Владимир унга жавоб берди, албатта. Бироқ Смолич группасига одам топиш керак эди. Шунда Владимир Саидқулни эслади.

Бу гал улар билан туяларга сув тўла мешлар ва озик-овқат ортиб, Саидқул йўлбошловчи бўлиб кетди. Федоркин ҳам бу сафар улар билан бирга борди. Семён амаки билан Антон Катков Арслонни яхши кўриб қолишган эди. Хайрлашишар экан, Семён амаки ҳазиллашди:

— Бўш келма, пучуқ, бўлмагин чумчуқ! — дея Арслоннинг елкасига қоқиб кўйди.

— Шер бўлсанг ҳам бурнингни кўтарма, — деди кулиб Катков, Арслоннинг елкасига дўстона қоқиб. — Уша балохўр ариқ-оқсоқол билан шердай олишиб, додини бер. Қани, энди қимирла!

Федоркиннинг ёнида турган Смолич бу манзарани гижиниб кузатарди.

— Қандай аҳволга тушиб қолишибди булар! — деди чидаёлмай. — Ерлилар билан!.. Нону қатиқ бўлиш!..

— Майли, майли, аъло ҳазрат, — деди Семён амаки мурасизлик билан.

— Жим бўл! — деди Смолич кўзлари чақчайиб. У қамчи ўқталиб солдат томон интилди, лекин даҳшат билан Катков унинг олдини тўсди. Бу ҳаракат поручикнинг кўзини очди. Бу ерда уни ҳеч ким қўлламайди. Федоркиндан ҳам умид қилиб бўлмайди. Ҳеч нарса кўрмагандек планшетига харитани жойлаяпти. Саидқул бир унисига, бир бунисига хавотирланиб қаради-да:

— Жаноб поручик, жўнасақ бўлади, — дея Федоркинга эмас, Смоличга мурожаат қилди. Шу пайт елкасига тарсиллаб қамчи тушди. Смолич бутун захрини унга сочган эди.

— Сиз, ҳаддингиздан ошманг! — деб юборди Владимир. — Сиз... сиз одам эмас экансиз!

— Нима-а? Мен сизни.. деворга тираб кўкрагингдан отаман!

— Тиролмайсан, бойвачча, — деди хотиржам оҳангда Катков, — сен айтган девор бу ерда йўқ.

— Бу ер қум, у эса сочилувчан бўлади, бошинггача кўмворади, — деб қўшимча қилди Семён амаки.

— Командамга қулоқ сол! — дея қичқирди Смоличнинг қилиғидан қаттиқ жаҳли чиққан Федоркин, — Олға ма-арш!

Саидқул группадан ўтиб кетиб, сал олдинда борди.

Владимир Иванович иш билан у ёқ-бу ёққа борадиган бўлса камдан-кам ёлғиз борарди. Кўпинча кичкина Рустамни ёки уй эгаси Юсуфни ҳамроҳ қилиб оларди. Юсуф илгариги ижарачисидан русчалаб гапиришни оз-моз ўрганиб олган эди. Владимир Арслон билан Рустам учун махсус «Алифе» ва бир неча грамматик машқ тайёрлаганди. Уларга вазифа берар, кейин қаттиқ сўрарди. Ўзи эса ўзбек тилини машқ қиларди...

... Арслон уч кундирки, тўғон бошида сув навбатини кутиб

ўтирарди. Кузги бугдойнинг соат сайин қовжираб бораётганини кузатиб ўтиришдан қаттиқ азоб бўлмаса керак. Лекин жизгинаги чиқаётган лахтак далалар ёнидаги ариқларда сув бор. Буларнинг ерлари ёнидан оқаяпти. Одамлар бунга чидайдилар. Аммо қачонгача?! Бу уч кун мобайнида ариқ оқсоқоли ҳеч кимга мурувват кўрсатмади. Лекин бу хўрликка Арслоннинг қариндоши Зариф ортиқ чидолмади, у ўрнидан туриб, ариқ оқсоқоли Бозорбойнинг олдига югуриб бориб, унга нимадир аччиқ гап қилди чамаси, иккита ёрдамчиси Зарифнинг икки қўлидан ушлаб олди, Бозорбой эса, қамчиси билан савалай кетди.

Арслон ва бир-икки ёш йигитлар ўртоқларини қутқаришга югуришди. Арслон бир интилиб, Бозорбойнинг қўлини ушлаб олди ва куч билан қайирди. Ариқ оқсоқоли вой-войлаб қамчини тушириб юборди. Арслон унинг кўкрагига тиззасини қадади.

— Ҳой, чувринди, қўлимни қўйвор, нима қилаяпсан? Ахир оғрияпти!— деб додлади Бозорбой.

— Ҳали жонинг оғридими-а? Уники-чи?— деб Арслон Бозорбойни бўйнидан бураб, юз-кўзи қонга беланган Зарифга қаратди.

Бозорбой оғриққа чидай олмай додлаб юборди ва яқинларидан бирининг орқасига тепди.

— Ўғлим, худо хайрингни берсин, қўй энди. Мен сендан сўрадим,— деди Толип бобо деган чол унинг чопони баридан тортиб.

— Хўп, ота,— деди Арслон ва ариқ оқсоқолини итариб юборди. Бозорбой Арслонга нафрат билан қараб қўйиб, қўлини, елкасини артди. Бутунлай ўзига келиб, хирқироқ овоз билан сабр косалари тўлган деҳқонларга қараб деди:

— Худо берган сув худонинг ердаги ноиб амир Абдулаҳаднинг ерига оқаяпти. Ҳаммаси худодан.

— Сен, Бозорбой худони ўртага солма. Бу камбағал бечораларни қандай талаётган бўлсанг, худони ҳам шунчалик талааяпсан!— деб кичқирди Арслон ғазаб билан.

— Деҳқонлар, бу дажжолнинг гапига учманглар. У келгинди! Қони бошқа унинг,— деди Бозорбойнинг шотирларидан бири, Арслонни қўли билан кўрсатиб.

— Мен ўзбекман, Бухоро амирлигида, ота-бобом ўтган ерда туғилганман. Сен, ювиндихўр, оғзингни юм. Сувни табиат халқ фойдалансин учун беради.

Қонга беланган Зариф Бозорбой томон бостириб борди. Одамлар қий-чув қилишиб, ёнини олиш учун унга яқинлашишди. Ариқ оқсоқоли бундан ваҳимага тушиб, тирақайлаб қочиб қолди. Шотирлари ҳам унинг кетидан қуён бўлишди.

Арслон кетмонни олиб, қулоқни очиб юборди ва сув деҳқонларнинг қақраб ётган экинзорлари томон шарқираб оқиб кетди.

Одамлар ўз экинлари тепасига ошиқишди.

— Сув келди, сув келди!— деб бақаришарди деҳқонлар...

Уларнинг ярим-ёрти ерлари сув ичди, кечга яқин Бозорбойнинг одамлари, амирнинг сарбозлари кўмагида деҳқонлар устига бостириб келиб, сувни яна бўғиб ташлашди. Ариқ оқсоқоли Арслоннинг устига от солиб йиқитди-да, қамчи билан савалай кетди. Сарбозлар уни милтиқ қўндоқлари билан уриб, бошини ёришди, ундан сизиб чиққан қон ариқдаги лойқа сувга қўшилиб, амирлик ерларига қараб оқди.

— Хўш, текин сувни ичиб бўлдиларингми?— деди ҳовридан тушмаган Бозорбой голибона киноя қилиб...

Сарбозлар Арслонни қўлларини орқасига боғлаб Қаршига олиб кетишди...

— Бола бечорани қатл этишади!— дея пичирлади кекса деҳқон, унинг ёш жонига ачиниб.

... Бироқ биринчи куниёқ Арслонни ўлимга ҳукм қилган қози Бобокалон ҳам, Бозорбой ҳам армонда қолишди. То Бухородан амирнинг фармонини олиб келишгунча Арслон зиндондан қочди. Одамлар орасида ҳар хил гаплар тарқалди, биров, йигитни худонинг

ўзи қўллаган, деса, бошқаси уни рус солдатлари қутқарганлигини оғзидан бол томиб тасдиқларди. Аммо у ерда нима бўлса бўлгандир. Арслон Чироқчи чўли ва Жом орқали Самарқандга етиб олди.

Қаршидаги сув тўпалони Ғузорга, ундан Яккабоғга ва Шаҳрисабз томонларга ҳам етди. У ерларда ҳам сув тақсимида норози деҳқонлар ғалаён қилишиб, тартибсизликлар чиқардилар. Нагижада Амир Абдулаҳад махсус фармон чиқариб, беклар ва арбоблар, ариқ оқсоқолларига бундан буён ғалаёнлар чиқмаслиги учун қаттиқ туришни топширди. Ҳар бир ариқ оқсоқоли ихтиёрига сарбозлар дастаси юборилди.

Арслон баҳонасида сув ичиб қолган далаларда буғдой бўлик бошоқ тортди. Деҳқонлар бу буғдойзорларни «Арслоннинг даласи», сувсизликдан қовжираб қолган экинзорни эса, «Бозорбойнинг даласи» деб аташди...

## Йигирма иккинчи боб

### Оби ҳаёт излаб...

Петербургдан ер қидирув ишлари билан танишиш учун келадиган олий мартабали амалдорнинг сафари бу ерларда кун одатдан ташқари исиб кетганлиги учун бекор қилинди. Бу ҳақда ҳарбий губернатор генерал Григорьев навбатдаги хатида Федоркинга хабар қилди. Бирок у кузгача тугатиш учун ишни давом эттиришни қатъий талаб қиларди.

Қарши чўли саратон палласида минглаб карвонни ҳайдовчилари билан бирваракайига қовурса бўладиган каттакон дошқозондай қизиб кетди. Тўғри, апрель ойидан бошлаб бу чўлдан, одатга кўра, карвон ўтмай қўйган. Лекин штабс-капитан Федоркиннинг экспедицияси эса июлнинг биринчи кунига қадар чўлда азоб чекди. Гармсел бошланганидан кейин одамлар чидаёлмай, сулайиб қолдилар. Ҳатто от ва туялар ҳам чўл томонга юришга безиллаб, тихирлик қила бошладилар. Чўлдаги ишни тўхтатишга тўғри келди.

Смолич бетобланиб қолди, уни офтоб урган эди. Бу камлик қилгандек, Федоркин группасидаги солдатлардан бирини сариқ безгак йиқитди.

Хуллас, чўлда ишлашнинг ортиқ имкони қолмади. Штабс-капитан ишларни тўхтатишга қарор қилди. Бошлиқларнинг рухсатини кутиб ўтирмай, бутун жавобгарликни ўз устига олиб, солдатларни Самарқандга, ҳарбий қисм ўрнашган ерга олиб кетмоқчи бўлди.

Жўнаш олдидан Владимирнинг олдига Семён амаки билан Антон Катков кириб келишди.

— Мана, сиз билан яна хайрлашяпмиз. Чўлда сизни яна ёлғиз қолдираяпмиз, — деди Семён амаки гуноҳкорона. У кўнглида кири йўқ киши экан, шу сабабли тезда одамлар билан тил топишиб кетди.

— Арслон тўғрисида ташвишланманг. Биз уни депога жойлаб қўямиз, — деди Катков.

Владимир хайрлашиб, солдатларни навбат билан қучди.

— Нимагадир сен бугун чумчуқларни эсламаяпсан, — дея Катков Семён амакига тегажўглиқ қилди.

— Чунки, ошнажоним, бу чумчуқлар, у бечора қушчалар бу ерларда иссиқдан сулайиб қолишди. Билдинг!

— Ҳа, ҳаммаси сулайиб қолди. Сең эса, ана, қари чумчуқ, ҳамон қанотингни қоқаяпсан, — деб Катков қўлларини силкитиб, югуриб-елиб юрган Семён амакига ишора қилди.

Ҳаммалари кулиб юборишди.

— Тани-жонингиз соғ бўлсин, бизлар ҳам касаллик бетини кўрмайлик, — дея Семён амаки Нашчекинга қараб деҳқончасига таъзим қилди. — Сўнг у ёқ-бу ёққа аланглаб чўқиниб олди.

Солдатлар кетишмоқчи бўлиб, эшикка юришган ҳам эдики, бирдан

болохона зинаси гижирлади, кимдир ҳовлиқиб тепага кўтарилди ва Владимир турган хонанинг тўсинлари лопиллади. Эшикда Федоркин пайдо бўлди. Владимир аввалига у ҳам солдатларга ўхшаб хайрлашгани келди, деб ўйлаган эди, ammo Федоркиннинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, гангиб туришидан нимадир бўлганини сезди.

— Тавба, етти ухлаб тушга кирмаган воқеа! — деди оғир хансираб Федоркин, — кейинги уч экспедициянинг барча материаллари гойиб бўлибди!

Бу хабар Владимирнинг ҳушини учуриб юборди. У Федоркинга анграйиб қараб қолди.

— Гилофларнинг ўзи қолибди... — дея қўшиб қўйди у.

— Бу хилватда бизнинг қоғозларимиз кимга зарур бўлиб қолди экан? — деди ниҳоят Владимир.

— Бу ерда бир чумчуқ, атрофимизда чирқиллаб юрувди, энди билсам, у олахаққа экан.

— Семён амаки ҳақ. Буни қозининг «Бурунбойи» дан бўлак ҳеч ким қилмайди, — деди солдат Катков Саидқулни назарда тутиб. — У бу қоғозлар атрофида жудаям пашшахўрда бўлиб қолувди. Лекин уни осонликча қўлга туширолмайсан. Маккор!

— Мен ҳам унга ишонмайман. Лекин айни чоқда... бизнинг қоғозларимизни бошига урадими? Улардан ҳеч бало тушунмаса, — деди Владимир анча бўшашиб.

— Мана машмаша! Самарқанддагиларга нима деб доклад қилман, — деди Федоркин жаҳл билан қўлини ёзиб.

— Ахтариш керак. Албатта ахтариш керак. Хужжатлар Қаршида, — деди эс-ҳушини йиғиб олиб, Нашчекин қатъиян.

Ҳаммалари биргаликда муфтининг ҳовлисига йўл олишди. Абдулла билан унинг отаси бирон-бир ақлли маслаҳат бериши мумкин эди. Улар Бузрук ҳожи қарвонсаройига етиб боришмаган ҳам эдиларки, рўпарадан паранжили бир аёл уларга қараб чопиб келаверди. Владимирни кўриб тўхтади ва чачвонини кўтарди. У Ойша эди. Унинг юзлари яра-чақадан хунук бўлиб кетган...

Ойша чаққонлик билан паранжиси тагидан бир неча ўрам қоғоз чиқарди-да, уятчанлик билан Нашчекинга узатди.

— Бу сизларники, — деди у ерга қараб. — Олинглар!..

— Қаердан олдингиз қоғозларни, Ойша? — деб сўради Владимир, изига қайтмоқчи бўлиб турган қизни тўхташиб.

— Бу ўрамларни акам олиб келиб, яшириб қўйди. Мен акам билан отам бу хужжатлар учун инглиздан қанча пул олишлари тўғрисида баҳслашаётганларини эшитиб қолдим. Бугун кечқурун у бизникига келади.

— Баракалла, қизгина! — деди Федоркин бу гапларни Катков таржима қилиб бергач.

— Бу керакли қоғозларни сизлардан ўғирлаганини тушуниб қолдим, — деди Ойша чимматини тушириб, қарвонсарой томон йўл олarkan...

Хужжатлар қай тарзда ўғирланганини аниқлаб, Саидқул билан ади-бади қилиб ўтиргилари келмади. Владимир ҳам, Федоркин ҳам шундай қилишса, қизга яхши бўлмаслигини ўйлашди. Лекин Владимирга қози Бобоқалоннинг ўғли Саидқул нафақат ўзининг шахсий душмани, балким халқининг ҳам душмани эканлиги аён бўлди. Дарвоқе, бу бошқаларга ҳам маълум бўлди.

— Қандай ифлослик, қандайин ифлослик! — дерди Федоркин ҳеч ўзига келолмай.

— Мен ахир айтувдим-ку, бу маҳаллийларга ишониш мумкин эмас деб, — дея пинғиллади Смолич.

Владимир билан Рустамжон командани шаҳардан ташқаригача кузатиб боришди. Рустам энди анчагина русча сўзларни билиб олган эди. Федоркиннинг орқасидан:

— Ваше блогородие! Прощай! Шагом марш!— деб қичқириб қолди.

Пиёда солдатлар ва отлиқ офицерлар кўзга кўринмай кетдилар, серсоқол киши билан мўртгина болакай улар кетидан кўтарилиб, ҳавода муаллақ осилиб қолган чанг этагига ҳамон қараб турардилар. Владимир ғамгинлик билан деди:

— Рустам, одамларни қурғоқчилик балосидан қутулишларига қандай ёрдам беришни билсам эди... Қани энди деҳқоннинг ерига ақалли бир челақ сув олиб бориб беришни билсам...— У Рустамнинг маъюсланиб қолганига кўзи тушиб, гапни бурди: — Бўш келма, пучуқ, бўлмагин чумчуқ. Семён амаки шундай дермиди?— деб сўради.

— Шундай,— деди бола жилмайиб.

— Солдатлар топқир халқ бўлади, нима деб гапиришни билишади.

— Ҳа,— дея тасдиқлади Рустам.

— Бирон иложини топамиз, Рустамжон. Агар дурустроқ ўйлаб кўрилса, табиатда уудалаб бўлмайдиган иш йўқ...

...Кечқурун Владимир Абдуллага тўсатдан туғилган фикрни, тоғдан музлик кўлини излаш ғоясини сўзлаб берди.

Абдулланинг юзи ёришиб кетди.

— Владимир ака, сиз бамисоли афсонавий Жамшид сингари халққа хомийлик қиласиз, Фарҳод сингари ариқ қазиб сув келтирасиз!

— Нега куласан, Абдулла, қанақа Жамшид? Нимадир қилиш керак-ку, ахир! Қара, деҳқонларнинг руҳлари қандай тушиб кетган...

— Улар нима қилсин?— деди Асадулла ҳожи гапга аралашиб.— Йўл билмаган йўловчининг кўнгли тоат-ибодатдан таскин топади. Ўғлим, жон куйдираётганинг учун сенга раҳмат, умринг узоқ бўлсин.

— Жудаям унчалик эмас, отахон! Абдулла ҳам, сиз ҳам... Мен арзирли нима қилибман-ки...

— Ота, мен Владимир билан тоққа бораман!— деди қизгинлик билан Абдулла.

— Яхши, ўғлим, лекин олдин Шаҳрисабзда биладиган одамларни изланглар. Улар бор у ерда...

Шаҳрисабзга кечаси кириб боришди. Эртасига эрталаб Қаршидан рус тўра бошчилигида музлик кўл излаб бир гуруҳ одам келганлигини бутун шаҳар билди. Кўплар маъқуллади, баъзиларга эса бу ният ёқмади. Кўпчилик бу савобдан қуруқ қолмаслик учун Асрор ҳожининг уйига йўл олди. Тушгача бундайларнинг сони эллик кишидан ошиб кетди. Уларнинг аксарияти теvarак-атрофдан келган деҳқонлар эди. Шаҳарлик меҳнат аҳлидан ҳам бир неча киши келганди. Улар — совунгарлар, кулоллар, бўёқчилар эдилар.

Тоққа борувчиларни Асрор ҳожи, Кўк гумбаз мачитининг имоми сингари кишилар қўллаб-қувватлаб, уларга оқ фотиҳа берган бўлсалар, қаердандир пайдо бўлган Даврон дарвиш ўзини ҳар хил кўйга солиб, тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатди. Лекин халқ унинг гапига кирмади. Айниқса уңи Абдулла, Владимир ва Зариф каби бошчилар шарманда қилишди. Даврон эса, Владимирни яниб қўйди...

## Йигирма учинчи боб

### Тоғдаги олишув

Абдулла қанча ялиниб-ёлвормасин, Владимир уни тоққа олиб кетишга кўнмади.

— Шу ерда қолиб, Шаҳрисабздан сув ўтишини кузатасан,— деди.

Владимир Ивановични Асрор ҳожи ҳам қувватлади.

Шаҳрисабз четигаги белгиланган ерга икки юзга яқин одам тўпланди. Уларнинг бариси сув излаб, Владимир билан бирга боришга қарор қилди. Ким отда, ким эшакда, кўпчилиги пиёда.



Кечкурун тоғ қишлоқларидан бири Тоштарошда тунашди. Қишлоқ четида шамолдан пана майдонда гулханлар ёқилди. Қишлоқ аҳли атрофдан уларни кўргани келди. Ким арпа нон, кими эчки сути, ҳеч нарса тополмагани қувачада булоқ суви кўтариб келибди.

Ҳар бир гулхан атрофида суҳбат қизиган, Владимир айланиб юриб, одамларнинг руҳи баландлигини ички бир мамнуният билан қайд этиб қўйди. У Қодир полвон деган деҳқоннинг даврадагиларни оғзига қаратиб айтаётган афсонасига қулоқ солди:

— Айтишларича, шу атрофларда сирли бир ғор бор экан. Ғорда бир неча марҳумнинг жасади ётармиш, уларнинг таналари ва ҳатто кафанлари ҳам чиримас экан. Ҳар куни кечаси шу ғордан нур таралар ва дод-фарёдлар эшитилар эмиш. Бу ердагилар уларни обиҳаёт билан ўлик сув посбонлари дейишади.

Қодир полвон ичидан бўйнига осиб олган чўпонларнинг мугуз карнайини олди-да, гувуллатиб чалди.

Ёшлар қўрқиб, ерга ётиб олишди.

— Қодир полвон, сенга ҳам ақл кирармикан ҳеч. Нега ёшларни қўрқитасан?— деб дакки берди Зариф қизиқчи. Улар эскидан қадрдон, бир-бирлари билан тепкилашиб катта бўлган эдилар. — Бундан кўрасига ўлик сувни эмас, обиҳаётни қаердан топишни гапириб бер уларга.

— Болаларим, ишларинг илоё ўнгидан келсин, обиҳаёт бор бу ерда,— деди қоронғилик ичидан чиқиб келган паст бўйли, қирғий бурун, соқоли оппоқ қария. Унинг эғнида қавима тўн, қўлида узун хасса. У Тоштарош қишлоғининг оқсоқоли Мақсум бобо эди. Гулхан атрофидагилар уни саломлашиб қарши олишди.

— Ўрдагу ғозлар шу кунларда тепага, муз қояга учаяпти. Мен шундан ўйлайманки, у ерда кўл очилган. Қадимдан оқсоқоллар, муз тоғда энг иссиқ паллада кўл очилади, дейишгучи эди,— деди у.

— Илгари ҳам ғоз-ўрдаклар тоққа учишармиди?— деб сўради Владимир.

— Йўқ, ўғлим, умримда биринчи марта шундай, катта қушларнинг тоғ чўққисига учинини кўриб турибман.

— Иссиқдан мияси қайнаб кетгандирки, учишаяпти,— дея сўз қотди Қодир полвон.

— Сенинг миянг қайнаган, бўлмаса тоғда сенга нима бор?— дея Зариф қизиқчи ҳазил қилди.

— Фаҳмимча,— деди оқсоқол, гулхандан бир нима топгандек, оловга тикилиб,— ҳар қалай у ерда сув очилган, йўқса, ғоз билан ўрдак тоққа дон сепсанг ҳам учмайди. Яна ўйлайманки, эрталаб қушлар ўзи йўл кўрсатади бизга. Йўл бошловчиликка мен ўғлим Зуфарни бераман.

— Муз қоя узоқми?— деб сўради Владимир, ҳаяжонини яширишга уриниб.

— Тоққа ўрганмаган киши учун бир кунлик йўл. Утган йили Зуфар иккаламиз эрталабдан кечгача қояга бориб қайтган эдик.

Эртасига тонг пайтида, қуёшнинг илк нурлари қорли чўққилар устига қирмизи алвонини ёйганида, Владимирнинг олдига қўллари узун, новча бир бола келди. У оппоқ текис тишларини ярқиратиб, уялинқираб кулумсириб деди:

— Мени сизга отам юбордилар.

— Зуфар сенмисан?

Владимир чўкич, мисранг ва портлагич моддаларни от, эшакларга юклаттирди, группага энг бақувват, эпчил кишиларни танлаб олди. Йўлга тушишди. Атрофи тикқасига кесилган чуқур дара остидан боришди. Ҳар ер-ҳар ерда шумтолллар, тилоғочлар, дўланалар учраб қолар, ҳаммаёқни наъматак бутаси босиб ётарди. Одамлар илдам юришар, баъзи бир тик довончалардан ошиш пайтидагина суръат пасаяр, оёқ остидаги майда тошлар ҳам йўлни оғирлаштиради. Тушга яқин юриш қийинлашди: одамлар қуриган дарё ўзани ичидан борардилар, улар ичкарилаганлари сайин ўзанда сув кўпаяборди. Сув оёқларни кесиб юборадиган даражада совуқ эди.

Олдинига сувни кўриб, шодланиб кетишди, лекин кейин у йўллари-га тўғаноқ бўла бошлади. Сув тобора кўпайиб, ҳам энига ҳам бўйига каттариб, тўлқинлар кучайиб борарди.

Оқсоқолнинг ўгли Зуфар Владимирдан бир қадам ҳам орқада қолмай олдинга интиларди. Йигит жуда тортинчоқ, камгап экан. Ҳар замонда бир гап қотади-ю, шу кўйи яна жим кетаверади.

Аҳён-аҳёнда тик қоялар устида арҳарлар кўзга ташланарди. Баъзан эса, оёқ остидан қип-қизил қирғовуллар потирлаб учиб қоларди. Арча буталари ичида ҳатто она айиқ болаларини эргаштириб юрганини ҳам кўришди.

Ҳамма мадори қуриб чарчади. Владимир нафас ростлаб олишга рухсат берди. Сув ёқасидаги харсанглар устига ўтириб, қотган нонни муздай сувга бўктириб еб олишгач, яна йўлга тушдилар.

Довонма-довон кўтарилиб, ниҳоят, катта муз қалъага чиқиб боришди. Булар Тоштарошдан чиқиб кетганларидан кейин сал ўтгач, тўрт кишидан иборат бир тўда ҳам улар билан қорама-қора худди соядай йўлга чиққан эди...

Бу ерда кун чарақлаб турган бўлса ҳам, лекин тапти йўқ эди. Қордан ҳосил бўлган деворлар орасидаги чуқурликда мовий ва шаффоф кўл ястаниб ётар эди!

Нашчекин музда тирғаниб, орқа оёқларида ўтириб қолиб, юришга қийналаётган отидан тушиб, кўл томон югурди. Аслида эса, кўрғо-шиндай оғирлашиб қолган оёқларини зўрға кўтариб босарди. Ҳаво сийраклашиб, нафас олиш қийинлашган, чакка томирлари лўқиллар эди.

Шунга қарамай, Владимир Зуфар ва бир неча деҳқон кўзгудек теп-текис, сув сатҳи бемисл ложувард билан ҳошияланган кўл ёқасига деярли бир вақтда қадам қўйишди. Кўл узунасига бир, энига ярим чақирим чамаси келарди. Башарти чуқурлиги аниқланса, қанча сув борлигини билиш мумкин бўларди.

Зуфар Владимирнинг ёнида турар, текис нафас олар, гўё мутлақо чарчамаган, олдингисидай сергайрат, бардам эди.

— Утган йили отам билан бу ерга келгандик. Ҳаммаёқни қор босиб ётарди, ҳозир бўлса... — деди Зуфар кулиб.

Владимир уни дарада кутиб турган одамларни айтиб келгани юборди. Ўзи бирпас дам олиб, кўл атрофини кўргани кетди.

Кўл қоялар ва улкан муз тепалар орасида қисилиб турган тухумга ўхшарди. Сув лиммо-лим тўла, эриган кўрғошинни эслатар, қилт этмасди. Фақат бир жойидан Владимир кичкина туширми топди. Ундан сув чулдираб пастга оқиб ётарди.

Кўлнинг чуқурлигини ўлчаш учун кўп уринишди. Олдинига тош ташлаб кўришди. Лекин бу усулдан ҳеч нима чиқмади. Шунда Қодир полвон ечиниб, сувга тушди-ю, худди ари чаққандек ўша захоти қайтиб чиқди. Кўлнинг муздай сувида бир нафас ҳам туриб бўлмасди. Лекин, яна бир неча шоввозлар сувга тушишди, сув уларни ҳам қирғоққа ўқдай отиб юборди. Булар ҳам одамларга мазах бўлишди.

Зариф билан бирга юзга яқин деҳқон келди. Кўпчилик ҳавонинг сийраклиги ва совуқни кўтара олмай, қайтиб кетди. Шундай қилиб, кўл бўйида етмишга яқин ёш, бақувват йигитлар сараланиб қолди.

Зуфар бир гуруҳ йигит билан пастдан шумтолнинг йўғон гўласидан бир нечасини олиб чиқди, жун арқонда уларни бир-бирига боғлаб, сол ясашди. Зуфар толпоя билан итариб, кўл билан эшиб, кўл ўртасига борди. Тош боғланган юз газча узунликдаги қиларқонни сувга туширди.

Арқон батамом сувга чўккач, қўлини карнай қилиб, қирғоққа қараб қичқирди:

— Арқон тугади! Ҳаммаси сувга чўкиб бўлди!

Унинг овозидан чўкиб кетган гозларнинг каттақон галаси кўлнинг нариги адоғидаги қўлтиқдан ғақ-ғуқ қилиб осмонга кўтарилди.

— Ғозлар! Ғозлар! Қаранглар, ғозлар!— ёш боладай терисига сиғмай яна бақирди Зуфар.

— Қирғоққа суз!— деб қичқирди унга Владимир. У кўлдаги сув миқдорини тахминан ҳисоблаб, етти куб километрга яқин сув борлигини аниқлади. Бу бутун Қарши воҳасини бир марта суғоришга етар эди...

Тун тинчлик билан ўтди. Тонг отиши билан юқорига чиқиб, сунъий туширғи белгиланган ердаги муз тепани синдиришга тушиб кетишди. Чўқморлар зарбидан муз парчалар атрофга сачрарди. Тушга яқин муз тўғондан кичик ариқ очишди. Пастга сув шовуллаб оқди. Бироқ улар муз қатламини очган. Унинг тагидаги тошни кўпориш керак эди. Тошдевор тагини тешиб, портлатгичлар ўрнатилди.

Одамларни хатарсиз ерга олишгач, Владимир портлатгич ипини ёқди. Зум ўтмай оламини ларзага солиб қудратли портлаш гумбурлади. Портлаш акс-садоси қоялардан қояларга урилиб, анчагача гулдураб турди. Гердайиб турган қоя остига портлатгич қўйилган жойда эса майда тош ва муз зарралари булути кўтарилди ва қояларнинг совуқ бағридан қутулиб, пастга отилган сувнинг даҳшатли гувуллаши эшитилди.

Чанг-тўзон тарқагач, таърифга сиғмас ажойиб манзара намоён бўлди. Кўлдан пастга улкан сув оқими шовва бўлиб тушар, пастдаги харсангларга урилиб, атрофга сачраб ётган миллионларча зарраларда қуёш нури аксланиб, камалак ҳосил қилган эди...

Иш битган, кетиш керак эди.

Улар жарлик тубидаги қуриган ўзани тўлдириб оқаётган дарё бўйлаб аста пастга тушар эканлар, бирдан юқорида яна гулдураган овоз эшитилди ва кўл чайқалиб, муз қирғоқлардан тошиб кетди. Кўлга жуда катта муз бўлаги қулаган эди. Кўлдан тошиб чиққан тўлқин одамларга етиб олди, уларни суриб, тошларга уриб, пастга ўтиб кетди. Улар енгил-елпи яра-чақа бўлиш билан қутулишди. Жикқа ҳўл ва юрак олдириб қўйган одамлар пастга қараб апил-тапил тушишар, кўлга яна бошқа муз бўлаги қуламасдан бехатар жойга етиб олишга шошилар эдилар.

Сув изловчилар пастга шошаётган шу дамларда Даврон бошлиқ уч дарвиш уларнинг қаршисига интилар эди. Асрор ҳожи бу жин урган одамдан эҳтиёт бўлишни тайинлаганида ҳақ эди: у Нашчекиндан қасд олишни ният қилганди.

Даврон Владимир билан деҳқонларни беҳуда уринишлардан сўнг чарчаган, мадори қуриган ҳолда учратишга умид боғлаган. Куч-қувват ва ўз ишларига ишончларини йўқотган одамлар қаршилиқ кўрсатишга қодир бўлмайдилар. Урисни бўлса шовқин-суронсиз, ими-жимиди йўқ қилиш мумкин, деб ўйлаганди...

Улар бир неча соат юрганларидан кейин музликлар нафасини туйишди, совуқ шамол бадан-баданларидан ўтиб кетди. Шу пайт тоғларни ларзага солиб қаттиқ портлаш янгради. Давроннинг одамлари нима бўлганини билмай ерга юзтубан ётиб олдилар. Қасир-қусур қилиб харсангларни юмалатиб тушаётган сувнинг гувуллашини эшитишди, то ўзларини ўнглаб олгунларича бўлмай, сел уларни сидириб, чирпирак қилиб айлантириб, лой ва музга аралаштириб пастга оқизиб кетди. Фақат кучли ва чаққон Давронгина эпчиллик билан жар ёқасида ўсиб ётган асрий арча шохларига тирмашиб қолди. Сув оқими ўтиб кетгач, у юқорига кўтарилишда давом этди. Мана у, пастга тушаётган кишилар, отларни кўрди, аммо улар орасида серсоқол ўрис йўқ эди. «У юқорида бўлса керак!»

Қалин арчазор орасига писиб, энди нима-қилишини ўйлаб ётганида, яна гувуллаш эшитилди. Қўрққанидан юраги орқасига тортиб кетди. Қоя устидан ошиб тушаётган улкан сув устунини кўриб, мени ҳам сел олиб кетар экан, деб ўзини йўқотиб қўйди. Аммо, бу кўлга қулаган муз бўлагининг ваҳимаси эди. Даврон ўзига келиб, бир-биридан ўзиб пастга тушиб кетаётган деҳқонларни кўриб қолди. Улар майдончада ҳаяллаб ўтирмай, асбоб-ускуналарини апир-шапир йиғиш-

тириб пастга ошиқишарди. Даврон битта қоятош тайлаб, унинг орқасига бекиниб, қулай фурсатни кутиб ётди. У деҳқонларни, Қодир полвон билан Зарифни ўтказиб юборди. Владимир кўримсиз от миниб келар, тез-тез орқасига ўгирилиб, Зуфарни тезроқ юришга ундар эди...

Даврон Нашчекинни нафрат билан кузатиб қолди, аммо, тегмади, ортиқча гувоҳни ҳам орадан кўтариш керак эди.

Зуфар Давроннинг олдидан ўтаётганида, устига калхатдай ташланди-да, бошига тош билан урди, оёғини узангидан чиқариб, отдан итариб юборди. Даврон Владимирнинг орқасидан анча жойгача от чоптириб борди. Владимир от туёқлари товушини эшитмай бемалол кетаверди...

Жар иккига ажралган жойда Даврон Владимирга етиб, унинг отига ўтиб олди. Отдан жарга улоқтириб ташлашга уриниб кўрди, лекин Владимир унинг қоплон терисидан қилинган камарига маҳкам ёпишиб, уни бўшати. Улар ерга ағанаб тушишди. Отлар юкдан қутулиб, чопиб кетишди. Иккаласи бир-бирига ташланишга тайёр бўлиб сакраб туришди. Улардан икки-уч қадам нарида тубсиз жарлик ҳувиллаб ётарди.

— Эй, Фарҳод! Тош-йўндингми-а!— деди дарвиш тантанавор кулиб.

— Мен бу ерда сув топдим, Даврон! Пастдагиларга у ҳаводай зарур! Биродарларингга, барча одамларга зарур! Сен буни тушуна оласанми?

— Сен мен йўқотган гавҳарни топгансан! Қани, бер уни!— деб дарвиш Нашчекинга ташланди.

У кучли эди, аммо Владимир ҳам қаттиқ қаршилик кўрсатди ва уни бир неча бор йиқитди. Давроннинг кашкули узилиб жарга думалади, қоплон териси ҳам дабдала бўлди. Аммо ҳали у қолдан тоймаганди. Пайт пойлаб туриб дарвиш Владимирни босиб олдида, голибона хириллади.

— Кофир! Кунинг битди! Сени бу тепага менинг париларим ҳайдаб келган!

Даврон ўрnidан сапчиб турди-да, Нашчекинни жарга итариб юборди.

Владимирни қоронғу тушгунгача излашди, аммо натижа чиқмади. Қодир полвон сўқмоқда қонга беланиб ўтирган Зуфарни топиб олди. У бошини ушлаганча бутун танаси билан тебраниб инграр эди. «Нима қилди? Владимир ака қани?» деган саволга ҳеч қандай жавоб беролмади. Бошига юқоридан тош тушиб кетгандай бўлганини айтди.

Кеч кириб ҳамма ёқни қоронғилик босди. Владимир Ивановични излашни эрталабга қолдиришди.

## Иигирма тўртинчи боб

### Саритабиб

Бу жойларга хос бўлмаган, ғайри-табиий бир гулдурос унинг ҳаловатини бузди. Кийиниб кулбасидан ташқарига чиқди.

Ўрта бўйли, чорпахил, сап-сарик сочлари отнинг ёлидай ўсиб, чўтир япалоқ юзини ўраб олган, худди шундай малла соқоли Саритабиб деган исмига мутлақо мос келарди. У қўлда тўқилган бўз чалвор кийган, эғнида туя жунидан тўқилган энгсиз чакмон, оёғида архар терисидан чорик.

Сари табиб кўп йиллардан буён одамлардан узоқда яшар, оламнинг ишларига деярли аралашмас, одамларни кам кўрар, унинг булутлар орасидаги маконига дардларига шифо истаб чиқишган пайтдагина у инсон зоти билан учрашар эди.

Саритабиб кўк тошдан ясалган кулбаси олдида туриб, кафтини пешонасига қўйди-да, гулдурак овози эшитилган томонга қаради.

Оппоқ нуқрадай ялтираб ётган қорлар ўртасидаги баҳайбат кўкиш булутга тикилиб разм солди. У аста тарқар, ёмғир булутига ўхшамас эди.

— Бу нима бўлиши мумкин? — деди Саритабиб оёғига суйкалаётган бўрибосарга.

Ярим яшар бузоқдай келадиган пахмоқ ит ҳам булут томон қаради. Нималигини билолмай, вовуллади.

— Ҳа, Помир, сени ҳам ҳайрон қолдирдим бу ғалати ҳодиса? — деди, итнинг бошини силаб Саритабиб. — На чора, нима бўлганини бориб кўриб келамиз-да.

Саритабиб кулбага шопилмай кирди, енгсиз почапўстинини кийди, бошига қалпоғини бостирди, белига узун қиларқонни айлантириб боғлади-да, унга ойболтани қистирди, елкасига милтиғини осиб, сўнг Помирни эргаштириб эчки сўқмоқдан дара томон бамайлихотир йўлга тушди.

Улар икки соатча юриб, муз чўққининг нариги томонига етиб боришди. Тоғни яна қудратли гумбурлаш ларзага келтирди.

Помир гужанак бўлиб, осмонга сапчиди-да, ғазаб билан хурди.

— Ҳа, қўрқиндими? Тоғ қулади шекилли...

Эгасининг овози итни тинчлантирди ва у сўқмоқ билан олдинга чопиб кетди.

Қиррали чўққини айланиб ўтиб, табиб ити билан музлик томон туша бошлади. Саритабиб бу ерда бир неча бор бўлган, бу ерни муз водийси деб атаганди. Рўпарасида бирдан намоён бўлган ажойиб манзарани кўриб, қотиб қолди: муз водий ўрнида кўм-кўк бўлиб кўл ястаниб ётарди. Саритабиб туширғи олдидан очилган шаршарани, пастда айқириб оқаётган дарёни кўрди.

Одам билан ит кўлга қараб югуришди. Итнинг аккиллашидан хурққан ўрдак ва ғозлар осмонга кўтарилишди.

— Тоғда ўрдак-ғоз нима қилиб юрибди?! Епирай, жин-пин чалмадимикан мени!..

Ит кўл олдидаги ясси харсанг майдончага бориб алланималарни искаб юрарди. «Бу ерга одамлар келишган. Ҳалиги гулдурос портлаш овози экан!» деди фикран Саритабиб ниҳоят тушуниб. У харсангга ўтириб, Бўрибосарнинг ёлини таради.

— Қарияпмиз, Помир. Мулкимиздаги шундай кўлни кўрмаб-миз-а...

Ит кўзларини мўлтиратиб, калласини эгасининг тиззасига қўйди.

— Уксинма, мен ҳам айбдорман. Ахир биз, саратон бошлангандан буён муз водийга чиқмаган эдик-да, бу орада эса кўл очилибди.

Ит маъқуллагандек ингиллади.

— Ўрдак бор экан, мана иккаламизга ҳам иш топилди.

Кўл узра ўқ товушлари янгради ва қўрқиб кетган ўрдаклар осмонга сапчиб, пастга шўнғий бошлади. Ит ишга тушиб кетди, овчининг буйруғисиз сувга сакраб, ўлжани дарҳол келтирар эди.

— Сув совуқ — хўжайиннинг итга раҳми келди. — Бўлди энди, кетамиз. — У милтиқни елкасига осди. — Борайлик-чи, балки дарада одамлар бордир.

Пастга тушиб, Саритабиб ёқилган жуда кўп гулханлар изига дуч келди. Диққат билан бу ерни кўздан кечириб, қанча одам тунаганлигини таҳминан аниқлади ва кўноқни шошилиш тарк этишганини тушунди. Демак, нимадандир хавфсирашган. Афтидан, кўлга қулаган, ҳозир ҳам улкан қоядай сувдан учи чиқиб турган музликдан қўрқишган.

— Яна муз қулайди кўлга, — деди у Помирга, — сув-музлик этагидан пастга тушган заҳоти. — Бу яхши. Тўғрими? Сув водийга анча вақт оқиб туради.

Улар дарадан секин боришарди. Саритабиб ўнтача ўрдакни бошини пастга қилиб белига осиб олган, кийимга қон теккан. Тош сўқмоқда ҳам қон томчилари кўринди, сўқмоқни кесиб ўтибди. Итнинг

ёли тиккайди ва у безовталаниб ҳуриди. Бу дарвиш Зуфарга хужум қилган жой эди.

— Бу ерда афтидан олишув бўлган, ё ношуд чавандоз отдан йиқилган...— дея овоз чиқариб фикр юритди Саритабиб.

Жар иккига ажралган, айрилишда ҳам тошларга сачраган қонга кўзлари тушди, тош атрофида олишув бўлгани аниқ кўриниб турарди, кийимдан йиртилган парчалар аллақандай ҳайвон териси — парчалари сочилиб ётарди.

— Қоплонникига ўхшайди. Лекин бу ерларда у анчадан бери яшамайди,— деб ҳайрон бўлди Саритабиб. Кўпнак жар тепасига борди-да, бирдан у ёқдан-бу ёққа чопиб, аянчли гингший бошлади.

— Нимани кўриб қолдинг у ерда?— дея Саритабиб жар ёқасига борди. Ун метрлар чамаси пастада шамолдан эгри-бугри бўлиб ўсган арча ёнида қимирламай ётган одамни кўрди.

— Бечорани қутқариш керак, Помир. Ишқилиб тирик бўлсин... Саритабиб қиларқондан сиртмоқ қилиб, харсанга солди ва ёш йигитлардай чаққонлик билан арқонга осилиб пастга тушди. Одам тирик экан. Саритабиб қўл теккизиши билан у инграб юборди, лекин ҳушига келмади.

— Қизиғи шундаки, Помир,— деди ит ёнида йўқ бўлса ҳам овоз чиқариб табиб.— Бу — европалик.

Саритабиб нотаниш одамни арқонда тортиб олиб, сўқмоққа ётқизди-да, юзига сув сепди, кейин оғзига қуйди. У тамшаниб бир неча қултум ичди.

— Ичяпти, демак, ўлмайди...— севиғиб кетди табиб...

Саритабиб уни кулбасига олиб борди. Владимир бир вақт кўзини очиб, тепасида ўтирган одамга қаради. Табиб унинг руслигини пайқаб, ҳижжалаб сўради:

— Нийма б-бўлди?

Владимир заиф товушда русчалади, сўнг бу одам унинг сўзларини аранг тушунаётганини кўриб, ўзбекчага ўтди.

— Дарвиш Дарвон мени қоядан ташлаб юборди.

— Оббо ярамас-эй,— деди — Саритабиб хўмрайиб.— Дарвон — иблис боласи! У зулмат қўйнида туғилган. Шунинг учун у бировга ҳеч яхшилиқ қилмайди...



— Ҳа, у аблах ва евуз одам!— деб тасдиқлади Владимир ва табибга сув излаш саргузаштлари, Давроннинг қасос олиши сабабини ҳикоя қилиб берди.

Саритабиб Владимирга ўрдак шўрва берди. Озгина мўмиё ичирди. Бемор ухлаб қолди. Тахминан икки ҳафталардан сўнг Нашчекин кулбада у ён, бу ён юра оладиган бўлди, сўнг Саритабиб ясаб берган қўлтиқтаёқда тоза ҳавога чиқди. Боши айланиб, кўзи тинди. Қуввати қолмаганди. Владимир оёғини судраб Саритабибнинг ҳовлисини айланди, уни қизиқиб томоша қилди. Озиқ-овқат сақланадиган кичкина омбор тош териб ясалган. Девор ёнида ҳали чаласи бор ўймакор эшик ётар, унга нақшлар ўйилганди. Рус унинг ишини диққат билан томоша қилаётганини кўриб, Саритабиб деди:

— Йигит кўрки соқол, гап кўрки мақол, аёл кўрки ибо, бозор кўрки дўкондаги савдо, саройники ҳашаматли дарвоза дейдилар. Бекорчиликда шундай тахта йўниб, нақш ўйиб ўтираман...

Саритабибнинг кулбасида ўтказган кунлари Владимир учун мазмунли бўлди, бу файласуф ва ҳақимдан у кўп нарса ўрганди...

Кунлардан бир кун Саритабибнинг кулбасига Эргаш кўпкарчи билан Абдулла отда келди. Эргаш кўпкарчи Бухородан қайтиб келибди-ю, Нашчекин йўқолиб қолганини эшитиб, уни қидиришга тушибди, улар у ёқ-бу ёққа кўп чалғимай, дарҳол Саритабибнинг кулбасига йўл олишибди. Бу ерга келиб, Владимирни кўрганларида қанчалик қувонишганини қўяверасиз! Олдин Абдулла, кейин Эргаш кўпкарчи у билан узоқ қучоқлашиб кўришишди.

— Сиз, яхши одамларнинг, бизнинг халқимизнинг дўстисиз. Тоғ кўлидан сиз туширган сув ҳозир ҳам Қашқадарё далаларини суғораяпти. Сиз одамларни очлик балосидан қутқардингиз. Сиз ҳақиқий йигитсиз,— деди Эргаш кўпкарчи.

— У йигитгина эмас, балки файласуф ҳам!— деди Саритабиб.

Бу учрашувдан ҳамма хурсанд эди. Кечқурун Саритабиб Владимирнинг қўлидан тахтакачни ечиб олди. Қўли букилмади. Афтидан, суяк синган жойига пай кириб, битиб қолган эди.

— Сени, ўғлим, зудлик билан жароҳга операция қилдириш керак. Синиқни янгилаб, кўлингни ўзим ҳам тўғрилашим мумкин-у, лекин касалхона шароитида операция қилингани яхшироқ. Энг яқин касалхона довоннинг нарёғида, Самарқанддаги руслар турадиган ерда. Йўлга отланиш керак...

Эртасига эрталаб Владимир, Абдулла ва Эргаш кўпкарчи табибнинг кулбасини тарк этишди. Баланд қоя устида Саритабиб узоқ туриб кузатиб қолди ва итнинг мунгли увлаши ҳам анчагача эшитилиб турди.

## Йигирма бешинчи боб

### Черневский

Черневскийларнинг уйига Владимир алоҳида ҳаяжон билан етиб келди. Утган сафар бу ердан чиқиб кетаётганида яна қайтиб келишини ўйламаганди. Бу хонадондагиларни, айниқса Киранни у меҳр ва муҳаббат билан эсларди. Саритабибнинг кулбасида ётган ўша қийин кунларда Кира унинг нажот фариштаси бўлди. У ўша қизнинг хаёли билан дармонга кирди, ҳаётга қайтди.

Владимир тортинибгина тақиллатди эшикни. Уй эгалари кечқурун чой ичишиб ўтирар, Николай Иванович «Туркистанские ведомости» газетасини кўриб чиқаётган экан. Кўзойнаги тепасидан эшикдан кириб келувчига ҳайрон бўлиб қаради.

— Во ажобо!— дея столдан қадини кўтариб, хитоб қилди Черневский.— Владимир Иванович?

— Кўриб турганингиздай, худди ўзгинаси.

— Тирик экансиз-да? — дея севиниб кетди Наталья Никитична. — Худога шукр, тирик! Бизга айтишган эдики...

— Кира Николаевна қаерда? — деб сўради Владимир, ҳаяжонини яшириб.

— Кирочка Тошкентда, уч ой бўлди. Шафқат ҳамшираси тайёрлайдиган курсда, ўқияпти, — деди ҳовлиқиб Николай Иванович.

— Епирай, қўлингизга нима бўлди, азизим Владимир Иванович? — дея сўради Наталья Никитична, бирдан пайқаб қолиб.

— Бу синфий кураш натижаси, — деди Абдулла жиддий тусда. Ярим кечагача гаплашиб ўтиришди.

— Бизда ҳаёт чидаб бўлмас даражада оғирлашиб кетди. Охранка кутуряпти: ёппасига тинтув, қамоқ. Большевикларни айниқса, жонжаҳдлари билан овлашяпти, — деди Николай Иванович.

— Икки ҳафта бурун бизнинг уйимизни ҳам ағдар-тўнтар қилишди, — дея нолиди Наталья Никитична.

— Ҳар қалай, бу ерда шунақанги гаплар, — деб кулди Николай Иванович.

— Бизнинг даха назоратчиси Охапқинни энди қўяверасиз. «Мен биламан, — дейди. «Сизларда марксизмдан бор», дейди. Наташа нима деб жавоб қилди денг, «биз уни чой билан ичиб юбордик!» дейди. Эҳ, бу гапдан кейин унинг қутурганини бир кўрсангиз эди.

— Бари бир, уйимиздан икки қўлини бурнига тиқиб чиқиб кетди. Фақат чинни вазани чил-чил қилди. Қўлинг сингур! — деб эрининг сўзини тўлдирди Наталья Никитична.

— Келган бало вазага урди. Агар тинтув бўлишини олдиндан билиб қолмаганимизда, мен оёғимда кишан, Сибирда юрган бўлардим ҳозир. Кейинги ойларда кўпгина ўртоқларни қамоққа олишди.

— Меньшевиклар нима қилишяпти? — деб сўради Владимир Иванович.

Улар бебош бўлиб кетишди. Энди уларни ликвидаторлар деб аташади. Чор режими шароитида революция ҳомхаёл, деб гап тарқатишяпти. Қурулми қўзғолон эмас, балки ислохатлар қилиш керак — ҳақиқий революцион йўл шу эмиш. Ишчилар синфига таянишни хато деб ҳисоблашади. Мана нималар деб валдирашгача бормадилар.

— Э, бу барча оппортунист-у, штрейхбрехерларнинг эски ашуласи! — деди Нашчекин газабланиб.

— Мен РСДРП(б) ни даҳшатли куч деб эшитдим. Чор ҳукумати ундан бекорга қўрқмайди-да, ахир. Унинг айрим аъзоларини Сибирга, Осиега сургун қилишмоқда, — деди Абдулла, чин дилдан ҳайрон бўлиб.

— Биласанми, Абдулла, сенга қандай, осон тушунтирсам экан... Бизнинг партиямизнинг аъзолари ҳозирги эксплуататорлик тузумидан норози кишилар. Улар биргалашиб курашмоқ учун ягона сиёсий ташкилот — Россия социал-демократик партиясига бирлашганлар. Партиямизнинг назарий асоси марксизм, бугунги куннинг шиори: демократик республика, бой ва помешчиклар ерларни мусодара қилиш, саккиз соатли иш куни... Тушунтира олдимми?

— Нега, ҳаммаси равшан, — деб жавоб берди Черневскийнинг гапини диққат билан эшитаётган Абдулла.

— Кўрдингми, — деб давом этди Николай Иванович, — партияннинг мақсади жиддий. Чоризм ўз ихтиёри билан таслим бўлишни истамайди, албатта. У қутуриб қаршилик кўрсатмоқда, партия аъзоларини турмаларга тиқмоқда, марказдан олисларга сургун қилмоқда. Мана шундай оғир шароитда, революцион шиорларга қизиқиб, енгил ғалабага ишониб партияга кирган иродаси бўш одамлар ортга чекиндилар. Улар ўзларининг қўрққанликларини хаспўшлаш учун турли «гойлар», «назариялар» ўйлаб топдилар. Улар қатта курашнинг ўзини шубҳа остига олдилар! Бахтимизга, улар озчиликни ташкил этади...

— Мана, кадрдонимиз Илья Терентьевич ҳам келиб қолдилар! —



дея Николай Иванович Федоркиннинг истиқболига юрди. Наталья Никитична Федоркинникига бориб, меҳмонлар келишганини айтиб келган экан. Владимир билан Абдулла севиниб, саломлашиш учун турганларида, у ҳижолатомуз жилмайиб қўйди.

Федоркин Владимирга яхшилик қилмоқчи бўлди.

— Сизни ҳарбий госпиталга ётқизиш керак. У ерда тажрибали жарроҳлар бор, яхши қарашади беморларга.

— Лекин буни қандай уддалайсиз? — деб сўради Николай Иванович. — Ҳарбий госпиталга сургундаги одамни қўйишадими?

— Борди-ю, бошлиқларга: ер қидириш бўйича Қарши экспедицияси раҳбари тоғдан йиқилиб, қўлини синдириб олибди, дейилса-чи?..

— Нима ҳам дердим, агар бу ишингиз амалга ошса, Илья Терентьевич, ажойиб бўларди-я!

Эртасига тушга яқин Владимир силлиқлик билан госпиталга жойлаштирилди...

— Отагинам, сизга кўп ямоқ солиш керак экан, — деди уни кўраётиб ҳайрон қолган жарроҳ. — Қаерда бу аҳволга тушдингиз?

— Тоғ ҳар кимнинг ҳам бошини силаб ўтирмас экан, — деб жавоб берди Владимир, тафсилотини айтиб ўтиргиси келмай.

Унга кўрсатилган палатага коридордан ўтиб бораётиб поручик Смоличга тўқнаш келиб қолди. Унинг сарғайган юзлари бужмайиб кетди.

— Сизми? Бу ерда? Ҳарбий госпиталда? Қайси ҳуқуқингиз билан?

Владимир ҳеч нима деб жавоб бермай, ўтиб кетди.

Эртаси куни уни оғир операция қилишди. Наркоз бермай, битган қўлни қайта синдиришди, суяк орасида қисилиб қолган пайни чиқариб олишди. Чидаб бўлмас оғриқ азобиغا қарамай, Владимир ҳатто «вой» ҳам демади.

— Сиз, отажоним, жони қаттиқ одам экансиз, — деди жарроҳ операциядан сўнг.

— Доктор, қўл қалай? — деб сўради ундан Нашчекин.

— Қўлингиз яхши, ўз аслидай бўлиб кетади, ҳозир сизга тинчлик керак, — деди доктор алоҳида таъкидлаб.

Николай Иванович билан Наталья Никитичнага бир неча соатдан сўнг беморни кўришга рухсат беришди...

Улар олиб келган нарсаларини столга уйиб ташлашди.

Анчагача у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтиришди. Хайрлашиб чиқиб кетаётиб Наталья Никитична: «Эртага Кира келаяпти», деб шивирлади кулоғига.

— Ўртоқларинг ҳам шу ерда, киришга навбат кутиб ўтиришибди, — деди Черневский.

Булар чиқиб кетишгандан сўнг палатага бирин-кетин Абдулла, Семён амаки ва солдат Катковлар кириб келишди. Улар ҳали Нашчекин билан саломлашиб улгурмай, палатага европача кийинган бир йигит отилиб кирди-да, бемор ётган каравотга эгилди.

— Владимир ака, сизга нима бўлди? — ҳовлиқиб сўради у. Бу Арслон эди. Арслон жуда ўзгариб кетибди. Қарашлари маънодор, қатъий, ўзини зиёли одамдай тутади.

— Бўлди, чумчуқвой, шунча чулдираганинг етар, биз ҳам саломлашайлик тоғ лочини билан, — деди Семён амаки каравот четига ўтириб.

— Мана, яна кўришдик... — деб Семён амаки гап бошлаган ҳам эдики, коридорда шовқин эшитилди ва эшик шиддат билан очилиб, ичкарига поручик Смолич бостириб кирди. Унинг ёнида госпитал бошлиғи, пенсне таққан, семиз киши ҳам бор эди.

— Биринчидан, — дея пенсели кишига мурожаат қилди ғазабланган поручик, — сиёсий сургун қилинган кишини ҳарбий госпиталга нечук ётқиздингиз? Иккинчидан, қачондан буён ҳарбий

госпиталга ерлиларнинг киришига рухсат бўлди? — у узун бармоғини бигиз қилиб, Абдулла билан Арслон томон ишора қилди.

— Текшираамиз, текшираамиз, бу англашилмовчиликдир, — деди госпитал бошлиғи, поручикнинг ҳаяжонини унча писанд қилмай, бамайлихотир жавоб қилиб.

— Сиз ҳам шу ердамисиз, ерлиларнинг содиқ дўсти ва биродари, Катков? — деди Смолич кесатик билан. — Қаршидаги қилиғингиз учун берилган гауптвахта озлик қилдимми?

— Жаноб олийлари, сиз ҳам касалмисиз? Сизга худо бало юборганини қаранг-а, — деди кўнгил сўрагандай поручикнинг қизишиб турганини пайқамаганликка олиб Семён амаки.

Поручик бир муддат каловланиб қолди. Лекин Катковнинг айёрона қарашини, Арслоннинг кўзидаги нафрат учқунлари, бунинг устига Семён амакининг таҳқирий шамалари — буларнинг ҳаммаси уни қутуртириб юборди, лаблари ўликниқидек кўкариб кетди...

Эртаси куни эрталаб Смолич ўз палаткасида, дераза олдида ғўдайиб туриб, Нашчекинни госпиталдан қувиш, Самарқанд генерал губернатори қошидаги охрнка бўлимига сиёсий сургундаги одам ҳарбий госпиталда, офицерлар палаткасида ётганлигини айтишни ўйлаб турган эди, госпитал дарвозасидан кириб келаётган Киранни кўриб қолди. Смоличнинг юзига қон югурди ва қизни кутиб олиш учун коридорга шошди... Бироқ Кира унга қиё боқмай Нашчекиннинг палаткасига кириб кетди. «Ё худо! У сиёсий сургундининг олдида нима қилади?» Смолич эшикни зарб билан очиб, ичкари кириб ва тахтадай қотиб қолди: Кира Нашчекиннинг бўйнига осилиб турар эди!

— Мен, мен!.. Биласизми!.. — дея қичқирди поручик.

— Йўқол бу ердан! — деди унга Владимир.

Кира ҳам поручикка ўтирилди-да:

— Илтимос, кетинг, — деди...

Улар бир-бирларига меҳр тўла нигоҳ ташлашар ва шу пайтда бир жон, бир тан бўлиб кетгандек, иккаласида ҳам битта юрак уриб тургандай эди: «Бирга бўлиш қандай яхши экан-а? Бироқ қачонгача бу бахтли дамлар...» Бу фикр Владимирнинг яхши кайфиятига раҳна соларди.

Худди унинг фикрларини уқиб тургандай Кира бирдан мулойим, лекин, қатъий овозда:

— Биз тезда бирга бўламиз, Володенька, — деб қолди, — худонинг ўзи Бухоро амирига инсоф бериб, у фавқулодда бир хайрли ишга қўл урибди.

Владимир ҳайрон бўлиб, унга тикилди. Кира жавоб ўрнига Нашчекиннинг қўлига Тошкентда рус тилида чиқадиган «Туркестанские ведомости» газетасини тутқазди. Газетанинг биринчи бетида қора ҳарфлар билан терилган кичкина хабар остига қизил қалам билан чизиб қўйилган эди.

«Бухоро амири Саид Абдулаҳад Баҳодирхон ҳазрати олийлари хонлик тахтига ўтирганини 25 йиллиги муносабати билан Бухоро ҳукумати маблағи ҳисобига Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида, шунингдек, Ғузурда ҳар бирида беморлар ётиб даволаниши учун бешта каравоти бор бўлган, аҳоли стационар ва амбулатория жиҳатдан даволашга мослашган европа типидagi шифохоналар таъсис этиш истагини билдирдилар. Бу касалхоналар дини, миллати ва табаалигидан қатъи назар, барчага хизмат қилади.

Касалхоналарнинг қонун-қондаси ишлаб чиқилди, хизматчилари сони белгиланди ва Бухоро амири ҳазрати олийлари томонидан маъқулланди. Бухоро хонлиги ушбу шаҳарларда очиладиган шифохоналарда ишлашни хоҳловчи кишилар бир ҳафта ичида округ ҳарбий-санитарлик инспекторига мурожаат қилишларини сўрайди».

Владимир газетадан кўзини олиб, Кирага қаради.

— Наҳотки сен шунга боришга қарор бердинг? — дея сўради, тўлқинланиб Владимир.

— Ҳа, Володенька, мен округ советига илтимоснома ёздим. Рози бўлишяпти. Бу тақдир,— деди секин, лекин, ишонч билан Кира Владимирнинг бағрига кирди...

Тушлиқдан кейин госпиталга назоратчи Охапкин кириб келиб Владимир Ивановичга ўз ортидан юришни буюрди. Нашчекинни операция қилган хирург уни тўхтатишга уринган эди, унинг гудда тошган қизил мағиз юзи қорайиб кетди.

— Бу ҳеч мумкин эмас. У медицина муассасаси хомийлигидаги одам. Ахир бор-йўғи уч кун бўлди оғир операция қилинган. Тушун-япсизми, оғир операция.

— Тушунмайман,— дея жарроҳнинг гапини шартта кесди Охапкин.— Қани тез отлан!— дея ўшқирди у Нашчекинга.

— Ҳаққингиз йўқ. Ҳатто уруш пайтида ҳам Қизил крест даҳлсизлигидан фойдаланади,— деб гапга аралашди госпитал бошлиғи.

— У уруш пайти. Бу эса, большевик — Россия империясининг душмани. Билдингми?— деб ириллади Охапкин.— Сенларга ҳам, чириган интеллигенция, большевикларнинг думлари, навбат келади ҳали, кўрасанлар!

Владимир Ивановичга қўлини бўйнига осиб, госпитални тарк этишдан ўзга илож қолмади. Кўп ўтмай у деярли бир йил аввалгидек Самарқанднинг ҳарбий губернатори қаршисида ҳозир бўлди.

— Ҳа-а, Чернишевский, э, йўқ, Нашчекин, яна шу ердамисан? Бу сафар энди орқа йўлдан, рухсатсиз-а? Балки Сибирга боргингиз келиб қолгандир. Э, йўқ. Сизни Осиё, даҳшатли Бухородаги маҳлуқлар еб кетсин.

Генерал шу ерда турган Охапкинга қаради. У генерални қувватлади:

— Маҳлуқлар бу ерда кўп, улар жуда юхо, буни, жаноби олийлари, бир нафасда еб ташлашади.

— Гап бундай, Охапкин, бу сафар сен уни то чегарагача ҳайдаб бориб, орқасига тепиб, нарёққа ўтказиб келасан. Тушундингми?

— Худди шундай, жаноби олийлари, мен уни шундай қилиб кузатаманки, у болаларига ҳам Самарқандга боришни маслаҳат кўрмайдиган бўлади. Хи-хи-хи...

— Ана шунда яхши бўлади. Эсингда бўлсин Нашчекин! Бизнинг томонларга қадам босмайсан!

Назоратчи генералнинг кўрсатмасини амалга оширишга жон-жаҳди билан киришди. Галга солмай иккита полициячини ҳамроҳ қилиб олиб, Самарқанддан чиқиб кетди.

Ой тиккага келганда Охапкин довонга етиб борди ва ўлгудай чарчаган Владимирни буюрилганидек, Қоратош олдида қолдириб, орқасига қайтди.

## Иигирма олтинчи боб

### Қувғинди

Баланд тоғ устида бир киши ёлғиз ўтирибди. Енгил шабада студентлик камзули барларини қилпиратади. Қўйлаги ёқаси ҳам очиқ. Тоғ салқин, унинг танаси алангайи оташ бўлиб ёнади, калласидаги фикрлар бонг уриб, тугён кўтаради.

Ҳаёт... У аввалига уни билим уммонига, агар сузиб борадиган соҳилингни аниқ билиб олмасанг фарқ бўлиб кетишинг мумкин бўлган денгизга рўпара қилди.

Ешлик пайтида ҳаёт Владимирдан, «Бу адолатсиз дунёда тинчгина кун кечиришними ёки ноҳақликларга қарши курашни танлайсанми?— деб сўради.

Энди бўлса империя сарҳадидан четга қувилиб ўтирибди. Лекин руҳи бўшашмади. У ҳокимлар ўртасидаги — у Россия императорими,

Бухоро амирими, бари бир, даҳшатли ўхшашликни фаҳмлади. Уларнинг ҳар иккисининг ҳам оддий халқ ҳаёти билан ишлари йўқ. Фикри-зиқри ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш...

Владимир Китоб томон аста тушиб бормоқда. Тоғда кечаси юриш қийин экан. Ун чақиримча йўл босиб, мадори қуриди, каттакон яси тош устига ўтириб, бир лаҳзада ухлаб қолди. Одамнинг тушига нималар кирмайди дейсиз! Яна Владимирнинг олдига Саритабиб келди. Қўллари билан унинг яраларини силаган эди, у бирдан енгил тортди.

— Сиз интилаётган нарсанинг бари кўп қийинчилик, азоб-уқубатлардан кейин кураш, қурбонлар эвазига юзага чиқади,— деди у мулойимлик билан.— Лекин сиз ҳаммасига чидайсиз, чунки сиз кучли, тоғлар ҳам тан берган оққўнгил одамсиз.

— Йўқ!— деди жонҳолатда бақриб, қоронғилик ичидан чиқиб келган дарвиш Даврон.— Бундай бўлмайди!— кейин у Владимирнинг синган қўлига бир туртди. Владимир уни итариб юбормоқчи бўлган эди, кучи етмади. Даврон эса, бундан севиниб кетиб, унинг қўлини яна баттар бурай бошлади, Владимир оғриққа чидолмай инграб юборди.

— Нега қўлимни қайирасан, пасткаш одам?— дея пичирлади унинг ёрилган лаблари.

Шу пайт Рустамжоннинг қўнғироқдай янгроқ овозини эшитиб қолди.

— Владимир ака, жон акажон, мени ҳам бирга олиб кетинг.

Бола қичқирар ва йиғлар, қўлларини устозига узатиб, унга талпинар, лекин улар ўртасида дарвиш Даврон ғов бўлиб турарди. У худди қузғун қанотини ёзгандай чурук чопони барини ёзиб, кўзидан ўт сочар эди. Тўсатдан Рустам Владимирнинг кўзи одида худди девдай катта бўлиб кетди, бамисоли парни ушлагандай икки бармоғи билан ёвуз дарвишни чимчилаб кўтарди-да, қоядан пастга улоқтириб юборди. Дарвиш қаердадир тубсиз дара остида зорланиб, қаттиқ додлаб юборди. Лекин негадир унинг сояси қолди Рустам эса ўзининг асл ҳолатига қайтди.

— Владимир ака, бу тоғнинг машаққатли йўлида мен сиз билан бирга бораман.

Владимир ўрнидан туришга ҳаракат қилди, қўлининг оғриғидан уйғониб кетди. Атрофига аланглади. Ҳеч зоғ йўқ, ойнанинг совуқ нурида қоялар ваҳимали кўринади. Олдинда бир-икки довон бор эди. Ундан ўтиб, манзилга етиб бориш учун тушида эмас, ўнгида ҳали анча юриши, кўп тўсиқларни енгиши, аллақанча кўнгилли ва кўнгилсиз воқеаларни бошидан кечириши керак бўларди...

Алишер ИБОДИНОВ,  
Хайдарали НИЕЗОВ  
таржимаси





Восит  
Саъдулла

## Хушхабар

Хушхабар кутаман ҳар куни,  
Юрагим орзиқиб, бесабр.  
Хушхабар қувончи беизн  
Хаёлимни ўйнатар бир-бир.

Хушхабар кутаман ҳар куни,  
Сўзланиб мен ўзимга-ўзим.  
Ҳали келмай хушхабар, тонгдан  
Рухим енгил, чарақлар юзим.

Бир йўловчи ўз ҳамроҳига  
Қувончини сўзлаб боради,  
Менинг учун бу ҳам хушхабар,  
Юрагимга севинч солади.

Тўйга айтган дўстимни кўриб,  
Қувонаман, бу ҳам хушхабар.  
Янги уйга янги оила  
Кўчгани ҳам менга мўътабар.

Қувонаман дорилфунунга  
Биров кирса, эшитган замон.  
Тўнғич фарзанд кўрган ёшларнинг  
Шодлигидан шодман бегумон.

Деса биров: «Касалхонадан  
Бемор кулиб чиқди саломат»,  
Сезиб ўзим худди ўшандай  
Қувончга фарқ бўламан ғоят.

Яшаргандай бўлади дунё,  
Карнай, «ёр-ёр» тинглаганим он.

Жамиятга бугун энг қутлуғ  
Кўшилди деб янги хонадон.

Фан номзоди бўлган ҳар ёшни,  
Кўрсам, чунон яйрайман хушхол,  
Беихтиёр, қувонганимдан,  
Табрикка сўз излайман дарҳол.

Мукофот олганлар чехрасин  
Кўрсам, ортар шодлигим яна.  
Кўнгли тўлган деҳқоннинг баланд  
Хирмони ҳам менга тантана.

Янги асар ёзган адибнинг,  
Шодлиги ҳам эзгу хушхабар.  
Қувонтирар бутун бир элни  
Ҳар бир янги ихтиро, зафар.

Бир отардан икки отарча  
Қўзи олган чўпонга шараф.  
Бу хабарни ўқиган оним  
Яйрар кўзим, қутдай — ҳар тараф.

Хушхабарсиз кун йўқ элимда,  
Тилдан-тилга учиб юрар у.  
Рухлантириб ҳар бир кўнгилга,  
Куч бағишлаб, кўчиб юрар у.

Хушхабарда хосият улуг.  
Унинг билан яшарар олам.  
Қуриб кетсин нохуш шумхабар,  
Эл бошига ғам келтирар, ғам.

Шунинг учун тилагим қутлуғ,  
Хушхабар кутаман ҳар кун.

Эшитган он хушхабар, босар  
Юрагимни шодлик тўлқини.

## Комим раво қил

Тиларман, эй ҳаёт, сендан менга комим раво қилғил,  
Ҳаётимни, бериб оро, элимдек дилрабо қилғил.

Агар юз ёшга кирсам ҳам билинмас кўҳна оламга,  
Менга, ҳеч бўлмаса, осон шу истакни ато қилғил.

Не бўрон, қаршиликларга қулочим катта очгайман,  
Яшаб бўлмас бунингсизким, мени мушукулкушо қилғил.

Мунофиқзот разилларни, ҳаёт, ҳукмингга топширдим,  
Ўзинг «қилмиш-қидирмиш» деб, ҳакам, лойиқ жазо қилғил.

Умр, ҳар бир кўнгил парвоз этолмас дўст-қанотларсиз,  
Менга содиқ, азиз элдошларимни ошно қилғил.

Агар мен ёру дўстларга хиёнаҳ айласам зарра,  
Кечиктурмай, ўшал асно, бу жонимдан жўдо қилғил.

Умр магноси эл севмоқ, бу қутлуғ бурчни сен, Восит,  
Шу имоним, шу каъбам деб ҳамиша иқтидо қилғил.

## Шукр, юртим

Шукр, юртим, мени бундоқ ўзингга жонажон қилдинг,  
Қаёнда бўлмайин кўнглим баланд, комим раво қилдинг.

Бир эл, юртларга деб овоза бўлмас боғу бўстонсиз,  
Ватан, гулзоринга шайдо, саҳар булбулзабон қилдинг.

Ҳар инсон умри оламда тўкис ўтмоғи мушукулдир,  
Менинг умримни ҳам даврон гоҳи яхши, ёмон қилдинг.

Ажал ҳар бир қадам элга қараб турган замонларда  
Паноҳингда мени асраб, ҳаёт, жоним омон қилдинг.

Омон қолган бу жон ҳаққи, буюр, ҳар ишга тайёрман,  
Бунингдекким, мени соҳиб гўзал, дилбар замон қилдинг.



Таниқли шоир ва драматург Восит Саъдулла егмиш ёшга кирди. У ўзининг эллик йиллик ижоди давомида шеърининг турли вази ва шаклларида асарлар яратиб, халқимиз ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлди. «Отам дутор, танбур, ғижжак ясовчи уста бўлгани учун, — деб ҳикоя қилади шоирнинг ўзи, — унинг шаҳардаги дўконига, уйига Фаргона водийсининг машҳур ҳофизлари, созандалари тез-тез келиб туришар, газаллар ўқишар, хонишлар қилишар, шеърят ҳақида тонготар суҳбатлар бўлгувчи эди». Ёш Воситнинг юрагига шеърга иштиёқ чўғини ана шу суҳбатлар ташилаган бўлса ажаб эмас. Кейинчалик, у шоир сифатида танила бошлаган пайтларда Андижон шаҳрида яшаб ижод этган Собир Абдулланинг хонадонига ўша даврнинг кўзга кўринган шоирларидан Ғафур Ғулом, Ғайратий, Умаржон Исмоил, Зиё Саид, Ҳамид Олимжонлар ташириф буюришиб, навоийхонлик, фузулийхонликлар қилишар эдилар. Бу суҳбатларга бевосита қатнашиб юрган Восит Саъдулланинг шеърга иштиёқ чўғи аланга олди, ижоднинг қизғин қучоғига кирди. Бармоқ вазида ёзилган

*Умрларга баҳо келгай мўдом бунёду меҳнатдан,  
Дебон, даврим дегай элга не лойиқ армуғон қилдинг.*

*Элим кўп таъналар қилмай, афв этгай дебон, Восит,  
Адо оз, гарчи сен сўзни, билиб қўй, бир жаҳон қилдинг.*

## **Номалар кўп хушзабон**

*Номалар кўп хушзабон, сен қайда-ю, мен қайдаман,  
Лек кўришмоқ йўқ ҳамон, сен қайда-ю, мен қайдаман.*

*Очма сўз асло висол айёмиданким, лоф бўлур,  
Ургамизда бор довон, сен қайда-ю, мен қайдаман,*

*Иккимиз хизмат, ўқиш боис йироқ ҳар ердамиз,  
Интизорлик бегумон, сен қайда-ю, мен қайдаман.*

*Соғиниш тоблар кўнгилларни муҳаббат тобида,  
Кўзга кўз тушгай қачон, сен қайда-ю, мен қайдаман,*

*Севги сабрлик тилар ҳар ошиқу маъшуқадан.  
Тоқ эмас, тоқат чунон, сен қайда-ю, мен қайдаман.*

*Тоғ кўришмас тоғ билан, инсон кўришгай бир кунни,  
Деб умидим бир жаҳон, сен қайда-ю, мен қайдаман.*

*Бўлса бас ўз аҳдида, ёринг келур, Восит, аниқ,  
Айтма ўқиб ҳар замон: сен қайда-ю, мен қайдаман.*



*шеърлари билан бир қаторда арузда ғазаллар ҳам машқ қила бошлади.  
Бухородан Андижонга келган шоир Султон Жўра билан танишуви Восит  
Саъдулла учун алоҳида аҳамият касб этди. У Султон Жўра билан ҳамкор-  
ликда илк бор йирик асар «Ирода» музикали шеърлий драмани яратди. Асар  
саҳналаштирилди, муваффақият қозонди.*

*Восит Саъдулла бугунги кунда «Жўр», «Сайқал», «Хуросон юлдузи»,  
«Олам дилрабо», «Юз ғазал», «Жонажон» шеърлий китобларининг, шу-  
нингдек «Ҳамроз» девонининг муаллифи. Унинг икки юзга яқин ғазал ва  
мураббаълари қўшиқ бўлиб кетган. Адабиёт ва санъатга оид мақолалари,  
қизиқ хўжалик илғорлари ҳақида ёзган очерк, лавҳалари коммунистик  
қурилиш жабҳаларида иш бермоқда.*

*Ўзбек совет адабиёти соҳасидаги хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлган Восит Саъдулла  
бугунги кунда ҳормай-толмай ижод қилмоқда. Кўп минг сонли журналхон-  
лар номидан отахон шоиримизга сиҳат-саломатлик, ижодий муваффақи-  
ятлар тилаймиз.*



Тўра  
Сулаймон

Харсанг

Эртак

Яқингина замонда,  
Оқтов деган томонда  
Яшаркан оға-ини,  
Шодон ўтиб ҳар кун.  
Шу йўсин давлатлари  
Ошиб, қурашиб бормиш,  
Шағни-шавқатларига  
Олқиш ярашиб бормиш.  
Бора-бора укаси  
Серфарзанд бўла бормиш,  
Бу борада оғаси  
Орқада қола бормиш.  
Жон кўп уйда ташвиш ҳам,  
Сўзсиз, оша боради,  
Карвон бир, ризқи бошқа  
Ҳам қураша боради.  
Тирноққа зор бўлибди  
Ака шўрлик, на чора.  
Бу дунёда ҳеч кимнинг  
Бўлмасин бахти қора!  
Ич-ичидан эзилар  
Ука ўйлаб оғасин,

Дебди:  
— Бефарзандликни  
Ҳеч бир бошга солмасин.  
Меросхўри бўлмаган  
Йигит-армонли банда.  
Фарзанд жондир, фарзандсиз  
Жон не қилсин бу танда.  
Бирдан тағна, бирлардан  
Дашном эшитар оға:  
— Сержўжа кишиларга  
Бўлсин бу жон садаға,  
Дунёнинг не қизиғи  
Бордир боласиз зотга?  
Е Гўрўғли мисоли  
Меҳр қўйдинми отга?  
Бу юришда эл ошин  
Еб, бермассан юртга ош,  
Ўз билгингдан қолмасанг,  
Юра бергил сўққабош.  
Бу тағналар оғанинг  
Кўксин ўртаб боради.  
Табиатнинг иши бу,



Тўра Сулаймоннинг томирларида бахши шоирлар қони оқади.  
У 1934 йилда Жиззах область, Бахмал районидagi Алдашмон қишлоғида туғилган. 1939 йилда оиласи билан Мирзачўлга кўчиб боради. Улуғ Ватан урушининг қоронғи кечаларида Эргаш Жуманбулбул ва Фозил Йўлдош ўғли айтган дostonларни давраларда ўқиб юради, улардан таъсирланади — завқ-шавқ олади. Тоғаси Сулаймон чечан Ҳожи ўғли, айтган термалар, эртақлар дostonлар жон-жонига чуқур сингади.  
Шоир 1950 йилдан бошлаб шеърий машқлар қила бошлайди, шунинг баробарида, халқ термаларини йиғиб юради. 1962 йилда унинг илк шеърлар



Кимга ҳам дард ёради.  
 Рўзгоридан мисоли  
 Илон чиққандай бўлар.  
 Тўлғонади тун бўйи,  
 Чаён чаққандай бўлар.  
 Оҳ урса, оғзидан ўт  
 Отгилиб, ўрғанади,  
 Орзусига етолмай  
 Қоврилади, ёнади.  
 Қолмади бош урмаган,  
 Сигинмаган бир ери.  
 Тўғри чиқмас барининг  
 Башорати, таъбири.  
 Бу ғамларга чидолмай,  
 Сочларига оқ тушиди.  
 Эсиз, юзига ажин  
 Хиёл эртарақ тушиди.  
 Хогин ҳайрон, хогин лол  
 Эрининг бу ҳолига.  
 Не кечар эрта кун,  
 Бу келмас хаёлига.  
 Кундан-куну ойдан-ой,  
 Йиллар ўтиб орадан,  
 Топилгандай ногаҳон  
 Бир хум тилло қўрадан,  
 Мустажоб бўлиб шўрлик  
 Оға ёлворишлари,  
 Беҳудага кетмасдан.  
 Кўзларининг ёшлари,  
 Бошқоронғи бўлмишдир  
 Хиёл шаддод хотини,  
 Эр алишмас дунёга  
 Эндиги ҳаётини.  
 Руҳи, суяги енгил,  
 Учгани йўқ қаноти.  
 Дебди:  
 — Уғил бўлса гар,  
 Нима бўлади оти?  
 Топиболди бўлмайди —  
 Топиб толганимиз йўқ.  
 Сотиболди бўлмайди —  
 Сотиб олганимиз йўқ.  
 Рустам ҳам чакки эмас,  
 Қошқийди Али бўлса.  
 Кал бўлса ҳам майлига,  
 Бахти, иқболи бўлса.  
 Шундай қилиб ушалди  
 Эр-хогин армонлари.  
 Уғилли бўлиб қутлар  
 Дўст-душман — ёронлари.  
 Тошдан қаттиқ бўлсин деб,  
 Исмин Тоштемир қўйди.  
 Базми тўйга улаб,  
 Қўзи сўйди, қўй сўйди.  
 Уканинг қувончи ҳам

Сигмасди еру кўкка.  
 Утов тикди, ўтов  
 Ухшарди камалакка:

Ипакдан тортмалари,  
 Увиқлари учқатдан.  
 Чанғарағи — тўлин ой,  
 Белдовлари барқутдан.  
 Совға қилди ўтовни,  
 Оға ҳурмати учун,  
 Утов билан қулунли  
 Бия ҳамда саночин.  
 Боланинг атрофида  
 Барчаси ҳам парвона,  
 Энди ўзини мутлақ  
 Бахтли санарди она.  
 — Тилаганга не берар?  
 — Учқуқ ё пучуқ берар.  
 Бунга ҳам чидамаса,  
 Тиллари чучук берар, —  
 Деганларидай, бола  
 Дуркун ўса бермади,  
 На чора, бағридан ел  
 Тиниқ эса бермади.  
 Назарланса бир кун,  
 Бир кун учинади.  
 Барчаеи ҳам боланинг  
 Ҳолига ачинади.  
 Бу ҳам етмагандайин,  
 Тили ҳам чиқа бермас.  
 Қулоғи сал оғирдай,  
 Гап-сўзи уқа бермас.  
 Кун сайин инжиқлашиб,  
 Эт олмасдан боради,  
 Уз тенги болаларга  
 Етолмасдан боради.  
 Етти ёшга тўлса ҳам,  
 Йиғлаб ейди овқатин,  
 Бу тенги болакайлар  
 Кўликда ташир ўтин.  
 Кўклам ҳам келиб, қирда  
 Бошланиб кетди ишлар  
 Қўш қўшиб, ер ҳайдамоқ,  
 Бундан бошқа юмушлар.  
 Тирикчилик тошдан ҳам  
 Қаттиқ замонлар экан,  
 Ер қаттиқ, осмон йироқ,  
 Деган бир онлар экан.  
 Оға бирмас, икки кун  
 Қолибди қир, далада  
 Қўли ишда бўлса ҳам,  
 Уй-хаёли болада.  
 Оға ғамида уни  
 бир ширбоз қўзи сўйиб,  
 Калла-поча осибди,

тўплами — «Истар кўнгил» чоп этилади. Шундан сўнг «Мен қайга борар бўлсам», «Илтижо», «Қорақўзгинам», «Интизор», «Сизни эслайман» каби поэтик китоблари, «Қорасоч», «Интизор», «Жаҳонгашта» достонлари нашр этилди. Тўра Сулаймон «Тўйбоши», «Ҳамқишлоқларим» сингари публицистик мақолалар, халқимиз тилига тушган бир қанча кўшиқларнинг муаллифи ҳамдир.

Заҳматкаш шоиримиз Тўра Сулаймонни кўп минг сонли журналхонларимиз номидан қутлуғ 50 ёши билан муборакбод этамиз, унга сиҳат-саломатлик, ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Нимтани тузлаб қўйиб.  
Дастурхон атрофида  
бола-чақа янгаси.  
Бир маҳал Тоштемирнинг  
Бошланмиш хархашаси.  
Уни берса олмайди,  
Буни берса олмайди,  
Бари бирдай уриниб,  
Кўнглини ололмайди.

Калла гўшти улашар  
Уй эгаси барчага:  
— Тили сенга, қулоғи  
Нортойлоққа, Норчага.  
Мияси Эшпўлатга,  
Танглайи Момохолга,  
Холбуеига бир кўзи,  
Бир кўзи Донохолга.  
Тугғи Тоштемирга,  
Югуриб-елиб юрсин.  
Оёғи олти бўлиб,  
Йўлини билиб юрсин.  
Оёғи, янга, сизга,  
Ҳеч оёқдан қолмангиз.  
Кўндан орқада қолиб,  
Овсиндан уялмангиз.  
Уй бекасига тўши,  
Менга недир қолса бас,  
Тақсимот хусусида  
Гап бўлмасин, илтимос.  
Бироқ янга бўзариб,  
Созариб қолди шу дам,  
Нималардир дейишга  
Чоғланарди дам-бадам.  
Зил-замбилдай қўзғалди,  
Зўрға туриб ўрнидан.  
Эшак қурғи тушарди  
Бамисоли бурнидан.  
Овсин эса парвона,  
Нима бўлди сизга, деб,  
Бирон нарса келдими  
Хаёл-ўйингизга, деб.  
Бироқ тамом тундлашди  
Қошлари, қовоқлари.  
Уйи томон жўнади,  
Гезариб ёноқлари.  
Тонг отар-отмас, қирга  
Йўл олди шошиб-пишиб,  
Кўнглида қайнисига  
Кудурати қалашиб.  
Дастурхон ёзар-ёзмас  
Тўкиб солди бор гапни,  
Гап эмас, фисқу-фасод,  
Кераксиз бир алафни:  
— Ҳар кимники ўзига,  
Ой кўринар кўзига,  
Чидай олмасдан келдим  
Шу қайнимнинг сўзига.  
Кеча кеч калла осиб,  
Чақирди бизларни ҳам.  
Роса ҳақоратланди  
Бегуноҳ, шўрлик болам,  
Калла гўшти улашиб  
Борлиқ болаларига,  
Тоштемирга келганда,  
Тур дегандай нарига.

Сенинг тенгинг шудир, деб,  
Қўлига туёқ тутди.  
Кечагина қай ҳолда  
Юрганлигин унутди.  
Айтинг-чи, Тоштемирнинг  
Тенги туёқ эдими?  
Елғизимнинг шунчалик  
Кўнгли қуроқ эдими?  
Бу дегани:  
Бош бўлмай,  
Оёқ бўлсин, дегани.  
Қўлида китоб эмас,  
Тайёқ бўлсин, дегани.  
Менга ҳам оёқ бериб,  
Хўрлагандан-хўрлади.  
Укангиз бизни чўри,  
Ўзини бек чоғлади.  
Шу бўлдимиз уканинг  
Акага оқибати,  
Бунчалик қилмас эди  
Бўлса қатра уяги.  
Уни бошда кўтариб,  
Одам қилган сизмасми?  
Шуни ўйласа, сиздан  
Бир умрга қарзмасми?  
Бу гапларни эшитиб,  
Титроқ босди оғани,  
Гўёки олов-ўтга  
Айланди жону тани.  
Хўрланиб-хўрлангандай  
Сезди шу дам ўзини.  
Ранги рўйи қув ўчиб,  
Эслайди елғизини.  
Бироқ буни бировга  
Айтадиган дард эмас.  
Инидан бўлак ҳеч ким  
Ҳамнафас, ҳамдард эмас.  
Дили оғриган билан  
Хотинига бермай сир,  
Дейди:  
— Угламай бекор,  
Ўйлаб сўйла, бетаъсир.  
Билсанг туёқ тутгани,  
Югрук бўлсин, дегани.  
Сенга оёқ бергани.  
Сергак бўлсин, дегани.  
Гапни чўзмай, жўнаб қол,  
Сувга айт бу тушингни,  
Беҳудага вайсамай,  
Йиғиб ол эс-хушингни.  
Хотин кетиб, укаси  
Келди оға қошига.  
Жондай бовурдошининг  
Тиз чўкиб ёнбошига,  
Эрқаланиб ёзади  
Қайта бошдан дастурхон.  
Дер:  
— Улуш, насибангиз  
Бу яхна гўшт, устихон.  
Кунда-кунда егани  
Нимта ҳам ола келдим,  
Қолган зираворларни  
Хуржунга сола келдим.  
Ини қанча парвона  
Бўлса ҳамки, оғаси  
Ҳеч очила бермади —

Вайрон кўнги қалъаси.  
Ука сезиб турибди  
бу ҳолнинг сабабини:  
Янгаси очиб кетган,  
Демак, фисқ «китоб» уни.

Ез ўтиб, куз ҳам келди  
Барака, қути билан.  
Эл-улусга ризқи рўз  
Шира-шарбати билан.  
Оға билан уни ҳам  
Уроққа тушиб кетди.  
Дилда кек унутилиб,  
Қалби туташиб кетди.  
Бири хўп кўшар бўлса,  
Бири ҳозирлар тушлик.  
Бири эшир бирига,  
Уртада вақтихушлик.  
Поёнига етди иш,  
Дон бошқа, сомон бошқа,  
Текин ош таңга юқмас,  
Ишлаб топган нон бошқа.  
Ака хурсанд, ука шод  
Кўтарилган хирмондан.  
Оға дер укасига:

— Гап эшит энди мендан;  
Ҳисобли дўст айрилмас,  
Деган эски нақл бор.  
Ҳисоб-китобли жойда  
Диёнат бор, ақл бор.  
Шу сабабдан, иккига  
Бўлсак дейман хирмонни,  
Лекин бир-биримиздан  
Аямасмиз бу жонни.  
Бу гапимни кўнглингга  
Яна олиб ўтирма,  
Нега бундай қилди деб,  
Иним, бошинг қотирма.  
Оғанинг бу гапига  
Ини бўлди хайрон, лол,  
Кўзларига ёш олиб,  
Берди у шундай савол:  
— Эт тирноқдан айрилса,  
Урни жароҳат бўлур.  
Орадан гап-сўз ўтмай,  
Айрилсак уят бўлур.  
Майлига дони сизга,  
Менга бўлсин сомони.  
Бироқ ноаҳилларнинг  
Ярим бўлмасми нони?  
Ростин сўйланг, не ўйлар  
Келди хаёлингизга.  
Сабабини билмаслик,  
Армондир инингизга.  
Оғанинг топган важи  
Шу бўлади инига:

— Емон ўй, ёмон хаёл  
Келмасин ҳеч кўнглингга.  
Чиллали боланинг ҳам  
Бўлармиш жойи бошқа.  
Шерикли ош бор ерда,  
Пашша тушади ошга.  
Омбор бўлак бўлса-да,  
Витта эрур жонимиз.  
Мақсадим: мудом тоғув  
Бўлсин хонадонимиз.

Шундай қилиб, чош хирмон  
Бўлинди тенг иккига,  
Капсан ҳам ажратилди  
Йўқсил, есирникига.  
Йиғиб олинди ҳосил,  
Хотиржам — оға-ини.  
Меҳнат аҳли қатори,  
Уртача кўрган кунни.  
Меҳмон келса қўлма-қўл  
Бўлади ўргаликда,  
Уйлари туташ, фақат  
Девор бор ораликда.  
Бироқ баъзан билинар  
Ука сал зикналикда,  
Кўп жонлиги сабабли  
Ранг-рўйи сомонликда.  
Бир хотин, бир ўғилли  
Ака хотамтойликда,  
Дунёни сув олса ҳам,  
Беғам, бепарволикда.  
Кузнинг иши кулдан кўп,  
Бир ёқли бўлди ишлар.  
Қишлик ем-хашак, ўтин...  
Дегандайн ташвишлар.  
Узун оқшомлар ака  
Уйлайди укасини:

— Ишқилиб қазноғининг  
Берсин баракасини.  
Болалари ёш ҳали,  
Қўли бир оз калтадир.  
Бор топганин ёзгача  
Етказолмас, бари бир.  
Бекор қилдим хирмонни  
Иккига бўлиб бошда,  
Хотинда бу айб асли,  
Лазнати бағритош-да.  
Молу дунё топилар,  
Лекин топилмас жигар.  
Кенг феъл, кетмас давлат бер,  
Илоҳим, парвардигор,  
Дея туриб ўрнидан,  
Қазноқ томон йўл олар.  
(Ниятини хотини  
Сезиб қолса борми гар...)  
Иниси қазноғига  
Тушди буғдой ташишга,  
Ташимоқдан беллари  
Сал қолди майишишга.  
Тонгда туриб, омбордан  
Хабар олган бўлади,  
Кандиклар бут, бу сирга  
Хайрон қолган бўлади.  
Кандиклардан бир дона  
Буғдой олинмагандай,  
Аввалда қандай бўлса  
Ҳозир ҳам худди шундай.

Уканинг ҳам жоннда  
Шу кунларда ором йўқ,  
Унингча бу дунёда  
Оғадай муҳтарам йўқ.  
Узи жўжабирдек жон,  
Лек ўйлар оғасини,  
Бунинг устига, ёрғи  
Яралмиш боласини.  
Кўнгли ўқсик оғанинг,

Не гуноҳи бор экан.  
Тақдирға тадбир йўқдир,  
Иқболи бадкор экан.  
Орзу-ҳавас кўрмасдан,  
Еши кетиб боради.  
Ногирон бола билан  
Умри ўтиб боради.  
Елғиз оғамдан бўлак  
Бу дунёда кимим бор.  
Тоғсиз ерларда таянч  
На ҳабиб, ҳамдамим бор.  
Шу алпозда, тун бўйи  
Чирим қоқмай чиқади,  
Дили хуфтон, кўнгли ғаш,  
Уксиниб энтигади.  
Кун чиқиб ботгади, тунда  
Секин туриб ўрнидан,

Хабар олгандай бўлиб  
Молу ҳол, молхонадан,  
Қазноқидан челақлаб  
Тушди буғдой ташишга  
(Билганида хотини,  
Бош қўшарди бу ишга).  
Оғасининг омбори  
Бир қадар тўлиб-тошди,  
Ҳадемай, тонг ҳам отиб  
Юлдузлар хиралашди.  
Чошгоҳ чоғи қазноқдан  
Хабар олган бўлади,  
Бир сир кўриб, бир сира  
Ҳайрон қолган бўлади:  
Кандикларида буғдой  
Ҳечам камаймагандай.  
Е барака эндими,  
Бир кимса тегмагандай.  
Туси яхшидан асло  
Тунгилма, деган гап бор.  
Бир яхшига бир ёмон,  
Оға алпон мисоли,  
Янга қаримсоқ эди,  
Бу уйга ит ортиқча,  
Ўлгудайин соқ эди.  
Сезади шарпа бўлса  
Боз устига сахархез.  
Қайнисининг юришин  
Кўриб, бўлди мисли без.  
Секин туртиб, уйғотди.  
Уйқудаги эрини,  
Не гап бўлса кўнглида  
Тўкиб солди барини:  
— Ана, уканинг иши,  
Ана, сизга хурмати,  
Қазноққа қирармиди  
Бўлса номус, уяти!  
Оға молига уни  
Қилиб турса ўғрилиқ.  
Қани меҳр-оқибат,  
Бу қандайин кўргулик?!

Донг қотиб қолди оға,  
Билмай не дейишини,  
Ҳечам кечиролмайди  
Уканинг бу ишини:  
Кўлида қўш челаги

Омбордан чиқиб борар,  
Тавқи лазнат тамғасин  
Бўйнига тақиб борар.

Бу тағқиб — бу заволдан  
Ука мутлоқ хабарсиз,  
Оға саломга алик  
Олади эътиборсиз.  
Укиниб, ўксинади  
Инисининг ишидан,  
Энди сира қутулмас  
Хотиннинг нолишидан.

Оға ой ботган чоғи —  
Эл оёғи тинганда,  
Машиқ томонда Чўлпон  
Юлдузи кўринганда,  
Инисининг омбори  
Томон йўл олди ночор,  
Ораликда қатнови  
Такрорланди неча бор.  
Бўш турган бир кандигин  
Тўлдирди фурсат ўтмай.  
Сўнг деди:  
— Бўлар энди,  
Нима боради етмай?  
Болнинг ҳам ками маъқул,  
Кўни кўнгли айнитар.  
Овқат устига овқат —  
Жиғилдонни қайнатар.

Алҳол, ўрнига келиб  
Мизғиб олди озгина.  
Ҳалол ошига пашиша  
Тушириб, эсизгина.  
Укасининг бу қинғир  
Ишлардан хабари йўқ,  
Унингча, оғасидан  
Бўлак бир сарвари йўқ.  
Нонушта қилар уйи  
Тўлиб, барча жам бўлиб.  
Ишларидан, ҳар қалай,  
Кўнгли хотиржам бўлиб,  
Чақирар нонуштага  
Жондай оғасини ҳам.  
(Бу дам оға ёқтирмас  
Булбул нағмасини ҳам.  
Тундаги қилган иши  
Эпмиди ўз шаънига,  
Доғ тушириб бўлганди  
Эътиқод, имонига.)  
Нонушта тугаб, дуо  
Ўқилар дастурхонга.  
Тирикчилик керакдир  
Қимирлаган ҳар жонга.  
Ҳар қайсининг ўз иши,  
Ўз юмуш, ташвиши бор.  
Бахт қўшининг ҳар бошга  
Ўзгача кўниши бор...

Ини мол-жонни кўздан  
Кечиради бирма-бир.  
Танага сув, қўйга ем  
Берилибди, ҳайтовур.  
Қазноқ қопқасин очиб  
Ишонмайди ўзига,

Бир кандик олтин бўлиб  
Кўринади кўзига.  
Кандикларни бир бошдан  
Қайта кўриб чиқади.  
Уша кандикка қараб  
Кўзлари толиқади,  
Из қувмай хазинага.  
Шу йўсин йўлиқади.

Оға бундан беҳабар  
Машғул ўз иши билан.  
Ғаллахомага энди  
Қадам қўйиши билан,

Ғожиага дуч келиб  
Бошдан учибди ҳуши.  
Бу кўриб турганлари  
Унгими ёки туши!  
Бу не сир, бор ғалласи  
Айланиб қолмиш тошга.  
Ҳеч ҳам таърифлаб бўлмас  
Мушибат тушмиш бошга.  
Бўгинлари бўшашиб,  
Кетибди эс-ҳушидан,  
Оҳ уриб, армон қилиб  
Қинғир иш — қилмишидан.



Қизил юзли йиғитнинг  
Қизаргани — ўлгани.  
Бадном-баттар бўлгани —  
Тириклай кўмилгани.  
Оға одам бўлиб ҳеч  
Панд емаган бунчалик,  
Улмай туриб бўпти танг  
Аҳволи ўлгунчалик.

Сор десалар, сор эди,  
Қатордаги нор эди.  
Номуси, орияти  
Бир йиғитча бор эди.  
Бўлиб ўтган шу бир гап  
Тупроқ билан тенг қилмиш,  
Оёқ остида ётган  
Ташландиқ харсанг қилмиш.



## МАДАНИЙ ҲАЁТ

25.X. 83.

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи партия ташкилотининг йиллик ҳисобот сайлов йиғишида республика Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи партия ташкилотининг секретари, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий партия ташкилотининг йиллик фаолияти ҳақида доклад қилди.

«Звезда Востока» журналининг бош редактори Александр Удалов, «Юлдуз» журналининг бош редактори Шомил Алядин, «Шарқ юлдузи» журнали бош редакторининг ўринбосари Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров, ёзувчилардан Олег Сидельников, Нузет Умеров, СССР Адабиёт фонди Ўзбекистон

бўлимининг директори Юнус Юсупов, Осиё ва Африка ёзувчилари билан алоқа қилиш Ўзбекистон комитетининг масъул секретари Шавкат Ваҳобовлар доклад юзасидан бўлган мунозараларда қатнашдилар.

Йиғилиш охирида кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Партия ташкилоти бюросининг янги састави сайланди. Раҳмат Файзий партия ташкилоти бюросининг секретари, Юрий Ковалев ва Пирмат Шермухамедовлар партия ташкилоти бюроси секретарининг ўринбосарлари қилиб сайландилар.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи партия ташкилотининг ҳисобот сайлов йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Маданият бўлимининг сектор мудири Барот Бойқобилов иштирок этди.

3. XI. 83.

Ўзбекистон ССР Ёзув-

чилар союзида атоқли адиб Шароф Рашидов хотирасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда республика Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов сўзга чиқиб, Шароф Рашидовнинг партиямиз, давлат ва халқимиз олдидаги, ўзбек адабиётини ривожлантириш йўлидаги хизматлари ҳақида гапирди.

Ёзувчи ва адабиётшунослардан Комил Яшин, Александр Удалов, Матёқуб Қўшжонов, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Шукрулло, Георгий Владимиров, Рамз Бобожон, Пиримқул Қодиров, Иззат Султон, Раҳмат Файзий, Иброҳим Раҳим, Ҳафиз Абдусаматов, Эркин Воҳидов ва бошқалар Шароф Рашидов ҳақида ўзларининг қалб сўзларини айтдилар, ёзувчи хотирасини абадийлаштириш борасида таклиф ва истақларини билдирдилар.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

# «ЗАМОН ВА ИЖОБИЙ ҚАҲРАМОН»

«Шарқ юлдузи» журнали қуйидаги анкета саволлари билан бир гуруҳ ижодкорларга мурожаат қилишни лозим топди.

1. Сиз замонавий ижобий қаҳрамонни қандай тасаввур қиласиз?

2. Ўзбек адабиётидаги қайси асарларда баркамол коммунист образи яратилган деб ҳисоблайсиз?

3. Яратмоқчи бўлган ижобий қаҳрамонларингиздаги қайси сифатларга кўпроқ эътибор беришни лозим кўрасиз?

4. Идеал қаҳрамон образини яратиш масаласига қандай қарайсиз?

5. Сизнинг фикрингизча, замонавий асарлардан қайси бирида баркамол ижобий қаҳрамон образи яратилган?

6. Яратмоқчи бўлган ижобий қаҳрамонингиз замонавий муҳитда ҳаракат қилишни афзал кўрасизми ёки тарихий муҳитдами?

Қуйида Ўзбекистон ССР халқ ёзувчилари Назир Сафаров, Мирмуҳсин ва профессор Лаазиз Қаюмовларнинг мазкур анкета саволларига жавобларини эълон қиламиз.

**Назир Сафаров,**  
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

1. Эски тузумга барҳам бериш, поймол этилган ишчи синфи ҳуқуқини тиклаш учун курашнинг энг баланд пардасини кашф этган улуғ рус адиби Максим Горький замонавий ижобий қаҳрамон намуналарини (совет адиблари учун) яратиб берган эди. Павел Власов, Пелагея Ниловналардан таъсирланиб, улардан ибрат олиб, ана шулар руҳида ўзларини тарбиялаб истибдодга қарши курашни ўрганган ва ғалаба қилган замонамиз қаҳрамонлари социализм даврини бошлаб бердилар.

Ўзбек совет адабиётида байроқдоримиз Ҳамзадан тортиб, то шу бугунги навниҳол қаламкаш ижодини кўздан кечирсак, уларнинг на наср, на шеърият, на драматургия ва на бошқа жанрдаги асарларини ижобий қаҳрамонсиз тасаввур қилиш қийин.

Замонавий ижобий қаҳрамон, менинг назаримда, фаол бунёдкор, шахсий манфаатидан давлат ва жамоат манфаатларини устун қўювчи тили билан дили бир, ахлоқ-одоби, ақл-идроки, ирода ва матонати билан бошқаларга ибрат намунаси бўла оладиган, ватанпарварлиги, фидойилиги, ташкилотчилиқ қобилияти билан партия ва халққа кўмаклашадиган етук кишилар образидир. Давр ғилдирагини олға силжитаётган бундай адабий персонажларнинг қишлоқ хўжалигида, саноатда, фан ва маданият фронтида, боринки, назардан узоқ жабҳаларда ҳам пайдо бўлаётганининг шоҳидимиз. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари ўртоқ К. У. Черненко жуда ҳаққоний таъкидлаганидай: «Инсон, айниқса йигит ва қизлар ҳаётий мақсадларнинг олижаноблигини, ғоявий эътиқод, меҳнатсеварлик ва мардликни ўзида мужассамлаштирган идеалга муҳтож бўлади. Бундай қаҳрамонларни ўйлаб чиқариш керак эмас, улар ёнгинамизда яшаб турибдилар.»

2. Савол жуда дангал. Ижобий қаҳрамон каби коммунист образи ҳам ҳамма жанрда мавжуд, албатта. Коммунистлар қаҳрамон қилиб олинган асарларда улар ижодкорнинг маҳорати даражасида бири ундок, бири бундоқ талқин этилади. Лекин бу талқинларга чин ва тўла маънодаги баркамол образлар сифатида баҳо беришда иккиланиб

қоламиз-да. Улуғ донишманд Ленин типидаги файласуф-мутафаккир, эртани, келажакни кўра биладиган, одамларни ўз ортидан эргаштириш иқтидорига эга бўлган ва эзгулик йўлида жонини аямайдиган, камтар, тўрачилик, шухратпарастлик иллатларидан бутунлай йироқ баркамол коммунист образини яратишда ҳали ўзимизни қарздор, деб ҳисоблайман. Лекин қарз муддатсиз бўлмайди. Назаримда муддат ўтиб борапти. Олти миллион тонна пахта бутун бир халқнинг ифтихори бўлиб, мисқолига килолаб куч сарфланиб турган пайтда етук пахтакор — коммунист образи фалон фильмда, фалон роман ё достонда бор, деб дадил айта олмаганингдан хижолат бўласан киши. Мисол учун, талантли ёзувчимиз Ўлмас Умарбековнинг «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» асарида райком секретари, яъни том маънодаги коммунист образи марказий фигура, лекин шу ҳам баркамол коммунист образи даражасида баҳоланмади-ку.

Демак, ҳаракат, интилиш бор, энди ҳамма гап самарада!

3. Мен қарийб чорак кам асрдан бери кузатиб келаётганим ҳаётда — граждонлар уруши даврида, социализм қурилишида, Улуғ Ватан уруши фронтларида, фронт орқасида, тинч қурилиш жойларида эл-халқ назарига тушган фаол, етакчи, фидокор бунёдкорларнинг жуда кўпини яқиндан биламан. Уларнинг кўпчилиги дил туташ қадрдонларимга, публицистик, ҳужжатли ва бадиий асарларимнинг қаҳрамонларига айланишган. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, машҳур механизатор Турсуной Охунова (пахтани машина билан теришнинг биринчи ташаббускорларидан), Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Раҳима Исмолова, яна шу райондаги Карл Маркс номли колхоздан меҳнат ва уруш ветеранлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Жониқул Юсупов, Ҳамро Эргашев, Қурбон Орзиқулов, Мели Қўчқоров, Бойтўра Қўмаков, машҳур сув отаси, инқилобчи Бузрукхўжа Усмонхўжаев, Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхоз раиси, республикадаги ветеран раислардан бири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусамад Тиллабоев, жиззахлик ветеран пахтакор Парда Азимова, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхоз раиси Маҳмуд Исматов, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларидан Нарзи Ражабов, Гуломжон Еқубов, Мамадали Топиболдиев ва яна ўнларча замонамиз қаҳрамонлари борки ҳали адабиётимизда уларнинг ҳақиқий муносиб образларини яратолганимизча йўқ. Энг муҳими, булар дарёдан томчи, холос. Менинг сафдошларим, ўрта бўғин ва ёш авлод ижодкорларида бундай кишиларнинг прототиплари тўлиб-тошиб ётибди. Уларнинг орасида катта адабиётга мавзу ва қаҳрамон бўладиганлари кўп.

Агар, қаҳрамонларимнинг барини тилга оладиган бўлсам, уларни санашнинг ўзига бир неча саҳифа керак. Яхшиси, мен бир неча қаҳрамонимдаги фазилатларни айтиш билан чеклансам. Масалан: қишлоқ хўжалигининг энг мураккаб соҳасида минглаб шогирдлар орттирган Турсуной Охуновадаги қунт, чидам, жасорат, ўйлаган мақсади йўлида ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга интилиш; жамоат, коллективдан ташқари шахсий ҳаёти бўлмаган, дунёдан ҳур ўтган, лекин одамлар қалбида абадий ўчмас из қолдирган Раҳима-хондаги халқ ишига, партия ишига жон-дили билан берилиш, инсон табиатидаги нуқсонларга муросасизлик, ишда принципааллик, биология фанининг оддий ўқитувчиси, ипак қурти табиатини татбиқ этиб, ўзига хос кашфиёт яратган пиллакор Олияхон Султонованинг ўз қилган ишлари, эришган муваффақиятларидан қаноатланмаслик, мўтасил изланувчанлик; «Чин инсон қиссаси» даги Мересьев образининг ўзбек прототипи, фронтдан икки қўлтиқтаёқда қайтиб, чўкиб қолган колхозни оёққа турғазишда жонбозлик кўрсатиб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони даражасигача эришган Қурбон Орзиқулов ва Ҳамро Эргашевларнинг мардлиги, иродаси, фидойилиги мени ҳайратга солган ва қўлга қалам олишга ундаган эди.

4. Ҳар тўқисда бир айб, деган гап бор. Қаҳрамон образини сунъий

равишда идеаллаштиришнинг ўзи ёзувчи учун бир нуқсон. Бирор воқеа ё шахсни илоҳийлаштириш, бирёқламалик, сохталик — социалистик реализм адабиёти методи ва принципларига зиддир. Биз ижобий қаҳрамон образини яратишда ана шу талаб ва изчилликни назардан қочирмаслигимиз, персонажлар қиёфаси ва характериға сунъий тарзда бўёқ чаплашдан ўзимизни эҳтиёт қилмоғимиз керак.

5. Бу саволға юқорида қисман тўхталиб ўтган эдик, ҳамонқи, унга аниқлик киритиш зарур экан, саноқ жуда чўзилиб кетмаслиги учун бир неча мисол билан қифояланишни лозим топаман. Шароф Рашидов романларидаги Ойқиз ва Пўлат, Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестидаги Саида, Асқад Мухторнинг «Чинор»идаги Очил бува, Мирсуҳсиннинг «Чотқол йўлбарси»даги Қоражон, Одил Ёқубовнинг «Диёнат»идаги олим Шомуродов, Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб»идаги Маҳаммад чатоқ каби образлар адабиётимиздаги нисбатан хийла етук ижобий қаҳрамонлар, дейиш мумкин.

Ўзбек совет адабиёти кенг кўламда ривожланмоқда. Янги китоблар, янги номлар пайдо бўлмоқда. Тарози посангисини ҳар доим ижобий қаҳрамонлар турган палласи босиб келган, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай давом этаверади. Чунки бу ҳаётнинг азалий ва ҳаққоний қонуниятидир.

6. Мен шундай тушунаман: агар тарихий мавзудаги асар замонамизға хизмат қилмаса, унинг боридан йўғи. Албатта, замонавийлик билан тарихийлик орасида чегара, масофа бор. Лекин ҳар иккала мавзунинг мағзида инсон, унинг тақдири ётади. Гап ана шу инсонни, ана шу тақдирни замонға хизмат қилдира билишда. Ҳар иккаласида ҳам эзгулик ва ёвузлик, одамийлик ва худбинлик ўртасида ё ошкора ё пинҳона кураш кечади. Яна қайтариб айтаман: бизнинг идеалларимизға, замонамизға хизмат қиладиган, китобхонға ижобий таъсир кўрсата оладиган бадиий юксак асарлар яратиш ёзувчи маҳоратиға боғлиқ.

Савол моҳияти нуқтаи назаридан ўз ижодимға назар ташлайдиган бўлсам, «Момақалдироқ»даги Ҳотам ҳам, Турсунтош ҳам ўзлари тушган муҳитға қарши курашадилар. Мен улар воситасида ҳам эзгулик билан ёвузлик курашининг талқинини беришға ҳаракат қилганман. Ёки «Наврўз»даги ҳамма қаҳрамонлар тарихий шароитда ҳаракат қилишади. Хуллас, ижобий қаҳрамон, умуман, ҳар қандай қаҳрамон ёзувчи томонидан танланган мавзуда, даврда ва шароитда ҳаракат қиладилар.

Журналнинг бу хайрли ташаббуси шу жиҳатдан муҳим ва долзарбдирки, танқид ва тадқиқот учун ижодкорларға, адабиётшунослар ва китобхонларға кенг майдон очиб бериши, ёзувчиларни баркамол образлар яратишға даъват этиши, шубҳасиз.

Мирмуҳсин,

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

1. Бирдан пайдо бўладиган қаҳрамон ва қаҳрамонлик йўқ; ҳатто бир неча секунд ичида бўладиган мислсиз қаҳрамонлик — катта ҳаво лайнери двигателининг тўхтаб қолишида кўрсатиладиган матонату ўзини йўқотмаслик, мардлик ҳам узоқ йиллар мобайнида ўша баҳодир пилотнинг тарбияси, чиниқиши, юксалиши, қалбдаги Ватан муҳаббати, ғоявий мустаҳкамлигиға боғлиқдир. 1979 йили шундай қаҳрамонлик бўлгани газета хабарларидан бизға маълум. Бу фазилатлар узоқ йилларда етилиб, бир лаҳзада ўз жамолини кўрсатади. Янги роман-нимдаги Темур Малик жасоратини ҳам тасодиф эмас, ёшлиқдан тарбиясиға, она-тупроқ муҳаббатига боғладим. «Ижобий қаҳрамон» деб чегаралаб, эҳтиёткорлик билан сўз айтамыз. Қаҳрамон деган гап бизнинг тушунчамизда жуда аниқ; ўз номи билан қаҳрамон! Уни



«ижобий» ёки «ўрталиқдаги» дейиш менга қизикроқ кўринади. Ҳа, биз асарларимизда ёмон, ибрат бўлмайдиган кимсаларни ҳам кўрсатамиз. Уни «қахрамон» деб атаб бўлмайди. Ҳар қалай, мен ўз иши ва жасорати, муҳаббати, она-Ватан, она тили, қардош халқларга муҳаббату эҳтироми, табиати, одоби, ёши катталарга ҳурмати, имони мустаҳкам одамлардан қахрамон чиқади ва қахрамонлик қилади деб тушунаман. Космополитлардан, маҳдуд шахслардан халқ қахрамони чиқмайди. «Замонавий ижобий қахрамон» деб бир механизаторнинг рангсиз, зерикарий образини чизгандан кўра, албатта, Олег Кошевой, Строгов ёки Йўлчи, Полвон Султонов, Ялангтўш, Ойқиз, Али Қушчи, Улуғбек, Фармон буви образлари яхши. Классик асарлардаги марказий образлар: Ширин, Мажнун, Фарҳод ёки Отабек ва Кумушни китобхон яхши кўриб қолганининг боиси ана шунда! Шу билан бирга ижобий қахрамон қуруқ шиорлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолмаслиги зарур. Инсоний камчилик — нуқсонлари ҳам ҳаққоний кўрсатилиши уни табиий қилади деб тушунаман. Қахрамонни штамп қайсидир олимнинг назария — қолипига солиб кўрсатиш ҳам тўғри эмас. Мавжуд асарларимиздаги қахрамонларга бурнини жийриб, нигилистик димоғдорлик билан йўққа чиқариш ёки менсимаслик ҳоллари бор, биз буни билиб турсак ҳам индамаймиз. Назаримда ёшроқ укаларимиз сал-пал шошмаслиги керак. Ўзини таманно қилабериш билан катта ёзувчи бўлиб қолмайди. Василий Ажаев, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Мирзо Иброҳимов, Иван Мележ, Демирчянлар кўп шов-шув қилмай, катта асарлар устида узоқ йиллар ишлаб, кейин бирдан тилга тушиб кетганлар. «Шундай кун келади», «Москвадан узоқда», «Вардананк». «Ўтган кунлар» албатта, спорт ҳақидаги бугунлик учун ёзилган баъзи шеърлардан юқоридир ва ўлмасдир. Катта ишлар қилиб, тухумдек силлиқ пешонасига ажин тушгач, этда-бетда ақлли гаплар айтиб юрган маъқул ва ярашади.

2. Ҳуррият, Полвон Султонов...

3. Ватанни, она-тупроқни жондан азиз севиш, ҳақгўй ва мардлик, қардошликка, ғоямизга садоқат, она тилини ҳурмат қилиш...

4. Мен, илму назариятда бир ғариб одамман, шу сабабли бу саволга ё тушунмадим, ё илмим етмади. Давр қахрамониники яратибди, унга «образ» сўзини ёпиштириб ўтириш шарт эмасдир. «Идеал қахрамон»га тушунмадим, аммо биз ўз замонамизнинг Фарҳоду Ширин, Кутузов, Алпомиш, Дон-Кихот, Годунов, Дубровский, Чапаев, Строгов, Рустам, Серпилин, Корчагин, Беруний, Ибн Сино, Бобур, Умурзоқ ота, Холмурод, Ялангтўш каби қахрамонларини яратишимиз керак. Улар идеал қахрамонми, йўқми, билмадим. Ҳар қалай, улар даражасидаги қахрамонлар яратолсак қани энди! Зўр иш бўларди.

5. Бу саволга жавобни ҳам юқоридаги фикрларимда айтдим.

6. Тарихий асарлар бор, замонавий асарлар бор, фантастик асарлар ҳам бор. Ёзувчи баъзан у, баъзан бу мавзуларга қўл уради. Қўлидан келса, бари керак. Гап, «афзал кўриш»да эмас. Камина етти йилдан буён XIII асрга оид материалларни ўрганиб, мўғул босқинчиларига қарши мардонавор курашган саркарда Темур Малик ҳақида асар ёзаётирман. Шу 1983 йилга келиб, бу романни тугатиб нуқта қўйдим. Дўстларим муҳокамасига асарни тайёрламоқдаман. Албатта, ўзининг инсоний нуқсонлари билан бирга, Темур Маликнинг олижаноб инсон ёшанлиги, бу фазилатлар унда секин-аста камол топгани, мамлакат бошига оғир кун тушганда халқ билан бирга Ватан мудофаасига қалбан фидойи бўлиб, жангга кириши, кураши, ғалабаси, енгилиши ва яна ғалабасини кўрсатишга қўлимдан келганча ҳаракат қилдим. Мен, тез-тез тарихга ҳам мурожаат этиб тураман, бу ишни яхши кўраман.

1. Замонавий ижобий қаҳрамоннинг назарий таърифи партиявий ҳужжатларда, коммунистик ахлоқ кодексиди, илмий адабиётда анча аниқ баён қилинган. Шу таъриф ҳаётдаги прототипларнинг умумлашмасидан иборат. Шунинг учун ҳам у реал. Реалликнинг асосий белгилари ғоявий эътиқоднинг баланд ва мустақамлигида, шу эътиқоддан келиб чиққан фаолликда, маънавий-ахлоқий покликда намоён бўлапти. Воқеликда шундай фазилат соҳиби бўлган исм ва фамилияларни кўп учратганман. Уларни топиш учун кўпроқ ҳаётга аралашши одамларнинг ичида бўлиш, атрофингиздаги одамларга, улар руҳига кўпроқ диққат қилиш керак, деб биламан.

Албатта қаҳрамоннинг характери пешонасига ёзиб қўйилган бўлмайди. Кийими ҳам ҳали ифода шакли эмас. Типик характер типик шароитда намоён бўлади. Битта мисол:

Яқинда бир гуруҳ ёзувчилар Горький областидаги қоғоз ёшлар чиқариш комбинатида бўлдик. Арча дарахти Волгадан оқизиб келинади-ю, шу ерда майдаланиб пайрача қилинади. Кейин ивителиб аталага ўхшаш суюқлик пайдо бўлади. Унга оғина кимёвий модда бериб қайнатилгандан кейин худди кенг матодек бутун цех бўйлаб тортилади. Нами қочгандан кейин у газета қоғози бўлиб той пахтадек туради. Ҳажми катта бўлганлиги учун араланиб учга ажратилади.

Меҳнат механизмлашган ва узунлиги ярим километрча келадиган цехдан эни беш-олти метрлик қоғоз матога узлуксиз гиламдек чўзилиб ўтиб турувди. Бирдан кичик авария бўлди-да, ҳали ҳўл қоғоз қаттиқроқ ёки нотекисроқ тортилдими, узилиб кетди. Биз билан суҳбатлашиб турган бош инженердан тортиб цехда бор ҳамма одам ўша қоғоз узилган ерга қараб чопишди. Дарҳол машинани тўхтатиш, тўзиб кетган, брак бўлган қоғозни йиғиштириб олиш, тезда текислаш ва ишни улаш керак эди. Сал секин ҳаракат қилсангиз ҳар дақиқа қўшимча зарар эди. Тушунтириш учун ўхшатсам қимматбаҳо мато қайнаётган қозоннинг жўмраги жарликка тўғри бўлиб қолгандек гап эди. Шу дақиқаларда биз танишаётган одамларнинг ҳақиқий қаҳрамонлиги ярқ этиб намоён бўлди. Бир неча минутдан кейин авария тинчиб, гапимиз давом этаётганда ўша суҳбатдошларим менга бошқа одам бўлиб кўринарди, гарчи қиёфаси, гапириши эскидек бўлса ҳам.

Бу бир деталь. Мен ижобий қаҳрамонни сўзда эмас амалда фаол инсон деб тасаввур қиламан.

2. Ўзбек адабиётидаги бирор-бир жиддийроқ поэтик, насрий ва сўхна асари йўқки, унда коммунист образи яратилган бўлмасин. Илмий мақолаларимда у ҳақда кўп ёзганман. Мисолларни Комил Яшин, Уйғун, Зулфия, Назир Сафаров, Сарвар Азимов, Ҳамид Гулом, Раъз Бобожон, Иброҳим Раҳим, Асқад Мухтор, Раҳмат Файзий, Мирмуҳсин, Йўлдош Шамшаров, Саид Аҳмад, Туроб Тўла, Шукрулло ва бошқалар ижодида келтирганман. Шунинг учун уларни такорлаб ўтирмай, бошқа гап айтмоқчи эдим.

Мен билган, учрашган колхоз раислари, партком ва райком секретарлари жуда ақлли, билимли, тадбиркор, фаол одамлар. Улар агрономия, селекция, геология, физика, химия, инженерлик, сиёсат, сиёсий иқтисод, маданият, психология масалаларидан чуқур хабардор одамлар. Аммо асарларимиздагилар анча примитив, пассив. Шунинг учун ҳам образларимиз даражасини прототипга етказиш ва ундан ҳам оширишни бош вазифамиз, деб ўйлайман.

3. Шундоқ бўлдики, кейинги уч йил давомида мен кўпроқ халқаро тематика, ғоявий кураш масалалари билан кўпроқ шуғулландим. Чет эл сафарлари бунга кўп туртки бўлди. Бир неча йил илгари ҳозирги замон чет эл коммунисти образини яратиш ниятида Пабло Неруда ҳақида ҳикоя ёзган эдим. Уша тушунчам кейин учрашган Алекс ла Гума каби жанговар адиблар мисоли билан бойиб борапти. Ёзадиган илмий, публицистик ва бадний режаларимда ана шу хил ижобий қаҳрамонларнинг ғоявий эътиқод кучи ва ижтимоий курашда ботирлиги, фидойилигига кўпроқ эътибор бериш лозим, деб биламан. Капиталистик тузум ва реакцион кучларнинг ашаддий қаршилигига юзма-юз туриб дадил курашаётган маслакдош инсонлар менга давримизнинг яхши ижобий қаҳрамонлари бўлиб кўринади.

Менинг тушунчамда улар конкрет одамлар:

Улар Гамбургдаги Эрнст Тельман уй-музеи билан танишаётганимизда кириб келиб бизни табриклаган, бугунги мураккаб шароитда адолат ва тинчлик учун мардларча кураш олиб бораётган ГФРдаги коммунистлар.

Улар Венесуэладаги бизни олиб юрган эру хотин коммунистлар. Ғоявий

эътиқоди мустақкам, ботир одамлар. Эру хотиннинг реакцион кучлар қамоғида ўтирган йилини жамласа ўн яшар боласининг умрига тенг бўлади. Энг муждими, улар ўтган умрига ачинмайди, ғурурланади. Керак бўлса ҳамма машаққатни яна бўйнига олишга тайёр.

1980 йилда Шри Ланка ёзувчилар съездига меҳмон бўлиб борсам, мамлакатда синфий кураш авж олиб кетди-ю, президент ҳарбий ҳолат эълон қилди. Ҳамма жойга қуролли соқчилар қўйилди-да, тўрт кишидан ортиқ тўпланиш таъқиқланди. Шу ҳолатда ҳам ёзувчилар ташкилотининг бош секретари, коммунист Гунасене Витана ўттизтача ёзувчини йиғди ва биз адабиёт, сиёсат, алоқаларимиз ҳақида суҳбатлашдик. Уша мажлис давомида қўшнинг боласи мотоциклинги тириллатса ҳам полиция келди, деб гап бўлиниб кетарди.

Бунга ўхшаш мисоллар кўп. Коммунистлар фақат социалистик дунёнинг эмас, бутун дунёнинг ўзагини сақлаб турган мард инсонлардир. Уйлайманки, ижодимизда уларнинг образини яратишимиз керак. Шундай ижобий қаҳрамоннинг ғоявий эътиқод кучига, уни амалга оширишдаги фаоллигига айниқса ботирлиги, дадиллиги, фидойилигига кўпроқ эътибор бериш керак. Бу ҳол образнинг кучини ҳам, тарбиявий аҳамиятини ҳам ижодда оширади, деб уйлайман.

4. Идеал қаҳрамон ҳаётда ҳам, ижодда ҳам бор, деб биламан. К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин каби дохийларимиз, уларнинг юзлаб бутун дунёдаги издошлари биографияси бу образнинг асоси бўла олади, деб тушунаман. Шундай асарлар яратилган эди. Мисолини ўзбек тилидаги ленинномадан истаганча топса бўлади. Лениннома ҳали тўла ёзиб битилмаган-ку! Бинобарин, бу борада ишларимиз кўп.

В. И. Ленин, революция йиллари, душманлар бир вагон икрани ўғирлаб

кетишмоқчи бўлганини ва уларнинг қизил аскарлар томонидан ушлаб олинганини эшитганда, уни етим болаларга тарқатиш ҳақида фармойиш берган экан.

Ҳамза Ҳакимзода Ниязий инқилобдан аввал дорилайтом очган. 1917 йилда етимларга ёрдам жамияти тузган. 1920 йилда болалар уйига мудир бўлиб қилган ишлари тўғрисида «Қалдирғоч» пьесамда қўлимдан келганича ёзганман.

Икрани етим боладан яшириб ейдиган одамлар, етим ҳақида хиёнат қиладиган одамлар, ҳали дунёда бор экан, биз ижобийгина эмас, идеал образлар ҳам яратиб, тўғри тарбияга одамларни тортишимиз керак, деб биламан.

5. Иккинчи саволга жавоб берганимда айтганимдек, бундай образлар адабиётимизда кўп. Аммо ҳаммаси ҳам баркамол деб айта олмайман. Баркамол деганга ўхшаш жуда юксак баҳоларни айрим танқидчи дўстларим ўзига яхши таниш, шахси маъқул, хатто ҳамтовоқ авторларга етарли асоссиз, ошна-оғайнигарчилик ҳисси билан улашиб юбораётган ҳоллар ҳам бўлапти, деб биламан...

6. Албатта, замонавийлик адабиётнинг қалби. Ақтуаллик теманинг қизиқарлигига жуда таъсир қилади. Шунинг учун ҳам, албатта, ижобий қаҳрамон замонавий муҳитда ҳаракат қилишини афзал кўраман. Аммо бу тарихий муҳитдаги ижобий қаҳрамонлар керак эмас деган маънони билдирмайди. Ахир, Ҳамза ҳам тарихий муҳитда ҳаракат қилади-ку, аммо унинг барча фаолияти бугунги кишилар учун нақадар ибратли.

Ундан ташқари, асосий масала муҳитдан ташқари маҳорат ҳам деб биламан. Маҳорат билан яратилган образ керак бизга, ҳар икки муҳитда ҳам.

Абдурашид Пардаев,  
Набижон Тожибоев

## ҚАЙИНЗОРДАН ЭСГАН ШАБАДА

«ЎзВладимир сув қурилиши» трести бошлиғининг кадрлар бўйича ўринбосари Александр Петрович Козлов дўнг пешонасини силай туриб:

— Ҳмм... яхши, — деди, кейин бирдан кўзларини катта очиб, бир оз безовта товушда сўради: — Ўзбекистонда пахта теримининг бориши қалай?

Биз билганларимизни қисқача айтиб бердик.

— Пахта учун қийинроқ йил келди, — деди Александр Петрович об-ҳаво инжиқликларига ишора қилиб. Шундан кейин ўзи биладиган шоир, ёзувчиларимизнинг ижодини суриштирди. Гапидан хоразмлик қаламкашларни яхшироқ билишини сездик. Маълум бўлишича, Александр Петрович Хоразм воҳасида йигирма олти йил ишлаган. Шундан ўн йилида Хоразм область партия комитетининг қишлоқ хўжалик бўлимини бошқарган.

Урта бўй, босиқ, сўзларини дона-дона қилиб гапирадиган бу одам, биз билан суҳбатлашиш асносида Ўзбекистонда ўтган қирқ саккиз йиллик умрини, демак, ҳаётда орттирган иш тажрибаларини, азиз кишилар — дўстларини, ҳамкасбларини ўйлаётгани сезилиб турарди. Ўз юртим деб атагани — Хоразмни соғинганлиги сезилиб турарди.

Партия ва халқ топшириқларини бажариш, ҳар қандай шароитда зарур жойга йўл олиш, хизматини аямаслик соғинчлардан муҳимроқ, муқаддасроқ, албатта. Биз буни Владимир участкада кечган кунларимизда, фидойи юртдошларимиз билан мулоқотда, уларнинг ишларига яққол ҳис этдик. Александр Петрович бизни шаҳарнинг янги, кўркем биноларидан бири — «Заря» меҳмонхонасига кузата туриб, у ерда ўзбекистонликларни ҳамisha илиқ кутиб олишларини айтди.

— Бунинг сабаби шундаки, — деб тушунтирди у, — трестимиз ташкил топган 1981 йили одамларимиз асосан «ЗАРЯ» меҳмонхонасида истиқомат қилишган. Ўзбекларга хос қувноқлик, очик қўнғиллик, айниқса, меҳмондўстлик меҳмонхона маъмуриятини мафтун этди. Қачон келманг, бизга жой ҳозирлаб қўйишарди. 1980 йили ташкил топган Владимир шаҳрининг кўча-кўйлари гоят тоза, озода эди. Мозийни, буюк рус халқининг бой тарихини эслатувчи қадимий меъморлик ёдгорликлари кўзга ташланиб турарди. Машҳур олтин дарвоза, Александр Невскийнинг мақбараси (айни вақтда у Ленинградга кўчирилган) ва бошқа тарихий жойлар лол қолдиради, кишини. Бу ерда бўлиб ўтган воқеаларни, адолат йўлидаги курашларни эшитгинг келади. Владимир инқилоб шаҳри. Бунда Россиянинг биринчи марксистларидан Н. Е. Федосеев яшаб, революцион фаолиятини давом эттирган. Доҳиймиз В. И. Ленин 1893 йили Н. Е. Федосеев билан учрашгани Владимирга келган. Адмирал М. П. Лазарев, машҳур физик А. Г. Столетов, композитор С. И. Танеев ва бошқа улуг кишилар тақдири Владимирнинг шухратини абадийлаштиради.

Қали йўлдаёқ соф олтиндан ясалган шаҳар дарвозасининг татарлар босқини даврида ўғирланганини, ҳозир қаердалиги номаълумлигини эшитдик. Тахминларга кўра, олтин дарвоза сирли Клязьма дарёсига чўктирилган эмиш...

Емғир шигалаб ёғиб турарди. Қарағайзору қайинзордан эсган шабада кўнглимизга хуш ёқади. Қадимий бинолардаги асрий сокинлик, замонавий бинолардаги техника асрига хос шовқин-шиддат, янги чехралар ҳамма-

ҳаммаси фараҳбахш эди. Меҳмонхона ходимларидан бири хушчақчақ аёл Марина Кондратьевна дам олиш кунда бизни шаҳар билан таништиришини айтди. Бу аёл малакали шофёр ҳам экан.

— Москвага иш билан кетувдим, — деди трест бошлиғи Мурод Пўлатов. — Бошлиқлар чақиришибди...

Бу йигит ёш кўринади: чиндан ҳам у эндигина ўттиз тўрт баҳорнинг юзини кўрибди. У қорувли, жуссасидан куч ёғилиб турибди, боқишлари эса жиддий... Кўпроқ хаёл суради, шунинг учун ўйчан кўринади, овозини кўтармай гапирди. Энг маъқул томони — ҳадеб телефонбозлик қилавермайди. Ўзини ваҳимага, сон-саноқсиз ишга банд қилиб кўрсатмайди. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан соддалик, талабчанлик, одамийлик сезилиб туради.

У рус тилида тиник, равон гапирарди. Биз унга халақит бермасликни ўйладик, чунки у владимирликларга янги битказилган ётоқхонани топшириш ташвиши билан банд эди. Сафаримиз охирида ўзи ҳақида анча-мунча нарсани сўраб биламиз деган қарорга келдик.

— Ажойиб заҳматкаш одамларимиз бор, — деди Мурод Пўлатов, — марҳамат, учрашинглар. Бизда йил бўйи иш қизгин.

Кейин автобаза директори Собитжон Фозиловни чақиртирди.

— Владимирга биринчи келганлардан, — деб изоҳ берди Пўлатов, — ўзи тошкентлик йигит.

Кўп ўтмай Собитжон билан танишиб олдик.

Собитжон киришимли, очиқ йигит. У расмиятчилик қилиб ўтирмади-да, дангал шундай деди:

— Гап бундай, оғайнилар: мен сизларни, аввало Юревсиздаги посёлкамизга бошлаб бораман. Яшаётган уйларибизни, болаларибизни кўрасизлар. Ҳарҳолда мақтаниб қўйи, энди кўрсатадиган, таклиф қиладиган уйимиз бор. Собитжон бизга 5 қаватли, 78 хонадонли бинони кўрсатиб:

— Посёлкани қуриш мана шу бинодан бошланди, — деди, — ботқоқликни қуригиб бош жой қилиб олдик.

Собитжон амалга ошган бу ишдан мамнун эди. Биноларга туташ ўрмон шовуллаб турар, атрофда қувноқ болаларнинг қийқириқлари эшитиларди.

Йигит ён киссасидан сурат чиқариб: «Оилам...» деб қўйди. Суратда оқиш юзли, тўла, ёқимтой аёл тўрт фарзанди — Гулноза, Дилафрўз, Олимжон, Азимжонни қучиб турарди. Оила бекаси яқинда Тошкентга ота-оналарини зиёрат қилишга кетибди.

— Уй хотин билан обод экан, — деди Собитжон бир оз маънос тортиб. — У ёлғиз ўзи ғалати бўлиб юргангани, ишга овунаётганини гапирди. Ўзбекистондан оила билан кўчиб келиш аллақачон анъанага айланибди.

Сирдан қараганда Собитжон қувноқ, хотиржам кўринса-да, қисқа вақтда фарзандларини соғингани сезилар, унинг ботиний бир ғурур билан сурат кўрсатиши, ўғиллари ҳақида завқланиб ҳикоя қилиши, унинг қалбидаги соғинчини ифодаларди.

Бу оддий, ўткинчи соғинч эмас, юртга даҳлдор катта, сирли туйғу. У Ўзбекистонни, хусусан, Тошкентни кўп ўйлайди, ёшлиғи ўтган қадрдон кўчаларга ёруғ юз билан қайтишни истайди.

Тошкент Политехника институтини 1974 йили битирган Собитжон партиямизнинг XXVI съезд қарорларига лаббай деб жавоб бериб, Ноқоратупроқ ерларни ўзлаштирувчилар сафига қўшилди — биринчилар қаторида Владимирга келди. У бизни шаҳар чеккасидаги автобазага бошлаб, ботқоқлик ҳамда қалин қамишзорни кўрсатди.

\*\*\*\*\*

**Редакция  
йўлланмаси  
билан**

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Советининг Россиянинг Ноқоратупроқ ерларини ўзлаштириш ҳақидаги тарихий қарори чиққанидан буён орадан ўн йил ўтди. Бу йиллар давомида Марказий Россиянинг минглаб гектар унумсиз, ботқоқлик ерлари захи қочирилиб, унумдор воҳага айлантирилди. Ирригация шахобчалари яхшиланди, текис, равон йўллар қурилди, бир-бирдан кўркам турар-жой бинолари қад кўтарди, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектлар ишга туширилди. Ана шу умумхалқ ҳашарида Ўзбекистондан борган фидойи йигит-қизларнинг: тажрибали ирригаторлар, моҳир механизаторлар, қўли гул иморатсозларнинг улуши катта бўлди. Муаллифларимиз Абдурашид Пардаев билан Набижон Тожибоевнинг очерки қардошлик бурчини сидқидилдан адо этаётган марду майдонларнинг бутунги улкан ишлари ҳақида ҳикоя қилади.

— Автобазамиз ўрни, худди шунақа ботқоқлик, қамишзор эди. Мелиоратив йўл билан ботқоқликни қуритдик.

Биз ботқоқликка узоқ вақт қараб қолдик. Ҳа, инсон қўли гул деганларича бор. Бир қарашда шу ботқоқлик, қамишзор ўрнида бинолар қад кўтаради деса ишонмайсан-у, бораётган жадал ишларни кўриб ҳайратга тушасан. Совет кишиларининг қудрати — уларнинг интернационал дўстлигида, монолит бирлигида.

Автобазада ўттизга яқин миллат вакили ишлайди. Бешта колоннада 311 машина тинимсиз ҳаракатда. Директор ўринбосари, озор йигити Шамкол Иброҳимов автобаза идорасининг қандай қурилганини бизга гапириб берди.

— Ботқоқлик қуритилгандан кейин, — дейди у полни оёғи билан тепиб, — ерни беш-олти метр кавлаб, цемент устунлар кўтардик. Устунлар қатор кўтарилгач, устига арматуралар ётқиздик, устунлар бир-бирига уланди, арматуралардан панжара ҳосил бўлди. Қарабсизки, ҳадемай, пойдевор тайёр. Кейин вагон-идораларимизни цемент устунлар ва панжара устига қатор қилиб жойлаштирдик. Бир-бирига туташган эн шахталарини олиб ташладик — мана идора коридори, яна икки томондан вагонларни жойлаштирдик — бинойидек кабинетларга айланди-қолди. Сиртидан бир қатор гишт урилди. Том усти шифер билан ёпилди. Шундай қилиб, мана, ботқоқлик устида идора қуриб олдик. Бу вақтинча, албатта. Замонавий қатта автобаза қуришни трестимиз режалаб қўйган.

Сўхбатимиз устига келиб қолган автобаза партия ташкилотининг секретари, бош механик Виктор Иванович Верин район партия комитетининг бюроси уни райком секретарлигига тасдиқлаганини айтди. Биз уни табриклдик.

— Базамиздаги 22 нафар коммунист (кўпчилиги шофёрлар) бошқаларга ишда ўрнак бўлаяпти, — деб у чарм сумкасини очди ва доклад учун тўплаган материалларини бизга узатди.

— Докладдаги қуруқ гаплар эмас, — изоҳ берди у, — бу ерда ёлгон гапларни ёзиб бўлмайди...

Верин Ўзбекистонда, хусусан, Зарафшонда кўп йил яшаган.

Илғорлар рўйхатида турган Серикбой Эргашев, Авазбек Жуманазаров, Шукрулло, Шукуров, Виктор Узелов, Расим Алладинов, Николай Пушкирь, Фёдор Нихель планларини 130—140 фойздан бажаряпти. КамАЗ машинасини бошқараётган бу йигитлар асосан қурилиш бораётган турли жабҳаларга узоқ жойлардан соз тупроқ ташийди. Чунки ботқоқ тупроғи девор кўтаришга ярамайди.

Шофёрлар ишини, планини, Собитжон, рақамларда қисқача, шундай тушунтирди:

— 1 миллион 350 тонна юк ташилиши, 26 миллион километр йўл юрилиши керак.

— Километрларнинг қанчалик босилиши юк миқдорига тўғри келадими?

— Йўқ.

— Нега?

— Бу — объектнинг узоқ-яқинлигига боғлиқ. Биз, масалан, ўзимизча хоҳлаган жойдан тупроқ олиб ташийвермаймиз. Фақат ер эгаларининг, тўғрироғи, масъул раҳбарларнинг рухсати керак, холос. Тупроқ олишимиз учун ер гоҳ яқин, гоҳ узоқ жойдан кўрсатилади. Мабодо, плани бажара олмасак, «тупроқ узоқдан берилди» деган баҳона ўтмайди. Автобаза 8-механизациялашган кўчма колонна ва трестнинг турли топшириқларини бажаради, ҳар ҳил зарур нарсаларни ташийди.

Эшик очилиб секретарь қиз Марина ичкарига бош суқди.

— Собит Фозилович, Ўзбекистондан шофёр йигитлар келишибди. Сизни сўрашапти.

— Майли, ҳозироқ киришсин.

Кабинетга дарров уч йигит кириб келди. Улар башанг кийинган, шофёрга ўхшамасди.

— Келинглр, укалар...

— Сурхондарёдан келдик, — дейишди улар, ўртада турган дадилроғи буклоғлик қоғоз узатди. — Манави йўлланма қоғозимиз.

Собитжон қоғозга бир сира кўз югуртирди-да, сўнгра йигитларга синовчан назар ташлади ва Шамкал Иброҳимовичга юзланди:

— Сизнинг юртдошларингиз.

Шамкал Иброҳимов Собитжондан қоғозни қўлига олиб, йигитларга савол ташлади:

— Сурхондарёнинг қайси районида сиз?

Кейин икки раҳбар бир-бирига бир лаҳза тикилиб қолди, чамаси, уларнинг кўнглига бир хил фикр келди.

— Нега энди бор-йўғи уч ойга, кўпроққа эмас? — ажабланиди Собитжон.

— Билмадик. Уч ойга жўнатишди, — деб йигитлар елка қисишди.

— Йўқ, қабул қилолмаймиз. Уч ой... нима деган гап, ахир! Бир-биримизга энди ўрганганда, ҳаё-қуйт деб кетиб қоласизлар. Техника ўйинчоқ эмаски, уч ойда қўлдан-қўлга ўтаверса. Бизга ҳақиқий сафдошлар керак. Марҳамат, кўнгли қўйиб ишлайдиган бўлиб келинглар, ўшанда бирга ишлаймиз. Хафа бўлманг, укалар. Бор гап шу!

Собитжон йўлланма қоғозини йигитларнинг ўзига қайтариб берди.

Йигитлар кабинетдан бўшашиб чиқиб кетишганда, Собитжон бизга қараб:

— Бу нимаси, — деди у — ахир, уч ойгаям жўнатишадими? Бу олифталардан бошқа йигитлар топилмагандек. Кеча кечқурун буларни «Заря» ресторанида кўргандим. Жазава билан танца тушишни қойиллатишаркан. Мен эса саёҳат қилиб юрганлардан бўлса керак, деб ўйловдим.

Автобаза раҳбарларининг куюниб гапиришидан маълум бўлдики, республикамиздан ҳашарчи жўнатаётган турли областлардаги масъул ўртоқлар, ёрдам масаласига кўп ҳолларда юзаки қарашади. Зарур одамларни жўнатиш ўрнига, кўпинча «Россия шаҳарларида бир ўйнаб келайлик», деган ўзининг ўй-хаёлларига маҳлиё ёшларни жўнатишади, уларнинг қўйниларини пуч ёнғоққа тўлдириб, сизни «тайёр машина, уй, ўрмонлар чорлайди, истаган нарсангиз муҳайё, ҳаммаёқ гўзал», дейишади, қоғоз тўлдиришади, кейин «биз Ноқоратупроқ ерларига бунча ёрдамчи жўнатдик», деб мақтаниб юришади.

Тўғри, ўша ҳашарчилар республикамиз оталигидаги Иваново, Владимир, Новгород областларига келишади, аммо кўпчилиги шароит ва иш тартибига чидамай жуфтакни ростлаб қолишади. Ватан севгисини ўзида туймаган, гражданлик бурчини ҳис этмаганлар Ноқоратупроқ ерларида чинакам фидойилик кўрсатаётган ажойиб юртдошларимиз сафидан ўрин ололмайдилар. Кейинги кунларда биз бунинг гувоҳи бўлдик. Механизациялашган кўчма колонна раҳбарлари кетиб қолган юздан ортиқ кишининг рўйхатини қўлимизга тутқаздишди.

Яна бир ташвишли масала. Автобазадаги ўртоқларнинг айтишига қараганда, областлардаги айрим автобаза раҳбарлари, Ноқоратупроқ ерларига виждонан ишлашга келган, икки-уч йил ҳалол меҳнат қилиб қайтган шофёрларга совуқ муомалада бўлишади, «бизга қулоқ солмай ишни ташлаб кетдинг», дейишади, яроқли машина беришни ишташмайди. Жумладан, бундай ҳол айниқса, Самарқанд областининг Жума шаҳридаги автобазада бўлиб тураркан...

Бундай расмиятчилик, тўралikka чек қўйиш керак.

Автобазани айландик.

Коллектив ўзаро келишиб, яхши бир анъанани йўлга қўйибди. Навбати билан шофёрлар шанба-якшанба кунлари ҳам ишга келишади. Қор қалин тушмасдан бурун машиналарга гараж қуриб олиш қизгин боряпти. Очиқ майдоннинг бир қисмига бетон ётқизилган. Бетонсиз жойлар қалин лой.

— Бу йил ҳаво яхши келди, — деди Собитжон қувониб, — худди Ўзбекистон ҳавосига ўхшайди.

Ҳақиқатан ҳам қуёш чарақлаган, ҳаво илиқ эди.

Собитжон одамлари ҳақида, айниқса, Қамбардин исмли йигит ҳақида оғзи тўлиб гапириб юрди. «У йигитларнинг сардори», дейди Собитжон. Қамбардин билан эртаси куни учрашдик. Уни трест тақдим этган янги «Волга» машинаси билан қутладик... Отаси Муродулла Норов Жума шаҳрида тарих муаллими эди. Кейинчалик партия, совет муассасаларида хизмат қилди. Шаҳар ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлаган йиллари табиркорлиги ва олижаноблиги билан халқ орасида обрў қозонди... Жума шаҳридаги кўчалардан бирига Муродулла Норов номи берилган.

— Отамнинг ҳаёт йўли мен учун ибрат, — деди Қамбардин. — Одамлар отамни эслаб, ажойиб «инсон эди» дейишади, мени отам туфайли ҳурмат қилишади. Бу — мен учун катта бахт.

— Оилада неча кишисизлар?

— Ота-онадан беш ўғил, икки қиз — етти фарзандмиз. Гулдона врач, Замира муаллима, Насриддин архитектор, Муҳиддин ички ишларда, Салоҳиддин, Фаҳриддин қурувчи.

— Болаларингиз нечта?

— Тўрт ўғил, бир қизнинг отасиман! — деди жилмайиб у.

Айтишича, онаси Саодат хола невараларини жуда ҳам соғинар экан. Кейин Қамбардинга: «Невараларим ўрмонга кирса, овоз бериб, чақириб тур.

Ўрмоннинг адоғи йўқмиш, адашиб кетади», деган гапни қайта-қайта тайилар экан. Чамаси, соддадил келини Санамхон йўллаган хатида: «Ўрмоннинг бошини кўраман-у, этагини кўрмайман», деб ёзган бўлса керак-да. Саодат холаининг ҳавотир олиши табиий. Зеро, инсон қадами тегмаган жойга андак шубҳа билан қарайди, ҳар хил хаёлларга боради.

Буни ўз навбатида шу ерлик рус аёлларининг бизга берган саволларидан ҳам сездик. Улар Тошкент, Мирзачўл, Қарши, Жиззах чўллари ҳақида сўраб-суриштиришди. Чўллардаги боғ-роғларни, шинам посёлкаларни, гўзал шаҳарларни гапирганимизда лоф урмаяписизларми, дегандек қарашади ва биз учун бир қадар кулгили гапларни айтишади.

Шунда бир нарсани англадик. Кишиларимизнинг яратувчилик меҳнатини, бир-бирига бўлган ишонч ва садоқатларини, маънавий гўзалликларини кўпроқ ёшиш керак. Тошкент зилзиласи оқибатида пойтахт аҳолиси бошига тушган ташвишга қардош дўстларимиз қараб турмади, биринчи бўлиб рус биродарларимиз оғаларча ёрдам қўлини чўзди. Эндиликда Тошкент Дўстлик ва Тинчлик шаҳри, гўзал ва обод шаҳар.

Қамбардин улоқчи — чавандоз ҳам. У асли тоғлик йигит. От, бурғут, тоғни жонидай кўради. Унинг туғма соддалиги, очиқ чехраси, кишига мулоим боқувчи кўзлари, ҳозиржавоблиги, ғайрати, одамда беихтиёр ҳурмат ҳиссини уйғотади. Собитжон уни «йигитларнинг сардори» деганда, энг аввало камтарлигига, умуман, инсоний фазилатларига ишора қилганини пайқадик. Самарқанддан келган Раиса опа ва Рашид ака оиласи ётоқхонада бир оз қийналиб қолишганда, Қамбардин ҳеч иккиланмай, уч хонали уйининг бир хонасини уларга бўшатиб беради.

Қамбардин қуйидаги гапларни бизга айтганда, минг бор ҳақ эди:

— Вақти келиб, эртами-кеч ҳаммамиз юртимизга қайтамиз. Ушанда нималарни эслаймиз? Менимча, биринчи галда бир-биримизга нисбатан кўрсатган меҳр-оқибатимизни, кейин қилган ишларимизни эслаймиз. Биз очган қўриқ ва қурган уйлар оғаларимизга меҳр-оқибатимиз бўлади. Бу меҳр-оқибатимиз омонат бўлмаслиги керак. Уйлайманки, ишгимизнинг пухталиги ана шундан.

Эртаси куни Қамбардиннинг янги «Волга»сида, шаҳардан, узоқдаги жабҳаларга йўл олдик. Дарёлар, ўрмонлар, қишлоқлар ёқалаб борамиз, ҳаво тоза, кенг далалар яшнаб кўзга ташланади, юрак ҳаяжондан ҳаприқади. Табиат яратган гўзалликлар қаршисида тиз чўксанг арзийди. Бепоемлиқ лол этади, улугворлик сеҳрлайди, бутун вужудингда ғайрат-шижоат жўш уради. Беихтиёр: «Қани, менга ҳам иш беринг!» деб юборгинг келади. Мана шундай тарихий, сеҳрли улуг жойларда Қамбардинга ўхшаган азаматларнинг изи қолаётганидан қувонасан, киши. Юракда шеър туғилади:

Қайинзордан эсар шаббода,  
Олға чорлар зангори кенглик,  
Ер оч, қур дер сирли бир садо,  
Сени кутар турфа янгиллик.

Бу янгиллик сенинг ўзингда,  
Юрагингни бағишла фақат.

Юрт жаранги бўлсин сўзингда,  
Ишларингда юртга муҳаббат.

Ол байроқни кўтаргин балинд,  
Хур Ватанинг ардоғидасан.  
Коммунизм нафаси билан  
Россиянинг тупроғидасан!

Уша оқшом Қамбардин пазандалигини ҳам кўрсатди. Дастурхонга рус оғайниларни ҳам таклиф этди ва ўзи ташқи ўчоқда ош дамлади. Биз шу тўқин дастурхон устида Хоразм механизациялашган кўчма колоннасининг бошлиғи Муҳаммадамин Шокиров билан танишдик. Зиёфатда рус, ўзбек, озарбайжон, украин, татар фарзандларининг чинакам дўстлигини, аҳиллигини, ўзаро ҳазил мutoйибаларини кўриб ҳавасимиз келди. Владимир Самарин кўзиқорин келтирибди, бу мезбонтаом деб ҳазиллашди. Гарчи у бошқа жойда ишласа-да, ўзбекистонликлардан айрилмайди.

Ҳа, бизнинг замонимизда оққўнғил, хушчақчақ одамлар бир-бирларини тезда топиб олишади. Бу эса дўстликни, коллективнинг аҳиллигини, ишдаги ютуқларни мустаҳкамлайди.

Владимир шаҳридан чиқиб Москвага элтадиган йўл бўйлаб кетдик. Йўл ёқасида сийрак дарахтлар учрайди, яқин атрофда ўрмон йўқ. Яланглик. Атрофни кузатиб борарканмиз, бу ялангликлар бизга гўё танишдай туюлади, тўғрироғи, Мирзачўлнинг ҳали ўзлаштирилмаган ерларини эслатади.

Тунда ёмғир ёққан эди, шуни назарда тутиб, Қамбардин:

— Ботинкада юрасизларми ё? — деди. Резинка этиклардан олмаганига афсусланиб ҳам қўйди. Бизда кирза этик қандай қадрланса, бу ерда ҳам



шундай зарур экан. Гап шундаки, йўл битта, у ҳам оёқ ботадиган лой, машина, тракторлар юравериб ерни лойшан қилиб юборган. Бир амаллаб идорага етиб олдик. Муҳаммадамин йўқ экан, бизни ўринбосари Олимжон Муталов қаршилади, кейин жилмайиб:

— Ётоқхонани топширмоқчимиз, — деди ва яна қўшиб қўйди. — 100 ўринли...

Олимжоннинг юзидан кулги аримасди. Бу табииати қувноқлигиданми ёки одатми билолмадик. Идора жимжит, хоналарда ҳамма ўз иши билан банд. Биз бўлган жойларда, идора ходимлари, ҳажвчилар ёзгандек, коридорларда ҳудабехуда юравермайди, хонани ёпиб шахмат ўйнашмайди, аёллари магазинларга югуришмайди, гап сотиб ўтириш ҳам йўқ. Айтиш мумкинки, вақтни қадрлаш, интизом, тартиб яхши йўлга қўйилган.

Дарвоқе, бу хусусда суҳбатимиз бошида Александр Петрович Козлов айтиб ўтган эди. «Тартиб-интизомни ўрнига қўйгунча анча ходимларнинг бахридан ўтишга тўғри келди, — деганди у. — Ишга келиб-кетиш вақтини ҳисобга оладиган дафтар тутганмиз. Ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш маслаҳатли тарзда ҳал қилинади, бошлиқ — мен бошлиқман, деб хоҳлаганини ишга олиб, хоҳлаганини ишдан бўшатавермайди. Бирор ходимни уйдаги хизматларига буюрмайди. Қисқаси, ходимми ё бошлиқми, қатъи назар ўзбошимчаликка йўл қўйдими, бас, дарҳол чора кўрилади...

Топширилиши лозим бўлган 100 ўринли ётоқхонага йўл олдик. Муҳаммадамин ётоқхонанинг иккинчи қаватида эканини билиб юқорига зинадан кўтарилдик. Аёллар пол ювар, эшик ва деразаларни артишарди.

— Чиннидай тоза қилишимиз керак, — деди Муҳаммадамин, — қабул комиссияси аъзолари синчиклаб текширишади, агар бино талабга тўла жавоб бермаса рад этишади.

Биз ўзимизнинг чўлларда фойдаланишга топшириладиган турар жойларни эсладик. Афсуски, топшириладиган кўп уйлар, таъмирга муҳтож бўлади. Уйга кўчиб кирган одам камчиликларини тузатаман деб югуриб юради. «Қўлдан кетгунча, эгасига етгунча»нинг азобини чекишади.

Муҳаммадамин иш устида, тўғрироғи, иш хусусида гапиришни билади. Кўча ёки даврада сўз қотмайди, баъзан шунчаки жилмайиб қўяди, лекин кўпроқ ўйланиб, мулоҳаза қилиб ўтиради. У — маргилонлик йигит. Фарғона Политехника институтининг қурилиш бўлимини тугатган. 1976—81 йилларда Фарғона сув қурилиши трестига қарашли 1-механизациялашган кўчма колоннада мастер, прораб-участка бошлиғи бўлиб ишлаган. 1982 йили эса республика сув хўжалиги қурилиши Давлат комитети йўлланмаси билан Владимир областига отланди.

Қамбардиннинг гапларига қараганда, у дўстлари орасида камтар, содиқ, мардлиги билан ҳурмат топган.

Табият уни куч ва қоматдан ҳам сийлаган. Ўзи ҳайдаб юрадиган «Москвич» машинаси лойга тикилса судраб чиқаради. Хоразм механизациялашган кўчма колоннаси ўтган йили кўзда тутилган 1 миллион 650 минг сўм ўрнига 2,5 миллион сўмлик иш бажарди. Ҳар бири 143 квадрат метрдан иборат 13 та коттедж уй қуриди. Умумий қилиб айтганда, Асерховский совхозидagi комплекс қурилиш ишлари Хоразм кўчма колоннаси томонидан олиб борилаяпти. 800 қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси, йигирма беш машинага гараж, посёлка Советининг биноси, қурилиш омбори, ҳаммом, савдо маркази, маданият уйи, 30 коттедж уй, теплица, қуёнчилик фермаси каби қурилишлар мана шу кейинги икки йил ичида топширилади. Хоразм кўчма колоннаси ихтиёрида 124 нафар ишчи бор.

Меҳнат Қизил байроқ ордени кавалери, экскаваторчи Леонид Тшковский, 4-разрядли гишт терувчи Шавкат Жуманиёзов, илғор комсомол аъзоси Рустам Холматов ва бошқалар ишда ўрнак бўлишяпти. Кўчма колоннадаги интернационал дўстлик, интернационал оилалар тақдири ҳар жиҳатдан қизиқарли, ҳавас қилса арзийди.

Баҳодир Исломов ўз касби — шоферликдан ҳурмат топди. Еленадай гўзал рус қизининг меҳрига тушди. Икки ёш қўнғил боғлаб, комсомол тўйини ўтказишди. Ҳозир аҳил оилада беш ойлик Темур тарбияланыпти.

Кечқурун яхши бир хабар эшитдик: Маргилондан ўғлини соғинган ота-она — Маъруф ака ва Сурмахон аялар келишибди. Муҳаммадамин ота-она ҳузурига шошди.

Эртаси куни чолу кампирни зиёрат қилгани биз ҳам бордик. Сурмахон аянинг юриш-туриши, ўзини тутиши, бу ерда янги эмаслигини, анча кўникиб қолганини кўрсатар, кампир ўз уйдагидай бемалол, хурсанд эди. Маълум бўлдики, келини Қундузхон Маргилонда, фарзанд кўриш арафасида. Сурмахон

ая: «Муҳаммадамин қизга бой, тўртта қизи бор, илоё буниси ўғил бўлсин», деди. Биз ҳам бу тилакка қўшилдик.

Маъруф ака: «узоқ йиллар ҳисобчилик қилдим, энди пенсияга чиқдим», деди. Оиладаги фарзандлар ўрни ҳақида гапирди. Олти ўғил, икки қизнинг ҳар бири ўзича муносиб касб танлаган. Ҳасан-Хусанлар армия хизматида.

— Азалдан шундай, — деди Маъруф ака, — оилангда меҳнаткаш, ҳалол фарзандни тарбияласанг уни халқ ўзиники қилиб олади. Менинг ўғлим, менинг қизим деб ер-кўкка ишонмайсану, эл хизматига берасан. Эртага қаерга бориб ишлаши тушинггаям кирмайди. Болаларимизнинг ҳаммаси бир-биридан ширин, лекин оиламизда Муҳаммадамин суюмлироқ. Ота-она ҳамма фарзанди-ни яхши кўрсаям назари биттасига тушаркан-да. Шунданми, уйда таом устида аяси Муҳаммадаминга илиниб ўтиради. Соғиниб қоламиз.

Майли, ўғлимиз соғ-саломат ишлайверсин. Ишқилиб омади юрсин, энди бизда рус ери, ўзбек ери деган гап йўқ. Ҳа, ҳаммаси Ватанимизники, халқи-мизники...

— Ноқобил фарзандлар ота-онани ранжитгандай халқниям ранжитади-да, — дедик биз. — Баъи ота-оналар ишққмас ўғил-қизларини халқ ҳашарига жўнатадилар.

— Аслида ёмон фарзанд бўлмайди. Гап уни тарбиялайдиган ота-онада. Бошда арзанда, инжиқ қилиб ўстирдингми, бола шунга кўникиб қолдими, ота-онанинг шўри. Келажагим, бахтим, арзандам деб юрган ота-она кўпроқ элдан уялиб, қақшаб яшайди.. Узингдан чиққан балого қаёққа борасан давога, дегандай. Мен бир билганимни айтай. Танишларимдан бирининг уч ўғли бор. Иккитаси тракторчи. Меҳнаткаш, одобли йигитлар. Ота-она учинчи ўғлини эркалатиб ўстирди, «бу миңистр бўлади», деб болани мақтаб юришди. Таниш-билиш орқали харажат қилиб ўқишга киритишди. Студентга ойига 80—100 сўмдан пул бериб туришган. Бунда икки тракторчи ўғилнинг иш ҳақидан ҳам чегиришган.

Бундай эркалатишга кўнгиллари тўлмади, шекилли, ишчан, чиройли бир қизга уйлантириб қўйишди. Хуллас, ота-онанинг сахийликларидан кенжа ўғил талтайиб кетди, тўртинчи курсда ўқиб юрганида, томдан тараша тушгандай бир танноз қизни етаклаб келди. Бу — бежиз эмас, дедик. Шубҳамиз тўғри чиқди. У Тошкентда таннозни хотин қилиб олган экан... Онаси йиғлади, отаси бош кўтара олмай қолди. Вечора олдинги келини уйдан бош олиб чиқиб кетди. Бир меҳнаткаш қиз алданди. Бу бевурдга учрамаганда ўз бахтини топарди, албатта.

Кенжа ўғил ўқишни нари-бери тугатиб келиб, совхозга ишга кирди. Йил ўтмай юлғичлик устида қўлга тушди. Қўрқдими, муғомбирлик қилдими, комсомолчасига иш кўрсатиб ўзимни оқлайман, деб ариза ёзиб, БАМга кетди.

Тўрт ойдан кейин қочиб келди..

Гапни чўзиб нима қилдим, келинг, бунақа фарзанддан худо ўзи асрасин! Биз ўғилларимизга, келинларимизга ишонамиз.

Сурмаҳон ая эрининг гапини тасдиқлагандай бош ирғаб қўйди.

Мушфиқ ота-оналарнинг тажрибаси ҳамиша қадрлидир.

Муҳаммадамин Шокиров бош Хоразм механизациялашган кўчма колонна-си, йиллик кўрсаткичга кўра, мусобақада голиб бўлди ва республика кўчма Қизил Байроғи билан тақдирланди.

Сурхон-Шеробод чўлида тажриба орттирган Игорь Эммануэлович Шевченко Самарқанд механизациялашган кўчма колонна-сига раҳбарлик қилади. Бугун Игорь Эммануэловичнинг кайфияти яхши: у бошқараётган коллектив 7-ноябрь байрамига, трестда биринчи бўлиб йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт топширди.

— Биз асосан қурилиш ишлари билан шуғулланамиз, — деди Шевченко девордаги харитага ишора қилиб. — Анави белгиланган жойларда объектларимиз бор. Мана масалан Юрьевсизда.

— Уша уйларни, болалар боғчасини сизлар қургансизларми? — дедик Юрьевсизда бўлганимизни билдириб. — Кўрдик, ажойиб уйлар.

— Ҳа. Аммо ҳали Юрьевсизда қиладиган ишларимиз кўп. Самарқанд механизациялашган колонна-си шу вақтга қадар 2 миллион 950 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарибди. Бунда Александр Васильевич Грешанов ва Иван Павлович Шаранов бригадаси пешқадамлик қилдилар. Сувоқчи-бўёқчи Абдумутал Ҳасанов, ер текисловчи Юрий Иванович Ерминов ҳам илғорликни қўлдан бермаяпти. Ҳадемай 9-этажли уйлардан иккитасини қуришга киришилади.

Қурилишларнинг ички техникавий ишларига Наманган механизациялашган кўчма колонна-си яқиндан ёрдам беради. Унда учта участка бор.

Биринчи участка ички ва ташқи сантехник ишлари билан шуғулланса, иккинчи участка электр-монтаж ишларини амалга оширади. Қўчма колонна 9 ой давомида 771 минг сўмлик иш бажарди. Маррага яқин қолди.

— Сизларни узокроққа олиб бораман, — деб қолди ҳамроҳимиз Қамбардин. — Андреевский тўғонини ҳам бир кўриб қўйинглар.

Биз йўлга тушдик.

Ҳаво очиқ, қуёш чарақлаб турарди. Аммо кучли шамол эсарди. Гўё эртаиндин қор ёғади-ю, бу шамол эса ёғадиған қорнинг адашган изғирини. Йўл қишлоқлар ва ўрмонларнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган.

Мана, Бобьева қишлоғи. Анҳор ёқалаб узала тушган. Қадимий черков биносининг томи қизғиш бўлиб кўринади. Улар сийрак, булар-бари қариялар... Улар қандайдир юмуш билан банд. Бир оздан кейин Ставров посёлкасига кириб бордик, ундан ўтиб Ерминино қишлоғини кўрдик. Қуюқ қарағайзор. Йўл ёқасида арчалар. Ўрли, қирли дала.

Жуковский қишлоғи...

Бу ўша машҳур, рус авиациясининг отаси деб тан олинган Жуковскийнинг туғилган қишлоғи эди.

Тўхтадик. Катта боғ. Боғ атрофи темир панжара билан ўралган. Дарвозадан кирдик. Боғда сукунат ҳукмрон. Аввал ариқ, сўнг ҳовуз ёқалаб уй-музейга яқинлашдик. Уй қошида самолёт макети қўйилган, қарайсан, гўё ҳозир парвозга кўтарилаётгандек. Айланиб томоша қилдик. Жуковскийдан қолган табаррук ашъёлар билан таништирувчи киши оёқларимизга латта кавуш кийдирди. Сўнгра хоналарга бошлади. Жуковскийнинг қўлёзмалари, илмий ишлари, турли даврларда тушган фотосуратлари... Елғиз одамнинг ўзи бутун бир тарихга айланган...

Ташқарига чиқиб яна сокинликда ўйга чўмдик. Анови қарағайлар орасида Жуковский ўйларини пишитиб юрган, мовий осмонга тикилган, самолётларнинг учишини тасаввур қилган...

Шу пайт дарвоза олдига «Интурист» автобуси келиб тўхтади. Ундан чет элик сайёҳлар тушди. Улар буюк халқнинг буюк фарзанди туғилиб, униб-ўсган уй-музейини зиёрат қилишга киришдилар.

Биз эса дилимизда бир олам ҳаяжон Андреевский тўғони томон кетдик. Ана, яна кўз кўрса қувонадиган қайинзорлар бошланди. Шукшун худди шундай қайинзорларни эркалаб, «сингилларим» деган, қайинзорларга юрагини очган... Бепоеён Россия табиати ҳақида қанча фахрли китобла ёзилса, шунча оз.

Андреевский тўғони шу номли совхознинг ерларини суғоради. Ҳавзада ёмғир, қор, сизот сувлар тўпланган. Тўғоң ердан жуда баланд кўтарилган. Катта қувват билан ишлайдиган насослар қурилган.

Бу ерда биздагидек эгатларга сув тараб суғорилмайди. Қурғоқчилик кунлари ер ости қувурлари орқали насосга, насосдан «Фрегат», «Волжанка» аппаратларига кучли босимда сув юборилади. Бу аппаратлар сунъий ёмғирлар ҳосил қилиб, экинлар устига сув сачратади. Ерларни мелиоратив йўл билан қуриштиш, суғориш катта самаралар берапти. Бу ҳақда трест бошлиғи Мурод Пўлатов бизга батафсил гапириб берди.

Самарқандда, аниқроғи, Жума шаҳрида Пўлатовлар оиласини ҳамма танийди. Асли қашқадарёлик бўлган Пўлат ака ёшлигида Самарқандга келиб қолади. Октябрь инқилобидан кейин, биринчилар қатори комсомол сафига киради ва босмачиларга қарши курашда қатнашади. Колхозлаштириш ишларида фаол иштирок этади. Улуғ Ватан уруши бошланганда, аскарликка ёзилиб, жангга отланади. Ҳаётининг мазмунини кураш ва меҳнатда кўрган Пўлат ака узоқ умр кўрди. Ун беш нафар ўғил-қизини тарбиялаб, вояга етказди. Мурод ғурурланиб ака-укалари, опа-сингиллари, оиласидаги ўғил-қизларни санаб чиқди. Ҳозир сулола сарҳисобида 100 дан ортиқ жон бор.

Мурод отасидан кўп яхши фазилатларни ўрганди. Дарёсан, дарёдек тирикчилик қил дегандек, у катта оилада тарбия кўргани учун ўттиз ёшида Самарқанд совхоз сув қурилиши трестига бошқарувчи бўлганида шошиб қолмади: ўзини йўқотиб қўймади ёки шухратга берилмади. Балки эл ишончини, партия топиригини оқлашга уринди.

Мурод Пўлатовнинг ташаббуси билан Сиёб каналида — узунлиги икки минг метрли эшкакли қайиқда сузиш канали очилди, бу жиддий иш икки йилдан ошиқроқ вақтда битказилди. Анча шов-шувга ҳам сабаб бўлди. Пўлатовга «Совет спорти аълочиси» деган унвон берилди. У «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери.

1981 йили «ЎзВладимир сув қурилиши» трести ташкил этилганида, республикаимиз раҳбарлари унга муносиб бошқарувчини излашди. Шунда сув қурилиши Давлат Комитетидаги ўртоқлар Мурод Пўлатовнинг номзодини кўрсатишди. У ёш, серғайрат, истеъдодли раҳбар эди.

Ушанда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Шароф Рашидов Муродни қабул қилди, самимий суҳбатлашди. Масъул ишга бораётганини тушунтирди, йўл-йўриқлар кўрсатди, қўлини қаттиқ сиқиб кузатди. У шуни ҳеч қачон унутмайдик, Шароф Рашидов Москвага келган вақтларида ҳам Муродни чақирар ё трестга сим қоқар, ишларнинг боришини сўраб-суриштирар, қанақа ёрдам кераклигига қизиқарди.

Мурод Владимирга оиласи билан кўчиб келди. Ўғли Рустамни мактабга, Жамшид ва Санжарни боғчага берди. Турмуш ўртоғи Матлуба туғуруқхонага врач бўлиб жойлашди. Ҳали айтганимиздек, трестнинг олдига қўйган мақсадлари катта. Бугунги кунда трестда 1500 турли касб эгалари ишлайди. Улардан 200 киши коммунист, 250 нафари ВЛКСМ аъзосидир.

Ўтган йилнинг ҳисобидан Меленков, Гусь Хурстальный Александров, Собинский районларида 1,5 минг гектар ер қуритилган, 650 гектар ер суғорилган, 3200 гектар ер экишга тайёрланган. Қўплаб уй-жойлар қурилган. Трест 1982 йилнинг тўртинчи чораги якунига кўра, Ўзбекистон сув қурилиши Давлат Комитети ва республика хўжалик ходимлари касаба союзи комитетининг кўчма Қизил байроғини олди.

Мурод Пўлатов бошқараётган «ЎзВладимир сув қурилиши» трестининг катта коллективи ўзининг меҳнатдаги ғайрат-шижоати билан аллақачон эътибор қозонди. Табиийки, дадил қадамлар билан бошланган иш ҳамиша самара беради.

Дам олиш куни Суздалга йўлимиз тушди.

Бу чоққина шаҳарнинг қадимий меъморлик ёдгорликлари Иттифоқи-миздагина эмас, балки бутун дунёга машҳур. Тарихий манбаларга қараганда, Суздаь 1024 йили қурила бошлаган.

Музей шаҳарнинг рус ибодатхоналари, қўрғонлари, савдо марказлари архитектурасининг маҳовати ва жозибалилиги билан кишини ҳайратга солади. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан келган сайёҳлар кўчаларни тўлдириб юришибди.

Муҳаммаддамин ҳаяжонини яшира олмади.

— Биз қурган бинолар, иншоотлар ҳам, келажак авлодларни лол қолдира олармикин?

— Қошки эди, — деди унга жавобан Собитжон.

— Ҳа, боболардан ўрнат олишимиз керак, — деб Қамбардин икки дўстининг елкасига уриб қўйди.

Суздалда буюк аждодлар даҳосига таъзим қилиб, дўстларимиз билан хайрлашдик ва Иваново областига йўл олдик.

Давоми бор.

Ҳамид Олимжон

## В. В. МАЯКОВСКИЙ ҲАҚИДА

## 1. Бир хотира

Бу учрашув 1929 йилда Кримда бўлган эди. Семиз курортларининг деворларида «Владимир Маяковский» деган афиша пайдо бўлиб қолди. Бу афиша тахминан бир ҳафтача шу ҳолда турди. Афишада ҳалиги номдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Фақат бир ҳафтадан сўнггина шу деворларда янги афишалар пайдо бўлди. Бунда Маяковскийнинг Қримга келгани ва бўлажак кечанинг программаси ёзилган эди.

Катта ёзлик театрда Маяковскийнинг адабий кечаси бўлди. Театр зали томошабинлар билан лиқ тўлиб кетган, ҳатто театр деворлари атрофидаги дарахтларга ҳам курортчилар чиқиб олган эдилар. Ҳамма интизорлик билан Маяковскийнинг келишини кутар эди.

Автомобиль Маяковскийни олиб келди, ҳаммаёқ шовур-шувур бўлиб қолди. Сўнгра пардани очдилар. Сахнада стол, стул, бир графинда сув ва бир стакандан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Узун бўйли, гавдали одам саҳнага чиқиб келди. У қоп-қора арабга ўхшар эди. Кечани унинг ўзи очди. Кечанинг бошидан охиригача саҳнага Маяковскийнинг ўзидан бошқа ҳеч ким чиқмади. Конферансье ҳам, кеча мудирини ҳам, ўқувчи ҳам унинг ўзи эди.

Деворларга ёпиштирилган афишага кўра, Маяковский даставвал «Эски ва янги» деган мавзуда доклад қилмоғи керак эди. Лекин у буни қилмади.

У биринчи бўлиб ўзининг «Сўл марш» деган машҳур шеърини ўқиди. Бу шеър, унинг шу кечада ҳикоя қилганига кўра, революциянинг дастлабки йилларида Петроград матросларининг қақирғига мувофиқ, шеър ўқиб беришга кетаётган вақтида извошда ёзилган ва тўғри матросларнинг мажлисига бориб ўқилган экан. У шеърни ўқир экан, «сўл» сўзи ҳар бир қайтарилганда, унинг чап қўли кўтарилиб тушар эди. У чапақай эди.

Шеър жуда қаттиқ таъсир қолдирди. Театрдагилар ўринларидан туриб олқишладилар. Залдан, дарахтлар орасидан луқмалар ташланар, офаринлар айтилар, Маяковский уларнинг ҳар бирига ҳазил билан жавоб қилар эди.

Маяковский шеърни оғир-оғир ўқир, сатрларни бўлиб-бўлиб айтар, сўзлар орасида паузалар қилар эди. Унинг бундай маҳорат билан ўқишида ҳар бир товуш катта бир аҳамият қозонар ва тингловчида қолдирган таъсири оддий шеър ўқишдагидан кўра юз ҳисса ортиқроқ бўлар эди. Маяковскийнинг бу ўқишини кўриб қойил қолган курортчилар: «Биз сиздай қилиб ўқий олмаймиз» деб, яна луқма ташлай бердилар. Маяковский уларга: «Сизни ўргатмак керак» деб, кулимсираб қўяр эди.



*Ўзбек совет адабиётининг довруғи бугунги кунда кенг миқёсларга ёйилди. Унинг бундай шуҳратга эришишида улуг рус адабиёти катта роль ўйнади. Шу боис, республикаимизнинг 60 йиллик тўйи нишонланаётган бу йилда, журналимиз саҳифаларида йирик санъаткорларимизнинг ушбу маҳорат мактабидан олган сабоқлари ҳақида айтган дил сўзларини, айрим мақолаларини ёритиб боришни лозим топдик.*

«Сўл марш»дан сўнг, шоир Есениннинг ўз-ўзини ўлдириши муносабати билан, Маяковский ўзи ёзган шеърини ўқиди. Маяковский Есениннинг ўзини ўлдиришини жуда қаттиқ ҳукм қилар-ва «Бу ҳаётда ўлмак қийин эмас, ҳаётни қуриш қийинроқ» деб, Есенинни номардликда айблар эди.

Маяковскийни завқ билан тингладилар. У жуда узоқ ўқиди. Шеър ораларида, дам олган чоғларида ўз замонининг шоирлари ҳақида жуда лўнда фикрлар ҳам айтар, ёзувчиларга, шеърларга бўлган қарашларини сўзлар эди. Уша кеча унинг шоир Уткин ижодидаги мешчанлик туйғуларини қаттиқ қоралагани сира эсимдан чиқмайди.

Кечанинг сўнггида Маяковский ўзининг «Қандала» («Клоп») пьесасидан парчалар ўқиди. У пьесадаги ҳар бир персонажнинг ўзи бўлиб сўзлар, гўёки маълум ролларни ўйнар ва бу билан кечага келганларни қаттиқ кулгига солар эди.

Кеча анча кеч тамом бўлди. Ўз поэзиясини ўн йиллар бўйи тарғиб қилиб юрган буюк шоир кечани ўзи тамом қилиб, чиқиб кетди.

## 2. Давримизнинг буюк шоири

В. В. Маяковский социализм шоири эди. У эски дунёга ҳужум қилди. Янги жамиятни, унинг одамларини, социализмни қурувчи синфнинг руҳини ифода қилди. В. В. Маяковский социализм қурувчи халқнинг туйғулари, тушунчалари, бахт ва шодлиги, ғазаб ва нафрати, тилак ва армонлари, севги ва интилишлари билан ёнар эди. Совет халқининг улугворлиги В. В. Маяковский поэзиясидаги мард оҳангни ташкил қилган эди.

В. В. Маяковскийнинг ишчилар синфига, социализм қурувчи халққа бўлган муҳаббати унинг ўз шахсий ҳаёти йўли билан ҳам асосланган эди. У ўн уч ёшида экан, кимсасиз қолди ва шундан сўнг революционерларга яқинлашди. Ўн тўрт ёшидан бошлаб революцион ҳаракатга аралаша кетди. Шунинг учун қамоққа олинди. Подшо қамоқхонасининг азоб-уқубатлари, ўн тўрт яшар бола тортган жабру жафо унинг эски дунёга қарши бутун умрбод нафрат сақлаб қолишига олиб келди. У шунинг учун ҳам бутун борлиги, бор вужуди билан янги жамият кишиси бўлиб қолди. Буржуазия жамиятига нисбатан бўлган нафрат туйғуси уни бутун бор кучи билан янги жамият қурувчи буюк халққа қараб тортар эди.

Маяковский поэзияси шунинг учун революциянинг конкрет масалалари билан боғлиқ эди. У иш кунининг энг майда, энг зарур, энг актуал масалаларигача қатнашар ва ҳар куни социализм учун бирор ижодий гишт кўяр эди.

В. В. Маяковский:

Мен  
Узимнинг жарангловчи  
шоир кучимни  
Сенга бағишлайман,  
ҳужумкор синф! —

дейишда тамом ҳақли эди. В. В. Маяковскийдаги бу муҳим хислат Владимир Ильич Ленин томонидан ҳам жуда тақдир қилинган эди.

В. В. Маяковский реализм позициясида қаттиқ туриб, ўзининг революцион поэзиясини яратди. Социализм, ишчилар синфи унга янги мундарижа, бой мазмун берди. Унинг «Совет паспорти», «150.000.000», «Яхши», «Владимир Ильич Ленин» ва «Қандала» сингари улкан асарлари шунинг натижасида майдонга келди. Маяковскийнинг ўлар олдида ёзган «Ҳайқирик» шеъри у яратган поэзиянинг бутун моҳиятини, йўналишини очиб беради. Унинг поэзияга бўлган қарашларини ифода қилишда ва поэзиянинг кучини белгилашда буюк бир ҳужжат бўлиб қолди. «Ҳайқирик» шеъри В. В. Маяковский учун ҳам сиёсий, ҳам ижодий яқун эди. Бу шеър Маяковскийнинг қанчалик юксалганини яққол кўрсатар эди. Бу шеърни ўқиганда, ўлим олдида турган шоир келажак асрлар учун ўз ижодининг моҳиятини ва маъносини очиб бериб қолдирганга ўхшайди.

В. В. Маяковский совет поэзиясида Ленин ҳақида энг кучли ва энг гўзал нарсани ёзиб қолдирди. Бу эса «Владимир Ильич Ленин» достонидир.

В. И. Лениннинг бадиий образини яратиш бу жуда буюк бир ижодий иш. В. И. Лениндай буюк доҳийнинг образини яратмоқ учун албатта буюк шоир бўлмоқ лозимдир. Шубҳасизки, В. В. Маяковский бу буюк мақсадга эриша

олган эди. В. В. Маяковскийнинг бу асарига жуда катта қиммат берган Москва шаҳар партия активи махсус мажлис чақириб, унинг бу улуг дostonини тинглаган эди.

В. В. Маяковский «Владимир Ильич Ленин» дostonида Россияда чириб бораётган эски жамиятни кўрсатади ва бутун Россия ишчилар синфини, революциянинг галабасини, совет халқининг бахтини тасвирлайди. У буюк В. И. Ленин образини жуда яққол ва равшан кўрсатади:

Ленинга  
ярарми  
шундай андоза?  
Ахир, ўз кўзи-ла,  
ҳамма кўрарди  
Шу «даврон»  
эшикдан ўтаркан.  
Тоза,  
боши,  
туйнукка ҳам  
тегмай юрарди.  
Ленинни  
деймизми,  
«худодор доҳий?»  
Агар, у  
бўлсайди  
шундай ростакам.  
Бўлсайди  
шоҳона  
шундай илоҳий —  
Оломон  
саждасин  
тўсардим маҳкам.

В. В. Маяковский В. И. Ленинни пролетариат доҳийси сифатида содда, оддий одам хислатлари билан берди. У В. И. Лениннинг образини яратишда буюк жасорат кўрсатди. Шунинг учун ҳам, у В. И. Ленинни «илоҳий доҳийлар» ва «пайғамбарлар» га ўхшатмасдан, ишчилар синфи ичидан етишиб чиққан буюк йўлбошчи тариқасида тасвирлар эди.

В. В. Маяковский ўзбек тилига жуда оз таржима қилинди. Қилинган таржима­ларнинг кўпи В. В. Маяковский поэзиясидан жуда йироқда туради. Кўп таржимонлар В. В. Маяковский яратган шеърнинг ҳақиқий моҳиятини англамайдилар. В. В. Маяковский асарлари таржимасида юз берган жуда кўп янглишлар ва бузуқликлар шундан келиб чиққандир.

В. В. Маяковскийни таржима қилиш осон иш эмас, албатта. Фақат оддий таржима билангина иш битмайди. Маяковскийни таржима қилган киши айни замонда уста шоир ҳам бўлмоғи лозим. Чунки ўзбек тилида ҳам сўзларни В. В. Маяковский шеърига мос келар даражада танламоқ ва ҳар бир сўзни ўз ўрнига қўймоқ учун жуда катта меҳнат ва катта маҳорат керак. Сатрларни бўлиб ташлаб таржима қила бериш билан шеър чиқмайди, албатта.

В. В. Маяковскийни ўзбек тилига таржима қилиш устида жиддийроқ шуғулланган киши Шайхзодадир. У В. В. Маяковскийнинг буюк дostonи «Владимир Ильич Ленин»ни таржима қилиб чиқди. Журналларда ўқиган парчаларимиз В. В. Маяковскийни таржима қилишда биринчи қадам ташланди деб қарашимизга асос беради.

### 3. Минбар шоири

XIX асрда рус поэзияси ўзининг баланд чўққиларига кўтарилди. Рус поэзиясининг бобоси А. С. Пушкин эди. Буюк рус халқининг ҳақиқий ўғли бўлган А. С. Пушкин ўз ташналикларини шу халқнинг ижод шаршараларидан қондирди ва ўзининг қудратли томирларини халқ ичига кенг ёйди. Рус халқининг бой жонли тили асосида гўзал адабий тил яратди. Ҳақиқий шеърнинг намунасини берди. А. С. Пушкиннинг ажойиб шеърларини ўқиб, кўзи мошдай очилган жамият у вақтда бу шеърлар қаршисида ҳайратда қолишдан бошқа ҳеч нарса қила олмас эди. Чунки бу жамият ҳақиқий гўзал шеърни эндигина кўрган ва шу муносабат билангина унинг маъносига ета бошлаган эди.

А. С. Пушкин рус шеърини жаҳон адабиётининг энг баланд юксакликларига кўтариб вояга етказди.

А. С. Пушкинни ўлдирдилар. Рус поэзиясининг буюк қуёши ўтдай қизиб турган чоғида совуқ қор устига тушди ва сўнди ҳамда шу замоннинг ўзидаёқ поэзия кўкида чақмоқдай ялтираб М. Ю. Лермонтов пайдо бўлди. Иигирма етти ёшида ўлган бу йигитнинг кучи А. С. Пушкиндан кам эмас эди. А. С. Пушкин ва М. Ю. Лермонтов рус поэзиясини баланд тоғ устига кўтариб чиқдилар. Рус классик шеъри А. С. Пушкин ва М. Ю. Лермонтовда ўз такомиллига эришди.

Буюк социалистик революция поэзия бобида В. В. Маяковскийни кўтарди. В. В. Маяковский ҳам бир гигант эди. В. В. Маяковский поэзия бобида янги фикрлар билан майдонга чиқди. Бу тарихий жиҳатдан қонуний ва зарурий бир ҳол эди.

А. С. Пушкин ва М. Ю. Лермонтовларнинг энг яхши традицияларини қабул қилгани ҳолда В. В. Маяковский ўз шеърини каттақон майдонлар тилига, намойишчилар билан тўлган кўчалар тилига, пролетариат тилига қараб қурди. В. В. Маяковский янги шеър яратди...

Шеърни катта аудиторияга етказиш учун қўлланилган ораторлик установакеси поэзияни тор хужра қобигидан чиқарди. Поэзияни баланд минбар, катта майдон, тингловчиларнинг буюк уюшмаларига етказиш нияти — В. В. Маяковскийни шеърда янги шакл, хитоб ва нидо формасини излашга, минбар шеърининг янги приёмларини ишлашга, хужра шеърларида бўлмаган баландликларга чиқаришга мажбур қилди.

Шубҳасизки, В. В. Маяковскийнинг бу шеъри классик вазнининг тинч ва сокин колонналарига, классик шеърнинг «орзуи»га сиғмас эди. В. В. Маяковский яратмоқчи бўлган шеър эски қобикларни ёриб чиқмаса, ўз мақсадига, ўз таъсир кучига эриша олмас эди. В. В. Маяковскийдаги сатрларни бўлиш ана шу янги установадан келиб чиққан эди. Бўлинишда жуда оддий кўринган ҳар бир товуш, ҳар бир сўз фақат тўғри айтилгандагина ва керагича ўқилгандагина ўз таъсир кучини қозонар, ўз мундарижасини тўла касб этар эди. Бунинг учун сатрларга паузалар қўймоқ, нуқталар ташламоқ, уларни бўлмоқ лозим келар эди. Бу пауза, нуқта ва бўлинишлар ўқувчига шу сўзларга маъно ва тушунчалар устида алоҳида-алоҳида ўйлашга имкон туғдирар эди.

В. В. Маяковскийнинг сатрларини бир нафас билан, дам олмасдан ўқий олиш мумкин эмас. Ҳар бир сатр устида сарф қилинган меҳнатгина шеърни ўз чўққисига кўтаради. Бунда товуш ва интонациянинг роли чексиз каттадир...

Кўринадики, В. В. Маяковскийнинг янги шеърлари жуда қатъий бўлган қонунларга суянгандир. Бунда кузатилган мақсад эса шеър билан миллион-миллион ишчилар оммасининг қалбига кучлироқ таъсир қилар эди. В. В. Маяковский ўзининг ўлим олдидаги энг сўнгги асарий бўлган «Ҳайкирик»да «Жаҳон пролетари, энг сўнгги саҳифамгача сенга бераман» дер экан, уни ана шу муқаддас қаноат йўлига солар эди.

В. В. Маяковский совет шоирларининг устози эди. Шеърни социализм қурилиши учун бевосита хизмат қилдиришни, ўз синфининг ишига ва курашига жон ва дили билан берилиш ва совет поэзиясининг сиёсий ўткирлиги ҳамда софлиги учун курашни совет шоирлари Маяковскийдан ўрганадилар. Маяковский ана шунинг учун ҳам халқ душманларига ёқмас эди. Замонамизнинг энг улкан ва талантли шоирини улар оддий «ташвиқотчи» деб қарар эдилар.

Ва шубҳасизки, бизнинг Ўзбекистонда бир вақтлар авж олган «минбар адабиёти» В. В. Маяковскийнинг ижодига, энг яхши ҳолда, устжи тақлиддангина иборат эди. В. В. Маяковский томонидан яратилган шеърга солинган янги мазмундан улар маҳрум эдилар.

В. В. Маяковскийдан ўрганиш, В. В. Маяковский илгари сурган мақсад ва асосларни чуқур англаш негизида катта маданий ва бадиий куч савиясига кўтарилурмиз.



## ХАЛҚ ИСТЕЪДОДИ

Халқимиз қадим-қадимдан ҳунармандлик билан шуғулланиб келган. Ҳозирги кунда бу ҳунармандлик катта санъат даражасига ўсиб чиқди ва «халқ амалий санъати» деган ном олди.

Бугун халқ амалий санъати таркибига кулоллик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, ганч ва тоштарошлик, наққошлик, кандакорлик, гилам ва палос тўқиш, кигиз босиш, каштадўзлик ва зардўзлик, музика асбоблари тайёрлаш каби ҳунарлар киради. Амалий санъат буюмлари фақатгина халқнинг моддий ёки маънавий эҳтиёжини қондирибгина қолмай, балки ўзида бадиийлик ҳамда ғоявийликни ҳам ифода этади. Шундай экан, демак, моҳир усталар, чеварлар яратган бадиий буюмларга эҳтиёж ва талаб ўсиб бораверади.

Айниқса, сўнгги ўн йилда партия-ҳукуматимиз халқ амалий санъатини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. 1978 йилда эса Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига биноан республика Рассомлар союзининг Бадиий фонди қошида халқ санъати усталарининг бирлашмаси ташкил этилди ва унга «Уста» деб ном берилди.

Бирлашмани тузишдан мақсад ўзбек халқ амалий-безакли санъатининг анъанавий турларини тиклаш ва ривожлантириш, жойлардаги усталарни излаб топиш ва уларни амалий ишга жалб этиш, халқ усталарининг ишларини самарали системага солиш, уларни хом ашё ва материаллар билан таъминлаш, янаша ва ижодий меҳнат шароитларини яхшилаш, ижодий семинар ва кўриклар ўтказиш, амалий-безакли санъатни кенг тарғиб қилишдан иборат эди. Қўйилган масалалар асосида республикамиз областларидаги барча тарқоқ ҳунармандликни жамловчи 4 зонал участка иш бошлади. Чунончи, Жиззах, Сирдарё, Тошкент областларидан иборат — Тошкент зонал устахонасига, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё областлари — Самарқанд зонал участкасига уюшди. Қўқон участкаси — Фарғона, Андижон, Наманган усталарини қамраб олди. ҚҚАССР ва Хоразм области эса Урганч шаҳар зонал бирлашмасига қаради.

«Уста» уюшмаси беш йил ичида катта ташкилий-оммавий ишларни амалга оширди. Дастлаб, бирлашма ташкил этилганда амалий санъатнинг 6 тури, халқ усталарининг 117 таси аниқланган бўлса, ҳозирги кунда амалий-безак санъатининг тури 22 тага етди. Бирлашма картотекасидаги халқ

усталарининг рўйхати 500 дан ошиб кетди. Шулардан 40 уста СССР Рассомлар союзига аъзо бўлди.

Ўзбек миллий санъатининг қадимий анъаналарини давом эттириб келаётган машҳур, моҳир усталардан Ҳамза мукофотининг лауреати, ЎзССР халқ рассоми, қўқонлик ўймакор Қодиржон Ҳайдаров, ЎзССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, тошкентлик ўймакор Ортик Файзуллаев, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, уруглик кулол Маҳкам Облоқулов, шаҳри-сабзлик кулол Абдуҳақ Музаффаров, бухоролик ганчкор Ширин Муродов, каштадўз аёл Сабоҳат Раҳматуллаева, мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам танилган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, хоразмлик кулол Райимберди Матчинов, унинг шогирди, СССР Рассомлар союзининг аъзоси Султон Отажонов ва бошқа жуда кўплаб ҳунармандларнинг ишлари мақтовга сазовордир.

Маданиятимиз юксалган сари, халқимизнинг бадиий буюмларга бўлган эстетик қарашлари, юксак дидининг ҳам бевосита ўсиб бориши табиий, албатта.

Бу «Уста» бирлашмаси усталарининг ижодий ишларида алоҳида инobatга олинмокда. Бирлашмада янги — Шарқ миниатюраси анъаналари асосида рангтавирли док миниатюраси билан шуғулланадиган группанинг ишлай бошлагани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу группага Ўзбекистон ССР халқ рассоми Чингиз Аҳмаров раҳбарлик қилмокда. Ясама материал — папье-маше (қоғоз, картон, елим ва бошқа материаллардан тахланган) санъати сирларини, унинг ишлаб чиқариш жараёнларини ўзлаштириб олишга Палехдаги бадиий ишлаб чиқариш устахонасининг ижодкорлари катта ёрдам беришди. Док миниатюраси усталари — Ш. Муҳаммадҷонов, Н. Холматов, И. Асқархўжаев ва Г. Камоловнинг ижодий ишларида шарқ эртақлари, ўзбек шеърининг лирик мотивлари бўёқларда тасвирланапти. Турли мавзуда ясалган लोक буюмлар Палехда бўлиб ўтган кўрғазмада муваффақиятли намойиш этилди.

Йўқолиб бораётган қадимий халқ санъатини сақлаб қолиш, ўрганиш ҳамда қайта тиклаш мақсадида «Уста» бирлашмасида шогирдлар тайёрлаш мактабининг мавжудлиги яна бир қувончли ҳодир. СССР Бадиий фондининг кўрсатмасига асосан ишлаб турган бу мактабда 150 дан ортик ёш мутахассис ўзбек амалий санъатининг кўпгина турларини ўрганиб, ижод қилмокда.

лар. Бир йиллик курсни тугатган ёш усталар ўз ижодий ва меҳнат фаолиятини бирлашмада давом эттираверадилар.

Усталар ясаётган шунча буюмлар қаёққа кетади, деган савол туғилиши табиий.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг бевосита гамжўрлиги туғайли «Уста» бирлашмасидан сотиб олинган буюмлардан ташкил топган ўзбек амалий санъати намуналари кўрғазмаси жаҳоннинг кўпгина шаҳарларида намойиш этиб келинмоқда. Жумладан, Польша, ГФР, Ҳиндистон, Мўғулистон, Югославия, Финляндия, Италия, Испаниядаги кўрғазмаларда усталаримизнинг буюмларига катта баҳо берилди. Айрим кўрғазмаларга қўйилган асарлар эса харидорларга сотилади ҳам. Бундай кўрғазмалар Чехословакия ва Венгрияда бўлиб ўтди.

Усталарнинг оригинал асарлари ҳозир СССР Бадий фондига даҳлдор кўпгина бадий салонларда сотилмоқда. Шу билан бирга энг яхши буюмлар мамлакатимиз музей экспонатлари қаторига бориб қўшилмоқда. Буларнинг барчаси халқнинг гўзаллик ҳақидаги эстетик тушунчаларини янада бойитиш, маънавий дунёсини шакллантириш ва унинг эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Ҳар икки йилда бир марта Москвада сотиб олинмаган амалий санъат буюмлари кўрғазмаси бўлиб ўтади. «Уста» бирлашмаси бу кўрғазмада муваффақиятли қатнашмоқда. Ижодий меҳнат самаралари учун кўпгина усталар кўрғазманинг фахрий ёрликлари, дипломлари — «Олтин қўлли уста» гувоҳномалари билан рағбатлантирилди.

Маълумки, ҳар йил апрель ойида мамлакатимизда таъсирий санъат ҳафталиги ўтказиб турилади. Ана шу ҳафталик бир кунининг «Кулоллар кўни» деб номлангани аёнана тусига кирди. Бу кунда кулоллар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш яхши самара бермоқда.

Ўрни келганда бир масала хусусида тўхталмоқчимиз. Шу кунларда бирлашмада айрим амалий санъат асарларининг туриб қолиши ачинарли бўляпти. Бу аҳволни республика Бадий фондининг Марказий саломи баргараф этиши керак. Масалан, Риштон сопол буюмларини Самарқанд ва Бухорода, Хоразм сопол буюмларини Наманган ёки Қашқадарёда, Бухоро зардўзиларини Сурхондарёда, Ургут кашталарини Андижон ё Бухорода, Сурхондарё гиламларини Тошкентда сотиш ишларини уюштирса, Марказий салон раҳбарлари усталарнинг меҳнатини мўносиб баҳолаган бўларди ва айни пайтда харидорларнинг бу буюмларни сотиб олишларига қулайлик туғиларди. Шунингдек, давлат савдо муассасалари «Уста» бирлашмаси билан ҳамкорликда халқ усталари ясаган буюмларни республикамизнинг турли жойларидаги «Ёдгорлик буюмлари» магазинлари орқали сотишни йўлга қўйишса дуруст бўларди, деб ўйлаймиз. Бу эса халқ усталарини раҳбатлантириб, улар маҳоратини янада юксак савияга кўтариши турган гап.

Феруза РАҲМАТҲУЛЛАЕВА,  
«Уста» бирлашмасининг бош рассоми,  
Олмагон ХУЖАНИЕЗОВА,  
санъатшунос



## МАДАНИЙ ҲАЁТ

22.XI.83

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов расийда ўтган республика Ёзувчилар союзи секретариатининг йиғилишида КПСС МК июнь (1983) Пленуми қарорларини амалга оширишда Бадий адабиётни тарғиб қилиш бюроси фаолиятини янада яхшилаш тадбирлари муҳокама этилди. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Саъдулла Кароматов, Бадий адабиётни пропаганда қилиш бюросининг директори Тўлқин Шамшаров, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчилари Назир Сафаров ва Михаил Швердинлар шу масала юзасидан сўзга чиқдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон

КП нинг 60 йиллигига тайёргарлик, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Халқаро Тошкент VIII кинофестивалига ҳозирлик масалалари, ёзувчи Азиз Ниаллонинг 80, шоирлардан Восит Саъдулланнинг 70, Зоҳиджон Обидов ва Султон Акбарийларнинг 60 йиллик юбилейларига тайёргарликлар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг ташқи сиёсий пропаганда комиссияси тузилиб, унга комиссия раиси қилиб Лазиз Қаюмов тайинланди.

Ғаффор Ҳотамов, Комил Авазов, Абдулҳаким Фозилов, Мамажон Раҳмонов, Владимир Соколов, Эргаш Муҳаммад, Шодмонбек Отабоев, Улмас Муҳиддинов ўрқолар секретариат йиғилишида СССР Ёзувчилар

союзи аъзолигига қабул қилиндилар.

29. XI. 83.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзида Москвадаги Бутуниттифоқ Максим Горький номидаги Адабиёт институти ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан бўлиб ўтган юбилей кечасини ёзувчи Пиримқул Қодиров олиб борди.

Йиғилишда М. Горький номидаги Адабиёт институтининг собиқ талабалари бўлмиш ёзувчи ва шоирлардан Ҳаким Назир, Гулчеҳра Нуруллаева, Халима Худойбердиева, Муҳаммад Али, Шавкат Раҳмон, Мурод Муҳаммад Дўст, Мавлон Икром ва Ёдгор Обидовлар юбиляр институт ҳақидаги эзгу хотираларини йиғилганлар билан ўртоқлашдилар.

МАДАНИЙ ҲАЁТ



Абдуқодир Ҳайитметов,  
филология фанлари доктори

## НАВОЙИ ВА БОБУР

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Алишер Навоийга муносабати масаласи Бобур фаолияти ва ижодиётининг муҳим томонларидан бири, десак хато қилмаган бўламиз. Ана шу масала замирида Бобур дунёқарашининг ҳамма томонлари, ҳатто ундаги айрим зиддиятлар ҳам яққол кўзга ташланади. Бобур Навоийни аввало ўз давридаги энг йирик шахс, барча замондошлари томонидан тан олинган, ҳатто ҳукмдорларга ҳам ўз сўзини ўтказа оладиган донишманд сифатида ҳурмат қилган. Улуғ шoirга нисбатан бундай катта эътиқод умрининг охирига қадар сақланган.

Навоийнинг шoirлик фаолиятидан, унинг халқ ва мамлакат учун қилган улугвор ишларидан Бобур ёшлигиданоқ яхши хабардор бўлган. Шу билан бирга Навоий ҳам унинг сиёсий фаолиятини жуда эрта кузата бошлаган.

«Бу иккинчи навбат Самарқандни олгонда Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Ман ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавго бўлди», — деб ёзади Бобур «Бобурнома»да. Бобур Самарқандни иккинчи марта олганда ўн тўққиз ёшларда бўлган. Унинг изоҳидан маълум бўладики, Навоийнинг мактуби ва унга жавоб воқеадан бир оз олдин, яъни Бобур ўн етти-ўн саккиз ёшларда эканида ёзилган. Мактубларда нима ҳақида гап боргани, ёш Бобурнинг қайси фазилатлари Навоий диққатини ўзига тортгани бизга маълум эмас. Чунки мазкур хатлар бизгача етиб келмаган. Бироқ ишлари бошидан ошиб-тошиб ётган ва умрининг сўнгги ташвишли йилларини яшаётган кекса Навоийнинг узоқ Андижонда, эндигина шеър машқига киришган кичик бир замондошига мактуб йўллаши, Бобурнинг эса унга жавоб битиб, бир байт шеър ҳам илова қилиши тасодифий ҳодиса эмас. Буни воқеаларнинг кейинги ривожига ҳам тўла тасдиқлайди.

Навоий вафотидан кейин бир неча вақт ўтгач, 1506—1507 йиллар орасида Бобурнинг Ҳиротга келиши, сиёсий вазифаларидан ташқари, Навоий номи билан боғлиқ жойларни зиёрат қилиши улар ўртасидаги муносабатлар илдизининг бақувватлигидан дарак беради. Бу вақтда у Қобул вилоятининг ҳукмдори эди. Ҳиротда у йигирма кун турган бўлса, шу муддатни Навоий яшаган уйда ўтказган. «Ҳиридан чиққунча Алишербекнинг уйларида эдим», — деб ёзади у «Бобурнома»да. Шу кунларда у Ҳиротнинг Навоий номи билан боғлиқ Гозургоҳ, Тахти Навоий, Пулимолон, Неъматобод қаби ўнлаб жойларини айланиб, зиёрат қилади. Навоийнинг боғчаси ва жувоз қозонини кўради. «Алишербекнинг ўлтурур уйлариким, «Унсия» дерлар, мақбара ва масжиди жомеъиниким, «Қудсия» дерлар, мадрасаси ва хонақоҳиким «Халосия» ва «Ихлосия» дерлар, ҳаммом ва дорух-шифосиниким «Сафония» ва «Шифоия» дерлар, барини андак фурсатга сайр қилдим», дея фахр билан қайд этилади «Бобурнома»да.

«Бобурнома»нинг қимматини оширган жиҳатларидан бири асарда Навоий ва унинг шахсияти ҳақида бой ва бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотлар берилиши, ноёб фикрлар айтилишидир. «Алишербек назирни йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳечким, онча кўп ва хўб айтқон эмас.» Шу қайднинг ўзида Навоийдаги нодир талант, ўзбек адабиёти, хусусан шеърининг тарихида тутган ўрни ва роли гоят тўғри ифодаб берилган. Асрлар оша бу баҳо ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Ушбу асарда яна қўйидагиларни ўқиймиз: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий, маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устод Қулмуҳаммад ва Шайх Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми билан мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи заирким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай.» Бу сатрлардан биз Навоийнинг фаолияти адабиёт, сибсат билан чекланмаганини, санъатнинг музыка, расомчилик каби турли соҳалари ривожига ҳам ҳар хил йўллар билан катта ҳисса қўшганлигини, бу давр фани, маданияти тарихини унинг иштирокисиз тасаввур этиш мумкин эмаслигини англаймиз. Улуғ шоир бундай ютуқларга ўзини маиший ҳаётида кўп нарсалардан тийиш, узлуксиз меҳнат қилиш туфайли эришган эди. Бобур Навоий ҳаётининг бу томонини ҳам тўғри ўқтириб, маълум даражада ички таассуф билан: «Ўғул ва қиз ва аҳлу иёл йўқ, оламни тавре фард ва жарийда ўткарди,» — деб ёзади.

Бобурнинг Навоийга ва Навоий даврига қизиқиши тобора чуқурлашиб, «Бобурнома»да Навоий давридаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг катта тадқиқотчиси, билимдони сифатида кўз олдимизда намён бўлади. Бобурнинг Навоий замондошларидан ўнлаб илм ва адабиёт, санъат кишилари, ҳукумат амалдорлари ҳақидаги маълумотлари аниқлиги ва муҳимлиги билан диққатни ўзига тортади. Улар орасида, масалан, Бобурнинг Султон Ҳусайн Бойқаро шахси ҳақидаги маълумотлари шу қадар муҳимки, бусиз Навоий ҳаёти ва ижодининг қатор масалаларини тўғри тушуниш қийин. Жумладан, Ҳусайн Бойқаро подшоҳ бўлгандан кейин авваллари олти-етти йил ичмай юргани, сўнг ичкиликка ружу қилгани, унинг фарзандлари, барча амалдорлари ҳам шу хилда иш тутгани ҳақида Бобур шундай дейди:

«Аввал тахт олгон маҳалда олти-етти йил тоиб эди. Андин сўнгра ичкуга тушти, қирқ йилга ёвуққим Хуросонда подшоҳ эди, ҳеч кун йўқ эдиким, намоз пешиндин сўнг ичмагай, вале ҳаргиз сабуҳий қилмас эди, ўғлонлари ва жамеъ сипоҳига ва шахрига бу ҳол эди. Ифрот била айш фиққ қилурлар эди.»

Алишер Навоий «Ҳайратул-аброр» достонида зolim подшоҳларнинг саройларида зулм ҳисобига айш-ишрат ва ичкиликбозлик авж олганини, бу эса халқ ва мамлакат манфаатларига нақадар зарарли эканини нафрат ва ғазаб билан фош этган эди. Бунда у конкрет шахсларни, тўғрироғи Султон Ҳусайн Бойқаро саройидаги аҳволни кўзда тутганини англаш қийин эмас.

Сен чу бўлуб сархушу хилватгарой,  
Анда қилиб ҳарне тилаб нафсу рой.  
Базмдаги қорию гар худ йигит,  
Майдин ўлуб ҳар бири бир телба ит...  
Кўзларидин уйқу чу маъзул ўлуб,  
Ҳар бири бир зулмга машғул ўлуб...

Бобурнинг улуғ шоир фаолиятига муносабатиде катта синфий чекла-нишлар ҳам бор. Бобур Навоийнинг буюк шоир, маданият ҳомийси эканлигини, жамоат ишларини тўла тан олган ҳолда у билан Мажидиддин Муҳаммад ва Низомулмулк ораларидаги муносабатларга келганда элу халқ манфаатини кўзлаган гуманист Навоийни эмас, балки феодал давлат ва ўз шахсий манфаатларини юқори қўйган сарой аъёнларини ёқлайди. Бу хусусда Бобур шундай ёзади:

«Бу (яъни Мажидиддин — А. Ҳ.) ҳам имкони борича саъй ва эҳтимом қилиб, оз фурсатта сипоҳи ва раиятни рози ва шоқир қилди. Хизонага ҳам вофир ёрмоқлар тушурди, вилоятни маъмур ва ободон қилди. Вале Алишербек бошлиқ жамеъ беклар ва аҳли мансаб била зиддона маош қилди, бу жиҳаттин барча онинг била ёмон бўлдилар. Саъий ва игво қилиб, Мажидиддин Муҳаммадин туттуруб, маъзул қилдилар. Анинг ўрнига Низомулмулк девон бўлди. Неча маҳалдин сўнг Низомулмулкни ҳам туттуруб ўлдуртуруб, Хожа Афзални Ироқтин келтуруб девон қилдилар.»

Бу ўринда Бобур вазир Низомулмулкнинг ёш ва бегуноҳ Мўмин Мирзони ўлдиршига бош қўшганлигидан кўз юмади. У феодал давлатнинг бошлиғи сифатида муҳокама юритади, ҳукмрон синф манфаатини ҳамма нарсдан, шу жумладан Навоий гуманизмидан ҳам юқори қўяди. Бинобарин, ушбу ҳол Бобур синфий позицияси билан боғлиқ бўлиб, унинг фаолиятига маълум даражада таъсир этган ижодиде ички ғоявий зиддият пайдо бўлишига асосий

Подшоҳ назарда тутилмоқда — А. Ҳ.

замин бўлганки, шоир бундан ҳеч қачон тўла қутула олмаганлиги факт. Унинг Навоийга муносабатига ҳам ушбу нарса таъсир этгани табиий.

Шунга қарамасдан биз, Бобурнинг Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаётга доир фикрларини қадрлаймиз. Уларда темурийларнинг тарих саҳнасидан кетиш сабаблари тўғри ва объектив очиб берилган. Бу давр ҳақида унинг «аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳири шаҳру мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллиги бор эди, қиммати ва гарази ул эдиким, ул ишни камолга теғургай», — деб ёзишида катта ҳақиқат бор. Бунга биринчи навбатда Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод, Мирхонд кабиларнинг ижодий ва илмий фаолиятлари ёрқин далилдир. Кейинчалик Бобурнинг ўзи ҳам ижодий фаолиятида шу анъаналарга суянди ва уларнинг давомчиси сифатида майдонга чиқди.

Мамлакатни шайбонийлар эгаллагандан кейин Ҳиротдаги кўпгина олим ва фозиллар Кобул ва Ҳиндистонда Бобур ҳузуридан бошпана топдилар. Бу ҳақда унинг махсус бир фарди ҳам мавжуд:

**Шайху мулло Шихобу Хондамир  
Келинг уч-уч, икки-икки, бир-бир.**

Бобур ижодий фаолиятининг прогрессив моҳият касб этишида ҳам шу ҳолатлар ҳал қилувчи роль ўйнаган.

«Бобурнома» санъаткорнинг адабий ва илмий фаолиятида салмоқли ўрин тутади. Мазкур асарнинг юзага келишига ҳам Навоий даври илмий ва адабий анъаналари катта таъсир кўрсатган. XV асрда Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлус-саъдайн», Мирхонднинг «Равзатус-сафо» каби улкан тарихий асарлари юзага келган эди. Бобур ҳам ўз олдига яшаган даври ҳақида кенг кўламда тарихий асар яратиш вазифасини қўйган эди. Шунинг ҳам айтиш керакки, юқорида номлари айtilган тарихий асарларнинг яратилишига ташаббускор бўлган кишилардан бири Алишер Навоийдир. Адиб «Равзатус-сафо» муаллифига асар ўтмишнинг муҳим ва катта ҳақиқатлари тўғрисида ҳаммага тушунарли бўлган содда тилда ҳикоя қилиши лозимлиги, анъанавий дабдабали услубдан воз кечиши кераклигини уқтирган эди. Бобур тарих китоби ёзишда Навоийнинг ана шу фикрига амал қилган ва ўз китобини содда, тушунарли, жонли ўзбек тилида ёзган. Бунинг ҳозирги замон олимлари ҳам тан оладилар. Мисрлик шарқшунос Абдул Соидиқ яқинда «Нилуфар» журналида эълон қилган мақоласида бу хусусда тўхталиб шундай дейди: «Бобур эсаликлари ёки, тўғрироғи, кундалиги нафис, нозик тилда, ҳатто муболағасиз, содда ёки ҳеч қандай чалкашликларсиз, бироқ ўта бой усулда эски ўзбек тилида (ҳозирги Ўзбекистон тилида) ёзилган.»<sup>1</sup>

Навоий ўзбек адабиётини монументал асарлар билан ҳам бойитиш зарур, деган фикрни олға суриб, ўзбек тилида илк бор «Хамса» яратди. Бобур ҳам шу гоғни қўллаб, унга ижодий ёндашди ва Навоий «Хамса»сидан кейинги йирик асар — «Бобурнома»ни насрий шаклда юзага келтирди.

Бобурнинг иккинчи йирик асари вазн масалаларига бағишланган «Мухтасар»дир. Бу асарда у Навоийнинг «Мезонул-авзон»идаги аруз вазни билан боғлиқ қоида ва ҳолатларни янгидан изоҳлади ва янада тўлдирди. Арузнинг бир қанча вазнларига мисол сифатида у Навоий девонларидан кўп мисоллар келтиради. Айни вақтда Навоий дostonлари вазни ҳақида ҳам ўз фикрларини билдиради. Шу билан бирга Бобур мазкур асарида Навоийнинг куйидаги ғазалини келтириб, бу ҳақда жуда қизиқ ва муҳим маълумот беради:

**Не дўливашдур ул қотилки, қон тўкмаккадур яқсар,  
Қиё боқмоқлари поки итик, мужгонлари наштар.**

**Юзидинким, ҳижилдур гул, паришон ҳар тарафга гул,  
Сочин гулбарг уза сунбул, тўкуб кофур уза анбар.**

**Чу лаъб асбобини тузди, саломат риштасин узди,  
Қамардек ҳола кўргузди, узори даврида чанбар.**

**Либоси нози часпондур, гаҳи туз қадди чавгондур,  
Замони тўйи ғалтондур, зиҳи чобук, зиҳи дилбар.**

<sup>1</sup> Ушбу мақола «Тошкент оқшони» газетасининг 1981 йил 14 июль сонидида ҳам босилган.

**Жунун шамъин қилур равшан, кўнгулга телбалиқдур фан,  
Паридек бўлгали парранд ул шўхи пари пайкар.**

Бобур Навоий ғазалини тўлиқ келтирмаган. Ғазал аслида ўн байтдан иборат бўлиб, юқоридаги мисолда эса беш байти келтирилган. Жумладан, мазкур ғазалда жуда муҳим бўлган қуйидаги байтлар тушиб қолган:

**Югурмакликда ҳар гумбазки секрир ул маҳи гулҳад,  
Гули меҳр олдарад беҳад, уёлур гумбази аҳзар...**

**Бошига сим ўлуб паррон, тушуб гирдига анжум сон,  
Гулуъ этган киби ҳарён қамар атрофида ахтар...**

Ғазал анъанавий услубда ёзилган. Бир қарашда унда турли ўйинлар кўрсатаётган маъшуқа образи тасвирлангандек кўринади. Аслида ундай эмас. Бобур маълумотига кўра, бу ғазалда Навоий ҳаммага маълум бўлган анъанавий маъбуба образини эмас, балки ўз замонасининг конкрет, реал кишиларидан бири образини кўрсатишга ҳаракат қилган. Аниқроғи унда «бир лўли йигитнинг таърифи» берилган. Мазмундан англанишича, бу лўли йигит аллақадандир Ҳиротга келиб, кўча ва майдонларда турли ўйинлар, шу жумладан, акробатик машқларни маҳорат билан намойиш қилган. Навоийнинг у ҳақда «Чу лаъб (ўйин — А. Ҳ.) асбобини тузди», «ғаҳи туз қадди чавгондур» (яъни тўғри қаддини гоҳо чавгондай эгади), «югурмакликда ҳар гумбазки секрир ул маҳи гулҳад» (чопганда ҳар қандай гумбаздан сакраб ўта олади), «бошига сим ўлуб паррон», «узори даврида чанбар» (юзи атрофида, яъни елкасида чанбарак) дейишидан шуни англаймиз ва Бобурнинг юқоридаги маълумоти бизга мазкур шеърнинг мазмуни ва ғоясини тўғри тушунишга ёрдам беради. Навоий XV аср шароитида кўпчилик менсимасдан қараган ўзга қабила фарзандининг санъатини юксак қадрлаган ва бундан илҳомланиб, у ҳақда махсус бир ғазал ёзишни ўзига муносиб кўрган. Демак, биз Навоий қаламига мансуб ҳар бир ғазалнинг реал ҳаётдаги илдизини топишимиз лозим. Бобур бизни шунга чорлайди.

Ҳар икки ижодкорнинг ўзаро муносабатлари Бобур шеърини ижоди мисолида гўзал ифодасини топган. Бобур бу борада ҳаммавақт ўзини Навоийга шогирд ҳисоблаган ва бутун умри давомида ундан сабоқ олган. Бобур девондаги бир қатор ғазалларнинг Навоийга татаббу шаклида юзага келиши шундан бўлса керак. Бунга «Ким кўрар хуршедни ул моҳсиймо бўлмасан...», «Кўрмагай эршим жамолинг оламаро кошки...», «Қаро зулфунг фироқида паришон рўзгорим бор...» каби сатрлар билан бошланган ғазаллар ёрқин мисол бўла олади. Навоийда ошиқнинг севгилисига ўлгандан кейин тобутда ётганида ҳам ўз муҳаббати ва садоқатини ифодаловчи гўзал таъсирли бир байт бор:

**Гар ажал турғузмади жисмимни ул ой кўйида,  
Дўстлар, наъшимни боре анда бир дам турғузунг.**

Бу байтни Бобурнинг:

**Бошидан эрулур армони бирла ўлдум, эй Бобур,  
Менинг наъшимни бори ул пари кўйидин айлондур, —**

байти билан қиёслаганимизда, шу бир парчалардаги ғоя ва образлар яқинлиги ҳам Навоий шеърини қуёши Бобур ижодининг ҳужайра-ҳужайраларига нур сочиб, таъсир кўрсатганига ишонч ҳосил қиламиз. Худди шундай ҳол Бобурнинг рубойларида ҳам кўзга ташланади.

Маълумки, Навоий ғазалнинг ягона мавзуда, иложи борича воқеабанд, байтлар ўзаро мазмунан бир-бирига боғланган ҳолда давом этиши тарафдори бўлган ва ўзи кўп ўринда шунга амал қилган. Бобур ҳам Навоийнинг бу ғоясини эъозлаган. Шунинг учун аруз ҳақидаги китобида:

**Туно кун бирла бир тун мажлиси асру хуш эди,  
Мажлис аҳли бори дилхоҳу бори дилкаш эди —**

матлаи билан бошланган ғазалининг Навоий ғазаллари сингари яқмаву чиққанидан фахрланиб шундай ёзади: «Мир Алишер Навоий ғазали тарзида бу ғазалда доғи боштин оёқ бир ҳикоя манзум бўлубдур.» Мазкур фикр ҳам Навоий ва Бобур ижодий алоқаларининг кенг миқёсда намоён бўлганини кўрсатади. Ниҳоят, биз муҳокама юритаётган масаланинг энг нозик томонла-

ридан бири Навоий ижодидаги баъзи ўринларга Бобурнинг танқидий муносабатидир. У улуғ шоирнинг «Хамса», «Хазойинул-маоний» каби асарларини юқори баҳолаган ҳолда, «Бобурнома»да бошқа баъзи асарларини буларга нисбатан «пастроқ ва сустроқ» дейди. Жумладан, Навоийнинг форсий девони ҳақида у «баъзи абъёти ёмон эмастур, вале аксар суств ва фурудтур», деса, «Мезонул-авзон» ҳақида фикр юритар экан, рубоий вазни изоҳида «тўрт вазнда ғалат қилибтур», деб ёзади.

Совет адабиётшунос олимлари бу масалаларни махсус ўрганиб, уларга кўп аниқликлар киритмоқдалар. Масалан, А. Мирзаев, И. С. Брагинский, Ҳ. Сулаймонов, Ш. Шомухамедов каби кўпгина олимлар Навоийнинг форсий ғазаллари ҳам юксак бадий маҳорат билан ёзилганини, бу шеърлари билан шоир «форс-тожик адабиёти тарихида ҳам ўз мақомини ҳақиқатан яхши тайин эта олган» (А. Мирзаев)ини қайд этиб, мисоллар билан исботлайдилар. Жумладан, Бобур аруз ҳақидаги асариде Навоийни Насриддин Тусийнинг «Меъёрул-ашъор» номли тадқиқотини «мутолаа қилмаган»ликда айблаши асоссиздир. Чунки Навоий Халил ибни Аҳмад, Шамс Қайс, Жомий асарлари қаторида Насриддин Тусий асарлари билан ҳам танишлигини айтиб ўтади. Эҳтимол Бобур «Мезонул-авзон»нинг ноқис қўлёзмасини ўқиган бўлиши мумкин.

Лекин Бобурнинг айрим фикрлари қанчалик тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, унинг устози Навоий ижодига танқидий, ижодий муносабатда бўлгани ижобий факт. Бунда ҳам биз Бобур Навоий анъанасини кўр-кўрона эмас, балки ижодий давом эттирганини кўрамиз. Чунки Навоийнинг ўзи ҳам Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавийлардек улуғ зотларни устоз сифатида тан олгани ҳолда, уларнинг асарлари ҳақида танқидий фикрлар айтишни ғайри ахлоқий ҳол деб ҳисобламаган эди. Бобур ҳам Навоийни ўзининг биринчи устози, шеърят бобида улуғ даҳо деб таниган ҳолда, уни идеаллаштирмаган, у билан боғлиқ ҳар бир фактга конкрет муносабатда бўлган. У бадий ижод ишининг маълум даражада шахсий дид билан боғлиқлигини ҳам унутмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Навоий ва Бобур муносабатлари ўзбек адабиётининг ёрқин саҳифаларидан биридир. Бобур том маънода Навоий ижодий мактабининг биринчи йирик вакили. Унинг Навоий ҳаёти ва ижоди юзасидан билдирган мулоҳазалари эса улуғ шоирни севган ҳамда яқиндан билган, унинг анъаналарини садоқат билан ривожлантирган қалам соҳибининг самимий эътиқоди меваларидир. Шу жиҳати билан ҳам мазкур фикрлар биз учун ибратлидир.

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

15. XI. 83.

«Шарқ юлдузи» журнали редакциясида журнал ходимларининг ёш шоирлар билан учрашув-суҳбати бўлиб ўтди. Учрашув-суҳбатда шеърятимизнинг бугунги талаблари, унинг олдида турган масалалар, хусусан унинг гражданлиги, ижтимоийлигини ошириш тўғрисида сўз юритилди. Журнал саҳифаларида эълон қилинадиган шеърӣ асарларнинг савияси муҳокама қилинди. Муҳокамада «Шарқ юлдузи» журнали бош редакторининг ўринбосари Худойберди Тўтабоев, шоирлардан Қўтлибека Раҳимбоева, Анвар Обиджон, Усмон

Азимов, Азим Суён, Маъруф Жалил, Қадам Саидмуродов, Мирзо Кенжабоев, Икром Отамуродов ва бошқалар қатнашдилар.

Учрашув-суҳбатни «Шарқ юлдузи» журналининг бош редактори Пирмат Шермухамедов олиб борди.

Ўзбекистон ССР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Урганч ва Хива шаҳарлари ҳамда Хазорасп районларида олиб борган тадқиқотлари яхши натижалар берди. Тарихчилар, филологлар, файласуф-

лар, халқ оғзаки ижоди билан шуғулланувчи олимлар учун қизиқарли қўлёзмалар топилди. Улар орасида буюк Улуғбекнинг шогирди бўлмиш аллома Али Қўшчи қаламига мансуб материаллар, лингвист-олимлар эътиборига молик араб, форс, ўзбек сўзлари ва терминлари изоҳли луғатининг қўлёзмаси, Алишер Навоий, Фузулий, Табибий ва бошқа бир қанча шоирлар асарлари рўйхати, шунингдек Насимий, Паҳлавон Маҳмуд, Маҳтумқули, Машраб ҳақидаги халқ бахшилари дostonлари — «Баҳром ва Гуландом», «Тулумбек достони» каби асарларнинг янги вариантлари бор.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

# Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» асари яратилганига 500 йил тўлди

## ТАФАККУР ВА ҲИССИЁТНИНГ ОЛИЙ НУҚТАЛАРИ

Хирад деҳқони мундоқ нуқтае дер.  
«Ки дона сочқали яхши керак ер».

Алишер НАВОИИ

### Ақл ўлкасида

Бу асарнинг дунёга келишига реал тарихий воқеа сабаб бўлади. Улуғ шоир ўз бошига тушган бир дардли ишқ ҳақида куюниб, алам билан ҳикоя қилади. Бу ишқ уни қаттиқ азобларга солади. Бу сирли бир ишқ эди. Шоир ундан бахтиёрлик ҳамда вафо умид этмасди. Лекин, бари бир, унинг вужудига ўт туташганди. Мана шундай бир вазиятда у ўз дардига ҳамоҳанг воқеа, ҳамоҳанг тарих, ҳамоҳанг қаҳрамонлар излайди. Ишқига таскин қидириб, жуда қадим севги афсоналарини варақлайди.

Ўзидан бир неча аср илгари ўтган буюк шоирларнинг севги ҳақидаги дostonларини қайтадан қўлга олади. Қўҳна тарих китобларига мурожаат қилади. Ишқ уни тушкунликка эмас, жасорат кўрсатишга, зўр фаолият майдонларига ундайди. Улуғ юракка тушган ишқ шуълалари улуғ ишларни юзага келтиради. Навоий қалбидаги мана шу ишқнинг фаоллигига доимо жиддий эътибор бериб ўтмоқ зарур. Ишқ қанчалик фожиали ва умидсиз бўлмасин, Навоий ундан фаолият учун улуғ илҳом, рағбат ва йўналиш олади. Бу улуғ шоиримиздаги битмас-туганмас ҳаётсеварликнинг қудратли бир қиррасидир.

Шоирнинг ишқ жафолари билан бойиган ва юксак маърифатли бўлган юраги куйга тўлади. Куй аста тенгсиз бир симфонияга айланади. Унинг куйга тўлган юрагида, онгининг нурли қаватларида: «Ез! Ез!» — деган садо тинимсиз такрорланарди. У юрагининг шу гўзал амрига бўйсунди. Зотан, умр ўткинчи, халққа эса маърифатли юракдан асрларга татийдиган муносиб ёдгорлик қолдирмоқ даркор. Халқни чаманзорлар эгаси қилмоқ даркор.

Навоийда умидсиз ишқдан мана шундай улуғ ниятлар туғилади. Шунда у ўзидан илгари ўтганларнинг тафаккур меваларига бошқача бир кўз билан назар солади. Буюк Низомий ва буюк Деҳлавий дostonларига ажиб шарҳлар ёзади. Нияти тобора ойдин тортади. Лекин нияти тугал етилган чоғда ҳам ҳали қўлига қалам олиб иш бошламайди. Ҳали унинг олдида яна бир вазифа туради. Уни бажармагунча кўнгли тинчмайди. Қилажак ишининг тўғрилигига ва муваффақиятли чиқишига ҳали иштибо билан қарайди. У улуғ ниятини устоди Жомийга айтишга, унинг фикрини билишга ва ундан шу катта ишга розилик олишга қарор қилади. Буюк инсон бўла туриб, ўзини доимо шогирд сезмоқ ва доимо шогирдликни энг олий маънавий нуқтага етказиб адо этмоқ Навоий маънавиятининг жуда азиз ва порлоқ белгисидир. Навоий шогирдликни улуғлик нуқтасига олиб чиқди. Бу фазилат ноёб одамларгагина насиб этгандир.

Жомий шогирд фикрини маъқуллади. Унинг ниятига оқ фотиҳа берди. Навоийнинг кучига-куч қўшилди. Қалбидаги куй тобора шиддат билан садо бера бошлайди. Қалбининг садоларини у кўкининг садолари каби қабул қилади. Юрагида туғилган куй ғойибдан келган куй ва эътибор бўлиб туюлди унинг беҳад пок назарида.

Навоий ўзидан илгари яратилган ишқ дostonларининг барча гўзал ва тенгсиз моҳир томонларини тан олди.

Ва бутунлай янги бир дoston яратишга аҳд қилади. Низомийнинг ҳам, Деҳлавийнинг ҳам қаҳрамонлари Фарҳод, Ширин деб аталарди. Навоий ҳам ўз қаҳрамонлари номини Фарҳод ва Ширин деб қўйди. Лекин унинг Фарҳоди ҳам, Ширини ҳам, Меҳинбонуси ҳам, Шопури ҳам бутунлай бошқача характер, бошқача қиёфа, бошқача мақсадга эга қаҳрамонлардир. Уларнинг номларигина ўхшаш, холос. Бошқа ҳамма қолларда Навоий ҳар жиҳаддан оригинал, янгича қонцепциядаги қаҳрамонлар яратади.

Асар Навоийнинг реал ва бизга ҳануз сирли бўлиб келаётган ишқидан туғилганидек, қаҳрамонларининг фазилатлари ҳам улуғ шоир ва инсон, мутафаккир Навоийнинг табиатига, характерига хос бўлган фазилатлардан туғилгандир.

Навоий гарчи ўзидан минг йил илгари бўлиб ўтган ва эндиликда афсонадай туюлган воқеаларни қаламга олган бўлса-да, лекин барча ҳолларда у худди ўзи ҳақида ёзгандек ёзади!

Чин ҳоконининг фарзандсизликдан чеккан ранжу аламлари — Навоийга бегона бўлмаган ранж ва захматлар эмасми?



Ҳоқоннинг саховати, элга адолат қилиши, барча нарсаларга маърифатли назар ташлаши, жамият ҳодисалари ва инсон тақдирларига ақл-идрок ва фаросат нуқтаи назари билан муносабатда бўлиши — Навоийга жуда яқин, Навоий ўз ижтимоий фаолиятида амал қилган ҳодисалардир.

Навоий қахрамонларига ўзининг бошидан ўтганларни, бениҳоя бой ҳаётий тажрибаларини сингдириб, едириб юборади. Маълум даражада шунинг учун ҳам, унинг қахрамонлари бизга ҳаётий бўлиб туюлади. Ҳоқоннинг етимпарварлиги ва халқпарварлиги ҳам Навоий севган ва амал қилган фазилатлар ҳисобланади. Зўр инсоний тилаклардан дунёга келган Фарҳоднинг камолга етиш нуқталарини кузатиб кўрайлик.

Навоийнинг ўзи уч-тўрт ёшлигидаёқ улуг китобларни ёд олган, шариллатиб ўқир ва ўзи ҳам сўз тўқир эди. Навоийнинг ўз шахсиятида ёрқин намоён бўлган ушбу ҳодиса — унинг энг севган қахрамони Фарҳодга кўчади.

Фарҳод уч яшар чоғида мусхафни ёд олади ва барча илмлардан бохабар бўлади. Жуда эрта камолга етиш ҳодисасига Навоий Қайс образини яратганда ҳам алоҳида эътибор беради. Болалик даври унга нурафшонлик чоғи, поклик булоғи бўлиб кўринади.

Фарҳод илм ўрганишга қаттиқ берилади. Унинг хотираси худди Навоий хотираси каби тоза ва байтларни бир кўрганда, сақлаб, мианинг нур чизикларида нақшлаб қолдиради. Навоий Фарҳоднинг илм ўрганишини тасвирларкан, худди ўз юрагига қараб туриб ёзгандай бўлади:

**Ўқуб ўтмак, уқуб ўтмак шиори,  
Қолиб ёдида саҳфа-саҳфа бори.  
Кўруб чун ишқу ошиқлик мақолин,  
Тоғиб ошуфта маҳзун кўнглин ҳолин.  
Анинг шарҳини такрор айлабон кўп,  
Ўқурда нолаи зор айлабон кўп.  
Бўлуб ошиқ гами шарҳида ғамнок,  
Яқо чокин ўқуб, айлаб яқо чок.**

Фарҳоднинг мана шундай фавқуллода нозиклиги ва таъсирчанлиги, сўзни сертуғён ўқиш ва сертуғён қабул қилиши айти Навоий табиатида реал бўлган хусусиятлардандир.

Навоий тасвирида Фарҳод ўн ёшга кирганда, у билмаган, эгалламаган илм қолмаган. Бу муболага эмас, чин ҳақиқатдир.

Ўн яшар Фарҳоднинг қадди-қомати йигирма яшар йигитдай паҳлавон келбат бўлиб етилади.

Навоий ўз қахрамонининг туғилиши, болалиги, камолга етиш паллалари, зўр қудрат касб эта бориши, қийинчиликларни енгиши — қахрамонликлар кўрсатиши каби ҳодисаларда жуда қадим озгаки ва ёзма аъёналарга суянади. Фарҳоднинг бола-сизликдан қаттиқ азоб чеккан қонадонда туғилишини олайлик. Алпомиш ҳам шундай туғилмадими? Манас ҳам шундай оламга келмадими? Улар ҳам худди шундай зўр қахрамонликлар кўрсатмадиларми? Фарҳоднинг қахрамонликлари билан Геракл, Одиссей ва бошқа талай қахрамонларнинг қилган ишлари ўртасида ғоятда яқинликлар мавжуд.

Лекин Фарҳоднинг қахрамонликлари асосида халқпарварлик ётади. Халқ ғамини емоқдан, унинг оғирини енгил қилиш истагидан Фарҳодда қахрамонлик истаги туғилади. Тўғрироғи, қахрамонлик — халқпарварлик, инсонпарварликнинг тўғридан-тўғри натижасидир.

Навоий дostonда илгари сурган қисмат концепцияси ғоятда эътиборга сазовор. Гуманист шоир дунёда ҳеч нарса тасодифан юз бермайди, ҳамма нарсаларнинг ўз асоси, сабаби ва ўз белгиси, қонуни бор, деган ғояни ёқлайди. Қахрамонларининг тақдирларини шу ғоя асосига қуради, ривожлантиради, яқунлайди.

**Не ишким, чарх этар изҳорин онинг,  
Бурунроқ кўргузур осорин онинг,  
Иситмоқ-чун шарорат зоҳир айлар,  
Баданда ул ҳарорат зоҳир айлар.  
Чу яфроғни тўкар боди ҳазоний,  
Бурун рангини айлар заъфароний,  
Ангаким бир фалокат еткурса тақдир,  
Этар аввалроқ аҳволига тағйир.**

Навоий ўз қахрамони бошига тушадиган заҳматлар ва ситамлардан мана шундай башорат қилади.

Фарҳод ўқиган асарлар таъсириданмикин, маълум маънода ёки бошига келадиган баоларни юракдан сезганиданми, доимо маҳзун, хаёлкаш юради. Худди ҳали ҳеч ким чекмаган, ҳеч ким билмаган дардди вулқон устида тургандек. Бу вулқон ҳали отилгани йўқ. Лекин унинг борлигини ва ҳадемай ўтли лавалар сочиб отилажagini фақат Фарҳоднинг ўзигина ҳис қилиб туради.

Фарҳод маърифатли бўла боргани сайин одамларнинг дардлари унинг ички дунёсида чидаб бўлмас дард кўзгаёйди. Унда дардкашликнинг улуг белгиси пайдо бўлади.

Эл-юрт Фарҳоднинг камолатидан ҳайратга тушади ва қувонади. Лекин у камолга етаетган вужудда қанчалик дард қайнаётганини билмайди ва тасаввур қилмайди. Отаси ҳам ўғлининг маҳзунлигидан қайғуради:

**Ки невчун дойим шод эрмас эркин,  
Ҳамиша ғамдин озод эрмас эркин?**

Фарҳод жуда безовта. У етилган кучини қаерга қўйишни билмайди. У ҳарбу зарб санъатида ҳам ўз замонасининг яғонаси бўлади. Навоий ўз қаҳрамони вужудини чирмаб келаётган безовталиқни жуда теран гавдалантиради. Фаолиятга айланмаган безовталиқ — ғамга айланади.

Ҳоқон тадбиркор шох. У ўғлининг дардига чора излайди. Ва доно вазир Мулқоро билан маслаҳатлашиб, йилнинг тўрт фаслига мос тўрт қаср қурдиришга қарор қилади.

Навоий Ҳиротда улуғ қурилишлар олиб борганлиги яхши маълум. Уларнинг тажрибаси дoston тасвирига кўчади. Навоий Фарҳод қурилишларини беҳад ҳаётий деталлар билан тасвирлайди. Меҳнатнинг жонли маъналарини гавдалантиради. Қасрлар қурилишини жуда усталик билан қаҳрамон тақдирига боғлайди. Фарҳод бу ерда тошйўнар уста Қоран билан танишади, Монийнинг мўйқалам сирларини ўрганади.

Яъни Фарҳоднинг ҳар томонлама камолга интилувчи инсон каби шаклланиши давом этади.

Билиш истаги — Фарҳодда етакчи истаклардан. Билиш — безовта дардга айланган дейиш мумкин.

Маълум бир пайтгача Фарҳодни ҳунар ўрганиш иштиёқи ўзига қаттиқ ром қилади. Сўнг, қасрлар битгач, Фарҳод ҳар фаслнинг ўзига хос лаззати ва неъматларидан баҳраманд бўлади. Меҳнатни кўргандек, фароғат ва айшу ишратни ҳам кўради.

Навоий ўз севиқли қаҳрамонини инсон ҳаётининг турли маънодор пиллаполаридан аста олиб ўтади.

Лекин Фарҳод жисмида ҳам, дилида ҳам безовталиқ заррача бўлсин камаймайди, балки орта боради.

Дард ҳам ортади:

**Бировким зор йиғлаб, йиғлаб ул зор,  
Тоғиб кўнгли эл озоридин озор.**

Навоий бу сатрларда биринчи маротаба Фарҳод дардини эл дарди билан чамбарчас боғлайди. Сал ўтгач, бу фикрини янада кучайтириброк айтади:

**Бўлуб эл андуҳидин кўнгли ғамнок,  
Яқо чоқин кўруб, кўксин қилиб чок.**

Ҳоқоннинг бир чораси Фарҳоднинг ярали дилига малҳам бўлолмади. Шох буни кўриб, яна эзилади, яна янги чоралар ахтаради. Унинг кўраётган тадбирлари ақл-идрок, режа-равишга асосланади. Лекин ҳоқон ўғлининг юрагига киролмайди, уни англолмайди. У фақат ташқи томондан таъсир қилиши мумкин бўлган чоралар излайди. Энди у Фарҳодга шохлик мулкани тошшироқчи. Навоий унинг умр ҳақидаги, шохлик ҳақидаги ўйларини жуда таъсирчан ва ҳаётий ёртади. Бу ўйлар ақл-идрокдан нишона. Лекин ақл-идрокнинг чоралари Фарҳод дарди олдида ожиз. Ҳатто ҳасча қиммати йўқ.

Фарҳод шохга узрини айтади. Шох ўз илтимосини яна қайта такрорлагач, ота раъйини синдирмаслик учун у ишни кичикроқ вазифадан, тажриба ортиришдан бошламоқчи бўлади. Ҳоқонга унинг таклифи маъқул тушади.

Бошданоқ шуни айтиб қўяйликки, Фарҳод инсонлар билан муносабатларида жуда юксак одобга риоя қилади. Ҳилм унинг қон-қонига сингиб кетган. Унинг одоби реал кўринишларга эга ва бу ҳилмнинг даражаси ҳайратомузидир. Бунга ҳали кейинроқ яна тўхталамиз.

Ҳоқон Фарҳодни сарой ишлари билан таништира бошлади ва унга шохлик хазиналарини кўрсатди. Шунда улар ҳеч ким очиб, нима эканлигини билиб кўрмаган биллур сандиққа дуч келдилар. Фарҳод сандиқда нима борлигини билишни истади. Ҳоқон уни бу раъйдан қайтаради. Фарҳод ўз сўзида туради ва ўзининг мустақил, дастуриламал қимматига эга бўлган фикрини айтади:

**Деди: «Ҳар ишқи қилмиш одамизод,  
Тафаккур бирла билмиш одамизод.  
Улум ичра манга то бўлди мадҳал,  
Тоғилмас мушқиле мен қилмағон ҳал.**

Сандиқдан Искандар ойнаси чиқади. Унинг орқасида сирли хат, хатда Юнон мулки сари йўл олиш хабари битилган эди. Фарҳодга уч қаҳрамонликни амалга ошириш йўли кўрсатилганди. Фарҳод буни кўриб суюниб кетади. Унда тезлик билан йўлга тушиш ҳаваси уйғонади. Билиш йўли, билиш манбаи очилади.

Навоий шу ердан, яъни ўн тўққизинчи бобдан бошлаб асар тўқимасига фантастик, афсонавий воқеаларни киритади.

Фарҳод, кўзгуда кўрсатилгандек, Юнон сари йўл олиб, ажиб воқеаларни бошидан кечиради.

Фарҳодга кўзгу биринчи йўл кўрсатувчи бўлди. Биринчи йўл кўрсатувчи орқали Фарҳод иккинчи йўл кўрсатувчиси — раҳнамо Суҳайлони топади.

Суҳайло орқали у минг ёшли қария — пир Суқрот ҳақимни топади.

Суқротгача яна унга Хиер йўл кўрсатади.

Бир раҳнамонинг таълими иккинчи раҳнамога йўл очади.

Навоий шу тариқа ўз қаҳрамонини янги оламга — ҳаётнинг янги поясига — ҳаёлот ва қаҳрамонлик кўрсатиш ва булар орқали энг муҳими, тозаринг оламга олиб киради.

Ишқ оламга киргунча ошиқ мана шу орадаги оламларни раҳнамолар таълимида босиб ўтади.

Ва шундай тозармагунча, олам сирларини билмагунча, жаҳонни нафс ва тирклининг девлари ҳамда аждаҳоларидан озод қилмагунча инсонга энг юксак сирлар эшиги очилиши мушкул. Фарҳод девларни энгиб, хаёлот оламининг хазиналарини очиб ва уларни отаси ҳамда эл-юртга улашибгина, ўбчин — ҳайкалларнинг тилсимини очади. Сулаймон узуги ва Жамшид жоми нималигини кўради.

Хаёлот оламида бўлган учрашувларнинг энг юксак нуқтаси — Сукрот ҳақим билан Фарҳоднинг учрашувидир. Сукрот ҳақим бу учрашувни неча юз йиллардан бери кўтиб ётганди. Фарҳод келгач, унга ишқи ҳақиқий ва ишқи мажозийдан таълим беради. Шу икки ишқни нозик фарқлари билан унга тушунтиради. Фарҳодга бир ишқдан иккинчисига ўтиш йўлини кўрсатади ва унинг тақдирини башорат қилади.

Фарҳод, Сукрот ҳақим айтганидай, Чин мамлақатига қайтади ва келиб яна кўзгуга боқади ва шунда ўз тақдирини намоён бўлади.

Навоий хаёлот олами воқеаларига бизни юксак реалистик тасвир билан ишонтиради. Биз унинг хаёлот олами тасвирларини худди ҳаётий олам тасвирлари каби қабул қилиб борамиз. Навоий, айниқса, Искандар кўзгусида Фарҳод тақдирининг намоён бўлишини тасвирлаганда, беҳад маҳорат кўрсатади. Ғалати, ақлни лол қилиб қўядиган тасвир қаватларини яратади. Кўзгуда тоғ қазийтган кишилар, сўнг улар ишини томоша қилишга қелаётган от минган пари намоён бўлади. Сўнг Фарҳод, Фарҳод кўзгу ичида парини кўриб ҳушдан кетиб йиқилади. Бу тасвир дунё адабиётларида кўрилмаган ноёб ҳодисадир.

Кўзгунинг ўзи ҳам ғаройиб. У инсон тақдирини фақат бир мартагина намоён қилади. Иккинчи марта қараган кишига у хира бўлиб кўринаверади. Навоий бу билан ҳар бир инсоннинг тақдирини битта ва у такрорланмас моҳиятга эга демоқчи бўлади.

Мана шундан бошлаб, Фарҳоднинг ишқий савдоси бошланади. Фарҳод тили билан айтганда «ақл ўлкаси»нинг воқеалари тугаб, энди ишқ ўлкасининг фожиали сабоқлари юзага чиқади.

## Ишқ ўлкаси

Лекин ҳали ишқ ўлкаси — Ширин диёрига етгунча ва унинг жамолига етишгунча Фарҳод оғир бетобликни ва, ниҳоят, денгиз сайлига чиққанларида кемалар фалокатини бошидан кечиради. Ҳоқон ва унинг вазири кемасини тўфон орқага, Чин соҳилларига суриб кетади. Фарҳод тушган кема эса ғарқ бўлиб, шаҳзода кичик бир сол устига чиқиб омон қолади. Уни беҳуш ҳолда ётганда савдогарлар кемасининг одамлари қутқарадилар ва ўзлари билан бирга Яманга олиб кетадилар.

Фарҳод кўзгуда кўринган мамлакат ва ўша пари хаёли билан нафас олади. Яманда у хитойлик мусаввир Шопур билан танишади. Шопур Фарҳоднинг дардини билишга қизиқади. Фарҳоднинг бошига аламли савдо тушганини билади ва унга Арман ўлкасининг суратини чизиб кўрсатади. Фарҳодга бу тасвир таниш туюлади. Ва Шопурдан бу Армания эканлигини билади. Ундан бирга Арманияга боришликни илтимос қилади.

Улар йўлга отланадилар. Фарҳод Арманияга келиб, бу тилсимда намоён бўлган ер эканлигига амин бўлади.

Тошкесарлар билан учрашадилар. Икки юз тошкесар уч йилдан бери тош кесиб, икки юз-уч юз қарич ариқ қазийшга эришганлар. Чашмагача эса ўн йиғоч, яъни етмиш километр йўл босиш керак.

Фарҳод усталар меҳнатига қаттиқ ачинади. Уларнинг оғирини энгиллатишга аҳд қилади. Ўз ихтиёри билан ишга киришади. Ўн-ўн беш тешадан ва метиндан бир теша ва бир метин ясади. Уларга Қоран ўргатган каби яширин йўл билан сув беради. Шундай қилинганда, теша ва метин тошларни худди сувдай кесиб ўтади. Фарҳод ўз меҳнати ва ҳунари билан ҳаммани ҳайратга солади. Унинг овозаси Меҳинбону ва Ширинга бориб етади. Икковларида ҳам Фарҳодни кўриш истаги жўш уради. Ширин Меҳинбонуга айтади:

Деди: «Ул ён жанибат сургулукдур,  
Бу иш ғар воқе эса кўргулукдур.»

Навоий Фарҳоднинг тоғ қазийшини, унинг тенгсиз бир уста эканлигини деталлаштириб, нозик кузатишлар асосида тасвирлайди. Меҳнат ва унинг самараси нақадар гўзаллигига ишора қилиб боради. Профессор Алибек Рустамов Фарҳодни худди Навоийдек маъно аҳлига тегишли деб айтади. Уларни сурат аҳли — яъни подшоҳлар, амалдорлар, нафсоният билан кун кўрадиганлардан шу билан фарқлайди.

Маъно аҳлининг бир фазилати — меҳнатни улуғлаш. Фарҳод халққа ва меҳнатга интилади. Унинг бу икки интилиши бир-бирига боғлиқ.

Навоий ўз қаҳрамонининг ёвуз кучлар билан жангини қандай мароқланиб кузатган ва унинг раҳнамолар билан бўлган эъвоз тўла суҳбатларини қандай муҳаббат билан завқланиб тасвирлаган бўлса, унинг ҳунар ўрганиши, мазлумларни ҳимоя қилиши, халқни деб ўзини оғир меҳнатга чоғлашини ёритганда ҳам ўз меҳр-муҳаббати, ҳайратини яшириб ўтирмайди.

Навоийнинг авторлик муносабати билан Фарҳоднинг оламга қараши ўртасида тўла уйғунлик ҳоқимдир.

Ширин — Фарҳод интилган гўзаллик ва ишқ ҳақиқатининг энг олий тимсоли. Шунинг учун ҳам, кўзи унинг жамолига тушганда, гўзаллиқнинг шиддатига тоб беролмайди ва ҳушдан кетади. Шуниси ғаройибки, у ҳушга келгач ўзининг беҳуш бўлиб қолганидан ғоятда уялиб юради. Бу ҳол ўзига ёқмайди. Лекин энди ҳушдан кетиш-кетмаслик унинг ихтиёрида эмас.

Фарҳод қазо ҳукмини ўзгартириб бўлмайди, деб ишонади. Кишининг ҳукми ер юзига етиши мумкин. Лекин у қазойи осмонийга итоат қилади. Инсон гардун фунунига тобе ва забун. Қилки тақдир нени битган бўлса, мен уни ўзгартиролмайман. Тадбир билан тақдирни ўзгартиришга уриниш сув юзига хат ёзмоқ билан баробар, деб ўйлайди Фарҳод. У ўз пешонасига ишқ балоси ёзилганлигини билади ва шунинг учун ҳам тинмай ўзини офатларга уради. Унинг учун, Ширин тили билан айтганда, «бало билан меҳнатнинг поёни йўқ.»

Фарҳоднинг тақдир ҳукми ўзгармас деб қараши билан «мен ҳал қилмайдиган мушкил топилмайди», деган фикри ҳамда унинг билишга, ҳунарга, меҳнатга, элга муҳаббати ўртасида бирмунча қарама-қаршилик бордай кўринади.

Фарҳод бир зум бўлсин камолатга интилишдан, билишдан тўхтамайди. Ва интилган сари маънан беҳад юксакликка кўтарилади.

Фарҳод шоҳликдан, туганмас бойликлардан, хазиналардан воз кечади. Хисрав Ширин ўлкасига бостириб келганда, қалъа ичига кириб яшириниб ўтирмайди. Буни ўзига ор деб билади. Қалъа ташқарисида қолади.

У маккор Хисравни осонгина ўлдирishi, тош отиб унинг аскарларини кириб ташлаши мумкин эди. Лекин бундай қилмайди: У тош отиб Хисрав дубулгасининг тожини учириб юборади. Такаббур шоҳни огоҳлантиради. Унинг идрокига, соғлом фикрига ишонади.

Нима учун Фарҳод Хисравни ўлдирмади? Хисравнинг ёв эканлигини биларди-ку?

Фарҳод мислсиз қудратга эга бўла туриб, зўравонлик қилишни, қон тўкиш ва, айниқса, инсон қонини тўкишни кишилик шаънига ярашмайдиган офат деб билади. Қон тўкиш ва зўравонлик унинг назарида разолат билан баробар. Инсон қанчалар илму камолатга юқорилган сари, қудратли бўлган сари, у шунчалар ҳилмга яқинлашади. Ҳар бир инсон, ҳар бир мавжудот — яралиш жиҳатидан ноёб ва тақдорланмас. Шунинг учун ҳам у энг олий эъзоз, эътиборга лойиқдир.

Фарҳодда биз борлик мавжудотга шундай олий маънавий пок муносабат намунасини кўраемиз.

Денгизда қароқчиларга дуч келинган ҳолатни эслайлик. Қароқчилар савдогарларнинг кемасини нефть тўлдирилган шишалар отиб ёндириш, сўнг кемани талаш фикрида бўлдилар. Фарҳод чорасиз қолган кемачиларга мадад беради. Лекин у қароқчиларни ўқ отиб ўлдирмайди. Камон ўқи билан уларнинг қўлларидаги нефть тўлдирилган идишни уради. Идиш порглаб қароқчиларнинг қайиқларига ўт тушади ва улар ваҳимага тушиб қочадилар. Фарҳод бунда ҳам қон тўкишни истамайди.

Фарҳод Хисравнинг қарашларидан ҳайратга тушади. Ўз севгилисининг мамлакатига бостириб кириш, унинг қўрғонларини қамал қилиш, халқини ўлдирish мумкинми? Бу севги билан қандай чиқишади?

Хисрав Арманияга қон тўкиб келди. Фарҳод ёруғлик олиб, Хисрав Фарҳодни ҳийланайранг билан тутиб, уни ўлимга маҳкум этади. Мана шу ерда Фарҳоднинг Хисравга қарата айтган сўзлари Шарқ адабиётининг гултожларидан, ноёб, юксак чўққилари-дандир.

Шуниси ажойибки, халқ Фарҳодни тушунади унга беҳад муҳаббат қўйган. Навоий шу муҳаббатни жуда ёрқин эпизодларда гавдалантириб беради ва унинг, гарчи шаҳзода бўлса-да, лекин халқ фарзанди, халқ қаҳрамони эканлигига ишора қилиб боради.

Фарҳод заминни уйғоқ виждон каби кезиб юради. Уйғоқ виждон каби бир зум тиним билмайди, безовталиқ ичра ҳақиқат ва яхшилик ахтаради.

Виждон деганда, Ширин эсга тушади.

Эслайсизми, Ширин ўз муҳаббати туфайли халқ қамалда, уқубатда қолганлигидан қанчалар оғир изтиробларга тушади. Унинг ҳам виждони худди Фарҳод виждони каби доимо уйғоқ. Яхшиликка, ёруғликка уйғоқ.

Шириннинг Фарҳодни англаши-чи?

Ўз ёрини шунчалар тераң англаганлар бахтсиз бўлиши мумкинми?

Фарҳод унинг кўйида ақлу ҳушидан айрилаётганлигини, севгида, покликда, мардликда, фидокорликда ягона эканлигини ҳўб англайди ва шунга яраша кўксига илоҳий бир ишқни тарбиялайди. Унинг Фарҳодга ёзган мактубидаги жавоб бериш шарт бўлмаган, ишқ офатларига тўла саволлар одами титратиб, қалбга туганмас ҳаяжонлар солади.

Навоий ўзининг бу ажойиб қаҳрамонлари билан инсон қандай бўлиши керак? деган дунёни ўртаб келган саволга жавоб топишни мақсад қилиб қўйган. Туғилмоқ ва яшамокнинг шарафи нимада эканлигига жавоб топмоқни ният қилган.

Жавобида дунёни яхшилик томон ўзгартириши мумкин бўлган, шундай потенциал имкониятларга эга инсон образини яратган.

Фарҳод — маънавият ва руҳиятнинг юксаклигидир. Демак, у ўлмас ҳаяжонлар, доимо тирик ва, демак, безовта тафаккурнинг порлоқ тимсолидир.

Фарҳод эккан яхшилик, инсонпарварлик, адолат уруғлари доимо инсониятнинг дилида мавжуддир.

**Иброҳим Ғафуров,**  
филология фанлари кандидати



Муҳаммадали Қўшмоқов

## «ФАЗЛУ ҲАҚ ҲАР ЕРДА ҲАМРОҲИМ»

Зокиржон Фурқат Ерканд шахридан Тошболтуга йўллаган шеърӣ номасидаги қуйидаги байт бот-бот эсга тушади:

Муқимий, Нисбатий ўлди, демишсан, ўлса ўлмишидр,  
Малул бўлма жаҳон ҳоли қолурму ҳеч расолардин.

Ярим дунёни кезиб, ҳаётнинг яхши-ёмонини кўравериб кўзи пишиб кетган донишманд шоир Муқимий ва Нисбатий қазосини — шу қўш азани мардона кўтаради ва Тошболтуга тасалли бериб, она халқи Муқимий, Нисбатий ўрнини билдирмайдиган шоирларни яна майдонга чиқаражаги ҳақида комил ишонч билан сўзлайди... Фурқат сўзлари мағзини чақар экансиз, адабиётимиз тарихидаги баъзи воқеалар: Муқимий вафот қилган 1903 йили Ғафур Ғулом туғилгани, Фурқат кўз юмган 1909 йили Ҳамид Олимжон дунёга келгани бахтли тасодиф эмас, ҳаёт қонунияти эканини ҳис қиласиз...

Муқимий мағрур, ўз этикодига бир умр содиқ курашчи, муросасиз, ваҳшият оламини мутлақо рад этган инсон эди. У шундай баркамол шахс бўлмаса, демократик адабиёт пешвосига айлана олмас эди. Тўла маънавий ҳуқуқ билан: «... Фазлу ҳақ ҳар ерда ҳамроҳим», деёлмас эди. Истибод исканжасида маънан эзилган Александр Пушкин: «Мени жин урмаса, шу қалб ва истеъдод билан Россияда туғилармидим!» деган эди. Икки ёқлама зулм остида қолган юртини кўрган Муқимий эса: «Мен қиёматдан эмас, қиёматда қўқонликнинг юзини кўришдан қўрқаман», деди. «Қўқонлик» сўзи бу ерда кўчма маънода, — ходихўжалар, ашурбойларни назарда тутган ҳолда қўлланилган.

Бирмунча вақт Қўқондаги ер қурилиши маҳкамасида мирза, Оқжар паромида паттачи бўлгач, Муқимий бошқа ҳеч ерда ишламади. Чунки калтабин, порахўр, зolim амалдорлар қўлида ишладан — куни учун кул сочишдан орланди, қалам учидеги ризқига қаноат қилди. Муқимийнинг расмий хизматга кирмаганини худди шу тарзда тушуниш керак. Бу фикрни тасдиқловчи далиллар Муқимий ижодида етарлидир. Унинг «Назар қилганда назмингга, Муқимий, назокатда Умархондан қолишмас» мақтали ғазалини мисол келтириб, профессор Ғулом Каримов шундай дейди: «Шоир дунёқарашда рўй бераётган ўзгариш ўз-ўзидан унда мавжуд тартибларга, шу жумладан, адабий-эстетик нормаларга нисбатан нафрат, норозилик туйғусини уйғотди, бу туйғу эса шу этапда — бошланғич этапда, Муқимийда ўз шахсиятини, шахсий иқтидорини ҳимоя қилишда намоён бўлди. Ўз шахсиятини ҳар қандай пастлатишлардан, бўҳтонлардан ҳимоя қилиш эса норозилик, туғён ва исённинг дастлабки кўриниши ҳисобланади».

Муқимий халқ орасида бўлишни ва унинг орзу-армонларини ифодалашни ўзининг шоирлик бахти деб ҳисоблади. У ўз салафлари, дўстлари ғазалларига мухаммас боғлар экан, ғазалнинг ижтимоий мазмунини кучайтиришга, ўз ҳаётӣ позициясини очиқ-ойдин таъкидлаб беришга интилиши ҳам шуни кўрсатади.

Муқимий Навоий ғазалига мухаммас боғлар экан, унинг лирик қаҳрамони «ўзгаларнинг қайдидин озод» экани билан гурурланади:

Чуғздек вайроналарда бўлмадиган обод мен,  
Рўзгоримдур парешон, кимга айлай дод мен,  
Шукрилиллах, ўзгаларнинг қайдидин озод мен,  
Гар парилар қуш каби рам қилсалар ҳам шод мен,  
Гам йўқ ул шўхи пари пайкар менинг ромим керак.

Шоир бошқа бир мухаммасида Муҳаййир ғазалида баён этилган ошиқона фикрни қуйидагича ижтимоийлаштиради:

Гавҳарга фақр ганжини (нг) тошини алишмам,  
Мунъимлара дарвешлик ошини алишмам,  
Жандамга куҳан шоҳи қумошини алишмам,  
Гар берса фалак ою қуёшини алишмам,  
Бир кечаси ё бир куни ул оқ юзингга.

Мунтазир ғазалига боғланган мухаммасда Муқимий ўз ҳаётий позицияси-ни тагин ҳам бадиий муайянлик билан ифодалайди: «Менинг бошимдаги фақирлик кулоҳга тожимдур, Табиатим эса Доро шаъни шавкатидан улуғроқ шаъни шавкатга эгадур, ўзим бенишонлик бурчагида қолиб кетган бўлсам ҳам, табиатим анқо шуҳратини эслатади», дейди...

Демократ шоир сарой маддоҳларига қарата, — ўзини «ширин забон» деган Амирийга қарата дадил ана шундай деди:

Бу бахр ичра садаф янглиғ, Муқимий, сени дури якто.

Муқимий ёр-дўстлари меҳрибонлиги ва саховатига ҳотамтойи бўлиб жавоб берадиган киши эди. Унинг феълидаги бу фазилатни яққол намоён қиладиган воқеалар муқимийшунослигимизга маълум. Улардан бирини Ўзбекистон халқ шоири Чархий 1979 йил 4 октябрь куни шундай ҳикоя қилган эди:

— Обидча аълам билан 1916 йилдан бошлаб қўшни эдик. Гапдон, шеърятни яхши кўрадиган, ғазални чиройли ўқийдиган одам эди. Даврида Муқимийнинг доимий улфати бўлган. Жўра бўлиб, гап еганлар. Фурқат, Завқий, Нусрат суҳбатлари ҳам Обиджон аъламсиз ўтмаган.

Ана энди, гап навбати айланиб, Муқимийга келган. Шоир қашшоқ-да: ҳайрон, таъби олиниб... Обидча аъламнинг дўқонидаги бу суҳбатда ҳам унинг баҳридиди очилмаётгиди. Обидча аълам зийрак одам эмасми, шоирнинг кўнглидаги андишани билиб туради.

— Ҳужранинг калитини бериб туринг, қаламтарошим қолибди, — дейди у Муқимийга. — Сиз баҳузур ўтириб туринг, мен ғизиллаб бориб, ўшани олиб келай.

Обидча аълам шундай йўл қилиб, калитни олади-да тўғри бозорга тушади. Гапнинг ҳамма харажати қилади. Ёнига одам олиб, Муқимий ҳужрасига қўйиб кетади. Ўз уйига патир, сомса буюради. Кейин дўқонига: «Қаламтарошни ахтариб, сира тополмай, охири дастурхоннинг тагидан топдим», деб кириб боради.

Муқимий ўйланиб ҳужрасига борса, гап-гаштакнинг харажати муҳайё: гўшт осиглик, ҳаттоки ўтин-чўпгача тайёр... Шоир жуда хурсанд бўлиб кетади. Кейин дўстининг шу одамийлигига миннатдорчилик тариқасида умр бўйи ёзиб юрган баёзини унга совға қилади. Нақадар кенгфеъллик! Нақадар улуғ қалб!

Муқимий умр бўйи халқ хизматида бўлди. «Мени масжиддаги хаттот мулалардан бирига шогирд қилиб бердилар, — деб ёзган эди Ишчи, солдат, мусулмон меҳнаткашлар Қўқон шаҳар Советининг депутати Н. Иброҳимов. — Бу ерда машҳур шоирлардан Муҳаммад Аминхўжа Муқимий билан танишганимдан беҳад хурсанд бўлдим. Муқимий менинг устозим бўлмиш хаттот олдига тез-тез келиб турарди. Муқимий анча хушчақчақ одам бўлгани учун, унинг келишини кўп ташналик билан кутардик. У келгач, қизиқ-қизиқ масалалар тўғрисида гапириб, ҳаммамизни хурсанд қиларди.

1902 йилдаги Андижон зилзиласи муносабати билан Петербургдан катта амалдорлар келадиган бўлди. Шу вақтда бўлиб ўтган бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Амалдорлар келиши муносабати билан бойлар, ерли амалдорлар халқ номидан Мир Боқибой домлага ариза ёздирдилар. Муқимий аризани ўқиб кўрар экан: «Ариза халқ номидан ёзилибдию лекин талаб фақат бойларники бўлибди», деди ва ғазабланиб ўрнидан турди, ариза тузувчилардан бўлган Абдурашид оқсоқолнинг олдига жўнаб кетди. Мен шунда Муқимий буюк шоиргина эмас, балки халқ манфаатини ҳамма нарсадан афзал кўрувчи киши эканини ҳам тушундим».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> «Туркистонда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси» (Хотиралар), Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, Тошкент-1958, 430—431-бет.

Муқимий ибратини кўрган Ҳамза, Т. Урозбоев, Н. Иброҳимовга ўхшаган жуда кўп ёшлар ҳақиқат йўлидан тойилмай юрдилар ва революционер бўлиб етишдилар. Ҳамза ижоди ва революцион фаолиятига Муқимий шеърини ва шахси катта таъсир кўрсатгани шубҳасиздир. Айтиш мумкинки, Муқимий шеърини, демократик шеърини инқилоб шоири бўлиб етишган Ҳамза истеъдодини шакллантирди. Ҳамза суяги Муқимий сарварлигидаги демократик шеърини муҳитида қотгани учун у энг мураккаб тарихий шароитларда ҳам айнимади, тўғри йўлни топа олди. Муқимий асарларидан Ҳамза тўплаган коллекция шогирдининг устодга садоқати мисолидир.

Муқимий олим киши эди. Шоир Камина ўз даврининг Фурқат, Завқий каби ижодкорларининг таъриф-таъсифига бағишланган газалида Муқимийни дунёвий илми — илми ҳолни, ботиний илми — илми ҳолни бирдек билган олим сифатида тасвирлагани бежиз эмас.

Муқимийнинг ўз асарларида ҳам у даврининг риёзат, хандаса фанида етук киши эканини билдириб турувчи далиллар анча-мунча. «Танобчилар»нинг ақунловчи бандларига эътибор берайлик:

**Ўзга яна ғусса будурким, дейин,  
Шунчаки бир қисса булардин кейин:**

**Қўшти Жалолхон деган ўғлин манга,  
Деди: «Руқум ўргатасиз сиз анга».**

**Юклади ўғлини менга, мухтасар,  
Бу дағи ортиқча (менга дардисар)...**

Муқимий атрофига шоирлар, адабиёт ихлосмандларигина эмас, санъаткорлар ҳам тўпланган эди. Демократик оқимнинг бундай бирлашуви, марказлашуви муҳим ижтимоий аҳамият касб этди. Муқимий ижоди ва ҳаётини яхши билган Ўзбекистон халқ шоири Собир Абдулла «Мавлоно Муқимий» бадий лавҳалар китобида Муҳаммад Аминхўжа Миён Сотиболди-хон каби дўстлари қаватида илми нужум, адабиёт, сатранж (шахмат) билан шуғулланганини айтиб ўтади. Муқимий газалларидан бирида дўсти Фарзинхонни «ўюнда лочин ҳамлағар» дейдики, бу сатранж устаси берган баҳодир. Шахматнинг энг зўр сипоҳи-фарзин ўйинларини ва дўстининг Фарзинхон лақабини таъкидлаган шоир фарзиндай ўз санъатида мардона лирик қаҳрамон образини чизади. Бутун газал бадияти асосини фарзин образи ташкил этади: фарзининг юришлари каби, лирик қаҳрамоннинг ҳам сифатлари кўпдир.

Таниқли адабиётшунос Азиз Қаюмов Қўқон адабий муҳити XVIII асрнинг дастлабки йилларида, мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ҳаёти маълум мунтазамликка эришиши биланоқ юзага кела бошлаганлиги, XIX асрнинг бошларида Қўқон хонлиги феодал давлати сифатида шаклланганлиги, унинг территорияси кенгайганлиги, маълум мунтазам иқтисодий муносабатлар вужудга келганлиги, иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барқарор шаклга кириши билан маданий ҳаёт ҳам маълум даражада ривожланганлиги, Қўқон адабий муҳитининг шаклланиши ва равнақ топиши ҳам ана шу даврга тўғри келиши ҳақида сўзлайди. Бу давр шартли равишда XIX асрнинг деярли бутун биринчи ярмини (1800—1850 йилларни) ўз ичига олишини, Қўқонда ҳукмронлик қилган Олимхон (1801—1811), Умархон (1811—1822), Муҳаммадалихон (1822—1842)ларнинг саройи атрофида кўпгина шоирлар уюшганлиги, адабий ҳаракат ривожланганлиги, бу эса адабиётда икки қарама-қарши оқимнинг анча ва қатъий шаклланишига сабаб бўлганлиги ҳақида тўхталади («Қўқон адабий муҳити», Тошкент—1961, 342—343-бет).

Муқимий ана шу муҳитга шоир бўлиб кирди.

Бир йигит қирқ йилда бинога келади, дейди халқимиз. Бир асл шоир эса халқнинг бир неча асрлик маънавий ҳаёти меваси сифатида майдонга чиқади. Алишер Навоий каби улуғ устодлардан бир умр қувват олган Муқимий ижодига Қўқон адабий муҳитининг Ғозий, Қалтаётӣ, Маъдан, Махмур каби намояндalари адабий таъсири ҳам бунинг далили.

Муқимий салафлари адабий фаолиятига ижодий муносабатда бўлгани эътиборга молиқдир. У устодларининг ижтимоий мазмуни ва таъсири кучли асарларида ифодаланган ғояларни ўз замонасига мос тарзда, янада ёрқинлаштириб беришга интилади. Қўқон адабий муҳитининг йирик вакилларида бири — шоир Ғозий давр адолатсизликларига қарши хитоб қилиб:

**Ўзга ердин келсам эрди, ортар эрди иззатим,  
Ғозие, айбим будирким, шоири Хўқандиман,—**

деб ёзган эди.

Муқимий Ғозийдан ибрат олиб, устодининг бағрини ўртаган ноҳақлик, зулм ҳануз ўз кучини сақлаб қолганлигини айтди. Айни пайтда бу ноҳақлик, зулмнинг идеологларига, жумладан, Муҳйига шаъма қилиб, ўз ғоявий позициясини — демократ шоир позициясини муайянлаштирди. Унинг «Ақлу ҳуш учди бошимдан...» ғазалининг мақтаи сарой адабиёти ва демократик адабиёт ўртасидаги ғоявий курашнинг бадиий ифодасига айланди:

Мулки Ҳинду Марвдин келсам, топардим эътибор,  
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.

Ғозий ижодини Муқимий ҳам, демократик шеърят вакиллари ҳам яхши билганлар, деб ўйлаш мумкин. Назаримизда, Ғозий ғазалига Муқимий мухаммаси сифатида қаралаётган асарни<sup>1</sup> Муқимий, Нусрат, Фурқат, Муҳсиний, Нисбат, Завқий биргаликда яратганлар. Мухаммаснинг охириги бешлиги қуйидагича ўқилса, бизнинг даъвомиз асоссиз эмаслиги маълум бўлади:

Умид айла, Муқимий, кўйида кўп нола қилдурди,  
Тоғиб Нусрат ўзини тийғи Фурқат билан тилдиурди,  
Ўшал Муҳсин қушига Нисбатан Завқини илдурди,  
Ниҳон дардингни кўз қон ёшда кўп оламга билдурди,  
Гирифторм ўлмасун Ғозий киби ғаммози йўлдоша.

Муқимий шоир Маъдан (1788—1856) ижодидаги ижтимоий йўналишни ҳам қадрлади, унинг энг муҳим ҳаётий фикрларини давом эттирди. Маъдан:

Фалак паймонасидан зарра лаззат кўрмаган жоним,  
Харобат гармидан бир толи давлат кўрмаган жоним,  
Кезиб юз тинч чаман ранги латофат кўрмаган жоним,  
Ниҳоли ошноликдан назокат кўрмаган жоним,  
Жафо чеккан, алам тортган, ҳаловат кўрмаган жоним.

Муқимий:

Фалакдан роҳат излаб ком ҳосил қилмаган жоним,  
Жаҳоннинг айшидин бир дам кўнгул шод этмаган жоним.  
Ғами айёмининг бир лаҳза фориг бўлмаган жоним,  
Малоҳат доғи тиғи халқдин айрилмаган жоним,  
Жафо чеккан, алам тортган, ҳаловат кўрмаган жоним.

Бу жўровоз мисралар Муқимий истеъдоди ўзбек адабиётининг энг яхши анъаналарини ўзига оҳанрабодай тартиб олганини, уни ижодий камолга етказган маънавий заминни тўғри кўрсатиши билан қимматлидир.

Халаф ўз салафи инжуларини бир шодага тизди — Муқимий Махмур ҳажвийетидаги янгиликларни ўз ижодида мужассамлаштирди. Махмур ўз ҳажвий туркумида аввал ҳажв қилинаётган кишини таърифлайди, кейин унинг тилидан ёзилган ғазални тақдим этади. Муқимий шеъринг ҳикояларида ижтимоий ҳаётнинг яхлит манзараси, муайян ҳажвий образ, шу жумладан, шоир муносабати ҳам, ҳажв қилинаётган шахс ҳам яққол ва бир-бирига узвий. Бу бадиий тафаккурда олға ташланган йирик қадамдир. Бу ўзбек бадиий тафаккури драмалашувидаги бир босқичдир.

Махмурнинг «Ҳапалак» ғазалига Муқимий мухаммаси халаф ўз салафи ижодига танқидий муносабатда бўлганини аён қилади. Бу танқидий муносабат мазмунини Махмур ижодини тўласича давр ва халқ хизматига сафарбар этишдек ғоя ташкил этади. Бутун ўзбек адабиёти, шу жумладан, Қўқон адабий муҳити чуқур ғоявий курашлар натижасида ривожланиб борди. Махмур билан Фазлий, Муқимий билан Муҳйи ўртасидаги тартишувлар бу ғоявий курашнинг инъикосидир. Муқимий ўзбек адабиёти анъаналарига ижодий ёндашди, ундаги энг яхши янгиликлардан ўрганди, куртак ҳолидаги бадиий кашфиётларни камолга етказди. Бу, айниқса, унинг Махмур анъаналарига муносабатида ёрқин кўринади. Муқимий Махмур ижодига хос кашфиётни — шеъринг ҳикояни янгича шароитда: феодализмдан капитализмга ўтиш даврида ўзбек

<sup>1</sup> Қаранг: Муқимий. Асарлар. Ғафур Ғулум номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент-1974, 242-бет.



демократик шеъриятининг тўла ҳуқуқли, фаол вакилига айлантирди. Зеро, шеърий ҳикояда кенг халқ оммаси учун тушунарли бўлиш, оммавийлик хусусиятини касб этиш имконияти мавжуд эди.

Муқимий ўз асарларини, шу жумладан, ҳажвларини маълум адресга — меҳнаткаш халққа атаб ёзар эди. Шунинг учун ҳам, худди ғазаллари каби, ҳажвлари ҳам халқ қўшиқларига айланиб кетди. Муқимий асарларини бевосита халққа мўлжаллаб яратгани учун ҳам ўз зиммасида содда, халқчил ёзиш мажбуриятини сизди. Бу эса демократик шеърият бадииятини ва халқчиллигини бир поғона юксалтирди, халққа чинакамига яқин ва тушунарли бўлишини таъминлади. Махмур салбий типлари галереяси, Муқимий салбий типлари галереяси, Махмурнинг Муқимийга таъсири, Муқимийнинг оригиналлиги ҳақида алоҳида тадқиқот яратилса, айни муддао бўлар эди. Муқимий даври демократик адабий муҳитнинг ижтимоий онги муайянлашган эди. Анбар отин шунинг учун баралла: «Мен бир инсонмн, малак ҳам, чўри ҳам, кул ҳам эмасман», деди.

Демократик адабиёт билан реакцион адабиёт ўртасидаги кураш яққол, афкор омма томонидан идрок этилган эди. «... Ғам даврида туғилдим, шунинг учун ҳам ваъзхонлар маъракасига маъқул тушмайман», дейди яна Анбар отин.

Модомики, шундай экан, бу давр адабий муҳити биз тасаввур этганимиздан кўра бойроқ эди: Дилшод Барно ва Муқимий, Фурқат ва Анбар отин ёнма-ён — бир оқимда ижод этмоқда эдилар: «Менинг айбим Фурқатга, Барнога пайравлик қилишимдадир», — дейди шоира. Анбар отин иқдорлари яна бир ижтимоий-тарихий ҳақиқатни тасдиқлайди: демократик шеърият намояндаларининг ижоди халқ томонидан эъзозланар, улар мезон бўлиб ҳисобланар эди: «...Фурқатга, Барнога пайравлик қилишим кифоядирким, адаб боғида ошифтаҳол булбулман», деб уқтиради Анбар отин.

Демократик адабиёт ўлкани фитнадан, зулмдан ҳимоя қилаётган маънавий паноҳ эди; шунинг учун ҳам: «Фарғона боғ-роғлари фақат фитнанинг қўл остидагина эмас», дейди шоира.

Демократик адабиёт, унинг сарварларидан бири — Муқимийнинг фикри шунинг учун ҳам юксак баҳоланади: «Бахт улдирки, устодим Муқимийга маъқулман», дейди Анбар отин.

Демак, Дилшод Барно, Муқимий, Фурқат, Анбар отин, Завқий каби шоирлар бир-бирларининг ижодлари ва мақсадларини яхши билганлар; бу демократик муҳит яқдиллиги кучли бўлганини кўрсатади. Зеро, Муқимий ва Дилшод Барно каби Анбар отин реакцион оқимга кескин зарба беради: «Муҳйию Ҳазиний каби маҳдумларни мақтамайман». Муҳйи, Ҳазинийнинг маддоҳлик шеъриятига қарама-қарши ўлароқ, Анбар отин ижоди асосини ҳаётий мазмун ташкил этади: «Шеърларимнинг мавзуси дилимнинг фикри хаёлидир», дейди у. Анбар отиннинг гражданлик позицияси ниҳоятда ҳаётий ва аниқдир: «Ватанимда калхатнинг маскан тутишини, ёки манзилимнинг чегарасида калхатнинг бўлишини истамайман». Айни пайтда демократик шеъриятнинг вакиласи некбинликка тўла: у ўз орзуларининг рўёбини меҳнат ва ижодда кўради: «Анбар отин, ижодий изланиш пайтидир, уйқу вақти эмас», дейди. У курашлар самарасиз кетмаслигини билади: «Толе келиб, қандилни ёқиб юбориши унча ҳам узоқ эмас»,<sup>1</sup> деб ишонади.

Муқимий ўзбек демократик шеъриятининг раҳнамоси сифатидаги ўз мавқеини яхши англаб эди. Шоир Муҳсиний Муқимийга бағишлаб ёзган қасидасида демократик муҳит номидан:

**Зубдаи даврону Хўқанд ичрадур якто Муқим,  
Аҳли фитратлар аро ҳам рутбаси аъло Муқим,—**

деб баралла айтди.

Шоира Анбар отин, эса демократик адабий оқимнинг вакиласи сифатида мазкур оқим сарбони, пешталқини бўлмиш Муқимийни қўллаб-қувватлайди. уни илҳомлантиради, бу ғоят таъсирли тарихий ва адабий воқеадир.

**Эй Муқимий, эрлар ичра куйлангиз сиз ҳар мудом,  
Негаким, мендек аёлларга «эрур куйлаш ҳаром».  
Бейтоатлик агар эл ичра бўлса айбингиз,  
Бўйла қонун кашф этганлардан олинг интиқом...**

<sup>1</sup> Қаранг: М. Қодирова, XIX аср ўзбек шоиралари ижодида инсон ва халқ тақдири. Тошкент-1977, 177—178-бетлар.

Аввало, ўйланг: эл ичка зиндаги қай хилдадир,  
Икки ёқлик зулмни сиз айланг ҳаминша эътироф.

Шунинг учун Муқимий демократик адабиёт фазилатларини янада равшанлаштиришга, айти пайтда салафлар ижодининг энг ёрқин намуналарини замона хизматига янгидан қўйишга интилар эди (Махмурнинг «Хапалак» шеърига ёзган мухаммасини эсланг).

Муқимий Гулханийнинг дўсти — шоир Калтатойи ижодидан ҳам яхши хабардор бўлган, деб нақл қиладилар. Чунончи, Калтатойининг машҳур бир мухаммасининг қуйидаги бешлиги рекса шеърият шайдолари ўртасида машҳурдир:

Сомонни кўрмадим, кўк беда егоним йўқ,  
Ўзим ҳадим билиб хожамга ем бергил дегоним йўқ,  
Аёғимда агарчи таққа, бошимда жугоним йўқ,  
Ўзиб нўхтамни бежо ҳар тарафга ирғигоним йўқ,  
Баҳар нолюйқи бир беқуюшқон калтатойингман,  
Халойиқ билмайин жинқарча дер, чин қарчиғойингман.<sup>1</sup>

Шоир Калтатойи сўзни ўйнатади: бу сўз ҳам қишлоқ оти, ҳам тахаллус, ҳам уруғ номи, ҳам той... Муқимий Калтатойининг «Баҳар нолюйқи бир беқуюшқон калтатойингман» мисрасини тазминга олиб, машҳур мухаммасини ёзди:

Манам ким гўшаи ишқингда ётган рўдапойингман,  
Эшиқдин урсангу қувсангки кетмас бир гадоийингман,  
Ёмонингдин ёмону, баднамодин баднамоийингман  
Демасман арғумоқу, тўшичоқу бодпойингман,  
Баҳар ноқобили бир беқуюшқон калтатойингман.

Калтатойи шеъри ҳажвий эди, ундаги жўшқин рух Муқимийни тарк этмади. Ҳажвнинг калтатой — от тилидан айтилган янги бадий кашф эди. Муқимий Калтатойининг образ яратишдаги бу янги ҳодисасидан «Элликбоши деб, аталган бир итнинг ҳажви» да ҳам фойдалангани кўриниб туради.

Муқимий гоъвий-бадий камолотга эриша боргани сари унинг ижодидаги устодларга тазмин мисралар ҳам мустақиллик касб этди.

Муқимийшунос олим А. Абдуғафуров: «Кўз ёши, Муқимий тасвирида, ҳар доим ҳам сел, тўфон, дарё эмас, — деб ёзибди. — У баъзан бир-икки томчигина холос! У ниҳоятда кам («жиндак») ҳажмни ифодаловчи ўлчов, меъёр ҳам бўлиб келадикки, классик шеъриятимизда «кўз ёши»га бундай муносабатни деярли учратолмаймиз... Натигада Муқимий фавқулодда аниқ, лўнда, сатирик лавҳа яратади.»<sup>2</sup> Муаллиф «Тўй» ҳажвиясидаги қуйидаги байтни назарда тутади:

Ош — мисоли табақда кўз ёши;  
Қурмаки кўп чурунчидан тоши.

Шу ўринда кўз ёши ўзининг классик талқинидан — «анъанавий образлардан» (сел, тўфон, дарё) батамом бошқача эканини англаган олим бунинг асл сабабини аниқлашга ҳаракат қилмагани афсусланарлидир. Ҳолбуки Муқимий новаторлигини тушуниш учун имконият яратадиган образлардан бири. Муқимий классик шеърият образларини соддалаштирди, ҳаётийлаштирди.

Муболаға гоҳо катталаштириш, гоҳо кичрайтириш йўли билан яратилади. Бу ерда табақдаги ош кичрайтирилмоқда — албатта табақдаги ҳар қанча оз ош ҳам кўз ёшидан кўп бўлади. Лекин бу содда образ ўзининг кутилмаганлиги билан кишини ҳайратга солади. Бу образнинг анъанавий образлардан батамом бошқача эканига сабаб эса Муқимий лирикаси, аниққса ҳажвиётига реал ҳаёт деталари кириб боришидадир.

Муқимий бошчилигидаги Қўқон демократик адабий муҳитига хос бўлган бир мавзуда бир неча шоирнинг асар ёзиши тор ва салбий маънодаги назираси бўлиб қолган эмас, бадий ҳаммаслаклик, адабий муҳит, сиёсий йўналишга содиқлик ва уни чуқурлаштиришга интилиш самарасидир. (Муқимий, Завқийнинг сайлов ҳажвларини эсланг).

<sup>1</sup> Ўзбекистон халқ шоири Чархидан 1979 йил 4 октябрь куни ёзиб олинган.

<sup>2</sup> А. Абдуғафуров. Эрк ва эзгулик куйчилари. Илмий-танқидий мақолалар. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 1979, 158-бет.

Сайлов мавжуд тузумнинг асл мазмунини аниқ кўрсатиб берадиган сиёсий воқеадир. Муқимий ана шу сиёсий воқеани мавзу қилиб уни гоёвий теран, ҳаққоний ва бадиий ифодалаб бера олди.

«Танобчилар»га нисбатан «Воқеаи Виктор»да янги ва ижтимоий-сиёсий мураккаб қатлам, сайлов ҳақидаги асарларида эса бундан ҳам мураккаброқ ҳаётий материал қаламга олинган. Шоир бадиий тафаккури ана шундай узоқ ва мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. У бутун тузумни рўй-рост фош этувчи ҳажвлар ярата олди.

«Адабий мерос» тўпламининг 1976 йил 5 сонида Муқимийнинг «Мухамма-си сайлов» (нашрга тайёрловчи Абдувоҳид Шокиров) ҳажви, «Гулистон» журна-лининг 1980 йил 10-сонида эса «Сайлов ҳикояси» (нашрга тайёрловчи Аҳмадҷон Мадаминов) ҳажви эълон қилинди.

Бу сиёсий ҳажвиёт намуналари Муқимийнинг ижодий қиёфасига янада ёр-қинлик бахш этди.

Ушалким, ҳақ деганлар, шулмукин рўзи жазо сайлов,  
Ки боқмас бир-бирига вақти ёру ошно сайлов,  
Агарчандеки бўлса қавму хешу акрабо сайлов,  
Қачонким бўлди ҳоким амри бирла ибтидо сайлов,  
Амалдор аҳли бошига бўлиб келди бало сайлов.

Кетиб тандин мадори бу хабардин ҳо қари, ёши,  
Қўлидан ихтиёри ҳам йўқолди ақлу кенгоши,  
Ютунган бирла ўтмай барчасин оғзидаги оши,  
Тераклар баргидек титраб жами қози, мингбоши:  
«Юзини тесқари қил,— дер эдилар,— эй худо!» — сайлов.

Ҳазарким фитназо гардун саводини баёзидин,  
Батар кундан-кун айёмини истиқболи мозийдин,  
Самоға чанг урар қасдида анжумани арозидин,  
Олурға пора элликбошилар мингбоши қозидин  
«Ижобат бўлди-бўлди! — Айлар эрдилар дуо, сайлов.

Улошиб часларига, белларида ахча рўзу шаб:  
«Туринг зинҳор, яъни мен тарафга яхшилаб махтаб,  
Баногоҳ бўлмасун,— деб,— баъзи шанқиларни кўзи чап,»  
Сочиб қарзи-қувола, пул кўтариб, истаюб мансаб,  
Бўлолмай, кўп кишини синдириб қилди гадо сайлов.

Деманг сайловким, оқил наздида таклифи жонситон,  
Қилиб урён, этгайлар қадам қўймоққа ширин жон,  
Бўлурким, гар узв-узвдин ҳар хор нуки қон:  
«Ўтар уч йил ғириллаб,— дер,— мор эрди не нуқсон  
Бўлурса олти йилда бир низоми подшо сайлов?»

Ўзундин бўлмаганлар азл<sup>3</sup> зиллатгоҳига<sup>4</sup> камбўй,<sup>5</sup>  
Керакким бурду нобурдини қилмай эмди ҳаргиз ўй.  
Қўюбон шодиёна, қилсалар бир неча кунлар тўй,  
Агар минг хатми қуръон этсалар арзийди сўюб қўй,  
Ўлумдин қолди қолганлар, бўлуб эрди вабо сайлов.

Дареғу андеша қилмай лаҳзае оғоз ила анжом,  
Тақобурдир ишим, нафсим йўлида субҳдин то шом  
Бажуз<sup>6</sup> оворалиғни ҳосил айлабдур нигиндин ном,  
Талоши жоҳ айлаб, от чопиб, олмай даме ором,  
Мусулмонларни рангин айлади чун кахрабо сайлов.

Жаҳонни сирру сайру эътибору обрўйидин,  
Димоғи бўлмади гулзорини хуш рангу бўйидин,  
Дамодам ҳайратим ортар замона феълу хўйидин,

<sup>1</sup> Жонситон — жон олғувчи

<sup>2</sup> Нук — тикон учи

<sup>3</sup> Азл — мансабдан ажралиш

<sup>4</sup> Зиллатгоҳ — қоронғулик

<sup>5</sup> Камбўй — русча «конвой» сўзининг бузилган шакли

<sup>6</sup> Бажуз — бошқа, ўзга.

**Муқимий, оғриди бошлар халойиқ гуфту гўйдин,  
Шаҳар тинчиб қоларди, бўлса-чи эмди адо сайлов!**

Бу мухаммасни яратиш жараёнида шоир ўз фикрларини тагин ҳам бойитган. Зеро, «замона феълу хўйи»ни кўрган сари лирик қаҳрамон воқеаликни тобора чуқурроқ ва ҳаққонийроқ идрок этгани табиийдир.

«Мухаммаси сайлов» Муқимий шеърини қутблари яққол намоён бўлган асар сифатида ҳам аҳамиятлидир. Унда порахўрлар, қаллоблар оламининг рақибни — оқилнинг ҳаётини позицияси бадийи аниқ ифодаланган. Оқил сайловни жон олғувчининг — жонситоннинг таклифи деб билади. «Бир қадам қўйгани жон ширинлик қилаётир, чунки ўзини сайлатмоқчи бўлиб юрганлар урэн этишлари аниқ, — деб ўйлайди лирик қаҳрамон. — Улар тилим-тилим қилавергани учун бадан, учи қон бўлиб қолган тиканларга ўхшайди.» Муқимий «Сайлов» ғазалида «сочиб қарзи-қувола, пул кўтариб, истаюб мансаб» мақсадига етолмаганлар ҳақида сўзлаган эди. Мухаммасда эса уларнинг эртадан кечгача белига пул тугиб, ўзини сайлаши керак бўлган даҳанинг соққа ташлаш ҳуқуқига эга одамларига пора улашиб юрганларини тасвирлайди: ижтимоий тенгсизликни, сайлов — сиёсий чайқов воситаси бўлиб қолганлигини бадийи тасвирлайди. Зулм, порахўрлик — мустамлака даврининг энг муҳим хусусиятлари эди.

Муқимий мустамлакачилик даври ҳаётининг қабиҳ ижтимоий манзарасини эксплуататорлар ва меҳнаткашлар ўртасидаги тенгсизликнинг, замон қонуниятига айланган порахўрликнинг тимсолини — сайловни ҳажв қилди. Бу граждан демократ шоирнинг жанговар поэзияси ижтимоий долзарб, муҳим масалаларни бадийи новаторлик билан қамраганлигини билдиради.

Демократ шоир «Мухаммаси сайлов»да порахўр жамият намояндалари кундан-кунга балохўрроқ бўла бораётганлигини кўради, улар «самоға чанг урар қасдида анжумни арозидин» деб уқтиради — фавқулудда бадийи образ кашф этади; «батар кундин-кун айёмини истиқболи мозийдин» деган хулосага келади.

Бу — ижтимоий ҳаёт тараққиёти хусусиятларини чуқур англаган ҳолда кузатиб, ўз хулосаларини мардона баён қилаётган реалист демократ шоирнинг муҳим бадийи кашфиётларидан биридир.

Муқимийнинг ижтимоий-сиёсий мавзудаги қарийб барча ҳажвий асарлари ўткир драматизми билан ажралиб туради. Унинг сайлов мавзусидаги иккинчи мухаммаси ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

«Сайлов ҳикояси» бевосита мурожаат билан бошланади. Шоир мухаммас аввалидаёқ ўз асари қутбларини — лирик қаҳрамони позициясини ҳам, мурожаат этилаётган муҳолифи қиёфасини ҳам муайянлаштириб олади:

**Эй, ўшал саллани силлиқ ўрагон,  
Қараб ойнак, соқолини тарагон,  
Ҳар нечук сўз моқисига қарагон,  
Яъни, сайлов ҳикоясин сўрагон,  
Хафа ким бўлди, кими кулди, денг.**

Муқимий тасвиридаги «сайлов ҳикоясини сўрагон» маҳаллий амалдор экани ҳеч шубҳасиздир. Шундай қилиб, шоир «халқ таврига назар қилган» ҳолда — ҳуқуқсиз меҳнаткаш камбағаллар номидан золимлар билан юзма-юз ва ростгўйларча гаплашади. Ўз ҳикоясини сайлов тайёргарлиги билан боғлиқ ҳодисаларнинг авж нуқтасидан бошлайди:

**Юрт элликлари йиғилди бутун,  
Пора қирғизча — белларида тугун,  
Кўп амалдорлар залилу забун,  
Қозиу қузот масжидда бу кун,  
Кимни(нг) поймонаси тўлди, денг.**

Лирик қаҳрамон маънавий жиҳатдан ўзи ҳикоя қилаётган тарихий воқеа иштирокчиларидан жуда юксак. Бу унинг сўзлаш оҳангидан билиниб туради. Мухаммас давомида тобора кучайиб борадиган ҳажвий муносабат — пичинг асарнинг ижтимоий мазмунини ўзида марказлаштиради.

«Сайлов ҳикояси»да шоир маҳорати янгича бир жило билан кўринади. Бу асарида — бошқа ҳажвий ҳикояларидан фарқли ўлароқ, — Муқимий батафсил воқеабандлик йўлидан бормади, балки асар ташқарисида қолган воқеа-ҳодисаларни кўз ўнгида тутгани ҳолда, уларнинг энг муҳим нуқталарини зикр этиш билан кифояланган ҳолда, умумлашма манзаралар яратади:

Чақиришти пасини сайловида,  
Бердилар паттасини сайловида,  
Паст қолиб, ўртасини сайловида,  
Қатагонни(нг)часини сайловида,  
Ким тирилдию, ким кўмилди, денг.

Муаллиф мажозий образлардан муайян хатти-ҳаракат, маълум шахс тасвирига ўтади:

Бўлуб иқбол ёр даҳр ичра,  
Майи нўш охир эрди заҳр ичра,  
Ҳожадин кирди кўйи баҳр ичра,  
Қозичилик ҳалакида шаҳр ичра,  
Ҳожа Аҳмад эшон не бўлди, денг.

Маълумки, Муқимий ҳажвий асарларида одатда мухтасарликка интилиб, характерни очиб берадиган воқеаларни имкони борича ихчам — сўзга ҳассослик билан ифодалар, лирик чекинишларга қарийб йўл қўймас эди. Аммо у «Сайлов ҳикояси» да ўз лирик-фалсафий ҳиссиётларига эрк беради, бу асаридан умумлаштирувчи-мажозий образларнинг ўрин олганлигининг бир сабаби, назаримизда, шундадир. Қўйидаги бешликда лирик-фалсафий рух биринчи планга чиқиб, пичинг мисралар замирига кўчади:

Зиндалик гулханида ҳар кимса,  
Куйдилар ўтганида ҳар кимса,  
Минг жароҳат танида ҳар кимса,  
Бу қазо гулшанида ҳар кимса,  
Гул каби очилдию сўлди, денг.

Абадият ва инсон умри... Демократ шоир юқоридаги мисраларида яна худди шу мангу муаммо ҳусусида ўйга толади. Одамлар умри мустамлакачилик даври ўчоғидаги тириклик гулханида қуяётганлигидан, қазо гулшанида гул каби очилиши билан сўлаётганлигидан афсусланади. Зиндалик гулхани... Бу фавқулодда образлар ҳассос қалб нафрат-эҳтиросларини ўзида намоён қилган қудратли пичинглардир, «Сайлов мухаммаси» эса, Муқимий истеъдодининг икки оқими — ҳам лириклиги ва ҳажвийлиги бир ўзанга қуюлиб, улуг дарё ҳосил қилган асарлардандир... Кейинги бешликда шоир яна тарихий воқеа ўзанига қайтади:

Эътиборати чархи нилуфар,  
Истаманг рангидин саботу асар,  
Баски, қавли ҳурмати паямбар,  
Мавт ҳукмида бўлса, азл агар,  
Давлатидин таърих бўлди, денг.

Тўртинчи ва бешинчи мисралар мазмунидаги ўткир истеҳзо Муқимийнинг актив шеърый позициясини аниқ намоён этувчи якуний бешликка замин тайёрлайди, шоир пичинги авжига кўтарилади ва зўр қаҳ-қаҳа каби энг баланд пардада ўз ниҳоясини топади:

Халқ таврига қил, Муқимий, назар  
Амали ориятга карру фар<sup>2</sup>,  
Кўрмади суд, жуз зиёну зарар,  
Жон чиқиб, ахчаси бўлиб бесар,  
Қози Исфандиёр ўлди, денг!..

Мухаммасда берилган таърих:

Жон чиқиб, ахчаси бўлиб бесар, —

мисраси кўрсатадики, Муқимий ҳажв этган сайлов 1895 йили ўтказилган.

Муқимийнинг мазкур асари дарж этилган қўлёзма мажмуада, айни шу мухаммасда фош қилинган сайлов воқеаларига доир тарихий маълумот

<sup>1</sup> Мавт — ўлим

<sup>2</sup> Карру фар — шовқин-сурон

учрайди. Биз, мазкур, форс-тожик тилида битилган — адабиётшунос Аҳмаджон Мадаминов аниқлаган бу тарихий маълумотни филология фанлари кандидати Темур Норов таржимасида келтирамиз.

«Қўй йилида, ҳамдуна келиши, яъни муаззани шаббон оёи 1313 санада Хўқанд вилоятида иттифоқ ва катталарнинг маслаҳат ва машваратлари юзасидан сайлов ўтказилди, — деб ёзади номаълум муаллиф. — Бу сайловдан асосий мақсад қози Азизхўжа ўрнида фуқаро ва элликбошиларнинг иттифоқи тавсияси билан домла Юнусжонни Хўжанд даҳасига қози қилиб кўтаришдан иборат эди. Лекин баъзи фуқаро ва элликбошилар Мулло Ҳакимжон маҳдумни туман қозиси қилиб кўтаришга аҳдлашдилар ва ҳатто «каломи шариф» (яъни «Қуръон»)ни ўртага қўйиб, бизлар мазкур маҳдумдан бошқасини тан олмай-миз», дедилар. Аммо сайлов вақтида маҳкамадагилар элликбошилардан тамаъ истадилар. Дафъатан, Мирзо Ғани ва Мулло Муҳаммад Алихўжа элликбошилар домла Юнусжоннинг қози бўлишига тарафдор бўлиб чиқдилар. Булардан кейин баъзи элликбошилар ҳам мазкур домлани ёқлаб чиқдилар. Сўнгра, ноиб элликбошиларга: «Қўлланг!» деб хитоб қилган. Уларнинг айримлари мазкур домланинг исми шарифини сайловда тилга олиб ўтдилар. Шундан кейин қарор қилинди ва у киши қози этиб сайланди.

Урганжибоғда элликбошилар Сармазор даҳадагиларни йиғиб, Мулло Нормуҳаммад қози ўрнида домла Зокиржон эшон аъламини қози этиб сайладилар. Мусо Охунд оқсоқол ўрнида эса Маллабой Аминнинг жияни Мулло Исматуллони мингбоши этиб кўтардилар. У ердан Қатагон даҳасига ўтиб, Мулло Исфандиёрни қозилиқдан бўшатиб, Чирикжийда қозиси Аҳмадхўжа эшонни Мулло Исфандиёр ўрнида қози этиб сайладилар. Бунга қуйидаги баъзи тортишув ва келишимчиликлар сабаб бўлган эди. Баъзи кишилар, чунончи, Мулло Муҳаммадқул маҳдум ва Шоҳносир Уратепагий ва уларнинг яқин кишилари йиғилиб, оқсоқолликка Мулло Абдуллони кўтаришга ўзаро келишиб олдилар. Шунинг кўзда тутиб, Шоҳносир элликбошилар шундай деган: «Биз бир гуруҳ илм толиблари қозилик мансабига муносиб киши сайлашингизни истаймиз. Мен бунинг учун фисабилуллоҳ беш юз сўм тўлайман. Сизлар бу вилоятдан хўшсураат ва муносиб одамни танлаб, Қатагон даҳасига қози этиб сайланг. Исфандиёр каби номуносиб ва мавқъасиз одам бу ерда қози бўлмасин. Негаки, обрўли ва аксарият биз каби нуфузли савдогарлар бундай номуносибдан хижолатда қолиб юрибмиз...» Шу вақдан тезхотир одамлар орасида «Қози Исфандиёр ўлди, денг» қабилдаги ҳажвиялар кўпайиб қолди. Охир унинг сажъ байтлари ҳам тамом бўлди...

Ва лекин мазкур қози Исфандиёр ҳам зудлик билан ишга киришган. Даҳа элликбошиларига пул берган. Бу пуллар қайсидир жамоадан йиғилган. У бир неча руасо, илм аҳли ва қозиларни ишга солиб, ноиб ва ҳокимларга ариза, эълон ва ахбор юбортирган. Бу орада сайловдан ҳозиргача қарийб бир ой вақт ўтган бўлиб, сайлов ўтказувчи ақобир, ашроф ва элликбошилар ҳуқуқларидан маҳрум бўлдилар. Баъзи элликбоши ва унинг маслақдошлари Мулло Исфандиёрнинг таъқибига билан терговга олинди. Улар ноибнинг ҳузурига ва ҳовлисига бориб-келавериб, безор бўлдилар. Мулло Исфандиёрнинг ўзи ҳам бу ишдан нодим ва пушаймон бўлди. Бу орада маҳкамадагилар мазкур қозидан тамаъ умидвор бўлдилар. Бунинг эвазига Хўжанд шаҳри атрофидаги Қайнар ва Зоҳидонга Исфандиёрхонни қозиликка кўтариш ишларига тараддуд кўрилди. Лекин ҳеч жойда сайловга дохил бўлолмади.

Бу орада Марғинов даҳа қозиси Мулло Карим Охунд ўрнига домла Тўраҳон маҳдум аълам ўтказилди ва Мулло Холиқжон унга ноиб бўлди.<sup>2</sup>

Тарихий маълумот: «...Тезхотир одамлар орасида «Қози Исфандиёр ўлди, денг» қабилдаги ҳажвиялар кўпайиб қолди», деб уқтиради. Бинобарин, Муқимий ва бошқа демократ шейрият намояндалари, уларнинг мухлислари муҳитини назарда тутди. Биз унинг сўзларидан «тезхотир одамлар орасида» Муқимийнинг «Сайлов ҳикояси» оммалашиб кетганлигини, айти муҳаммас ўзи «қабилдаги ҳажвиялар кўпайишига» сабаб бўлганлигини илғаймиз.

«Сайлов ҳикояси» да берилган таъриф ва юқоридаги тарихий маълумот мазкур ҳажвий муҳаммас 1895 — 1896 йилги сайлов муносабати билан — ўша йилнинг ўзида ёзилганини кўрсатади. «Муҳаммаси сайлов» ҳажви эса 1892 — 1893 йилги сайлов тўғрисида. «...Бўлса-чи эмди адо сайлов» деган сўзлар муҳаммас сайлов якунланмасдан аввалроқ ёзилганлигини билдиради. Баёзда, муҳаммас охирида: «1893 йилда 18 декабрда ёзилди. 1311 йилда 22 жума-

<sup>1</sup> Мелодий — 1895—1896 йил.

<sup>2</sup> Бу тарихий маълумотнинг асл нусхаси филология фанлари кандидати Аҳмаджон Мадаминовнинг шахсий бисотида сақланади — М. Қ.

дуссонийда» деб зикр этилганки, бу сана шоир айна ҳажвни яратган кунми ёки котиб асарни кўчириб ёзган санами? Буни аниқ айтиш қийин.

Энг муҳими, айна тарихий маълумот Муқимий поэзияси асосини ташкил этган воқеликни, улуг демократ шоир ижодига хос ҳужжатлиликни ёрқин бир тарзда тасаввур қилиш учун имконият яратади. Шу масалани — Муқимий ижодида ҳаёт ҳақиқатининг бадий ҳақиқатга айланиш жараёни эса алоҳида тадқиқотни талаб этувчи мавзудир.

Ҳокимиятнинг ўзи разолат, порахўрлик ҳомийси бўлиб қолганда ёки разолат олдида ожизлик қилганда, халқ юрагидаги маънавий куч нафрат бўлиб сиртга тепади ва шафқатсиз сатира майдонга чиқади. Муқимий ҳажвийёти худди шу тарзда пайдо бўлди. Муқимий халқнинг чинакам шоири эди; А. И. Герцен таъбири билан айтганда, у адабиётни сиёсий озодликка эга бўлмаган халқнинг бирдан-бир минбарига айлантира олган, халқ эса, шу минбар юксаклигидан туриб, ўз газабининг ва виждонининг ҳайқириқларини тинглашга мажбур этган эди. Шоир учун бундан ортиқроқ шараф йўқдир.

Шундай қилиб, Муқимий сайлов мавзусидаги газали ва икки мухаммасида мустамлака даври ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ҳаққоний манзарасини яратди, порахўрлик, зулм, адолатсизлик чор ҳукумати сиёсатининг асосий хусусиятлари эканлигини бадихавий ҳозиржавоблик, мардона-гражданлик билан кўрсатиб берди.

Эл жарчиси — демократ шоир Муқимийнинг бу, таъбир жоиз бўлса, ҳажвий шеърий салосаси демократик поэзиянинг — илғор гражданлик шеъриятининг энг юксак намуналари сирасида тилга олинишга муносибдир.

Улуг демократ шоирнинг сайлов мавзусидаги ҳажвий салосаси мустамлака тузумини моҳиятан рад этади ва унинг халқ руҳидаги мустамлакачиликка қарши кайфиятнинг кучайишига ва муайянлашувига хизмат қилгани табиийдир.

Бу салоса ўзбек демократик шеърияти янги — навбатдаги ўсиш даврининг мураккаб воқелигини бадий теран ва аниқ мақсад йўналишига — мавжуд тузумни инкор этиш ғоясига бўйсундирилган танқид воситасида тадқиқ эта олганлигини тасдиқлайди, ўзбек демократик шоирлари мустамлакачилик сиёсатига қарши тўғри, ҳаётий, халқчил, тенденциоз муносабатда бўлганларини ва одил шеърий сиёсат юргиза олганларини маълум қилади. Бу сифат ўзгаришини ўзбек демократик шеъриятининг энг олий фазилатларидан бири сифатида талқин этиш мумкин. Айна сифат ўзгариши эса Муқимий ижодида тўла-тўқис ёрқин намоён бўлди. Бинобарин Муқимий ижоди ўзбек демократик шеъриятининг уриб турган юраги эди. Зеро, ўзбек демократик шеърияти намояндалари, жумладан, Муқимий ижоди йилдан-йилга теранроқ тарзда ўрганиб боришга лойиқдир.

КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг тарихий қарориди оммани маданият бойликларидан баҳраманд қилишга доимо эътибор бериш зарурлиги уқтириб ўтилди. Бинобарин, Муқимий каби барҳаёт шоирларимиз ижодини янада чуқурроқ тадқиқ этиш, уларнинг асарлари тўпламлари академик нашрларини рўёбга чиқариш адабиётшунос олимларимиз олдида турган муҳим вазифалардандир.



Сарвар АЗИМОВ

## ИЛҲОМБАХШ ОЛАМ

Қайси бир сўз санъаткори Ватан ва халқ йўлида астойдил хизмат қилиб, башарият хотирасининг битмас-туганмас хазиначиларини олам ва инсон ҳақидаги янги, инқилобий тасаввурлар билан бойитса, тарих шу санъаткорга абадиёт ато этади. Совет адабиёти классиклари Максим Горький ва Владимир Маяковский шундай санъаткорлардан эди. Бундай тасаввур улар изидан бораётган ёзувчиларга, чунончи Ғафур Ғулом, Ойбек ва Ҳамид Олимжонларга ҳам ўтдики, шунинг учун ҳам биз бу беқиёс номларни кўп миллатли совет адабиётининг асосчилари сифатида ифтихор билан тилга оламиз.

Ғафур Ғулом халқ шоири бўлиб, унинг қалби биз яшаётган гўзал ва ғаройиб оламга, совет халқининг даҳоси ва қудратли меҳнати туфайли бунёд бўлган барча нарсаларга ланг очик эди.

Биз, Ғафур Ғуломни Ўзбекистон халқ шоири деб меҳр билан атар эканмиз, уни халқ ижод қилган чинакам партиявий, интернационалист совет шоири сифатида, муҳим ҳаётий масалаларни кўтара олган ва уларни ҳал этиш йўллариини илғай билган донишманд мутафаккир ва жамоат арбоби сифатида айниқса қадрлаймиз.

«Гўзаллик нимада?» — Ғафур Ғулом Ўзбекистонда барпо этилаётган, янги, социалистик жамиятга шундай савол билан мурожаат этган ва давр даъватига лаббай деб жавоб берган эди: миллионларнинг ижодий, бунёдкорлик меҳнатида. Ана шу жавобда, худди бир томчи сувда бутун бир қуёш яллиғлангандек, янги ҳаёт ҳақидаги ҳақиқат, бизнинг навқирон ҳақиқатимиз акс этган эди.

Ғафур Ғулом болалик чоғларидаёқ бир вақтлар улар хонадонидан тез-тез меҳмон бўлган ўзбек шоирлари — Муқимий, Фурқат, Асирий ижодларининг тафтини олди. Гарчанд унинг ярим оч, ярим яланғоч кечган болалиги Тошкентнинг Эски шаҳарида жойлашган эгри-бугри кўчаларни чангитиб юрган тенгдошларининг болалик йилларидан фарқ этмаган бўлса-да, шеърият нафасига мойиллик унда эрта уйғонди. Ғафур ота-онасидан жуда эрта етим қолиб, бутун оила ташвиши унинг — тўнғич фарзанднинг зиммасига тушди. «Менинг ҳаётимда, — деб эслаган эди у, — бир-бирига зид ҳодисалар кўп бўлган. Беташвиш болалик шўхликлари ва етимлик азоблари. Эски мактабда кечган зерикарли соатлар ва ижод нашъаси билан тўла дақиқалар. Болалик чоғларимдаги тоғдай оғир кўринган ишлар ва китобларнинг чароғон олами. Чекка-чеккадаги шивир-шивирлар ва инқилобнинг гулдуракли нафаси... Шунинг учун ҳам болалигим — тарихга айланган дунёнинг даҳшатли ва кулгили, қоронғи ва нурли манзаралари — узоқ давр мобайнида мен учун энг катта таассурот ва мезон бўлди. Ҳатто кўз ёлдимда туғилаётган янги дунё ҳам уни мендан узоқлаштира олмади: мен бу янги олам ҳақида қандай завқ билан ёзмай, ўша воқеалар фожиавий ёхуд кулгили бир зиддият ўлароқ ҳамиша ёнма-ён турди.»

Ғафур Ғуломнинг поэтик сўзи, шунга қарамай, аввало янги,



социалистик оламнинг пайдо бўлиши ва шаклланишига бўлган унинг табиий муносабати эди. 1923 йилда у мамлакатимиздаги минглаб қаровсиз қолган ўсмирлар ҳақида сўзловчи «Феликс болалари» номли биринчи шеърини эълон қилди. Ижтимоий воқеалар билан тўла ҳаёт ёш шоирнинг диққат эътиборини буткул ўзига жалб этди ва унинг ижодида кучли тўлқин берди. У халқ ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни олов қалби билан идрок этди.

Ғафур Ғулум ҳамиша қайноқ воқеалар орасида бўлди. У қисқа педагогик курсларни тугатгач, халқ маорифи соҳасида ишлаш билан бирга газета ва журнал редакцияларида жўшқин фаолият кўрсатди, республика ва бутун мамлакат бўйлаб кўп сафар қилди. У кўп ва соз ёзди, ҳар доим долзарб муаммолар билан қизиқди. Уни Езёвон мироблари ва Фарғона соҳибкорларининг, Қарши пахтакорлари ва Томди чўпонларининг кундалик ҳаёти баравар ҳаяжонлантирди. Ғафур Ғулум Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шайхзода, Миртемир, Зулфия ва бошқа шоирлар сингари ўз халқи қалбининг ҳар бир зарбини теран ҳис этди, ўзининг шеърлари, дostonлари, очерклари, ҳикоялари ва повестларида давр ва жамиятнинг энг муҳим масалаларини қаламга олди.

Йиллар ўтиши ва адабий тажриба тўпланиши билан санъаткор воқеликка ўткир, «тарихий» нигоҳ ташлай бошлайди, унинг фақат ўзига хос бўлган услуби сайқал олади. Натижада, нафақат Ғафур Ғулум, балки ўттизинчи йилларнинг аввалидаги ёш ўзбек шеърляти учун ҳам бутун бир даврни ташкил этган «Турксиб йўлларида» шеъри дунёга келди.

«Мен Турксиб қурилишига икки маротаба бордим ва ушбу сафарлар ҳақида иккита очерк ёздим. Мавзу шу билан ҳал қилингандай туюлди,— деб эслайди Ғафур Ғулум.— Бироқ орадан маълум вақт ўтгач, қурилиш ҳақидаги хотиралар яна менга тинчлик бермай қўйди...

Энди бепоён чўл менинг назаримда турли даврларнинг макони бўлиб кўринди. Мен шу нурли лаҳзада қурилишнинг таниш манзаралари оша қайбир карвоннинг ҳорғин йўл босиб келаётганини кўргандек бўлдим; бу карвон чанг-тўзонлар қуюни орасида ғойиб бўлиб, унинг ўрнида қий-чув билан келаётган отлиқ лашкарлар, сўнг кўчманчи қабилаларнинг чумолидек қатор сафлари кўринди. Ниҳоят, улар ҳам аста йўқолиб, кимсасиз ва сарҳадсиз чўл-биёбон оҳиста ҳаракатга келди... Мени шу лаҳзада сўз тўлқинлари ўз тўфонига тортди. Улар бир-бирига урилиб, худди чақмоқнинг кесик изларини ҳосил этгандек, қандайдир муайян, аммо тез илғаш маҳол бўлган бир суръатни касб этди. Мен шундагина тушундим: бу — шеърий сатрлар эди! Шеърий сатрлар... аммо мен ҳали бундай мисраларни ёзмаган эдим. Улар эски вазнларнинг таниш оҳангини — ўзга шоирларга мансуб мисраларнинг муқаррар хотирасини эслатмас, балки шамолнинг нотекис ҳаракатини, тўп-тўп одамларнинг оёқ товушларини, байроқ ва алвонларнинг қилпирашини, отларнинг дукур-дукури-ю, ноғораларнинг зилу-бам садоларини такрорлар эди, холос. Мен ана шу ритмнинг измига тушдим: уни сўз тизмалари билан осонгина тўлдириб чиқдим — образлар, тимсоллар кўз олдимда ҳаракат этарди. Мен фақат бир нарсани сезиб қолдим: қоғозга тушган парчаларга нуқта қўйиш керак, акс ҳолда тўлқин кетиб, кўпикнинг ўзигина қолиши мумкин эди...»

Бу йўллар,

кўп қадим йўллар...

Бу йўлдан тарихда биринчи дафъа,

Тарихда энг порлоқ —

ўлароқ бир сафҳа

қолдириб бир ботир:

Фақат эзгувчи эмас,

Бир ботир,

Ўлкалар бузгувчи,

элар қиргувчи,

ўч олгувчи эмас,

Куллардан, туллардан  
Ўн миллион,  
Юз миллион  
ва миллиард нафар

бирлашган мускул,  
мускулли қўл,

Тарихнинг чиркин лавҳасин  
ёрароқ

Болға ва Ҳроқ —  
Нажот тугроси,  
Қонли варақлар

устига сургуч урароқ

Бу йўлдан

биринчи ва энг сўнг дафъа

Шукуҳ-ла

хайқириб кечмишдир.

Бу шеърда Ҳамза сабоқлари ҳам, Маяковский мактаби ҳам яққол сезилади. Ўзбек шеърятининг Маяковский мактабидан олган сабоқлари яқуни сифатида «Ҳайқирӣқ» достонининг ўзбек тилига ағдарилган гўзал таржимаси ҳам майдонга келди.

Қайта дунёга келган Шарқ, социализм қураётган ўзбек халқининг гуллаб яшнаган, коллектив меҳнатнинг, қардошларча меҳнатнинг аён натижалари Фафур Гуломни ҳамиша илҳомлантирди, унда битмас-туганмас ижодий ғайрат уйғотди. У «Кўкан», «Икки васиқа», «Тўй» каби катта бадий кучга эга бўлган асарларини кетма-кет яратди. Уларнинг ҳар бири ўзбек совет шеърятда чинакам кашфиёт ўлароқ уни яқин истиоралар, ранг-баранг ритмлар, ёрқин товуш товланишлари ва қонфиялар билан бойитди.

Фафур Гулом ижодида тасвирланган инсон ўз меҳнати, шижоати ва орзу-интилишлари билан гўзалдир. У — шахс, ватанпарвар, та-шаббускор ва кашфиётчи — пионер. Социализм ғояларининг ҳаёт-бахш кучига, ленинчи Коммунистик партия имонига қатъий ишонч унинг асарларига чинакам куч ва қувват бағишлайди.

Фафур Гулом ижоди серқиррали. Аммо дўстлик ва қардошлик, Ер куррасидаги тинчлик, халқлар озодлиги ва тараққиёти шоир ижодининг бош мавзулари бўлиб янгради. Шеърятни инқилобийлаштирувчи, уни ғавзданликнинг юксак босқичига олиб чиқувчи мавзу Фафур Гуломни Маяковский ва Тихонов, Твардовский ва Исаковский, Табидзе ва Турсунзода, Колас ва Тичина билан ҳамда асримизнинг бошқа кўплаб ажойиб санъаткорлари билан ҳамнафас қилади. Улар ўртасидаги руҳий ва маънавий қардошлик худди шундадир. Фафур Гулом учун ҳам, улар учун ҳам шеърятга ёт мавзулар йўқ эди. Улар ҳар қандай мавзуни даставвал ижтимоий мавзу тарзида идрок этиб, уни ҳозирги рус, совет ва ўзбек шеърятни эришган энг юксак даражада ёритар эдилар.

Фафур Гулом ижоди серовоздир. Унинг шеърлари ғоят кучли публицистик садога эга бўлиши ҳамда айни пайтда самимий ва нозик жаранглаши мумкин. Муҳаббат, ҳарорат, шафқат каби инсоний туйғуларнинг ҳамма турлари шоирга яқиндир.

Фафур Гулом «Қиш», «Кузатиш», «Соғиниш», «Алвидо», «Вақт», «Ақл ва қалам» каби ажойиб асарларида ғоят юксак руҳий улугворликка эришади. «Шарқдан бораётирман» китобига кирган шеърлари учун шоирнинг СССР Давлат мукофоти билан тақдирланиши бежиз эмас.

Сен егим эмассан,  
Тинчлан, жигарим,  
Қуёшдай меҳрибон  
Ватанинг — онанг,  
Заминдай вазмину  
Меҳнаткаш, мушфиқ  
Истаган нарсангни тайёрлагувчи

Халқ бор — отанг бор.  
Чўчима, жигарим,  
Ўз уйингдасан,  
Бу ерда

на гурбат,  
на офат,  
на гам.

Бунда бор:

ҳарорат,  
муҳаббат,  
шафқат.

«Сен етим эмассан» шеъриндан олинган бу мисралар умумхалқ қардошлиги ва ўзаро ёрдамнинг ҳикматли ифодаси ўлароқ бутун мамлакатга янграб эшитилди.

Шоир вақтнинг қадрини билар, кишиларни — ўз замондошларини билар, уларни бутун қалби билан севар ва уларга ўзи соҳиби бўлган барча эзгу нарсани — ўзининг мунаввар истеъдодини, украиналик дўсти Иван Ле айтмоқчи, «олтин сатрлари»ни армуғон этар эди.

Ғафур Ғулом Ленин мукофотига сазовор бўлган «Яқун» номли сўнгги китобида ажойиб лирик ва ўйчан донишманд шоир сифатида намоён бўлди. Инсон табиати ҳақидаги билим, яшаб ўтилган йиллар ҳикмати, бу китобга кирган энг яхши шеърлардаги гаройиб лирик ҳарорат ва инсоний маҳорат шоирнинг, бир қарашда, ўзи ҳақида ёзган мисралари барча кишиларга — улар ҳаёти, иши ва муҳаббатига даҳлдор дейишимизга имкон яратади.

Ўзбекистон, ўзбек адабиёти ва Ғафур Ғулом!.. Улар ягона маҳражга узвий равишда келиб туташдилар, бир-бирларини ўзаро тўлдирадилар ва бир-бирларини бунёд этадилар! Ленин мукофоти лауреати, шоир ва академик, ёшларнинг доно мураббийси ва талабчан устози Ғафур Ғуломнинг серқирра, юксак гоъвий ва юксак бадиий ижоди келажакнинг нурли уфқлари билан туташган. Унинг поэтик овози бугун ҳам сафарбарликка даъват этароқ жарангламоқда:

Ҳе, Осиё, Европа,

кўҳна дунёнинг,

Африка,

У қора танларинг сенинг,

Афғоннинг, Эроннинг,

жумла жаҳоннинг қуллари,

Дамашқнинг, Басранинг

етим, туллари,

Марокаш эрлари,

Сиём шерлари,

Раъдвор наъралар

тортмоқда галинг.

Қўй, жаҳон уфқида,

ҳилпираб шу қизил яловки,

бирлашсин ер узра

Барҳаёт йўқсил!

Ҳа, Ғафур Ғулом юксак қалбининг қат-қатларига қадар Советлар юртининг ватанпарвари эди. У ватанпарварликда ўз ҳаётининг ва, умуман, инсон ҳаётининг энг олий маъносини кўрарди. Совет шеъритадаги Ғафур Ғуломнинг чашма сувидек мусаффо, ватанпарварлик руҳи билан тўла қудратли услуби ана шундай эътиқод ва ана шундай муносабатдан келиб чиқади.

Инсон, замондош Ғафур Ғулом назарида энг аввало ўзининг она заминга, бу кўҳна оламга, инқилобий анъаналарга ҳурмат ва муҳаббат, аждодларнинг ўлмас васиятларига садоқати туфайли гўзал ва буюқдир. Шунинг учун ҳам Ғафур Ғулом ҳар бир мисраси билан ўз замондоши, у билан ёнма-ён яшаган оға ва иниси, ўз ёр-биродарининг Шаҳс ва Граждан даражасига албатта етишуви учун бежиз курашмади. Худди шу нарсада у ўз ҳаётининг мақсад ва маъносини кўрди. «Ҳар лаҳза замонлар умриддек узун»,— деб ёзди шоир. Ва бу лаҳзалар

қанчалик узун ва мазмундор бўлмасин, уларни ўз асарларида муҳрлай олди.

Унинг қардош халқлар ўртасидаги мустаҳкам дўстлик, Ленин ва Коммунистик партия тўғрисидаги шеърлари, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида яшовчи мазлум халқларга бағишланган шеърлари, империализм ва ўзаро қиргин урушларга оташин нафрат сочувчи шеърлари, совет кишисининг меҳнати ва қаҳрамонлигини шарафловчи шеърлари, севги ва муҳаббат туйғулари билан йўғрилган шеърлари, шоирнинг шундоққина деразаси олдида уя қурган мусича тўғрисидаги шеърлари маҳорат сеҳридан бебахра қолмаган.

Бу ниҳол қачон униб, қачон мева беради,  
Миршакар тоғадими, тоғмайдими, бари бир.  
Одамзод ўлмайди-ку, кимдир ахир теради,  
Мана, Миршакар ота ҳаётида ечган сир.

Инсон умри бебақо — аммо инсон боқийдир. Ғафур Ғулом шундай дейди. Бугун саксон ёшни кўрган Ғафур Ғулом ҳаётни шундай улуғлаб, ардоқлайди.

Бундан ўттиз йил муқаддам у ёзган эди: «Халқим, Ватаним кундан-кунга гуллаб, улуғ Коммунистлар партияси раҳбарлигида социализмдан коммунизм сари бормоқда. Мен ҳам шу қаторда, шу улуғ машинанинг битта винти бўлиб умрим охиригача хизмат қиламан.

Улуғ ва енгилмас Ватанимизнинг халқлари жаҳон бўйлаб тинчлик бўлишини истайдилар. Мен шу саодатли тинчлик айёмларининг ва коммунизм қураётган совет халқининг камтарин куйчисиман».

Ғафур Ғулом шеъриятининг гулшани чаппор уриб гуллаб турибди. Бу боғ ҳазон асарини асло билмайди!

«Литературная газета», 26 октябрь 1983 йил.

**Ботир Норбоев,**  
филология фанлари кандидати

## ИФОДА ВА ФИКР ЯНГИЛИГИ

Шеърят давр ва замондошларимиз маънавий оламидаги ўзгаришларга боғлиқ равишда ўз шакли-шамойилини, ифода воситаларини янгилаб боради: тилда даврга хослик, образлар ва деталларда, умуман, шеърят руҳида аввалгидан ўзгачароқ хусусиятлар юзага келади. Барча ижодкорлар, айниқса ёшлар шеъриятида намоён бўлувчи бу хил ўзгаришларнинг ҳаммасини бир мақола доирасида таҳлил этиш қийин. Шунинг учун биз ушбу мақолада улардан айримлари хусусида фикр юритамиз.

Ҳозирда актив ижод қилаётган кўпгина ёш шоирларнинг ҳаётни поэтик тадқиқ этиш усулида бир қатор оҳорли хусусиятлар сезилади. Аввало шуни айтиш керакки, илмий-техника инқилоби ва замоннинг шиддатли тараққиёти таъсирида аниқ фанларга хос тушунча ва ифодалар, ёш шоирлар ижодида образ ва шеърый деталь тарзида кўпроқ намоён бўла бошлади. Навқирон авлод космонавтика, физика, биология сингари аниқ фанлар кашф этган айрим ҳақиқатларни қайта поэтик идрок этган ҳолда шеърятга олиб киришга, шу орқали замондошларининг маънавий оламини, фикр туйғуларини кўрсатишга интилоқдалар. Бу ёш шоирларнинг интеллектуал дунёси бойиб ва теранлашиб бораётганлигидан нишонадир. Бундай теранлашувнинг илдизлари қаерда? Фақат етмишинчи йилларга келиб шу хил тенденция юзага чиқдими?

Бунинг илдизлари, аввало, ҳаётга, рус ва жаҳон шеърятига, халқимизнинг бой фольклори ҳамда адабиётига бўлган катта ҳурматга бориб боғланади.

Биз физикадан эҳтимоллик, нисбийлик назариялари ҳақида ўқиганмиз. Узининг ёрқин шеърлари билан кенжа бўғин ижодига жиддий таъсир кўрсатаётган шоирлардан бири Миразиз Аъзам бу назарияларни поэтик ташбиҳ сифатида қўллаб, бир мавзунини мўлжаллаётган шоирлар ҳеч қачон айнан битта гапни айтмайди («Эҳтимоллик назарияси»), ўлчовни каттароқ олиш, дунёга кенгроқ қараш («Нисбийлик») керак, деган ғояларни илғари суради. Унингча, ҳар бир шоир ўз эҳтимоли, фарази, фикрларини ўртага «отади». Шоирнинг «Нишонга уриш назарияси» шеъри юқоридаги «назария»лар ифодаланган фикрларни гўё давом эттиради. Бу шеърнинг лирик қаҳрамони дастлабки мисраларида («Ўғлим, яна йўл бошига қайт») гўё ўғлига нишонга уришни ўргатаётган ота тарзида намоён бўлади. Гарчи шоир шеърни шу хил мисра билан бошласа-да, унинг давомида келган («Қилт этмади, биронта юрак, Қалблар мудроқ, бепарво, лоқайд, Ҳаммасини уйғотмоқ керак» сингари), кўчма маъно ташувчи мисралар гапнинг оддий нишон ҳақида кетмаётганидан далолат беради:

**Ахир ўғлим, тўпчилар билар,  
Қанчалик кўп отилса ўқлар.  
Нишон уриш эҳтимоли ҳам,  
Билиб қўйки, шунча кўп бўлар.**

Шоир тўпчилар қондасидан шу хил ҳаётий маъно топади, бизга муҳим ижтимоий фикрни сингдиради, эътиқод ва фикрлар жангига, жасоратга ундайди. Бундай курашчан рух, инсон маънавий оламини ўстириш учун куюниш туйғуси Омон Матжоннинг «Дала шийпонида ухлаётган гўдакка» шеърига ҳам хос. Хўш, бу шеър ифодасида юқорида қайд этилган тенденциянинг қайси қирраси намоён бўлган?

Илмда шу нарса маълумки, инсон қанчалик қаттиқ ухлამасин, асаб толаларидан бири уйғоқ бўлади. Ана шу ҳақиқат Омон Матжонга яхши бир шеър учун туртки, тўғрироғи, шеър шаклини тайин этувчи мажозий деталь сифатида асқотади. «Дала шийпонида ухлаётган гўдакка» деб номланган бу шеър гўё шу ҳақиқатни айтиш учун ёзилаётгандай туюлади:

**Дерларки, одамнинг бош миясида,  
Ҳар доим бир томир бўларкан бедор.**

Аммо шоир шеърхон диққатини ушбу гап билан банд этиб туради-ю, кейинги сатрларда атайин қилгандай фикр оқимини бошқа томонга буриб боради. Узининг шийпонида шеър ўқиганини, ўша кезде ширингина бир болакай онасининг кучоғида ухлаб ётганини баён этади. Сўнг эса гўё мазкур шеърнинг мазмунини шарҳлай бошлайди:

**Мен шеъримда айтдим тупроғимизнинг,  
Тарихида турфа тонглар отганин.  
Талашу тортишлар задалаб кўп бор,  
Ҳақиқий бир эга кутиб ётганин.**

**...Айтдим Бухорода қўзичоқларнинг,  
Териси ҳимралиб ёнса шуъладор.  
Билингки уларда ер остидаги,  
Беҳисоб конларнинг ҳоври, акси бор.**

Келтирилган шарҳлар табиий туюлади. Зеро шоир, биринчидан, юрти- мизнинг ноёб фазилатларини очиб бермоқда, иккинчидан, бу фикрларни ўша дастлабки мисралардаги маънога — уйғоқ томир ва ухлаётган гўдакка боғлайди. Она юрт ҳақидаги ушбу гапларни шеърини тинглаётганларгина эмас, ухлаётган гўдак ҳам тинглашини истаган шоир: «Илтижо қиламан, ўша бир сезгинг, бедор бўлсин ухлаётган укам — келажагим», дейди. Шу билан у ўша бир сезги бедор бўлса фарзанд ўлкани янада гўзал ва дориломон кунларга олиб чиқиш учун курашиши, меҳнат қилиши мумкин, демоқчи бўлади. Шоир фикрининг нозик қочиримлар билан ботиний шаклда берилишига ўша мажозий деталь — «уйғоқ томир» қўл келган.

Шеърятда янгилик яратишнинг йўли аниқ фанлардаги айрим тушунча ва назарияларни қайта поэтик идрок этиш, айрим адабий қаҳрамонлар «ҳаёти»дан янгича маънолар топишдангина иборат эмас, албатта. Оддий ёки мураккаб бир ҳолатни турлангириш, ҳаёт воқеаларини ўзига хос поэтик идрок этиш орқали ҳам оҳорли фикрлар айтиш мумкин.

Масалан, Абдулла Орипов у ёки бу иборани, сўзни ўзгача йўсинда ифодалаб, фикр-туйғуларини янги жилоларга жамлаб беради. У «Икар», «Генетика», «Маломат тошлари» да шу йўлдан борган эди. «Учинчи одам» да ҳам ушбу «йўл»нинг ўзига хос манзарасини кўрамыз.

Ижодкор дастлаб «Учинчи одам»ларнинг бизга унча-мунча маълум турлари ҳақида фикр юритади. Сўнг шоирнинг ёр учун битган шеърини ёд олувчи шеърхонни, икки халқ ўртасини боғлаб турувчи элчини «Учинчи одам» сифатида тасвирлайди. Шоир иборанинг янги қирраларини очгани сари, биз «Учинчи одам»ларнинг янада мураккаброқ турларига дуч кела бошлаймиз:

**Сергалва асрда бу зот ҳаттоки  
Салтанат шаклида бўлар намоён —**

дея таърифлайди шоир улардан яна бир хилини. Ушбу асрда одамларни бир-бирига боғлаб турувчи бундай «зот»ларнинг роли ошиб бораётгани учун ҳам шоирнинг шеър сўнгидаги: «Сенга инсоф берсин учинчи одам» — огоҳлантирувчи мисраси баландроқ янграйди.

Муҳаммад Алининг «Юртим осмонидаги юлдузлар» шеърда «юлдузлар» сўзи ҳам шу йўсинда намоён бўлади. Улар гоҳ халқимизнинг буюк кишилари, гоҳ эл-юрт озодлиги йўлида фидо бўлган аскарлар сифатида талқин этилади.

Шеърларида истеъдод учқунлари мавжуд бўлган ёш ижодкорларимиз ҳам жўшқин эҳтиросларини оригинал фикрлар билан эш қилишга, ҳаётнинг кўзга ташланмайдиган томонларини ёрқин ифодалашга интиломқдалар.

Шеърятимизнинг кенжа бўғинига мансуб шоирлардан Усмон Азимов, Қадам Саидмуродовларнинг айрим шеърларида ҳаётий фактлар ва воқеаларнинг бизга таниш қирралари янгича воситалар ёрдамида таъсирли ифодалангани. Биз уруш даврида йўқчилик туфайли қийналган одамлар кўп бўлганини биламиз. Еки жангдан қайтмаган фарзандини кўзлари тўрт бўлиб кутган, ҳатто ҳозир ҳам кутаётган оналарни кўрганмиз. Булар ҳақида анча-мунча шеърлар ҳам ёзилган. Бироқ бу икки ёш шоир уруш даври ҳаётининг ўша биз билган таниш қирраларининг нотаниш томонларини ҳам кўрсатадилар.

Усмон Азимовнинг «Ойрўзи опанинг Ватани» шеърда уруш ва очарчилик йиллари ҳар қадамда учраши мумкин бўлган бир воқеа қаламга олинади. Бу шеърнинг лирик қаҳрамонларидан бири — «тирикликнинг исми — нон» бўлган йўқчилик йилларида яшаган ёшгина қизалоқ. У бир сиқим дон умидида кўрқа-писа буғдойзорга кирганида кимки қинғир йўлга кирса жазолаш ҳуқуқини олган қаттиққўли раис от чоғтириб келиб қолади. «Жиноят» устида қўлга тушган қизалоқ уни кўриб, зир титрайди, қамчи зарбини кутиб бошини қўллари билан яширади. Шоир ўз қаҳрамонининг кейинги аҳволини тасвирлаб ёзади:

**Кўзингиз ёшсиз эди,  
Жиддий, тайёр хўрликка  
Ким ҳам раҳм қиларди,  
Сағир қолган шўрликка.  
Ҳамма бутун таёқлар,  
Етим бошда синади...  
Раис отидан тушиб,  
Бошингизни силади.  
Ишонмасдан боқдингиз,  
Кўзларига умидвор,  
Ҳайрат ичра қотдингиз,  
У йиғларди шашқатор.**

Шеърда чизиб берилган ушбу манзара кишига қаттиқ таъсир қилади. Ундан сизиб чиқувчи маъно ҳам оҳорли. Ёш норасида болалар оғир аҳволда қолганида энг тошюрак одамларнинг ҳам уларга ёрдам қўлини чўзиши, умуман, йўқчиликнинг одамзодни қай аҳволга солиши шу мисраларгача табиий кўрсатилган.

Шу мисраларгача, деб айтаётганимизнинг боиси кейинги мисраларнинг бўш ёзилганида эмас. Бунинг сабаби шундаки, ушбу мисралардан сўнг: «Опа ўшандан буён, Ватан ҳақида суҳбат қўзғалса кириб келар, кўзингизга бир сурат» сингари сатрларни тизади. Бу сатрлар (айниқса охириги тўртлик) ўз ҳолича яхши. Аммо улар шеърнинг юқори қисмида тасвирланган воқеага (сарлавҳада «Ватан» сўзи учрашини ҳисобга олмаганда) бевосита сингиб,

уйғунлашиб кетмайди. Сарлавҳадаги «Ватан» эса уларни мустаҳкам бириктира олмайди. Юқори ва пастки сатрларни оҳангнинг ўзигина боғлаб турганга ўхшайди.

Усмон Азимовнинг «Сенингча...» деб бошланадиган шеър ҳам юқоридагисига мавзудош бўлиб, жангчиларнинг матонати ва садоқатини куйлашга бағишланган. Аммо у фикрни ифодалаш йўсини, шакли ва мазмуни билан алоҳида ажралиб туради. Шеър тепасида шундай изоҳ берилган: «Тўрақўрғонда ғаройиб гулзор бор. Ундаги ҳар туп гул Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчи номи билан аталади». «Шу изоҳнинг ўзи ҳам қалбимизда жўшқин туйғулар пайдо қилади. Бу факт таъсирида шоир руҳида ҳам ғалаёнли ҳислар билан бирга қонуний саволлар пайдо бўлади: «Ҳар бир шаҳид аскар бир гулга айланибди-да? Шундай гулга айланиш осон бўлганмикин?» Бу саволлар шеърнинг ёзилишига турткигина бўлиб қолмасдан, унинг шаклини ва мазмунини ҳам тайин этади:

**Сенингча осонми, гулга айланмоқ,  
Аёзда музласа яланғоч бадан.  
Қалбда ҳилпирарми, қип-қизил байроқ,  
Сўнг сўзинг бўларми, «Севаман, Ватан.»**

Шоир «гулларга айланган» жангчиларнинг жасоратларини санамайди. Юқоридаги сингари қатор тасдиқ саволлар туфайли биз ўзимизни шаҳид аскарлар жасоратларининг гувоҳи бўлгандай ҳис этамиз.

Бироқ шеърда бу ҳиссиётнинг қалбимизда янада мустаҳкамроқ ўрнашуви-га ҳалақит берадиган бирикмалар ҳам йўқ эмас. Хусусан: «Сенингча осонми, гулга айланмоқ, Қонсираб турганда илма-тешик тан» ёки «Куйган гўшт ҳидидан ақлдан озиб, Енгамиз дейсанми, эгмайсанми, бош» мисраларидаги таъкидланган сўзлар ўрнига тушмаган. Ахир «илма-тешик тан» қанақасига қонсирайди? «Ақлдан озиб, енгамиз, дейсанми», дейилиши шоир ифодаламоқчи бўлган маънонинг англанишига ҳалақит беради-ку?!

Усмон Азимовнинг шеърларида эҳтирос ва фикрларни юксак оҳангга уйғунлаштиришга интилиш диққатга сазовор. Кейинги шеърларида у бир ғояга алоқадор фикр-туйғуларни бошқа мазмундаги фикр-туйғулар билан табиий уйғунлаштиришга, мавзунини очишга хизмат қилмайдиган сўзларни ишлатмасликка интилмоқда. Бунинг натижаси сифатида шакл ва мазмун жиҳатидан тугалланган бутун шеърлар юзага келмоқда. Хусусан, унинг «Бахшига...» ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чоп этилган кейинги «Уша — мени ҳеч ким соғинмаган шом» шеърларида шу жиҳатлар яққол сезилади. Юқорида айтилган дастлабки шеърда қаллоблик, ялтоқлик ўзига хос йўсинда фош этилса, иккинчисида, оддий бир воқеа юксак поэтик оҳанг ҳамда ифода орқали жозибали тасвирланади.

Қадам Саидмуродовнинг шеърларида Усмон Азимовда кузатганимиз каби кучли эҳтирос бор, деб айта олмаймиз. Аммо у сокингина туюлган мисралари ботинида диққатга сазовор фикр-туйғуларни оригинал тарзда ифода этишга интилади. Масалан, унинг бир шеърларида урушдан кейин қайтмаган фарзандларини кутган онанинг руҳиятида юз берган ҳолат қаламга олинади. Уруш тугагач, кимдир соғ, кимдир ногирон ҳолда қишлоққа қайтади. Аммо:

**Қишлоқ бўйлаб таралган қувонч,  
Кунлар ўтиб она қалбига қўрқинч солди,  
Кимлар учун тугаган кулфат,  
Унинг учун қайта бошланди.**

Ҳа, қайта бошланиши турган гап. Негаки, у бедарак кетган ўглини, гарчи хати келмаётган бўлса-да, уруш тугаса албатта қайтади, деб ишонарди. Аммо уруш тугади... Энди она учун кулфат бошланди. Еш қаламкаш она ҳаёти ва руҳиятидаги бу хил тафсилотларни айтмайди. Аммо унинг руҳий ҳолати ифодасидан шу воқеалар юз берганлиги англашилиб туради.

Унинг «Емғир яқин келтирди бизни», «Бир тилда гаплашамиз» сингари шеърлари ҳам маънодор. Бироқ, назаримизда, Усмон Азимовга фикр оқими тугаганда эҳтиросларни бир оз жиловлаб туриш қанчалик керак бўлса, Қадам Саидмуродовга кейинги шеърларида мисраларни жўшқин эҳтиросга йўғириб беришга эътибор қилиш шунчалик зарурга ўхшайди. Зеро, эҳтирос, қалб ёлқини ҳужайраларига озиқ бериб турмаса бағрида ҳар қанча ақлли гаплар бўлгани билан шеър узоқ яшай олмайди.

Ешларнинг шеърларидан маълум бўлишича, улар замондошлари руҳиятини поэтик таҳлил қилганда эҳтирос ва фикрлар шиддати нисбатан сокинлаша-

ди. Ҳаёт кенгроқ қамраб олинмайди, қалб кенгликларининг уфқлари бор ранглари билан кўрсатилмайди.

Муҳаммад Солиҳ, Шавкат Раҳмонларнинг баъзи шеърлари бундан мустасно, албатта. Бу икки шоирнинг гражданлик туйғулари билан йўғрилган қатор шеърлари бор. Хусусан, Муҳаммад Солиҳнинг «Силлогизм» шеъри яхши ёзилган. Шоир унда пахтани аввал булутга ўхшатади. Кейин дарҳол бу ўхшатишдан воз кечиб, пахта бу деҳқон нафас олганда оғзидан чикқан буғ, дейди. Сўнг хулоса қилади: «Деҳқон эса ўлгунча нафас олади.» Бу оддийгина ифодада бизнингча, деҳқоннинг шарофатли меҳнати ёрқин намоён бўлган. Шавкат Раҳмоннинг «Венеция», «Марофон» сингари қатор шеърлари маъзига ҳам шундай туйғулар сингдирилган.

Бу икки ижодкорнинг, айниқса, Муҳаммад Солиҳнинг шеърлари ҳақида матбуотда турли хил фикрлар айтилди. Худди шу фактнинг ўзи ҳам унинг шеърларида баҳсга чорлайдиган хусусиятлар борлигини билдиради. Иброҳим Ғафуровнинг «Шеърингизни тушунтириб берсангиз» номли мақоласидаги баъзи фикрларга, чунончи Муҳаммад Солиҳнинг айрим шеърларида мунгли туйғулар мавжудлиги учун танқид қилганига қўшилиб бўлмайди. Бизнингча, шоир лирик қаҳрамон қалбидан кечган ҳар қандай туйғуни ифодалашга ҳақли. Фақат бу хил туйғулар ҳаётий, самимий йўсинда ифодаланиб, улардан муҳим маънолар англашиниши лозим. Танқидчининг ўзи айтганидай, «келажак ҳақида ўйлаган,» ҳозирги ҳаётни янада дориломон кўришни истаган шоирларнинг лирик қаҳрамонлари қалбидагина дард, изтироб бўлади.

Иброҳим Ғафуровнинг бошқа баъзи фикрлари хусусида ҳам баҳслашиш мумкин. Аммо унинг Муҳаммад Солиҳнинг қатор шеърларида мавжумлик мавжудлиги ҳақидаги мулоҳазаларига қўшилиш керак. Муҳаммад Солиҳ истеъдодли шоирлардан бири бўлса-да, сўнги пайтларда мавжум ёки, бошқача қилиб айтганда, замондошларимизнинг ўй-туйғуларини бойитмайдиган, шунчаки манзара ёки тасвирдан иборат термаларни кўп ёзипти. Бу ҳол, айниқса, унинг «Ешлик» журналининг 1983 йил 2-сонида босилган «Мансур шеърлар»ида очиқ сезилиб қолган.

Бу шеърлардан оригинал фикр-туйғулар ахтарсак, ғалати манзарага дуч келамиз. Тўғри, улар орасида «Тиланчилар» каби кенг ва тор маънодаги тинчликка ташна одамнинг ҳолатини ифодалаган ёки «Озодлик картинаси» сингари манзарага муҳим маъно жойлаган маъқул шеърлари ҳам бор. Аммо, инсоф билан айтганда, бу ердаги кўплаб шеърларда муҳим бир маъно йўқ. Мазкур мансур шеърга эътибор беринг:

Симда бир қуш ўтирибди  
У ҳақда ёзиш шартмикан.  
Қушча аланглай бошлади.  
Буни тасвирлаш зарурмикан?  
Қушча учиб кетди.  
Дафтаримда чизиқлар  
Бўм-бўш сим каби бир зум  
Титраб турди.

Бу гаплар билан шоир нима демоқчи? Бизга қандай муҳим ва зарур фикр-туйғуларни сингдирмоқчи? Афсуски, жуда кўплаб шеърларда ана шу энг муҳим саволга жавоб йўқ.

Шавкат Раҳмоннинг кўпгина шеърлари кўримли манзаралар, оҳорли тасвирлар асосига қурилган. Гоҳо, унинг, ёзилиши тузук бўлса-да, лекин муҳим маъно англаймайдиган шеърлари ҳам учраб қолади. Келинг, яхшиси улардан бирини ўқийлик:

Қизиган садолар сўнади,  
Қуш каби чўчийди ҳаёли,  
Кўксига капалак қўнади,  
Кулгиси келади аёлниг.  
Еноғи ловиллаб қизийди,  
Капалак бўсалар юзида.  
Аланга сочлари тўзийди,  
Уларни ҳайдамас ўзидан.  
Ифорли ўтларга кўмилар,  
Тикилиб қолади осмонга.  
Мастона кўзлари юмилар,  
Капалак ёқади жувонга.



Қаранг, «Аланга сочлари тўз(ғ)ийди» мисрасининг юқориги, айниқса, пастки сатрларга бир оз бегонароқ бўлиб қолганини ҳисобга олмаганда («Қизиган садолар», «Ифорли ўтлар» каби), ифодаларнинг кўримлилигини рад қилиб бўлмайди: қайдадир — дарё ё денгиз қирғоғида дам олаётган жувон, унинг кўксига, юзига қўнаётган капалакларнинг жувонга ёқиши — буларнинг ҳаммаси яхшига ўхшайди.

Бу ерда жувоннинг кимгадир интиқлигини кўрсатишга интилиш ҳам бор, дейлик. Аммо бу интилишнинг ботинида бирон замонавий маъно, фикр бўлиши керак-ку, ахир?!

Тўғри, шеърятда янги гап айтиш осон эмас. Чунки минг йиллар давомида классик шоирларимиз шунчалик кўп ўй-ҳиссиётларни қоғозга туширганларки, қўлига қалам олган ижодкор улардан, қолаверса, ҳозирги нозимлардан биронтасини такорламаслиги, айтаётган фикрларида инкор қилиб бўлмас ҳаётий, поэтик мантиқ бўлиши керак. Шундай йўлдан борилмаса қош қўяман, деб кўз чиқариш, ё оригинал бўлиб кўриниш учун тескари гаплар айтишгача бориб етиш ёки бошқаларнинг фикрини такорлаб қўйиш мумкин. Аммо бу гаплардан ёшлар шеърятни нуқул қусурларга тўла экан, деган хулоса чиқмаслиги керак. Чунки ёш шоирлар орасида изланишлари мақолаларга мавзу бўладиганлари анчагина бор. Аммо уларнинг барчаси хусусида тўхталишнинг имконияти йўқ.

Умуман олганда шеърятимизда фикр-туйғуларни янгича — турли хил йўсинда ифода этишга интилиш кучли бўляпти. Замоннинг нафасини берадиган, инсон маънавий дунёсини янгилайдиган шеърлар ёзиляпти. Шу билан бир қаторда ёш авлодга мансуб шоирларимиз ҳар бир асарнинг оригинал жанр-ранглишига, мукамал даражага чиқаришга эътиборсизликларни туйфайли айрим қусурли шеърлар ҳам юзага келмоқда. Шеърятимизнинг сирли ва ҳарир этагига ёпишиб олган бу қусурлардан қанчалик тез қутулсак, шоирларимиз, жумладан ёш ижодкорлар улуг мақсад ва янги фикр-туйғуларни юксак поэтик шаклда ифодалашга жиддий эътибор берсалар маънавий оламимизни бойитадиган, етук ва баркамол асарлар янада кўпаярди. Бунинг натижасида эса адабиётимиз уфқи кенгаярди.



## МАДАНИЙ ҲАЁТ

26. X. 83 й.

Республика Ёзувчилар союзи правлениеси секретариатининг навбатдаги йиғилишини Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов кириш сўзи билан очиб, Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмасининг VII конференцияси яқунлари ҳақида гапирди, республика ёзувчилар союзи коллективи бу улкан халқаро анжумани ўтказишда катта жонбозлик кўрсатганлиги учун СССР Ёзувчилар союзи правлениеси ташақкур эълон қилганлигини билдирди, республика адаблари олдига турган вазифалар хусусида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчилари Назир Сафаров ва Мирмуҳсин, Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт

ва санъат нашриётининг бош редактори Муҳаммад Али, республика Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Уктам Усмонов ўртоқлар ўзбек ёзувчиларининг китоблари бутуниттифоқ матбуотида кам тарғиб қилинаётганлиги, бу ўринда республика танқидчилари янада фаоллик кўрсатишлари лозимлиги хусусида, Ўзбекистонда татар адабиёти янада равнақ топтириш тўғрисида, қалам аҳлининг пахта йиғимтеримига актив иштирок этишлари зарурлиги ҳақида гапирдилар.

Йиғилишда 1984 йилда ёзувчиларнинг нишонланадиган юбилейлари режаси кўриб чиқилди: Абдулла Қодирийнинг 90 йиллигига С. Кароматов, Воҳид Зоҳидов ҳамда Александр Удалов-

ларнинг 70 йиллигига С. Мамажонов ва Р. Файзий, В. Пармузин; Георгий Владимиров, Олег Сидельниковларнинг 60 йиллигига И. Раҳим, Л. Қаюмов, В. Пармузинлар комиссия раиси қилиб тайинландилар. Республика Ёзувчилар союзи ташкил топганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик юзасидан ҳам муҳим тадбир-чоралар кўрилди. Шунингдек, Ойбек, Уйғун, Зулфия, Назир Сафаровларнинг 1985 йилда бўлиб ўтадиган юбилейларига тайёргарлик масалалари муҳокама этилди.

Секретариат йиғилишида Бахтиёр Назаров, Ҳайитмат Расул, Муҳаббат Турובה, Павел Шуфь, Раҳматулла Иноғомов, Нодир Норматов ўртоқлар СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилиндилар.

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

## ДИЛРАБО ҚЎШИҚЛАР АЙТИЛАВЕРСИН

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди: бундан етти йил муқаддам адабий-танқидий машқларимдан бирини радиога олиб боргандим. У ерда ишлайдиган ходимлардан бири мен «ҳаяжон-у, ҳафсала билан битган» ўн қоғозлик «ижод намунаси»ни қисқартириб, икки бетга келтирибди. Буни кўриб, чизик тортилган саҳифаларнинг муҳимлигини уқтиришга киришувдим, қўшни стол олдида ўтирган йигит ўрнидан шартта туриб, дераза томонга йўналар экан, гап қотди:

— Классикларнинг асарларини ҳам қисқартиришган!

Ялт этиб унга қарадим. Унинг бу «учуруғи»дан сўнг ўзимда бош кўтарган «классикларнинг бу ерда нима алоқаси бор? Биз — ҳаваскорлар қаёқда-ю, классиклар қаёқда!» мазмунидаги эътирозни зўр-базўр ичимга ютиб, «икки қоғознинг омон қолганига шукр» қилиб хонадан чиқарканман, олдимда каттакон (очиғи, ўша пайтда анчамунча ёқимсиз) бир савол кўндаланг бўлди: «Ким экан ўзи бу йигит?! Намунча осмондан келмаса!»

Бир ҳафтадан сўнг унинг кимлигини билдим: Эркин Аъзамов деган ёш ёзувчи экан.

Бир йилдан сўнг эса унинг «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган илк ҳикоялар тўплами — «Чироқлар ўчмаган кеча»ни ўқидим. Айтиш керакки, уни ёзувчи сифатида даставвал ўшанда танидим. Танидимгина эмас, ўзимча «кашф этдим». Китобчани ўқир эканман, хаёлимдан учта туйғу кечди: аввало тасвирдаги шоирона тиниқлик, самимият, ўзига хослик мени мафтун этди. Иккинчидан, ўша — классиклар ҳақидаги гап бежиз айтилмаганига, ёш

ёзувчи энг аввало ўз ижодига талабчанлик билан қарай олишига иқрор бўлдим (ишонтириб айтаманки, бу — ёқимли иқрор эди). Ва ниҳоят, ўшанда хом-хатала нарсани олиб бориб, ўсал бўлганимни эслаб хижолат чекдим.

Ёш ёзувчининг кейинчалик матбуотда эълон қилинган асарларини ўқиганимда ҳам, унинг Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлганини эшитганимда ҳам ҳар учала туйғу юрагимга тобора мустаҳкамроқ ўрнашди (ва, очиғи, ушбу мулоҳазаларни ёзишга ундади).

Биз кўпинча кўз олдимизда рўй бераётган ўсиш-ўзгаришларга аҳамият қилавермаймиз. Бирон-бир янги ҳодисани эндигина «ниш уриб» келаётгандаёқ илғаб ололмаймиз ёхуд ўша пайтдаёқ кўрсатиб беришинг урдасидан чиқолмаймиз. Бу янги ҳодиса ўзининг ҳаётдаги мавқеини бирмунча мустаҳкамлаб олган пайтда ҳам баъзан уни тан олгимиз, унга иқрор бўлавергимиз келмайди. Яъни, «олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ». Хусусан, ҳозирги ўзбек ҳикоячилиги ва қиссачилигига Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст, Ғаффор Ҳотамов, Хайриддин Султонов, Абулқосим Мамарасулов каби кўплаб ёш ижодкорлар олиб қираётган янгилик, уларнинг шаклланаётган ўзига хос услуби, бадий-эстетик оламини ҳам вақтида илғаб, етарли англаб олаётирмиз, атрофлича ёритаётирмиз, дейиш қийин. Ҳолбуки Тоғай Мурод қиссаларидаги ўзбек халқининг психологияси, халқ достонлари руҳига чуқур кириб бориш, миллий бўёқларнинг ёрқин ифодаланиши, Мурод Муҳаммад Дўст қиссалари-ю, Хайриддин Султонов ҳикояларидаги деярли «қўл билан

\*\*\*\*\*

*Ижодий изланиш. Ҳаётий кузатиш. Урганиш. Уларнинг бадий образ ва поэтик мушоҳадага айланиши. Ва бу нуқталар бирлашган ўзига хос ижодий олам. Янги ташкил этилган «Тенгдошлар тенгдошлар ҳақида» рубрикаси остида бундан кейин мунгаам бериладиган материалларда шу хусусда сўз боради.*

тутиб», бевосита ҳис қилиш мумкин бўлган даражада аниқ деталлаштирилган тасвир, Ғаффор Хотамов асарларидаги ҳозирги иттифоқимиз ва жаҳон адабиётининг етук асарларида кўзга ташланувчи ретроспектив тасвир аломатлари, Абулқосим Мамарасуловнинг илк ҳикояларидаёқ ёрқин ва бевосита ифодаланиб, бамисоли селдай қуйилиб келувчи маънавий-ҳиссий оқим (поток сознания)... каби ҳодисалар анча кенг ва жиддий мулоҳазалар учун асос бўла олади.

Ёш ёзувчи Эркин Аъзамовнинг ўзига хослиги, яъни тенгдошларидан фарқли жиҳатлари нималарда кўзга ташланади, деган саволга бир сўз билан жавоб бериш, албатта, қийин. Бу — тасвирдаги ўзгача бир самимиятда, фикрий ва ҳиссий эркинликда, тиниқ чизилган кичик-кичик лавҳаларнинг фавқулодда «комбинация»сида, гоҳ энгил кулги, гоҳ заҳарханда пичингга мойиллик ва бир қарашда ғаройиб қистирмаларда... Лекин ёш ёзувчининг ижодий индивидуаллигини таъмин этувчи етакчи хусусият, назаримизда, туйғулар бойлигида очиқ сезилади: «Бошдан-оёқ оппоқ либосдаги қиз ва кўм-кўк осмон. Кўм-кўк осмон ва бошдан-оёқ оппоқ либосдаги қиз... Ойдин рухсор рўпарасига келиб қолди. Гапирмайди, фақат жилмаяди. Фақат жилмаяди, гапирмайди...»

Синфда қизлар кўп эди, мактабда қизлар кўп эди, қиройиллари ҳам бисёр эди-ю, аммо бу қиз уларнинг ҳеч бирига ўхшамайди: фақат жилмаяди, гапирмайди. Гапирмайди, фақат жилмаяди». Шундай ёсади у ўзининг «Сой бўйи, чимзор...» ҳикоясида. Бир қарашда узук-юлуқ сўзлар тизмасига ўхшаб туюлувчи бу кичик тасвир, айниқса ундаги такрор асар қаҳрамони — илк бора муҳаббат оламига қадам қўяётган ўспирин руҳидаги тотли ва тамомила янги туйғулар талощини бевосита ҳис қилишимизга имкон беради.

Ҳикоя қаҳрамони Норбоевнинг касби — геолог. Лекин унча-мунча шоир унинг олдида ип эшолмайди. Буни хотини ҳам яхши билади. «Сиз асли шоир бўлишингиз керак экан, таъсирчансиз жуда», дейди у. Бунга ҳамкасби Икромов ҳам ишора қилади. Норбоевнинг шоиртабиатлиги шу даражадаки, у бутун умр бир хотира билан, қачонлардир ўзи бошидан кечирган аниқ туйғулар хотираси билан яшайди. Уни қўмсаб қишлоққа боради. Аммо ўша хотира билан боғлиқ «сой бўйи, чимзор»га бормайди, тўғрироғи, тўсатдан боришни истамай қолади. Бироқ шаҳарга қайтиб келгач, уни яна қўмсай бошлайди.

Ҳикояни ўқиган китобхон дафъатан

«Намунча инжиқ бўлмаса бу одам! Нимани истайди ўзи?» деган хаёлга ҳам бориши мумкин. Лекин аслида у инжиқ эмас, барча маънавияти бой кишилар истаган нарсани истайди, холос.

Ахир кимнинг қалбида такрорланмас тотли туйғулари-ю, уларни ёдга туширадиган табаррук жойлари йўқ? Аксар бундай хотирани уйғотувчи жойга, одамга, уларнинг тасвирига талпиниб яшмаймизми? Айни пайтда улар билан бевосита мулоқот биз кутган, қўмсаган такрорланмас туйғуларни эмас, ёқимсиз кечинмаларни уйғотиши ҳам мумкинлигидан андак хавфсираб ҳам турмаймизми? Кўпчиликка хос бўлган бундай руҳий ҳолат Эркин Аъзамов ҳикоясининг қаҳрамонида бадиий мужассамлаштирилган.

Ёш ёзувчининг «Қўшиқ айтилади» ҳикоясида ҳам мана шундай кўпчиликка хос бўлган эзгу туйғулар улуғланади.

Танқидчи Михли Сафаров ушбу ҳикоя ҳақида фикр юритиб, унда ёш ёзувчи «ҳозирги кун шаҳар маънавий ҳаётининг айрим томонларини очади. Бироқ бу ҳикояда шаҳар муҳитида доим ўзгалар билан ҳисоблашиб яшайсан, шу сабабли ўзингни эркин ҳис қилолмайсан, қўшиқ айтсанг ҳам бошқаларга малол келади, деган маъно ифодаланадики, бизнингча, бу фикрга қўшилиб бўлмайди», деб ёсади. Назаримизда, аксинча, мунаққиднинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Шунинг учунки, аввало, унда танқидчи айтганидай, «ҳозирги кун шаҳар маънавий ҳаётининг айрим томонлари» эмас, эзгуликка интилган одамзод табиатига хос бир қонуният очилади. Бинобарин, «шаҳар муҳитида қўшиқ айтолмайсан», деган маъно ифодаланмайди, балки «қўшиқ айтилади!» деган комил-ишонч, қўшиқ айтишга ундовчи ижтимоий ва руҳий омиллар ёритилади.

Бир қарашда бу ҳикояда ҳам аввалгисидаги каби ажабланарли ҳол: анчадан бери кўришмаган уч кадрдон аввал Баҳромжоннинг квартирасида, сўнг Неъматнинг уйида ёзилишиб қўшиқ айтолмагач, шаҳар чеккасига — «дўнг»га чиқишади. Лекин у ерда тўсатдан қўшиқ айтгилари келмай қолади. Биз ҳам ҳикоя қаҳрамонларига қўшилиб ўйлай бошлаймиз: «Нега бундай бўлди? Шунча жойдан атай келиб нега айтолмадик? Ҳеч ким халақит бермасди-ку! Адҳам ака йўқ-ку бу ерда, уйда тинчгина хоккей кўриб ўтиргандир у...»Нега бунинг устига шаҳарга яқинлашганлари сари қўшиқ айтиш иштиёқи уларни тагин безовта қилиб қолди?

Бунинг сабаби шундаки, ҳикоядаги

қўшиқ оддий бир хониш эмас, ғоят эзгу нарса-ҳаёт, дўстлик, маънавий яқинлик қўшиғи. «Юрагида завқи бор кишининг тотли, дилбар, оромижон ҳислар» қўшиғи! Лекин у узлатда, одамлардан четда — «дўнг»да эмас, фақат одамлар орасидагина куйланади. Адҳам ака синғари тунда ва «юрагида завқи йўқ» кишиларга қарши, қасдма-қасдига, уларнинг ҳам қалбига йўл топиш мақсадида куйланади. Бизнингча, ҳикояда ана шундай маъно ифодаланган.

Бугина эмас. Асарда энг аввало инсон иродаси, унинг бўйсунмас, ўжар табиати улуғланади.

Мана шундай ўжар табиатли, таъсирчан, оққўнгил, туйғуларга бой, андак ғалатироқ, лекин ниҳоятда жозибали, «истараси иссиқ» қаҳрамонлар билан ёш ёзувчининг «Чироклар ўчмаган кеча», «Шайтончалар кўчаси», «Уларга эшикни очмайман», «Остона», «Файзининг амакиси», «Жиян», «Бир оқшом», «Хотира» каби ҳикояларида ҳам тўқнаш келамиз. Уларда хилма-хил тақдирлар билан танишиш баробарида инсон руҳининг турфа ҳолатларини ҳам ҳис қиламиз. Оққўнгил, ҳазилкаш ва меҳрибон, «камбағал» бобо-ю, («Остона») муштиллар ва саховатли кампир («Кўк эшик»)нинг маънавий қиёфаси сизни мафтун қилади. Муҳити, «ўз орбитаси»дан ташқарига — аллақандай юксакликка интилган «хавойи» Тўрақулбой («Файзининг амакиси») аниқ чизилган портрети билан эсимизда қолади. Фақатгина табиат эмас, одамларнинг ўзаро муносабатларидаги совуқликдан ҳам юраги безиллаб қолган Ўрмоновнинг тантилиги («Совуқ»), икки ўт орасида қоврилаётган Бўроновнинг оқшом «сайри» («Жиян»), елкаси ер кўрмаган паҳлавон, «энг зўр одам»нинг алланечук синиқ руҳи-ю, Акбарнинг изтироблари («Сен учун энг зўр одам») сизни ларзага солади, ўйлашга ундайди... Бу ҳикояларда инсоний Меҳр, Саховат, Фароғат, Ҳиммат... туйғуларининг тиниқ сурати чизилади.

Қуйидаги тасвирга диққат қилинг: «Оҳиста елиб бораётган эмиш. Иккаласи. У ва ўзи. Қўл ушлашиб. Оёқяланг. Шудринг босган ўтлоқдан. Қайгадир. Оҳиста елиб бораётган эмиш. «Ҳе-ҳе-эй!» — деб қичқиришармиш у.— Қаранг, олам ям-яшил. Сиз ҳам яшил, мен ҳам яшил. Осмон яшил, замин яшил, кувёш яшил, булутлар яшил, тоғлар яшил... Олам ям-яшил! Ҳе-ҳе-эй!...» «Қани, мен кўрмайман-ку?» деса, «Кўзингизни юмиб қарангда», дер эмиш».

Бу — туш тасвири. Лекин парчани ўқиб, унинг фақатгина туш эмаслигини

англаймиз, ўзимизни яқнаш яшилликдан — тиниқликдан, софликдан иборат нурли бир оламга кириб қолгандай сезамиз. Руҳимиз яйраб кетади. Ешликда бошдан кечирганимиз — бокира туйғулар хотираси, табиат гўзалликларига муҳаббат ва энг эзгу орузларимиз бир-бирига қоришиб, руҳимизда ғаройиб бир манзара ҳосил қилади. Айниқса жумлаларнинг қисқа-қисқа, бирмунча ғайри оддий қурилиши, беғараз ва самимий нимкулги («Кўзингизни юмиб қарангда») бунга имкон беради. Аспирант Даврон Бўроновнинг бир неча соатлик ўй-изтироблари таъсирли ва ибратли ёритилган «Жиян» ҳикоясини эсланг. Унда асосий тасвирга киришишдан аввал ўқийман деб бутунлай шаҳарда қолиб кетган одамнинг ўз ҳамқишлоғини учратган пайтда айтиши мумкин бўлган гаплари-ю, бу гапларга муаллиф муносабати (изоҳи, пичинги, учуриғи), жумладан, шундай берилади: «Э-э, Ҳақимбоймисиз? (Мисол учун-да) Уста аканинг тўнғичи? (У гарданини қашиганича бош ирғаб тасдиқлайди. Ана энди бемалол хотирага берилавер!) Буни қаранг, биз қишлоқдан чиққанда ёшгина йигитча эдингиз... Оббо, Ҳақимбой-е, азамат йигит бўлиб қолибсиз-а? (Гап топилмаганидан унинг ёқаларини тузатиб қўясан). Эй-й, яш-шанг! Бобой тетикми? (Хайрият, топилди!)...» Бизнингча, бу парчани беихтиёр кулмасдан ўқиш мумкин эмас. Лекин у сизда зўрма-зўраки кулги уйғотиш учун келтирилмаган. Балки бугун диққатингиз, фикру зикрингизни аввал бошдан оқ ҳикояга тамомила жалб қилиш баробарида бошқа янада жиддийроқ вазифани ҳам бажаради: ҳикояни ўқиб бўлгач, у асарнинг бутун мундарижасини умумлаштириб келган ўзига хос бир пролог, «хамир учидан патир» психологик параллелизмнинг бир чизиги эканини ҳам англаймиз.

Ёш ёзувчи ҳикояларининг аксарият қаҳрамонлари доимо «бир балони бошлаб» юради: маънавий қашшоқ кимсалар билан кескин, фавқулодда тўқнашувларда кўзга ташланади. «Отойининг туғилган йили» қиссаси қаҳрамони Асқар Шодибековнинг эса жанр имкониятларига кўра бундай тўқнашувлари жуда кўп. Асқар одамлар орасида юради-ю, уларнинг бамисоли «сарагини саракка, пучагини пучакка» ажратади, бир қарашда силлиқ «одамча»ларнинг «ола»сини кўз-кўз қила бошлайди. Бундан ўзини ушлаб қолломайди. «Акс ҳолда дунёдаги энг пачоқ, ожиз кимсадек хўрланади».

Асарнинг бош қаҳрамони — оддий бир студент. Яна кўзги синовга қолган «ношуд». Уни барча долзарб масалалар

қизиқтиради, қатор муаммолар ўйлантиради. Кўпчилигимиз эътибор бермаган масалаларга диққатимизни қаратади: кутубхонада ўтираркан, «атрофдаги чидам билан ҳарфларга термилган кўйи гафлатда умр ўтказаятган кимсаларни чўчитиб, сескантириб «Тўхтаган!» дея бақириб юборгиси» уларни ҳушёр торттириб, «ташқарига-гуркираган ҳаётга, аёвсиз ўтиб бораётган ҳаёт деган беқиёс мўъжиза»га олиб чиққиси келади. Рахшонанинг олдида Икром Кароматнинг «юзига кўзгу тутар» экан, айрим ижодкорларнинг адабиётимизга келтираётган улкан зарари, аввало китобхон дидини бузиши ҳақидаги муҳим фикрларни ўртага ташлайди. Уни одамларнинг бир-бирини тушунмаслиги, тушунишни истамаслиги қийнайди. Муҳаббат деб аталмиш энг жумбоқ туйғу, унинг «ранги, туси, таъми» ўйлантиради...

Ҳа, ўзининг ўжар табиати, фаол ҳаётий позицияси, кенг дунёқарashi, беҳаловат фикр-туйғулари билан, дарҳақиқат, у замонамиз қаҳрамони. Ўзи отиб юборган синов дафтарчасини олиб беришни талаб қилган Асқарга қарата ҳайрат ва жаҳл билан «Вот, герой! Вот, қаҳрамон!» деяр экан, Аҳмадхонов аслида унга тўғри баҳо беради.

Мунаққид Ёқуб Яқвалхўжаев «Журъат ва истеъдод» китобчасида ушбу қисса ҳақида фикр юрита туриб, унинг композициясида паршонлик сезилиши ва яхлит бир конфликтнинг йўқлигини таъкидлар экан, тамомила ноҳақ эмас. Лекин Асқар характери назарда тутилса, буларни асарнинг нуқсони деб бўлмайди. Чунки Шодибеков шундай «дилидагиси тилида», шартаки ва ўжар табиатли одамки, у бутун асар давомида бир ёки бир неча одам билан изчил, «яхлит» конфликтда бўлмайди. Асарнинг композицион жиҳатдан тарқоқдек туюлиши ҳам шундан. Бу ерда конфликт Асқар билан умуман ноҳақлик, пасткашлик ва мешчанликнинг ҳар қандай кўринишлари ўртасидаки, муаллиф мана шу конфликтни таъмин этувчи, бош қаҳрамон характерини атрофлича ёритишга хизмат қилувчи энг аҳамиятли тўқнашувларни бир асарга тўплайди. Уларни боғлаб турувчи ҳалқа-композиция эса хронология эмас, Асқарнинг ўзига хос табиатидир.

Гап қиссанинг нуқсони ҳақида кетар экан, бизнингча, унинг бадий заиф жиҳатлари бошқа томонда: баъзи ўринларда схематизм аломатлари, муаллиф «кўли»нинг кўриниб қолишида. Хусусан, илк «муҳаббат»и чиппака чиққан ошиқнинг тўсатдан Рахшонага эътибор бериб қолиши, Рахшонанинг ҳам айнан у кутиб ўтирганда чиқиб

келиши китобхонни ишонтиравермайди. «Савқи табиий» эса бунга етарли асослай олмайди. Умуман, Рахшона Асқарнинг талабларига мувофиқ яратилган ясама образга ўхшайди.

Асар воқеалари биринчи шахс номидан, бош қаҳрамоннинг ўз тилидан ҳикоя қилинади. Маълумки, бу усул ҳикоячи характери, ўй-кечинмаларини бевосита ёритишга катта имкон беради, у бошқа образларнинг жонли чиқишига монелик қилиши, баъзан муаллифни баёнчилик сари етаклаши мумкин. Бундай қусурлар ушбу қиссада ҳам йўқ эмас.

Маълумки, бадий асарнинг баркамоллиги энг аввало унда яратилган характернинг ёрқинлиги билан ўлчанади. Эркин Аъзамов ҳам ёрқин, эса қоларли характерлар яратиш йўлида тинимсиз изланаётир. Агар унинг барча ҳикояларини хронологик тартибда кўздан кечирсак, бутун диққат-эътибори шунга қаратилаётганига, ёш ёзувчининг асардан-асарга характер яратиш маҳоратини тобора пухтароқ эгаллаб бораётганига амин бўламиз. Бу ҳолни айниқса «Отойининг туғилган йили» тўпламидан сўнг эълон қилинган ҳикояларида яққол кўриш мумкин. Бу ҳикоялар Эркин Аъзамовнинг ихчамликка ҳам интилаётганидан далолат беради: уларда характерни (айниқса ривожланишда, ўсиш-ўзгаришда) кўрсатиш билан ҳажм бир-бирига тескари нисбатда дейиш мумкин. «Анойининг жайдари олмаси»да Рамазоннинг ниҳоятда танти, содда, меҳрибон ва тўпори табиати кўпгина деталларда, асосан хатти-ҳаракат ва нутқлар орқали батафсил чизилади. «Турмуш»да ориятли, мағрур, эр ва ота меҳрига қалби лиммо-лим қаҳрамоннинг энг аҳамиятли иккитагина хатти-ҳаракати (кофет ва ҳайкалчага боғлиқ) ва бевосита изтироб-кечинмалари берилади, лекин у кўз олдимизда Рамазонга нисбатан янада жонлироқ, ёрқинроқ гавдаланади. Ёзувчи ҳар икки асарда қаҳрамон характерини тўлароқ ёритиш учун ўзига хос параллеллардан фойдаланади. Биринчи ҳикояда Тош, иккинчисида Марат бунда маълум бир «фон» вазифасини ўтайди ва у иккинчи ҳикояда тиниқроқ чизилган. «Богболали Кўкалдош» ҳикоясида аввалига бечорақол, нотавон ва аянчли, сўнг «бир думалаб» мағрур қиёфада кўринган «Кўклам Кўкал, Кўкалдош» эса газетанинг ярим саҳифаси сўнгидаёқ хотирамизга ўчмас бўлиб муҳрланиб қолади. Унда ҳикоячи ва тенгдошларининг болалиги ҳақидаги бир жумладан бошқа фон-параллел ҳам йўқ, лекин ҳар бир картина, детал, ҳатто сўз-у, уларнинг ўзига хос «кутилмаган» комбина-

цияси бир нарсага — Кўкалнинг характер хусусиятлари ва бу хусусиятларнинг ўзгариш «сир»ини кўрсатишга қаратилган. Асарнинг боши ва охирида берилган икки мухтасар диалог эса бу ўзгаришни ўзига хос тарзда чегаралаб, қолиплаб, таъкидлаб тургандай бўлади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, «Богболалик Кўкалдош» да характер, кулги ва ҳатто ҳар бир сўз ташиётган бадиий юк ёш ёзувчининг аввалги ҳикояларидагидан кўра салмоқлироқ.

Гап Эркин Аъзамов ҳикоялари ҳақида кетар экан, уларнинг айримларида кўзга ташланувчи бир ачинарли ҳолни ҳам айтиб ўтмасдан илож йўқ: бу — муаллифнинг, билибми-билмайми, ўз ўзини маълум даражада такрорлаб қўйишидир. Айтайлик, «Сой бўйи, чимзор...», «Хотира», «Бир оқшом», «Олам ям-яшил», «Файзининг амакиси» ва «Анойининг жайдари олмаси» ҳикоялари қахрамонларининг касб-кори, туриш-турмуши, муҳит тасвирида фарқли томонлар бўлса-да, уларнинг руҳий қурилиши, туйғулар оламида деярли айният кўзга ташланади: барчасида ўз муҳитига сиғишни истамай, аллақандай юксаклик сари талпинган ёшларнинг бир-бирига ҳамоҳанг кечинмалари ифодаланади. Уларни ёнма-ён қўйиб, муқояса қилар эканмиз, «бир ҳикоянинг ҳар хил вариантларига, яъни, тўрт-беш хонанда ижро этган биргина кўшиққа ўхшамайдими?» дея ўйлаб қоламиз. Албатта, бу ҳикояларнинг ҳар бири ўз ҳолича ёмон асарлар эмас, айниқса, «Файзининг амакиси» ва «Анойининг жайдари олмаси» да эса қолгули характерлар бор, лекин, бари бир, уларда бундай ўх-

шашликнинг бўлганидан бўлмагани яхшироқ. Бу борада «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» саҳифалари орқали муаллифга очиқ хат йўллаган Очил Тоғаевнинг «Тўрақулбойнинг характер белгилари олдин ҳам баъзи асарларда учраган бўлишига қарамай, ҳикояда оригинал тип даражасига кўтарилган» (1982 йил, 11 июнь) дея билдирган фикрига қўшилиш билан бирга олим таъкидлаган «характер белгилари» Эркин Аъзамовнинг аввалги асарларида учрашини айтмоқчи эдик.

Урни келганда ёш ижодкорлар, хусусан, Эркин Аъзамов асарларини рус тилига ўгириш ва чоп этишга доир бир мулоҳазани ҳам айтиб ўтиш лозим: иложи борича таржималардаги ортиқча параллелликка йўл қўйилмаса. Унга сарфланган «куч» янги ҳикоялар учун сафарбар этилса. Бошқа кўпгина иқтидорли ёш ижодкорлар каби Эркин Аъзамовнинг ҳам талай асарлари рус тилига таржима этилмаётгани ҳолда «Файзининг амакиси» ҳикоясининг рус тилига икки таржимон томонидан ўгирилиб икки жойда («Молодость» альманахи, 7-нашр; «Звезда Востока» журна-ли, 1982 йил, 4-сон) эълон қилиниши, шубҳасиз, самарали йўл эмас.

Хуллас, Эркин Аъзамов ижоди ҳақидаги айрим кузатишларимизни умумлаштирар эканмиз, истак билдирамизки, ўз ижодига юксак талабчанлик билан ёндаша олувчи ёш носирнинг ҳар бир янги асари туйғуларга бой, сакталигу тақлидлардан холи, дилрабо ва тамомила янги бир кўшиқ бўлаверсин. Китобхон ҳиссиётларини жунбишга келтирувчи бундай кўшиқлар айтилаверсин.

Раҳимжон ОТАЕВ

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

29. XI. 83.

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Европада Американинги янги ракеталари жойлаштирила бошланганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотини қўллаб-қувватлашга бағишланган ми-

тинг бўлиб ўтди. Митинг-да Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правление-сининг биринчи секретари Сарвар Азимов, ёзувчи ва шоирлардан Борис Тихомолов, Иброҳим Раҳим, Одил Ёқубов ва Эркин Воҳидовлар сўзга чиқиб, Совет давлатининг Ватанимиз, социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатлар хавфсизлиги йўлида кўра-

ётган тadbирларини тўла-тўқис қўллаб-қувватладилар.

Митинг-да кўрилган масала юзасидан яқдиллик билан қарор қабул қилинди, уни ёзувчи Юрий Ковалев йиғилганларга ўқиб эшиттирди. Митинг Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи партия ташкилотининг секретари Раҳмат Файзий раислигида ўтди.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

## «Ўқигонга муборак...»

Навои. Стихотворения и поэмы.  
Советский писатель, Ленинградское  
отделение, 1983.

Атокли совет шоири Николай Тихонов Навоий асарлари ўн томлигининг рус тилида чиқиши муносабати билан ёзган табрик мақоласида: «...рус тилида Алишер Навоий асарларини ўн томда нашр қилиниши энг катта эътиборга ва энг самимий эътирофга моликдир»,— деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий адабий меросида энг катта ва энг характерли ўринни ҳайратомуз санъаткорлик билан ифодаланган илгор фикр ва ғоялар, ажойиб орзу ва интилишлар эгаллайди. Шоиримиз ўз тақдирини халқ тақдири билан чамбарчас боғлаган, ҳаёти ва ижодининг маъносини халқига сидқидилдан хизмат қилишда кўрган. Халқни озод ва фаровон, маърифатли ва осуда кўришни орзу қилган. Бу йўлдаги фаолиятни ўзи учун шарафли деб билган.

Алишер Навоий ҳеч қачон халқларнинг бирини бошқасидан юқори қўймаган. Аксинча, барча халқларга катта муҳаббат, ҳурмат ва самимият билан қараган, улар орасида дўстлик ва ҳамкорлик бўлишини ўзининг буюк идеалларидан бири, деб ҳисоблаган.

Шуниинг учун ҳам, Навоий томонидан илгари сурилган, юксак бадияят билан сайқал топган инсондўстлик ва ватанпарварлик, вафодорлик ва меҳнатсеварлик, халқпарварлик ва тинчликсеварлик каби ғоялар биз учун, барча халқлар учун ардоқли. Ва у ўз навбатида шоирнинг ҳамisha барҳаётлигини, барча аср авлодларига ҳамнафас, ҳамкор бўлишини таъмин этади.

Биобарин, Алишер Навоий асарларининг ҳар бир янги наشري, шоир ҳақидаги ҳар бир янги асар, мақола алоҳида аҳамият касб этади. Яқинда Навоийнинг рус тилида янги бир томлик асарларининг нашр қилиниши шу жиҳатдан ҳам характерлидир.

Китоб таниқли олим, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори Азиз Қаюмов томонидан тузилган.

Авалло шунини айтиш лозимки, тузувчи шоирнинг рус тилига таржима қилинган лирикаси ва дostonларидан энг характерли, ҳар жиҳатдан етук шеър ва парчаларини саралаб олган.

Китобга Е. Аксельрод, А. Големба, П. Железнов, С. Иванов, М. Курганцев, Н. Лебедев, А. Наумов, Вс. Рождественский, А. Сендик, С. Сомова, Н. Ушаков ва бошқаларнинг таржималари киритилган.

Булар орасида бевосита асл нусхадан

С. Иванов амалга оширган Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърини мактуби таржимаси (194 мисра) ҳам келтирилган.

Навоий ижодида муҳим ўрин эгаллаган ва унинг дастлабки йирик ҳажмли (256 мисра) асари бўлган бу шеърини мактубни шоир йигитлик мавсумида ёзган. Унда даврдаги ҳоким ижтимоий зиддиятларини танқид остига олиш, зулм ва адолатсизликдан аччиқ нола қилиш, мамлакатдаги вайронлик ва халқнинг оғир аҳволи аламини чекиш, ҳукмрон табақаларнинг мамлакатда кенг қанот ёйган ўзбошимчалик, зўравонлигини ғазаб билан қоралаш, ёлғизлик ва айрилиқдан сирдош, дардқаш, маслақдош дўсти Сайид Ҳасан Ардашерга зорланиш ифодаланган.

Мажмуада оригиналдан қилинган шеърини мактубнинг таржимаси биринчи марта Навоий лирикаси сирасида эълон қилинди. Бунгача ундан айрим парчалар чоп этилган эди, ҳолос. Айтиш керакки, бу мажмуадаги матнга анча тuzатишлар киритилган, таҳрир қилинган.

Тузувчининг эътирофича, «Хамса» дostonлари таржималари рус тилидаги Навоий асарлари ўн томлиги асосида берилган. Ҳар бир дostonдан бобларни танлаб олишда асосий сюжет чизигини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ кўрилган.

Мажмуада илгари рус китобхонларига маълум бўлган «Ҳайратул-аброр» ва «Садди Искандарий»нинг В. Державин, «Фарход ва Ширин»нинг Л. Пеньковский таржималари каторида шу нашр учун Т. Стрешнева амалга оширган «Лайли ва Мажнун» ва А. Шчербаков ўтирган «Сабъин сайёр» дostonларидан қилинган янги таржималар келтирилган. Мазкур таржималарнинг фазилат ва камчиликлари ҳақида таржима-шунос мутахассислар ўз фикрларини тез орада баён этишар, деган умиддамиз.

Китоб ҳурматли ёзувчимиз Комил Яшиннинг «Шеърининг буюк санъаткори» кириш мақоласи билан очилади. Мақолада Навоий даврига, унинг муҳитига характеристика берилади, шоир ҳаёти ва фаолияти баён этилади. Сўнгра улуг мутафаккирнинг лирикаси таҳлил қилинади. Мақола муаллифи рус китобхони учун шоир шеърини тушунарли бўлишини назарда тутиб, Навоий лирикасида етакчи саналган ғазал жанри қонуниятлари, бадийи анъана устуворлиги, унинг қурилмасига оид хусусиятлари ва компонентлари, ғоя ҳамда образлари ва адабий этикет талаблари, қофия ва радиф, ҳажм ва техник мушкулотлар ҳақида характерли мисолларга асосланиб муфассал маълумотлар берадики, бу унинг илмий-маърифий қимматини белгилайди.

Мақоланинг салмоқли қисми «Хамса»

достонлари таҳлилига бағишланган. «Хамсачилик» анъаналарининг пайдо бўлиши, бу борада қалам тебратган Навоий салафлари ва замондошлари, шоир «Хамса»сига кирган ҳар бир достоннинг асосий ғояси, етакчи образлари ғоят қизиқарли, ўрни ўрни билан муқояса йўлида маънодор мисоллар орқали ўқувчи эътиборига ҳавола қилинади.

Муаллиф шунингдек, Навоийнинг «Лисонут-тайр» достони, насрий асарларига ҳам қисқа-қисқа тўхталиб ўтади.

«Шоирнинг ижодий жасорати унинг номини жаҳон адабиёти корифейлари қаторига қўйди. Навоий, энг аввало, ўзи илгари сурган вазифалардан бирини аъло даражада уддасидан чиқди.

У туркий (қадимги ўзбек) тилида монументал, тугалланган поэтик асар яратди, бу билан она тилининг бой, сеҳргар имкониятларини исбот қилиб берди. Туркий халқлар тафаккури доирасига шарқ адабиёти ва фольклорининг сюжет бойликларини олиб кирган Навоий «Хамса»си кейинги поэтик асарлар учун асос ва манба бўлиб қолди.» — деб ёзади Комил Яшин.

Мақола Навоий даҳосининг замонамиздаги қадр-қиммати, шоирнинг ўзбек адабиёти ва санъатига кўчган сиймоси ҳақидаги фарах ҳамда ғурур уйғотувчи қайдлар билан яқунланади.

Маълумки, изоҳлар нашр қилинаётган асарларнинг калитидир. Айниқса, бир халққа мансуб асар бошқа халқнинг тилига таржима қилинса, атрофлича, илмий-маърифий изоҳларга эҳтиёж янада ортади.

Мажмуада Азиз Қаюмов тайёрлаган изоҳлар, энг аввало, ҳар бир конкрет ўринда «контекст» тушунчаси билан мутлақо боғлиқ, ундан келиб чиқилган тарзда тузилган. Изоҳлар Алишер Навоийнинг бадий мероси ҳақида, китобга кирган асарларнинг нашрлари ва айни шу нашр хусусидаги анча кенг текстологик характердаги кириш билан бошланади. Шунингдек, Навоий лирикасига оид изоҳлар олдидан шоир лирик меросининг ҳажми, девонлар мажмуаси, етакчи жанрлар ҳақида. «Хамса» изоҳларига киришдан аввал эса унинг таркибидаги достонларнинг умумий байтлар миқдори, оригиналдаги (таржимада тушириб қолдирилган) анъанавий боблар мундарижаси, сарлавҳаларга юклатилган бадий услубий вазифалар ҳақида маълумот берилади.

Тузувчи изоҳларни икки усулда беради. Рус ўқувчисига тушунилиши қийин бўлган шоирнинг яшрин, пардали мулоҳазалари, имо-ишоралар, сўз ўйинлари, қиёслар, номлар замирида ниҳон баён этилган фикр, ўрта аср Шарқи тасавуридаги олам тузилиши ёхуд фалсафий космогоник тушунчалар «изоҳлар» қисмида, терминлар, шахслар, таржима қилиниган (байзо, бек,

ғулмон, работ сингари) сўзлар, тарихий ва мифологик исмлар «Луғат» қисмида берилган.

Изоҳлар муаллифи ўз олдидан турган ғоят масъулиятли ва анчайин мураккаб вазифани аъло даражада бажарган. Кўп вақт, чуқур билим ва доимий синчковлик талаб қиладиган бу изоҳларни Азиз Қаюмов яхлит, раво ва аниқ илмий-оммабон услубда баён этиб берган.

Шу билан бирга, изоҳлардан фойдаланишда асосий матнининг тегишли ўринларида маълум сигнал — белгилари (тартибли рақамлар ёки астериклар — юлдузчалар) қўйилмагани жиддий қийинчилик туғдиришини ҳам айтиб ўтмоқчимиз.

Баъзи хоҳишларга келганда: китобнинг 875-бетидаги изоҳларга кириш қисмида шундай қайд бор: «Ҳаётининг сўнгги йилларида Навоий «Чор девон» номли тўрт девон тузди. Шу асосда вафотидан бир оз олдин «Хазойинул-маоний» сарлавҳаси остида яна бир йиғма девон тартиб берди». Ваҳоланки, Навоийнинг ўзи тузган (расмий) девонлари «Бадоеул-бидоя», «Наводир ун-ниҳоя» ва умрининг охирларида ҳаётининг тўрт фаслига мослаштириб (бу нисбий, албатта), юқоридаги икки девонга кирган ва улар тузилгандан кейин ёзилган шеърларидан тўрт девон тузади ва бир ном билан «Хазойинул-маоний» деб атади. Китобга ёзилган кириш мақоланинг 20-бетда Мавлоно Али Аси деган шоир тилга олинади. Назаримизда, сўз Навоийнинг катта замондоши «Хамса» муқобаласида бир неча суст маснавийлар яратган шоир Мавлоно Али Охий устида кетаётган кўринади. 22-бетдаги изоҳда эса Олтин ўрдалик шоир Қутб қадимий туркийда «Лайли ва Мажнун»ни ёзган, дейилади. Бу ерда Қутбнинг бизга маълум асари «Хусрав ва Ширин» кўзда тутилаётган бўлса керак.

Муаллиф Навоий «Хамса»сига Абдурахмон Жомийнинг берган баҳоси ҳақида ўринли тўхталади. Шу ўринда Хусайн Бойқаронинг ушбу асар хусусидаги таърифи ва юксак баҳоси ҳам келтирилса, рус ўқувчиси учун янгилик бўлар эди. Ҳар қалай, ушбу мажмуага «Лисон ут-тайр»дан фақат парчалар киритилгани таассуфли ҳол.

Буларга қарамай, улуг Навоий шеърини даҳоси намуналарини рус тили орқали бутун совет халқлари, қолаверса, жаҳон китобхонларига етказилишида бу нашрнинг хизмати катта бўлишига шубҳа йўқ. Зотан, шоирнинг ўзи орзу қилганидек:

Халққа зеби тарак айла ани!  
Ўқуғонга муборак айла ани!  
Етти афlokни анга ёр эт!  
Етти икlim элин харидор эт!

Суйима ҒАНИЕВА,  
филология фанлари кандидати.





## «Мен сенга интиламан...»

К а м и л И к р а м о в. Избранное.  
В двух томах. Том второй. Издательство  
литературы и искусства имени Га-  
фура Гуляма. Ташкент — 1982.

«Эрта баҳор кунларининг бирида болалар боғчасининг олдига енгил машина келиб тўхтади. Болалар боғчасининг теваккати одамлар билан гавжум. Ҳар ким ўзининг ташвиши билан банд. Бошига юмшоқ юнган тўқилган шапка, устига мовий рангли пальто кийган бир қизча тепага қарайди, иккинчи қаватдан эшитилаётган куйга диққат билан берилиб қулоқ солади...»

Мана куй ҳам тугади. Қизча ерда ётган жигарранг папкасини жаҳд билан олди-ю, тепага — фортепьяно овози келиб турган иккинчи қаватга йўл олди. У хонанин эшигини очиши билан пианино олдида ўтирган чарм камзулли кишини кўрди. Чарм камзулли киши орқасига ўгирилди. У дабдурустдан қизчага мурожаат қилиб қолди:

— Хўш, қалай! Мен чалган музыка сенга маъқул бўлдими? Нега бу ерга келиб қолдинг?

— Сиз чалаётган куй менга ёқиб қолди. Тўғриси айтсам, бувим ҳам сизга ўхшаб куй чалар эди.

— Бувим чалган куй дейсанми?..»

Ёзувчи Комил Икромов асарларининг иккинчи жилдига кирган «Мен сенга интиламан» номи қисса шундай тасвир билан бошланади.

Асар қаҳрамонлари — саккиз ёшли Тая билан роля тугатувчи уста Владимир Косцовнинг танишуви шу хил тасодиф билан юз беради. Юқоридаги тасвирдан маълум бўлишича, Таянинг бувиси унга роляда куй чалишни ўргатган, умуман неварасининг тарбиясига катта эътибор берган. Бувиси вафот қилгач, роля бузилиб қолади. Владимир Косцов Таяга роляни тугатиб беришни ваъда қилади. Мана шу учрашув сабаб, Тая билан Косцовнинг ўртасида бошланган дўстлик тасвир моҳиятига кўра драматик ҳолатларда ривожланиб боради. Воқеалар ривож давомида, биз Таянинг уйига борамиз, унинг ота-онаси билан танишамиз. Қизчанин оқиси ва отасининг мактабда муаллимлик қилишини англаймиз. Тая бувисининг таъсирида пайдо бўлган, эзгу мақсадларини амалга ошириш учун яшайди. Ота-онаси уни бирда тушуниб, бирда тушунмайди. Тая учун оғир кунлар бошланган кезде, Косцов ёрдамга келади...

Шу ўринда сўнги йиллар болалар адабиётида кўзга ташланиб қолаётган бир нуқсонни тилга олмақчимиз. Бу катталар

билан болалар орасидаги муносабатни бутун мураккаблиги билан берилмаслиги масаласидир. Кўпинча, у ёки бу асарда ҳаракат қилаётган катталар болаларга насихат бериш билан шуғулланадилар. Натижада улар орасида бўлаётган муносабатлар ёш китобхонларни ишонтиролмайдди. Ёки аксинча. Болалар нуқул катталардан норози бўлиб юрадилар. Бундай ҳол ўз навбатида ҳаёт ҳодисалари тасвирининг табиийлигига ҳалал беради. Биз бу ерда қаҳрамоннинг маънавий қиёфасини бадний гавдалантиришни кўзда тутаётимиз. Чунки бугунги кунда болалар адабиётида тўлақонли қаҳрамон образини яратиш ҳар қачонгидан кўра ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, Комил Икромовнинг «Мен сенга интиламан» қиссасидаги Таяни сўнги йиллар болалар адабиётида муваффақиятли чиққан образлардан бири дейиш мумкин. Негаки, Таянинг ўй-туйғулари, хагги ҳаракати тенгдошларида унга нисбатан хайрихоҳлик, самимийлик ҳиссини уйғотади.

Адиб асар давомида Таянинг ҳаётга, одамларга бўлган муносабатларини бўяб-бежамай, ҳаққонийлик билан тасвирлайди. Жилдга кирган мазкур асар — «Мен сенга интиламан»да замонавий мавзуда фикр борса, адибнинг «Пиеда кўшинлари капитани» романида эса тарихий воқеалар қаламга олинади.

Асарда қадимий ва навқирон Хоразм пиеда кўшинлари капитани Ельцов тасавури орқали берилади.

Декабристларнинг таъсирида, инқилобий фикрда бўлган пиеда кўшинлари капитани Ельцов Хоразмга сурғун қилинади. У Хоразмга келин пайғида, бу ерда мазлум халқ бениҳоят қашшоқликда яшар эди. Адиб тарихий ҳақиқатдан чекинмаган ҳолда Ельцов таъсирида Хоразм ёшларида инқилобий фикр ва ҳаракатларнинг пайдо бўлишини реал воқеалар замирида кўрсатади.

Асарни ўқиш мобайнида, биз, ўн тўққизинчи асрнинг бошларида Хоразмда юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг моҳиятини янада чуқурроқ англаймиз.

Асарнинг қиммати ҳақида сўз юритар эканмиз, таниқли рус ёзувчиси Владимир Тендряковнинг ушбу роман тўғрисидаги фикри хотиримизга келади. «Комил Икромовнинг романи тарихимизни, ўтмишимизни ҳикоя қилса ҳам лекин бу асар билан танишган ҳар бир одам бугунимизни қадрлашга ҳам ўрганади. Муҳими шундаки, «Пиеда кўшинлари капитани» романи ўсмирлар учун ҳам эндигина катта ҳаёт йўлида турган кичиктойлар учун ҳам баббаравар қимматлидир.»

Тозабой ЖУМАТОВ.

## ҚАЙТА ЯРАТИЛГАН ОЛАМ

Асад Дилмуродов. Афросиёб сукунати. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1983.

Кейинги давр ёшлар ижодини қузатганда тарихий мавзуга бўлган мойиллик кўзга ташланади. Аксари ёшлар бу мавзуда самарали ижод қилишяпти. Қаламга олинган тарихий воқелик заминда инсонийлик, поклик, диёнат, мардлик, тинчлик, бугунги кунни кадрлаш каби масалаларни илгари сурмоқдалар. Самарқандлик ёш ёзувчи Асад Дилмуродов ҳам ана шундай ижодкорлардан бири. Унинг «Афросиёб сукунати» номли тўпламига кирган ҳикоялари шу масалалар юзасидан баҳс юритади.

Тўпلام «Шердор» ҳикояси билан бошланади. Унда ўз улугворлиги, кошчиларининг беҳад нафислиги, рангларининг нозик ва уйғунлиги билан асрлар давомида жаҳон аҳлини лол қолдириб келаётган Самарқанддаги «Шердор» мадрасасининг қурилиш тарихи ҳикоя қилинади. Асад Дилмуродов мадраса тарихи заминда ётган инсоний тақдирлар драмаси моҳиятини очиш орқали ўтмишдаги адолатсизликларни кўрсатади. Шуниси қувонарлики, адиб воқеалар баёнига берилиб кетмайди. Уни инсон тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда акс эттиради. Оқibatда ҳикояда воқелик эмас, инсон тақдири, маънавий олами тасвирлаш етакчилик қилади. Шунинг учун ҳикояда персонажлар гарчи кенг планда ҳаракат қилмаса-да, киши хотирасида сақланиб қолади, хатти-ҳаракати, ўй-фикрлари, фаолияти билан китобхон шурида маълум фикр касб этади.

Меъмор Мулла Абдужаббор образи тасвирида устозлик, қалби кенглик, одамийликни ҳис қилсақ, унинг шоғирди Муҳаммад Аваз Самарқандий образи талқинида эса устозга ва касбга садоқат, ўз мақсади йўлида собитқадамлик, кучли иродани сезамиз. У севгили Моҳбону қўлини сўраб борган устози Мулла Абдужаббор, волидан меҳрибони Назокатбону ҳукмдор Ялангтўш Баҳодир томонидан камситилиб қувилганини эшитгач, ўз ёғига қовурилса-да, бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нарса айтмай, қурилишдаги ишини давом эттираверади. Чунки у ўзи қилаётган ишдан шахсий манфаатдорликни эмас, балки эл манфаатини ўйлайди. Одамларнинг гўзалликдан баҳраманд бўлишини истайди. Сабаби, қаерда гўзаллик мавжуд бўлса, ўша ерда қабоҳат нурсизланади. Аваз халқнинг дард-аламларини ўз санъати орқали ифодалашни мақсад қилган. Унинг нияти ҳукмдорлар билан мазлум халқ ўртасидаги муносабатни ҳамда уларнинг маънавий оламини элга намойиш қилиш. Муҳаммад Аваз бунинг уддасидан чиқади. Ёзувчи мазкур образ орқали кўзда тутган муддао ана шу.

Ҳикояда тасвирланишча, мадрасанинг тез битгишидан ҳукмдор Ялангтўш Баҳодир ҳам манфаатдор. У қурилишга сарф-харajatни аямай сарфлайди. Бироқ Ялангтўш

билан Муҳаммад Авазнинг орзусида катта фарқ бор. Муҳаммад Аваз мадрасани тезроқ битишида халқнинг зиё нуридан баҳраманд бўлишини, гўзаллик билан яқиндан ошно бўлишини ўйлайди. Ҳукмдор эса бу қурилиш орқали ўз шухрати, обрўси янада ошишидан умидвор.

Муҳаммад Аваз Самарқандийнинг ўн йиллаб қилган улкан меҳнати муносиб кадрланмайди.

Қуруқ тухмат оқибатида у аввал ўлимга ҳукм қилинади, сўнг авф этилиб, вилоятдан бутунлай ҳайдаб чиқарилади. Ҳикоянинг бундай хотима топиши мантиқий. Меъмор Муҳаммад Аваз ўз вилоятдан қувилган бўлса-да, яратган буюк обида абадий ўз элида, халқнинг қалбига қолади. «Шердор» каби иншооларни кўрган киши биринчи навбатда деворларга номи ўйиб ёзилган ҳукмдорларни эмас, балки унинг лойиҳасини яратган, пешона тери тўкиб қурган меъмор — муҳандисларни, моҳир қурувчиларни ёдга олади. Демак, эзулик йўлида қилинган иш абадийдир. Ҳикояда ана шу гоё илгари сурилган.

Айни замонда бу ҳикояда характер мантики бузилган ўринлар ҳам мавжуд. Фикризмича, ҳаётий мантиқ Хуршидаойим ва Моҳбону образлари талқинида бузилган. Маълумки, она ҳамisha қизига хайрихоҳ бўлади, унинг эркини бўғмайди, қалб илтижоларига қулоқ солади. Шундан аксари қизлар ўз сирларини, қалб туйғуларини онасидан яширмайдилар. Ҳикоядаги Хуршидаойимнинг тугган иши кишини ҳайрон қолдиради. У қизининг қалб нидосини тингламайди, ҳатто, Набиҳўжага узатиш хабарини гўё қизини севгилисига етиштираётгандек қувониб етказадикки, бундай хатти-ҳаракатлар она психологияси ва руҳиятига зид ҳолатдир.

Шарқ аёллари, хусусан ўзбек аёли ўз туйғуларини ҳар доим ҳам очиқ-ойдин баён қилавермаганлар. Сабаби асрлар ҳукм сурган одатлар, тушунчалар бунга йўл қўймаган. Шундай экан, Моҳбонунинг Муҳаммад Авазга очиқча муҳаббат ихор қилиб, мактуб жўнатиши миллий колорит ва ҳаётий мантиққа зид дейишга асос беради. Айниқса, ҳикоя воқеаси кечган давр ҳамда уни Ялангтўшдай ҳукмдорнинг қизи эканлиги назарга олинганда, Моҳбонунинг бу хатти-ҳаракати киши қалбига ўтиришмайди.

Адиб бу масалага эътибор бериши даркор эди. Бироқ ҳикоя юқорида таъкидланган фазилатлари билан яхши асарлар сафидан жой олишга ҳақлидир.

Тўпلامдаги иккинчи ҳикоя «Нон» деб аталади. Унда 1916 йилдаги аянчли кунлар тасвирланган. Мардикорликдан бир бурда нонга зор бўлиб қайтаётган Содиқ поезддан Самарқанд бекатига тушиб қолади, тўғрироғи «Йўлнинг қолганига пули озлик қилгани» учун тушириб юборишади. У егулик топиш учун мардикор бозорида лаби гезариб ўтиради. Умиди пучга чиқиб, оч ҳолда қишлоғи Найманга плёда жўнайди. Йўлда ҳамқишлоғи Расулга дуч келади. У қишлоқда оч қолган бола-чақаси учун зўрга орттирган битта зогора нонини етказишни илтимос қилади. Содиқ ўзи оч бўлишига қарамай, нонни емайди, икки ўлимни бошидан кечириб, бировнинг омонатини бут сақлайди. Ҳикояда нафс билан виждон кураши таъсирли лавҳаларда очиб берил-

ган. Битта қотган нон учун йигит қурбон бўлади. Ҳикоя, айниқса, бугунги фаровон турмушда нонни исроф қилаётган, унинг қадрига етмаётган кимсаларга ибрат бўларлидир. Бироқ унда ўқувчини ишонтирмайдиган ўринлар ҳам бор. Содиқни учта бўри таъқибдан қутилиб қолиш эпизодига ҳаётий ҳақиқатга зидлик бор. Чунки бўрилар оч қолганда жуда агрессив бўлишади. Шундай экан, ҳикояда тасвирлангандек, кимсасиз жойда, бунинг устига бирорта милтиллаган ёруғлик йўқлигига қарамай, улар Содиқни то эски жувознонага яширишиб олгунича йўл қўйиб беришига ишониш қийин.

«Кошин» ҳикоясида адиб азалий амалий санъат сирларини жонли лавҳаларда очиш орқали унинг яратувчиларига нисбатан меҳр уйғотишни мақсад қилган. Адиб тасвирларининг ёрқин ва тиниқлиги туфайли мазкур ҳунар ҳақида кишида яхши тасаввур ҳосил бўлади. Лекин бадий асар заминидан бундан кўра муҳимроқ фикр ётиши даркор. Ҳикояга шу нуқтаи назардан ёндашилганда, анча эътирозлар туғилади. Биринчидан, ҳикояда автор позицияси ноаниқ. Мазкур ҳикоянинг бош қаҳрамони Уста Қули. Адибнинг гувоҳлик беришича, у моҳир кошинкор. Бироқ унга ҳеч кимнинг иши ёқмайди. Унга ёқмаган барча ишларни уриб синдиради. Шогирд унинг қўлида уч йилдан бери ишлайди. Бу орада жуда оз иши устага маъқул бўлган. У ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмайди, ҳатто яратилган ишнинг камчилигини ҳам кўрсатмайди. Барча шогирдини тўнқа, дейди. Дунёда энг зўр ҳунарни қадрлашмайди, деб нолийди. Шу ўринда асосли савол туғилади. Ким қадрламапти? Устанинг ўзини ёки шогирдларини? Устанинг ўзи ҳунарни қадрлайдиган бўлса, нега шогирдларини ишдан бездиради, нега уларга бу ҳунар сирларини ўргатмайди?! Асарда бу саволларга жавоби топилмайди.

«Афросиёб сукунати» ҳикояси асрлар қаърида ётган маданий ёдгорликларга қайта ҳаёт бағишлайдиган археологлар фаолиятига бағишланган. Воқеа Афросиёб харобалари тасвиридан бошланади. Тафтида тухум пишадиган ёзнинг иссиқ кунларида қуёш тигида тепалик қазигша ҳар ким ҳам чидамайди. Ҳикоя қаҳрамонларидан бири Муслим бундай ишни хор бўлиш деб билади. У «бунақа хор бўлгандан кўра, бозорда ҳаммоллик қилган афзал», деб кетиб қолади. Фозил эса бу харобаларга қаттиқ боғланган. У харобазорлардан ажодларимиз тарихини ўқийди, бундан руҳланиб ишлайди. Унинг отаси ҳам археолог бўлган. Фозил олимларни мавқеага эмас, билимига қараб ҳурмат қилади. Олим Ниёзович каби аравани қуруқ олиб қочадиганлар билан юзма-юз олишади. Ҳикоя финалида Олим Ниёзовичнинг илмда бўшлиғи сабаблари очилади. Фозилнинг отаси ишларини ўзлаштираган олим шу киши бўлиб чиқади. Ҳикояда ўз мустақил фикри йўқ, катталар нима деса шуни такрорлайдиган Зулфия образи ҳам маълум гоъвий юк ташийди. Бу образларни қисслаб кўра эканмиз, ёш олимларни Зулфиядек итгаоркор эмас, балки Фозилдек қатъиятли бўлишини истаймиз. Ана шундай олимгагина тарих ўз сирасорларини очиб кўрсатади. Иланишлар йўлидан кетаётган Асад Дилмуродовнинг ҳикоялари юқорида айtilган камчиликла-

ридан қатъий назар ўқишли ва ибратлидир. Биз унга ҳикояларидаги яхши фазилатларни янада кучайтиришни ва образлар тасвирида миллий колорит ва урф-одатларга, шунингдек, ҳаётий мантиққа кўпроқ эътибор бериш истагини билдираемиз.

Ҳакимжон КАРИМОВ,  
филология фанлари кандидати

## Бебаҳо маънавий бойлик

Муҳаммаджон Ҳакимов в. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. «Фан» нашриёти. Тошкент — 1983.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий асарлари ўзи ҳаёт вақтида — XV асрдаёқ машҳур хаттотлар тарафидан кўчирилиб, кенг тарқала бошлаган эди. Навоий ижодининг довруғи кейинги асрларда мисли кўрилмаган даражада ошиб кетди. Ҳаваскор котиб ҳам, моҳир хаттот ҳам Навоий асарларини кўчиришни ўзи учун катта шараф, обрў деб ҳисоблаган. Айрим даврларда йирик маданий шахарлардаги китобат устоналарида ишловчи хаттотларнинг барчаси Навоий асарларини кўчириш билан шуғулланганлар. Масалан, Қўқон шаҳрида XIX аср биринчи чорагида «Ҳазойинул-маоний» уч юз нусха кўчирилиб китобат қилинган. Ҳозирги кунда Навоий асарларининг қўлёзмалари Совет Иттифоқи ва хориждаги жуда кўп қўлёзма хазиналарида сақланмоқда. Ана шулардан бири Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қўлёзмалар институтининг фонди ҳисобланади. «Фан» нашриёти босиб чиқарган Муҳаммаджон Ҳакимовнинг «Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи» китоби шу институт хазинасидаги Навоий қўлёзмаларига бағишланган. Китоб сўзбоши, қўлёзмалар тавсифи ва кўрсаткичлардан иборат.

Муҳаммаджон Ҳакимов сўзбошида Қўлёзмалар институти хазинасидаги Навоий асарлари қўлёзмаларининг турлари, китобат типлари, навийшунослик фаңи учун уларнинг аҳамиятини мукаммал баён қилиб беради.

Қўлёзмалар институти СССРда Навоий асарлари қўлёзмаларининг миқдори жиҳатидан Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидан кейинги ўринда туради. Бу институт хазинаси (собиқ Адабиёт музейи хазинаси)га қирқ йилдан кўпроқ вақт (1938—1980) давомида икки юз жилдга яқин Навоий асарларидан ташкил топган қўлёзмалар келиб тушди. Улардан энг қадимгиси шоирнинг «Бадоеул-бидоя» девони бўлиб, у Ҳирот шаҳрида машҳур хаттот Али бинни Нур томонидан 1486 йилда кўчирилган (инв. № 216). Энг сўнгги нусха эса «Маҳбуул-қулуб»нинг 1939 йилда Хоразмда Мухркан Худойберган Девон кўчирган қўлёзмасидир.

Сўзбошидан маълум бўладики, Навоий асарлари куллийет тарзида, «Ҳазойинул-маоний» девони ҳамда «Хамса» бир бутун ҳолда турли девонлари ва дostonлари алоҳида-алоҳида, лирик шеърлари эса терма

девон шаклида, насрий асарлари алоҳида нусхаларда кўчирилган. Навоий асарларининг бундай шаклларда китобат қилиниши турли давр ва турли ижтимоий табақаларнинг маънавий дунёси, талаби ва эстетик завқининг ифодаси ўлароқ юзага келган.

Муҳаммаджон Ҳақимов китобида Қўлёмалар институтини ҳазинасида сақланаётган 254 нусхадан иборат Навоий асарлари батафсил тавсифланган. Бу қўлёмалар тавсифи куллийёт, девонлар, дostonлар, насрий асарлар тартибида тузилган бўлиб, энг аввало, бешта куллийёт таърифланади. Улар ичиде энг каттаси ва ноёби 316 рақамли нусха ҳисобланади. Унда Навоийнинг ўн саккиз асари жамланган. Бу куллийёт 1824—1830 йилларда Абдурахим ибн Муҳаммад Фозил Кошғарий тарафидан кўчирилган.

Институт фондида шоирнинг илк девонларидан бири — «Бадоеул-бидо»нинг яккаю ягона нусхаси мавжуд. Бу китоб 1486 йилда Навоий барҳаёт вақтида кўчирилган гоят табаррук манбадир. Шу нусха Навоий шеърятининг ижодий такомлини ва «Хазойинул-маоний» тасниф тарихини ўрганишда навоийшунос-манбашунослар учун ноёб ҳужжатлардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Институт ҳазинасида «Хазойинул-маоний»нинг бир бутун ва ҳар бир девони алоҳида-алоҳида кўчирилган нусхаларидан ўн тўққизтаси бор. Айниқса, «Ғаройбусиғар»нинг XVI аср бошларида Ҳиротда китобат бўлган бир нусхаси (инв. № 386) фан учун фавқуллодда қимматлидир. У ҳаракат белгилари қўйилган насх хати билан ёзилгани учун ўзбек тили тарихини, тарихий фонетикасини ўрганишда ҳам энг ишончли манба бўлиб хизмат қилади.

Китоб муаллифи Навоий терма девонларининг тавсифига катта ўрин ажратган. Бу девонлардан саксон етти таси таркибига кирган шеърлар алифбо тартиби ва бошқа хусусиятлари билан муфассал баён қилинади. Навоий шеърларининг кичик ҳажмли терма девон шаклида кўплаб кўчирилиши шоир шеърятининг халқ қалбига ўта яқинлигидан, халқнинг доимий маънавий йўлдоши бўлганлигидан гувоҳлик беради.

«Хамса»нинг яхлит ҳолда ва дostonлари алоҳида-алоҳида кўчирилган нусхаларидан қирқ тўрт таси Муҳаммаджон Ҳақимов китобида тавсифланади. Булардан 2630—1,2752, 2777 рақамли нусхалар XVI—XVII асрларга мансуб. «Хамса»нинг 23 рақамли нусхаси ҳам мўътабар қўлёмалардан саналади. Бу нусханинг қимматли томони шундаки, унда 47 та миниатюра бор. Бу расмлар XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқонда миниатюра санъати муваффақиятли давом этганлигини кўрсатади.

Муҳаммаджон Ҳақимов тавсифдан ўтказган Навоий асарлари қўлёмаларидан биттаси XV асрда, саккизтаси XVI асрда, биттаси XVII асрда, ўнтаси XVIII асрда, қолганлари XIX асрда, бир нечтаси XX аср бошларида кўчирилган. Бу қўлёмалар Ҳирот, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Хива, Шаҳрисаб ва бошқа шаҳарларда китобат этилган.

Китобнинг сўнггидан жой олган кўрсаткичлар диққат билан тузилган бўлиб, қўлёмалардан фойдаланишда тадқиқотчиларга катта қулайлик туғдиради. Котиблар исми кўрсаткичи орқали биз Навоий асарларини кўчирган қанчадан-қанча хаттотлардан хабардор бўламиз. Бу заҳматкаш котиблар орасида Али бинни Нур, Маҳмуд Шаҳобий, Мунис Хоразмий, Мухркан Худойберган Девон каби шоир ва олимлар ҳам бор. Кўплаб саҳҳофлар қўлёмаларнинг муқоваларига ўз номларини ёзиб қолдирганлар.

Муҳаммаджон Ҳақимовнинг мазкур китоби навоийшуносликка қўшилган муносиб улуш бўла олади. Бу иш Қўлёмалар институтини ҳазинасида сақланаётган Навоий асарлари қўлёмалари билан илмий жамоатчиликни биринчи марта таништиради, бундан ташқари мазкур қўлёмаларни навоийшунос олимлар ва бошқа мутахассислар кенг ва атрофлича ўрганишлари учун қўлланма вазифасини ўтайди.

**Ғани ЖАҲОНГИРОВ,**  
**Комил ИМОМОВ,**  
**Эргаш УМАРОВ,**  
филология фанлари кандидatlари

## ЖУНЛИК — ШЕЪРИЯТГА ЕТ

Турсун Алининг шеърий тўпламини умид билан қўлимга олдим. Китобчанинг «Юракдаги сўзлар» деб номлангани қизиқишимни янада кучайтирди.

«Куз кечаси» ва «Изгиришли тунда» шеърларида тасвирланган табиат манзараси, дарҳақиқат, киши диққатини тортади. «Узун сўқмоқларда бораман ёниб» деб бошланувчи шеърда эса узоқ давом этган ҳижрондан сўнг жонажон қишлоғига қайтган кишининг ҳолати «зорикқан руҳ» иборасида яхши ифодаланган. «Уч кун бўлди», «Деразадан тикиламан жим» деб бошланувчи, шеърларнинг шоирона бир дараж билан ёзилиши ҳам менга маъқул тушди. Айниқса, «Уч кун бўлди» шеърида самимий бир руҳ бор. Шоирнинг изгириблари маълум даражада сезилиб туради, баландпарвоз мисралар, маъхум иборалар учрамайди. Аммо, афсуски, бундай шеърлар Турсун Али ижодида кўп эмас. Тўпламнинг асосий қисмини жуда жўн, юзаки фикрларга тўла сатрлар ташкил этган.

Кўп шеърлардаги оддий сўзлар тизмасидан иборат мисраларда шоир ҳис-ҳаяжони сезилмайди. Жўнгина баёний услубда ёзилган шеърлар бизни на титроққа солади ва на қалбимизда хайрихоҳлик уйғотади.

**Болалик йилларим**

эслайман ҳамон

**Бизнинг тор кўчага**

ҳарбий кийимда

**Кўзалари қоп-қора**

буғдойранг аскар келди.

«Бола, аскар, келинчак ҳақида ҳикоя» деб номланмиш ушбу узунгина шеърда бир боланинг ўзига нотаниш аскар йигит ва қўшнисининг келини ўртасида хат ташиб, воситачилик қилгани баёни берилган. Келинчак ўша аскар йигит билан қочиб кетади, бола эса «негадир, бурканиб кўрпага йиғлайди узоқ...» Шеър қуйидаги мисралар билан якунланади:

**Йиллар ўтди бўй чўзим**

юксак орзуларнинг беланчагида,

**Бироқ учратмадим бошқа,****Қўшнимиз келинчаги**

Лола опамни.

Турсун Алининг бу шеърда лирик руҳ даярли сезилмайди. Адабий приёмлар тўғри қўлланилмаган. Шеър ҳис-ҳаяжондан, туйғудан маҳрум оддий гаплар йиғиндисидан иборат бўлиб қолган.

«Сўзбоши» шеърда Турсун Али шундай ёзади:

Мен бахтиёрман Ватанимда озодлик

Зилол сувда сузиб юрган балиқ сингари  
Эркин нафас олаётганидан.

Озодликни балиққа ўхшатиш кимгадир чиройли туюлар, аммо менга жуда бачкана кўринди. Чунки балиқ аввало, қисқа умр кечирилади. Қолаверса, озодлик деган буюк тушунча билан балиқ ўртасида қандайдир ўхшашлик борлигига ақл бовар қилмайди.

Турсун Али билиб-билмай кимлардир айтган фикрларни ҳеч ўзгаришсиз такрорлайди. Масалан, «Раскольников» шеъри «Жиноят ва жазо» романидаги бир эпизоднинг такрорий ифодасидир. Маълум бир асардаги воқеаларга қайта мурожаат қилиш мумкин. Аммо шу воқеа баҳона шоир ўз дардини, ўз фикрини ифодалай олмаса, бу қуруқ такрор ёки, аниқроғи, кўчирмакашлик бўлиб қолаверади. Юқорида айтилган «Раскольников» шеърда айнан шу ҳолат кўзга ташланади. Чунки бу шеърда Турсун Алининг ўз фикри, ўз дарди бадий ифодасини топмаган.

Турсун Али ижодидаги гоёвий-бадий камчиликлар, айниқса, «Бизни адаштирган тизгинсиз йўллар», деб бошланувчи шеърда яққол кўринади. Бу шеърда ягона бир фикр ифодаланади: «Бизни ҳамма нарса адаштиради.» Аммо шоирнинг ўзи бу фикрга муносабатини билдирмайди. Ҳатто ишора ҳам қилмайди. Айталик, шеърда ифодаланмоқчи бўлган йўллар, боғлар, тоғлар, чўллар каби образлар асосий гоёни очишга гўё хизмат қилади. Тизгинсиз йўллар иборасини саёқ юриш, мазмунсиз яшаш деб тушуниш мумкин. Жаннат каби боғлар, виқорли тоғлар иборасини айш-ишратга берилиш деб қабул ҳам қилиялик. Шоферлар, қизлар образларини-чи? Уларни қандай тушуниш керак? Соат миллари, туманлар, гуллар, йиллар каби образларни қандай қабул қилиш лозим? Шеърда юқорида саналган образларнинг ҳар бири бизни адаштиради, деб таъкидланади. Хўш, нима учун бизни «хушбўй анвойи гуллар» адаштирар экан? Гул — нафосат, маънавий гўзаллик рамзи. Демак, юқоридаги фикрни нафосат, маънавий гўзаллик бизни адаштиради, деб тушуниш керакми?! Хуллас, «бизни ҳамма нарса адаштиради» деган фикр бир-бирига зид ва ўта чалқаш тарзда ифодаланади. Натижада, бизни шоирнинг ўзи жўн мисралари орасида адаштириб қўяди.

Турсун Али сўзларни ишлатишда ҳам масъулиятсизлик қилади. Натижада, шеърларида сирти силлик, аммо мазмунан ғализ иборалар, маъхум жумлалар кўплаб учрайди. Масалан, «оппоқ хидлар», «оқ умидлар», «тароқ каби қўллар» сингари

иборалардан аниқ бир тассаввур ҳосил қилиш қийин.

**Мен нечун қайғурмай  
Лов этган ўтдай сўнаётган  
бўлса меҳр-оқибат инсонда**

жумласидаги «лов этган (яъни ёнаётган) ўтдай сўнаётган (?) бўлса меҳр-оқибат», деган ўхшатишни қандай тушуниш мумкин?

«Инсон дунёси ҳақида баллада» шеърида эса ғализлик, мавҳумлик ҳаддан зиёд ошиб кетган. «Мен шеър ёзмаман, одамларнинг юрагига, қон томирларига, мияларига, кўз-

ларига, тилларига ва ичаётган сувларига, еяётган нонларига, симираётган ҳаволарига», — дейди Турсун Али.

Менимча, бу камчиликларнинг асосий сабаби Турсун Али ижодида оригиналликнинг етишмаслигидир. У, аввало, фақат ўзига хос тилда, ўзига хос иборалар билан фикр юритмайди, балки, кўриб ўтганимиздек, фикрини жўн тарзда баён қилади. Уз дардини, маънавиятини ифода этувчи баъзи шеърларида ҳам тасвир бўш.

Умуман, Турсун Али кўп йиллардан бери ижод қилади. Лекин унинг ижодини асосан жўн сатрлар ташкил этмоқда.

**Шаҳобиддин ОДИЛОВ**

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

1983 йилнинг 10 ноябрь куни «Шарқ юлдузи» журнали ҳузурда классик адабиётни тадқиқ бўйича шугуллашувчи олимлар билан суҳбат ўтказилди. Журналда шу соҳага доир материалларни ёритиш, уларнинг характери, хусусияти, ўзига хос муаммолари тўғрисида фикрлашиб олиш мақсадида уюштирилган ушбу йиғилишни журнал бош редактори Пирмат Шермухамедов очди.

Филология фанлари доктори, профессор Ғулом Каримов маданий мероснинг ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб проблемаларидан бири, яъни муштарак мерос тушунчаси, унинг принциплари ва чегаралари хусусида ўз мулоҳазаларини ўртага ташлади. Маданий меросга ҳамisha марксча-ленинча нуқтаи назардан баҳо бермоқ лозим. Журнал ёш олимларни тарбиялаш ишига фаол кўмаклашмоғи керак, айни замонда, тажрибали олимларни ҳам кўпроқ жалб этиши лозим. Бу, албатта, соф ташкилий масала ҳисобланади.

Филология фанлари доктори Азиз Қаюмов журнал ўқувчиларининг савиясини назарда тутган ҳолда кенг оммага мўлжалланган маърифий характердаги материалларни ҳам мунтазам ёритиб борса фойдалан холи бўлмасди, деди. Шу билан бирга, қардош халқлар классикасига

доир мақолалар ҳам ёритилмоғи зарур. «Шарқ юлдузи»да берилган материаллар илмий журнал мақоласидан фарқ қилгичми лозим.

**Абдуқодир Ҳайитметов:**

Мен аввало, маданий меросимизни яхши тарғиб қилаётгани учун редакцияга миннатдорчилик билдираман. Очигини айтганда, журналда иштирокимиз унча актив эмас экан. Активлик мақолалар савияси билан белгиланади, албатта. Мен классик адабиёт тадқиқига оид бир-икки мақолаларга тақриз ёзиб шундай фикрга келдим. Улар анча бўш. Шунинг учун бу хусусда ҳам маслаҳатлашиб, ўз мулоҳазаларимиз билан журналга амалий ёрдам берайлик. Журнал 30-йилларда маданий меросни тарғиб этишда етакчилик қилган эди. Шу анъана ҳар доим давом этиши керак. Адабиёт тарихида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар жуда кўп. Классик адабиётнинг ички қонуниятларини ёритиш борасида янги изланишлар, теран тадқиқотлар яратиш керак. Маданий меросимизни жаҳон адабиёти билан боғлиқликда ўрганиш пайти келди. Утмишдаги адабий алоқаларни ҳам чуқур ўрганиб, янги тадқиқотлар натижаларини ўқувчиларга етказиб бориш зарур. Матншуносларимиз олдида муҳим вазифалар турибди. Бу

соҳа ўзининг куюнчак фойдৌиларига муҳтож. Туркий халқларнинг XIV асргача бўлган адабиётини муштарак мерос тарзида ўрганиш мақбул йўл. Ренессанс масаласи ҳам ечимини қутаётган масалалардан бири. Бундай проблемаларни шомашо шарлик билан сунъий равишда ҳал этиш мумкин эмас. Журнал шу тўғрида материаллар ёритса, мунозаралар уюштирса яхши бўларди.

Баъзан матбуот саҳифаларида майда гапларга керагидан ортиқча ўрин берилади. Масалан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган Машрабнинг қалерда туғилгани хусусидаги мақола каби. Маълумки, бундай майда масалалар илм учун катта аҳамиятга эга эмас. Уларга ҳадеб ёпишиб олиш маҳаллийчиликдан бошқа гап эмас. Бунинг ўрнига адабиёт тарихи олдида турган жиддий муаммоларни ҳал қилишга бутун куч-ғайратимизни сарфлашимиз керак. Бундай муаммолар эса жуда кўп. Масалан, демократик адабиётнинг ҳали ўз тадқиқотчиларини қутаётган бир қанча нуқталари бор. Ижодий метод, классик адабиётдаги жанрлар масаласи алоҳида ўрганишни талаб қилади. Кўпдан бери шу хусусда ўйлаб, материаллар тўплаб юрибман.

Давоми 176-бетда

**МАДАНИЙ ҲАЁТ**

Мен ҳарбий хизматчиман. Бўш пайтларимда газета-журналларни мунтазам ўқиб бораман. Аммо улар орасида алоҳида кадрлайдиган «кадрдонларим» бор. Шундай кўнглимга яқин журналлардан бири «Шарқ юлдузи»дир.

Севимли журналимиз саҳифаларида берилаётган бадиий асарлар, очерклар ва мақолаларнинг деярли ҳаммасини кўздан кечирамиз.

Журнал фаолиятдан гоёт мамнун-миннатдормиз. Шу билан бирга, айрим истаклар билдирмоқчи эдик. Айтинг-чи, журналхонлар илтимосларига кўра, кўпчиликни қизиқтирган илмий-оммабоп материалларни ҳам «Шарқ юлдузи»да ёритса бўладими? Масалан, календарлар ҳақида батафсилроқ маълумот бериш мумкинми? Севимли журналимиз орқали шу иш амалга оширилишини истар эдик.

Сизларга самимий ҳурмат ва эҳтиром билан:

Файзулла Тўйчиев

## ХАЛҚАРО КАЛЕНДАРЬ

Турли даврларда уч хил календарь яратилган. Булар бош ёритгич — Қуёш ҳаракатига асосланган, Қуёш, Ой ҳаракатига асосланган ва ниҳоят, Ой-Қуёш календарларидир. Ҳозирги кунда деярли барча давлатлар Қуёш календаридан фойдаланадилар.

Биз кундалик турмушимизда ишлатадиган календаримиз — Қуёш календари эра-миздан олдин 46-йилда Рим императори Юлий Цезарнинг илтимосига кўра, александриялик астроном Созиген тузган календарга асосланади. Йилнинг узунлиги 365 сутка-ю, 6 соат деб олинган. Бу календарнинг хатоси борлиги асрлар оша сезила бошлади.

1576 йилги янги календарь лойиҳаси тайёр бўлди ва Григорий XIII томонидан тузилган астрономлар ва руҳонийлардан иборат комиссия мазкур лойиҳа билан танишиб чиққач, 1582 йили Рим папаси махсус ислоҳ билан уни қабул қилди. Янги Қуёш календари Григорий XIII шарафига Григорий календари деб юритиладиган бўлди. Россияда бу календарга Улуг Октябрь Социалистик революциясидан кейин — 1918 йилнинг 1 февралда ўтилди. Бу даврга келиб, Юлий календарининг хатолиги 13 суткага етган эди. Шунинг учун ҳам Халқ Қомиссарлари Советининг 1918 йил 25 январдаги декретида шу йилнинг «... 31 январь сешанба кунининг эртаси 1 февраль ўрнига 14 февраль чоршанба деб қабул қилинсин», — дейилган эди. Бу календарь бизда ҳозиргача амалда қўллаб келинади. Ҳижрий йил деганда нимани тушунамиз? Ҳижрий ҳисоб билан ҳозирги календарь ўртасида қандай фарқ бор?

Ой календари мусулмонлар ёки Муҳаммад календари дейилади. Ой календари, Муҳаммаднинг Маккадан Мадинага кўчиб ўтган йилининг бошидан ҳисобланганда, кўпинча ҳижрий календарь («ҳижро» —

арабчада «кўчиб ўтмоқ» демакдир) ҳам дейилади.

Ҳижрий календарда бир йилнинг узунлиги 354 ёки 355 кун бўлганидан, унинг янги йилининг бошланиши, биз ишлаётган календарниккига мос келмайди, Ой календарида йил фасллари ҳам маълум ойларга тўғри келмайди, фаслларнинг бошланиши, бир ойдан иккинчисиникига силжиб юради.

Албатта, бу календарларнинг ҳаммасида ўзига хос нуқулай томонлар ва нуқсонлар бор. Шунинг учун кейинги 100—150 йилдан буён жаҳондаги давлатлар олдида календарни рационал ислоҳ қилиш масаласи кўндаланг турибди.

Шу мақсадда 1923 йилда Женева шаҳрида Миллатлар Иттифоқи календарни ислоҳ қилиш бўйича Халқаро комитет тузди. Комитет шу вақтгача бир неча юз янги календарь лойиҳасини муҳокама қилди.

Янги Халқаро календарь қабул этиш ё Григорий календарини ислоҳ қилиш ҳақида вақтни ҳисоблаш системаси ҳар хил бўлган давлатлар кўпроқ қайғурмоқдалар. Бундай давлатлардан бири Ҳиндистондир. Ҳинд олимлари янги Халқаро календарни тезроқ қабул қилиш ҳақида жуда кўп таклиф киритдилар.

Жавоҳарлаъл Неру ҳам шу ҳақда бир неча марта фикр билдирган эди. Унинг фикрича, «Умумий, ўзгармас янги календарь қабул қилишни тезлаштириш жуда зарур.»

1953 йили Ҳиндистон республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига Халқаро календарь ислоҳи ҳақида меморандум топширди. Ҳиндистон вакили томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар кенгаши кун тартибига халқаро календарь ислоҳи масаласи киритилди. 1954 йили 28 июнда

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бу кенгаши ана шу масалани муҳокама қилди. Қўпчилик давлатлар ёппасига бош қўшмаганлиги учун бу ҳал қилинмай, яна кейинроқда қолдирилди.

Янги календарь лойиҳаси ҳақида асосан икки хил фикр бор. Биринчиси — йилни 13 ойга, иккинчиси — йилни 12 ойга бўлиш. Йилни 13 ойга бўлиш ҳақидаги фикр янгилик эмас. Француз файласуфи Огюст Конт ҳам (1798—1857) йилни 13 ойга бўлишни таклиф этган эди.

Унинг таклифича, ҳар бир ой 28 кундан иборат бўлиб, тўла тўрт ҳафтани ташкил қилади, ҳар ой душанба кунидан, йил эса 1 январдан бошланиши керак. Француз олимнинг бу календариди ойларга Гомер, Аристотель, Архимед, Цезарь, Шекспир, Данте каби машҳур сиймоларнинг номлари қўйилиши лозим. Бу йил аниқ 52 ҳафтадан иборат, ҳар бир ҳафтанинг махсус номи бўлади. Тарихий шахсларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида Конт, Будда, Сократ, Конфуций, Муҳаммад, Галилей, Бекон, Уатт, Ньютон номли ҳафтала бўлиши керак. Конт календариди 429 исм ишлатилган эди. Унда 24 иш куни ва 4 дам олиш мўлжалланган эди. Ҳар бири 28 кундан иборат 13 ой 364 кунни ташкил қилади. Агар бу календарь қабул қилинса ҳақиқий йилдан бир кун ёки қабиса йилида икки кун фарқ қилиши керак. Бу икки куннинг номи ва числоси йўқ. Улар халқаро байрамлардан иборат бўлади. Биринчисини декабрнинг охирига қўйиб, бу кунни Халқларнинг тинчлик ва дўстлик куни деб аташ таклиф этилади. Иккинчи кунни эса, июнь ойининг охирига қўйиб, уни Қабиса куни деб аташ кўзда тутилади.

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Филология фанлари кандидати Суюма Ганиева ўз сўзида классик адабиёт ҳақидаги мақолалар билан бирга, айрим асарлардан намуналар ва уларга илмий шарҳлар бериш ҳақидаги таклиф ва мулоҳазаларини айтди.

Абдурашид Абдуғафуров:

Яқинда Алишер Навоийнинг бош асари, дунё адабиётининг гениал намуналаридан бири — «Ҳамса»нинг яратилганига 500 йил тўлади. Шу муносабат билан асар кенг тарғиб қилинса, янги ва теран тадқиқотлар журнал саҳифаларида бериб борилса, деган истакдаман. Классик адабиёт билан шуғулланувчи мутахассислар афсуски, бармоқ билан санарли. Шунинг учун уларни авайлаш зарур.

Ушбу соҳага тасодифан кириб қолган одамлардан, ҳар хил сенсациялардан сақланиш лозим. Майли, мақолалар оммавий бўлсин. Лекин илмийлик ва тарихийлик бош мезон сифатида қолиши керак.

Филология фанлари докторлари Ҳомил Екубов, Исматилла Абдуллаев ва филология фанлари кандидатлари Екубжон Исҳоқов, Шарофиддин Шарипов, Эргаш Умаров, Беғали Қосимов, Абдусодиқ Ирисов, Ортиқбой Абдуллаев, Насимхон Раҳмоновлар ҳам ўз амалий таклиф ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Сўхбатни яқунлаган Пирмат Шермухамедов айтилган фикр, мулоҳаза ва истаклар учун миннатдорчилик билдирди. Классик мерос масалала-

Янги календарнинг афзаллиги кўриниб турибди, албатта. Биринчидан, ҳамма ойларнинг номлари баробар, иккинчидан, ҳафтанинг бир қисми бир ойда қолиб, иккинчи қисми бошқа ойда кўчмайди. Учинчидан, ҳамма ойларида иш куни бир хил бўлади.

Лекин, шундай бўлса ҳам, бу лойиҳанинг камчилиги бор: унда йилни тенг иккига бўлиш мумкин эмас. Шунингдек, тенг кварталларга бўлиш ҳам мушкул.

Ўн икки ойли Халқаро календарь лойиҳасидаги асосий принцип қуйидагилардан иборат: йил иккига бўлинади, ярим йил 182 кунни ташкил қилади ёки 4 кварталдан, квартал эса 91 кундан иборат бўлади. Ҳар бир квартал 3 ойдан: олдинги биринчи ой — 31 кун, қолган икки ойи — 30 кун. Йилнинг биринчи куни доим якшанбага тўғри келади. Ҳар бир квартал тўла 13 ҳафтадан иборат бўлади. Ҳар бир квартал якшанба кунидан бошланиб, шанба куни билан тамом бўлади. Бу календарь лойиҳасини СССР, Ҳиндистон, Франция, Чехословакия, Югославия ва бошқа давлатлар қувватладилар.

Бошқа Халқаро календарь лойиҳалари ҳам бор. Халқаро календарини барча давлатлар маъқуллаган тақдирдагина қабул қилинади.

Халқаро календарь ҳозирги календардан муайян афзалликка эга бўлиши шарт. Яқин орада шундай мукамал календарь қабул қилинажягага гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Р. ОҚИЛОВ,

Т. Н. Қори-Ниязий номли Ўзбекистон Педагогика Фанлар илмий-тадқиқот институтининг илмий муҳбири.

## МАДАНИЙ ҲАЁТ



## «ШАЙБОНИЙНОМА» ВАМБЕРИ ТАРЖИМАСИДА

Машхур тарихчи алломалар Жувайний, Алоуддин Отамалик ибн Муҳаммад, Шарафиддин Али Яздийларнинг асарлари қаторида Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достони ҳам маданиятимиз тарихидан муносиб ўрин эгаллайди. «Шайбонийнома»нинг асл нусхаси топилган эмас, аммо шоирнинг ҳаётлигида, Қосим котиб томонидан 1510 йилда кўчирилган нодир нусхаси Венада сақланади. Асар Шайбоний ва темурийлар ўртасидаги кураш тарихига бағишланган бўлиб, 1499—1506 йиллар орасидаги воқеаларни ўз ичига олади. «Шайбонийнома» 76 бобни ташкил этган 4456 байтдан иборат.

Асар XIX асрдаёқ европаликларнинг эътиборини ўзига тортган. Бу борада гап кетар экан, ўзбек адабиёти ёдгорликларининг биринчи таржимонларидан машхур венгер шарқшунос олими Вамберининг (1832—1913) хизматини алоҳида қайд қилмоқ лозим. У Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» достойинини «Уйғур тили обидалари ва Қутадғу билик» номи билан 1870 йили Инсбуркда ва 1885 йили Венада «Хоразмлик шахзода Муҳаммад Солиҳнинг 76 бобдан иборат ўзбекча қахрамонлик эпоси «Шайбонийнома» деган номда Муҳаммад Солиҳ асари асл матнини ва немисча таржимасини нашр эттиради. Агар «Қутадғу билик» — умумтуркий халқларнинг муштарак адабий обидаси бўлса, «Шайбонийнома» — ўзбек адабиётининг обидаси. Вамбери ўзбек халқи ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари адабиёти, маданияти ва тарихига оид кўпгина асарлар ҳам ёзган. Унинг асарлари инглиз, немис, француз ва бошқа бир қатор Европа тилларига таржима қилинган. Гарчи венгер олимга қадар айрим немис шарқшунослари ўзбек адабиёти намуналаридан немис тилига ўгириш иши билан шуғулланган бўлсалар-да, лекин уларнинг ҳеч бири бу соҳага Вамбери сингари чуқур киришмаган эди. Улар ўзбек адабиёти намуналаридан қилган таржималарини кўпинча бошқа тил воситасида амалга оширганлар. Вамбери таржималари эса бевосита асл нусха тилидан ўгирилган. Бу борада унинг ёшлигиданоқ Осиёга бўлган муҳаббати туфайли бир қатор Шарқ тилларини ўрганганлиги катта фойда беради. Бир венгер баронининг ёрдамида анчагина маблағ билан таъминланган олим 1856 йили Константинополга боради. Бу ерда тўрт йил муаллимлик қилади. Турк тилини ва Шарқнинг урф-одатларини яхши ўрганади. Вамбери 1858 йили немисча-туркча, 1860 йили эса немисча-чиғатойча дугатларни нашр эттиради. 1861 йилда у Венгрия Фанлар академиясининг мухбир аъзолигига сайланади. 1863 йилда Венгрия Фанлар академиясининг топшириғи билан Теҳронга боради. Йигирмадан ортиқ Европа ҳамда Шарқ тилларини билган Вамбери Маккадан ватанига қайтаётган ҳожиларга қўшилиб дарвиш қиёфасида Мозандаронга ўтади ва туркман чўллари орқали Хивага етиб келади. Хива ва Қўнғиротда бир муддат тургандан сўнг у Қизилқум орқали Бухоро ва Самарқандга боради. Қарши, Керки, Маймана каби шаҳарларни бориб кўргандан кейин эса Ҳирот, Машҳад, Теҳрон ва Трапезонд (Туркиядаги шаҳар — Х. Ғ.) орқали Константинополга қайтади. Вамберининг саёҳат манзиллари ўша даврда шунчалик ҳайратомуз эдики, ҳатто Европадаги кўпчилик олимлар унга ишонмаганлар. Кейинги сайёҳлар Ўрта Осиёни кўриб, танишганларидан сўнг унга қўйилган айблар асоссиз экани исботланган. 1865 йили Пешт университети Вамберига Шарқ тиллари профессори унвонини беради. Олим Ўрта Осиё халқларининг XIX аср 60-йилларидаги географик муҳити, тарихий, ижтимоий муносабатлари, турмуш ва маданий ҳаёти ҳақида, эски ўзбек, уйғур тиллари, татар-турк ва фин-угор лексикографиясига доир асарлар ёзган.

Хўш, Вамбери «Шайбонийнома»ни нега таржима қилди? Бизнингча, дoston Вамберини тарихий асар сифатида кўпроқ қизиқтирган. У XV аср охири ва XVI аср бошларидаги Ўрта Осиё тарихи, географияси, этнографияси, маданиятини ўрганиш борасида «Шайбонийнома»нинг аҳамиятини юқори баҳолайди. Шунинг учун ҳам у асар таржимасига бежиз қўл урган эмас. Вамберининг ўзи бу ҳақда шундай дейди: Мақсадим немис тилига ағдарувчи таржимон бўлиш эмас, Марказий Осиёнинг туркий адабиётидан... бирор-бир асарни тарихчилар, этнографлар ва туркологларга ёрдам бериш учун умумий мазмунга яқинроқ келтириб таржима қилиш эди.»

Вамбери нашрининг тузилиши қуйидагича: 1. Мундарижа — 4-бет; 2. Сўз боши — 13 бет; 3. Асл нусха матни немисча таржима — 447 бет. 4. Шарҳлар — 17 бет. У поэтик таржима эмас. Сўз ва ибораларнинг мазмунини аниқроқ бериш мақсадида Вамбери тағлама таржима қилган. Бундай аниқлик интилиш асарга тарихий, хронологик жиҳатдан ёндашишга сабаб бўлди, чунки бу ерда ибора ва тасвирларда қўлланган поэтик воситалар ва бадиий образларгина эмас, балки ҳар бир эпизод, воқеа, этноним, жой номи, кишилар илми хусусидаги фикрлар ҳам алоҳида қимматга эга. Бу ҳақда Вамбери шундай ёзганди: «Ушбу таржима ҳақида биринчи навбатда шуни айтишим керакки, ўзбекчадан немисчага таржима қилишда менга иккала тилнинг қийинчиликларига ҳам бардош беришга тўғри келди. Айниқса, муаллифнинг бир фикри бир-бирдан жуда кам фарқ қиладиган икки синоними билан ифодаланиш ҳатто ҳақиқий немис кишисига ҳам қийинчилик тўғдиради. Менга, яъни немис бўлмаган полиглот — ёзувчига бу дostonни таржима қилиш шунчалик қийин бўлдики, агар бу ишда кўп ҳурматли дўстим ва ҳақиқий инсон жаноб Оттокар фон Шлехта-Всерднинг ёрдами бўлмаганда, бутун ҳаракатларим беҳуда кетар эди.»

Вамбери таржимасининг илмий қимматини таъкидлаган ҳолда, унинг бадиий жиҳати тўғрисида ҳам гапириш зарур. Юқорида қайд этганимиздек, мазкур иш гарчи, том маънода бадиий таржима бўлмаса-да, у ўз давридаги адабий-маданий алоқалар учун катта аҳамият касб этган.

Масалан:

Қойсиға ҳусну малоҳат бердинг,  
Олам аҳлидин ани ойирдинг.  
Қойсиға ишқ иноят қилдинг.  
Ани машҳури вилоят қилдинг.  
Қою хушдил, қою маҳзун бўлди,  
Қою Лайли, қою Мажнун бўлди (26).

Бу мисралар Вамбери таржимасида шундай жаранглайди:

Брига сен ҳусн ва чиройли қомат бердинг,  
Ва уни бошқа ҳаммадан айирдинг.  
Бошқасига сен «ишқ», «муҳаббат» бердинг,  
Ва бу «сеҳр» билан машҳур қилдинг.  
Бири хурсанд бўлди, бири хафа,  
Бири Лайли бўлди, бири Мажнун (11—13).<sup>2</sup>

Мазкур парча Вамбери таржимаси сўзма-сўз, тағлама эканини тасдиқлайди. У байтлардаги образлиқка етарли эътибор бермасдан, унинг коммуникатив мазмунини ифодалашга ҳаракат қилган.

Турмуш ва маиший ҳаётга доир деталларни иложи борида аниқ беришга ҳаракат қилган Вамбери немис тилида уларнинг муносиб вариантларини топмаган пайтда, транслитерация усулини қўллаган:

Анча ўлуб эди от бирла қўй,  
Ким тўлуб эрди бори шаҳру қўй.  
Ҳам сочиқ бор эди юлдуздин кўп,

<sup>1</sup> Шлехта-Всерд (1825.20.07. — 1894.18.12.) Венада туғилган. Таниқли шоир Франц Фрайхерри Шлехтанинг ўғли. Шарқ академиясида ўқиган. 1848—1870 йилларда Константинополда элчихонада таржимон бўлиб ишлаган. 1861 йилда Шарқ академиясида вақтинча директорлик қилган. Форс ва турк адабиётини чуқур билган.

<sup>2</sup> (Барча сўзма-сўз таржималар бизники — X. F.)

Ҳам кийиб Кеш ила Қундуздин кўп.  
Басе бир ойғача тўй эрди,  
Тўй ушул шоҳға дилжўй эрди (257).

Вамбери таржимасида:

Жуда кўп от била қўй бор эди,  
Шаҳар ва қишлоқ улар билан тўлди.  
Бу ерда совғалар ҳам юлдузлардан кўп эди,  
Кеш ва Қундуздан келган эди.  
Бир ой давом этди байрам (тўй),  
Байрам (тўй) шоҳға ёққан эди (343).

Биринчи байтда мураккаб тушунча ва номлар йўқ. Шунинг учун ҳам у немис тилига яхши ўгирилган. Иккинчи байтда «соболь» ва «қундуз» маъноларини англатувчи «кеш» ва «қундуз» номлари учрайди. Бу ерда «соболь» ва «қундуз» мўйнасидан тикилган кийим кийган кишилар ҳақида гап кетяпти. Вамбери мазкур зоонимлар-(ҳайвонларнинг номлари)ни нотўғри тушуниб, уларни топоним-географик жой номлари деб қабул қилган, чунки Кеш ва Қундуз деб аталувчи йирик шаҳарлар мавжуд. Вамбери зоонимларнинг мазмунини тушунмасдан, айнан «келиб» ўрнига «кийиб» сўзи ёзилганини котибларнинг хатоси деб ўйлаган бўлса керак. Ҳақиқатда эса бу ерда ҳеч қандай хато йўқ. Аксинча Вамберининг ўзи ноаниқликка йўл қўйган.

Баъзан шеърий ўхшатишларни Вамбери нотўғри тушунган, шунинг учун ҳам уларни транскрипция йўли билан ифодалаган:

Эй рисолат чаманининг самани,  
Вай набуват суманининг чамани!  
Инна амлах чаманининг гули сен,  
Инна афсаҳ гулининг булбули сен! (28).

Вамбери таржимасида:

Эй, сен башорат майдонидаги гулсан,  
Эй, сен башорат гулининг майдонисан!  
Сен «Ана Амлах» яйловидаги гулсан,  
Сен «Ана Афсаҳ» гулининг булбулисан (15).

Биринчи байт асосан тўғри берилган. Иккинчи байтдаги ёқимли, гўзал, ширин (сўз) каби маъноларни англатувчи «амлах» ва «афсаҳ» эпитетларини Вамбери нотўғри тушуниб, уларни топоним деб қабул қилган.

Деди Мирзоки: «Будур Шоҳизамон,  
Борчангиздин улуғ улдир султон.  
Менинг ўрнумда ани шоҳ қилинг,  
Борчангиз анинг эшигига келинг...» (302).

Вамбери таржимасида:

Шунда Мирзо деди: «Бу ерда Шоҳизамон  
Ҳаммангиздан у каттадир;  
Менинг ўрнумда уни шоҳ қилинг  
Ва ҳаммангиз унга садоқатли бўлинг» (409).

Ушбу мисолдаги «Шоҳизамон» атоқли от, яъни киши исми эмас, балки унвондир. Олим буни тўғри англай олган эмас.

Умуман олганда, Вамбери «Шайбонийнома»ни дуруст таржима қилган. Таржимон ҳаммаша ҳар бир сўз ва ҳар бир иборанинг мазмунини синчиклаб ўрганиб унинг моҳиятини очиб беришга интилган. Албатта, бу борада Вамбери-га ёски ўзбек тили, унинг диалектлари ва бошқа шарқ тилларини ҳам яхши билгани қўл келган.

Асар таржимасининг муваффақиятли чиқишига яна бир сабаб шуки, олим «Шайбонийнома»га қадар ҳар туркий халқларнинг муштарак ёдгорлиги «Қутадғу билик» таржимасига ҳам қўл уриб, катта тажриба тўплаган эди. Ана шу омилларнинг барчаси Вамберининг муваффақиятини таъминлаган.

Ғулом ХУҲАЕВ

# ЗАМАХШАРИЙ МАҚОМАЛАРИ

Ўтмишда Ўрта Осиёда илм кўпроқ та- раққий этган давр IX—XI асрлардир. Бу даврда Беруний, Хоразмий, Фарғоний, Фа- робий, Ибн Сино каби олимлар ўзларининг бебаҳо асарлари билан фан ҳазинасини бойитган ва халқнинг номини жаҳонга танитган. Уларнинг асарларидаги нодир фикрлар кейинги йиллардаги тадқиқот иш- ларида ёритилиши тўғайли бамисоли инжу- каби жилваланмоқда ва бу ҳол, сира мубо- лағасиз айтиш мумкинки, жаҳон илм аҳли- ни ҳайратга солмоқда.

Бундай табаррук сиймолардан бири, кўх- на Хоразмнинг ҳозирда Измихшир деб номланувчи қишлоғида туғилиб, ўзининг элликдан ортқ бебаҳо асарлари билан фан оламига катта ҳисса қўшган «Аллома», «Фахр-ул-Хоразм», «Ўстозу-л-араб вал- ажаиб», «Жоруллоҳ» каби юксак унвонлар соҳиби Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар аз- Замахшарийдир (1075—1144).

Замахшарий ҳақида тўлиқ библиографик маълумот берувчи бирор яғона асар ҳозирча учрагани йўқ. Ёзма манбалардаги маълум- лотлар эса жуда тараққ. Уларни тўплаб, китобхонларни таништиришда профессор Алибек Рустамовнинг 1971 йилда «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган «Маҳмуд Замахшарий» номли китобчаси биринчи қадам бўлди. Сўнги қадам сифатида олим- нинг «Атвоқуззаҳаб» номли асар бўйича кандидатлик диссертацияси ҳимоя қилинди.

Авалло айтиш керакки, Замахшарий қим- матли асарлари билан араб тили лексиколо- гияси, тилшунослиги, адабиётшунослигига катта ҳисса қўшди. У асарларининг асосий қисмини, ҳатто «Кашшоф» номли асарини ҳам мана шу фанлар нуқтаи назаридан туриб ёзди. Шунинг учун олимнинг асарла- ри ўзига хос юксак қимматга эгадир.

Замахшарий ўзининг мақомаларини араб адабиётида шу жанр асосчиларидан бўлмиш Ҳаририй мақомаларидан таъсирланиб ёзди. Бунда у Ҳаририй мақомаларидан танқидий фойдаланиб, унинг ўқувчига салбий таъсир этувчи зарарли маъноларни чиқариб таш- лади. Бу асар 50 мақомадан иборат. Ҳар бир мақомада олим энг аввал ўзига мурожаат қилиб, эй Абу-л-Қосим дея хитоб этади, биринчи навбатда ўзининг хулқ-атворини тузатиши лозимлигини камтаринлик билан уқтиради. Олим бу билан ўқувчини ҳам инсонийлик руҳида тарбиялаб, уни ростгўй, олим, камтар бўлишликка ундайди. Қуйида Замахшарийнинг «Ҳавою ҳавасдан четла- ниш» ва «Ростгўйлик» мақомаларини кел- тирамиз.

## ҲАВОЮ ҲАВАСДАН ЧЕТЛАНИШ МАҚОМАСИ

Эй Абу-л-Қосим, сени дунёга келтириб халқнинг муносиби қилган сенга ақлнинг ва ҳавою ҳавасни миндирди. Улар яхши ва ёмон йўлларда сени бошлаб юривчилардир. Тўғри ва эгри жойларда сенинг меҳмонларингдирлар. Уларнинг бири кўзи очиқ олим бўлиб, сени катта йўлнинг кўрсаткичлари бўйича олиб юради ва сени тоза, тиниқ

булоқларга олиб келади. Иккинчиси эса кўзи кўр, нодон бўлиб, сени маълум, сувсиз саҳронинг ўртасига олиб бориб туширади. Бу икки кўрсатувчининг қайси бири мо- хирроқ ва устароқ ва қайси бирига эргашиб лозимроқ экан. Яхши кўрсаткичлар билан тўғри йўлда қутулгангами ёки адашиб, эгри йўлда тугилгангами? Билгинки, ҳавою ҳа- васни ақлнинг ўрнига танлаш адолатдан эмас. Ақлнинг тарафи тонг шафақидек ок, ҳаваснинг тарафи тундек қора. Сенга бир иш юзланса яхшими, ёмонми, қара-чи, унга иккинсининг қайси бири моилдир ва қабул қилур, ҳавасми ёки ақлми? Агар ақл бўлса, унда, уни севиш ва унга ёпишиб олиш қандай муносиб, унинг (ақлнинг) бўйига қўлингни сол, бўшатма... Агар ҳавою ҳавас бўлса, ундан арслондан қочгандек қочгин. Қорадан ҳазар қилгандек ҳазар қилгин. Агар уни барча сени севинтирувчи нарсалар билан ҳамроҳ кўрсанг ва сен истовчи нарса- ларни ёнида кўрсанг ва, агар, сенга иккала- сининг ўртасидаги бирор иш юзланса ойдин- лаштир ва сабр қилиб, чин кўнгилдан тўғри маслаҳат берувчиларга мурожаат қил. Улардан бир ўпқир фикр чиқса, сенинг тилагинг ўшадир. Акс ҳолда ундай ишдан оладиган фойдангнинг орқасида бекинган зарардан ҳазар қил ва ундан қутулишга ҳаракат қил.

## РОСТГҲЙЛИК МАҚОМАСИ

Эй Абу-л-Қосим тилдан бошқа ҳар бир қиличининг тили унинг ярқироқлигидир. Тил қиличининг ярқироқлиги унинг тўғри сўзи- дир. Шунинг учун тилингни фақат тўғри сўз билан айлантвр. Яманликлар ўз қиличини қинида сақлагани каби, сен ҳам тилинг қиличини ёлғонлик хатосидан сақла. Қи- личнинг ярқирогини занг ейди. Ёлғон эса тил учун зангдан ҳам ёмонроқдир. Ёлғон гапирганингда тилинг сенга бойликлар кел- тирадиган ерда ҳам-рост гапиргин. Тилинг рост гапирган ерда сенга балолар олиб келадиған вақтда ҳам рост гапиргин. Сен билмайсанки, тўғриликнинг шарофатидан нажот топиб бахтли бўлишингни. Ёлғон эса қўққисдан ўзининг шумлиги билан бир оз фойда бериб, сўнг ўлдирати. Қўй, ишлар ўз йўлига юрсин. Ёлғон гапириб ғалаба қо- зонганиндан, рост гапириб ёмонликка учра- ганинг маъқулдир. Ростгўй одамга унинг ростгўйлиги кифоядир. Ёлғончига унинг ёлғончилиги етарлидир. Чамадони тўлиб келган ёлғончидан идиши бўш келган ростгўй яхшидир. Агар ростгўйлик одам шаклида ифодаласа энг даҳшатли армон бўлар. Ёлғоннинг сурати эса қўрқоқ тулки бўлар эди... Ваъда қилган бўлсанг унга вафо қилгин ёки ваъданги бажаришга шошил... Чақмоғидан олдин ёмғири келган, ваъдаси- дан олдин берадиган нарсаси келган эркакка ўхшагин.

Насим ШАРИПОВ  
тайёрлаган.

1. А. Е. Кримский. История новой арабской лит-ры. М. 1971.

Исфандиёр

## МЕНИ ТОНГДА УЙҒОТИНГ

Қисса

7.

Маҳмуд деворга ўғирилганча ётар, кўзлари очик, сира уйқуси келмасди. Нарироқдаги каравотларда ҳамхоналари; улардан бири камеранинг бетон деворларини ёриб юборгудай хуррак отар, лекин у ҳам Маҳмудга ҳалақит бермас, тўғрироғи, ҳеч нарсани Маҳмуд эшитмасди.

Зулфин икки бор шарақлаб, эшик очилди.

Текширишяпти. Маҳмуд қилт этмади. Эшикка қарамаёқ одатда қўли билан нуқиб, хонадагиларни бир... икки... уч... тўрт... деб санайдиган навбатчилар бошлигини кўриб тургандай. Унинг орқасида назоратчилар қотиб турибди. Уларнинг бири смена топшира-япти, бири қабул қилаяпти. Баъзилари бу тадбирларнинг тезроқ тугагини сабрсизлик билан кутса, бошқалари бепарво. Улар эндигина навбатчиликка келишган, шопадиган жойлари йўқ.

Беш, олти, етти...

Хизмат шунақа. Бировлар камерада ўтиради, бировлар уларни кўриқлайди. Нега келиб-келиб у кўриқланувчилар қаторига қўшилиб қолди?

Нигоҳи одатдагидай деворнинг сувоғи бўйлаб сирғалади: «Виктор Швабра ст. 81. 10 йил» Бу ёзувни эсида сақлаб қолади. 81-модда. Қотиллиги учун бўлса керак. Йўқ, ҳатто шу ерда, тўрт девор орасида ётганда, баъзан ўлимни афзал кўрган, қутулишга саноқли ҳафталар, кунлар қолганда қочганларнинг ҳолатига яхши тушунган чоғида ҳам у қотиллик қилолмаслигини, хаёлига ҳам келтиролмаслигини биларди. Ҳатто бу ҳақда ўйлаш ҳам даҳшатли, қурбонлар ўрнида онаси ёки Малина бўлса-чи... Уларнинг ҳоли нима кечаётганикин?..

Ҳа, ундайлар учун ҳар қандай жазо ҳам камлик қилади. Қотиллар учун. Узига эса ачинади. Гуё унга ҳадемай мўъжиза содир бўладигандай туюларди. Ҳаммаси ўз-ўзидан равшанлашади, терговчи унинг фикрини телепатия ёрдамида ўқийди, протоколини бошқатдан ёзади. Тунда унинг йўлини тўсганларини, ҳужум қилганларини, у эса ўзини ҳимоя қилганини, шу сабабли тездан озодликка чиқариш шарт эканлигини тан олишади. Мана, терговчи прокурор олдига шошиб кетаяпти...

Темир дарвозалар очик, у — озодликда. Кўча бўйлаб кетаяпти, ҳеч ким унга жинойтчига қарагандай қарамайди. Бўлиб ўтган ишлар шунчаки англашилмовчилик эканини ҳамма билади. У — жинойтчи эмас. Бу ҳақда ҳали уйдагилар билмайди. Малина пиёлага чой қуйиб онасига узатаяпти. Қўлида чой, кўзларини катта-катта очганича, эшикка қараб қотиб қолган. Ўз кўзларига ишонмайди, тентаквой. Онаси ҳам унга қарайди-ю, аввал ишонмайди, кейин шодликдан дод солганча унинг бўйнига осилади. «Болам... Узимнинг болагинам!..» Малина ҳам қушдай отилиб келиб қучоқлайди, юзларидан ўпади: «Ўзинг... ўзингмисан, а? Қайтдингми, ахир!.. Қўйворишдимми?.. Узимам билардим... Билардим-а, ҳақиқат борлигини!..» «Ҳақиқатгина эмас бу, мўъжиза!» — унинг сўзини тўғрилайди Маҳмуд. Диванга ўтиб, Малина билан онасини ёнига ўтқазади-ю, бўлган гапларни хикоя қила бошлайди. Ҳаммасини бир бошдан айтиб беради. Ҳаммасини. Узоқ гапирди. Охири Малина қандайдир имо-ишоралар қила бошлайди, қўлига туртади, эшикни кўрсатади. Ниҳоят, у эшикка қараб, остонада турган милиция формасидаги икки кишини кўради. Улардан бири яқинлашиб, қўйнидан кишан чиқаради:

— Қочгинг келиб қолдимми?

— Нега қочарканман! — унинг қичқиргиси келади. — Мени озод қилишди. Мўъжиза содир бўлди! Гуноҳим йўқ, оқландим!

— Дунёда мўъжиза бўлмайди, — дейди хотиржамлик билан милиционерларнинг иккинчиси унга бошқа томондан ёндашиб. — Қани, кетдик!

— Архивдан янги ҳужжатлар келиб турибди-ку, ким сени озод қиларкан! — дейди биринчиси аччиқ таъна билан кулиб.

Давоми. Боши ўтган сонда.

Энди унинг ёнида Малина ҳам, онаси ҳам йўқ. Машинада силкиниб-силкиниб кетаяпти. Қамоқхонанинг узун, тор йўлаги бўйлаб ўтади. Мана бурилиш, таниш камера, эшик зулфини шарақлайди.

— Тури-инг-лар!..

Маҳмуд кўзларини очади, уф-ф, шунақаям туш кўрибдики...

— Туринглар! Тез, тез! Икки минут кечикканлар энг охирида ювинади!..

Назоратчининг энди қўшни камера эшигини калитлари билан тақиллатиб, бўғиқ овозда бақираётгани эшитилади.

Маҳмуд муздай сувда яхшигина ювиниб олди. Бари бир кечаси кўрган туш хаёлидан кетмади. Оқловчиси билан бўлган сўнгги учрашувини эслади. У болалиги ҳақида, дўстлари ҳақида сўроқлайвериб, жонига тегувди. Қизиқ, болалигининг, дўстларининг нима алоқаси бор экан? Унинг бу ерда ётишига улар сабабчи эмаску, ахир! Айниқса, қанақа китобларни севиши ҳақидаги саволи ғалати бўлди. Худди кинолардагидек. Ақлли, талантли оқловчи сўраб-суриштирди, аниқлади-ю, бор ҳақиқатни исботлаб, юзага чиқарди...

— Девор орқали гаплашишни биласанми?

Караватга, безорилик қилиб қўлга тушган, Фарид келиб ўтирди. Унинг бу ерга келганига икки ярим ой бўлган. Шунинг учун ҳам ўзини билагон кўрсатгиси келади.

— Нима кераги бор?

— Керак бўлиб қолади.

У қулогини деворга қўйиб, тунука кружка билан бир неча бор тақиллатади. Бир неча дақиқадан сўнг жавоб дукиллаши эшитилади. Фарид Маҳмудга кўз қисиб қўяди-да, кружканинг ич томонини деворга тирайди, орқасига қулогини тутаяди.

— Билдирляпти,— Маҳмудга жилмайиб қарайди.— Пашка... Жиноий... кодекснинг...

Тўсатдан эшик очилиб, бўсағада назоратчи пайдо бўлади.

— Тамом... бошлиқ!— Фарид шоша-пиша кружкани одял остига яширади.— Қулогим қизиб кетаяпти... кимдир ёмонлаётган бўлса керак... Деворга қўйиб совутяпман.

— Карцерда тезроқ совутиб қўйишади!— деб назоратчи хотиржамлик билан огоҳлантиради, кейин камерани кўздан кечиради-да, чиқаётиб эшикни ёпади.

Фарид Маҳмудга хижолатли назар ташлади, «нимаям дердик» дегандай қўлларини ёзади, жойига ўтиради.

Эшик туйнуғи очилди.

— Навбатчи, мана, нонни қабул қилиб ол!

Камера бўйича навбатчи нонларни олиб, бегон-тоқчага тахлади, шакарқандларни кружкаларга жойлади.

Маҳмуд истар-истамас каравотдан турди, узун, столга яқинлашиб, товоқни олдида тортди-да, қошиқни қўлига олди. Ўзини қанча зўрламасин, арпа бўтқасига сира кўни-колмасди. Товоқни нари суриб, кружкасига чой қўйди. Бир бурда нон ушатиб олди, қайтиб каравотга ўтирди. У шундайича, каравотда ўтириб нон-чой ичишга ўрганганди. Тинчгина. Ҳеч ким гапга алаҳситмайди.

— Ким тўймай қолди?

Фарид апил-тапил унинг бўтқасиниям тинчитди-да, бўш товоқларни йиғиштириб, эшикка яқинлашди. Маҳмуд кружкадан чой қўллаб, лабини куйдириб олди. Қошиғи билан шакарқандни айлантирабошлади...

## 8.

— Туринглар!

Маҳмуд чўчиб уйғонди, ўрнидан тураётиб, бошини иккинчи қаватдаги каравотга уриб олди.

Камерага майор бошлиқ бир неча форма кийган кишилар кириб келди. Майор тергов бўлимининг бошлиғи эди. Улар камеранинг ўртасига келиб тўхташди.

— Гражданин бошлиқ, камерада ҳаммаси бўлиб ўн беш киши бор. Ҳамма ўз ўрнида. Камера бўйича навбатчи — Курочкин.

— Салом, — бош силкиб қўйди майор ғоз турган камерадагиларга бир-бир кўз ташлаб.

— Салом! — бараварига жавоб беришди улар.

— Уйдагилар билан учрашиб турсак бўларди, гражданин майор.

— Фақат терговчининг рухсати билан.

— Дўконча қачон бўлади, гражданин майор?

— Сизларга айтилган, ўн беш кунда бир бўлади.

— Кўндан бери кутубхоначи кўринмайди, китобларни алмаштириш керак!

Майор орқасига ўтирилган ҳам эдики, лейтенант унга рўбарў бўлди.

— Китоблар бугун алмаштирилади, мен огоҳлантириб қўйдим.

Майор китобсеварга қаради:

— Тушунарлими?

— Тушунарли, гражданин майор.

— Яна саволлар, шикоятлар борми?

— Гражданин бошлиқ... менда бор! — олдинга чиқди Маҳмуд.

— Эшитаман.

— Айтинг-чи, шахсан мен... кечирасиз, мен шунчаки... — у гапидан адашиб қолди.

Нима дейишни билмай довдираб тураверди. Жимлик чўзилиб кетди. Майор сабрсизлик билан қошини чимирди.

— Гапиринг, кулоғим сизда.  
— Жудаям... билгим келяпти... — Махмуд аранг ўзига келди, — судда... менга қанча берешаркин?  
— Хизматингга яраша, — кимдир орқада қикирлади.  
Майор қовогини ўйди.  
— Ортиқча гаплар тўхтатилсин!.. — У Махмудга мурожаат қилди. — Сиз уч йилдан саккиз йилгача олишингиз керак. Суд ҳаммасини эътиборга олиб, хал қилади. Тушундингизми?

— Тушундим...  
— Хотиринг жам бўлдимиз? — елкасига қоқиб қўйди Кура. — Мен сенга айтсам ишонмовдинг.

Махмуд индамади, деворга суяниб, китобни очди. Стол атрофида шарақлатиб домино ўйнашар, қаҳ-қаҳ отиб кулишарди.

— Яна бир воқеа сира эсимдан чиқмайди, — йўлтўсарликда қатнашгани учун судни кутиб ётган Пухов ҳикоясини давом эттирарди... — Бир куни «шеф» чақириб қолди. «Гап бундай: менга зудлик билан уч минг керак», деб қолди. Кўзимнинг олови чиқиб кетди денг... Аванесич, бунақа пул йўқ менда дедим. У бўлса нукул кулади. Кайфияти яхши пайтларда у мени доим «айёр шайтон» деб атарди. «Керак, тушунсанг-чи, комиссия келяпти, меҳмон қилиш керак. Уч мингни чўз, ўзинг ўрмон ортига жўнайсан, тушундингми?» деди. «Қаердан оламан уч мингни? Ўзингиз биласиз, яқинда ўғил уйлантирдим. Майда-чуйда дегандек...» деб оёқ тираб туриб олдим. Унинг жаҳли чиқиб кетди. Нукул пешонамга чертади: «Ўрмон ортига юбораман, галварс, тушундингми, ўрмон ортига, юк машинасида борасан. Қуруқ қолмайсан!»

Тушундим, ҳаммасини тушундим. Тушдан сўнг пулни олиб келдим. Юк ортилган машиналар кутиб турган экан, Уролга жўнадик. Қолгани темир йўл орқали юборилди. Бир қишлоқдан ўтдик, тўрт мингни ўмардим. Яна йўлга тушдик. Ҳеч нарсадан хабарим йўқ, довонга етмаёқ, кутиб туришган экан, иссиғида ёпиштиришди...

— «Шеф» инг нима бўлди? — сўради домино ўйнаётганлардан бири.  
— Унга нимаям бўларди дейсан! Шундай одамнинг тағига сув қўёлмайман-ку!.. Саховатли. Кейин ёрдам берди. — У шарақлатиб домино тошини столга урди. — Тамом! Очқоқларингни санайверинглар!..

— «Ёрдам берди» эмиш! — энаси қотди кимнингдир. — Мана, ўтирибсан-ку?  
— Бунинг тарихи бошқа, — мингирлади кайфияти бузилган Пухов.  
— Бу гал ҳаммани элакдан ўтказишди...

Махмуд китоб саҳифаларига тикилганча ўтирар, ҳеч нарсани кўрмас, кўз олдида ҳарфлар эриб оқаётгандай эди. Назарида уйқу элитаётгандай бўларди-ю, кўзини юмган захоти уйқуси қочиб кетишини биларди. Мана шу ҳолат унга ҳуш ёқарди: бутун вужуди бўшашиб хаёлга берилади, хотиралар гирдобига шўнғиб кетади...

Уни юркадек тинглай оладиган, ишонадиган, юрагида борини тўкиб сола оладиган дўсти борми ўзи? Йўқ, бундайини учратмаган. Тўғри, Володя Маков дегани бор эди. Уни сўзсиз тушунарди, ёнини оларди, лекин у ҳам гоҳо тама қилаётгандек кўринар, ўзини четга олиб юрарди. Охири кетиб қолди... Бошқа ошналари ҳам бор эди. Тез-тез уйига келиб, йўқлаб туришарди. Байрамларда бирга бўлишарди. Бу унга ёқарди. Назарида усиз бирин тантана ўтмайдигандек, уни ҳамма бирдай ҳурмат қиладиган, яхши кўрадигандек эди... Узиям уларни тез-тез арзимас баҳоналар билан йўқлаб турарди... Ҳа, баъзан сиқиладиган, юраги хувиллаб қоладиган дамлар ҳам бўларди. Уни «хўш, охири нима бўлади, кейин-чи, кейин нима қилмоқчисан?», деган саволлар эзабошларди. Шундай пайтларда у ўзини ёлғиз, ниҳоятда чидаб бўлмас даражада ёлғиз ҳис этар, бир ўзи қолиб, ҳаёт ҳақида, келажаги ҳақида ўйлаб олгиси, ўқигиси келарди. Лекин бу унга насиб қилавермас, доим ёнида кимдир пайдо бўлар, яна бемаъни суҳбатлар, баҳслар, кўнгил-хушликлар гирдобига тушиб қоларди. Тўс-тўпалон, шўх музика, вино таъсирдан бошлари гангиганга тун ярмидан ошганда тарқалишарди. Кейин у онасини гуноҳқорона кучар, энди санғимаслиги ҳақида ҳар галгидек ваъдалар берар, бу охиргиси деб ишонтиради. Онасига унинг ичиши ёқмасди. Доим: «йчкилик билан фалокат ёнма-ён юради» дерди. «Бўлди, ойижон, ўлай агар, бошқа оғзимга олмайман!» — юпатарди у. «Оҳ, болагинам-эй, — дерди шунда онаси, — биламан, хурсандчиликни яхши кўрасизлар, кўнгилхушликни хушлайсизлар. Мен қарши эмасман, ўйнаб-кулинглар, рақс тушинглар... Фақат меъерини бериш керак. Сизларга қараб туриб, бир оз ваҳмин келади. Борди-ю, бирор фалокат рўй берса, ёнингларда мулоҳазали, тўғри йўл кўрсатоладиган бирор хушёр одам бўлмаса... Қизиққонсизлар, кейин фойдаси бўлмайди...»

Онасининг насиҳатларини эшитиб олдинга аччиқланар, кейин ўзига, онасига раҳми келар, эзиларди. Уша суҳбат пайтларида бундай бўлиши хаёлига келибдими? Йўқ, қаёқда дейсиз... Ҳодиса рўй бергандан кейингина уша панд-насиҳатлар эсга тушар, лекин энди кеч бўлар, ҳеч нарсани орқага қайтариб бўлмас экан. Ана ушандагина борлигиндан ўзининг иккинчи «мен» инг ажралиб чиқар, алоҳида одам сифатида, ўта хотиржамлик билан қилмишларингни, истаб-истамай йўл қўйган камчиликларингни тарозига солиб кўраркансан...

Мана, ниҳоят уша ҳодиса юз берди: бошқа бир қиёфанг қаршингда Мефистофельдек бешафқатлик билан ўзингни оқлаш учун беҳуда уринишларингни тиржайганча кузатиб турибди. Барча уринишларинг унга жирканч туюлади.

«Малая, Малагинам!.. Ахир мени қон-қон йиғлагасан, демабминдиг! Нима қилай, айтганинг келди...» Махмуд одатда қизлар билан гаплашяётганда ўзини қандай тутишини эслади. Ҳар бир сўзи, гўё улар учун қонундай, доим юқоридан келарди... Эҳ, шу ҳукмбардор каллани деворга урсайди ўхшатиб... Шундай урсаки, мия қатиклари тирқираб кетса!.. Ўқишнинг қойил қилолмади... Ишда-ку, шунчаки... «Ким бўлдинг?»

Ишчи бўлиб ишчи эмас, студент бўлиб, студент... Ҳозир-ку, кимлигинг маълум, салкам маҳбус...»

— Гаплар тўхтатилсин!— назоратчи одати бўйича калитлар шодаси билан эшикни тақиллатди.— Ухланглар ҳамманг!

— Э... Ишингни қилсанг-чи!— Кура эшитилар-эшитилмас мингирлаб қўйди. Чироқнинг хира нурида энгагини силкиб, ўгирилиб ётгани кўзга чалинди.

— Кейин-чи, кейин нима бўлди?— сўради Фарид.

— Уша шофер базадан ҳар хил импорتنый нарсалар жойланган контейнерни қабул қилиб олди,— давом этди Кура.— Жун, газмоллар, шойи-атлас дегандек... Миллион деявер... Ҳаммасини тинчитдик. Роса ялло қилдик. Ресторанда ҳаддан ошиб бўлмайди, билиб қўлишди. Москвага учдик. Меҳмонхоналарни, қизларни айтмайсанми!.. Эрталаб кетилади, кечгача ишрат қилиб, кечқурун орқага қайтилади. Баъзан бутун тўда бирга кўнгилхушлик қиламиш. Бирон тоғ ёнбағридаги пионер лагери ижарага олинади, қишда қоровулдан бошқа ҳечким бўлмайди. Қизлар билан базм қурилади, хумордан чиққунча ичилади... Ох, ох, мана буни ҳаёт деса бўлади!.. Бир йилгина шундай яшасангми...

Кура жим бўлиб қолди. Унинг «Бир йилгина...» дея орзу қилиши Маҳмудни ўйлантириб қўйди. «Мен ҳам шундай яшашни истармидим?» Шу гап хаёлидан ўтди-ю, чўчиб тушди. Йўқ, йўқ, ҳеч қачон!.. Унда нима керак ўзи унга. Яшашдан мақсад нима?

Маҳмуд алам билан кулиб қўйди. Ҳозирча, бир неча йил давомида ҳаётдан ҳеч нарса умид қилмайди, тўғрироғи, умид қилишга ҳаққи йўқ... Колония — курорт эмас...

— Тасодиф... ҳаммаси тасодифдан бўлди. Тасодифдан бошлиқни қўлга олишди. Иёбот ҳам йўқ эди, «тўр» ларига ким тушганиниям ҳали яхши билишмасди. У ҳаммасини ўзи тушуниб турарди. Қараса — иш расво. Биринчи сўроққа олиб келишди. Ҳеч нарса қилишолмади. Кечаси еса ўз жонига ўзи қасд қилди. Темир одам эди! Камерада югуриб бориб, калласи билан бетон деворга урилди. Мия суяги пачоқ-пачоқ бўлиб кетди.

— Ха-а...— Фарид ҳайратини яширолмади.— Мен ундай қилолмаган бўлардим.

— Маишат қилишни, айш-ишратни қойиллатармидинг?— кўзлари чақнаб сўради Кура.— Лапашангсан, Фара! Менга қолса... ҳеч нарсадан қайтмаган бўлардим. Пул топ-у, истаганча сарф қил, истаганча базму жамшид...

— Бу яхши эмас, Кура!— ётган жойида деди Маҳмуд.— Пул учун ўлиш, жондан кечиш... яхшимас!

— Сен ниманиям тушунардинг, Маҳмуд!— совуқ кулди Кура.— Пул — бу... — унинг кўзлари қисилди,— хоҳлаган жойингга борсан, дилинг тусаган ишни қилсан! Ҳамма оғзингга тикилиб, ҳузурингда икки букилиб турса... Яна бундан бошқа нима керак сенга?

— ...

— Тушунмадим — қаддини кўтарди Кура.

— Атрофингда эгилиб-букилиб юрганларни кўриш жирканч,— деди Маҳмуд.

— Нега энди?— бир оз тинчланди Кура.— Ҳеч жирканч эмас. Ахир, кимдир истакларингни бажо келтириши керак-ку?!

— Улар орасидан дўстларингни ажратиб ололмайсан,— деди Маҳмуд ғамгин.— Илгари улардақанинг сон-саногини йўқ эди... Онамнинг айтишига қараганда, ҳаммаси ўзини олиб қочаётганмиш, саломлашишниям йиғиштириб қўйишибди! Илгари қувсанг ҳам кетишмасди...

— Э-эх, студент!— Кура бошлаб сўкинди-да, полга жаҳл билан тупурди.— Ғўрсан, ғўрсан ҳали!.. Одам билан одамнинг фарқига бормайсан. Шунинг учун сенга пулдан гапираяпман-да! Пулнинг бўлса дўстларинг ҳам кўпаяди, қизлар ҳам атрофингда гиритгон... — у уф тортиб қўйди.— Виттаси билан танишиб қолувдим. Бел бармоқ билан ўраб олгудай... «Интурист» да официантка эди. Келган заҳотинг столда ароқ-чароқ, ёнингда қизлар... Музика... Худди Лондон ёки Париж бойларининг ишратидек...

— Адресини бермайсанми, а?— ҳайратланган Фарид ундан кўз узмасди.

Куранинг бирдан жаҳли чиқиб, юзи буришиб кетди.

— Адресни кўрсатиб қўяман сенга!.. Виласанми, турмушга чиққилари, фарзанд кўргилари келиб қолганмиш...

Эшик туйнуғи очилиб, назоратчининг мудроқ босган башараси кўринди:

— Нима, карцерага тушишни хоҳлаб қолдиларингми? Тўшак иссиқлик қилаётган бўлса, марҳамат, ёрдам бераман.

Ҳеч ким жавоб бермади. Доим тўнғилаб қўядиган Кура ҳам гинг демади. Уни ширин эсноқ тутди. Эрталаб йўлга чиқиши керак...

Маҳмуд ҳам дағал, тер ва тамаки ҳиди босиб кетган одялни устига тортиб, кўзларини юмди. Тезроқ уйку келақолсайди, Кура ҳам, Фарид ҳам ўзларининг шубҳали қилмишлари-ю, дағал тўшақли темир қаравотлари билан ғойиб бўлармидилар... Ухлай олса-ю, тушига онаси ёки интернат қирмаса, ўзи билан ўзи ёлғиз қолса, хотиралар азобидан қутулса — қайта уйғонмаса ҳам майли эди.

\*  
\*

Иккинчи ойнинг охирида, эрталабки текширувдан кейин жиноятчилиги ҳақидаги варақани қўлга тутқаздиши. «Умаров Маҳмуд Умарович... Туғилган йили... Палон моддага биноан... Гражданин...га атайлаб пичоқ уришда айбланади». Тамом. Энди иши судга оширилади. Маҳмуд машинкада кўчирилган бир неча саҳифа қоғозга тикилар, ҳеч нарса тушунмасди. Тамом-вассалом. Атрофдаги воқелиқдан узилиб, қандайдир нотаниш оламга тушиб қолгандек. Уйғонди, ювингани борди, очликни ҳам, ичган арпа гўжасининг



таъмини ҳам, чой ичиб, лаби куйганини ҳам билмади. Ташқарига олиб чиққанларида ҳам қарахт эди. Тамом. У ўлик. Ҳеч кимга кераги йўқ. Лекин ҳали олдинда суд бор, балки айбини юмшатадиган бирон сабаб топишар. Шартли жазо... Шунақасиям бор-ку!..

Уни судга олиб келишди. Кичикроқ хона, деразага қарама-қарши қўйилган катта стол, ёнида икки маслаҳатчи билан судья, унинг ўнг ва сўл томонларида бир-бирига қараб оқловчи ва қораловчи ўтиришибди. Девор бўйлаб қатор стуллар қўйилган. Уларда йўқлаб келганлар: онаси, танишлари, қўни-қўшнилар ўтиришибди. Яна бир-икки кампирлар... Афтидан, улар бундай ҳодисаларнинг доимий томошабинлари бўлсалар керак. Малина эшик олдида.

Декабрь кунлари бўлишига қарамай, хонанинг дим эканлиги ҳам яхши эсида. Ташқарида қор... Оппоқ, кўзни оладиган, момиқ қор. Хонанинг улкан деразалари ойналари музлаган; бу ер эса дим, худди саратондагидек, нафас олиш қийин. Балки унга шундай туюлгандир?

Туладан келган, ўрта бўй, қуюқ сочларига оқ оралаган судья навбатдаги савол-жавобдан сўнг Маҳмудга ўғирилди.

— Судланувчи Умаров Маҳмуд Умарович, ўзингизни айбдор деб тан оласизми?

Маҳмуд судьяга бир қараб олиб, ҳамон ўзига келолмаган ҳолда бош силкиди.

— Тан оламан...

У ўғирилиб, кўзи «Граф»га тушди. Кейин, сўроқ пайтида унинг фамилияси Собиров эканини билиб олганди. Тергов пайтида «Граф» билан кўп марта юзма-юз бўлишди. У ҳар учрашувда бетоқат бўлиб, Маҳмуддан кўзини олиб қочарди.

— Бу қанақаси бўлди, а, Умаров, қўшнилариң сенга ижобий баҳо беришаяпти. Ишхонангдан ҳам яхши характеристика беришибди, икки кундан кейин армияга кетишиңг керак экан, сен бўлсанг!.. — Прокурор Маҳмудга синовчан тикилди.

— Нима қилай, қочилишим керакмиди? — Маҳмуд ўзининг овозидан ўзи ҳайрон қолди. У яна икки кишига айланди: бири тақдирга тан бериб сукут сақлар, иккинчиси исён қилар, нималардир дер, ўзини оқлашга уринарди.

— Қочиб керак эмасди, албатта, — деди кўкрагига қатор орден ленталари тақилган катта ёшли киши. — Безорилардан қочиб эмас, уларнинг таъзирини бериш керак.

— Таъзирини бериш керак, лекин пичоқ билан эмас, — судья унинг сўзига аниқлик киритди.

— Бўлмасам-чи, — ўтирган еридан қичқирди Собировнинг онаси. — Ҳадемай кўчага чикиб бўлмай қолади шундай безорилар дастидан!

— Илтимос, тартиб сақлансин! — столи тақиллатди судья. — Умаровга хужум қилганлар ҳам фаришта эмас. Қонунга биноан қилмишларига яраша жазоларини олишади.

— Мен ҳам пичоқ билан деяётганим йўқ, — деди маслаҳатчи. — Фақат тушунолма-ялман. Шундай йигит нимага... кўрсатмаларга қараганда спортчи, эс-ҳуши жойида-ю... пичоқ кўтариб...

Яна ҳушини йўқотди... Йўқ, йўқ, ўзи жойида, гапираяпти ҳам... Эшитяпти ҳам... Фақат ҳаммасини туман босгандай. Саволлар, қораловчининг сўзи, оқловчи, ҳукм... «Умаров Маҳмуд Умарович... юқорида қайд этилган далилларга асосан... уч йил озодликдан маҳрум этилади... Ҳукм юзасидан шикоят қилиш мумкин...» Нимаданам шикоят қилади? Шундай ҳам энг қисқа муддатни беришди... Уч йил... уч йил...

## 9.

Маҳмудни колонияга жўнатишди. Ҳаммаси бўлиб қирқта одам йиғилди. Олдин қандайдир камерага тўпалашди, машинада бир-бирларининг пинжиларига суқилиб ўтиришди, кейин темир панжарали вагонларга чиқаришди. Ҳамманинг қовоғи уюқ: паришон, ўз ўйлари, дардлари билан банд.

Колония ўзи тасаввур қилган, кинода кўрганидек экан. Баланд қоровулхона — миноралик, атрофга тикон сим тортилган девор, улкан темир дарвоза, идора, назоратчилар учун казарма, унча катта бўлмаган спорт майдончаси, «Маҳбус, ҳаммаси ўзингга боғлиқ, фақат ҳалол меҳнат, намунали ахлоқинггина қон-қардошларинг билан тезроқ дейдор кўришишиңгга ёрдам бериши мумкин!» деб ёзилган плакатлар. Кейин девор, яна дарвоза, темир дарвоза... Унинг ортида тунги оромгоҳлар... Ошхона, кутубхона, ҳатто кинозал ҳам бор экан.

Маҳмуд темир дарвозадан ўтиб, атрофга аланглади. Майдонни шошмай кўздан кечирди. Минглаб оёқлар тепкилаб ташлаган намхуш ер, клуб ёнида атрофига қизил гишт терилган гулзор, тепада қандайдир жонсиз, қовоғи солиқ осмон.

— Ҳой, студент, бу сенмисан, а?

Маҳмуд шартта ўғирилди-ю, хурсандликдан кулиб юборди:

— Кура!

— Салом!

Энг қадрдон дўстлардек қучоқлашиб кўришишди.

— Учратарман деб ўйламовдим сира! — Маҳмуд шодлигини яширолмасди.

Янги, пахтали қора чопон кийиб олган, сочи қиртишланган Кура бошини кулгили силкиб, одати бўйича кўр-кўрона тиржайиб, унинг елкасига қўл ташлаганча, бепарво, худди меҳрибон ота шўхлик қилиб қўйган ўғлига уқтираётгандай гапирарди:

— Мен, марҳаматли жаноби олийлари — Кура Биринчи — у бармоғи билан ётоқхоналар томонга ишора қилиб кўрсатди. — Сен зудлик билан: Нима қаерда? Нима учун?..» эканлигини билиб олишиңг керак... Омадинг келди, мен бу ерда, сенга айтсам,

қўнғизнинг йўтали эмас, коллектив «совети»нинг аъсосиман! Ҳазимизнинг йигитлар тўпланди...

— Қанақа «совет» у?— тушунмади Маҳмуд.

— Галварс!— Кура қиқирлаб кулди.— Бу иссиққина жой «совети»нинг раиси, учрашувлар... Бу — энг муҳими, ШМОО! Тушундингми?

— Йўқ.

— Шартли Муддатидан Олдин Озодлик! Муддатидан олдин... ҳукмда кўрсатилганининг ярми, учдан бири дегани. Албатта, бошлиқлар ҳал қилади. Биз эса... Нимаиди?.. Ҳа, тавсия қиламиз... Кучмиз! Энди тушундингми?

— Тушундим,— жилмайди Маҳмуд.

У чиндан ҳам бу учрашувдан хурсанд, деярли бахтиёр эди. Кура келган заҳоти йўл кўрсатувчилик вазифасини бўйнига олди: бу жойлар унга нотаниш...

— Бизга ҳозир худди сенга ўхшаган одам керак. Бунинг устига Ҳазимизники бўлиши керак,— Кура овозини пасайтириб деди,— ҳозирча қурилишда ишлаб турасан, дангасалик қилмайсан. Аввал ўша ерда Ҳазимизни кўрсатишинг керак.

У атрофидаги нарсаларни, шунингдек Куранинг нима ҳақда гапирётганини яхши тасаввур қилолмас, лекин бу илиқ учрашувдан чинданам Ҳазимизники бўлиши керак.

Отряд тарбиячиси майор Кидаш саф олдида фикрлашни, гоҳ у, гоҳ бу томонга юриб сўзлашни яхши кўрарди. Ҳозир ҳам, гарчи ҳаммага кўпдан буён маълум кун тартибини эълол қилаётган бўлса-да, у ёқдан-бу ёққа юрар, Ҳазимизга таънали тус берар учини бир варақ қоғоз ҳам ушлаб олганди.

— Демак, гап бундай,— дерди у икки ёнда қотиб турган саф бўйлаб юраркан.— Айниқса, янги келганлар, биздаги тартиб-қоидаларни яхши билмайдиганлар учун такрор эслатиб ўтаман.— У тўрт букланган қоғозни шошимай очиб ҳаммага маъноли назар ташлади-да, ўқишда давом этади.— Тушлик соат ўн учдан ўн тўртга қадар...

Маҳмуднинг кўз олдида онасининг сўлғин, паршон ҳечраси келди. У охириги, суд бўлган кунни қандай кўрган бўлса шундай эди. Қорайиб кетган, кўзлари дардли, чуқур тортган. Хайрлашиш олдида у ёнида юзларини, сочларини, елкаларини силаб ўтирар, кўллари қалтирар, лекин йиғламасди. Фақат гоҳ-гоҳ юрагини чангаллаб, бир оз жим бўлиб қоларди. Кўзёш тўкиб, унинг кўнглини баттар вайрон қилишдан қўрққанидан Ҳазимизни тутиб турганини Маҳмуд энди тушуниб етганди. Шунчалик қариб, чўкиб қолганини нега аввалроқ сезмайдикин?.. Аварияга учраши унга қаттиқ зарба берган эди, эрта пенсияга чиқди, устига устак мана бу воқеа...

— Нима гап, Маҳмуд?— Кура орқасидан биқинига туртди.— Мингирлаяпсан... бирон нарса эсингга тушди? Тупур ҳаммасига.

Маҳмуд индамади.

— Ухлашга йигирма-ю, ноль-нолда ётилади. Тушунарлими?— майор қоғозни буклаб, чўнтагига тикди.

— Ту-шу-нар-ли!

Саф бўлиб ошхонага жўнашди.

— Сен Курага кўп ишонаверма,— қулоғи остида кимнингдир шивирлаганини эшитди Маҳмуд.— Ҳушёр бўл, унга лаганбардорлар керак.

Маҳмуд ўгирилди. Унинг орқасидан чайир, озгин, калта қора сочли, қуюқ қошлари остида тим-қора кўзлари чакнаб турган йигит келарди. У Маҳмудга синовчан тикилди.

— Ҳазим биламан...— тўнғиллади Маҳмуд.

Йигит бошқа ҳеч нарса демади. Фақат тушликдан кейин Маҳмудни четга тортиб, деди:

— Ҳўп, агар сен уни шунчалик яхши таниши бўлсанг, ўша Курагга айтиб қўй, яхшиликча мени тинч қўйсин, Ҳазимданам, тўдасиданам қўрқмайман.

— Тушунмадим...— энгаси қотди Маҳмуднинг.— Шунақа ботир экансан, нимага бор гапингни Ҳазимга айтиб қўяқолмайсан?

— Урни келганда айтаман. Ҳозирча сен айт. «Юрка олдимга келувди» де, Едгоров, эслаб қоласанми?

— Эслаб қоламан.

— У менгаям келувди. Фақат овора бўлиб юрмасин, гапига кирадиганларни топсин. Менинг йўлим бошқа. Шунақа деб қўй.

Едгоров кетди. Демак Маҳмуд, бундай қараганда ҳаммининг гапига кириверадиганлардан экан-да, ўз характерида ага эмас экан-да!.. Роса зўр кашфиёт бўлди-ку! Кура чақирмагунча у нотаниш, галати табиатли йигит орқасидан қараганча туриб қолди.

— Бери кел! Нима керак экан унга сендан?

— Уни тинч қўяр эмишсан,— елкасини учирди Маҳмуд.

— Жудаям кўзим учиб турибди шу сассиқ такага!— тўнғиллади Кура бурилиб кетаётди.

— Шошма,— тўхтатди Маҳмуд.— Ким ўзи?

— Битлиқи чемпион!

— Қанақасига?..

— Шундай.... Адамидан. Тенги йўқ боксер эди Юрка.... Мен уни... ҳалиги... рингда қўрганман. Зарби.... рақибни сал янглишдим, тамом! Санаб ўтиришгаям ҳожат қолмайди.

Кура кетди, Маҳмуд яна бу тушуниб бўлмайдиган, нотаниш ва ноҳуш оламда Ҳазимизни оғиз, ҳимоясиз ҳис қилганча қолди...

Маҳмуд Едгоров билан битта бригадага тушиб қолди. Айтишларига қараганда у гишт терувчиликни уч ой ичида шу даражада ўрганиб олибдики, тажрибали усталар ҳам тан беришибди. Аслида, ўз ишини яхши биладиганлар бригадада саноқли эди. Улмас Охунжонов ҳам прораб, ҳам бригадирлик вазифасини ўтарди. Тешаев — олтинчи разрядли гишт терувчи, ниҳоятда пухталикини яхши кўрадиган одам. Асбоблари доим тоза, саранжом турар, биророрта ҳазил қилгундай бўлса «устани уста қиладиган асбоби, одам ўз ишини биладими — йўқми, синаш учун терган гиштга қараб ўтирмайман, асбобини кўрсам, бас, бемалол айтиб бера оламан», дерди.

«II» шаклида тўрт қаватли мактаб қуриляпти, ёнида спорт зали ҳам бор. Дастлабки кун Маҳмуд замбил кўтаришга тушди. Ишмисан иш! Торгина, чайқалиб турадиган ёғоч йўлак-нарвонда мувозанатини аранг сақлаб, гишт ёки қоришма тўлдирилган замбилни икки киши бўлиб юқорига, учинчи қаватга олиб чиқиши керак. Нарвон тик, юрганда лопиллаб, синиб кетадигандай туюлади... Маҳмуд вақт ҳисобини ҳам унутиб қўйди. Кун бўйи шунақаям чарчарди-ки, ҳатто ошхонага боришга ҳам эринар, тезроқ ётоққа етиб борсаю таппа ташлаб уйкуга кетса... Қўл-оёғи, бели калтаклангандай зиркираб оғир, чидаб бўлмайдигандек туюларди. Прораб баъзан «зарари йўқ, кўникиб қоласан. Олдинига ҳаммаям шунақа қийналади», деб кўнглини кўтариб қўярди. Маҳмуднинг «кўникиб қолишига» ишонгиси келмасди. Унинг қўллари пуфак бойлаб, шилиниб кетди, ҳатто бармоқларини буколмай қолди. Ҳамма «олдинига шунақа бўлади» деб турганида врачга нима деб кўрсатади. Бир-икки кундан кейин бу жин ургур замбилни қўлга ололмай қолса керак.

Шу пайт унинг ёнига Едгоров келди, кафтини очиб кўрди-да, кулиб қўйди:

— Тўхта, о-ҳо!..

— Қўявер, — ёрилиб кетган лабларини ялаб, жилмайишга уринди Маҳмуд. — Тўйгача тузалиб кетар.

— Тўйгача яшаш ҳам керак, — деди кулумсираб Юрка, — Майли, бирор нарса ўйлаб топармиз...

У ўйлаиб қолди, кейин аланглаб эски-тускиларни титкилай бошлади. Каттароқ парча латгани топди-да, икки бўлиб, Маҳмуднинг ёнига келди.

— Қани, қўлингни бер!

Едгоров сиртмоқ қилиб, Маҳмуднинг белидан ўтказди-да, учларини икки билагига боғлади.

— Жойида, — қувониб кетди Юра, унинг юзига ёш болаларникидек шўх табассум ёйилди. — Энди замбилни ушлаб юрсанг бўлди.

— Раҳмат, Юра!..

Едгоров унинг ҳолатини тушуниб, елкасига қоқиб қўйди.

— Арзимаёйди. Энди физилла, бўлмаса ҳозир бақриб қолишади.

— Қоришма-а! — чиндан ҳам бақриб қолишди шу пайт юқоридан.

— Ҳозир бўлади!.. — кулиб юборди Маҳмуд.

Маҳмуд аста-секин ишга кўника бошлади. Энди унга ҳар қандай иш малол келмас, аксинча, озодлик ҳақидаги хаёллардан, уйдагиларни ўйлаб, хавотирланишлардан вақтинча бўлса ҳам бир оз чалғитарди.

Едгоров билан муносабатлари аввалгидек. Ҳурмат қилади. Юрка бир-икки марта кулиб, гашига теккандай бўлди, Маҳмуд ҳезланди, лекин унинг тимқора кўзлари дўстона тикилиб турганини кўриб, шу заҳоти жаҳлидан тушди, юрагидан отилиб чиқишга тайёр аччиқ сўзлари томоғига қадалди-ю, эриб кетди. Жилмайганча замбилни кўтариб жўнади.

Едгоров бригадада ўзини бир оз бошқачароқ тутар, ишини дўндираб, кўпчиликка қўшилабермасди. Андавасини қўлида ўйнатиб, қоришмани текис ёяр, гиштни эпчиллик билан қўлида айлантириб ўрнига қўяр, ҳавасга ишлаётгандай кўринарди. Охунжонов гоҳ-гоҳ яқин келиб, Едгоровнинг ишини кузатаркан, мамнуният билан кулиб қўярди:

— Қўлинг олтин-да, Юрка, қутулиб чиққандан кейин ҳам қурилишда ишлай берсанг бўларкан. Мени излаб топ. Чин сўзим, квартира ҳам, пул ҳам, ҳаммаси муҳайё бўлади сен учун! Яхши гишт терувчилар кўчада қолмайди, сенга айтиб қўяй, сен қурилиш учун туғилгансан!

— Ҳай, сиз бир нима дегандан кейин... — кулгисини яшириб жавоб беради Едгоров, — ўйлаб кўриш керак!

— Ўйлаб кўр, ўйлаб кўр! — кинояни тушунмайди Охунжонов, — ёмон бўлмайсан!

Сирдан қараганда Едгоров билан Маҳмуд ўртасида айтарли ҳеч нарса ўзгармагандек. Лекин сўз билан ифодалаб бўлмайдиган, бир-бирини боғлаб турадиган нимадир пайдо бўлганини иккиси ҳам тушунар, зимдан бир-бирларини қадрлашарди. Маҳмудга қолсаку, тўғриси айтганда, жон-жон деб ўртага соя солиб турган гурур пардасини кўтариб ташлаган бўларди. Унга Юрқанин оғирлиги, мустақиллиги, гарчи баъзан кишининг гашини келтирса ҳам, бир оз дағалроқ самимияти ёқарди. Ҳа, Едгоров «тишли-тирноқли», кутмаганда захрини сочиб қолиши мумкин. Худди ана шу томонлари Маҳмудни тобора ўзига жалб қиларди.

Маҳмуднинг ёнига Кура бир неча марта келиб «ўз йигитлари» олдига «ақлли» фикрлар эшитгани таклиф қилиб кетди. Маҳмуд чарчаганини баҳона қилди. Ниҳоят бир кун йўқ дея олмай, борди. Боришга борди-ю, кейин пушаймон бўлди. Ваъзиларнинг ўзини хонваччалардай тутиши, бошқалар уларнинг атрофида гирдиқапалак бўлиб, оғзиларидан чиққан ҳар бир сўзни қулларча тинглаши, баъкана ҳазилларига «хи-хи» лаб

туришлари киши кўнглини айнитарди. Кура кейинги сафар шу даврага яна таклиф қилганда, у рад қилди.

— Боргим йўқ, Кура. Мени тушун, йигитларингга, чин сўзим, ғаразим йўқ, лекин...

— Ҳасад қиялсанми? — тиржайди Кура. — Ишнинг осонини кўзлайсану, малайлик малол келяптими?.. Ҳа, майли, шохмайтур, кейин кўрамиз!.. Бари бир ё у ёқни, ё бу ёқни танлашга мажбурсан, билдинг?

Маҳмуд жавоб бермади. Кура димоғдорлик билан унинг елкасига қоқиб қўйди-да, чиқиб кетди.

\* \* \*

Ҳар галгидек, бу сафар ҳам Маҳмуднинг уйқуси келабермади. Каравоти шундоқки-на деразанинг тагида бўлгани учун шамолнинг ғувиллашини эшитиб ётарди. Волалигида ёд олган «Шамол, бағринг камол...» шеър эсига тушди, аста кўшни каравотда ётган Охунжонов томон ўғирилди, офтобда қорайган юзларига тикилиб, ҳайрон бўлди... Прорабнинг ярим юмук кўзидан йирик томчи ёш думалаб тушди.

Маҳмуд Охунжоновнинг уйқуси нотинч эканлигини биларди. Баъзан ухлаш олдидан гоҳ у ёнбошига, гоҳ бу ёнбошига ағдарилар, кейин тўсатдан тишларини гижирлатар, инграр, баъзан дағал юзига ёқимли табассум ёйиларди. Эрталаб туриб Маҳмуд ундан кечаси қандай туш кўрганини сўраса, ҳеч нарса эслайолмасди.

— Сизни қаранг-у, — таъна қиларди Ёдгоров прорабга, — на йиғлаганингизни эслайсиз, на кулганингизни.

— Йиғлайманми тушимда, а? — хижолат бўлиб дерди Охунжонов, кейин иккиланиб, қўшиб қўярди; — Эсимда қолгани... Ғира-шира... Уйим, болаларим, яхши туш кўрибман, афсус... Ҳаммаси эсимда қолмабди. Болаларни кўрганимни биламан, холос.

— Тушни эслаб қолиш керак, — гапга аралашарди болалардан бири. — Бир вақтлар тушга таъбир айтиб, тақдирни белгилашган. Сен бўлсанг... эслайолмайсан ҳам.

Маҳмуд жилмайганча ўрнини тузатаркан, кўнглини кўтарган бўларди:

— Яхши туш кўрибсиз, шунинг ўзи катта гап. Қолганини қўяберинг.

Гоҳо бутун барак уйқуга чўмганда Охунжонов кун бўйи ишлаб чарчаган одамларнинг бир меъёрда нафас олишларига қулоқ солиб ётарди-ётарди-да, кейин атайлаб Маҳмуд учун яшириб қўйган филтрли сигаретасини ёстиқ остидан олиб, унга узатар, ўзи хотираларга берилиб кетарди. Унга Маҳмудга ўхшаш сабр-тоқатли тингловчи зарур эди. Юрагида борини тўкиб, кўнглини ёзиб оларди. Гоҳо унинг ҳуюялари эрталабгача чўзилиб кетарди. Тонг шафақи деразадан зулматдан қувиб чиқар, қоровулхона прожекторлари, девор бўйлаб симёғочларга осилган чироқлар сўнардиамки, ўлмас хотиралар гирдобини тарк этолмасди. Маҳмуд уни тушунади. Айтишларига қараганда, Ғарб мамлакатларининг бирида ишбилармон одамлар тингловчи роботлар ўйлаб топишганмиш. Уларнинг вазифаси фақат тинглашу, вақт-вақти билан «Ҳа, сэр!», «Гапингизга қўшиламан, сэр!», «Фикрингиз маъқул, сэр» деб туриш экан. Беҳуда бўлмаса керак. Ана шу темир одамларнинг харидори кўп бўлиши ажаблаларли эмас. Одам деган гаплагисини, кўнглини бўшатиб олгиси келади, лекин тингловчи топиш мушкул, ҳеч кимнинг вақти йўқ, одамлар бир-бирини тинглашни унутиб қўйишган. Ана шу оғир ҳолатдан роботлар халос этади одамларни...

Аслида бу унчалик тўғри йўл эмас. Ахир гапингни қизиқиш билан тинглайдиган, дардлашадиган одам керак-да. Маҳмуд эса ҳамма нарсага қизиқади. Ўзи гапиролмайди, гапиришни истамайди ҳам. Бунинг устига у Охунжоновга ўхшаб дунё кўрмаган, ўз шахридан бошқа жойда бўлмаган. Ёши йигирмагаям етмай туриб нимани кўриши мумкин?! Ҳеч бўлмаганда армияга боришга ҳам улгуролмади.

Ўлмас кўрни кўрган одам — ҳар қанча гапирса арзийди. Узоқ шимолда яшаган, ўрмон кесган, олтин конларида ишлаган, денгизларда сузган, Сахалинда балиқ овлаган. Уша ерда бўлажак хотини билан танишиб қолади.

Тунги суҳбатлар Маҳмуд билан прораб ўртасидаги муносабатни тобора яхшилади. Улар ака-укадай бўлиб қолишди. Ўлмас шундай ҳамдард топишганидан хурсанд. Маҳмудни иложи борича қўллаб-қувватлайди.

— Бунга гишт теришни ўргат, Юра! — деди бир кун Маҳмудни Ёдгоров ёнига бошлаб келиб. — Бир йигитга қирқ хунар оз, ўрганиб қўйса фойдаси тегиб қолар.

Бир ойдан кейин Маҳмуд мустақил гишт тера бошлади. Тўғри, аввалига қийналди, у терган девор нуқул бир томонига чиқиб кетаберар, ёнида Юрка ёки Ўлмас бўлмаса, нима қилишни билмай, боши қотиб тура берарди. Бора-бора ўзини эркин ҳис қила бошлади.

Гишт тераётганда Маҳмуднинг ёнига Кура келиб, яхши сигарета топиб беришни илтимос қилди. Маҳмуд қаердан топишни билмаса ҳам, ўйлаб ўтирмай ваъда берворди. Кейин Ўлмасга айтди.

— Агар яна келса, уни менинг ёнимга юбор, — энсаси қотиб деди Охунжонов. — Қаердан топишни кўрсатиб қўяман.

Маҳмуд, турган гап, прораб билан бўлган гапни Курага айтмади, лекин Охунжоновнинг ўзи Курани тўхтатди.

— Нега йигитни безовта қилаяпсан, а? Яхшиликча айтиб қўяпман, уни тинч қўй, сизларга тегишли эмас у!

Кура индамади, фақат унга совуқ бир қараш қилиб қўйди-да, сен ҳам одаммисан, девормисан дегандай, тескари ўғирилди. Шундан кейин Курада унга хос бўлмаган

тажанглик пайдо бўлди, гапни йўқотиб қўя бошлади, бир боғдан келса, бир тоғдан келади, йўғон бармоқлари билан энгагини қашийди...

Курага ваъда қилган сигаретани чўнатагидан чиқариб бераркан, Маҳмуддан тер чиқиб кетди. Осон бўлмади. Бир қути «ВТ» учун уйдан келган бир ўрам қазининг баҳридан ўтишга тўғри келди.

— «Қази бердим» дейсанми? — кулди Кура ошналарига кўз қисиб, — баракалла, дўстлик қазидан аъло деганлар донолар.

— Оббо, Кура-ей, боппайсан-да! — хахолаб кулди Генка Оқпар.

Маҳмуд индамади, сигарета қутисига қўл узатганди, Кура ўзини сезмаганга олди ва қўшиб қўйди:

— Инсонни дўстлик боқади!

Маҳмуд иккинчи марта сигарета қутисига қўл узатди, Кура унинг қўлини қайтариб, таънали бош чайқади.

— Яхши эмас, студент! Тиланчилик қилиш ёмон одат. Чекадиган одам ўзи топиб, чекади!

— Ҳайвон!.. Мен сенга айтувдим-ку, ҳайвон деб, сен ишонмовдинг! — сўзини бўлди Едгоров эртаси кун воқеани Маҳмуд айтиб берганда.

— У ҳамма билан ўзини шундай тутади, — жиғибийрони ошди Маҳмуднинг, Куранинг агрофида ўрмалашиб юрганларни эслаб. — Улар ҳам индамайди, чидаб юришибди.

— Амирнинг итлари ўз эгасидан фарқ қилмайди. — Энциси қотди Едгоровнинг.

Маҳмуд Куранинг нон тарқатувчи вазифасини таклиф қилганини айтсаммикин, айтмасаммикин деб ўйлаиб қолди. «Нимасини ўйлайсан, — ҳол-жонига қўймади Кура кечқурунги текширувдан кейин уни четга тортиб, — керакли одамлар билан гаплашиб қўйдим. Тайёргарлигингни кўравер. Чангга беланиб юрмайсан, ҳар қандай одам ҳавас қилса арзийдиган иш. Оппоқ нонлар, шакар-қанд, ёғ, чой — ҳаммаси қўлингга бўлади. Тома-тома қўл бўлур деган гапни биласанми?.. Ҳеч бўлмаса икки думалоқ чой орттириб қолиш мумкин... Мириқиб чифиржўрлик қиламиз!»

Кейин унинг ёнига коллектив «совети»нинг раиси Славка Толкунов келди.

— Нон тарқатувчиликка рози бўлдингми?

— Йўқ, — деди кескин равишда Маҳмуд.

— Қанақасига?

— Йўқ?.. — ҳайрон бўлди Толкунов. — Рост гапми шу?

— Айтмоқчийдимки... — чайналди Маҳмуд, — ўйлаб кўрмоқчиман... Майлими, бир оз ўйлаб кўраман?..

— Аҳмоқ! — Толкунов елкасини қисиб қўйди-ю, йўлига бурилиб кетаберди.

\* \* \*

— Умаров, сенга хат бор, — чакирди Маҳмудни барак навбатчиси. — Жавон устига қўйдим.

— Раҳмат.

Маҳмуд шоша-пиша конвертни қўлига олди-ю, адресига қаради. Колониядан... Фақат бошқа колониядан... Қўл нотаниш... «Сабиров Е. Т.» Собиров, Собиров... Ким бўлдикин? Тўсатдан эслаб қолди Маҳмуд: «Граф». Кутилмаган ҳодиса деб шуни айтса бўлади.

Хатни очиб, ўқий бошлади: «Салом, Маҳмуд! Хатимни олганингдан кейин ҳайрон бўлсанг керак, лекин ёзмасдан турулмадим...» Баракка Охунжонов кириб келганини, унинг номини айтиб, уч-тўрт марта чақирганини эшитмадиям.

— Ухлаб қолдингми, нима бало? — яқин келиб, тепасида энгашди Улмас. Маҳмуд хиралашган кўзларини унга тикди, бир зумлик карахтликдан зўрға ўзига келди.

— Хаёл олиб қочибди...

— Хат олибсан, — бўш конвертга кўзи тушди Охунжоновнинг. — Кимдан экан?

— Анави... бир йигитдан, — Маҳмуд тутилиб қолди, майда ҳарфлар билан битилган икки варақ қоғозни гижимлади. — Ҳалиги... Мен пичоқ урган...

Охунжонов бир дақиқа қотиб қолди.

— Таҳдид қиляптими?

— Йўғ-э!.. — кулди Маҳмуд. — Узр сўрабди.

— Тушунарли...

— Ҳар қалай ёмон йигитга ўхшамайди ўша Собиров, — паст овозда давом этди Маҳмуд. — Яна ким билади дейсиз... Балки, ўзиям ўтиргани учун ёзгандир, а?

— Шунақасиям бўлади, — жавоб берди Охунжонов жавон эшикчасини ёпаркан. — Юр, тоза ҳавода чой ичамиз... Едгоров қайноқ сувга кетди.

Маҳмуд «яхши» дегандай бир қараб қўйди-да, энгашиб жавон ичига кўз ташлади. Жавоннинг юқори бўлмасида бир даста онасидан, Малинадан келган хатлар ётарди. Пастда — чой, шакарқанд, нон, икки бўлак пиширилган қази. Маҳмуд бир оз ўйлаб турди-да, хатни юқори бўлмага қўйди, қази билан нонни олди.

Маҳмуд ҳамон Куранинг таклифини, буларга айтсамми, айтмасамми, деб иккиланиб ўтирарди. Борди-ю, рад этса Кура ва унинг «оиласи» билан очиқдан-очиқ тўқнашишга тўғри келишини биларди у.

— Қазидан ол, — Маҳмуд кесилган қази бўлақларини Едгоровга яқин сурди. — Бегонага ўхшаб ўтиришингни қара-я.

— Қўйсанг-чи,— рад этди у,— жавони бўшаб қолибди-ю, бу сахийлигини қўймайди-я.

— Ол, ол, деяпман!— хафа бўлди Маҳмуд, катта бир бўлакни олиб Едгоровнинг қўлига тутди.— Олавер, бари бир йил бўйи асраб бўлмайди. Олсанг-чи!

Охунжонов букчайиб ўтирар, уларнинг гап-сўзларини эшитмасди. Қулт-култ чифир ичаркан, борган сари қоғоғи солиниб, хаёлга ботарди. Едгоров, обрўйини қўлдан бермаслик учун, қазини аста-секин, истаб-истамай чайнарди.

— Жин урсин, шахсият тушунчаси мана шундай йўқ бўлиб кетади-да...

— Гапингни қара-ю,— нимагалигини ўзиям тушунмаган ҳолда хижолат тортди Маҳмуд.

— Мен эмас, мана бу гапираяпти,— деди Едгоров қорнига ишора қилиб.— Гапига кирган шахс аввал муҳит оловида эрийди... Шундай эрийди, шундай бўшашадики, оқибатда оддий тувакка айланиб қолади...

— Маҳмадана!— тўнгиллади Охунжонов,— нима, ҳалиям хат ёзмаяптими оинг?

— Ёзмайдиям, яхши биламан оймни,— ясама бепарволик билан деди Едгоров.

Охунжонов ҳам, Маҳмуд ҳам унинг овозидаги ясама оҳанг, яширин дардни сезиб туришарди.— Эҳ, ойи, ойи! Биламан-ку ахир... Тушундим ҳаммасини... Мунча қийнама-сангиз мени!...— Едгоров юзини ўгирди.— Беш йил давомида биттаям хат ёзмаслиги мумкин. Она эмас, темирнинг ўзгинаси...

— Айб ўзингда!— бўғилиб деди Охунжонов.— Йигитнинг ишими, аёлга қўл кўтариш, яна иккиқат бўлса! Сендақа Отеллони қара-ю!

Маҳмуд Охунжоновни, секин, нима кераги бор, дегандай туртиб қўйди.

— Сизам турткилайверманг, Улмас ака,— илтимос билан деди Юрка,— ҳеч бўлмаса сиз турткиламанг!

— Сен ўзингни ўзинг турткилаяпсан!— тескари ўгирилди Улмас, кейин ўзига ўзи гапиргандай қўшиб қўйди.— Ҳаммамиз ҳам... Гуноҳқормиз...

## II.

— Ўйлаб бўлдингми, ё яна чайналасанми?

Маҳмуд тушликнинг сўнги дақиқаларидан роҳатланиб, тахланган тахталар устида офтобда товланиб ётарди. Унинг гаши келди, кўзини очиб, қуёш нуридан сақлайдиган қора кўзойнак тақиб олган Толкуновни кўрди.

Ҳозир уни умрида биринчи марта кўраётгандай эди. Сиртдан қараганда Славкани Кура билан боғлайдиган ҳеч нарсаи йўқдай. Шу ерда, колонияда ҳам у ўзида зиёлиларга хосликни, бой ички олаמידан дарак берувчи қандайдир фазилатларни сақлаб қололгандек. Айтишларига қараганда Толкуновнинг отаси кўзга кўринган физик олим, онаси эса кафедра бошлиғи эмиш. Толкуновнинг ўзи ҳам университетда тахсил кўрган, бешинчи курсдалигида айбдорлар курсисига ўтирган. Ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмагани ҳолда мастлик билан отасининг «Волга» машинасини ҳайдаган, одам босган. Колонияда Кура дарров уни ўз «қарамоғига» тортди, талтайтирди. Бу Курага озмунча имконият бермади... Славка тикан симларга ташланишга ҳам тайёр, ўзини ҳар қўйга соларди. Худди шу дақиқаларда Кура ўз «оиласи» билан унинг ёнида пайдо бўлар, бир думалоқ чой ёки ундан ҳам ўткирроқ ичимлик уларда доим топиларди... Уни коллектив «совети»нинг раиси қилиб сайлашгандан кейин, айниқса Курасиз иши битмайдиган бўлиб қолди.

Қидашнинг ўринбосари лейтенант Иброҳимов кўнгилсиз ҳодиса рўй беришидан доим хавотирланиб юарди.

— Интизом,— такрорларди у тез-тез саф олдида ҳам, мажлисларда ҳам кўрсатгич бармоғини биггиз қилиб,— ҳамма нарсаи белгилайди. У ҳаётнинг илдизи. Қаерда интизом яхши бўлса шу ерда ҳамма нарса бор, интизом йўқ жойда ҳеч нарса йўқ. Колонияда бошбошдоқлик йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас!

Колонияда чиндан ҳам темир интизом ўрнатилган. Отрядда эса «интизом» ундан ҳам қаттиқроқ. Бу ерда ҳамма ишларни Кура ва унинг тўдаси бошқарарди. Улар билан пачакилашиб ўтиришга ҳеч кимнинг тоби йўқ. Шунинг учун ҳам ҳар мажлисда Иброҳимов коллектив «совети» раисини мақташни унутмасди. Толкуновни отрядда чиндан ҳам ҳурмат қилишар, айниқса, ўқиган китобларининг қизиқ воқеаларини айтиб бериши кўпчиликка ёқарди. Бу ерда кўпчилик турли тарихий воқеалар ва шахслар, айниқса Славка алоҳида ургу бериб, кўпиртириб гапирадиган Юлий Цезарь, Александр Македонский, Темур, Иван Грозний ҳақида ҳеч нарса эшитмаганди...

Маҳмуднинг юрагига ҳеч нарса сиғмасди. Нима қилиш керак?.. Борди-ю, розилик берса-ю, кейин ҳаммасига тупурса қалай бўларкин?..

— Нега нафасинг чиқмай қолди? Нима, томоғингга гилдирак тикилдими?— тепасига келди Толкунов, кейин тўсатдан гап оҳангини ўзгартирди.— Сенинг ҳалол йигитлигингни ҳисобга олиб, бошқалардан кўра шу бўлгани тузук, деган қарорга келувдик! Узинг биласан, нон..!

Маҳмуд индамай унинг кўзларига тикилди. У нима учун нон тарқатиш бўлимига ишга ўтишини тавсия қилаётганини яхши билади. Ҳа, жуда яхши билади! Толкунов газаб ва нафрат билан тикилиб турарди. «Қўрқоқ! Бунақаси даммини чиқармайди,— ўйларди у.— Кура нима деса сўзсиз бажаради. Тартиб ҳам, интизом ҳам жойида...» У ҳаммадан, ҳамма нарсадан нафратланарди. Курани ҳам, Маҳмудни, Оқпарни, Морячокни, Куранинг ҳамма алтоқларини кўргани кўзи йўқ, шунинг учун ҳам аранг ўзини тутиб турарди.

— Нима, сен масхара қилаяпсанми мени,— бирдан бақириб юборди у.— Нон тарқатишга ўтасанми, йўқми? Бўл!

— Сен менга бақирма,— паст овозда, лекин кескин жавоб берди Маҳмуд.— Тупурдим ўша нон тарқатиш бўлиминга, билдингми, тупурдим!..

Толқунов бир неча дақиқа унга тикилганча турган жойида қотиб қолди. Кейин лабини ғалати қийшайтириб, елкасини қисиб қўйди-да, кетди. «Бу ёғи қандоқ бўлди?— Маҳмуд кафти билан намхуш пешонасини артиб қўйди, ачиқ кулди.— Қўрқаяпсанми! Тер чиқиб кетди пешонангдан!»

Кечқурунги текширувдан кейин ҳамма ўз баракларига тарқалаётганда Маҳмуд орқасидан урилган зарбдан қалқиб кетди. Ўзини тутолмай йиқилди, юз-қўллари шилинди.

— Нима бўлди, Маҳмуд?

Бир неча киши унинг атрофини ўраб олди.

— Нима гап?— сўради кимдир қоронғуликдан.

— Қоқилиб кетди-и...— тиржайганча Маҳмуднинг устига энгашиди Федя Морячок.

— Оғриятими, а?— унинг орқасидан мўралади Генка Оқпар.— Вой-вой-вой!

Федя Морячок оғзини Маҳмуднинг юзига яқинлаштирди-да, қаттиқ пишқирди, жиркангандай афтини буриштирди.

— Э-ҳа, биродар, мастсан-ку!

— Ростданми?— Генка Оқпар шолғомдай бурнини Маҳмуднинг юзига ишқади, чапак чалиб қўйди,— оғайнилар, ичволган! Ичгандаям қандоқ денг! Оёғида туролмайди!

— Бақиравермаларинг!— Кура олдинга чиқди, туришга ёрдамлашган бўлиб, қўлидан тортди.— Озроқ ичса ичибди-да! Ким ичмайди дейсиз!

Хайрат билан Курага тикилганча Маҳмуд ўрнидан турди. Ерилиб кетган энгагидан қон оқарди.

— Ифлос экансан!— хириллади у.

— Кимни айтаяпсан?— Морячок Маҳмуднинг устига бостириб кела бошлади, Кура уни тўхтатиб, бош чайқади.

— Шовқинсиз!— У Маҳмудга ўгирилди.— Қўпол экансан, студент!

Шу дақиқа жағига урилган зарб уни яна ерга чўзилтирди. Куранинг ялтоқлари уни тепкилайбошлади. Маҳмуд деярли оғриқни ҳис қилмай қўйганди...

— Маҳмуд, сенга нима бўлди, Маҳмуд?

Охунжонов каравот устига энгашиб, унинг елкасидан ушлаб силкитди. Маҳмуд зўрға қаддини кўтарди, аланглаб баракни кўздан кечирди, ёнида турган Ёдгоровга ўгирилди. У калтакланган Маҳмуддан кўз узмай қотиб турарди.

— Айтсанг-чи, ким калтаклади сени, а?— Охунжонов Маҳмудни яна силтади.— Айт!

— Қўйинг,— ҳолсизлик билан деди Маҳмуд.— Ҳеч ким калтаклагани йўқ. Узим. Йиқилиб тушдим. Узим...

\* \* \*

Маҳмудни бир кунга баракда қолдиришди. У Малина ёзган хатларни олди, айрим жойларини қайта-қайта ўқиб чиқди. Қиз ҳарфларни аниқ, чиройли, биртекис ёзарди, «...Биласанми, мен кечаси ёлғиз сайр қилишни яхши кўриб қолдим... Йўқ, ростдан, бир ўзим сайр қиламан. Уйдан чиқишим билан мени сен кутиб олсан, иккаламиз истироҳат боғига борамиз, ўша ўзимизнинг хиёбонга... Узимиздан бошқа ҳеч ким йўқ, ҳамма уйқуда, гаплашамиз... Ҳеч ким халақит бермайди, билганимизни қиламиз... Ишонасанми, баъзан нафасинг, лабларинг тафтини аниқ ҳис қиламан. Сен ҳар галгидек ширин куласан, қўлларимни кафтларинг орасига олиб иситасан... Бутун оламда фақат сен, фақат мен, фақат тун..»

Маҳмуд кўзларини юмди, хаёл уни ўша ёқларга: Малина қолган жойларга — хиёбон, фаввора, чўқмор билан тош йўнаётган Фарҳод ҳайкали ёнига олиб кетди. Малинани доим шу ерда кутарди.

Ана у, узоқдан қўлларини силкитиб, қувноқлик билан нималардир деб қичқирганча чопқилаб келаётди.

У шошимай Малина томон юради... Қизик, нега у фақат яхши кунларни эсларкин... Озмунча хафа қилармиди шўрликни, худди қўғирчоққа қарагандай қарарди. Бунга қиз билар, хафа бўлса Маҳмуд парво қилмас, аксинча, ўз устунлигини ҳис қилиб, лаззатланарди. Нимаси устун экан ундан?.. Балки шундай бўлишига Малинанинг ўзи сабабдир, Мехрибонликни ҳам ҳаддан ошириб юборар, бирон гапини ерда қолдирмасди-да!.. У бўлса... Қизга айб қўйиб ўтирибди-я! Севгини айблаб бўларканми! Уша пайтларда тушуна олармиди қизнинг юрагидан нималар ўтаётганини? Ҳозир-чи, ҳозир унинг севгисини қадрлай оладими? Тушунадими?

Ниҳоят ниманидир тушунгандай бўлди-ку... Тўғрироғи, тушунгиси келиб қолди... Ахир, мана бу қўлидаги хатларсиз унинг ҳоли нима кечарди?.. Ҳар кунга бир-бир ўқиб чиқади, ёд бўлиб кетган ҳаммаси. Қўлига олса бас, руҳи энгил тортади, хаёли тиниқлашади. Унинг меҳрибон товушини эшитгандай, ёқимли табассумини кўриб тургандай бўлади...

Малина тўсатдан қадамни секинлатади... Тўхтайтиди, юз ифодаси ўзгаради, ранги оқариб, жонсиз суратга айланади. Унга қараб бошини чайқади, Маҳмуд пешвоз чиққанида чўчиб, ўзини орқага ташлайди.

— Малина, сенга нима бўлди? Бу мен-ку, мен ўзим! — қичқиргиси келди, лекин овози чиқмади, нафаси тикилди.

Қиз унга нимадир деди: аниқ кўрди, лаблари қимирлади, шивирлади. «Ҳеч нарса эшитмайман?» — бақирди у, лекин сўз ўрнига томоғидан пишқириб отилиб чиқди. Кимдир томоғидан бўғаетгандай...

— Мана, ниҳоят учрашдик ҳам! — Кура унинг юзига тикилди, нафасини сиқаётган нарса унинг йўғон бармоқлари экан. Маҳмуд хушдан кетаётганини сезиб қолди. Куранинг кўзлари каттаёбошлади. Улкан шарга айланди, гўё ҳозир чаноғидан отилиб чиқади-ю, уни босиб қоладигандай. Кейин... кейин ўз-ўзидан яна тораёверди, тораёверди... Охири ўткир тигдек ярқирок нур тушиб турган ёриққа айланди. Нур жонланди, Маҳмуднинг устидан сирғалиб ўтди. Аввал қўллари, кейин оёғи узилиб тушганини, кейин ҳаммаси ҳавога кўтарилиб кўз олдидан сузиб ўтганини, қора горнинг ичига кириб, ғойиб бўлганини даҳшат босганча кўриб турди.

Маҳмуд ваҳм босиб, қичқириб юборди. Оғриқдан эмас, йўқ айнан ваҳм босиб қичқирди. Чунки у оёқ-қўлсиз, мажағи чиққан ҳолда қандай яшashi мумкинлигини тасаввур қилолмасди. Кимга кераги бор бу ҳолда! Улгиси келди, лекин қандай қилиб? Душманининг кўзларига тикилганча ерда чўзилиб ётибди. Кура тобора қаттиқроқ хахолайди. Тепасида ғолибона турганча хахолаётганида бир кўзи юмилади, бир кўзидан қуюқ тутун чиқабошлайди, ерни қоплайди, бурнига тикилади, ўпкасини тўлдириб, ёриб юборгудай бўлади...

Маҳмуд ўзининг бўғиқ йўталидан ўзи уйғониб кетди. Қаҳ-қаҳадан барак ларзага келгандай бўлди...

У ғазабдан титраб, ўрнидан ирғиб турди, кўзи чўян печка ёнида ётган оташкуракка тушди. Ушанга қараб интилган эди, оёғи остида нимадир шалдиради, Чалғитди. Оёғи остида тўзиб ётган Малинанинг хатлари чалғитди... Ловуллаб турганида устидан совуқ сув қуйгандай бўлди.

«... Маҳмуд, яна бирга бўладиган кунларимизга қанча қолганини ҳисоблаб юрибман. Кунлар, минутларигача. Ҳаммаси бўлиб саккиз юз етмиш тўққиз кун ёки бир миллион икки юз олтиш тўрт минг уч юз йигирма тўрт минут қолибди. Е тавба ... мунча кўп бўлмаса! Бавзан, сени кўрмай ўламанми, деб қўрқиб кетаман. Кейин тишимни-тишимга қўйиб, қўлимни мушт қиламанда, ўзимни ўзим тинчлантираман: «Йўқ, чидаш керак! Ахир унга сендан кўра қийинроқ-ку, шундай бўлсам чидаяпти!» Қанчалар соғинганимни билсайдинг! Кутаяпман... Кутаяпман... Биз ҳаммамиз кутаяпмиз, Маҳмуд! Мен ҳам, ойнинг ҳам, ҳаммамиз!»

— И-и-х... са-а-нлар! — гижинди у, тиз чўкиб, хатларни йиғиштира бошлади.

Кимдир бочкадан бир кружка сув олди, куяётган ёстиққа сепиб ўчирди. Баракка ҳовлиқиб Охунжонов кирди, тўғри Маҳмуднинг каровати томон юрди. Ёстиқдаги доғларга қаради, ёш дўстининг алам тўла нигоҳини учратиб, ғазаб билан бақирди:

— Ким қилди?

Ҳеч ким жавоб бермади, фақат Морячок безбетлик билан тиржайиб қўйди-да, намойишқорона бепарволик билан эшик томон йўналди.

— Сен шощма! — тирсагидан ушлади уни Охунжонов.

— Хм-м! — бурилди Морячок, — бирон гапинг борми?

У кенг елкаларини керди, кафтининг орқаси билан чап қўлининг кафтига бир неча марта уриб-уриб қўйди.

— Нима дердим сен қашқирларга! — ҳансираб, ғазабдан аранг ўзини тутганча гап бошлади Охунжонов. — Лекин... агар Умаровни ўз қолига қўймасаларинг, ҳамманг билан ўзим гаплашаман! Ҳамманг билан, эшитиб, қулоқларингга қўйиб оларинг!

— Нима бўлди, Улмас ака?

Остонада сапчишга тайёр турган мушукдай Едгоров кўринди.

— Сенлар мени яхши биласизлар! — жаранглади Охунжоновнинг ғазаб тўла йўғон овози. — Сўзим ерда қолмайдиган одамман. — Морячокка қараб, башарасига пишқирди. — Сен билиб қўй!

— Нима бўлаяпти бу ерда ўзи?

Баракка кириб келган Иброхимов бир Морячокка, бир Охунжоновга қаради.

— Умаров ҳунар кўрсатаяпти, — бурчакдан овоз берди «Бетайин» лақабли Куранинг ялтоқларидан бири.

— Ҳа, чекиб, ёстиқни куйдириб қўйибди-ю, айбни бошқаларга ағдармоқчи. — Морячок эсанкираб қолган Маҳмудга имо қилди.

— Менга қара, Умаров! — лейтенантнинг овози темирнинг жарангидай совуқ эшитилди. — Ҳа бошингга ўзинг етадиганга ўхшайсан? — Эшикни тарақлатиб ёпиб кетди.

— Гражданин бошлиқ! — унинг орқасидан югурди Охунжонов. — Гражданин бошлиқ!..

Морячок ҳам ошналари билан кўз қисишиб олиб, бирин-кетин баракдан чиқишди. Маҳмуд ҳолсизланиб, ўзини кароватга ташлади. Нурсизланган кўзларини бир нуқтага тиканча хаёлга берилди: «Эҳ, Малина... Ким билади, бу азобларга чидайолармикинман?..»

## 12.

Маҳмуд ишдан чиқиб, тўғри баракка кирди. Кечки овқат олдидан бўладиган текширувга қадар ўзини тартибга солиб олиши керак. Чарақлаб турган куёш ёруғидан тўғри баракка кирган Маҳмуд ҳеч нарсани кўрмай қолди. Ҳаммаёқ тим-қоронғи.



Эҳтиёткорлик билан тимирскиланиб оёқ босади. Кўзи қоронғиликка кўникиб улгурмасдан олдинда қикирлаган овоз эшитилди.

Маҳмуд тўхтаб, олдиндаги одам шаклига диққат билан тикилди.

— Танимадингми?

Кимдир унинг кароватидан қўзғалди, унга қараб юрмади, турган жойида тураверди.

— Й-й-ўк,— Маҳмуд зўр бериб, бу таниш овозни қаерда эшитганини эслашга уринди.

— Маҳмуд, ростдан танимадингми мени, а? «Одам суяклари келаяпти, унинг орқасидан яна биттаси...» — босиқ овоз билан чўзиб деди нотаниш.

— Владка, бу сенмисан! — отилди унга томон Маҳмуд, қоқилиб елкаси билан кароват суянчигига урилди. Агар узун қўллар тутиб қолмаганда, йиқилиши турган гап эди. — Владка!..

— Узингни ўлдириб қўйма, кейин мени жавобгар қилиб юришади, — қулди меҳмон.

Улар бир-бирларини кучоқлаганча кураш тушаётган полковлардай тор жойда гир айланишарди.

— Сени учратарман деб сираям ўйламовдим! Хаёлимгаям келмовди... — Владка Маҳмудни бағрига шундай босдики, унинг қовурғалари қисирлаб кетди.

— Улдириб қўйма, тентак! — ниҳоят у Владканинг исканжасидан сирғалиб чиқди, нафасини ростлаб, ўзини кароватга ташлади.

Улар ён қўшни, ораларида битта девор бор эди, холос. Йўғон гавдаси, узун чайир қўлли, боксерларникига хос яноқлари туртиб чиққан, катта оғзининг лаблари қалин, доим қуруқшаб юрадиган Владкани кўрган одам энди ўн саккизга кирганига ишонмасди. У чиндан ҳам эски кинолардаги паҳлавонларни эслатарди. Маҳмуд унинг елкасидан келади. Эси бор одамлар одагга бундайлардан челлаб ўтишга уринади. Лекин у билан бир дақиқа суҳбатда бўлиб, юмшоқ, ёқимли овозини эшитган, серкиприк, тортинчоқлик акс этиб турган мовий кўзаларига кўзи тушган одамда бундай туйғудан асар ҳам қолмайди. Унинг бу кўзлари узун қўлларини, чорпахил елкаларини унутишга мажбур қилади. Владка Фармонов — Маҳмуднинг дўсти, шунақалардан.

Кидаш билан Иброҳимов катта ёзув столи атрофида бир-бирларига қарама-қарши ўтиришарди. «Бирон нарса хусусида баҳслашибди-ю, ҳали бир ечимга келишолмабди» ўйлади Маҳмуд ўзича.

— Негадир кейинги пайтларда деворий газетамиз оқсаб қолаяпти... — гап бошлади майор. — Умаров, янглишмасам, сиз студент бўлсангиз керак?

«Ана холос, — ижирғанди ичида Маҳмуд, — бошлиқларга ҳам «ақллилар» керак бўлиб қолибди». Ўзини тиёлмади. Киноя билан сўради:

— Нима, интизом ҳақида ёзишим керакми?

— Шундай, — унинг сўзини илиб кетди Иброҳимов, — интизом ҳақида ёзасиз. Узингиз ҳам интизомингизни тузатасиз. Фойдаси бор.

Майор унга норози қиёфада ғалати қараб қўйди. Маҳмудга ўгирилганди, кўри-нишдан кўпол юзида ёқимли табассум жилваланиб кетди.

— Ижод эркинлигини чегараламаймиз.

— Нимаям ёзиб бўларди? Кура Толкунов билан бирга «тарбиявий ишлари»ни авж олдириб турганда.. Эркинлик ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?!..

— Нега энди, — елкасини қисди майор. — Наҳотки сиз билан бизнинг ишларимиз шу қадар ёмон бўлса? Мана, сизнинг бригадангизни олиб кўрайлик, назаримда бинойидек ишлаяпти. Фақат бу эмас. Клубда, баҳслашмайман, камчиликлар бор, лекин ҳар қалай нимадир қилинапти. Уларнинг активроқ бўлсаларинг, янаям яхши бўларди. Шундай эмасми, Умаров?.. Табиий, камчиликлар ҳақида ёзишингиз мумкин. Умуман, ўйлаб кўринг, ҳеч ким сизни шошилтаётгани йўқ.

— Ҳа, тўғри, шошадиган жойи йўқ, вақт етиб ортади... Асабийлик билан минғирлади Маҳмуд. Майор билан учрашув нимагадир унга қаттиқ таъсир қилган эди.

### 13.

Маҳмуд кутилмаганда ўзи билан ўзи гаплашиш одат бўлиб қолганини сезиб қолди. Руҳи билан вужуди гўё бошқа-бошқа яшаётгандай. Вужуди ўзича ҳаракат қилаберади: юради, қоришма тайёрлаш, суваш, гишт териш, овқатланиш, лекцияларда ўтириш, тунда дам олиш каби вазифаларни бажараверади. Руҳи эса алоҳида, ўзгача яшайди, вақт ўтказади...

Маҳмуд бу ердан, узоқда, филфак ёшиги олдида турибди. «Ҳадемай эшикдан чиқиб келади...» Чиндан ҳам у эшикда пайдо бўлди.

— Куттириб қўйдимми?

— Ҳозиргина келувдим. Бир ўзинг чиқдинг... Қолганлар қани?

— Мажлис бўлаяпти, — деди Малина. — Қочиб чиқдим. Чунки, мени сен кутиб турувдинг...

«Кутаётганимни билмас эдинг-ку, ахир!» дегиси келди, лекин индамади. Улар бирга «Гулдаста» фонтани ёнидан ўтишди. Фонтан одатдагидек бугун ҳам ишламас, шунга қарамай шаҳарликлар уни ёқтириб қолганлариданми, ҳар доимгидек атрофида уймалашишарди. Яшил тусга кириб қолган сув юзида газета парчалари, сигарета қолдиқлари, гугурт қутилари сузиб юрибди. Фонтан ҳовузи тагида хазонлар, ҳар жой-ҳар жойда тангалар ялтираб кўринади.

— Эсингда борми, мана шу ерда эстрада бўларди бир вақтлар? — сўраб қолди Малина.

— Яқшанба кунлари кино қўйишарди, — жилмайди Маҳмуд.

ИСФАНДИЕР ♦ МЕНИ ТОНГДА УЙГОТИНГ ♦ ҚИССА

— Миша амаки баян чалганда доим атрофини болалар ўраб оларди.  
 — Ҳа, боғ болаларники эди... Ана у ерда эса «От ўйини» бўларди. Эсингдами?  
 — Деярлик ишламасди.  
 — Ишларди. Фақат қўл билан айлантириш керак эди. Мен болалар билан неча марта айлантирганман...  
 — Нега биз бир-биримизни билмас эканмиз? Учрашмаганмиз ҳам.  
 — Балки учрашгандирмиз. Эътибор бермаганмиз, холос. Ниманиям тушунарлик у пайтда!— Маҳмуд кулди.— Мен уришқоқ эдим. Унақалар қизлар билан судралиб юрмайди...  
 — Берухсат чиқиб келганингни билиб қолишса нима бўлади?..  
 — Ҳеч нарса,— у Малинанинг елкаларидан қучди.— Билишмайди-ку, ахир...  
 — Қандай яхши!  
 — Нима «яхши»?  
 — Ҳар куни учрашишимизга ҳеч кимнинг халақит бермаслиги. Тўғрими?  
 — Ҳа.  
 Энгашиб, қизнинг юзини ўзига қаратди-да, ўпди.  
 — Биласанми, ҳақиқий озодлик нима эканини мен эндигина тушундим. Агар сени кўрмаганимда, ёки мендан юз ўгирганингда аллақачон колониядан қочиб кетардим.  
 — Мен олдинга қувлаб борардим...  
 — Жинни, бу гапларни қўй. Мени кут яхшиси, ҳар куни кут. Шунда мен доим ёнингда бўламан.  
 — Кутаёпман.  
 — Бу бошқа гап. Юр, музқаймоқ еймиз.  
 — Бу ерда музқаймоқ йўқ.  
 — Э-ҳа, бу боғ мазали музқаймоқ сотадиган болалар боғи эмаслигини унутибман...  
 Болалигимизни эслаганимиз яхши бўлди-да... Дунёда сенинг борлигинг, сенинг олдинга қочиб келиш мумкинлиги қандай яхши! Бу менга куч-қувват беради. Акс ҳолда чиндан ҳам қочиб кетган бўлардим, гарчи қочиб даҳшатли ва қип-қизил аҳмоқлик бўлса ҳам. Қочаётганлар ҳамма нарсага ишончларини йўқотиб қўйишади...

\* \* \*

— Менга қара, биродар, чектирмайсанми?  
 Маҳмуд кўзини очди. Едгоровнинг олдида Кура, унинг орқасида Бетайин билан Морячок турарди.  
 — Паст кетма, хўжайин, олақол!— аҳмоқона пишқирди Бетайин.  
 Едгоров ўтирган ерида ёстиқ остидан мажорка халтасини олиб, Курага узатди.  
 — Мерси, Юрок!— масхарабозлик қилиб қийшанглади Кура.  
 — Менга қара, ейдиган нарсанг йўқми?.. Нега индамайсан, биродарингдан қизганасанми?  
 — Биз сен билан биродар эмасмиз,— бўғилди Едгоров.— Менда ҳеч нарса йўқ!  
 — Қанақасига йўқ? Мамашангни катта бошлиқ дейишади-ку?  
 — Нарн тур, эшитдингми, нари тур!— Едгоров тескари ўгирди юзини.  
 — Шуям маданият бўлди-ю,— Кура ошналарига қаради.— Биз уни одам деб гаплашсак, юзини буради-я. Урнидан қўзғалмайдиам, оддий меҳнат аҳлидан ҳазар қилаяпти.  
 Ошнalar қиқир-қиқир қулишди.  
 — Дам солиш керак,— гапга қўшилди Бетайин,— кейин жамоатчиликни ҳурмат қиладиган бўлади.  
 — Тўғри фикр, а? Сен нима дейсан, Морячок?— кўзини қисди Кура.  
 Морячок олдинга ўтиб, Едгоровнинг устига энгашди.  
 — Ҳей, сенга гапираяпти!  
 — Хўш, сенга нима керак ўзи?— Едгоров қизишди.— Муштлашмоқчимисан? Тўғриси айтибер!  
 — Шундай бўлса-чи? Кўрганмиз сендақа боксерларни!..  
 — Нима кераги бор, дарров муштга зўр беришинг,— Кура таъна қилгандай бош чайқади.— Балки, яхшиликча гаплашиб олармиз, а? Юрка? Бундоқ жилмайсанг-чи бир, бахтсиз кунларнинг биродари?  
 Едгоров Курага ёнлаб қаради, у оғир, узук-юлук нафас оларди.  
 — Жилмая қолсанг-чи, сендан сўрашаяпти!— унинг биқинига туртди Морячок.  
 — Қўлингни то-орт!— ҳайқирди Юрка кароватдан ирғиб туриб. Унинг чапдаст вужуди жангга шайлади.  
 Маҳмуд жавони олдида ўтирганча бемақсад тимирскиланар, ўйларди: «Аралашма. Сен ёлғизсан, улар кўпчилик, ноҳақ бўлиб чиқасан. Бардош беришинг, колониядан тезроқ чиқиб кетишинг керак. Қолгани билан ишинг бўлмасин». Боши зирқиради, чакка томирлари ҳайқириб оқаётган қондан ёрилгудек эди. Буни нокулай ётиб қолганига йўйди. Лекин Куранинг безбетларча айтаётган гаплари, таҳдидли овози Маҳмуднинг устига қора қуюн мисол ёпирилиб келаётгандек эди.  
 — Кўлимни тортмасам-чи!..— майна қилди Морячок.  
 — Жонингдан тўйдингми?— Едгоровнинг овози титраб чиқди. Морячок бостириб келар, у аста-секин тисариларди.  
 — Ҳа, йўл бўлсан?— Едгоровнинг юзига қўл чўзди Морячок.  
 — Ух, ифлос!— қичқирди Едгоров ва кутилмаганда Морячок шилқ этиб қулаб тушди. Кура бошлиқ тўда Едгоровнинг устига ташланди.

— Тўхта-а! — тўсатдан уларнинг рўпарасида Охунжонов пайдо бўлди. — Тўхтанглар!..

У Бетайинни бир томонга улоқтирди, Курани қўлидан тутди.

— Аралашма, Улмас, — лабини қийшайтирди Кура. — Тушмуғингни тикма бировнинг ишига!

Маҳмуд ҳам Охунжоновлар ёнида пайдо бўлди. Кура унга еб қўйгудай тикилиб, ҳайқирди:

— Сенга нима бор, студент? Жонингдан тўйдингми?..

Маҳмуд қилт этмади. Кура энди Охунжоновга ўғирилди.

— Мушглашамизми, амаки?

— Мен мушглашмайман, — қошлари чимирилди Охунжоновнинг. — Мен фақат ўлдирман! Мени яхши биласизлар, итваччалар.

— Кет, Кура, — Маҳмуднинг ёнида пайдо бўлган Владка Фармонов мижарога аралашди. — Ўзинга қийин, бир гап бўлса муддатингга муддат қўшиб беришади, бу қилигинг яхшиликка олиб бормади.

Кура хўмрайганча лабарини тишлар, бўғиларди:

— Ҳа, майли... Кейин гаплашамиз... Қўрамыз!..

У йўлакка чиқди, орқасидан ошналари эргашишди. Бетайин Морячокнинг қўлтиғидан ушлаб олган. У калтак зарбидан ҳали ҳам ўзига келолмаганиб, Остонага етганида орқасига ўғирилиб, дағдага қилди:

— Қарзинг бўйнимда, эсингдан чиқмасин!..

— Йў-ўқо-ол! — ҳайқирди Охунжонов. Кейин оғир хўрсинди-да, ҳеч кимга қарамай аламини бўшлиққа тўкди: — Эҳ, одамлар, одамлар... Нима етишмайди сенларга ўзи? Нимага шунчалик бир-биримизни кўролмаймиз, итдек ғажияшамиз! Дунёга бир бор келамиз-а! Э-э-эх!..

— Ифдослар! — кароватининг устини тартибга келтираётган Едгоров бирдан қақдини кўтарди-да, баракда қолганларга алам билан деди: — Ваҳшийсанлар ҳамманг!..

— Жини қўзиди, — кимнингдир овози эшитилди. — Пастроқ туш, йигит!

— Унинг гапи тўғри, — ёнини олди Охунжонов, — ҳамманг бир иш бўлса думингни қисиб қоласанлар.

— Йўк, нимаси тўғри экан, — ўзиям кутмаган ҳолда қизишиб кетди Маҳмуд, — сен, Юрка, фақат ўзингни биласан, бир ўзим ҳақман деб ўйлайсан. Бошқалар ҳам одам, ҳурмат қилиш керак.

— Тушунмадим, — Едгоровнинг қошлари чимирилди. — Бу ердагилардан кимни ҳурмат қилишим керак?

— Мана, кўрдингми, Кура ҳам худди шундай деб ўйлайди. Хўш, ундан қаеринг ортиқ? — Ҳозиргина ҳаммани ҳақорат қилдинг... Шулар сенинг ёнингни олсинми?..

Маҳмуд энди ўзини тўхтатолмасди. У Едгоровни ҳам, ҳозирги ҳодисани бурчак-бурчакда томошабини бўлиб кузатган баракдагиларнинг ҳаммасини ҳам, ўзини ҳам айбларди. Бунақа воқеа фақат бугун бўлаётгани, бундан кейин бўлмади деб ким айтаолади? Нега Улмас ака қараб турмади, ўртага тушди. Ўзи-чи? Иккиланди, аввал кимдир қўшилишини кутди, пасткашлик қилди. У бутун ғазабини тўкиб солди. Балки унинг гапларини, аччиқ ҳақиқат тўла гапларини тинглашгани учун енгил тортгандир...

#### 14.

Улар яна ўша истироҳат боғларидалар. Икковидан бошқа ҳеч ким йўк. Бир-бирларига суянганча тахта ўридикда ўтиришибди. Уларга ҳеч ким ҳалақит бермайди. У ўзини ғалати ҳис қилади: назарида боғ одамлар билан гавжуму, ҳатто узук-юлук гапларини, қизларнинг кулгисини эшитгандай бўлади. Малина иккиси бошқа бир оламда, бу олам уларни ҳақиқий муҳитдан яшириб тургандай... Шунинг учун овозларни, қадам товушларини яққол эшитиб туришибди. Қаердандир оркестр овози эшитилади. Сокин, тўлқинли оҳанглардан кўпдан толиққан Маҳмуд, ором олаётгандай.

— Сени биринчи марта учратган кунимни эслаб қолдим, — деди у. Қизнинг майини сочлари бўйинини қитиқлар, ҳузур қиларди.

— Қачо-о-онийди... — кулди қиз.

— Худди кечагидай... Сен кўчадан ўтиб кетаётиб, газ сув ичиш учун тўхтадинг.

— Кун жудаям исиб кетганди ўшанда, ҳатто туфлимни ечиб олгим келувди.

— Мен болаларга «қаранглар, бунақаси ҳеч қаерда учрамайди!» дедим.

— Мен бўлсам... Бегона бир йигит мен томонга чопиб келаётганини кўриб қолдим.

Бир қарадим у, кайтиб ундан кўзимни узолмадим.

— Шундай қарадинг-ки, оёгим, чалишиб, асфальтга юзтубан йиқилишимга сал қолди... Ушанда захархандалик билан мени «бува» деб атагандинг-а...

— Оёгинг чалишгани учун-да! Ушанда менга ёқиб қолган эдинг. Танишмоқчи эканингни дарров сезувдим. Аммо безбетлик қиладиганларни кўрарга кўзим йўқ эди.

— Безбет... Шундай нафрат билан тикилдингки, айтадиган гапларим хаёлимдан кўтарилди. Энди тасаввур қилиб турибман...

— Учрашувга таклиф қилганингда, ўзимга ўзим «сираям бормаيمان» деб сўз бериб қўювдим!

— Шунинг учун ҳам изловдим-да, сени. Ҳар куни кечқурун бўш вақтимда сени учратиб қоларман деб шаҳар айланардим.

Қиз назокат билан кулиб қўйди.

— Маҳмуд, айтиш эсимдан чиқибди, сенга хат бор!

— Конвертга кўзи тушган заҳотиёқ Малинанинг дастхатини таниди.

«Маҳмуд, жонгинам!

Кеча ойингни кўргани боргандим. Хавотир олма, ҳаммаси жойида. Битта янгилик: уйларингга келиб қарасам ўша — Собиров боғларингга ер чопаяпти... Кўзим тушди-ю, йиғлаб юборишимга сал қолди. Нима дейишимни билмайман...

Мен ёмон қараган бўлсам керак, бечора бўйинни қисганча жуфтакни ростлаб қолди. Ойинг «бекор ундай қилдинг» деди. Бекор тик қараганимни биламан. Нима қилай, ўзимни тутиб туролмадим. Муддати тугабди, айбини ювмоқчи шекилли...»

Маҳмуд хатни ёнига қўйиб, бир дақиқа хаёлга толди, кейин яна қўлига олди. «Ўтган вақт ичида кўп ўйладим, кўп нарсаларга бошқача қарайдиган бўлиб қолдим. Кўп нарсалар ташқаридан қараганда жимжимароқ, яқиндан қарасанг аслида қандай бўлса шундай кўринаркан. Сенга ҳам шундай туюлса керак. Мен учун асосий нарса, сенга бўлган муносабатимни ўша-ўша ўзгармай қолиши... Ҳалиги Жёня ҳам мени кўп ўйлашга, кўп нарсаларни тушунишга мажбур қилди. Биласанми, шу пайтгача сенинг ҳақиқий дўстинг бўлмаган: кўполлигим учун кечир, ҳар қалай мен шундай деб ўйлайман. Ўйлаб кўр, ҳатто менга нисбатан ҳам шунчаки...

Маҳмуд, азиим, балки сен турган жой бу нарсалар ҳақида ўйлаб ўтирадиган жой эмасдир. Лекин сенинг бошингга тушган, тўғриси, ҳаммамизнинг бошимизга тушган ишлар ўз изини қолдиради. Мен қаердадир, агар одам ҳақиқий инсон бўлса, бошига тушган ҳар қандай бахтсизлик оқибати унинг учун фойдали бўлади, деб ўқигандим. Тушун, ўзимни эмас, сени ўйлаб ёзаялман. Мен учун сенинг муҳаббатинг кифоя. Тўғри, бу мен учун осонга тушмади. Лекин сен-чи? Менинг, бизнинг муҳаббатимиз сенга бирон нарса бераолдимми?..

Хайр, азиим, Малинангни кечир. Балки бу гапларни ёзиб, нотўғри қилгандирман, кўнглингга озор бергандирман. Энди бундай қилмайман...»

— Маҳмуд, ҳалақит берганим учун кечир.

Охунжонов курсининг бир четига омонат ўтириб, махорка ўради.

— Чекасанми?

— Кўнглим тусамаяпти негадир...

— Тушунарли, — Улмас ичига мириқиб тутун тортди-да, қаттиқ йўталди. — Ўткир экан тамакиси.

— Ташланг чекишни, — Маҳмуд индамай ўтиришни лозим кўрмади.

— Ташлай ўлмайман, — жиддий жавоб берди Охунжонов. — Бир оз бўлса ҳам чалғитади, енгил тортади киши... — У жим бўлиб қолди, кейин конвертга кўз ташлади. — Хат кимдан экан? Уша...

Маҳмуд «ҳа» дегандай бош силкиб қўйди.

— Дуруст қизга ўхшайди...

— Яхши.

— Хотиним судга келганида таниёлмай қолдим. — Охунжонов уҳ тортди. — Кампирга ўхшаб қолибди... — У бармогини чекаётган махоркаси чўғига куйдириб олди-да, алам билан ерга ташлаб, товони билан эзгилади. — Унгаям омон эмас, ёш болалари билан!..

Владка Фармонов келиб, уларнинг ёнига ўтирди.

— Едгоровга хат келди.

— Ростданми? — таажжубланди Охунжонов.

— Кимдан? — энтикиб сўради Маҳмуд.

— Билмадим... Баракка кетди.

Улмас ўрнидан турди.

— Юр, олдига борамиз!

— Нокулаймикин, — иккиланди Маҳмуд. — Кейин сўрармиз.

— Юравер, — эътироз билдирди Охунжонов. — Эҳтимол онаси ёзгандир. Дўстлар бир-бировларининг фақат дардларига эмас, хурсандчиликларига ҳам шерик бўлишлари керак.

Улар келишганида Едгоров кароватда юзбутан чўзилиб ётарди.

— Юра, нима гап? — секин туртди уни Маҳмуд.

Едгоров жавоб бермади.

— Бирор гап бўлдими? — сўради Охунжонов.

Едгоров чуқур хўрсинди, ўрнидан туриб ўтирди-да, юз-кўзини сочиқ билан артиб, уларга ўтирилди. Чехрасига майин табассум ёйилди.

— Бирор гап эмас, зўр гап: онамдан хат келди. — У кафтини очиб ғижимланган бир варақ қоғозни кўрсатди. — Ярим йилдан буён касалхонада экан... Ташвиш қилмасин деган-да... Энди ҳаммаси жойида.

Унинг кўзларига ёш тўлди, юзини четга ўгирди:

— Қўриқиб юргандим бирор гап бўлса кўролмай қоламанми деб...

Унинг гапига қулоқ солиб ўтириб, Маҳмуднинг ҳам юрагини ваҳм босди. Онасига бир гап бўлса... Ҳеч қачон кўролмай қолиши мумкин. Бу ерда ҳеч нарсадан беҳабар гуноҳини ювиб, муддатини ўтаб юраверади. Едгоров унинг ҳолатини тушуниб, далда берган бўлди:

— Ҳаммаси жойида, Маҳмуд!

— Ҳаммаси жойида, йигитлар! — Охунжонов икковини елкаларидан қучиб, ўзига тортди. — Айтмовдимми, ҳаммаси жойида бўлади деб!..

Маҳмуд гишт теришнинг шунчалик ҳадисини олдики, ташқаридан қараган одам унинг чаққон ҳаракатларини кўриб, ҳавс қиларди. Иш энди ундан кўрқарди. Чекиб олиш учун ажратилган вақтдан ҳам воз кечар, иш устида хаёлан ҳордиқ берадиган суҳбатга бериларди...

- Биласанми, Едгоровга онасидан хат келди.
- Биламан, — сирли жилмаяди Малина.
- Қаёқдан биласан? Хат қақида сенга айтмовдим-ку?!
- Тентаквой, — кулади қиз, — хат олмаяпти деб ёзувдинг-ку, ўзинг... Аёллар шунақа, қалби билан ҳис қилади бунақа гапларни... Қалб нималигини биласанми ўзи?
- Айт-чи, сен менга ишонасанми? Ишонасанми, мен буну исботлайман? Исботлаш учун вақтим бор ҳали...

— Ана, кўрдингми, нимани исботлашни ўзинг ҳам билмайсан.

— Биламан, — бирданига ловуллаб кетади у. Чунки қиз ҳақ эди. — Прорабимиз Улмас ака бир йигит ҳақида гапириб берди. Тўғри, маърузачи ёки тарбиячи гапига гоҳо ишонгинг келмайди. Лекин бирга ётиб, бирга турадиган ўртоқларинг айтса... Хуллас, ўша йигитнинг бошига оғир ишлар тушади. Ҳеч ким уни одам бўлади деб хаёлигаям келтирмайди. Ҳамма гап продада экан... У кечки ишчи-ёшлар мактабини битиради. Институтга кириб ўқийди. Қийинчилик билан эришади буларга. Ҳозир ўша йигит катта олим. Новосибирск шаҳрида, «Академиклар шаҳарчаси» да ишлайди, лауреат. Ҳамманиям лауреат бўлиши шарт эмасдир. Ҳар қалай, ўзимни синаб кўрмоқчиман...

Кулгинг қистайди эшитсанг... Тарбиячимиз деворий газетга мақола ёзгин деганди. Ёзишга ёздам-у, ростини айтсам, деворий газетга беришгаям кўрқаман. Устимдан кулишлари мумкин. Владканинг тили билан айтганда, ажойиб бир фикр келиб қолди калламга. Сенга унинг қилиқлари ҳақида ёзгандим... Ке, кўй, ҳеч нарса айтмайман. Мен гапирмадим, сен эшитмадинг. Бўптими?

— Бўпти, — Малина рози бўлади. — Хурсандман, сендан жуда хурсандман. Айниқса, бир хил фикрлардан ўзингни чалғитолганинг учун ҳам хурсандман. Бир меъёрида яшаб бўлмайди-да, ахир! Ҳаётинг гилдирагини ўз қолига қўйиб юборсанг нималар бўлмайди дейсан. Ўша ерларга бориб қолишингга ҳаётингга бошқаролмаганлигинг сабаб бўлди. Энди... кўп нарсани тушуниб қолибсан. Исботлаб ўтирмасанг ҳам бўлади, шундай ҳам севаман сени.

Қоришма тўкилавериби билчиллаб кетган ёғоч ҳавоза оёқ остида тўсатдан чайқалиб кетди. Маҳмуднинг кўз ўнги қоронғилашди, қаддини тутиб, бўш қўли билан пешона терини арди. Тушлик пайти яқинлашиб қолган, лекин овқатланиш ҳеч кимнинг эсига келмасди. Эрталабдан бери ёмғир майдалаб ёғиб турибди, ҳамманинг эғнидаги пахталик чопон ивиб кетган. Шунга қарамай ҳеч ким нолимайди.

- Гишт! — қичқиради юқоридан Едгоров.
  - Гишдан ол!..
  - Қоришма!..
- Ҳозир Владка шериги билан уларнинг олдида пайдо бўлади. Маҳмуд Едгоров ўйлаб тошган иш усулини тушунтириб беради. Владка Юркани ёқтириб қолган. Юрканинг ўзи ҳам онасидан хат олгандан бери яхши томонга ўзгарган. Эҳтимол бунга Кура билан тўқнашуви ҳам сабабдир.

Қоришма тўлдирилган оғир замбил, новча қадди эгилган Владка чиқиб келади. Замбилни терилаётган гиштининг баландлиги баробар кўтариши керак.

- Бўлақол, ҳа... — шоширди Маҳмуд қўлидаги андавасини ўйнаб. — Шу он унинг кўз олди қоронғилашиб, бошида оғриқ пайдо бўлди. Қўлидан андаваси тушиб кетди.
- Дангасалик қилма, бўл! — киноя қилди Бетайин. У Фармоновнинг шериги. — Биз ўлиб-тирилиб ишлапмиз-у...
- Овозингни ўчир, — унинг гапини бўлди Фармонов замбилни пастга қўяркан. — Нима бўлди Маҳмуд, мазанг қочдимми?
- Билмадим... — Маҳмуд аранг қаддини тутиб, қўлига андавасини олди, ранги бир ҳол-бир сар...

- Югур прорабга, — буюрди Владка Бетайинга.
  - Яна нима истайдилар?... Сени ошнанг, ўзинг югур, — тўнғиллади Бетайин.
  - Бўл! — ҳайқирди Владка. У бир қўли билан Маҳмудни суяб турарди.
- Бетайин ҳавозани тарақлатганча югуриб кетди. Ҳадемай юз-кўзига лой сацраган, қулоғига қалам кистириб олган Охунжонов етиб келди.
- Мен у билан қоришма ташимайман, — минғирлаб келарди Бетайин.
  - Учир овозингни, — гапини бўлади Охунжонов. — Ишлаш керак, қани бўл, Владка!

- Сен боравер, боравер, — жилмайишга уринди Маҳмуд. — Хавотир олма.
- Қани, кетдик! — Фармонов замбил олиб, пастга йўл олди.
- Владка унинг таъзирини бераяпти, — мамнунлик билан деди прораб Бетайинга кўз ташлаб. — Сен ҳозирча бир четда ўтиратур, эртага эрталаб врачга йўлиқасан.
- Ҳожати йўқмикан, а? — эътироз билдирди Маҳмуд. — Балки ўтиб кетар... Мен чидайман.
- Гап тамом!

ИСФАНДИЕР ♦ МЕНИ ТОНГДА УЙГОТИНГ ♦ ҚИССА

Врач кўриб, гастрит бошланганини айтди. Иложи борича парҳез сақлашни тайинлаб, дори ёзиб берди. Орадан кўп ўтмай, Маҳмуд ўзини яхши ҳис қила бошлади. Қурилишга қайтди. Қиш кунларининг бирида ишдан келиб, дам олишга ҳозирланаётганда навбатчи иккита конверт тутқазди. Биттаси онасидан экан. Тез кўз югуртириб чиқди. Мазмуни Машканинг хатларидан унга маълум. Фақат онасининг анча кўникиб қолганлиги уни қувонтирарди. Иккинчи конвертга кўз ташлаб, дастхатини танимади. Қизиқ, кимдан бўлдикин?.. Адресга қаради-ю, юраги гупиллаб урабошлади. «Жавоб ёзибди... Ниҳоят жавоб ёзибди-я! Хат ёзишга вақт ажратибди-ку ҳар қалай!»

Маҳмуд қаттиқ ҳаяжонланарди. Қўллари титраб, хатни аранг очди. Ўқий бошлади: «Мени биласан, адабиётчимасман, оддий механикман. Шу сабабли, эҳтимол, аниқ бир гап айттолмасман. Ҳар қалай кўзинг кўп нарсани кўради, бироқ маданият масаласи...»

Иложи борича кўпроқ ўқи. Педагогика институтини тугатишга улгурмадим дебсан. Ўйлаб кўр, балки тугатганинг тузукдир... Биласанми, ўтириб чиққанимдан кейин кўнглимга колонияда тарбиячи бўлсам қандай бўларкин, деган ҳаёл келди. Аниқ фанлардан оқсашимни сездим. Балки сенга насиб қилар, йўлдан адашганларга устозлик қилиш. Аввало савоб иш, қолаверса, ёзининг учун материаллар шунақа кўп бўлади-ки... Айтиб қўяй, энг муҳими, ўзингни тутабилишингда. Баджаҳллик — бачканаликнинг нишонаси. Мард бўл, ҳаёт ҳамма жойда ҳам, ҳаммавақт ҳам сайру машат эмас. Ўлмасга салом айт. Бу унинг сўнги хатоси эканига ишонаман...» Маҳмуд хатни чеккага қўйди...

\* \*  
\*

— Малина, мен сенга кўпдан бери бир гапни айтмоқчи бўлиб юрардим...

— Биламан, ҳаммасидан хабарим бор,— қизнинг кўзлари чақнаб кетди.— Сен Андрей Петровичдан хат олдинг...

— Сендан ҳеч нарсани яшириб бўлмайдим.

— Яширолмайсан.

— Бу — аёллик туйғуси...

— Кўнглим эриб кетди... Мен. сенинг ўзлигингман, биз биргамиз.

— Сенга у ҳақда ёзгандим, ёшлигида менга ўхшаб ўтириб чиққан.

— Эсимда, Сен унга ҳикояларингни юборувдинг.

— Ҳа,— Маҳмуд хижолат бўлди.— Йўқ... Тўғрироғи, улар ҳикоя эмас, шунчаки қораламалар эди, холос... У эса ўқибди, жавоб ҳам ёзибди.

— Сен кўпроқ ўқишинг керак, Маҳмуд.

— У ҳам шунақа дебди.

— Ўқишинг, ўрганишинг керак, шундагина истаган нарсангга эришсан. Сенда қобилият бор. Мен биламан, ишонаман.

— Раҳмат, сенга, Малина.

— Нега миннатдорчилик билдираяпсан?

— Ҳаммаси учун... Йигит қизнинг қора шалолодай қўйилиб, елкаларига тушиб турган сочларини силайди. У кулиб юборади.— Сенинг борлигинг учун, мен билан бирга бўлганинг учун раҳмат!..

— Сен янги ишга ўтибсанми?..

— Ҳа... Нон тарқатишга. Ўзимнинг кўнглим йўқ эди, врачимиз қўймади ўтасан деб.

— Врач?! Нима бўлди сенга?

— Шунчаки, гастрит... Ўтиб кетди.

— Асабдан бўлса керак.

— Эҳтимол. Эртадан кечгача нон тарқатаман. Уяламан. Йигитлар қурилишда ҳақиқий иш билан шуғулланишяпти. Мен бўлсам иссиққина жойда ўтирибман. Ўлмас акага, Владкага кўпроқ нон берман дейман. Лекин...

— Бу ҳам сенинг ғалабанг.

— Шундай деб ўйлайсанми? Балки ҳақдирсан...

— Яқинда Кура нон билан қуруқ чой сўради. Узига тегишли нонни бердим, қуруқ чой бермадим. Болаларнинг ҳақиқага хиёнат қилолмайман дедим. У ҳеч нарса демай, кўзимга бақрайиб тураберди. Чўчимадим. Биринчи марта кўрқмадим ундан.

У кетди. Мен эса ўзимни шундай енгил, эркин ҳис қилдимки, онадан янги тугилгандай эдим. Кейин Славка Толкунов кириб келди. Ҳеч нарса сўрамади. Нималарнидир ўйлаб, жим ўтираберди. Фақат кетиши олдидан туриб, менга қарамай мингирлади:

— Менга қара,— кўзингни каттароқ очиб юр. Кура гапини қайтарганларни ёқтирмайди.

Бўлган гап шу. Бошқа ҳеч нарса дегани йўқ. Лекин, фавқулодда ҳодиса рўй берди. Кура ўз шериклари билан Владка Фармоновни калтаклади. Улар одатдагидай қўшни баракдан бир йигитни турткилаб, майна қилишган. Фармонов унинг ёнини оламан деб шу кўйга тушган. Тузалиб чиққандан кейин калтаклашнинг сабабини на Иброҳимов, на майор, на оператив бўлим бошлиғи билолмади. Фармонов, ҳавозадан йиқилиб тушдим, деб туриб олди.

\* \*  
\*

— Хўш, энди нима дейсизлар, Куранинг айтгани айтган, дегани деган бўлаверадими?— қизишиб деди Едгоров. Болалар жим туришибди.

— Нима, сенинча, уларни чақишим керакмиди бошлиқларга, — жаҳли чикди Владканинг. — Ушандаям... Исбот қилиб кўрчи...

— Умаров майорнинг олдига борсин, — турганлардан кимдир таклиф киритди. — У редколлегия аъзоси, майор билан ҳам муносабатлари яхши.

— Нима, мен Кидашнинг олдига киришим керакми, — хафа бўлди Маҳмуд, — мен бораман-у, сизлар томошабин бўлиб қолаберасизлар, шундайми?

— У биздан кўра сенга кўпроқ ишонади.

— Охунжонов нима деса шу, — кимдир бурчакдан гап ташлади, — Гапир бригадир.

— Болаларнинг гапида жон бор, — кутилмаганда қувватлади таклифни Охунжонов.

— Лейтенант билиб қолса-чи? — эътироз билдирди Едгоров. — Майор ўз ўринбосарига эмас, Маҳмудга ишонади деб ўйлайсизларми?.. Иброҳимов доим Кура билан Толкуновнинг ёнини олиб келган.

Ҳамма жим бўлиб қолди.

— Бу гал ҳам Куранинг қўли баян келса, ишимиз чатоқ деявер. — Тушқун овозда деди Маҳмудни воситачи қилишни таклиф қилган йигит.

— Билиб қолса Кура Маҳмудга кун бермай қўяди. Буёғиниям ўйлаб қўйинглар. — Фармонов Охунжоновга ўғирилди. — Ҳа, нега индамай қолдинг?

— Мен ҳам шунини ўйлаб турибман, — жавоб берди хотиржамлик билан Охунжонов. — Кейин у ух тортди-да, атрофдагиларга бир-бир назар ташлаб деди: — Боравер Умаров, ёлғиз қўймаймиз. Сен учун бошим билан жавоб бераман.

— Мен ҳам, — жилмайди Едгоров.

— Менинг бошим ҳақида гапирмасак ҳам бўлади, — шарт кесди Владка.

— Биз қараб турармик? — деди яна кимдир.

\* \* \*

\*

Маҳмуд кабинет эшиги олдида бир оз турди-да, ниҳоят эшик тутқичини ушлаб, тортди.

— Рухсат беринг, гражданин майор!

— Ҳа, Умаров, сенмисан? Қиравер.

Маҳмуд ичкарига бир қадам ташлади-ю, қотиб қолди: дераза олдида лейтенант Иброҳимов ўтирарди. Тўғри, у хизматдаги одам, кутилмаган воқеа деб бўлмайди. Лекин унинг олдида қандай қилиб гапирди?

— Хўш? — қаради майор.

— Салом, — Маҳмуд қизариб кетди.

— Салом, — майор кулиб, кўзойнагини олди-да, папкаси устига қўйди. — Нима демокчийдинг?

— Мен... сизнинг олдингизга келувдим... — тарадудланди Маҳмуд лейтенантга қарамасликка уришиб. Унинг кўзи тушишидан кўрқарди.

— Гапир, нима гап бўлди, Умаров? Утир, қани... — майор унга бўш стулни кўрсатди.

— Балки, мен чиқиб туришим керакдир, ўртоқ майор, — Иброҳимов ўрнидан кўзгалди.

— Йўқ, йўқ... — баттар ўзини йўқотди Маҳмуд. — Хаёлингизга бошқа гап келмасин...

У жим бўлиб қолди. Ўзининг бу қилиғи беҳуда, тентакликдай туюлди. Тушунишмасмикан? Қўллашмаса-чи? Йўқ, бунақа деб бўлмайди. Умуман, нега бу масалага бошлиқларнинг аралашши керак? Шу пайтгача Куранинг ўйинларига ўзлари чидаб келишмадими? Демак, ҳамма айб ўзларида... Кўпчилик эдилар. Яна ёш боладай чақимчилик қилиш учун келиб юрибди-я!

Маҳмуд бошини кўтариши билан кўзи майорнинг кўзларига тушди. Ҳамма гапни тушунди. «Тўғри қилгансан» — даянгандай бўларди майорнинг кўзлари. — Ҳақиқий эраканнинг иши мана шунча бўлади. Нима, ҳеч нарсдан хабари йўқ деб ўйлайсизларми? Кўп йиллардирки, шу хизматдаман. Ош-тузим шу ердан!.. Йўқ, Умаров, майор Кидашнинг қўлидан кўп иш келади. Ҳа, кўп иш келади. Лекин... энг катта куч сизларда. У Курага ўхшаганлар тўдасидан, балки ўзингизнинг худбинлигингиздан ҳам асрайди. Бугунимиз, келажакимиз ана шу кучга боғлиқ. Бўш келма, ҳали не-не муаммоларни ҳал қилишингга тўғри келади. Балки унда майор бўлмас. Фақат ўзингга ишонинг керак бўлади...»

— Биз колониянинг умумий мажлисини ўтказмоқчимиз. Сизнинг розилигингизни олгани келувдим, — деди Маҳмуд.

Майорнинг юзига табассум ёйилди. Иброҳимов Кидашга қараб, елкасини учириб қўйди.

— Буни ҳеч ким таъқиқламайди, — деди майор. — Қунини белгиланглар.

— Раҳмат. Кетаберсам майлими?

— Борақол, — майорнинг шамолдан қорайган юзидан яна табассум ўйнади. — Яхши тайёрланганлар, ҳаммаси жойида бўлсин.

— Ҳаммаси жойида бўлади! — кўлиб юборди Маҳмуд.

\* \* \*

\*

— Майорнинг олдига кирдингми?

Кура Маҳмудни нон тарқатиш бўлими олдида қарши олди. Маҳмуд индамай ёнидан ўтиб кетаётгани, Кура унинг йўлини тўсди. Кўзлари ғазабли, совуқ милтиллаб турарди.

— Тўхта! Нима ишлар қилиб юрибсан? Гапир, сендан сўраяпман!

Жудаям билгинг келяптими? — деди Маҳмуд.

— Нимага пачакилашиб ўтирибсан, Кура, — пишқириб деди Морячок: — Тинчитиб кўяқоламиз, вассалом!

— Улгурамиз, — тиржайди Кура. — Тўғрими, а, студент?.. Билардинг-ку!..

— Билардим, — даядил жавоб берди Маҳмуд. Агар Курани ҳозир учратмаганида хайратланган, бир оз хавотирланган ҳам бўларди. Энди ўз ишининг ҳақлигига, кучига ишонч пайдо бўлди. Кура ўзига унчалик ишонмайди. Қўрқаяпти. Шунинг ўзи катта гап!..

— Мен сени огоҳлантиргандим, Маҳмуд! — Бу Толкуновнинг овози эди. Маҳмуд шартта ўтирилди.

— Демак, огоҳлантиришингни нотўғри тушунибманда! Дўстона гап деб ўйлабман. Сени булар орасида кўрарман деб ўйламовдим, Славка.

— Бекор қилибсан... Мен сотқинга дўст бўлолмайман.

— Кел, мен гаплашиб кўяй у билан! — Морячок қўлини кўтарган эди, Кура уни ушлаб қолди.

— Шошма, гапим тугагани йўқ. Хўш, майорнинг олдига нимага бординг? Айтсанг биз сенга тегмаймиз.

— Керак экан бордим. Нима, сендан рухсат сўраб юришим керакми?

— Юр, четроққа чиқайлик, бемалол гаплашиб оламиз, — деди Кура. — Е қўрқасанми, қаҳрамон?

— Мен ҳеч нарсдан қўрқмайман. Қани юр.

Барак бўм-бўш эди. Кура навбатчига кўз олайтириб, деди:

— Жўнаб қол!

Навбатчи ғизиллаганча баракдан чиқиб, эшикни орқасидан ёпди.

— Хўш, энди нима дейсан? — сўради Маҳмуд, вужудида енгил титроқ сезиб. Шу пайт орқадан урилган зарбдан стол устига йиқилди. Шу заҳотиёқ столга суяниб турди-да, қадини ростлади.

— Чақдингми? — устига бостириб кела бошлади Бетайин, — унинг юзи қийшайиб, лунжи титраб турарди.

— Улаксахўр ифлос! — чинқирди Морячок. — Чақимчи!

Кура Маҳмудни кузатганча кулиб турарди.

— Нега индамайсан, ўзингни оқла...

— Сизларни чақиш хаёлимгаям келгани йўқ, — деди Маҳмуд ва ўзини оқлайбошлагани, қўрқоқлик қилаётгани учун ўзидан нафратланиб, қичқириб юборди: — Бу менинг ишим! Керак экан бордим! Нима деса дедим! Ҳаммасини айтдим!

У столга ёпишиб олди. Ҳозир оч бўридек ташланишларини, фақат тўда бошлигининг имосини кутиб турганликларини яхши биларди. «Тентак, — ўзини ўзи лаънатларди ичида. — Нима, қаҳрамонлик кўрсатмоқчи бўлдингми? Ўзингни ўзинг қопқонга тушириб бердинг. «Юр» деса юраберасанми. Уша жойнинг ўзида, ҳовлида гаплаша-версанг ҳам бўларди-ку! Ўзингдан кўр энди!..»

Кимдир эшикни шарақлатиб очиб юборди. Эшик дастасига қистирилган табуретка четга учиб кетди. Биринчи бўлиб баракка Юрка Едгоров, орқасидан Охунжонов, Владка Фармонов, уларнинг кетидан бошқа болалар кириб келишди.

— Берухсат кирганимиз учун ҳурматли жамоа маъзур тутар деб ўйлаймиз, — Едгоров елкаси билан туртиб Бетайинни бир четга улоқтирди. — Кун тартиби билан танишиб қўймоқчи эдик.

— Мана, оғайнилар, — тилга кирди Бетайин. — Майорнинг олдига кириб, ҳаммамизни чақибди. Шу масалани кўраяпмиз. Кура гувоҳ...

— Масала кўраяпсизми? — сўради Охунжонов.

— Умрим қамоқда ўтсин ёлгон гапирсам! — ҳовлиқиб қолди Бетайин. — Кўриб турибсан. Совет раиси Толкунов ҳам шу ерда. Аввал ўзаро кўриб чиқиб, кейин сизларга, ҳаммага айтмоқчийдик.

— Унда яхши, мажлисни давом эттирамиз, — деди Едгоров. — Қани, қандай гап экан ўзи?

Кура Славкин туртиб олдинга чиқарди.

— Марҳамат, — гап бошлади Толкунов. — Аммо ҳаммани огоҳлантириб қўймоқчиман... Виласизларми, у бориб майорга бизни чақди. Энди ҳаммамизни тинтиб чиқишади. Кура айтдики...

— Ҳаммаёқни титкилашади, биронта тешик-туйнук қолмайди, — чийиллади Бетайин. — Арзимаган нарсани деб бошимиз балога қолади!

Мудҳиш сукунат чўқди. «Нимага индамай туришибди? — ўйлади Маҳмуд. — Ўзлари юборишди-ку ахир... Демак, улар ҳам бир тўда. У бўлса...»

— Нимага қараб турибсизлар? — Бетайин Маҳмуднинг устига бостириб кела бошлади. — Урларинг! Жигини эзиб қўйиш керак. Майорнинг олдига бориш қандай бўлишини билиб қўйсин. Ҳаммани баравар айблашолмайди!

— Ур! — ҳайқирди Морячок, Охунжонов билан Юркани четга суриб. Владка хайратдан оғзини очганча қотиб қолган.

Маҳмуд кимир этмади. Ўзини ҳимоя қилишга ҳам уринмади. Гўё дўқ-пўписаларни эшитмаётгандай, унга ўқталган муштларни кўрмаётгандай индамай турарди. Бирданига ҳамма нарса унинг учун фарқсиздай бўлиб қолди. Энди унга бари бир эди...

— Тўхтаглар!.. — Славка кутилмаганда унинг ёнига ўтиб, юзига тикилди. — Нега энди биз... — у эндигина уйқудан чўчиб уйғонган одамга ўхшарди. — Ҳеч тушунолма-



яшман... — Славка ҳатто бошини чайқаб қўйди. — Маҳмуд, балки биз янглиша-  
ётгандирмиз, а? Гапирсангчи ахир! Нимага бординг майорнинг олдига?

— Унга гап йўқ, — деди Кура, — шундай ҳам равшан.

— Ҳаммаси равшан, — бўғилиб қайтарди унинг гапини Маҳмуд. — Сизларга  
айтадиган гапим йўқ.

— Кўрдиларингми, ўзи тасдиқляпти, — қувониб кетди Кура. — Хўш, студент,  
мана энди сен билан гаплашиб қўяман. — Маҳмуднинг қўлидан ушлаб, орқасига қайира  
бошлади.

— Қўйвор, ифлос! — Едгоров Куранинг елкасига туртди, у ўгирилиши билан  
пасидан юқорига, жағини мўлжаллаб мушт туширди.

Кура полга чўзилиб тушди. Морячокнинг қўлида нимадир ялтиради, ялтиради-ю,  
бир зумнинг ўзида Фармоновнинг зарби билан типирчилаб қолди.

— Ур! — қичкирди кимдир. Шу пайт Маҳмуд ўзига келди.

— Тўхтанглар, майорга ёлғончи бўлиб қолмайлик. Ахир у бизга ишонади.  
Тўхтанглар...

17

— Болакайлар қани, келинлар менинг ёнимга! — Миша амакининг овози эши-  
тилди. Болалар майдончасида кичкинтойларнинг кулгилари, баян овози янгради.

— Қани, қайси биримиз бошлаймиз?.. О, яхши бола... Айтчи, қайси ашулани  
айтасан?.. Жуда соз! Отинг нима? Маҳмуд! Жуда яхши. Фамилиянгчи? Умаровми?  
Қани, бўлмаса бошладик. Диққат, Маҳмуд Умаров... Қўшиқ ижро этади. Қайси қўшиқни  
айтмоқчисан, Маҳмуд? У бизга «Еш барабанчи» қўшиғини айтиб беради.

Баян садоси, сўнг қўшиқ бошланади:

**Барабанчи бор эди орамизда навқирон,  
Жангда доим олдинда борар эди у мағрур.  
Шўх дўсти — барабандан айрилмасди ҳеч қачон,  
Кўксида большевистик ўтидан ўтли сурур...**

Қўшиқ тугади. Чапак овозлари эшитилади.

— Раҳмат, Маҳмуд, — деди Миша амаки. — Мана, бу қизил қалам, сенга мукофот.  
Расм солишни яхши кўрасанми?.. Жуда соз! Яна ким мукофот олишни истайди?

Миша амаки баянда «Олмача» куйини чалабошлайди...

\* \* \*

— Биз мажлис ўтказдик. Энди мен тарбиячиларданман. Кура тўдасини ҳам  
тинчитдик. Уларга маъмурий жазо ҳам берилди.

— Ачинаялсанми уларга?

— Йўғ-э, нималар деясан, қилмишларига яраша бўлди. Шунчаки... Толкуновга бир  
оз ачинаялман. У қандайдир... бошқачароқ... Охунжонови советимизнинг раиси қилиб  
сайладик.

— Ана, кўрдингми, ғалаба қозонибсизлар.

— Ғалаба... — кулди Маҳмуд. — Шоирга ўхшайсан-а... Кидаш бўлмаганда-ку...

\* \* \*

Маҳмуд қурилишга қайтишга қарор қилди. Совет аъзоси бўла туриб, иссиққина  
жойда ўтириш ноқулай туюлди ўзига. Ундан ташқари, очиқ ҳавода ишлашга нима етсин!  
Болалар билан гурунглашиб, вақтнинг ўтганини сезмай қоласан.

Шундай қилиб, у дастлабки ишига, замбилчилигига қайтди.

— Нима бало, замбилга ёпишиб олдинг? — кулди Едгоров.

— Чиниқмоқчиман. Ҳамма сенга ўхшаб меъмор бўлавермайдику!

Кечқурунлари ишдан қайтаётган заҳоти почтадан хабар олади. Айниқса, кейинги  
бўлиб ўтган воқеалардан кейин хат унинг учун ҳаётининг муҳим бир қисмига айланиб  
қолган... Онаси, Малина, Андрей Петрович бирин-кетин кўз олдида жонланаберади.  
Сухбатлашишади, маслаҳатлашишади.

Бугун ҳам Андрей Петровичдан хат келган.

Маҳмуд конвертни қўлга оларкан, беихтиёр жилмайиб қўйди. «... Бир оз кечикиб  
ёзаялман, ўзинг биласан, иш кўп. Вақт ғанимат. Бош қашишга қўл тегмайди. Мени шу  
даражага эришганим сени қизиқтиради. Айтиб қўяй, агар манфаат кўзлаб шу ишга  
интилан бўлсанг янглишасан. Қандай қилиб одам бўлганимни айтадиган бўлсам,  
аввало ҳаётда жуда кўп яхши одамларга дуч келдим. Иккинчидан, агар шу аҳвол давом  
этаверса, оқибатда расво бўлишимни ўзим тушуниб қолдим... Хулоса қилиб айтганда,  
буларнинг ҳаммаси интилишга боғлиқ. Эртақлардаги омадлар, очил дастурхонлар  
ҳаётда бўлмайди. Курашиш, яхши ният билан изланиш, интилиш керак. Энг аввало  
ўзлигинг билан курашишинг, энга олишинг керак. Мана шуниси ҳаётнинг энг қийин  
томони.

Икқилсанг — тасодиф эканини исботла, енгсанг — бурнингни кўтарма, мағрурла-  
ниб кетма. Вилиб қўй, ҳали олдинда анча-мунча қийинчиликларга дуч келасан. Сен  
бошингга тушган ишлар учун ўзингни айблаясан. Бу яхши. Шунинг ўзи сенинг катта

ютуринг, ўз устингдан қозонган дастлабки ғалабанг. Бир қарашда осон туюлади, лекин аслида энг қийини шу.

Ўз кучингга, ўзингга ишончинг ортабошлагани ҳам яхши. Бу катта гап... Машқларингга келсак, назаримда анча ўсиш бор. Тарихий темадаги баъзи ҳикояларинг менга хатто ёқди ҳам. Тўғри баъзи ўринларда баён ҳам учраб туради. Лекин ҳар қалай дуруст...

... Менимча сен ҳозир ўз олдингга аниқ мақсад қўйишинг, ўша мақсад сари жуда қайсарлик билан интилишинг керак. Кечиктириб ўтирма. Дунёда тушкун рухли хаёларастлар оз эмас. Ушаларга ўхшаб қолишдан ёмони йўқ. Ҳаётга сен эзгулик олиб кирасан, бу эзгулик ҳаётдан четда қолмаслиги, аксинча, унга қоришиб кетиши керак... Ҳаёлимга бир гап келди, Москвадаги Горький номли адабиёт институтига киришга бир уриниб кўрмайсанми? Сендан нима кетди? Ҳаракат қил, киролмасанг, рухинг тушиб кетмасин, ҳаммаси ҳали олдинда...»

Маҳмуд Москвада адабиёт институти борлиги ҳақида биринчи марта, шундаям Андрей Петровичдан эшитганди. Қанийди киролса ўша институтга... Буёғи нима бўларкин?.. Маҳмуднинг юзидаги табассум буришиққа айланди. Эркинликка ҳам чиқар. Уни ким, қандай қилиб кутиб оларкин? Қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор...

Кун сайин, соат сайин унинг юрагида оёққа тураолишини, одам бўлишини исботлаш иштиёқи зўрайиб борарди. Қандай бўлмасин енгади, юзиб чиқади. Одамларга яхшилик қилаоладиган инсон бўлади. Ишончи комил. Олдингидай эмас, йўқ, бутунлай бошқа одам бўлади...

Турган гап, судланиш унинг шаънига доғ бўлиб тушди. Бу доғни ювиш, колониядаги ёлғизлик дақиқаларини унутиш мумкин. Аммо ўлдириб қўйишингга оз қолган, бир умрга майиб қилиб қўйишинг мумкин бўлган одамни қандай унутасан? Ахир унинг тақдири сенинг тақдирингга: тушунчангу қалбингга кўзга кўринмас пўлат иплар билан боғланган-ку!..

## 18.

Ойлар ўтаберди. Маҳмуд ҳамон гумонлар, иккиланишлар исканжасидан халос бўлолмас, руҳи ички курашлар қўюнида типирчиларди. Кечикиб бўлса ҳам ҳаётда одам ўз ўрнини белгилаб, ўзлигини таниб олиши керак. Буни у яхши билади.

Илгарилари осонгина, ташвишсизгина ҳал қилинадиган жумбоқлар энди ўзининг мураккаблиги билан қийнади. Маҳмуд Умаровнинг ўзи ким?! Ҳаётдаги ўрни қандай? Қўлидан нима келади? Қизиқ, эндигина у колониянинг деворлари оша узок-узокларни кўраётгандай... Ҳаммасини қайтадан мушоҳада қилиб чиқиши керак. Сиртдан қараганда ҳаёти тўғри йўлга тушиб, ўзи ҳам руҳан, ҳам жисман бардамдек. Охунжонов, Фармонов, Едгоровлар кейинги пайтларда унга жуда яқин бўлиб қолишди. Бемалол юрагини очиб дардлашса бўларди. Ҳозирча уларга ҳам юрагини бўшатгани йўқ. Ҳамон кечқурунлари яширин Охунжоновнинг прораблик иш кабинетига кириб, ичидан эшикни беқитиб олар, дафтари устига энгашганча соатлаб қимир этмай ўтирарди.

Болалар унинг аҳволини яхши тушунишар, илжи борица ҳалақит бермасликка ҳаракат қилишар, фақат аҳён-аҳёндагина Едгоров ҳазиллашиб қўярди:

— Нима бало, «Яширин ташкилот» ҳақида асар битаянсанми? — дер, Маҳмуд улоқтирган ботинкадан аранг ўзини четга оларди. Улар бир-бировларини яхши тушунардилар. Шунинг учун ҳам ҳазиллари оғир ботмасди.

Маҳмуд ўзининг Малина билан хаёлий учрашувларидаги суҳбатни, юборолмай қолган хатлари мазмунини дафтарига ёзиб борар, қизни қийнаётган саволларга жавоб топишга уринарди. «Бугун ёмон туш кўрдим, — ёзарди у, — турсам қаро тер босибди. Муддатим ҳали тугамаганини яхши билармишману, шаҳарда бемалол сайр қилиб юрганмишман. Мени қўйиб юборишганмиш, лекин ўзимнинг ҳеч ишонгим келмасмиш. Кечагина колонияда юрган одам... Қулоғимни чўзиб кўраман, оғрийди. Демак, шаҳарда юрганим, магазинларга кирганим ўнгимда бўлаёғир...»

Қутилмаганда колония эшиги олдида пайдо бўлиб қолдим. Дарвозани очинди. Иш кийимимни кийиб, зона бўйлаб бораёлман. Атрофга қарасам, нуқул нотаниш одамлар. Вирдан Охунжоновга кўзим тушиб қолди. У ёнимга келди, иккаламиз ошхона ёнидаги тахта ўриндиққа ўтирдик. Орамизда шундай гап бўлиб ўтди:

— Нега бу ерда юрибсан? Сени овоз қилишган-ку!

— Билмадим, ҳеч нарса тушунолмамай қолдим.

— Бу сафар неча йил беришди?..

— Билмайман...

«Мени қўйиб юборишганди, овозликда эдим, бу ерга ўз оёғим билан кириб келдим. Ҳеч қанақа суд ҳам бўлгани йўқ... Энди ҳеч ким мени бу ердан чиқармайди, овоз бўлган одамни қайта овоз қилишмайди!..» Шу хаёл кўнглимдан ўтди-ю, жон-жаҳдим билан дарвозага ташландим.

— Мен билмайман, — дейди навбатчи. — Қоғозсиз чиқармайман!

— Ахир қоғоз бўлмайди, ҳеч қачон келмайди, чунки суд бўлгани йўқ, бу ерга ўзим келдим!..

— Менга бари бир... — дейди у совуққонлик билан.

Уйғониб кетдим. Енимда Улмас ака хуррак отаяпти. Мен эса кўрганим тушимми, ўнгимми — билмайман. Чидайолмадим, Улмас акани уйғотиб бақирдим: «Тўғрисини айтгинг, мени овоз қилишдими, йўқми?» Унинг кўзлари олайиб кетди: «Эсинг жойидами, ё ростданам миянг айниб қолдими?.. Қанақа овозлик! Ухла! Вақти келса ялисангам олиб ўтиришмайди. жўнатиб юборишад!»

У тескари ўгирилиб, яна хуррак ота бошлади, мен эса тонг отгунча қийналиб чиқдим...»

Кўлмаклар кечаси тушган аёздан юпқагина музлаган. Оёқ остида энгилгина қирсиллаб парчаланади, этикларнинг қўнжига лой сачрайди. Маҳмуд уйғонаётган тупроқ ҳиди урган ҳаводан ўпкасини тўлдириб нафас олади. Роҳатланиб жилмаяди. Вужудини қандайдир ноаниқ энгиллик, сурур эгаллайди. Қулочини керганча кўлмакларнинг муз пардасини қарсиллатиб, парчалаб югургиси келади. Унинг ҳисоби бўйича бу ерга келганига беш юз уч кун бўлди. Ҳали муддатининг тугашига яна шунча-ю, тўқсон икки кун қолди.

— Хей, шамоллаб қолма тагин! — қичқирди Ўлмас.

Маҳмуд унга ўдирилди. Юрка Ёдгоров, ярим яланғоч турник устунига суянганча турарди.

— Қуёш, ҳаво, тоза сув — бизнинг яқин дўстимиз! — кулди қувноқлик билан Ёдгоров.

Маҳмуд чинор остида турар, юрагидаги қандайдир туғён шодликка йўғрилиб, борлигини аллаларди. Бутун умри шаҳарда ўтган, табиатнинг қудратини, ернинг жонбахш ҳовурини биринчи бор ҳис қилаяпти. Ишқом, устини қирқ оғайни гули қоплаган айвонлари... У хаёлан ҳовлиларида пайдо бўлди. Қизик, ҳеч ким кўринмайди. Гуллар сўлиқираган, бош эгиб турибди. Токнинг ўсиб кетган новдалари ишқомдан пастга осилиб, энгил чайқалади.

— Маҳмуд, ҳой Маҳмуд!

У сесканиб тушди.

— Турган жойингда ухляпсанми? — деди унга қараб Охунжонов. — Замбил ерга қапишиб қолди-ку, бўлақолмайсанми?

Маҳмуд ўзига келиб, замбил томон юрди.

— Чид-да!.. Чид-да!.. — чирқилларди қандайдир қушча чинор шоҳида. — Чид-да!..

Унинг кўзи четдаги буталарга ўрналиб ётган тиконли симларга тушди. Аста борди-да, буталарни симдан ажрата бошлади.

— Нима кераги бор эди, — норози бўлди Фармонов, — энди оёқ остида ўралашиб жонга тегади.

— Қўявер, — Маҳмуд замбил дастасини ушлаб кўтарди. — Амаллармиз...

— Жуда ғалатсан-да, — минғирлади Фармонов ҳам замбил дастасига энгашаркан.

Маҳмуд индамади. Хаёли бутунлай бошқа ёқда эди. Борди-ю, ўша Собировнинг ўрнида ўзи бўлиб қолса, аламзадалик билан пичоқ уришса... Шундай бўлиши ҳам мумкин эди-ку, ахир! У бўлган воқеани кўз олдига келтиришга уринди. Истироҳат боғи. Маҳмуд, ошналари навбатдаги маишатбозликдан қайтиб келишарди. Вақириб-чақиришди, бор овозлари билан хаҳолаб кулишарди, ўтганларни турткилашарди. Ҳамма уларга йўл бўшатади... Ҳар бири ўз кучига ишонади, ҳаддидан ошади.

Шунақаси бўлмаганмиди? Бўлган. Бўлгандаям, бир эмас, бир неча марта бўлган. Тергов, суд, колония ҳам гапми? Аввало у ўз-ўзини тергов қилар, устидан адолатли ҳукм чиқарарди: «Худди шундай бўлиши керак эди, шундай бўлди ҳам!..»

## 20.

Кунлар кетидан кунлар, ҳафталар кетидан ҳафталар ўтаберди. Баҳор ҳам ўтиб, тунлар қисқарди. Ишлар қизгин. Эртадан кечгача ишлаб чарчаган одам учун сокин кеча оромни ниҳоятда қадри, ғанимат... Маҳмуд барвақт туришга ҳаракат қилади. Чунки кўпдан бери тонгни кузатмас, у турганида қуёш ёйилиб кетган бўларди.

У эрта турди. Ширин уйқуда ётган шерикларини уйғотиб юбормаслик учун оёқ учиди юриб, баракдан ташқарига чиқди. Ўзига тонг шамоли урилди. Бутун вужуди жунжикиб, роҳатланди. Олам ниҳоятда тиниқ, кенг кўриниб кетди кўзига. Қўлларини кенг ёзиб, қеришди. Қутубхона томон бир-икки қадам ташлади. Гулзорда гуллар ҳали очилмаган, фақат энг четдаги биргина гунча қуёшга интиқ лаб очганди.

Маҳмуд қизил гулларнинг тиконли бутоқларига, хина, райҳон туларига назар ташлади. Гунчаларда, япроқларда шабнам доналари йилтиллаб турибди. Қуёш кўтарилиши билан учиб кетадилар. Шабнам доналарини кўриш эрта тонгда тураолганларгагина насиб қилади... У яна суякларни қирсиллагунча қеришди. Тонг нафасидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Кўзларини юмди, юмди-да, нохуш туйғудан сесканиб кетди... Энди у ўзи яшаётган олам фақат маст қилувчи гўзалликдан иборат эмаслигини, ҳозир кўзини очса, дастлаб нигоҳи гулзордан наридаги оёқ изларига, юксак деворга, тиконли симларга тушишини билади. Ана, девор бурчакларида посбонлар минораси. Деворлар тобора юксалиб, устига бостириб келаётгандай, ҳаво йўлини тўсиб қўяётгандай нафаси сиқилиб кетди. У шартга бурилди-ю, баракка кириб, то навбатчи ҳаммани уйғотмагунча кўзларини катта-катта очиб ётаверди. Энди Маҳмуд ҳеч нарсани ўйламас, тўғрироғи, ўйлашдан қўрқарди...

— Умаров! Маҳмуд! — йўлда навбатчи уни тўхтатди-да, четга тортди. — Сени майор Кидаш излаб юрганди.

— Нега?

— Билмадим, — елкасини қисди навбатчи, кейин атрофга бир аланглаб олиб, паст овозда деди: — Уйлаб кўр, бирор кор-ҳол бўлмаганмиди?

Маҳмуд бош чайқайди. Навбатчининг безовталлиги унга таъсир қилди, қўл силтаб қўйди-да, идора томон тез-тез юриб кетди.

Очиқ деразадан майор Кидаш қараб турарди.

— Бу ёққа кириш, Умаров!

— Шунақа гапла-а-ар!..

Майор кўзидан кўзойнагини олди, қўлида айлантириб, Маҳмудга қараб-қараб кўйди. Майорнинг кўзлари қизарган, қоғоқлари шишган кўринарди. Лекин, қандайдир илиқ, синовчан боқарди...

— Уйингни соғиндингми?— сўради майор табассумини яширишга уриниб.

— Бўлмасамчи!..— энтикди Маҳмуд.

— Майли...— майорнинг майин овози эшитилди.— Ҳадемай уйингдагиларни кўриб қоларсан.

— Қандай?...— Маҳмуд майорнинг юзига тикилганча қотиб қолди. «Шунақаям ҳазил бўладими! Бировнинг устидан кулиш-ку, бу! Шуям одамгарчиликми!» дея қичқиргиси келарди унинг.

— Демак, шундай,— босиқлик билан сўзида давом этди майор.— Сени муддатидан олдин бўшатиш ҳақида ўйлаб кўраяпмиз.

— Ростданми?— лаблари титраб, аранг шивирлади Маҳмуд.— Рост айтаюспизми? Мени... бўшатишадими?

— Буни суд ҳал қилади,— деди майор.— Ҳар қалай, биз тавсия қилаётимиз...

— Раҳмат!— энтикди Маҳмуд. У кўзларидан қуюлиб келаётган ёшларни сезмасди.— Катта раҳмат сизга!

— Менга раҳмат деганинг нимаси?— Ҳайрон бўлди майор.— Ўзинг шунга муносиб иш қилдинг!..

У кўзойнагини тақиб, қандайдир қоғозларни йиғиштирди-да, бошичи кўтарди. — Идорага кир,— энди унинг овози расмий тус олган, жарангларди.— Ўша ерда қолган гапларни тушунтиришади. Шу ҳафта ичи тарбиячилар орасида сенинг номзодингни муҳокама қиламиз... Қисқаси, тайёрлан!

— Сени бўшатишаркан, эшитдингми?— елкасига теккан зарбдан Маҳмуд чайқалиб кетди. Унинг олдида Кура турарди.

— Ҳали номаълум.

— Қўйсанг-чи,— Куранинг афти буришиб кетди,— тавсия қилишдими, тамом! Омадинг келди...

— Омадим келибди...— Маҳмуд бурилиб кетмоқчи бўлди.

Кура унинг елкасидан ушлади-да, силтаб ўзига қаратди.

— Бурнинг кўтарилиб қолибди!

— Нима демоқчисан ўзи?

Кура пишқириб деди:

— Билиб қўй, фикрлари ўзгаришиям мумкин! Гапимни тушунгандирсан... Фараз қилайлик, «Фавкуллодда ҳодиса» рўй беради — иккаламиз муштлашиб қоламиз. Нима деб ўйлайсан, ўшанда ҳам қўйиб юборишармикан?

Маҳмуд унинг кўзларига тикилди ва буйруқ оҳангида деди:

— Қани, жўна! Аҳмоқ экансан, чаёнга ўхшаб ўз думингни ўзинг чақиб юрибсан.

— Шунақа деб ўйлайсанми?— сўради Кура.— Кел, яхшиси чекишдан ол.

— Бўлсаям йўқ.

— Вермасидинг?

— Вермасдим!

— Бекорга қизишайсан,— кутилмаганда юмшоқлик билан гапира бошлади Кура.— Колониядан чиққандан кейин олдинга бораман, ҳайдаб юбормайсанми?

Маҳмуд унинг гапи самимийми, истеҳзоми — билолмасди.

— Хўш, нима демоқчисан ўзи?— секин сўради у.

— Ҳеч нарса.— Куранинг лаби яна жийрилди.

— Сенга бир ҳақиқатни айтиб қўй: ким мис товоқдан бир марта ош ичган бўлса кейин яна тусайди...

— Нега қолиб кетдинг?

Маҳмуд енгил нафас олиб, ёнига ўгирилди: Охунжонов билан Едгоров.

— Яна хиралик қилаяптими?— Едгоров узоқлашаётган Кура томон имо қилди.

— Қўявер,— қўл силтади Маҳмуд.

Улар барак томонга юришди. Фармонов йўл-йўлакай одатича майнавозчилик қилиб борди.

— Бизни ташлаб кетаяпсанми, а? Сенсиз қандай яшаймиз, ота-ги-и-нам!..

Маҳмуд кўриб турибди: у кулапти, шўхлик қилапти, лекин кўзлари ғамгин... Тарбиячилар йиғилиши, колониядагиларнинг очиқ мажлиси бўлиб ўтди. Ниҳоят охириги кун, тўғрироғи, охириги кеча ҳам етиб келди. Маҳмуд шошмасдан нарсаларини йиғиштира бошлади. Аслида йиғиштиргудай нарсаси ҳам йўқ эди. Ичига ёзувлар битилган бир неча дафтар, бир жуфт ички кийим, сочиқ, совун, тиш чўтка, холос.

Уйдагиларга бўшани ҳақидаги хабарни билдирмагани яхши бўлди. Бевовта қилишнинг нима ҳожати бор.

— Улмас ака, эрталаб барвақт уйғотиб қўйинг.

— Нега,— эсноқ аралаш деди Охунжонов.— Йўлга чиқиш олдидан тўйиб ухлаб ол яхшиси.

— Йўқ, илтимос, эртароқ уйғотинг...— Маҳмуд жилмайди.

У тонгни кутиб олгиси келарди. Озодлик... Дастлабки тонг...

Бу бошқача тонг!..

Ҳайдарали Иброҳимов

## ИЛМИЙ-ОММАБОП ШҶРВА ЕКИ ЯША СИН БАҚЛАЖОН

Ихтисослаштирилган ошхоналар ичида «Паловхона», «Маставахона» ёки бўлмаса «Мошкичирхона» деганларини кўрганмисиз? Қидириб овора бўлманг. Мастава ёки мошхўрда пиширадиган махсус ошхоналар йўқ. Чунки, булар ё миллий таомлар даражасига кўтарилмаган, ёки ошпазлар эътиборига лойиқ эмас. Аммо қайси шаҳарга борсангиз, ҳар қадамда «Лағмонхона»га дуч келасиз. Лағмон палов, чучвара, манти, мастава каби миллий таомлар қаторидан қачон жой олди экан? Яна бунинг устига лағмон биринчи қилиб ёзилган. Қаерга борманг, қатор-қатор «Лағмонхона»лар бор-у, «Паловхона» йўқ?! (Палов чойхоналарда, умумий профидаги ошхоналарда пиширилади. Ихтисослаштирилган «Паловхона» очилган эмас. Авторнинг изоҳи).

Бу саволларга жавоб топиш учун умумий овқатланишни ривожлантириш тарихига мурожаат қилиш керак.

Бир куни шаҳардаги намунали ошхоналардан бирида шаҳар умумий овқатланиш трести директори, ошхона ва кафеларнинг мудирлари, бош ошпазлар муҳим мажлисга тўпланиши ва умумий овқатланиш муассасалари планларини бажариш масаласини муҳокама қилиши.

Трест директори креслода ястаниб ўтирганча калта йўталиб, тамоғини қирди-да, аҳолига хизмат кўрсатиш ўчоқларини ихтисослаштириш зарурлиги ҳақида гапирди. Сўнг шаҳарда умумий овқатланишни ривожлантириш проблемалари хусусида махсус диссертация ёзилганлигини, айтиб, сўзни ёш олим, собиқ ошпаз Миркомилга берди.

— Мен бу ерда диссертация ёки авторефератимни бошдан оёқ ўқиб бермоқчи эмасман. Бобма-боб қисқача характерлаб бераман. Хулосани ўзингиз чиқариб олаверасиз,— деб гап бошлади Миркомил.— Биринчи боб умумий қисмдан иборат бўлиб унда харидорларнинг эътиборини тортиш учун «Ошхона», «Кафе» деган умумий сўзлар ўрнига «Миллий таомлар», «Паловхона», «Мастава», «Лағмон» сўзлари ёзилган ошхоналар очиш, бунинг учун ошхоналарни ихтисослаштириш кераклиги ҳақида сўз боради.

Автор, камтарликка кирмаса ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, хўрандаларнинг психологиясини чуқур ўрганиб, ана шундай хулосага келди. Шу ўринда умумий овқатланишни ташкил этиш бўйича амалий ишларда психология фани ютуқларидан янада кенгроқ фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Шу пайт мажлис аҳли ўртасида ғовур-ғувур, шивир-шивир бошланди. Бош ошпазликка янги тайинланган ёшлардан бири луқма ташлади:

— Психологиясиз ҳам ишни қотираверамиз.

Мажлис раиси унга ҳўмрайиб қаради. Бошқалар ҳам ёш бош ошпазнинг фикрига ҳайрихоҳлик билдираётганини сезиб, ўрндан турди ва босиқлик билан изоҳ беришни лозим топди:

— Уша сен айтган «психология» бизга ҳар қадамда керак. Кеча ошхонамга борсам, паловидан пашша чиққан хўранда жанжал қилаётган экан. Узинг-ку, нима қилишингни билмай турувдинг. Менинг ишорам билан сергўшт қилиб қайтатдан сузиб келишди. Мен пашша деган махлуқни ёмонлаб, тозалик учун қандай курашаётганимизни айтдим, шунга қарамай ошга бир-иккита пашша тушиб қолиши эҳтимоли йўқ эмаслигини тушунтирдим, кўнглини кўтардим. Хўранда келтирилган ошни емади, қайтага менга раҳмат айтиб чиқиб кетди. Шунинг ўзи психология бўлади, галварс!

— Тушундим, кота ака, кечиринг...

— Гап бундай бўпти! Давом этинг,— у Миркомилга ишора қилди.

— Хуллас, бу бобнинг хулосалари илмий жиҳатдан тўла асосланган, психология фанида «тасаввур» деган категория бор. «Ошхона» сўзини ўқиганда хўранда миасида қандай тасаввур вужудга келади? «Ошхона» сўзи умумий маъно билдирувчи сўз, у хўрандада конкрет тасаввур ҳосил қилмайди. «Палов» деганда катта сопол лаганга сузилиб, устига устихон ва кип-қизил гармдори қўйилиб, кўкпиёз сепилган миллий таомни тасаввур қиласиз, оғзингизнинг суви келади! Ана кўрдингизми, баъзилар тамшанаяпти...

Иккинчи бобда таомларнинг турларига характеристика берилган, бир кишилик овқатнинг калорияси кўрсатилган, яъни тўйимлилик даражаси солинадиган масаллиги миқдорига қараб белгилаб берилган. Бу боб ҳақида тўхталмасак ҳам бўлади. Чунки, ҳаммамиз ошпазмиз, бировнинг ўратганини ёмон кўраемиз.

Учинчи боб «Яшасин бақлажон» деб аталади. Худди шу хусусда кўпроқ тўхталиб

ўтмоқчиман. Чунки, трестимиз планларининг бажарилиши шу бобдаги режаларнинг амалга оширилишига бевосита боғлиқ, деб ҳисоблайман.

Маълумингизким, бақлажондан пишириладиган икки-уч хил таомни биламиз. Биринчиси: бақлажон япроқ-япроқ қилиб тўғралиб, ёғда қовуриб «икра» тайёрланади. Уни нонга суриб еса... яхши кетади.

Иккинчиси: қайнатиб пиширилган бақлажонни ўртасидан ёриб, ичига қийма ва кўк солиб, яхши доғ қилинган ёғда бир оз қовуриб, сўнг димлаб қўйилади. Қийма ўрнига майдаланган саримсоқ пиёз солинса ҳам бўлади. Буниси... қулинг ўргилсин закуска!

Энди асосий масалага ўтайлик. Мен трестимизда ихтисослаштирилган «Лағмонхона» лар очишни таклиф қиламан. Лағмон хосиятли таом. У уч таркибий қисмдан — узун-узун ва юпқа қилиб кесилган хамир, устига солинадиган қайла ва шўрвадан иборат. Лағмон учун хамирни чўзиб ёки ёйиб, сўнг увра кескандек кесиб тайёрлаш ўрнига «мясорубка» га махсус мослама ўрнатилиб, ундан ўтказилади.

Иккинчи компоненти — шўрва. Тиниқ бульён тайёрлаш технологиясини яхши биласизлар. Лағмон учун шўрва тайёрлаш ундан ҳам осонроқ, чунки унга гўшт солинмайди. Таом тотлироқ бўлиши учун бир қозон сувга тўртта пиёз билан иккита суяк ташлаб қўйиш kifofa.

— Илмий-оммабоп шўрва деб қўяқолинг!

— Шундай десак ҳам бўлади... Илтимос, гапимни бўлманглар!

Учинчи компоненти — қайла. Лағмон қайласи тайёрлаш учун майда тўғралган гўшт ёки қийма, тўрт бурчак қилиб тўғралган сабзи ёғда обдан қовурилиб, бир оз сув солинади ва қайнатилади. Мен қайлага сабзи ўрнига бақлажон солишни таклиф қиламан. Қовурилган бақлажон ташқи кўринишидан гўштга ўхшайди. Бақлажонли қайлага номига гўшт солинса ҳам бўлаверади...

— Яшавор, олим!

— Яшасин бақлажон!..

Қарсақлар янгради, маъқуллаш овозлари эшитилди. Умумий овқатланиш тақдирини ҳал қилаётган одамлар диссертация муваффақиятли ёқланди деб ҳисобладилар. Архивларда топилмайдиган оғзаки қарор қабул қилинди.

Шундан кейин янги «Лағмонхона» лар очилди, уларда илмий-оммабоп шўрва, бақлажон қайла ва хамирдан лағмон тайёрлаб сотиш йўлга қўйилди. «Миллий таомлар» ошхоналарида лағмон етакчи таомга айланди.

Кейинчалик ҳаёт талаби билан лағмон тайёрлашда диссертация талабларидан бир оз чекинишга йўл қўйилди. Яъни, ошхоналар зиммасига суяк топшириш плани тушгач, илмий-оммабоп шўрвага суяк солинмайдиган бўлди. Рационализаторликда ошпазлар анойи эмас, лағмон учун қайла тайёрлашда кўпроқ томат паста ишлатадиган бўлишди.

Диссертант трест директорлиги даражасига кўтарилди. Кўп йиллар самарали иш олиб борди. Лекин ўтган йил ишонган одамларидан баъзилари соддалик қилиб, панд бериб қўйишди. Уларга қўшиб директорни бадарға, мол-мулкни мусодара қилишди. Яхшидан из қолади, деганларидек, у кишидан «Лағмонхона» лар қолди, бақлажон қайла ҳалиям хизмат қияпти.

Яшасин бақлажон!

Яшасин илмий-оммабоп шўрва!

## ҚАТРА ХАНДАЛАР

### ШАРОИТГА ҚАРАБ ЕЗИШ

Редактор: — Нега ҳажвиянғизнинг охирида, бу воқеа яна уч йилдан кейин содир бўлади, деб изоҳлагансиз, шу куннинг воқеалари ҳақида ёзсангиз бўлмасмиди?

Автор: — Ҳажвиям сизнинг газетангизда эълон қилингунча бемалол уч йил ўтади-да, ўртоқ редактор!

### УЙҚУЛИ ШЕЪР

— Биласанми дўстим, менинг бир қизиқ одатим бор-да. Шундан қутулишимга сен бирон маслаҳат беролмайсанми?

— Хўш, қандай одатинг бор?

— Шу десанг, ижод столига ўтириб, энди шеър ёзабошлашим билан беихтиёр қалингина қилиб жой солинган диван кўзимга кўринаверади-да.

— Айтдим-а, шеърларингни ўқиганим заҳоти мениям дарров мудроқ босиб, уйқу элитаверади деб. Сабаби буёқда экан-да!

Нормамат ТОҒАЕВ.

Ўзбекистон халқ шоири Рафур Гуломнинг «Яқун» («Итог»), «Сўнги йиллар шеърлари» («Стихи последних лет»), номли китоблари «Ленин мукофотига сазовор бўлган асарлар» сериясида нашр этилди. Атоқли шоирнинг мазкур тўпламига кирган шеърлар 1970 йилда шу юксак унвон билан тақдирланган эди. Ундаги шеърлар Константин Симонов, Владимир Державин, Римма Казакова, Сергей Северцов, Александр Наумов сингари шоир-таржимонлар томонидан рус тилига ўгирилган.

«Художественная литература» нашриёти.

Александр Лилов — атоқли болгар олими. Унинг марксча-ленинча эстетиканинг муҳим проблемаларини тадқиқ этган ишлари илмий жамоатчилик орасида кенг тарқалган. Олимнинг қатор асарлари совет ўқувчиларига ҳам яхши таниш. Александр Лилонинг совет ўқувчиларига тақдим этган «Бадий ижоднинг табиати» («Природа художественного творчества») монографияси бадий ижодни марксча-ленинча назария асосида таҳлил қилиш йўлида олим олиб борган изланишларнинг навбатдаги якунидир. Асарнинг бутун мазмуни буржуа ва ревизионистик концепцияларга қарши қаратилган. Санъат асарларининг изчил таҳлили Александр Лиловга хос бўлган кенг масштаб ва умумлашма асосида олиб борилади. Олим китобда бадий ижод жараёнининг бор мураккаблигини фалсафий ҳамда сиёсий-ижтимоий аспекти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилади.

«Искусство» нашриёти.

Убайд Законий, Муҳаммад Авфий, Фахриддин Али Сафий, Абул Фарождларнинг ҳикоят ва ривоятларида халқ донолигининг ранг-баранг кўринишлари ифодаланган. Уларнинг шу хилдаги асарларидан тузилган «Ҳикоят ва ривоятлар» тўплами фикримизни тасдиқлайди. Китобга киритилган ҳикоят ва ривоятлар фавқулодда хилма-хил, шаклан ановий, уларда энгил кулги аччиқ ҳажв билан, латиф шакл зукко фикр билан алмашиб туради. Аммо уларнинг ҳаммасига хос хусусият шундан иборатки, улар ота-боболаримиз тарихи, характери, кечмиш кунлари, орзую армонлари, дўсту душманлари, урф-одатлари, майлу ихтиёрлари, маданий алоқалари, ижтимоий табақалари, фалсафий фикрлари ҳақида яққол тасаввур беради. Мазкур китобга кирган ҳикоят ва ривоятларни Кибриё Қаҳҳорова тўплаб, таржима қилган.

Атоқли грузин ёзувчиси Нодар Думбадзенинг асарлари китобхонлар ўртасида машҳур. Унинг ўзбек ўқувчиларига ҳаётига тақдирланган мазкур китобига Ленин мукофотига сазовор бўлган «Абадият қонуни» ҳамда «Мен, бувим, Илико ва Илларион» романлари киритилган. Адибнинг «Абадият қонуни» романида эзгулик билан ёвузлик, одамийлик билан қабиҳлик, оқибат билан худбинлик каби азалий ва абадий мавзу хусусида фикр юритилади. Бу инсоний муносабатлар шу куннинг муҳим масалалари борасида бўлган кескин баҳслар асосида очилади. «Мен, бувим, Илико ва Илларион» асарида эса ҳаётда учрайдиган нуқсонлар ҳажв йўли билан қаламга олинади.

Рафур Гулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти.

Ёрқин истеъдод соҳиби Ҳамид Олимжон чақмоқдек чакнаган қисқа умрида ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири сифатида ғоят улкан ишларни амалга оширган. Бу ажойиб инсоннинг ҳаёти ва жўшқин ижодий фаолияти ёш авлодга ибрат намунаси бўладиган даражада улуғвор. Шу жиҳатдан Мели Норматовнинг «Шоир болалиги» қиссаси катта аҳамиятга эга.

Асарда шоирнинг қалбига илк бор гўзаллик уруғини сочган манзиллар, унга одамийлик борасида дастлабки сабоқларни берган кишилар тўғрисида ҳужжатларга суянган ҳолда сўз юритилади.

Ёзувчи Миркарим Осим тарихда ўтган улуғ аждодларимиз ҳаёти ва ишлари хусусида ҳикоя қилувчи асарлари билан китобхонлар меҳрини қозонган. Унинг навбатдаги асари — «Алжабрнинг туғилиши» ҳам нигоҳимизни олис тарих манзилига қаратади. Асар математика, хусусан, алгебра илми ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк ватандошимиз Ал-Хоразмий юрган йўллар ҳақида ҳикоя қилади.

Ёзувчи Фарҳод Мусажоновнинг бугунги ўзбек болалар адабиётида ўзига хос дастхати бор. Ижодкорнинг, қатор ҳикоя ва қиссаларида яратилган ёрқин характерлар «болалар дунёси»даги образлар сафини кенгайтди. Адибнинг эллик ёшга тўлиши муносабати билан, маълум маънода ижодий сарҳисоб сифатида, ҳикоялари ҳамда қиссаларидан тузилган «Турди, велосипед ва мен» номли китоби билан танишгандан сўнг бу фикримизга яна бир бор қўшилмасиз.

«Еш гвардия» нашриёти.

Журналимиз ташаббуси билан Тошкент область Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхозда ва Наманган районидаги Держинский номли колхозда «Шарқ юлдузи» кутубхонаси ташкил этилди. Яқин кунлар ичида Қорақалпоғистон АССР Элиқалъа районидаги ва Қашқадарё областидаги хўжаликларда ҳам шундай кутубхоналар ташкил этиш ниятимиз бор.

Редакция илтимосига кўра хурматли ёзувчиларимиз: Комил Яшин, Уйғун, Зулфия, Назир Сафаров, Сарвар Азимов, Иброҳим Раҳим, Жуманиёз Жабборов, Андрей Дементьев, Муҳаммад Али, Шароф Убайдуллаев, Уктам Усмонов, Худойберди Тўхтабоев, Владимир Богомоллов, Лола Тожиева, Зикрилла Эгамбердиев, Абдумажид Шомирзаев, Собит Мадалиев янги чиққан китобларини кўнгил сўзлари битилган дастхатлари билан кутубхоналарга лутфан тақдим этдилар.

**Қадрли ўртоқлар!**

Сизлар ҳам кутубхона ташкил этишдаги ишимизга ёрдам берасизлар деган умиддамиз. «Шарқ юлдузи» кутубхонасига» деб имзо чекилган китобларни редакциямиз адресига юборишларингизни кутамиз.

Турли хўжаликларда мана шундай кутубхоналар ташкил этиш адабиёт аҳли билан меҳнат аҳлининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, кенг халқ оммасининг бадиий адабиёт намуналари билан таништириб боришда муҳим роль ўйнаши шубҳасиздир.

На узбекском языке  
«Шарқ юлдузи»

(Звезда Востока)  
№ 2

Орган Союза писателей  
Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного  
Знамени типография издательства  
ЦК КП Узбекистана,  
Ташкент — 1984.

Редакцияга келган бир босма  
табоқча бўлган материаллар  
авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга  
«Шарқ юлдузи»дан олинди»,  
деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 8.12.83 й.  
Босишга рухсат этилди 20.01.84 й.  
Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Фотонабор. Офсет босма усули.  
Физ. листи 13.  
Шартли босма листи 18,55.  
Наشريёт ҳисоб листи 20,2.  
Тиражи 166684  
Заказ 2316  
P-05090

Ўзбекистон Компартияси Марказий  
Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил  
Байроқ орденли босмаҳонаси.  
Тошкент — 700029,  
«Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

Рассом О. Арутюнов.  
Тех. редактор М. Аҳмедов.  
Корректор А. Билолов.